

**А. ИСМОИЛОВ, О. МУРТАЗАЕВ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК  
ИҚТИСОДИЁТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**А. ИСМОИЛОВ , О. МУРТАЗАЕВ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ**

*Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлариаро  
илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан қишлоқ  
хўжалиги олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган*

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, иқтисод фанлари доктори , профессор **М. Ҳ.  
Хусановнинг** умумий таҳрири  
остида

Ўзбекистонда давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишдаги «Ўзбек модели»нинг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичликнинг мантиқий негизи республика «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тамойилларида ўз ифодасини топган.

Дарслик мамлакатимизда амалга оширилаётган ушбу эзгу ниятларни самарали йўллар орқали олиб боришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур дарсликда иқтисодиётнинг умумий масалалари, товар-пул муносабатлари, мулкчилик, хусусан, хусусий мулкчилик, унинг шаклланиши, ресурслар имконияти, уларни баҳолаш ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари иқтисодиётининг долзарб муаммоларини ўрганиш хусусиятлари тўлиқ ёритилган.

Дарслик олий ва ўрта махсус таълим тизимида иқтисодиёт, бошқариш, молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик технологиялари, агроном, зоотехник, аграр соҳани механизациялаш бўйича муҳандислар, ер тузувчи мутахассислар тайёрловчи ўқув юртлари ва факултетларида фойдаланиш учун тавсия этилади. Шунингдек, магистрлар, аспирантлар, илмий ходимлар, хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари, мутахассислари учун ҳам фойдадан холи эмас.

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ўқув режаси ва Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида тасдиқланган фаннинг намунавий дастури асосида тайёрланиб Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш хайъатида дарслик сифатида чоп этишга тавсия қилинган.

**ТАҚРИЗЧИЛАР:** К. А. Чориев - иқтисод фанлар доктори, профессор,  
Х.Х. Саидакбаров—иқтисод фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат аграр университети Иқтисодиёт ва бошқарув факультети декани

## МУҚАДДИМА

*Билимсиз кишига иш йўқ,  
Ишсиз кишига ош йўқ.  
Ўзбек халқ мақоли*

Инсоният тараққиёти тарихида ижтимоий ишлаб чиқариш, шу жумладан, товар-пул муносабатлари алоҳида ўрин тутди. Бу жараён жаҳондаги турли мамлакатларда ўзига хос, ўзига мос равишда амалга оширилади. Ўзбекистон босқичма-босқич шаклланиб, ривожланиб бораётган бозор муносабатлари мамлакатнинг тараққиёт даражасини, урф-одатлари, маданияти ва хоказоларни ҳисобга олган ҳолда, амалга оширилмоқда.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шаклланишида ислохотларнинг устувор йўналишлари, унинг назарий асослари, амалга ошириш хусусиятлари Республика Президенти асарларида, фармойишларида, қонунларида, Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларда баён этилган.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини барқарор ривожланишининг долзарб муаммолари Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш», «Ер тўғрисида», «Меҳнат тўғрисида», «Солиқ тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ва кодексларда ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамаси агросаноат мажмуининг ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган.

Бозор муносабатлари тизимини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган барча турдаги маҳсулотлар ва шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ҳамда молиявий ресурсларни шартнома асосида эркин баҳода харид қилиш муаммолари ижобий ҳал қилиниши, паст рентабелли, зарур кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалик корхонаси, ширкат хўжаликлари негизида хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликлари ташкил этилиши каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш самарадорлигини ошириш билан бирга маълум камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бу тасодифий ҳолат эмас, албатта. Кенг маънода бозор иқтисодиётига ўтиш ва унинг барқарор самарадорлигини таъминлаш маълум даврни талаб этади. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар янада чуқурлаштирилди.

Ҳозирги даврда бош вазифа—бозор иқтисодиёти қонунлари, механизмлари, категориялари талабларини ҳисобга олган ҳолда, кўпроқ, сифатлироқ ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, уларни иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини, шу жумладан, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни пасайтириш, сотиш баҳоларини такомиллаштириш харажатлар рентабеллигини ошириш имкониятларини қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Бу вазифа ҳар бир хўжалик раҳбарининг, мутахассиснинг, магистрлар, талабалар ва барча меҳнаткашларининг долзарб вазифасидир.

Ушбу дарсликнинг 5,6,7,8 - бобларини ёзишда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Иқтисодиёт ва бошқарув» кафедраси ўқитувчиси И. Қурбонов иштирок этган. Ушбу дарсликни нашрга тайёрлашдаги ўзларининг беғараз ёрдамлари учун Самарқанд қишлоқ хўжалик институти катта ўқитувчиси И. Ғаниев ҳамда шу институт ўқитувчилари Ш. Хасанов, Ф. Аҳоров ва Ғ. Ибрагимовларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ушбу дарсликнинг, магистр, аспирант, ўқитувчи, агросаноат мажмуи раҳбари ва мутахассислари учун мўлжаллаб ёзилган дастлабки адабиётлардан бири бўлганлиги учун ҳам камчиликлардан холи эмас, деб ҳисоблаймыз. Шунинг учун ҳам ўта тифиз ва қимматли вақтларини сарфлаб, ўзларининг адолатли ва беғараз фикр-мулоҳазаларини билдирган барча ўқувчиларга ўз миннатдорчилигимизни олдиндан изҳор қиламыз.

Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. E-mail: murtazaev @ uzpak.uz.

# І БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

## 1-БОБ. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ, ЎРГАНИШ УСЛУБЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

*«Фан тугал бир китоб бўлмаган ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам. Ҳар бир муҳим ютуқ янги саволларни тугдиради. Ҳар қандай тараққиёт вақт ўтиши билан янгидан-янги ва янада чуқурроқ қийинчиликларни юзага келтиради».*

**А. Эйнштейн**

### ***1. Фаннинг предмети ва вазифалари. Ўрганиш услублари***

Иқтисодиёт кенг маънода ишлаб чиқариш жараёнида кишилар иштирок этадиган ижтимоий муносабатларнинг йиғиндисидир. Бу муносабатлар объектив қонун ва қонуниятларга боғлиқ. Жамият ривожланишининг турли босқичларида ижтимоий ишлаб чиқариш қонунлари ва моддий бойликларни тақсимлашни иқтисодий назария ўрганади. Кишилар ўртасида иқтисодий муносабатларни ўрганиб, иқтисодий назария халқ хўжалигининг турли хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланмайди ва ўз олдига шуғулланишни вазифа қилиб қўймайди.

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» бошқа иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғланган. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти»нинг назарий ва услубий жиҳатдан базаси худди бошқа тармоқ фанлари каби иқтисодий назария ҳисобланади. «Иқтисодий назария» ишлаб чиқариш муносабатларини ва уларнинг иқтисодий қонунларда акс этишини, шунингдек, бу қонунлардан амалда фойдаланишни ўрганади. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланиш турларини, иқтисодий қонунларнинг ҳаракат қилиш механизмини, уларнинг намоён бўлиш шакллари беради. «Иқтисодий назария» билан «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» ўртасида ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш борасида фарқ бор. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида иқтисодий қонуниятларнинг умумий кўриниш хусусиятлари билан тармоқ иқтисодий фанлари шуғулланади: саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо, коммунал-хўжалик иқтисодиёти ва бошқалар. Иқтисодий фанларнинг бундай табақаланиши ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши билан

боғланган. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг ажралиши ҳам моддий ишлаб чиқариш асосий сфераси ҳисобланган қишлоқ хўжалигининг ажралиши билан боғланган. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» шундай фанки, у қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида объектив иқтисодий қонуниятлар ҳаракати ва уларнинг кўриниш шаклларини ўрганади. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатларни, ундаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мавжуд ширкат хўжаликлари, агросаноат комбинатлари, агрофирмалар, ижара жамоаларининг ривожланишини назарий жиҳатдан умумлаштиради.

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» қуйидаги аралаш фанларнинг ўргатиш услубиятларидан фойдаланади:

1. Агробизнесни ташкил қилиш ва режалаштириш.
2. Иқтисодий география.
3. Қишлоқ хўжалиги статистикаси.
4. Бухгалтерия ҳисоби.
5. Иқтисодий кибернетика.
6. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг таҳлили.
7. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари технологиясини иқтисодий баҳолаш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – тарихий фан. У жамият ривожланиши ва ўзгаришидаги қонуниятларни, уларнинг кўриниш шаклларини ўрганади. Воқеа-ҳодисаларни биргаликда ўзаро алоқадорликда ва сабаб-оқибатда акс эттирувчи тушунчалар – иқтисодий қонунларга таянган ҳолда, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти аниқ шароитда уларнинг ҳаракатини очиб беради, хўжалик шароитида улардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқади. Қишлоқ хўжалигида бутун халқ хўжалик тармоқлари сингари қуйидаги қонунлар тизими ҳаракат қилади:

1. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш.
2. Жамғариш.
3. Қиймат, талаб ва таклиф қонунлари.
4. Меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши ва бошқалар.

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг предмети кишиларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучлар билан ўзаро алоқадорлигида ва боғлиқлигида ўрганади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар табиий ва технологик фанларнинг ўрганиш предмети ҳисобланади. «Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти» ишлаб чиқариш муносабатларини ўргана бориб, ишлаб чиқарувчи кучлардаги ўзгаришларни ҳам акс эттиради. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти»нинг муҳим вазифаси лойиҳадаги ва қўлланиладиган машина, агротехника, мелиоратив ҳамда

бошқа тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади. Шу билан бирга иқтисодиётнинг табиий ва технологик фанлар билан алоқаси ўрнатилади. Шундай қилиб, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» қишлоқ хўжалик тармоғида ишлаб чиқариш муносабатларини алоқадорликда ўрганади. Бунда табиий техник ва бошқа аралаш фанлар тадқиқотлари натижаларига таянилади.

Борлиқни билиш усуллари фаннинг услубини ташкил қилади. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг асосида материалистик диалектика ётади. Бу услуб ҳодисаларни бир-биридан ажратмасдан, уларни бир-бирига боғлаб ўрганади. У ҳодисаларни тўхтовсиз ҳаракатда, ўзгаришда, янгиланишда ва ривожланишда, шунингдек, миқдор ўзгаришлардан сифат ўзгаришларига айланишида ўрганади. Қуйидан юқорига ҳаракатни қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши нуқтаи назаридан ўрганади. Бундан ташқари, иқтисодий материалларни ўрганишда иқтисодий тадқиқотларнинг турли усулларидан фойдаланади. Энг кўп қўлланиладиган услубларига статистик, аналитик, корреляция, дисперсия, регрессия, индекс ва бошқалар киради. Ундан кейингиси иқтисодий-математик услублар: симплекс, ишлаб чиқариш дедукцияси, икки ёқлама баҳолаш, тақсимот ва бошқалар. Алоҳида ижтимоий ҳодисаларни, илғор тажрибаларни ўрганишда монография услуби қўлланилади. Турли тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини асослашда тажриба услуби қўлланилади. Бундан ташқари, таҳлил ва синтез, хронометраж, танлаб текшириш, анкета сўроғи каби усуллардан ҳам фойдаланилади.

## ***2. Қишлоқ хўжалиги – аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжини қондириш асоси. Унинг ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари***

Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуининг юраги ҳисобланиб, мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғидир. У мамлакат аҳолиси учун ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий манбаи ҳисобланади. Дунё аҳли синтетик йўл асосида ёғ, оқсил ва углеводларнинг синтез қилиш ҳисобига янги озуқа ресурсларини излаш билан банд. Лекин бу маҳсулотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўрнини эгаллайди, деган гап эмас.

Шундай қилиб, **қишлоқ хўжалигининг ҳаётий муҳимлиги қуйидагиларда аниқланади:**

**Биринчидан,** у аҳолини озиқ-овқат билан таъминлайди, усиз кишиларнинг маънавий ҳаёти ва моддий ишлаб чиқариш амалга ошмайди.

Лекин давлат томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирларга қарамай мустақиллик арафасида моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи сфераси ҳисобланган қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бирмунча пасайди, аҳолининг озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, унинг тизимини такомиллаштириш кутилган натижаларни бермайди.

**Иккинчидан**, қишлоқ хўжалиги енгил ва озиқ-овқат саноати учун хом ашёнинг асосий массасини беради, яъни у тармоқларнинг маҳсулотини ҳам бевосита аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги саноатнинг ушбу тармоқларининг ишлаб чиқариш ҳажмини ва самарадорлигини аниқлайди. Тўқимачилик саноатида барча моддий харажатларнинг 40 фоизини, қанд саноати 70 фоизини, сут ва ёғ маҳсулотларида 80 фоизга яқинини қишлоқ хўжалик хом ашёси ташкил қилади. Ҳозирги вақтда мамлакат халқ истеъмолчи фондидининг 3/4 қисми бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотидан ёки қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотидан иборат.

**Учинчидан**, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мамлакат оғир саноатининг ривожланиш суръатига ва даражасига самарали таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги йирик миқдорда ишлаб чиқариш воситаларини истеъмол қилгани ҳолда, трактор, мелиоратив ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати, айниқса, минерал ўғит ишлаб чиқаришга фаол таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришга кетадиган моддий харажатларнинг асосий қисмини саноат етказиб берадиган ишлаб чиқариш воситалари (ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғит, омухта ем, асосий воситалар амортизацияси ва бошқалар) ташкил қилади.

**Тўртинчидан**, қишлоқ хўжалик меҳнат ресурсларини сафарбар қилиш сфераси сифатида катта аҳамиятга эга. Бу тармоқда 2000 йилда 3,7 млн. киши банд бўлиб, у халқ хўжалик фаол ходимларининг 38% ини ташкил этган. Ҳар йили қишлоқ хўжалиги ўз ходимларининг бир қисмини бошқа тармоқларга ўтказиб, иқтисодиётнинг бу тармоқларида иш кучини такрор ишлаб чиқаришга катта ҳисса қўшмоқда.

**Бешинчидан**, қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги роли яна шу билан аниқланадики, у умумхалқ масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган жамғаришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Бу тармоқда мамлакат халқ хўжалигида ташкил топган қўшилган қийматнинг 30 фоизга яқини яратилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган

товарларни сотишдан жами валюта тушумининг 40-50 фоизи ташкил топади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд: *қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг биринчи хусусияти шундан иборатки*, тармоқда ер-сув ресурслари, ўсимлик ва табиий ҳайвонот дунёси, тирик организмларнинг ривожланиши ва ўзгариш тезлигига боғлиқ. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёни объектив шароитларга, тирик организмларнинг ривожланиши ва ўзгариш тезлигига боғлиқ. Бу шарт-шароитлардан фойдаланиш деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор шакллари хамда ходимларга ҳақ тўлашни танлашда муҳим аҳамият касб этади.

*Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иккинчи хусусияти шуки*, бу тармоқда бош ишлаб чиқариш воситаси ер ресурслари ҳисобланади. Агар саноатда (қазилма саноатдан ташқари) ер корхоналарни жойлаштириш учун макон бўлиб хизмат қиладиган бўлса, қишлоқ хўжалигида эса, у асосий ва алмаштириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш воситасидир. Меҳнат жараёни ва маҳсулот ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигида бевосита ер, унинг сифати, ундан фойдаланиш жараёни билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ката ер майдонларида агрегатлар ёрдамида амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сув хамда энергетик ресурсларга талаб жуда юқори ҳисобланади.

*Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг учинчи хусусияти* юқорида келтирилган икки хусусиятдан келиб чиқади. Унда такрор ишлаб чиқариш иқтисодий жараёни табиат билан чамбарчас боғланган, маҳсулот ишлаб чиқариш биологик цикл билан боғлиқ.

*Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тўртинчи хусусияти* тупроқ-иқлим шароитига боғлиқлигидир. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги йиллар бўйича иқлим шароитига ва об-ҳавога қараб ўзгариб туради, бу эса, ўз навбатида чорвачиликнинг ривожланишига, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигига таъсир қилади. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, кўпгина қишлоқ хўжалик тармоқларида харажатларга тенг натижа олинмайди.

*Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бешинчи хусусияти шуки*, бу тармоқда сув ресурсларидан фойдаланиш муҳим рол ўйнайди.

*Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг олтинчи хусусияти* – бу ерда иш вақти билан ишлаб чиқариш даври мос келмайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш даври иш вақтидан ўзокқа чўзилади. Бу шу билан тавсифланадики, биологик жараён бевосита кишиларнинг иштирокисиз хам давом этаверади.

Масалан, кузги экинлардан, бугдойни етиштириш учун 200-230 кун талаб қилинади, иш вақти эса 25-30 кунни ташкил этади, холос. Ёмон об-ҳаво бўлса, иш вақти шунча қисқа бўлади. Капитал ва меҳнат ҳам шунга қараб сарфланади. Ишлаб чиқариш даври билан иш вақтининг мос келмаслиги қишлоқ хўжалигида ишларнинг мавсумийлигини келтириб чиқаради. Саноатнинг кўпчилик тармоқларида эса, меҳнатнинг сарфланиши тўхтовсиз амалга оширилади ва мавсумийликни камайтиради.

*Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг еттинчи хусусияти шуки*, бу тармоқ ўзининг ривожланиши жараёнида табиий ва иқтисодий шароитларига қараб ўзаро технологик боғлиқ бир неча тармоқ ишлаб чиқаришига ихтисослашади. Саноатда эса, корхоналар маълум бир маҳсулотнинг алоҳида қисмини ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

*Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг саккизинчи хусусияти* – бу ерда тайёр маҳсулот (ялпи маҳсулотнинг 20%) нинг бир қисми келгуси давр ишлаб чиқаришига, ишлаб чиқариш воситаси (Уруғ, ем-хашак, бузоқ ва ҳ.к)га киради. Шу ва бошқа сабабларга кўра асосий ҳамда айланма воситаларидан тўлиқ фойдаланиш муаммолари вужудга келади, айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг товарлилик даражаси саноатга нисбатан анчагина пасаяди.

Қишлоқ хўжалигининг келажакдаги ривожланиши бўйича турли хил қарашлар мавжуд. Ҳаммага маълумки, охириги йилларда мамлакат қишлоқ хўжалик тармоқлари чуқур инқирозга учраган.

Бу энг аввало, озиқ-овқат сифатини пасайиши ва етишмаслиги, ишлаб чиқаришнинг турғунлиги ҳамда серхаражатлилиги, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитининг барқарор ташкил топмаётганлигида намоён бўлмоқда. Айрим маҳсулотларнинг истеъмол балансида анчагина салмоқни четдан олинандиган маҳсулот ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ресурс потенциалидан фойдаланиши самарасиз ва атроф-муҳит учун зарарли бўлиб келди. Кўп туманларда тупроқ гумуси миқдори 30-40% га пасайган, унинг шўрланиш даражаси кучайган. Харажатларнинг рентабеллиги ҳам хорижий мамлакатларга нисбатан анча паст. Ижтимоий ривожланишнинг инфраструктура тизими анчагина орқада қолмоқда. Миграция жараёни давом этмоқда ва ҳ.к.

Қишлоқ хўжалигининг ўзоқ йиллар давомида турғунлиги ва инқирози сабаблари кўп, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- 1) Дехқонларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий камситилиши.
- 2) Ходимларнинг ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан ҳамда ишлаб чиқарилган

маҳсулотларидан узоқлашиши, мулкка эгаликнинг паст даражада ташкил топиши.

- 3) Директив режалаштириш ва баҳоларни белгилаш, маъмурий буйруқбозлик тизимининг давом этиши.
- 4) Чегараланган моддий-техник таъминоти ва молиялаштириш, қайта ишловчи саноатларда модди-техник ва технологиянинг орқада қолиши.
- 5) Фаннинг ролини тўғри баҳоламаслик, Фан-техника тараққиётидан фойдаланишнинг пастлиги. Классик иқтисодчилар, барча ривожланган жамиятларда ва кейин кўп қисми, энг аввало, деҳқончиликка ва кейин мануфактурага сарфланишининг самарадорлигини алоҳида кўрсатганлар.

Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, қишлоқ хўжалигини инқироздан чиқаришнинг асосий йўллари аниқланган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги амалга ошмоқда. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) Иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг муҳим қисми сифатида ер ислоҳотини аста-секин амалга ошириш. Ер ислоҳотининг маъноси – ерга бўлган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва ундан мулкнинг турли-туман шаклларида фойдаланиш.
- 2) Қишлоқда тақсимот муносабатларини ўзгартириш. Мулкни хусусийлаштиришнинг аҳамиятини камайтирмаган ҳолда, ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига хўжайинлик ҳиссини уйғотиб, улар томонидан яратилган маҳсулотларга ўзларининг эгалик қилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қандай мулк шакли бўлишдан қатъи назар, арзон меҳнат унумли бўлиши мумкин эмас. Буни хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди.
- 3) Мулк ва хўжалик юритишнинг янги шаклларини кўллаб-қувватлаш. Аграр тармоқнинг келажагида бир-бири билан рақобат ва ўзаро ҳаракат қиладиган, бир-бирини тўлдирадиган йирик, ўртача ва майда корхоналарни кўриш мумкин. Корхоналарнинг турли ўлчамлари хўжалик юритишнинг турли шаклларига мослашиб кетади. Асосан, деҳқон ва фермер хўжаликлари ривожланиши кенгайди.
- 4) Турли хўжаликларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хўжалик юритишнинг мавжуд шаклларини ўзгартириш, уларни демократик асосда ижара, ширкат (кооператив) ва акциядор

корхоналарга айлантириш, бунда бирламчи меҳнат жамоаларига ва алоҳида ҳар бир жамоа аъзосига мустақилликни ошириш.

- 5) Хўжалик юритишнинг бозор механизмидан фойдаланишга ўтиш, маҳсулот бозори, ишлаб чиқариш воситалари бозори, шу жумладан, ер, иш кучи ва қимматбаҳо қоғозлар бозори. Корхона даражасида горизантал, тўғри шартнома муносабатлар ривожланади. Давлат даражасида бошқаришнинг иқтисодий ричаглари (банклар, солиқлар, субсидия, кредит бериш шартлари) тавсифлайдиган кўрсаткичларнинг сақланиб қолишига ва дастурли ёндашишига олиб келади. Аста-секин маҳсулотлар талаб ва таклиф асосида эркин сотила бошлайди. Маҳсулотларни марказдан тақсимлаш қисқаради.
- 6) Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экологизация қилиш ва ресурсларни тежаш. Бу ерда муҳим ролни биотехнология, тупроқни химоя қиладиган технология, ўсимликларни химоя қилишнинг яхлитланган усуллари, қайта ишлашда чиқитсиз технология ва бошқалар ўйнайди.
- 7) Фаннинг роли ва унинг ишлаб чиқаришга таъсирини кучайтириш. У барча ресурсларни йирик комплекс мажмуаларига тўплаш йўли билан амалга оширилади.

Биринчи босқичда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йўқолишини максимал қисқартиришга барча ресурсларни жалб қилиш ва бунинг ҳисобига ялпи ишлаб чиқаришни ўстириш қўйилган. Иккинчи босқичда, ишлаб чиқаришни ўстириш қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, илғор хўжалик юритиш шакллари ривожлантириш ва бозор механизмидан фойдаланиш ҳисобига аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш қўйилади. Учинчи босқичда, аҳолининг барча озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган тўлов қобилиятини тўла қондириш, биологик жиҳатдан тўлақонли озиқ-овқатнинг кенг ассортименти ишлаб чиқариш учун база яратиш қўйилади. Ҳукумат томонидан тузилган дастурлар ўз ичига қишлоқни ижтимоий янгилашнинг кенг жабаҳасини олади: қишлоқ аҳолисининг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш, аҳолининг камдармадли гуруҳи учун ижтимоий (социал) товон тўлаш ва ҳ.к.

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топшириқнинг мазмуни**

1. Республика ва вилоятлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми аниқлансин.

2. Республика ва вилоятлар бўйича аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш учун зарурий меъёри даражаси ҳақиқий ишлаб чиқариш даражаси билан таққослансин.

### Топшириқ шarti

1-жадвал

### Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишнинг тиббий меъёри

Маҳсулот тури	Илмий асосланган тиббий меъёр, кг.
1. Нон ва нон маҳсулотлари (унга айлантирилганда)	
2. Гўшт маҳсулотлари (сўйилган вазнда)	
3. Сут ва сут маҳсулотлари	
4. Тухум (дона)	
5. Картошка	
6. Мева	
7. Узум	
8. Сабзавот ва полиз	

2-жадвал

### Топшириқни бажариш учун керакли маълумотлар

Вилоятлар	Аҳоли 1,1 ҳолати	Ишлаб чиқарилган, минг тонна								
		Нон ва нон маҳсулотл ари	Картошка	Сабзавот	Мева	узум	Гўшт	Сут	Тухум	
1. Қорақалпоғистон Республикаси										
2. Андижон ва бошқ Республика бўйича										

3-жадвал

**Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик  
маҳсулотлари**

Вилоятлар	1/1 Аҳоли ҳолати	Ишлаб чиқарилган, кг.									
		Нон ва нон маҳсулотл ари	Картошка	Сабзавот	Мева	узум	Гўшт	Сут	Тухум		
1. Қорақалпоғистон Республикаси											
2. Андижон ва бошқ											
Республика бўйича											

**4-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар бўйича аҳоли жон бошига  
ишлаб чиқарилган маҳсулотларни илмий асосланган меъёрларга  
таққослаш**

	Ўлчов бирлиги	Аҳоли жон бошига тўғри келган					Таъминланиш даажаси, %	
		Ишлаб чиқар.меъёри	Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган		Кўп(+), Кам(-)		Респ.	Самарқанд
			Респ.	СамарқАнд	Респ.	СамарқАнд		
Нон								
Картошка								
Сабзавот								
Мева								
узум								
Гўшт								
Сут								
Тухум								

**Саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигининг халқ хўжалигидаги аҳамияти қандай?
2. Қишлоқ хўжалигининг бозор иқтисодиёти шароитида республика иқтисодиётидаги роли қандай?
3. Фаннинг предмети ва вазифалари нималардан иборат?
4. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлардан фарқ қиладиган томонлари нималардан иборат?

## **2-БОБ. Агросаноат мажмуи ва унинг ривожланиши**

*«Уч нарса миллатни буюк ва саховатли қилади: ҳосилдор ер, ривожланган саноат ҳамда одамлар ва товарлар ҳаракатининг энгиллиги».*

**Ф. Бекон**

### **1. Агросаноат мажмуи тушунчаси, унинг мақсади ва таркиби**

Бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалиги тармоқларининг, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқа тармоқлар ишлаб чиқариш фаолиятига чамбарчас боғлиқ. Сабаби, бир тармоқнинг пировард маҳсулоти бошқа бир тармоқ учун ишлаб чиқариш воситаси ёки хом ашёси бўлиб хизмат қилади ва унинг тармоқ учун бирламчи қайта ишлаш ёхуд маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш хизматини вужудга келтиради.

Қишлоқ хўжалиги бир томондан, техника, қишлоқ хўжалик машиналари, ёқилғи-мойлаш материаллари, заҳарли кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва транспорт воситалари етказиб берувчи саноат ҳамда иккинчи томондан, таъмирловчи, сақловчи, етказиб берувчи, яъни хизмат қилувчи тармоқлар ва ишлаб чиқарувчилар билан боғланган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан хом ашё сифатида фойдаланувчи, саноатнинг озик-овқат, энгил, тўқимачилик каби тармоқлари билан ҳам мустаҳкам алоқа мавжуд.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасида бундай алоқадорлик улар базасида, органик жиҳатдан алоқадор бўлган ва ягона пировард мақсадга қаратилган агросаноат мажмуи шаклланувини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, агросаноат мажмуи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан, унинг ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш орқали боғланган халқ хўжалиги тармоқларининг тўпламидан иборатдир. Унинг фаолияти минимал харажатлар ҳисоби мамлакат аҳолисини озик-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан тўлароқ қондиришга қаратилган.

Агросаноат мажмуининг асосий ижтимоий-иқтисодий мақсади қуйидагилардан иборат:

- Мамлакатнинг озик-овқат муаммосини ҳал қилиш ва унга бўлган истеъмолни илмий асосланган меъёрларга яқинлаштириш.

- Аҳолини қишлоқ хўжалик хом ашёсидан тайёрланадиган озиқ-овқат бўлмаган товарларга бўлган талабини қондириш.
- Агросаноат мажмуи корхоналарини ривожлантиришнинг интенсив шаклига ўтказиш ва шу асосда пирвоард маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришни таъминлаш.
- Барча тармоқ ва корхоналарда мавжуд ресурслар потенциалидан фойдаланишни яхшилаш ва шу асосда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.
- Ташқи савдо айланмаси тузилмаси ни озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ четга чиқариш ҳисобига ўзгартириш.

**Биринчи соҳага** қишлоқ хўжалигини таъминлайдиган саноат тармоқлари, шунингдек, енгил, озиқ-овқат саноати ва ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш тизими киради. Саноатнинг бу тармоқлари ишлаб чиқариш жараёнини ресурслар билан таъминлайди, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш учун ва тайёрловчи тизим ҳамда қайта ишловчи саноатда техника тараққиёти учун база яратади. Бундан ташқари, саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг даврийлигини таъминлангани ҳолда, қишлоқ хўжалигига хизмат қилишнинг кўп вазибаларини ўз зиммасига олади. Шу асосда мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатдан қайта қуриш рўй беради ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш амалга ошади.

Деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришларни ўз ичига олувчи бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши агросаноат мажмуи **иккинчи соҳасининг** асосий бош қисми ҳисобланади. Бундан ташқари, бу соҳага гўшт, сут ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини бирламчи қайта ишлайдиган ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни техника билан таъминлайдиган корхона ва ташкилотлар киради.

Агросаноат мажмуининг **учинчи соҳасига** пахта ва дон маҳсулотлари, мелорация ва сув хўжалиги корхона ва ташкилотлари, балиқ ва ўрмон хўжаликлари, матлубот жамиятлари киради.

Мамлакат агросаноат мажмуига тармоқ белгиси бўйича қуйидаги бир қанча кичик мажмуаларни киритиш мумкин: дон ва пахта маҳсулотлари, гўшў, сут, мева-сабзавот, узум саноатлари, балиқ консерва ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги нафақат агросаноат мажмуида, балки бутун халқ хўжалигида алоҳида ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжини қондиришнинг бош манбаи ҳисобланади. У бошқа соҳада ишлаб чиқарилмайди ёки бошқа маҳсулот билан алмаштирилмайди.

Қишлоқ хўжалигида ер, ўсимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар каби ўзига хос бўлган ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланилади. Бу ерда такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жараёнлари табиий жараёнлар билан қўшилиб ктади.

Шунинг учун агросанат мажмуининг биринчи соҳаси ишлаб чиқариш тармоқлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёни ҳаракати ва уни интенсивлаштиришни тезлаштириш учун қулай шароитни таъминлашлари керак. Ўз навбатида агросанат мажмуининг бу соҳаси тармоқлари, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси ва суръати қишлоқ хўжалигининг моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигининг махсус техникаларига, пахта териш машиналарига, автоматлаштириш воситаларига, омухта-ем ва микробиология саноати маҳсулотларига кимёлаштириш воситаларига, ҳайвонларни, маҳсулотларни сақлаш учун объектлар кўрилишига ва бошқаларга эҳтиёжи ўсиб бормокда.

Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши мос равишда пировард маҳсулотни тайёрлаш, сақлаш, ташиши, қайта ишлаш ва сотиш бўйича тармоқлар ривожлантиришни талаб қилади.

## ***2. Агросаноат мажмуи тармоқлари ўртасида ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқалар***

Агросаноат ишлаб чиқаришида бешта ўзаро алоқадор бўлган босқич белгиланади:

- Агросаноат мажмуининг барча тизими учун ишлаб чиқариш воситалари тайёрлаш.
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши.
- Қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан тайёрланадиган истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш.
- Тезкор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида ишлаб чиқариш-техникавий ва технологик хизмат кўрсатиш.
- Пировард маҳсулотни сотиш.

У ёки бу тармоқни агросанат мажмуига тегишли дейиш анча мураккаб масала бўлиб, саноатнинг айрим тармоқлари қишлоқ хўжалиги йўналишида фаолият кўрсатади. Кўпчиликлари эса, қишлоқ хўжалиги учун қисман маҳсулот ишлаб чиқаради. Агросанат мажмуини ягона бир тизим шаклида тавсифлаб шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги саноат, қурилиш,

транспорт, савдо ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан доимо мустаҳкам алоқада бўлиб келган.

Лекин, агросаноат мажмуининг ташкил топиши қишлоқ хўжалигининг ягона такрор ишлаб чиқариш жараёнига бирлашган аралаш тармоқлар билан алоқасининг сифат жиҳатдан янги даражадаги кўринишидир.

Агросанат мажмуи шаклланишининг асоси бўлиб агросаноат интеграцияси ҳисобланади. У қишлоқ хўжалиги, унга хизмат қилувчи ва унинг маҳсулотини истеъмолчига етказиб бериш билан шуғулланадиган бошқа тармоқлар билан органиқва ишлаб чиқариш алоқаларини кучайтириш жараёнини ифодалайди. Агросанат интеграцияси ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг натижаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро мустаҳкам алоқаси ҳам шу асосда ўрнатилади. Ана шундан, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг натижаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро мустаҳкам алоқаси ҳам шу асосда ўрнатилади. Ана шундан, ишлаб чиқариш техникавий, агрокимё хизмати, мелиоратив ишлар, ветеринария хизмати каби тармоқ ва корхоналарнинг вазифаси келиб чиқади. Қишлоқ хўжалиги агросанат мажмуининг бошқа тармоқлари билан маҳсулотни сотиш ва қайта ишлаш соҳасидаги алоқаларни янада кучаяди.

Кўп тармоқли ишлаб чиқариш тизимининг самарали фаолияти асосан, куйидаги икки омилга боғлиқ:

- ресурслар, ривожланиш суръати ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича тармоқларнинг мувофиқлашуви (мослашуви);

- пировард натижани мақсад қилиб қўйган ҳар бир звенонинг фаолиятига.

Ҳар бир оралиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми, шу маҳсулотни истеъмол қилувчи звенонинг талаби билан аниқланади. Бу босқичда бутун бир комплексни ривожлантиришнинг зарурий пропорционаллиги ва бир текислиги таъминланиши лозим.

Асосий фондларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар, ўз маҳсулотларини қишлоқ хўжалигига ва қайта ишловчи корхоналарга етказиб берадилар. Уларнинг эътибори нафақат ҳар бир мажмуа звеносининг талаби қондиришга, балки уларнинг агросанат ишлаб чиқаришининг босқичлари бўйича нисбатлари оптималлагини таъминлашга ҳам қаратилгандир. Акс ҳолда, агросанат мажмуи ривожланишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ташиши, сақлаш ва истеъмолчига етказиб бериш жараёнида катта йўқотишларга олиб келувчи диспропорцияни келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрлашни, сақлашни ва қайта ишлашни амалга оширувчи агросанат мажмуининг учинчи соҳаси

тармоқлари моддий-техника базасини такомиллаштириш зарурдир. Бу соҳа фонд етказувчи тармоқлар билан, шунингдек , ўсимликчилик ва чорвачилик билан тармоқлараро алоқаларида мақбул (оптимал) нисбатга риоя қилиши зарур.

Агросанат мажмуи тармоқлари ўртасида иқтисодий алоқалар маҳсулот ва хизматларга объектив ўрнатиладиган баҳоларнинг мақбул(оптимал) даражаси ёрдамида амалга оширилади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари ўртасидаги фарқ меъёрий-иқтисодий алоқани кийинлаштиради ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга ва пировард маҳсулотни сотишга имкон бермайди.

### ***3. Агросаноат мажмуининг иқтисодий ва ижтимоий самодорлиги***

Агросаноат мажмуига кирувчи барча тармоқларнинг энг асосий вазифаси –пировард маҳсулотга кетган жами харажат сарфини пасайтириш. **Қишлоқ хўжалигида пировад маҳсулот** деганда, тармоқдан ташқари бевосита истеъмолчига ёки саноатда қайта ишлаш учун сотиладиган маҳсулот тушунилади.

Маҳсулотнинг тармоқ ичида обороти (айланиши) пировард натижада ифодаланмайди. У бу ерда оралик маҳсулот бўлиб намоён бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг саноатда қайта ишланмасдан туриб, аҳоли истеъмолига тушадиган қисми (ғалла, сабзавот, картошка, сут, гўшт ва бошқалар) агросанат мажмуи пировад маҳсулотига қўшалади.

Қишлоқ хўжалиги, энг аввало, қайта ишловчи саноат учун хом ашё, материал ишлаб чиқаришга асосланади, унинг фаолиятининг иқтисодий натижалари эса, тармоқлараро баланс шартлари билан аниқланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пировард натижаси агросаноат мажмуи нуқтаи назаридан қараганда оралик натижа ҳисобланади.

Бутун агросанат мажмуининг сифатли ҳаракат қилиши фақат қишлоқ хўжалик фаолиятигагина боғлиқ бўлмай, пировард маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришда иштирок этадиган барча звенолар ишларининг сифатли ҳаракат қилишига боғлиқ.

Агросаноат мажмуининг пировард маҳсулоти маълум бир вақт давомида яратилган ва шахсий ёки ишлаб чиқариш истеъмолига тушадиган жами маҳсулотнинг тўпламидир. Натура шаклда пировард маҳсулот куйидагилардан ташкил топади:

- бевосита аҳолига тушадиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уни қайта ишлаш предметлари;
- агросанат мажмуи биринчи соҳаси тармоқлари маҳсулотлари.

Агрсоноат мажмуи пировард маҳсулотнинг таркибий тузилиши алоҳида тармоқлар маҳсулоти қийматини жами ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига бўлиб фоизларда аниқланади. Пировард маҳсулот қиймати таркибининг ўзгариши агросаноат мажмуидаги аниқ тармоқлар маҳсулотлари, товар ва хизматларининг ошиши ёки пасайишига боғлиқ.

Агрсоноат мажмуидаги корхона ва ташкилотлар пировард маҳсулот таркибига барча товар маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми, шунингдек, ходимларга берилган ёки сотилган ҳамда умумий овқатланишга ва хўжаликдаги бошқа заруриятларга фойдаланилган маҳсулотлар киради.

Пировард маҳсулот (ПМ), ялпи маҳсулот (ЯМ) (товар ва хизматлар) ҳажми билан аниқ тармоқда бевосита истеъмол (И) учун фойдаланилган унинг маълум бирт қисми ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланилади:

$$ПМ=ЯМ-И$$

Агрсоноат мажмуи пировард маҳсулотнинг қиймати (ПМҚ) - қишлоқ хўжалигида яратилган соф маҳсулот қийматидан ( $СМҚ_{к/х}$ ) озиқ-овқат, енгил саноат тармоқлари соф маҳсулоти қийматининг ( $СМҚ_{о/о.е}$ ), шунингдек, транспорт, алоқа ва муомала соҳалари соф маҳсулоти қийматининг ( $СМҚ_{т.а.м.}$ ) бир қисмидан ташкил топади.

$$ПМҚ = СМҚ_{к/х} + СМҚ_{о/о.е} + СМҚ_{т.а.м}$$

Агрсоноат мажмуининг самарали кўрсатиши учун тармоқлар моддий-техника базасининг меъёрда бўлишигина эмас, балки шу мажмуага кирувчи барча соҳаларнинг пропорционал ривожланиши катта аҳамиятга эга. Агрсоноат мажмуидаги барча фаолиятларнинг натижаси қишлоқ хўжалиги билан мажмуанинг бошқа тармоқ ҳамда ишлаб чиқаришлари ўртасидаги мувофиқлиги ва ривожланиш билан аниқланади.

Агрсоноат мажмуи муваффақиятли ривожланишининг муҳим шарти барча катнашувчиларнинг пировард маҳсулот олишдаги моддий манфаатдорлиги ҳисобланади. Бу шарт, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитда агросаноат мажмуи тармоқлари фаолиятидаги юқори фаолиққа айланади, чунки қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари баҳолари ўртасидаги, чунки қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари баҳолари ўртасидаги номувофиқлик бунга асосий сабаб бўлади. Агрсоноат мажмуи ишлаб чиқариши ва асосий сабаб бўлади. Агрсоноат мажмуи ишлаб чиқариши ва тармоқларининг иқтисодий самарадорлиги алоҳида соҳалар фаолиятлари даражаси ҳамда пировард маҳсулотларини акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар тизими орқали тавсифланади. Агрсоноат мажмуи самарадорлигининг асосий кўрсаткичи, аҳоли жон бошига тўғри келган қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан олинадиган озиқ-овқат ва нозиқ-овқат

товарлари миқдори ҳисобланади. Бу бошқача қилиб айтганда, мамлакат аҳолисини ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш маҳсулоти ҳисобланган, яъни енгил ва тўқимачилик саноати маҳсулолари билан таъминлаш даражасидир.

Агросаноат мажмуи самарадорчилигини тавсифлаш учун ўртача бир ходимга ва бир сўмлик ишлаб чиқариш харажатларига тўғри келган пировард маҳсулот қиймати ва бир сўмлик асосий ишлаб фондларига тўғри келган пировард маҳсулот қиймати кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш қуйидаги формула шаклида ифодаланди:

$$MU_{ACM} = \frac{ПМ}{ХС};$$

$$C_{ACM} = \frac{ПМ}{И/ЧХ};$$

$$ФҚ = \frac{ПМ}{АИ/ЧФ};$$

Бу ерда,  $MU_{ACM}$  – Меҳнат унумдорлиги, сўм;

$C_{ACM}$  – Самарадорлик, сўм;

ФҚ - Фонд қайтими, сўм;

ПМ - -Пировард маҳсулот, минг сўм;

ХС – Ўртача йиллик ходимлар сони, минг, киши;

И/ Ч Х – Ишлаб чиқаришга харажатлари, минг сўм;

АИ/Ч Х – Асосий ишлаб чиқариш фондлари, минг сўм.

Агросаноат мажмуи фаолиятининг самарадорчилигини ошириш мақсадида оралик ва пировард натижа ўртасида узулишга йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун агросаноат мажмуи барча тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни пропорционал ҳамда мувофиқ ҳолатда ривожлантиришни таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, пировард маҳсулотни олишда ходимларнинг моддий манфаатдорчилигини ошириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш зарур.

Агросаноат мажмуини самарали ривожлантириш ҳар бир соҳа, тармоқ ва ишлаб чиқариш ходимларига меъёрий шароитларни таъминлаш учун зарурий шарт-шароитларни яратди. Бу ишлаб чиқаришдаги шикастланишларни ва ходимлар касалланишини камайтириш, меҳнат ресурсларидан

фойдаланишни яхшилаш билан хусусиятлидир. Агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотларда ижтимоий-маданий объектларни куриш, ишлаш ва дам олишда ижтимоий шароитни яхшилаш, кадрларни такрор ишлаб чиқариш учун имконият мавжуд .

#### ***4. Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги***

*Иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси.* Иқтисодий хавфсизлик деганда, мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг шундай ҳолатини тушуниш керакки, қайсики, унда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва иқтисодиётнинг мустақкам ривожланиши ташқи омилларнинг мавжудлиги ҳамда ҳаракатига боғлиқ бўлмаган ҳолда, таъминланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакатни мавжуд салоҳиятлар, ресурслар билан таъминлаш ҳамда аҳолини ички ва ташқи шароитларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, илмий жиҳатдан асосланган тиббий меъёрлар даражасида озиқ-овқат маҳсулотларига кафолатлаш демакдир. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш потенциал хавфнинг аниқ ва истиқболдаги ҳолати, шунингдек, аҳолини озиқ-овқат товарлари билан таъминлашнинг самарали тизимини яратиш тўғрисидаги билимларни юзага келтиради.

Озиқ-овқат билан ўзини-ўзи таъминлаш – бу давлатнинг ички эҳтиёжини озиқ-овқатнинг барча турлари ҳамда алоҳида маҳсулот турлари билан ҳам таъминлаш, қоплаш қобилиятидир.

Озиқ-овқат хавфидан келадиган иқтисодий зарар бевосита ва билвосита йўқотишлар бўлиб, у қуйидагилар билан боғлиқ:

- таъминловчи тармоқлар ва агросаноат мажмуи тизимлари ва элементларининг бузилиши;
- озиқ-овқат маҳсулотларига оширилган баҳолар бўйича импорт тўловлари;
- меҳнатга яроқли аҳолининг камайиши ҳисобига меҳнат иқтисодий самарадорлигининг пасайиши.

*Озиқ-овқат қарамлиги ва озиқ-овқат мустақиллиги.* Мамлакатда озиқ-овқат мустақиллиги. Мамлакатда озиқ-овқат қарамлиги шундай ҳолатда вужудга келадикки, унда жамият ўз озиқ-овқат хавфсизлигини ўзи мустақил ҳал қилиш қобилиятига эга бўлмайди. У кишлоқ хўжалиги, саноат ва транспорт каби тармоқлар мажмуининг бузилишига, шунингдек, зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари импортига мамлакат иқтисодиётининг тўловқобилиятли эмаслигига асосий сабаб бўлади. Озиқ-овқат қарамлигининг пайдо бўлиши учун асосий шароит давлатнинг хусусий

ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватламаслиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши бўлиб ҳисобиланади.

Озиқ-овқат мустақиллиги бу аҳолини ўрнатилган овқатланиш меъёрлари бўйича озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун энергия, ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги машиналари, моддий ресурсларнинг стратегик захиралари мавжудлигини тақозо қилади. У амалга ошириш учун агросаноат мажмуи аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари турларига бўлган талабини зарурий миқдорда ва ассортиментда мустақил ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва таъминлашга қодир бўлиши керак.

*Озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси.* Озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси қуйидагиларни тақозо қилади:

- Агросаноат мажмуи меҳнат ресурсларига нисбатан протекционистик тадбирларни ўтказиш ва аҳолининг турли қатламлари учун давлат таъминотига эришиш.
- Ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш тизимида меҳнат ресурсларининг оптимал балансини қўллаб-қувватлаш.
- Агросаноат мажмуи тизимини энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларга йўналтириш.
- Агросаноат мажмуи фаолияти таъминоти ва давлат режалаштириш тизимларининг ҳаракат қилиши.

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топшириқнинг мазмуни**

1. Агросаноат мажмуи пирвард маҳсулотининг қиймати аниқлансин.
2. Агросаноат мажмуи пирвард маҳсулотининг самарадорлиги аниқлансин.

1-жадвал

### **Агросаноат мажмуи тармоқлари пирвард маҳсулоти**

Тармоқлар	Пирвард маҳсулот	Салмоғи
1. Қишлоқ хўжалигида яратилган соф маҳсулот қиймати.		
2. Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари соф маҳсулоти қийматининг бир қисми		
3. Транспорт, алоқа ва муомала соҳалари соф маҳсулоти қийматининг бир		

қисми		
Жами		

2-жадвал

**Агросаноат мажмуи тармоқларининг самарадорлигини белгиловчи  
кўрсаткичлар**

Кўрсаткичлар	Пировард маҳсулот, минг сўм	Ўртача йиллик ходимлар сони, киши	Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм	Асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, минг сўм
1	2	3	4	5
1. Қишлоқ хўжалиги.				
2. Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари.				
3. Транспорт, алоқа ва муомала соҳалари.				
Жами				

3-жадвал

**Агросаноат мажмуи пировард маҳсулотининг самарадорлиги**

Кўрсаткичлар	Қишлоқ хўжалиги	Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари	Транспорт, алоқа ва муомала соҳалари	Жами
1	2	3	4	5
1. Меҳнат унумдорлиги (1 кишига тўғри келган пировард маҳсулот)				
2. Самарадорлик (1 сўмлик ишлаб чиқариш харажатларига тўғри келган пировард маҳсулот қиймати)				
3. Фонд қайтими (1 сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматига тўғри келган пировард маҳсулот қиймати)				

**Саволлар?**

1. Агросаноат мажмуи деб нимага айтилади?
2. Агросаноат мажмуининг таркибий тузилиши қандай?
3. Агросаноат мажмуининг соҳалари деганда нимани тушунаси?
4. Агросаноат мажмуининг пировард маҳсулоти ўз ичига нималарни олади?

### 3-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

*«Ўзбекистонда демографик вазиятнинг ўзига хослиги, инсон салоҳиятининг ривожланиши ижтимоий инфраструктурани, энг аввало, соғлиқни сақлаш ва аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни тегшилидаражада ривожлантиришни ҳам талаб қилмоқда».*

**И.Каримов**

#### ***1. Қишлоқ хўжалигида инфратузилманинг моҳияти ва аҳамияти.***

Агросаноатда ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси нафақат бевосита қишлоқ хўжалигининг ривожланиши даражасигина эмас, балки унга хизмат қилувчи тармоқларнинг ҳам ривожланиши даражасига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ҳажмининг кўпайиши билан бирга моддий-техника ресурсларидан, зарур хом ашёлардан, ёрдамчи материаллардан ва бошқалардан фойдаланиш миқдори ўсиб боради. Хўжаликларнинг электрэнергияга, транспортга, алоқа воситаларига, маҳсулотни сақлаш учун омборлар ва бошқаларга бўлган эҳтиёжи ортиб боради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг техника-таъмирлаш хизматиغا, моддий-техника таъминоти ташкилотига, муҳандислик, зооветеринария, агрокимё хизмати ва бошқа хизматлар боғлиқлиги ўсади. Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг зарур миқдорини олишга мослашган тармоқ ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш билан бир қаторда маҳсулотдан самарали фойдаланишни таъминловчи ва уни истеъмолчига етказиб берувчи ташкилотларни ривожлантириш ҳам муҳимдир. Иқтисодиётда бундай тармоқлар ва хизматларнинг тўпламини **инфратузилма** деб аташ қабул қилинган.

Инфратузилма деганда, иқтисодий ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг меъёрий шароитларини таъминлашга қаратилган комплекс тармоқ ва ишлаб чиқаришлар тушунилади. У ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган технологик, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ташкилий алоқаларни амалга ошириш йўли билан агросаноат мажмуининг самарали ҳаракат қилишга имкон беради.

*Инфратузилма жамият ишлаб чиқарувчи кучларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У корхона ва ташкилотларнинг самарали фаолиятини*

таъминлайди ва агросаноат мажмуининг кўпроқ ва сифатлироқ пировард маҳсулот олишига йўналтирилган.

Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш пировард натижада бир томондан асосий ишлаб чиқариш фондига ва айланма воситалар, техника, жихозлар ва малакали меҳнат ресурслари билан таъминлаш даражасига ҳамда иккинчи томондан хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқариш ва хизматларнинг даражасига боғлиқ. Булар ичида агрокимёвий, зооветеринария, консултатив, ахборот ва бошқа хизматлар муҳим рол ўйнайди.

Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Хом ашё, материаллар, тайёр маҳсулотларнинг ўз вақтида етказиб берилиши кўп жиҳатдаи хўжалик айланмасида бўлган ресурслар ҳажмини аниқлаб беради. Инфратузилма тармоқларини вужудга келтиришнинг бош шарт-шароити мамлакат иқтисодий салоҳиятининг умумий ўсиши ҳисобланади. Агросаноат мажмуи инфратузилмасини анча тез ривожлантиришнинг зарурияти унинг таркибига кирувчи тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ўстириш омилларининг ўзгариши билан боғлиқ.

Индустрлаштириш, кимёлаштириш, мелиорация ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларини жадаллик билан ривожлантириш, фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларини миқдор жиҳатдан кўпайтиришгагина эмас, балки моддий-пул ресурсларидан анча самаралироқ фойдаланишни таъминлайдиган хизматлар тизимини ташкил қилишга таъсир кўрсатади.

Бозор мунособатларининг ривожланиши шароитида инфратузилма тармоқлари ва ишлаб чиқаришнинг вазифалари деярли ўзгаради. Қишлоқ хўжалигини моддий ресурслар, техника ускуналар билан таъминлаш тизими ташкил топади.

Агросаноат мажмуи корхоналарига моддий ресурсларни сотиш бўйича ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ва хизматлар базасида турли хил ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари, ширкатлар ва бошқалар ривожлантирилади.

Моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳим вазифаси қишлоқ хўжалиги корхоналарини аста-секин ишлаб чиқаришга хизмат қилиш бўйича вазифаларни бажаришдан озод қилиш ва асосий ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтириш ҳисобланади. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб бориш ва асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини яхшилаш учун меъёрий шароитни яратишга қаратилган.

Инфратузилмага кирувчи тармоқлар, ишлаб чиқариш жараёнига бир хил таъсир кўрсатмайди ва ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш тизимида ўзига

хос ўрнини эгаллайди. Шу боисдан инфратузилма тармоқларини, уларнинг асосий белгилари бўйича гуруҳлаш амалий аҳамиятга эга. Инфратузилмаларни турлаш алоҳида элемент сифатида ҳам ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизимида бир бутун тармоқ сифатида уларнинг ўрнини аниқлаш имконини беради. У тармоқлараро алоқаларни ўрганишга ҳамда асосий ишлаб чиқариш тармоқлари ва хизмат қилувчи тармоқлар ўртасида оптимал нисбатни аниқлашга ёрдам беради.

Инфратузилма элементларининг кўп томонлама ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда, уни аниқ бир белги бўйича турлаш қийин муаммо. Агросаноат мажмуи инфратузилмасининг барча элементларини тўртта белги бўйича куйидагича гуруҳлаш тавсия этилади:

1. Ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси бўйича:

- а) Ишлаб чиқариш.
- б) Ижтимоий.

2. Худудий белги бўйича:

- а) Халқ хўжалиги.
- б) Регион.
- в) Локал.

3. Тармоқ белгиси бўйича:

- а) Тармоқлараро.
- б) Тармоқ ичида.

4. Функционал белгиси бўйича:

- а) Сфералар (соҳалар).
- б) Қишлоқ хўжалигига хизмат қилиш.
- в) Маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш.

*Изоҳ:* Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг самарадорлиги кейинги бобларда кенгроқ ўрганилади.

Халқ хўжалиги инфратузилмаси деганда, халқ хўжалигининг самарали фаолият кўрсатиш учун хизмат қиладиган тармоқ ва хизматларнинг тизими тушунилади.

Булар, йирик инфратузилма мажмуи бўлиб, мамлакат ягона энергетика, ягона транспорт, ягона алоқа тизимлари ва бошқалар ҳисобланади. Улар халқ хўжалигининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришга, почта, телеграф ва транспорт алоқаларини меъёрида таъминлашга хизмат қилади.

Регион инфратузилмаси алоҳида иқтисодий туманларни ривожлантириш, худудий ишлаб чиқариш комплексларини вужудга келтириш билан боғланган.

Локал ёки ишлаб чиқариш инфратузилмаси алоҳида корхоналар фаолиятини таъминловчи ишлаб чиқариш ва элементлардан ташкил

топади. Бунга мисол қилиб, машина-ускуналарга техник хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи, энергетикага, омборхона ва совуткичларга хизмат кўрсатувчи ҳамда таъмирловчи, хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги қурилишлар бўйича ташкилотлар ва бошқаларни олиш мумкин.

Тармоқлараро инфратузилма халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларига биринчи навбатда, транспорт, электр таъминоти, алоқага хизмат қилишга қаратилган. Тармоқ ичидага инфратузилма аниқ тармоқнинг фаолиятига мослашган. Масалан, қишлоқ хўжалигининг тармоғи сабзавотчиликни жадал ривожлантиришни уруғчиликсиз, маҳсулотни сақлаш учун зарурий шароитларни яратмасдан, техника ва ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат қилишни йўлга қўймасдан амалга ошириш мумкин эмас.

Чорвачиликда тармоқ ичидага ишлаб чиқариш инфратузилмаси да муҳим ўринни ветеринария хизмати эгаллайди. Бундай хизматнинг зарурияти асосан, тармоқда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантириш шароитида юзага чиқади. Чорвачиликда тармоқ ичидаги инфратузилманинг вазифаси тармоқни ускуналар, препаратлар, приборлар ва асбоблар билан таъминлаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорликни кескин ошириш ҳисобланади.

Бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи соҳага машина ускуналарга техник хизмат кўрсатувчи ҳамда таъмирловчи тармоқ ва корхоналар, шунингдек, транспорт, мелиорация ташкилотлар и, агрохимия, ветеринария, ахборот хизмати, моддий-техника таъминоти ва электрлаштириш тизими киради.

Маҳсулотни истемолга етказиб берувчи соҳага маҳсулотни тайёрлаш, транспортировка қилиш, сақлаш бўйича ташкилотлар киради. Агросаноат мажмуи меъёрий фаолият кўрсатиши етарли миқдорда сақлаш хоналарисиз катта ҳажмли ва майда идишлар ҳамда бошқа қадоқлаш материаллари билан таъминламасдан туриб рўёбга чиқмайди.

## ***2. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий аҳамияти***

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш воситаларининг меъёрий ҳаракатини таъминловчи ва уларнинг ўзоқ вақт давомида ишга яроқлилигини сақлашга ёрдам берувчи тармоқларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи қуйидаги тармоқлар киради:

1. Ишлаб чиқаришга мулжалланган транспорт.

2. Таъмирлаш устахоналари.
3. Омбор ва совуқхоналар.
4. Коммуникация, почта ва телеграф алоқаси тизими.
5. Электр узатиш линиялари.
6. Техник хизмат курсатиш станциялари.
7. Илмий ишлаб чиқариш лабораториялари.
8. Ҳисоблаш марказлари.
9. Тайёрлаш, савдо корхоналари.
10. Моддий-техника таъминоти.
11. Мелиорация ва ирригация иншоотлари

Бундан ташқари, унга яна махсус хизмат кўрсатувчи бўлимлар ҳам киради:

1. Ўсимликларни ҳимоя қилиш.
2. Агротехника.
3. Ветеринария.
4. Сунъий қочириш.
5. Техника таъмирлаш.
6. Хуқуқий.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланишига кўп омиллар таъсир қилади. Булар ичида муҳимлари тупроқ иқлим шароити, жойнинг рельефи, ер худудининг конфигурацияси билан таъминланганлиги, ёпиқ жойлар ва йуллар, корхоналарнинг, ишлаб чиқариш объекталарининг жойлашиши қулланиладиган технологиялар, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш даражаси. Бу омиллар кўп жиҳатдан бутун ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркибига ва ички хўжалик бўлинмаларининг катта-кичиклигига ва корхоналар функционал хўжалигининг ишлаб чиқариш инфратузилмалари объектлари билан таъминланиши ўзоқ йиллардан бери анча паст ёки ўзгармасдан қолмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг муҳим йўналиши бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш бўйича оптимал қувватни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш, автогаражлар, техникаларни сақлаш, иш хайвонлари ва майдончалар қуриш, нефть омборлари ва ёқилги-мойлаш материаллари учун сақлаш жойлари қуриш кабиларга эътибор талабга жавоб бермайди.

Қишлоқ хўжалигида ҳозир ҳам ишлаб чиқариш объектларини электрлаштириш ва электр узатиш линияларини қуриш учун етарлича маблағ ажратилмаяпти. Бу деҳқончилик ва чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёнларига комплекс механизацияни қўллашни қийинлаштиради. Ишлаб чиқариш инфратузилмасидан тежамли фойдаланиш пировард маҳсулот

сифатини яхшилаш ва йўқолишларни қисқартиришда, маҳсулот бирлигига сарфланадиган моддий-пул ва меҳнат харажатларини пасайтиришда намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи булиб, инфратузилма бўлинмалари, хизматлари ва объектларини қуришга сарфланган харажатларнинг қопланиши ҳисобланади. Уни ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$ХК = \frac{ПМК}{МХ},$$

Бу ерда, ХК – ишлаб чиқариш инфратузилмаси харажатларининг қопланиши, сўм ;

ПМК –қишлоқ хўжалиги пировард маҳсулотининг киймати сўм ;

МХ – ишлаб чиқариш инфратузилмаси ни яратишга қилинган моддий харажатлар, сўм .

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмалари қуришга сарфланган харажатлар 4-6 йилда копланди.

### ***3. Ижтимоий инфратузилма ва унинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги роли***

Корхоналарнинг сифатли ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш ходимларга меҳнат жараёнида ҳам ва иш кучини такрор ишлаб чиқариш жараёнида ҳам меъёрдаги шароит яратишни талаб қилади. Бу вазифани бажариш ижтимоий инфратузилма хизмати ва бўлинмалари зиммасига юклатилади.

Ижтимоий инфратузилма деганда, ишлаб чиқариш жараёнида ходимларнинг самарали ҳаракат қилиш учун зарурий шароитларни яратишга йўналтирилган жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг бир қисмига айтилади.

Ижтимоий инфратузилманинг бош вазифаси қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилашдир. Ижтимоий инфратузилма тармоқлари бевосита пировард маҳсулот яратишда қатнашмайди, лекин ишлаб чиқариш жараёнини меъёр даражасида ривожлантириш учун шароит яратади. Ижтимоий инфратузилманинг роли шундан иборатки, улар ишлаб чиқаришнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш имкониятини беради, уларни такрор ишлаб чиқариш ва қишлоқ жойларида самарали ишлашларига ёрдам беради, меҳнат

муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлайди. Бўлинмалар ҳам корхона ходимлари, ҳам уларнинг оила-аъзоларининг коммунал-маиший эҳтиёжларини кондириш учун шароит яратишда қатнашади.

Ижтимоий инфратузилмада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилади. Ижтимоий инфратузилма объектлари, қишлоқ хўжалик корхоналари ресурслари ва аҳолининг пул маблағлари ҳисобига ҳамда уй-жой, мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, маданият уйлари, поликлиникалар, алоқа тармоқлари ва бошқаларни ривожлантириш давлат инвестициясидан самарали фойдаланиш йўли билан яратилади. Қишлоқ жойларидаги ижтимоий бўлинмалар нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимларга, балки корхона ҳудудида яшовчи аҳолининг бошқа қатламларига ҳам хизмат кўрсатади. Қишлоқдаги ижтимоий инфратузилма хўжалик ҳудуди бўйича бўлиб-бўлиб жойлаштирилса, улардан самарали фойдаланишни қийинлаштиради. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мавсумий хусусияти ижтимоий инфратузилма хизмати ва бўлинмалари шунда ҳам ўз изини қолдиради. Унинг яратилиши ва рационал ҳаракат қилиш, шу объектлар жойлашган қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодиётининг ривожлантириш даражасига боғлиқ. Ижтимоий инфратузилма бўлинмаларининг вужудга келишига хўжаликлар зарур бўлган моддий-пул ва меҳнат ресурсларини ажратадилар.

Қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилма объектларига уй-жой коммунал хўжалиги бўлинмалари тиббиёт ва мактабгача болалар муассасалари, умумий овқатланиш ташкилотлари, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, меҳнат муҳофазаси бўйича хизматлар, спорт-соғломлаштириш ташкилотлари, ишчи ва хизматчиларга хизмат қилувчи транспорт, алоқа ва ахборот хизматлари киради. Барча хизматларни мақсадли йўналтирилганлигига, шаклланиш манбаларига, ҳудудий жойлашишига ва ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб икки гуруҳга бўлиш мумкин.

**Биринчи гуруҳга** хўжалик бўлинмаларига жойлашган, корхона маблағлари ҳисобига қўрилган ва ишлаб чиқариш жараёнида ходимларнинг дам олиш ва техника хавфсизлиги, меҳнат шароитларини яхшилашга йўналтирилган объектлар тегишли. Бу гуруҳга бригадалар ва чорвачилик фермаларидаги маиший хоналар, бўлинмалар умумий овқатланиш (буфетлар, тамадихоналар, ошхоналар) шахобчалари, соғлиқни сақлаш, маданият ва дам олиш (профилакториялар, тиббиёт пунктлари, маънавият бурчаклари), ёнғинга қарши хавфсизлик пунктлари киради. Улар чорвачилик мажмуаларида, фермаларда, устахоналарда, бригадаларда ва дала шийпонларида жойлаштирилади.

**Иккинчи гуруҳни** давлат ресурслари ва агросаноат бирлашмалари ҳамда йирик корхоналарнинг махсус воситалари ҳисобига барпо этилган ва аҳолининг коммунал-маиший эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган, қишлоқ хўжалик корхоналари аҳоли пунктлари ҳудудида жойлашган объектлар ташкил қилади. Буларга уй-жой коммунал. хўжалиги объектлари, маиший хизмат корхоналари, соғлиқни сақлаш (поликлиникалар, касалхоналар, амбулаториялар), спорт мажмуалари, мактаблар ва мактабгача муассасалар, маданият уйлари ва клублар, савдо ташкилотлари тегишлидир. Ижтимоий инфратузилманинг бу объектлари ижтимоий келиб чиқишидан ва меҳнатнинг қайси соҳага йўналтирилганлигидан қатъи назар қишлоқ жойларда яшовчи барча аҳолига хизмат қилиш қаратилган.

Аҳолининг ижтимоий инфратузилма хизматлари билан таъминланиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади, чунки ходимларнинг яшаш ва дам олиш шароитларининг яхшиланиши, улар малакасининг ошиши меҳнат унумдорлигининг ўсишига имкон беради. Лекин, бозор муносабатларига ўтиш шароитида бу муҳим йўналишига етарлича эътибор берилмаяпти.

Қишлоқнинг ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланиш даражаси, даромадлар миқдори қишлоқ хўжалигининг малакали кадрлар билан мустаҳкамланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Бундай шароитда деҳқончиликда фан-техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланишда катта имконият юзага келади.

**Куйида ижтимоий инфратузилманинг таркиби келтирилган:**



Тадқиқотлар шуни курсатадики, яхши ривожланган хизмат курсатиш шаҳобчалари қишлоқ хўжалик ходимларига иш вақтидан унумли фойдаланишга, ўз шахсини ривожлантиришга катта эътибор беришга ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишга имкон беради.

### **Саволлар**

1. Қишлоқда инфратузилма тизимларини ривожлантириш зарурияти нималарга асосланади?
2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмлари.
3. Ижтимоий инфратузилма тизимлари ва уларни ривожлантиришни иқтисодий аҳамияти.

## **II БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

### **4-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ ВА БОЗОР**

*«...бозор иқтисодиёти кўп нуқсонларга эга, лекин инсоният ундан яхширогини ўйлаб топган ёки ихтиро қилган эмас».*

**У.Черчилл**

#### **1. Товар-пул муносабатлари ва уларнинг қишлоқ, хўжалигида намоён бўлиши**

Қишлоқ хўжалигининг бош мақсади фақатгина ўзининг эҳтиёжини қондириш борасида маҳсулот ишлаб чиқариш бўлмай, балки сотиш ва сотиб олиш йўли билан айрибошлаш учун товар маҳсулоти ишлаб чиқаришдир.

Ҳар қандай товар маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг асоси бўлгани каби, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳам асосини ижтимоий меҳнат тақсимотининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш воситаларида мулкчиликнинг турли шакллари мавжудлиги ҳамда уларни товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи (якка шахслар, корхоналар, бирлашмалар) сифатида бир-биридан иқтисодий алоҳидалик ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ўзаро ишлаб чиқариш ва бозор орқали товар маҳсулоти айрибошлашдаги муносабатлари ижтимоий товар муносабатлари, ишлаб чиқаришнинг ўзи эса, товар ишлаб чиқаришдир.

Маълумки, товарнинг ўрни, одамларнинг у ёки бу буюмлашган ёки маънавий эҳтиёжларини қондириши билан белгиланади. Агарда маҳсулот, ишлаб чиқарувчи томонидан фақат ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилса, унда бу маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ўзи учун истеъмол қийматини билдиради. Агарда маҳсулот, ишлаб чиқарувчининг ўзига белгиланган бўлмай, балки бошқа шахсга мўлжалланган бўлса, у товарга айланади ва ижтимоий истеъмол қийматини касб этади.

Товарнинг инсонларнинг бирон-бир эҳтиёжини қондира олиш хусусиятига унинг истеъмол қиймати бир товарнинг иккинчи товарга айрибошланиши хусусиятига эса, унинг алмашув қиймати дейилади. Икки товар маҳсулотини ўзаро айрибошланиши уларни бир-бири билан тенглашишини билдиради. Аммо бу тенглашув юзага келиши учун товарларда объектив ўхшаш хусусиятлар айрибошлаш жараёни бошлангунга қадар мужассам бўлишини тақозо этади. Албатта, айрибошланадиган товарлар истеъмол қиймати сифатида бир-биридан фарқланади, акс ҳолда, уларни айрибошлаш жараёни аҳамиятини йўқотади.

Маҳсулотни товар бўлиши ва бозорда бошқа товарларга айрибошланиши учун, у фойдалилигидан ташқари (истеъмол қийматидан) инсон меҳнатининг маҳсули бўлиши шарт. Товар ҳар доим меҳнат маҳсулидир, аммо унинг товар бўлиши учун маҳсулот бозорда сотилиши зарур. Бозордаги маҳсулотларнинг ҳаммасига умумий бўлган хусусият уларнинг қийматидир, яъни уни ишлаб чиқаришга сарф бўлган меҳнатдир. Қиймат асосида, товарлар ўлчовдош ҳисобланади ва улар айрибошланади.

*Ривожланган товар ишлаб чиқариш шароитида оммавий айрибошлаш эквиваленти пулдир* - бу алоҳида товар бўлиб, ҳар қандай бошқа товар билан айрибошлаш хусусиятига эгадир. Бундай товар муносабатлари ўз навбатида товар-пул муносабатлари дейилади.

Товар-пул муносабатлари қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ва унинг самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутаяди. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва агросаноат мажмуига кирувчи товар ишлаб чиқарувчилар

Ўртасидаги иқтисодий алоқалар товар-пул шаклидаги муносабатлар асосида юзага келади. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзларининг маҳсулотларини бозор орқали истеъмолчиларга - тайёрлов қайта ишлаш, сақлаш корхона ва ташкилотларига, бозордаги савдо-сотик ширкатларига талаб ва таклифдан келиб чиққан баҳоларда айрибошлайдилар. Бошқа томондан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари улгуржи савдо тизимларидаги бозор орқали ўзларига зарур бўлган моддий ресурсларни харид қиладилар. Товар-пул муносабатлари хўжалик юритишнинг иқтисодий услубларига кенг йўл очиб, ишлаб чиқарувчиларнинг мустақил иш юритишларини ривожланишига ва ўз меҳнатларининг натижаларига жавобгарлиги ҳамда манфаатдорлигини кенгайтишига олиб келади.

Товар-пул муносабатларининг асосида қиймат қонуни ётади. Қиймат қонуни - товар ишлаб чиқаришнинг объектив иқтисодий қонуни бўлиб, товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни, товар ишлаб чиқариш шароитида ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни бошқаради. Бу қонунга мувофиқ товарларни ишлаб чиқариш ва айрибошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Қийматнинг миқдори эса, ижтимоий-зарурий-меҳнат харажатлари, билан ўлчанади. Унинг ўлчов бирлиги иш вақтидир. Бозордаги нарх-наволарнинг ўзгариб туриши қиймат қонунининг бошқарувчи механизмини ташкил этади, Товар нархи ва қиймати қачонки шу товарга нисбатан талаб ва таклиф мос келгандагина мутаносиб бўлади. Яъни у ёки бу товарни ишлаб чиқариш уни сотиб олиш имкониятларига мос бўлиши керак. Агарда шундай тенглик бўлса, у товарнинг кўпайишига ижобий таъсир этади. Аксинча, товар нархи унинг қийматидан кам бўлса, ўз харажати қопламайди ва шу турдаги товар маҳсулотининг камайишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, товар нархининг унинг қийматига мос келмаслиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг хохишига мувофиқ эмас, балки қиймат қонуни таъсирида тартибга солинади. Нархларнинг қийматларга яқин доирада қайд этилиши қиймат қонуни таъсирида намоён бўлишининг бирдан-бир шакли ва ижтимоий ишлаб чиқаришни тартибга солувчи ягона механизмидир, Қиймат қонуни ўз навбатида илмий техника тараққиётига таъсир этувчи муҳим омил ҳамдир. Бунда қиймат қонунининг таъсири рақобат мухитида юзага келиб, рақобатчи товар ишлаб чиқарувчилар курашини нисбатан такомиллашган ва иқтисодий тежамли технология, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг нисбатан самарали услубларини жорий этганлари ғолиб чиқади.

## ***2. Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиси,***

## ***унинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги иқтисодий мустақиллиги***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, бошқа моддий ишлаб чиқаришлар каторида мамлакат умумий товар ишлаб чиқаришининг муҳим қисми ҳисобланади. Бу - унинг деҳқон хўжалиги, ижара жамоалари ва корхоналари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар), хиссадорлик (акциядорлик) корхоналари (бирлашмалари), давлат корхоналари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари бозор иқтисодиёти шароитида бир бўғин сифатида - маҳсулоти товар бўлган, унинг барча хоссалари ва вазифаларини ўзида мужассам қилган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиси сифатида тан олиншини билдиради. Мос равишда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчисининг маҳсулоти товар шаклида сотиш, сотиб олиш орқали истеъмолчига тушади. Турли хилдаги мулкчиликка ва ишлаб чиқаришни юритишнинг мавжуд шакллари ривожланишига кенг йўл очилган даврда қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларининг фақатгина бозорлардаги айрибошланишининг аҳамияти каттадир.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш ва бозор иқтисодиёти йўлига ўтишининг шархлари қуйидагилардан иборат:

1) *Ишлаб чиқариш жараёнини максимал даражада эркин олиб боришни таъминлаш.* Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги асосида - товар ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлиги, ўз мулки ва даромадларини кўпайтиришга интилувчанлиги, шу йўл билан фақатгина ўз жавобгарлигига таяниб, бозордаги нарх-навони, солиқларни кўзда тутган ҳолда, фаолият юргизиши ётади. Товар ишлаб чиқарувчи ўзига тегишли ёки ижарага олинган ишлаб чиқариш ресурсларидан эркин фойдаланиши, ишлаб чиқариш дастурини ўзи аниқлаши, етказиб берувчи (таъминотчи) ва истеъмолчиларни ўзи танлаши, маҳсулотларга ўзи баҳо белгилаши, солиқлар тўлашдан кейин қоладиган фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва хўжалик заруриятларига сарфлашда эркин бўлмоғи лозим.

2) *Товар ишлаб чиқарувчиларнинг хўжалик фаолияти натижалари учун тўлиқ иқтисодий (моддий) жавобгарлиги.* Мана шу жавобгарлик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг хўжалик юритиш натижаларидан ишлаб чиқариш ресурсларини такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишга имконият яратишини белгилайди. Бунга кўра улар ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва қоплашни жорий этишлари ҳамда бу тўғрида товар ишлаб чиқарувчиларни ўз хусусиятлари натижаларидан келиб чиқиб, хўжалик юритиш иқтисодий самара берувчи ягона йўллигини кўзда тутишлари лозим.

3) *Баҳоларнинг эркин ҳосил бўлиши.* Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига баҳо бозорда, талаб ва таклифни мувофиқлаштириб ҳосил бўлиши керак. Ўтиш даврида давлат томонидан сотиб олинган айрим муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларига баҳо давлат томонидан марказлашган тартибда амалга оширилишига йўл қўйилади, қолганларига келишилган ва эркин нархлар асосида айрибошлаш жорий этилади. Давлат бошқарув идораларининг тўғридан-тўғри товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига аралашувига барҳам берилиши керак.

4) *Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат.* Бу баҳоларни барқарорлаштирувчи, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтирувчи, истеъмолчи талабига мос маҳсулот сифатини яхшилайдиган, хўжалик фаоллигини рағбатлантирувчи муҳим омилдир.

5) *Давлат ҳокимиятининг товар ишлаб чиқарувчиларнинг хўжалик фаолиятига аралашувидан воз кечиши.* Бунга давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган аралашуви кирмайди.

6) *Товар ишлаб чиқарувчилар имкониятларининг тенглик ва ташқи иқтисодий алоқалар тизимига жалб этилиши* амалга ошира бориш ва товар ишлаб чиқарувчиларни хўжалик юритиш, шаклидан қатъи назар, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳуқуқига эга эканлигидир.

Юқорида келтирилган шартларни амалга ошириш орқалигина қишлоқ хўжалига товар маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш, уларни ишлаб чиқарувчилар ҳаракатларини фаоллаштириш ва иқтисодий натижаларини юксалтириш мумкин. Бу эса, аграр соҳанинг ривожланишида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этишдан далолат беради.

### ***3. Бозор тушунчаси ва унинг вазифаси. Бозор инфратузилмаси***

Товар-пул муносабатларининг марказий элементларидан бири бозордир. Бозор- сотувчи билан харидор ўртасидаги товарни пулга айрибошлаш муносабати бўлиб, бозорда турли-туман товарлар айрибошланади. Бу ерда иштирок этувчи субъектлар харидорлар ва сотувчилардир. Бозорда икки хил жараён амалга ошади:

а) Товарларни сотиш (бунда товарлар пулга айрибошланади, яъни Т-П) жараёни юз беради.

б) Товарларни харид этиш (бунда пул товарга айрибошланади, яъни П-Т) жараёни юз беради. Айрибошлаш ихтиёрий ва эркин шаклланган баҳолар асосида амалга оширилади.

Бозор ўзига хос ташкилий тузилмага эга бўлиб, айрибошлаш объектиниинг моддий шакли жиҳатидан олганда, истеъмол товарлари ва хизматлар, ишлаб чиқариш воситалари, молия (инвестиция), қимматли қоғозлар, илмий ғоялар, техникавий янгиликлар ва иш кучи бозорлари мавжуд.

Айрибошлаш миқйёси (катталиги) жиҳатидан маҳаллий, худудий (регионал), миллий ва жаҳон бозори, ички ва ташқи бозорлар мавжуддир.

Шуни айтиш керакки, бозор маъмурий режалаштитириш услублари орқали иқтасодни бошқаришдан - кенг демократиялашган иқтисодий тузилмалиги билан режалаштириладиган иқтисодиётда талаб билан таклифни нарх-наво орқали тенглаштирувчи механизм мавжуд бўлмай, режалаштиришни зиммасига олган томон онгли равишда бу ҳолатни таъминлаши зарур бўлиб, бунда режалаштирилаётган таклиф режалаштирилаётган талабга тенг бўлиши керак эди. Агарда бу амалга оширилмаса, маҳсулот камомади ёки ортиқчалига юз берарди. Агарда бундай ҳолатда ҳам бозор механизмидан фойдаланиб нарх-наво кўтарилмаса ёки туширилмаса ортиқча маҳсулотни сақлаш ёки йўқотиш каби кўнгилсиз муаммалар ёки бўлмаса, унга қарама-қарши бўлган, талаби қондирилмаган томонлар ўртасида оддий бўлмаган зиддиятлар юзага келарди. Режалаштиришнинг оддий натижалари шулардан иборат бўлиб, уларнинг оқибатида кўп ўтмай режалаштиришни зиммасига олган томондан мавқеига путур етарди.

Бозорни маъмурий-режалаштириш услублари орқали иқтисодиётни бошқаришга нисбатан кенг демократиялашган иқтисодий тузилманинг кўйидагиларда намоён бўлади:

**Биринчидан**, бозорда ҳар қайси товар ишлаб чиқарувчи бошқа ишлаб чиқарувчилар каби ўз товарини сотишда тенг имкониятга эга бўлади, яъни тенг ҳуқуқли иқтисодий ҳамкорга айланади,

**Иккинчидан**, ҳар қайси истеъмолчи (харидор) ҳам бошқа харидорлар каби ўзига зарур бўлган товарлар, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол моллари ва бошқаларни харид этиш имкониятига эга бўлади.

**Учинчидан**, фақатгина бозорда товар-пул, бозор муносабатлари орқали юқорида таъкидлангандек, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва айрибошлашдаги ижтимоий-зарурий харажатлар аниқланади ва бу ижтимоий-зарурий харажатни ҳар бир харидор ўз маблағи билан тасдиқлайди.

**Тўртинчидан**, бозоргина жамиятдаги мавжуд ва ўзгарувчан бўлган талабни ўрганиш имконини бериб, авваладан бор, бозор механизмлари орқали товар ишлаб чиқарувчиларни бозор аниқлаган талабни қондиришга йўналтиради.

**Бешинчидан,** фақатгина товар-пул муносабатлари ва бозорнинг ривожланиши товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида ва уларнинг ўзларида иқтисодий алоқаларнинг демократлашувига кафолат бера олади. Ишлаб чиқариш ресурсларини, улгуржи савдосига ўтмай туриб ва ишлаб чиқариш воситалари бозорини юзага келтирмай ҳамда товар ишлаб чиқарувчиларга мавжуд ресурслардан харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш учун эркин фойдаланишига йул очмай туриб, на ўз- ўзини маблағ билан қоплашни ва на ўз- ўзини маблағ билан таъминлашни юзага келтириб булмайди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари кенг эркинлиги мавжуд бўлган ва бозор муносабатлари ривожланган шароитда давлат режалаштириши фақатгина иқтисодий омиллар орқали таъминланади.

Бозор ўзининг рағбатлантирувчи ва тартибга солувчи фаолиятини рақобатсиз юзага келтира олмайди. Рақобат бозор иқтисодиётининг харакатларини камайтириш, товар сифатини ошириш, товар сотилишини харидор учун қулайлаштириш кўзда тутилади, акс холда, товарларни сотишдан юқори фойда олиб булмайди. Бозор иқтисодиётини ривожлантиришни бош шарти булиб, қишлоқда бозор инфратузилмасини шакллантириш ҳисобланади.

Бозор инфратузилмаси кўп қиррали тизимлардан ташкил топиб, уларнинг таркиби куйидагилардан иборат:

1. Тадбиркорларни тайёрлаш ва ўқитиш (ихтисослашган лицейлар, хунар-техника мактаблари ва билим ўчоқлари, бизнес марказлари, бизнес инкубаторлари, ихтисослашган телерадио курсатув ва эшитиришлари, матбуот)

2. Хусусий тадбиркорларни ҳисобга ва руйхатга олиш (хокимиятлар, тадбиркорлар палатаси, статистика ва аудит муассасалари)

3. Молия-кредит тизими (тижорат банклари, хусусий банклар, ихтисослашган банклар, хусусий инвестиция жамғармаси, давлат суғурта тизимлари, хусусий суғурта компаниялари, ўзаро кредит таъминоти жамиятлари, ломбардлар).

4. Улгуржи-далоллчилик буғинлари (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги, « Ўзмеvasабзавотузумсаноатхолдинг», маҳсулотни тайёрлаш, улгуржи савдо килиш ассосиациялари тизимлари, дехқон бозорлари, улгуржи савдо тизимлари, улгуржи савдо дуконлари, консигнация омборлари)

5. Биржа бозорлари (жамғарма, кўчмас мулк, товар-хом ашё биржалари бўлинмалари, доимий фаолият курсатувчи ярмаркалар, аукционлар)

6. Агрохизмат бозори (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги, « Ўзқишлоқхўжаликтехникатаъминоттаъмир», « Ўзкимё-таъминотхизмат», техника лизинги, нав синаш муассасалари, уруғчилик, наслчилик)

7. Хизмат бозори (маиший хизмат, янги турдаги хизматлар, махсус биржа нотариал шоҳобчалари, адвокатура шаҳобчалари, консалтинг ва инжиниринг хизмати муассалари, лойиха ҳисоб-китоб ҳамда реклама ва маълумотлар марказлари, нотариал хизмати, илмий-тадқиқот синов марказлари, лизинг компаниялари)

8. Транспорт таъминоти (автотранспорт корхоналари, юк ташиш машиналари эгалари, юк машиналари эгалари иттифоқи (уюшмалари), темир йул шаҳобчалари).

9. Ташқи иқтисодий алоқаларни таъминлаш, ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг хокимиятлар қошидаги ташқи иқтисодий фаолият бўлимлари, давлат мулк кумитасининг худудий бошқармалари қошидаги ташқи иқтисодий фаолият бўлинмалари, тадбиркорлар иттифоқининг бўлим ёки бўлинмалари.

Бугунги кунда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш биринчилар қаторида ечилиши зарур вазифалардан ҳисобланиб, бу йўналишда республика ҳукумати томонидан маиший хизмат қиладиган улгуржи савдо бозорлари, фермер ва деҳқон хўжаликларини таъминлайдиган дукон ва фирмаларнинг ривожлантирилишига катта эътибор берилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини айирбошлашда товар биржаларининг ўрни катта. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш товар биржалари – бу мунтазам равишда фаолият қилувчи ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш буйича келишувларни амалга оширувчи тижорат ташкилотидир.

Амалиётда биржалар алоҳида дон, сабзавот, пахта, тамаки, пилла ва универсал товар биржалари холида ҳам фаолият курсатадилар. Бу биржаларнинг аъзолари булиб давлат, жамоа хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари, ижара хўжаликлари, якка холда, фаолият юритувчи фуқаролар ва банклар катнашиши мумкин.

#### ***4. Бозорлар тизими. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бозорлари***

Қишлоқ хўжалигида тўлақонли ва самарали ҳаракат қиладиган комплекс бозор, уни ташкил қилувчи йиғиндини ифодалайди: ихтисослашган бозорлар тизими-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори, иш кучи бозори, ер бозори, ишлаб чиқариш воситалари (моддий ресурслар)

бозори, молия (капитал) бозори — бозор инфратузилмалари, шунингдек, хўжалик юритишнинг бозор механизми. Юқоридагиларнинг бирортасининг мавжуд бўлмаслиги ёки етарли ривожланмаслига бозор муносабатлари самарадорлигини пасайтиришга олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, у қишлоқ хўжалиги ўзининг хусусиятларидан келиб чиқади:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таклифи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан маҳсулотнинг миқдори ва сифатини назорат қилиш имкониятини чегаралаб кўядиган табиий шароитларга боғлиқ. Бунга боғлиқ холда, улар ўзларининг ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларини 3 та модел (дастур)да кўриб чиқиши керак.

**Биринчи модел** деҳқончилик ва чорвачилик ялпи маҳсулотини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган ва қулай табиий шароитда товар ишлаб чиқарувчилар харакатини аниқлаши керак.

**Иккинчи модел** ноқулай табиий шароитга мўлжаллаб тузилиши даркор. У ўз ичига хосилни сақлаб қолиш, вақтинча жалб қилинган ишчи кучи ҳисобига хосилни йиғиштиришни тезлаштириш, уни сарфлаш билан боғлиқ, кўшимча тадбирларни ва бошқаларни олиши лозим.

**Учинчи модел** товар ишлаб чиқарувчилар фаолияти бўлиши мумкин бўлган табиий офат шароитига мослашган бўлиши керак. Бу моделнинг диққат марказида вужудга келган зарарни камайтириш, хатто бутунлай коплаш бўйича улар фаолияти туриши зарур.

Бу учала моделда ҳам олиниши мумкин бўлган хосил ва етишмовчилиги, сотиш, сақлаш, шунингдек, харажат, йуқотиш, фойда ёки зарар олдиндан тахминан ҳисобланган бўлиши керак.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини кондиришга боғлиқ қилиш даражасидаги кафолатли талаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига саноатдагиларга нисбатан анча қулайлик берадики, бу қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқаришга саноатдагидек номаълум миқдорда сотиш шароитида ишлашга тўғри келмайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси ўз фаолиятида бу афзалликдан катта самарали фойдаланади. У ҳар йили бир хил маҳсулотни ишлаб чиқармасдан, балки талабга мос янги ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятига ҳам эга бўлади. Товар ишлаб чиқарувчининг бундай харакати уларга рақобатчилар билан муваффақиятли курашишга ва янги турдаги маҳсулот ишлаб -чиқариш ҳисобига даромад олишнинг янги манбаларини топишга имкон беради. Амалиётда бир хўжалик ичида бир қанча, ўзаро технологик алоқада бўлмаган маҳсулот турлари ривожланади.

3. Бирок, турли маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун, бир томондан, ишлаб чиқариш хусусияти жиҳатдан ҳам, сотиш хусусияти жиҳатидан ҳам кўшимча қийинчилик туғдиради. Масалан, ғалла ишлаб чиқаришга ихтисослашган товар ишлаб чиқарувчи, чўчка боқиш билан шуғулланиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Юқоридаги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва сотиш принцип жиҳатидан турли: хил ёндашишга асосланган. Бошқа томондан товар ишлаб чиқарувчи бундай ишлаб чиқариш комбинациясидан маълум даражада катта зарардан суғурта қилинади, яъни ғалла яхши ололмаган пайтда, ундан ем сифатида фойдаланиб, чўчкачиликдан кўшимча даромад олиши мумкин бўлади.

4. Маҳсулотнинг кўп миқдори ва унинг тез бузилиш хусусияти, бир томондан, омборлар, сақлайдиган хоналар бўлишини тақозо қилади, бошқа томондан, товар ишлаб чиқарувчини бундай маҳсулотни жуда тез ва қисқа муддатда сотишга ундайди. Бу етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасликка ва маҳсулот даромадини пасайтирмасликка имкон беради.

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолининг шаҳарда тўпланиши, уни сотиш учун турли хил воситачилар зарурлигини келтириб чиқаради. Бу улар даромадининг бир қисми, яъни ўз маҳсулотлари қийматининг бир қисмини воситачиларга берилишини билдиради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг вужудга келиши, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини сотиш икки канал орқали амалга оширилади: давлат топшириғи бозори ва тўғридан-тўғри талаб бозори. Давлат топшириғи бозорида товар ишлаб чиқарувчилар билан давлат ўртасида вертикал алоқалар амалга ошади. Бу бозор орқали мамлакатнинг гарантияланган озиқ-овқат фондини яратиш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турлари ҳажми марказлашган тартибда. вужудга келтирилади.

Давлат топшириғи маҳсулоти таркибига: нон: ва нон маҳсулотлари, пахта ва пахта маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, қанд, ўсимлик ёғи, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, енгил саноатни таъминлаш учун пахта толаси, канош толаси, жун ва бошқа турдаги маҳсулотлар киради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бевосита талаб бозорида нисбатан ажралган товар ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида горизонтал алоқа амалга ошади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита талаб бозори орқали сотиш шакллари турли-тумандир. Бу маҳсулотни корхона ва ташкилотларга, жамоа хўжалиги

бозорида, бевосита қишлоқ хўжалик корхоналарида қишлоқда яшовчи ходимларга, матлубот кооперацияси ва бошқаларга сотиш мумкин.

Товар ишлаб чиқарувчиларнинг қайта ишловчи саноат ҳамда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари билан бўладиган бевосита алоқалари энг самаралиси ҳисобланади. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сортиш, тушириш, қайта ишлаш ва сақлашнинг ҳамма босқичларида йўқотишларни камайтириш бўйича энг қулай тадбир ҳисобланади. Бевосита алоқаларни кенгайтириш, бундан ташқари, сифатли маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш муддатини қисқартади, тайёрлов харажатларини камайтиради.

Қишлоққа бозор муносабатларини киритиш - сотиб олиш ва савдо фаолияти тизимини ўзгартиришни, унинг турли-туман шакллари учун шароит яратишни талаб қилади. Давлат топшириғи режасида, давлат савдо-тайёрлов тизими билан бир қаторда матлубот кооперацияси, кооператив ва аралаш ташкилотлар, шунингдек, деҳқон кооперативлари, етакчи савдо-сотик фаолиятлари ривожлана бошлайди. Буларга энг аввало, картошка, сабзавот, меваларнинг ортиқча қисмини сотиб олиш ва уларни сотишни киритиш мумкин. Бу эса, маҳаллий таъминотни яхшилайдди, давлат ва кооператив савдодаги оғирликни пасайтиради, улар ўртасида рақобат элементларини яратади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш муаммосида қишлоқ хўжалик товар биржалари муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, товар биржалари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича мунтазам ҳаракат қиладиган, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини сотишни амалга оширадиган корхона ҳисобланади.

Ғалла биржаси, пахта толаси биржаси, сабзавот, мева биржалари каби тор доирада ихтисослашган биржалар ва йирик товар маҳсулоти, валюта, қимматбаҳо қоғоз ва бошқаларни амалга оширадиган универсал биржалар бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалик товар биржасининг аъзолари алоҳида фуқаролар, деҳқон хўжаликлари, ижара жамоалари, бошқа корхона ва ташкилотлар, воситачи (брокер) ташкилотлар-банклар, инвестиция ташкилотлари бўлиши мумкин. Бундан ташқари, биржа савдосини биржа аъзоси бўлмаганлар ҳам амалга ошириши мумкин. Бундай ҳолда ўтказилган операциялар учун йиғим олинади.

### **Саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигида қиймат қонуни қандай намоён бўлади ?
2. Товар ишлаб чиқарувчилар эркинлигини таъминловчи шартлар ва уларни амалга ошириш зарурияти нималарга асосланади?
3. Бозор қандай вазифани бажаради ва унинг қандай кўринишлари мавжуд?

4. Бозор инфратузилмаси нима учун зарур, унинг таркиби нималардан ташкил топади?

## **5-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МУЛК ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

*«Хусусий мулкчиликдан афзалроқ ва самаралироқ шаклни ҳали ҳеч ким ўйлаб топган эмас...».*

**И.Каримов**

### ***1. Мулк тушунчаси ва унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги роли. Мулк шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни бир томондан моддий омилларнинг, яъни ишлаб чиқариш воситалари - ер, асосий ва моддий айланма маблағлари ҳамда пировард натижаларининг, бошқа томондан, шу ишлаб чиқариш воситаларига мулк нуқтаи назаридан кишилар муносабатларининг мавжудлигига боғлиқ. Мулк даставвал кишилар томонидан ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштириш шакли ҳисобланади. Классик иқтисодчилар шундай деб ёзишган эди: "Мулк - бу кишиларнинг бир-бири билан бўладиган муносабати, уларнинг материалларга, қуролларга ва меҳнат натижаларига бўлган муносабати".

Иқтисодий муносабатлар комплексида ишлаб чиқариш воситаларига мулк муносабатлари энг муҳими ҳисобланади. Ишлаб чиқариш воситалари кимга тегишли бўлса, тақсимот ва айрибошлаш шунга боғлиқ бўлади. Кўпйиллик тажриба шуни кўрсатадики, мамлакатимизда бир неча ўн йиллаб давом этган аграр инқирознинг асосий сабаби мулк муносабатларнинг кучли деформацияланиши ҳисобланади.

Мулкнинг деформацияланиши асосан, қишлоқ хўжалигини йирик масштабда умумлаштириш йилларидан бошланди. Ерни ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини мажбурий давлатлаштириш ишлари остида мажбурий жамоа хўжаликлари - (коллективное хозяйство), (социалистик советлар хўжалиги) - совхозлар ташкил этилиб, шу хўжаликка беркитилган ер, бошқа ишлаб чиқариш воситалари ва ўз меҳнатлари асосида яратилган маҳсулотнинг «давлат» томонидан ноэқвивалент даражада буйруқ билан ўрнатилган ва ҳатто сарф қилинган харажатларни ҳам қопламайдиган нисбатан паст баҳолар билан мажбурий олиб қўйиш механизми асосида фаолият юритилди.

Ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликдан маҳрум бўлган кишилар хўжаликни яхши ва самарали йўллар билан олиб боришга бўлган қизиқишни мотивацияни йўқотдилар. Мулкдан ўзоқлашиш, энг аввало, ердан ўзоқлашиш, деҳқонни ўзи яратган неъматларни ўзлаштиришдан маҳрум қилди. Пировард натижада деҳқон хўжайин ва меҳнаткаш деган ягона хусусиятдан ўзоқлаштирилди. Хўжайин меҳнаткаш пировард натижадан кўра меҳнат ҳақини афзал кўювчига бесамар ишлаб чиқариш жараёнида катнашувчи ёлланма ишчига айланди.

Қишлоқ хўжаликни инкироздан чиқариш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш хавфсизлиги муаммосини фақат қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий фаолиятини ошириш учун қулай имкониятни таъминлайдиган, уларнинг ташаббускор хўжайин ва меҳнаткаш сифатида қобилиятини максимал очадиган, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар механизмини яратиш: орқали ҳал қилиш мумкин.

Республикада мулкий муносабатларни тубдан ислоҳ қилишнииг ҳал қилувчи масаласи бўлиб, бозор муносабатларининг тўлақонли шаклланишида бир қатор шароитлар бўлиши талаб қилинади. Улар ичида энг муҳими мулкчиликнинг хилма-хил шакллари фаолият кўрсатишга тенг ҳуқуқлидир. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган. Конституциянинг 53-моддасида: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади», - деб ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Мулкий муносабатлар муаммосининг мазмуни иқтисодиёт фанининг муҳим услубият масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мулкий муносабатлар моҳияти нимадан иборат? Мавжуд иқтисодий йўналиш муаммоларининг эълон қилинган ишлари таҳлили шуни кўрсатдики, мулк тушунчаси биринчи навбатда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мазмунини ташкил этади. Бинобарин, у иқтисодий категория сифатида намоён бўлиши кўрсатиб ўтади. Объектив ҳолатда вужудга келадиган ва амал қиладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар қонунларда мустаҳкамланади, ҳуқуқий муносабатлар шаклига эга бўлади.

Мулк - бу ишлаб чиқариш воситаларини одамлар томонидан ўзлаштириб олинишидир. Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган: муносабат мулкчилик муносабатлари комплексининг асосини ташкил этди. Мулкчилик ким томонида бўлса, маҳсулотларни тақсимлаш, алмаштириш ҳуқуқи ҳам шу томондан амалга оширилади. Юқорида таъкидланганидек, аграр банкротликнинг мамлакатимиздаги асосий сабаби мулк муносабатлари тизимининг жуда ҳам бузилишидир. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкнинг

хар хил шакллари мавжуд, чунки бозор бу мулкчиликнинг иқтисодий муносабатларидир. Мулкчилик муносабатларини ўрганиш асосида мулкчиликнинг объектив ва субъектив хусусиятлари аниқланади.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг меҳнат салоҳиятларини амалга оширишнинг ҳал қилувчи шароитларидан бири мулк муносабатларини ўзгартириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида турли-туман шаклларида фойдаланишга имконият яратишдан иборатдир.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов республикада мулкдорлар қатламини шакллантириш вазифасини долзарб қилиб қўйди. Мамлакатимизда мулкдорлар қатламини вужудга келтиришни тезлаштириш учун «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Меҳнат Кодекси», «Ер Кодекси» ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёни бир томондан моддий омиллар, яъни ишлаб чиқариш воситаларига, иккинчи томондан, бу воситаларга мулкчилик юзасидан одамларнинг муносабатлари асосида амалга оширилади, Мулк статуси кўп жиҳатдан деҳқоннинг табиатига мос келади. Модомики, бозор мулк муносабатларини иқтисодий амалга оширишнинг воситаси ва шароити ҳисобланар экан, бозор иқтисодиёти шароитида мулк ва унинг турли-туман шакларининг роли кескин ошади. Ерни, бошқа ишлаб чиқариш воситаларини давлат тасарруфидан чиқармасдан ва хусусийлаштиришмасдан туриб, эркин қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини шакллантириш, тўлақонли бозор муносабатларини йўлга қўйиш мумкин эмас. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш давлат мулкнинг салмоғига боғлиқ эмас. Муҳими унинг сонидан эмас, балки унинг мазмунининг ўзгаришида, яъни бюрократик бошқариладиган мулкдан демократик бошқариладиган мулкка айлантиришдадир.

Гап мулкнинг шундай тизими ҳақида борадики, бунда ҳар бир деҳқон ва меҳнат жамоаси фақат ишлаб чиқариш воситаларининг эмас, балки яратилган маҳсулотнинг ҳам реал хўжайинларига айланиши керак. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ечимларни қабул қилишда қатнашиш лозим.

Мулк муносабатларини ҳар томонлама ўргатиш мулкнинг объектлари ва субъектларини аниқлашга имкон беради. Мулкнинг объекти бўлиб, мулк бўлган предметлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида ер, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, ишлаб чиқариш бинолари ва ишноотлари, уй-жой, машина ва

ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари, транспорт воситалари ва бошқалар мулк объектларига киради. Мулкдан хўжаликда фойдаланиш натижаси - маҳсулот ва даромад - шу ишлаб чиқариш воситаларининг мулкдорига тегишли бўлади. Мулкнинг субъекти бўлиб фермерлар, алоҳида ижарачилар, хиссадорлик, хусусий тадбиркорлик, кооператив жамоалари ва бошқалар ҳисобланади.

Мулк субъектлари учта асосий қонуний ҳуқуқдан фойдаланадилар:

**Биринчиси** - эгалик қилиш ҳуқуқи, яъни реал, ҳақиқатда мулкга эгалик қилиш, субъектнинг ўзи уни ўз ҳуқуқига буйсундиради.

**Иккинчиси** - фойдаланиш ҳуқуқи, яъни "бирова"нинг мулкидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишдир.

**Учинчиси** - идора, тасарруф қилиш, яъни мулкни ўз хоҳишига қараб ишлатиш имконияти, мулкнинг тақдирини аниқлаш.

Қишлоқ хўжаликда ишлаб чиқариш воситаларининг мулк шакллари тўрт хил бўлади: **давлат, жамоа, хусусий ва аралаш**. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик мулк муносабатлари тизимида хусусий мулк алоҳида муҳим ўринни эгаллайди. Хусусий мулк кенг маънода жамиятнинг алоҳида аъзоларининг (деҳқон) мулки ёки унинг конкрет қисми аъзоларининг (кооператив жамоалар) мулкни ифодалайди.

**Хусусий мулк** - барча турдаги давлат мулки бўлмаган мулклардир. Хусусий мулк ҳар доим ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш билан боғланган ва бу унга нисбатан салбий оқибатга олиб келади, деган ақида мавжуд эди. Тарихий тажрибада бу ҳозиргача ҳар тамонлама мосланмаганлиги маълум бўлди. Эксплуатация хусусий мулксиз ҳам, давлат мулки ҳуқуқронлигида ҳам бўлиши мумкин экан. Бундан ташқари, хусусий мулкнинг ҳаммасида ҳам эксплуатация бўлавермайди. Масалан, ўз меҳнатига асосланган хусусий мулкда эксплуатация бўлмайди. Эксплуатация мулкдан келиб чиқмайди, балки ёлланма ходимни ишлатувчи билан нотенг шароитга кўювчи, улар иштирокида яратилган маҳсулотни ўзлаштиришда ва тенг ҳуқуқли бўлмаган усулларида намоён бўлувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг маълум тизимидан келиб чиқади.

Хусусий мулкнинг кўп шакллари юксак ижтимоий фойдалиликка эга. Деҳқон хўжалиги хусусий мулки унинг аъзоларига ўз индивидуал тадбиркорлигини амалга оширишга, мустақиллигини намоён қилишга имкон беради. Бусиз тараққиёт барқарор самара бермайди. Хусусий мулк кишиларда ижодий фаолликни, қобилиятни намоён қилади ва жавобгарликни кучайтиради. У иқтисодий ҳаётни тезлаштиради, кишиларни ҳисоб-китоб қилишга, эртанги кун масъулияти ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Хусусий мулк кўпгана ижтимоий масалаларни ҳал қилади, кишини давлатдан ва

ижтимоий ташкилотлардан мустақиллигини кенгайтиради. Фақат хусусий мулк шахсий иқтисодий мустақилликнинг асоси ҳисобланади. Француз маърифатпарвари Ф.Волўтернинг ифодалашича, хусусий мулк - инсон шахсий эркинлигининг ягона моддий кафили ҳисобланади, Ўз даврида мамлакат раҳбарлари ҳам хусусий мулкка қарши чиқмаган. Деҳқон хусусий мулки авлодлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, болаларни ота-онага хурмат руҳида тарбиялайди.

Хусусий мулкнинг шаклланиши, унинг хусусиятлари, тасарруф этиши, хусусан, ўз меҳнати билан топилган мулкка эгалик қилиш: шакллари тўғрисида, ўзбекистонлик таниқли иқтисодчи олимлар билан биргаликда миллатимиз, ватанимиз мустақиллиги, озодликнинг фидоий оташин курашчиларидан бири бўлган Алихонтўра Соғунийнинг «Туркистон қайғуси» номли асарларида: «...Ҳаёт оламида, инсоннинг энг севган, қадр-қимматлик тўрт нарса бордур. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кишилар инсонлик шарафидан маҳрум бўлурлар. Аларнинг *энг биринчиси* шулдурки, хар одам ўз эрк ва ихтиёрига эга бўлмоғи керакдур. Ўзида эрки, қўлида ихтиёри йўқ одамларнинг ҳайвондан нима фарқлари бор. *Иккинчиси шулки*, шаърий ёки қонуний касблар орқали топган молу-дунёси, қилган меҳнатининг меваси шул топувликнинг ўз ҳаққи бўлиб, анинг хос мулкидир...», деб ёзиб қолдирганларида қанчалик ҳақ эканликларининг исботини бугунги кунда кўриб турибмиз.

Қишлоқ хўжалигида хусусий мулкнинг ижобий хусусиятларини умумлаштирган ҳолда, унинг бошқа мулк шаклларидан тубдан афзаллигини қуйидагича учга бўлиш мумкин:

а) ходимнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита алоқасини таъминлаш ва шу воситалардан фойдаланиш масалалари мустақил ҳал қилиш ҳуқуқида намоён бўлади;

б) ишлаб чиқариш фаолиятига, шунингдек, етиштирилган маҳсулот ва олинган даромадда мустақилликни таъминлаш;

в) қатъий иқтисодий жавобгарлик ва масъулиятнинг мавжудлиги.

**Деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжалиги хусусий мулкида** хўжаликни юритиш мақсадида қайта ишлаш ва сотиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари, ер, тракторлар, комбайнлар, бошқа машина ва ускуналар, ишчи ва маҳсулдор хайвонлар, ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино ва иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқалар, шунингдек, ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган воситалар - уй-жой, хўжалик қурилишлари ва бошқалар мавжуд бўлади.

**Ижара корхоналари мулкнинг вужудга келтириши ва ривожлантириши**, жамоавий мулк шакли сифатида, аввало, давлат

корхоналари мулкни ижарага беришини ифодалайди. Бу ерда кетма-кет ижарани амалга ошириш мумкин. Масалан, хўжалик давлатдан асосий ва айланма воситаларини ижарага олади. Ўз навбатида ички хўжалик бўлинмалари ишлаб чиқариш воситаларини хўжаликдан иккиламчи ижарага оладилар. Кейин эса, бригада, звенолар ёки ходимлар ишлаб чиқариш воситаларини бўлинмадан учламчи ижарага оладилар. Бунда даражали ёки кетма-кет ижарада мулк хар сафар ўз хўжайинини топаверади. Ижара ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкнинг хусусиятини ўзгартмайди. Классик иқтисодчилар, ижарачи мулкдор эмаслигини, ижара эса, муддатли шартнома эканлигини айтиб ўтишган. Лекин ижара мулкни иқтисодий рўёбга чиқартиришининг шаклини ўзгартиради. Ижара корхонасининг жамоаси давлатдан шу ишлаб чиқариш воситаларини аста-секин сотиб олиши мумкин. Бу ҳолатда **жамоа корхона** мулки вужудга келади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида **кооператив мулк** анча салмоқни эгаллайди. Кооператив мулки, унинг аъзоларининг пул ва бадаллари, ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган даромад ва бошқа фаолиятлар ҳисобига ташкил этилади.

Қишлоқ хўжаликда мулкнинг ривожланаётган янги шакли **акциядор, акционерлик жамияти ва корхоналари** мулки ҳисобланади. Акциядор жамияти мулки, акцияларни сотишдан, шунингдек, хўжалик фаолияти натижасида олинган даромадлар ҳисобига яратилган ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланади. Давлат қишлоқ хўжалик корхонаси коллективининг қарорига биноан, бу корхона акционер жамиятига, унинг мулки эса, акциядор жамияти мулкига айлантирилади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда мулкнинг акциядорлик шаклининг аҳамияти янада ошади:

- ишлаб чиқариш ресурсларини реал умумлаштиришга етакловчи, мулкни давлат тасарруфидан чиқарувчи восита. Акциядор мулкида мулкнинг турли базавий шакллари бирлашади. Бу ерда акцияни сотиб олувчилар алоҳида фуқаролар, жамоалар ва давлат бўлиши мумкин;

- ходимларнинг молиявий ресурсларини корхона эҳтиёжлари учун талаб қилиш воситаси;

- ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишда ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишда ходимлар манфаатдорлигини ошириш воситаси;

- дивиденд олиш йўли билан ходимлар даромадини кўпайтириш усули.

**Хўжалик уюшмалари (бирлашмалари) мулки** - бу концерн, агроконсорциум ва бошқалар мулкдир. Бунга корхона ва ташкилотлар томонидан ўтказилган, хўжалик фаолияти натижасида олинган мулк ва

ишлаб чиқариш воситалари киради. **Давлат мулкига** давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига беркитиб қўйилган мулклар киради.

Кейинги пайтларда **мулкнинг аралаш шакли** ҳам ривожланмоқда. Бунга фукароларнинг, кооперативларнинг, акциядор жамияти ва давлатнинг, шу жумладан, чет эл фукаролари, корхоналари, бирлашмаларининг бирлашган мулки киради.

Мулкнинг турли-туман шаклларида самарали фойдаланиш уларга тенг ҳуқуқ берилганда амалга ошади. Улардан бирортасини етакчи қилиб қўйиш яна монополь тенденцияни келтириб чиқаради. Ҳар бир мулк шаклининг ўз вазифаси бор. Масалан, хусусий мулкнинг бир хил, жамоа мулкнинг иккинчи хил ва давлат мулкнинг учинчи хил вазифалари мавжуд.

## ***2. Хўжалик юритиш шакллари тизими. Қишлоқ хўжалигининг ижтимоий (социал) иқтисодий тузилмаси (структураси)***

Ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг турли-туман ҳамда иқтисодий манфаатлари ва уларни амалга ошириш шароитларида хўжалик юритишнинг ҳар хил шакллари асос қилиб олинади. Ҳар бир мулк шаклига мос равишда хўжалик юритиш шакли ёки қишлоқ хўжалик корхонаси тўғри келади. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида корхоналарнинг қуйидаги турлари ривожлантирилади:

- Ишлаб чиқариш воситаларида хусусий мулкчиликка асосланган деҳқон хўжалиги. Ер ресурслари бу ерда хусусий мулкда ёки ижара шароитида бўлиши мумкин.

Мамлакатда ўзоқ вақтлар меҳнатни ташкил қилишнинг ва хўжалик юритишнинг деҳқон, оила хўжалик шаклларида унчалик эътибор берилмас эди.

- Жамоа мулкнинг турли шаклларида фойдаланишга асосланган, ижара ва жамоа корхоналари, қишлоқ хўжалик корхоналари, акциядор жамияти кўринишидаги корхоналар хўжалик уюшмаси (бирлашмаси)га тегишли корхоналар.


- Давлат мулкига асосланган турли хил давлат корхоналари.

Қишлоқ хўжалигида мустақил корхоналардан ташқари, шунингдек, тармоқ ҳудудий ёки бошқа принципларга асосланган ихтиёрий бирлашмалар, халқаро ташкилотлар мавжуд бўлади. Юқорида санаб ўтилган хўжалик юритиш шакллари, корхона ва бирлашма турлари, шунингдек, деҳқон хўжалиги, мамлакат қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини ташкил қилади. Ҳар бир мамлакатда, ҳудудда ўзига хос

шароитдан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий тузулма ҳар хил бўлади, яъни хўжалик юритиш шакллари, корхона ва бирлашма турлари. 1917 йилда А.В.Чаянов ҳам буни илмийжиҳат дан асослаб берган.


Аграр иқтисодиётнинг кўп укладлилигини тан олиш, назарий жиҳатдан хўжалик юритишининг ҳар қандай шакли ҳаракат қилишининг тенг ҳуқуқлигини тан олиш демакдир. Бу масаланинг амалий томони ҳозирги вақтдаги қишлоқ хўжалигининг, реал ҳолатини ҳисобга олишдир. Мавжуд хўжаликлар билан бир қаторда аграр иқтисодиётдаги кўп укладли звеноларни тан олиш хўжалик юритишнинг турли ижтимоий - иқтисодий шакллари ўрни ва чегарасини асослаб беради. Иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлар фаолиятига тўхтатиб, уларни тугатиш ва бошқа корхоналарга айлантириш нотўғри бўлур эди. Бундай хўжаликларда ижара ва кооператив хўжалик шакллари такомиллаштириш учун захиралар бўлса ҳам уларга четдан таъсир ўтказмаслик керак. Анча илгаридан буён зарар кўриб ишлаётган корхоналарни эса, объектив сабаблари бўлгани учун келажакда мустақил ривожланишини, уларда қандай хўжалик шакллари жорий қилиниши деҳқонлар ўзлари ҳал қилишлари лозим. Қишлоқ хўжалигида кўп укладлилигининг ривожланиши, деҳқон хўжалигининг мустқамланиши ўз навбатида қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил қилиш, уларнинг вазифаларини ва тузилмаларини ўзгартиришни ҳамда кооперативларга (уюшма, иттифоқ ва бошқалар) айлантиришни тақозо қилади. Ер ва чорва моллари маҳсулдорлигини, маҳсулот сифатини яхшилаш ва уни ишлаб чиқариш ҳаражатини пасайтириш учун олиб борилган рақобат курашида самарадорлик тўғрисидаги масала ва хўжалик юритишининг у ёки бу шаклининг афзаллиги аниқланади. Қишлоқ хўжалигида турли мулк шакллари корхона турлари ўртасидаги рақобат курашида давлат фаол рол ўйнайди. Бу давлат эҳтиёжи учун зарур бўлган буюртмаларни танлов асосида бажаришида, солиқ ва кредитларни амалга оширишда, янгиликлардан фойдаланишда, давлат бюджетидан капитал маблағларни молиялаштиришда намоён бўлади.

Қуйида бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида амал қилиши мумкин бўлган турли-туман мулк шакллари келтирилади:




Агросаноат уюшмасига қарашли давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш йўллари ва хусусийлаштириш тартиблари:

## 1) Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш йўллари



## 2) мулкни хусусийлаштириш тартиблари



## Саволлар

1. Мулк нима ?
2. Мулк қандай категория?
3. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкнинг қандай шакллари мавжуд?

4. Мулкни хусусийлаштириш тартиблари қандай?
5. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш қандай амалга оширилади?
6. Хўжалик юритиш шакллари нима?
7. Ижтимоий-иқтисодий таркиб деганда нимани тушунасиз ?

## **6-БОБ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

*«...майда деҳқон хўжалигининг  
бундан кейинги фаолиятини ҳимоя  
қилиш... бу, аста-секин қирилиб,  
кетishi талвасасига маҳкум этил-  
ган, бир қанча авлодларнинг ҳаёт-  
мамотини сақлаб қолиш демакдир».*

**А.В.Чаянов**

### **1. Декон хўжаликлари - хўжалик юритишнинг анча оқилона шаклидир**

Деҳқон хўжалиги деганда, ўз мулки ёки ижарага олинган ер, сув, бошқа восита ва мол-мулклардан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, сақлашни ва сотишни амалга оширувчи, оилавий, оилавий-меҳнат ёки бир қанча шахсларнинг биргалашган меҳнатига асосланган, юридик шахс ҳуқуқи га эга бўлган мустақил хўжалик субъекти тушунилади. Бу ҳақда 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 1-боб, 2-моддасида шундай дейилган: «Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади». Деҳқон хўжалиги - хўжалик юритишнинг анча оқилона шаклидир. А.В.Чаяновнинг меҳнатга асосланган деҳқон хўжалиги тўғрисидаги ғоясига асосан, деҳқон хўжалиги деб -деҳқоннинг ва унинг оиласининг шахсий меҳнатига асосланган, товар хусусиятини олувчи, ишлаб чиқаришни ҳамкорликда амалга оширувчи шахсларнинг ихтиёрий оилавий-меҳнатига асосланган бирлашмасидир. Улар ишлаб чиқариш воситаларига ҳамкорликда эгалик қиладилар, етиштирилган маҳсулотга ва олинадиган даромадга биргаликда эгалик қиладилар. Деҳқон хўжалигининг ва қишлоқ хўжалик кооперациясининг машҳур

назариётчиси, 20-йилларнинг йирик аграр иқтисодчиси А.В.Чаянов эди. Унинг жамиятни ривожлантириш тўғрисидаги тадқиқотлари бутун дунё томонидан тан олинган. Чаянов ўз ҳамфиكري Н.П.Макаров билан биргаликда деҳқон хўжалигиининг эволюциясига, унинг табақаланишига катта эътибор берган. Чаянов деҳқон хўжалигининг физиологиясини тушуниш учун, унинг анатомиясини яхшилаб ўрганиш кераклигини таъкидлайди ва у бюджет тадқиқотлари асосида деҳқон хўжалигининг анатомиясини баён этади. Бундан ташқари, А.В.Чаянов деҳқон хўжалиги фаолиятининг айрим хусусиятларига катта эътибор берди.

А.В.Чаянов оилавий деҳқон хўжалигининг меҳнат мотивларини меҳнат истеъмол баланси назарияси ёрдамида тушинтириб берган. А.В.Чаянов ўзининг меҳнат истеъмол баланси назариясини график кўринишда берди. Графикда деҳқон хўжалигининг максимал меҳнат фаоллиги ва максимал меҳнат унумдорлигининг икки чизиғи бир нуқтада кесишади. Бу эгри чизиқлар жаҳон иқтисодий адабиётида «Чаянов эгри чизиқлари» номи билан машҳурдир. А.В.Чаяновнинг бой статистик маълумотлари ҳар томонлама таҳлил асосида деҳқон хўжалигининг 6 та асосий ижтимоий кўринишларини ўрганади:

-Синфий қулоқ хўжалиги. Бунда асосий даромадлар савдо айланмасидан келади. Қишлоқда уларнинг сони кам бўлгани билан, лекин иқтисодий таъсири кучли бўлган.

-Ёлланма меҳнатга асосланган қулоқ хўжалиги бўлиб, соҳибкорлик даромадини олишга манфаатдор.

-3,4 ва 5 кўринишлари. Шахсий меҳнатга асосланган иқтисодий кучлари турли даражада бўлган ўрта ҳол деҳқон хўжаликлари.

-Ўз иш кучини сотувчи ишчи хўжалиги.

## ***2. Деҳқон хўжалигини ташкил этиш тамойиллари ва шароитлари, унинг мулки, ишлаб чиқариш фаолияти ва самарадорлиги***

Деҳқон хўжалигининг аъзоларига хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашувчи эр-хотинлар, болалар, ота-оналар, қариндошлар ва бошқа шахслар кириши мумкин. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи, унинг давлат, кооператив ва бошқа корхона, ташкилотлар, шунингдек, алоҳида фуқаролар олдидаги манфаатларини ҳимоя қилувчи, асосий иш жойи шу ер бўлган, хўжаликда тизимли равишда банд ва зарурий профессионал тайёргарликка эга бўлган меҳнатга яроқли аъзолардан бири бўлиши мумкин. Юқорида қайд этилган қонуннинг 4-моддасида (Деҳқон хўжалиги бошлиғи): «Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилятини йўқотган тақдирда ёки

Ўзоқ вақт бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига, деҳқон хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлганда эса, шартнома асосида - ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига жавоб берадиган ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир», - дейилган.

Деҳқон хўжалиги давлат кооператив ва бошқа хўжалик юритиш шакллари қаторида агросанот соҳасига кирувчи тенг ҳуқуқли ва мустақил хўжалик юритиш шакли ҳисобланади. У ўз фаолияти йўналишини, ишлаб чиқариш тузилмасини ва ҳажмини, маҳсулот сотиш каналларини ўзи мустақил аниқлайди, кўшма фаолиятда, шу жумладан, хорижда шерикларни ўзи танлайди, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилади. Деҳқон хўжалиги давлат билан, кооператив ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар билан, алоҳида фуқоролар билан иқтисодий муносабатларни шартнома асосида амалга оширади, савдо операцияларини пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилади, солиқларни тўлайди, бюджетга тўловларни бажаради. Ижтимоий суғурта фонди ва бошқаларни амалга оширади. Деҳқон хўжалиги бирлашмалар, иттифоқлар, консорциумлар кўшма ва бошқа корхоналар, ташкилотлар таъсисчилари ҳамда қатнашчилари бўлиш, шунингдек, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш, тижорат ва бошқа фаолиятларига давлатнинг ҳамда бошқа органларнинг аралашуви қонун билан таъқиқланади. Баъзи ҳолатлар бундан мустасно.

Деҳқон хўжалигини ташкил қилиш ҳуқуқига мамлакатнинг ҳар қандай фуқароси эга. Фақат ундан хоҳиш ва махсус қишлоқ хўжалик билими, малакаси, қишлоқ хўжалигида амалий иш тажрибасига эга бўлиши ёки махсус тайёргарликни ўташи талаб этилади. Деҳқон хўжалик ташкил этиш тўғрисидаги фуқароларнинг аризаси, жамоа бошқаруви раиси, ходимлари, аъзолари умумий йиғилишида ва туман ҳокимияти тамонидан кўриб чиқилади. Деҳқон хўжалигининг эгаси ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш тўғрисидаги давлат далолатномаси берилгандан кейингина ёки ерни ижарага бериш тўғрисидаги шартнома тузилгандан кейин ташкил этилган ҳисобланади. Деҳқон хўжалиги хусусий мулк қилиб ҳам, умрбод мерос қилиб ҳам ёки ерни ижарага бериш йўли билан ҳам ташкил этилиши мумкин. Ердан фойдаланиш турларини (эгалик қилиш ёки ижара) танлаш ҳуқуқи деҳқон хўжалигига берилади. Деҳқон хўжалигига ер участкаси давлат ер захирасидан, давлат ўрмон фондидан, давлат кооператив ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар ерларидан берилиши мумкин. Уларга бериладиган ерларнинг миқдори жамоа хўжалиги ёки туман ҳокимияти томонидан, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик

фаолиятининг турига ва берилган ерни энг муҳими, деҳқон хўжалигининг шахсий меҳнати асосида ишлов беришига қараб аниқланади. Деҳқон хўжалигига ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан бир қаторда, у ердаги бошқа табиий, сув ва ресурслардан, шу хўжаликнинг шахсий эҳтиёжларига фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Деҳқон хўжалигига берилган ернинг миқдори ва унинг чегараси, фақат ердан фойдаланиш ҳуқуқи давлат далолатномаси берилган деҳқоннинг ихтиёри билангина ўзгариши мумкин. Деҳқон хўжалиги зарурият туғилганда ер эгасидан кўшимча ерни ижарага олиши мумкин. Бошқа томондан ўзрли сабаблар бўлганда, ўзига ажратилган участкасидан маълум бир қисмини, маълум бир муддатга ижарага бериши мумкин. Шунингдек, ер участкаси жамоа ёки ҳокимият розилиги билан алмаштирилиши мумкин. Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш пулликдир. Деҳқон хўжалигидан ер солиғи ер участкаларининг жойлашиши ва сифатига қараб аниқланади ҳамда ер солиғи ёки ижара ҳақи шаклида олинади. солиқлар тўлаш тартиби ва ставкаси мамлакатда ҳаракатдаги тартиб асосида ўрнатилади. Улар томонидаи ер учун тўловларга қуйидаги имтиёзлар берилиши мумкин: маълум бир муддатга бутунлай ёки қисман озод қилиш, тўловларни кечиктириш, ер солиғининг ставкасини пасайтириш. Давлат хўжалик ери билан бирга ўзининг хусусий мулкида, уй-жой ва бошқа қурилишлар, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар, паррандалар, асаларилар, экинлар ва дарахтлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва инвентарлар, транспорт ва бошқа асосий моддий айланма воситалари, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мустақил юрғазиш, қайта ишлаш ва маҳсулот сотиш учун керакли ресурсларига эга бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган мулклардан қандай фойдаланиш деҳқон хўжалигининг ўзига боғлиқ. Фақат баъзи ҳоллардагина давлат мулки қонун бўйича ўрнатилган суд қарори билангина олиб қўйилиши мумкин. Деҳқон хўжалиги аъзоларидан бири чиқиб кетмоқчи бўлса, ишлаб чиқариш воситалари таркибида натура (агар унинг шахсий мулки бўлмаса, шу восита) шаклида бўлиб, олиб кетиши мумкин эмас, фақат пул шаклида, унга тегишли бўлган қисми компенсация қилинади. Ўзлаштирилмаган ҳудудда, қайсики, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга тааллуқли объектлар бўлмаса, деҳқон хўжалигини ташкил қилишда унинг бирламчи қурилишини тўлиғича ёки қисман давлат ўзига олиши мумкин. Бундай ҳолатда, маблағ ва қурилган объектлар деҳқон хўжалигининг мулкига айланади.

Деҳқон хўжалиги ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш дастурини ўзи мустақил белгилайди. У барча етакчи тур фаолиятларини сақлаб қолган ҳолда, (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш), ҳаракатдаги ҳужжатларда тақиқланмаган барча

фаолият турлари билан шуғулланиши, шунингдек, ихтиёрий равишда давлат буюртмасини бажаришни ўз зиммасига олиши мумкин. Дехқон хўжалиги ихтиёрий равишда кооперативларга, жамиятларга, иттифокларга, уюшмаларга бирлашиши, кооператив, акционерлик (хиссадорлик) ва бошқа ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши ва тегишли даромадини олиши мумкин.

Улар, шунингдек, ўз хоҳишларига кўра ҳар қандай ташкилот таркибидан чиқишлари мумкин. Бундай ҳолатда улар тегишли мулкнинг бир қисмини, натура ёки пул шаклида олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Дехқон хўжалигининг фаолияти асосан, хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Шунингдек, ишларни бажаришда зарурият туғилганда меҳнат шартномаси асосида бошқа шахсларни жалб қилиши мумкин. Ижтимоий суғурта ва таъминот соҳасида деҳқон хўжалиги аъзосига ҳам, четдан жалб қилинган шахсга ҳам бир хил ҳуқуқ берилади. Дехқон хўжалигида ишланган вақт умумий ва ўзлуксиз иш стажига қўшилади. Дехқон хўжалиги ўз маҳсулотини сотиш ва фойдаланишни ички ва ташқи бозорда шартномали баҳоларда мустақил амалга оширади: у ўзи ишлаб чиқарган ва етиштирган қишлоқ хўжалик ҳамда бошқа маҳсулотларни тайёрлов, қайта ишловчи ва бошқа ҳар қандай корхона ва ташкилотларга, дўкон ёки бозорда сотиш ҳуқуқига эга. Маҳсулот, сифати, санитария ҳолати ва бошқа параметрлар бўйича деҳқон хўжалиги барча меъёрларга риоя қилиши керак.

Дехқон хўжалиги трактор, юк автомобиллари, бошқа қишлоқ хўжалик техникалари, қурилиш материаллари, ускуналар, хом ашё, ўғит ва бошқа асосий моддий айланма воситаларини давлат, кооператив корхона ва ташкилотлар дан, улгуржи савдо ва бошқа муассасалардан сотиб олиш (алмаштириш, ёллаш, ижарага олиш, прокатга олиш) ҳуқуқига эга. Дехқон хўжалигига сотиладиган маҳсулотлар, товарлар, ҳар қандай ишлаб чиқариш воситалари баҳоси, давлат ва қишлоқ хўжалик кооператив корхоналари учун ўрнатилган аналогик баҳолардан ошиб кетмаслиги керак.

Дехқон хўжалиги банк муассасаларидан узоқ, ўрта ва қисқа муддатли ссудалар олиш ҳуқуқига эга. Бунда банк фоизлари ставкаси давлат корхоналари учун ўрнатилган миқдордан ошиб кетмаслиги керак. Давлат ва кооператив ташкилотлар давлат хўжалигига улар билан тузилган шартномага асосан, кредит бериши ҳам мумкин. Дехқон хўжалигининг пул воситалари, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган пул тушуми, кредитлар, бюджет ассигнованиялари, эҳсонлар ва бошқа молиявий воситалар ҳисобига вужудга келади. Дехқон хўжалик фаолиятидан олинган пул тушуми, шунингдек, деҳқон хўжалигининг бошқа пул даромадлари жорий материал харажатларини (меҳнат ҳақидан ташқари) қоплашга, кенгайтирилган тақрор

ишлаб чиқаришда, молиявий захирани вужудга келтиришда, ижтимоий дастурларни амалга оширишга қатнашишда, солиқ ва тўловларни тўлашда, шахсий истеъмол (меҳнат ҳаққи) мақсадларида фойдаланилади. Дехқон хўжалиги солиқ тўлайди. Дехқон хўжалик солиғининг 3 хил кўриниши бўлиши мумкин:

1. Шахсий истеъмол мақсадларида фойдаланиладиган дехқон хўжалиги даромадларининг бир қисми олинадиган солиқ воситаси ҳисобланади.

2. Дехқон хўжалиги қишлоқ жойларда ер участкалари бўлган жамоа хўжалиги аъзолари ва бошқа шахслар учун ўрнатилган тартибда ва микдорда ягона ер солиғи кўллайдилар.

3. Дехқон хўжалиги ва унинг аъзолари, шунингдек, меҳнат шартномаси билан ишлаётганлар, жамоа хўжаликлари учун ўрнатилган тартибда солиқ тўлайдилар. Дехқон хўжалик ижарага олган ва хусусий ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек, қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини, кўп йиллик дарахтларни, ишлаб чиқарган маҳсулотини, хом ашёни, материалларни ва бошқаларни ҳалокатга учраганда ёки зарар кўрганда уни қоплаш учун ва қишлоқ хўжалик корхоналари, ижарачилар мол-мулкларини суғурта қилдириш борасида ҳаракатдаги қонунчилик томонидан ўрнатилган шароитлардаги тартибда суғурта қопламасини олиш мақсадида ихтиёрий равишда суғурта қиладилар.

Давлатга дехқон хўжалигининг ер тузилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғиндан сақлаш, ҳайвонлар ва ўсимликлар касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш, табиатни муҳофаза қилиш ва солиқ тўлаш ҳақидаги қонунчиликка риоя этиш соҳаларидаги фаолияти: устидан назоратни амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Дехқон хўжалиги давлат статистика органларига ҳисобот беради ва унинг тўғрилиги учун жавобгардир. Дехқон хўжалигидан белгилангандан ташқари ҳисоботларни талаб қилиш тақиқланади. Умумлаштирилган ҳолда, дехқон хўжалиги шаклланишининг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

1. Ерга хусусий мулк ва мерос сифатида қараб умрбод эгалик қилиш ёки ижарага олиш шарти билан ердан вақтинча фойдаланиш.

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юрғатиш, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш учун зарур ишлаб чиқариш воситаларини ижарага ёки хусусий мулк қилиб сотиб олиш.

3. Ишлаб чиқариш зарурияти туфайли бошқа шахсларни меҳнат шартномаси билан ишга жалб қилиш (ҳаракатдаги чекинишларни ҳисобга олган ҳолда,)

4. Хўжалик фаолияти турларини ва ишлаб чиқариш тузилмасини ихтиёрий танлаш.

5. Ишлаб чиқарган маҳсулотдан ва олинган даромаддан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш.

6. Бошқа деҳқон хўжаликлари, кооперативлар ва давлат корхоналари билан кооперацияларга кириш.

Шуни қайд қилиш лозимки, деҳқон хўжалигининг барпо этилиши ва шунга мўлжаллаб ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш анча қийинчиликлар билан бўлмоқда. Деҳқон хўжалигининг реал мустақиллигини чегаралайдиган ва ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш воситалари улгуржи савдосининг ривожланмаганлиги ва умуман йўқлиги (тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, ускуна ва механизмлар, ем, минерал ўғитлар, ёқилғи - мойлаш материаллари ва бошқалар).

2. Қишлоқда деҳқон хўжалиги маҳсулотларини сотишда, уларга шартнома асосида ёрдам қилишга қаратилган, савдо-харид кооперативларининг ривожланган тизимини йўқлиги.

3. Деҳқон хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа корхона ва ташкилотлар билан муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг такомиллашмаганлиги.

Мана шу сабаблар туфайли деҳқон хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ва маҳсулотларни сотиш масаласида ўзлари ташкил топган қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарларига мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Бу эса, уларни бевосита бўйсунушга олиб келади. Бундай шароитда деҳқон хўжалигининг мустақиллиги қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари хоҳишига қараб анча чекланиб, ривожланиши.

Статистик маълумотларга кўра, республикада 3,7 млн.га яқин деҳқон хўжаликлари мавжуд. Деҳқон хўжаликлари 2004 йилда республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 66 %ини берди. Ўртача бир деҳқон хўжалигининг даромади 60 минг сўмни ташкил этиб, айримлариники 400-500 минг сўмга етади. Ҳозирда 150 минг гектар ерлар иморат учун банд қилинган. Деҳқон хўжаликлари ғалланинг 17%ини, сабзавотнинг 71%ини, полиз экинларининг 56,5%ини, меванинг 41%ини, узумнинг 32%ини, гўштнинг 87%ини, сутнинг 91%ини, тухумнинг 69,5 %ини, жуннинг 72%ини, қорақўл терининг 40%ини бермоқда. Деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларнинг товарлилик даражаси ҳам бошқа

турдаги қишлоқ хўжалик корхоналари етиштирган маҳсулотлардан анча юқори кўрсаткичларга эга.

### **Саволлар**

1. Дехқон хўжалиги нима?
2. Дехқон хўжалигини ташкил этиш зарурияти нимадан иборат?
3. Дехқон хўжалигини ташкил . этиш тамойллари қайсилар?
4. Дехқон хўжалиги мулкани ким тасарруф этади?
5. Дехқон хўжалиги зарур ишлаб чиқариш воситаларини кимдан ва қайси маблағ ҳисобига олади?
- б. Дехқон хўжалигининг иқтисодиётдаги роли қандай?

## **7-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

*«... Мамлакатимиз қишлоқ  
хўжалик ишлаб чиқаришида  
фермер хўжалиklarини  
ривожлантиришининг аҳамияти  
нечоглик катта эканини  
яна бир бор таъкидлаш жоиз,  
деб биламан!».*  
**И.А.Каримов**

### ***1. Хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжалиklarини шакллантиришининг назарий асослари***

Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтдан бошлаб, юртимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг яқин келгусидаги стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишларни, жумладан, аграр соҳада туб иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириши илмий ва назарий асосларини яратишда улкан саъй-харакатлар амалга оширилди.

Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва удабуронлик бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш асосида стратегик. мақсадлардан эканлиги алоҳида таъкидланди. Ислоҳотлар эса, мамлакат ижтимоий ҳаётида изчиллик билан жорий қилинмоқда.

Республика халқ хўжалигида мулкнинг турли хил шакллари фаолият кўрсатаётган даврда бозор субъектлари, жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари ва улар таркибидаги меҳнат жамоаларининг ҳам моддий манфаатдорликларини ошиши ва хўжалик юритишдаги иқтисодий эркинлик натижасида уларда нафақат ишлаб чиқариш, балки тадбиркорлик фаолияти ҳам шаклланиб, тезкор ривожланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида қишлоқда бозор муносабатларини тезроқ шаклланиши ва барқарорлигини таъминлайди.

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқариш муносабатлари асосини ташкил этади. У ўз моҳияти жиҳатидан моддий неъматларни ўзлаштириш юзасидан инсонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлардан ташкил топади. Бу ерда мулкий муносабатлар негизини эгаллик қилиш, фойдаланиш ва ўзлаштириш ҳуқуқлари ташкил

қилади. Яъни деҳқон ушбу ҳуқуқларга эга бўлсагина ўзини тўлиқ мулкдор сифатида ҳис этиши мумкин, Бозор иқтисодиёти эса, мустақил товар ишлаб чиқарувчи мулкдор фаолияти асосида шаклланади ва фаолият кўрсатади. Шу нуқтаи назардан республикаимиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар энг аввало, қишлоқларда мулкдорлар синфини шакллантириш, деҳқонни мулкнинг ҳақиқий эгасига айлантиришнинг энг асосий масалалардан бири сифатида қарамоқда.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки даврида, фаолият кўрсатиб келаётган давлат ва жамоа хўжаликлари босқичма-босқич тугатилиб, бу хўжаликлар ўрнида ижара хўжаликлари, очик ва ёпиқ чурдаги ҳиссадорлик жамиятлари, деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва ширкатлар уюшмалари ташкил этили. Дастлабки тўпланган тажрибалар натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, бу хўжалик юритиш шакллари фаолияти кутилган юқори иқтисодий-ижтимоий самараларни бермади. Ўтказилган аниқ тадқиқотлардан маълум бўлдики, кўп ҳолларда хўжалик номи ўзгаргани ҳолда, ички иқтисодий механизм ўзгармасдан, эскича иш юритиш тизимида фаолият кўрсатиб, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги ходимларнинг ерга, мулкка ва етиштирилган маҳсулотга бўлган эгалик ҳиссини шакллантириш учун етарли шароит яратилмади.

Бу ҳол қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишни, тармоқда мулкрий муносабатларни такомиллаштириш заруратини пайдо қилди.

Ривожланган давлатларнинг кўп йиллик тажрибаларини умумлаштириш асосида ҳамда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ислохотларни босқичма-босқич ўтказишнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида энг самарали хўжалик юритиш шаклларида, яъни хоҳ у фермер хўжалиги, хоҳ ширкат хўжалиги ёки деҳқон хўжалиги бўлсин, улардан энг самарали шаклини аниқлашни тақозо этади. Хўжалик юритишнинг танлаб олинган шаклини такомиллаштириш, қишлоқда мулкдорлар қатламини барпо қилиш ва барқарор ривожлантириш, уларнинг мулкрий ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатланиши, қишлоққа саноатни олиб кириш натижасида қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларини банд қилиш, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳамда қишлоқ инфратузилмасида хизмат кўрсатадиган корхоналарни ташкил қилиш соҳасидаги чоратадбирлар мажмуасини амалга оширишни талаб қйлади.

Аграр срҳада ҳам хусусийлаштиришни кенг жорий этиш, мулкни кўпайтира оладиган, бозор рақобатига бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдорлар қатламининг вужудга келтириш зарурияти туғилди. 2004 йил 26 августда қабул қилинган "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритган янги таҳрирдаги Қонуни республикамизда фермер хўжаликларини ташкил этиш, уни бошқариш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги катта аҳамиятга эга бўлган меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Бу эса, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида республикамиз аграр соҳасида мулкдорлар қатламининг шаклланишида муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Юқорида зикр этилган қонунинг I бўлим, 3-моддасида фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект эканлиги қайд қилинган.

Фермер хўжалигининг бошлиғи эса, шу хўжаликнинг муассиси - фермер эканлиги, у ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжалиги камида шартли 30 бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса, камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехкончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган.

Фермер хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс мақомини олиб, банк муассасида ҳисоб-китоб варағи ва бошқа хил ҳисоб рақамилар очишга ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади. Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган

намунали низом асосида тузилган шу фермер низомига мувофиқ фаолият юритади.

Фермер хўжаликлари юритиш учун бериладиган ер участкалари, захира ерлардан, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалик кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилади.

Илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг ерлари, шунингдек, сув жамғармаси ерлари фермер хўжалигига берилиши мумкин эмас.

Фермер хўжаликларининг юритиш учун участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари махсус ташкил этилган комиссия ўтказган танлов якунларига кўра туман ҳокимининг қарорига асосан, берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари мазкур кооперативнинг (ширкат хўжалигининг) ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг аъзоларига фермер хўжалигини юритиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий йиғилиши томонидан ўтказилган танлов якунларига кўра туман ҳокимининг қарорига асосан, берилиши мумкин.

Танлов «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 4 январдаги 139 сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом асосида ўтказилади.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят ҳайъати томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси фермер хўжалигининг бошлиғи ва туман ҳокими томонидан имзоланади. Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан катъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек, олди-сотди, гаров, ҳадя, айрибошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкин. Фермер хўжалиги берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ маҳаллий бюджетга тўланадиган ҳар йилги ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган ери ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, ернинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда, белгиланадиган ягона ер солиғи ставкаси миқдорида ундирилади.

Давлат рўйхатидан ўтган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлашдан озод этилиши қонунда белгилаб қўйилган.

Фермер хўжалиги юридик шахсниинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Фермер хўжалиги тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, ташкил этилишидан кўзланган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга монанд тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Фермер хўжалиги бошқа шаклларда хўжалик юритувчи корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга.

Фермер хўжалиги:

- ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллар, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуна, ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек, бошқа мол-мулкларга;

- ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга;

- олинган даромадларга (фойдаларга);

- қонунда тақиқланмаган асосларда эга бўладиган бошқа мол-мулкка дахлдордир.

Фермер хўжалигининг фаолияти кўпроқ хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Фермер хўжалигидаги ишларни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида жалб этилиши мумкин.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни сотиши, шу жумладан, давлат хариди тартибида сотиш учун ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқи га эга. Тарафлар шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб, мустақил равишда нарх белгилайдилар.

Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узоқ муддатли кредитлаш ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун ўрта ва қисқа

муддатли кредитлаш шартномаси асосида амалга оширилади. Фермер хўжаликлари банк муассасалари томонидан уларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этиладиган махсус кредит фондидан имтиёзли шартларда фойдаланадилар. Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа тўловлар тўлайди. Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот такдим этади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида" асарида таъкидланганидек, "Бу ерда гап ўзига теккан мулкни шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик орттириш йўлида совурмасдан, балки ана шу мулкни кўпайтира биладиган, техника билан қайта жихозлайдиган ва замон талабларига мувофиқ такомиллаштира оладиган, унинг негизида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдорлар ҳақи да бораётир. Шунингдек иш билан банд бўлмаган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайдиган, ўзига ҳам, ишловчига ҳам, давлатга ҳам даромад келтирадиган, ишлаб чиқаришни ташкил қила оладиган мулкдорлар ҳақи да фикр юритиляпти!».

Ҳақиқий мулкдор бўлиш - ҳақиқий хўжайинлик туйғусини ҳис этиш демакдир. Бу ўз навбатида инсоннинг яширин куч-ғайратини, ташкилотчилик қобилиятини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади, ўз корхонасининг ривожланиш истикболи ҳақида қайғуриб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб боради, оладиган фойдаси ҳам, ходимларнинг даромади ҳам кўпаяди. Демак, иқтисодий жихатдан эркин фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкни самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан моддий манфаатдор бўлибгина қолмай, балки мамлакатни бойитишга ҳам ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшишга имконият яратади.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш ресурслардан, айниқса ердан самарали фойдаланиш, меҳнаткашларда мулкка, меҳнатга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартириш, юқори кўрсаткичларга интилиш истагини кўчайтиришга олиб келади. Шу хўжаликдаги аъзоларга ҳақ тўлаш механизми меҳнат унумдорлигини оширишда, ўз мулкий ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш ўз мулки асосида, етиштирилган маҳсулотга мустақил эгалик қилиш ҳиссини уйғотиш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатади. Фермер хўжаликларида мулкдорлар ўз мулклари асосида кичик ва кўшма корхоналар ташкил этиб, мулкни ва сифатли маҳсулотларни купайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнатни илғор тажриба ва технологиялар асосида ташкил этиш, бошқарувга малакали мутахассис ва мененджерларни жалб қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархни иасайтиришдан мафаатдордирлар.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларини ташкил этишдан мақсад меҳнаткашларни боқимандалик кайфиятидан халос қилиб, маълум бир миқдорда мулк эгаси этиб, шу мулкдан имконият даражасида самарали фойдаланиб, уни кўпайтиришнинг моддий манфаатдорлик механизми таъминлашдан иборатдир. Мулкдор маҳсулот ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатни тежамкорлик билан амалга ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг рақобатбардошлилиги чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Фермер хўжаликларини ташкил этиш қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлигани ошириш, мамлакат иқтисодини ривожлантириш, мулкни кўпайтириш, ундан самарали фойдаланиш, технологик бир-бирига ўзвий боғлиқ хўжалик субъектлари мақсадларининг, уйғунлигини таъминловчи механизмларни яратишда бош омил бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ҳам фермерчилик усул ва тамойилларига асосланган хўжалик юритиш шакллари бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бериши нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Мулкка ва пировард натижаларга эгалик қилиш ҳуқуқларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда фуқарорларда янги иқтисодий тафаккур ва тушунчаларнинг ривожланиши катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, турли хил мулкчиликка асосланиб, фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик корхоналари орасида хусусий мулкчиликка таяниб, ўз манфаати ва масъулияти негизида хўжалик юритаётган фермер хўжаликларида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурсларидан самаралироқ фойдаланишга шароит яратиб беради. Шу билан биргаликда мулкка ўз меҳнатининг натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотга эга бўлиши билан биргаликда мамлакатимизни кучли ҳуқуқий давлатдан кучли ҳуқуқий фуқаролик жамият тизимига ўтишда республика аҳолисини янги ижтимоий тафаккур ва тушунчаларининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

## ***2. Фермер хўжаликлари самарадорлигини оширишда ривожлашган мамлакатлар тажрибаси***

Мустақилликка эришилгандан кейин республикада мустақил тузумдан мерос бўлиб қолган иқтисодиётни бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик услубидан воз кечилиб, халқимизнинг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари ҳамда менталитетига таянган ҳолда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш модели, яъни «ўзбек модели» яратилди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Сиёсий-ижтимоий ислоҳотлар натижасида амалга оширилаётган иқтисодий ларзаларсиз, босқичма-босқич ўтилаётган бозор муносабатларининг туб моҳияти ва мақсадини республика аҳолисининг барча қатламлари тўлалигича, онгли равишда тушуниб олиб, бозор ислоҳотларини самарали усуллар воситасида амалга ошириши мумкин ва зарур эканлигини, яъни ислоҳотлар одамлар учун ва шу одамлар орқали амалга оширилишини чуқур англаб етишлари зарур. Бугунги давр кишиси товар сифатидаги иш кучини ўзида мужассам этган бозор муносабатлари субъектлари, янги иқтисодий шароитда ишлай оладиган бўлишлари ҳам талаб қилинади.

Республика агросаноат мажмуида рўй бераётган ўзига хос ҳолат, бу соҳадаги мавжуд вазиятни чуқурроқ таҳлил қилишни, қўйилган вазифаларни имкон борича эртароқ ва камроқ йўқотишлар билан бажариш чоратадбирларини белгилашни тақозо этади. Бу чора-тадбирларни ишлаб чиқаришда ва асослаб беришда жаҳондаги бозор иқтисодиёт тамойиллари асосида ривожланган мамлакатларда тўпланган бой тажрибаларни ҳар томонлама ўрганиш, умумлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш республика фермер хўжаликларини оқилона ташкил этиш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини барқарор ошириш бўйича аниқ таклифлар, тафсиялар ишлаб чиқариш ва уни хўжалик юритиш фаолиятларига татбиқ этиш соҳанинг иқтисодий кўрсаткичларини ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Япония, Германия, Голландия, Белўғия каби тараққий этган давлатлар "Осиё йўлбарслари" дея эътироф этилган ва кейинги ўн йилликлар мобайнида юксак ютуқларга эришган Жанубий Сурия, Сингапур, Тайван, Малайзия, Хитой Халқ Республикаси сингари мамлакатларда туплаган тажриба шундан далолат берадики, республикамиздаги жамият ҳаётининг барча соҳасини эркинлаштириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва барқарорликнинг асосий омили бўлган мулкдорлар синфини шакллантириш орқали эркин бозор муносабатларини тўлақонли вужудга келтириш истиқболда эркин, фаровон, маърифатли, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишдаги дадил кадам бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган мамлакатларда фермерлик ҳаракатлари, уларнинг самарадорлик даражалари, ўлчамлари катта-кичиклиги, эгаллаган ер майдонлари, ривожланиш суръатлари бир хил эмаслигини кўрсатади.

Фермерлик ҳаракати, уларда хўжалик юритиш самарадорлик даражаси бўйича тўпланган ижобий тажрибалар бизнинг мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини жадаллаштириш, унинг тез суръатлар билан барқарор

ривожланиши ва самарадорлигини оширишда маълум даражада фойдали эканлигини эътиборга олиб, Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракати тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Америка Қўшма Штатларида фермерлар давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиб келиниши натижасида уларнинг моддий-техника ҳамда ахборот-информацион базалари юксак даражада ривожланган. Мамлакатда фермер хўжаликларининг турли хил шакллари: оилавий фермерлар, йирик фермер хўжаликлари, фермерларга хизмат кўрсатувчи турли хил сервис корхоналари ва муассасалари, уларнинг ихтиёрий уюшмалари кенг фаолият кўрсатади.

Бу мамлакатда фермерлар ўзаро ихтиёрий равишда кооперациялар уюшмаларига аъзо бўлиб қирадилар.

Фермерлар кооперацияларида ихтиёрий ҳамкорликдан мақсад шуки, мавжуд ресурслардан самарали йўллар билан фойдаланиш орқали ҳар бир фермер ва бу фермерларга турли хил хизмат кўрсатувчи сервис фирмалари оладиган фойда ҳамда даромад микдорининг ошишидан тенг манфаатдордирлар.

Кооперативга бирорта фермернинг аъзо бўлиб кириши ёки аъзолардан чиқиши бирон-бир субъект томонидан чегараланмайди; фармойиш, кўрсатма, буйруқ берилмайди; унинг фаолияти ҳақида қарор қабул қилинмайди. Бу фермерларнинг мутлақ мустақил иши ва фақат ўзи ҳал қилади.

Кооперативларни бошқариш демократия асосида, унинг аъзолари томонидан бошқарилиб борилади. Кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши юқори бошқарув органи бўлиб, унинг фаолиятини мунтазамлаштириб, мувофиқлаштириб, бошқариб боради, Америка фермерларининг энг ишончли ва энг масъулиятли ёрдамчилари фермерларга хизмат кўрсатувчи сервис кооперативлардир. Бундай фермерлар кооперацияси фаолияти ҳақиқатдан ҳам кўп қамровли бўлиб, улар куйидаги вазифаларни амалга оширадилар: уруғлик, озика, хашак, ўғитлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, жиҳозлар, инвентарлар, эҳтиёт қисмлар, ўсимлик ва ҳайвонларни табиий ривожланишига тўсқинлик қилувчи паразитларга қарши курашни ташкил этиш учун зарур кимёвий моддалар, молия-кредит ва суғурта таъминшлари шартнома билан ишлайдиган ишчилар, ветеринария хизмати, ерга мелиоратив ишлов бериш ва экишга тайёрлаш, хашаротга қарши кураш, техник хизмат кўрсатиш; зарур ахборот-информацияларни тўплаш, узатиш, қайта ишлаш, маълумот тўплаш; кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш хизматлари, электроэнергия ва бошқа хизмат турлари кабилар.

Фермер хўжалик юритиш учун зарурий бўлган барча моддий-техник жиҳозлар, асбоб-ускуна ва анжомлар тўлалигича таъминланган. У қишлоқ хўжалик техникаси ва уларга керакли эҳтиёт қисмлар, ўғит, ёқилғи-мойлаш материалларини ўзи аъзо бўлган кооператив, орқали йилнинг, ойнинг, сутканинг қайси вақтида керак бўлса, шу заҳотиёқ, ҳеч бир ҳужжат, талабнома, рухсатнома ёки фармойишсиз олиш ҳуқуқи га эга.

Ҳозирги пайтда Америка Қўшма Штатларида 2,1 млн. фермерлар мавжуд бўлиб, шулардан 85 фоизи оилавий фермерлар, яъни майда фермерлардир. Уларнинг умумий сони 1 млн. 1780 та бўлиб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулогнинг фақатгина 20 фоизига яқинини етказиб беради. Фермерларнинг 10 фоизи, яъни 215 мингтаси шерикчилик асосида иш юритиб, умумий фермерларнинг 20 фоиз маҳсулотини етказиб берса, 111 минг ёки умумий фермерларнинг 5 фоизи мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60 фоизини етказиб берувчи фермерларнинг йирик корпорацияларидан ташкил топган. Бундай фермер хўжаликлариде маҳсулот ишлаб чиқариш иқтисодий самара билан олиб борилаётганлиги йирик корхоналарда ишлаб чиқаришнинг юқори даражадаги концентрациялашганлигининг ижобий натижасидир.

Республика қишлоқ хўжалик корхоналаридаги дастлабки эришилган тажрибаларни умумлаштириш ва илғор мамлакатлар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, давлат тасарруфидан чиқарилган мулк ва шу мулкка таянилиб ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат эвазига олинадиган даромаднинг тақсимоти адолатли бўлиб, даромадни мулк ва меҳнат эгасининг ўзи тўлиқ тасарруф этишга имкон яратиб берилади. Бу хўжалик юритиш шакли моддий манфаатдорлик билан моддий жавобгарлик уйғунлиги асосида ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган, умумий мулкдан ўз улушига эга бўлган ҳар бир кишига, ҳар бир шахсга энг нафлилик ва манфаатдорлик даражасини таъминлайди.

### **Саволлар**

1. Фермер хўжаликлари қандай тартибда тузилади?
2. Фермер хўжалигини ширкат, деҳқон ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридан фарқи нимада?
3. Фермер хўжалиги намунавий Низомининг мазмунини айтинг.
4. Фермер хўжалиги қандай ерларда ташкил этилади?
5. Фермер хўжаликларини энг минимум ўлчамларини айтинг.
6. Қандай ерларда фермер хўжаликлари ташкил этилмайди?
7. Фермер хўжалиги қандай тартибда солиққа тортилади?

**8-БОБ. ЖАМОА, ШИРКАТ ВА АКЦИЯДОРЛИК  
(ҲИССАДОРЛИК) ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

*«Кооперация - қишлоқда ишлаш  
учун қулайроқ аппаратдир».*

**А.В.Чаянов**

***1. Кооперациянинг моҳияти, объектив зарурияти ва ривожланиши***

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юрителининг турли-туман шакллари тизимида кооперация муҳим ўрин тутди. Кооперация деганда мавжуд ишлаб чиқариш мулклари ва молиявий ресурслари, мустақиллиги ва ташаббускорлиги асосида иқтисодий фаолиятнинг у ёки бу соҳасида умумий ишлаб чиқариш мақсадларига эришиш учун ихтиёрий бирлашадиган корхона ёки ишлаб чиқариш бўлинмаси ходимларини маълум қисмининг ташкилий шакли тушунилади. Қишлоқ хўжалигида кооперациянинг зарурлиги, энг аввало, бир бутун ижтимоий ишлаб чиқаришга бевосита мустақил қўшила олмайдиган алоҳида деҳқон, деҳқон хўжалиги, ижарачилар ва бошқалар каби - майда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг мавжудлигига бевосита боғлиқ. Улар учун бу вазифа, хўжалик юрителининг анча қулай, қўлланиладиган ҳаммабоп шакли бўлган кооперация орқали ҳал қилиниши мумкин. Ахир кооперация асосида меҳнат жамоаларининг ўзини-ўзи ташкил қилиш тамойили ётади, у ихтиёрийликни, ўз-ўзини молиялаштиришни, бошқаришни ташаббускорлик ва мустақилликни талаб қилади.

Артелў тамойилига асосланган кооператив меҳнат ҳақи ҳаётий манфаатларни меҳнатнинг аниқ пировард натижалари билан мустаҳкам боғлайди, кишиларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва унинг келажаги ҳақида қайғуришга нафақат ўзининг индивидуал истеъмоли тўғрисида эмас, балки ишлаб чиқариш жамғармаси тўғрисида ўйлашга ундайди. Кооперативлар давлат корхоналаридан фарқ қилиб, биринчидан, бутун жамиятнинг эмас, биринчи навбатда ўз аъзоларининг иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Иккинчидан, шунинг учун кооператив аъзолари, кооперативга бирлашмаган шахсларга нисбатан анча қулай ижтимоий-иқтисодий шароитларга эга бўлади. Амалиётда кооперациянинг икки усули қўлланилиши мумкин: ташқи куч таъсири остида бирлашиш ва ихтиёрий бирлашиш. Биринчи ҳолатда бирлашма энг аввало, шу ташқи кучнинг манфаати йўлида хизмат қилади ва жамоа ходимларининг ижтимоий мослигини ҳисобга олмасдан ташкил топди. Бундай жамоаларда шахсга кўпинча кўпчиликка бўйсунди. Ходимларнинг ихтиёрий

бирлашуви эса, уларнинг ҳамкорликда манфаатдорлиги асосига таянади; бу ерда кооперация - унинг қатнашчилари манфаатларини амалга ошириш воситаси ва шунинг учун киши шахсиятини камситмайди. Бу усуллар кўпинча уйғунлашади, лекин бу уйғунлашув турлича, кўп омилларга боғлиқ бўлади. Саноатда "юқоридан" мажбурий кооперация устунлик қилувчи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида "юқоридан" мажбурий кооперация кам самаралидир. Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатиш сферасига боғлиқ ҳолда, кооперацияларнинг учта тури ҳаракат қилади: ишлаб чиқариш, матлубот ва аралаш.

1. Ишлаб чиқариш кооперативлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, бошқа товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш мақсадида барпо этилади ва ҳаракат қилади.

2. Матлубот кооперативлари ўз аъзоларининг ва бошқа фуқароларнинг савдо ҳамда маиший хизмат соҳасидаги эҳтиёжларини қондиради.

3. Кооперативларнинг аралаш типи маҳсулот . ишлаб чиқариш ва матлубот фаолияти билан шуғулланади.

Кооперацияга қатнашувчиларнинг таркибига қараб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кооперативлари қуйидаги турларда бўлиши мумкин:

а) деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш-сотишга мўлжалланган кооперативларга бирлашиши (деҳқон кооперацияси);

б) ўсимликчилик, чорвачилик ва бошқа тармоқ кооперативларига ички хўжалик ижара пудрати тизимидаги бирламчи ижара жамоаларини бирлаштириш (ички хўжалик кооперацияси);

в) жамоа хўжалиги шаклидаги кооперативларга алоҳида деҳқонларнинг бирлашиши (қишлоқ хўжалик кооперацияси);

г) корхона ва бошқа хўжаликлар иштирокида бирлашиши (хўжаликлараро бирлашиш)

Қишлоқ хўжалигида кооперативлар деҳқонларнинг, ижарачиларнинг, деҳқон хўжаликларининг, бошқа фуқароларнинг хоҳиши бўйича ташкил этилади. Унинг ташкил этилиши қандайдир алоҳида кенгаш, хўжалик ва бошқа органларнинг махсус руҳсати билан боғланмаган. Кооператив аъзоси - кооперативнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қатнашишга хоҳиши ва қобилияти бўлган ҳар бир 16 ёшга тўлган фуқаролар бўлиши мумкин.

Кооперативнинг асосий ҳужжати бу Низом бўлиб, у расмийлаштирилгандан сўнг кооператив фаолият кўрсата бошлайди. Агар кооператив фаолияти учун ер участкаси зарур бўлиб қолса, у ҳолда унинг низомини расмийлаштириш учун ер эгасининг розилиги ҳам зарурдир.

Кооперативнинг низоми, расмийлаштиришга берилган кундан бошлаб, 1 ой муддат ичида маҳаллий хокимият томонидан кўриб чиқишди. Кооператив низомида кооперативнинг номи, унинг жойи, фаолиятининг предмети ва мақсади, кооперативга кириш ва ундан чиқиш тартиби, кооператив аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг компетенцияси, кооперативнинг мулкани вужудга келтириш ва фойдасини (даромадини) тақсимлаш тартиби, кооператив асоси ва ундан чиқариш йўли, кооперативни қайта ташкил қилиш ва фаолиятини тўхтатиш шартлари аниқланади. Низомда кооператив фаолиятининг хусусиятлари билан боғланган, низомларга қарама-қарши бўлмаган бошқа моддалар қўшилиши мумкин. Низомдаги вазифаларни амалга ошириш учун унга тегишли зарур ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулклар кооперативнинг мулки ҳисобланади. Кооперативга бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, транспорт воситалари, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар, ишлаб чиқарилган маҳсулот, пул воситалари ва бошқа буюмлар тегишли бўлади. Кооперативнинг мол- мулки унинг аъзоларининг пул ва моддий бадаллари, улар томонидан ишлаб чиқарилган, маҳсулот сотишдан келган даромадлар, кооперативнинг акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларини сотишдан келган тушумлари ва банк кредитлари ҳисобига вужудга келади.

Кооперативнинг мулкига хўжаликлараро корхона ва ташкилотларнинг қатнашув ҳиссасига мос мулклари ҳам киради. Таркибига фақат кооперативлар кирадиган, иттифоқ (бирлашма)ларнинг асосий, моддий айланма воситалари ва бошқа мол-мулклари умумий мулк сифатида ҳуқуқий шу кооперативларга тегишли бўлади ёхуд иттифоқ (бирлашма)нинг мулки бўлиши мумкин. Мулкни идора қилиш ҳуқуқи фақат кооперативнинг ўзига тегишли бўлади. Кооператив мулки фақат суд қарори билан олиб қўйилиши мумкин.

Кооператив:

а) ўзига тегишли бўлган асосий ва айланма воситаларни бошқа корхоналарга, ташкилот ва фуқароларга бериб туриш ва сотиш, алмаштириш, ижарага, қарзга ва бепул фойдаланишга бериш, шунингдек, асосий воситалар яроқсиз бўлганда ва маънавий эскирганда уларни балансдан чиқариш;

б) кооператив учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки иш ва хизматлар бажарувчи бошқа корхона, ташкилот ва фуқароларга шартнома асосида моддий ва пул ресурсларини ўтказиш ҳуқуқига эга. Кооператив мажбурият бўйича барча тегишли мол-мулк, шу жумладан, асосий воситаларга мустақил жавобгарликни ўз зиммасига олади. Давлат кооперативлар мажбурияти бўйича, кооператив эса, ўз навбатида давлат ва аъзолари

мажбурияти бўйича ҳам жавобгар эмас. Кооператив аъзолари унинг қарзлари бўйича жавобгар эмас. Кооператив фаолияти товар-пул муносабатларидан фойдаланиш ихтиёрийлик ва ўзини-ўзи молиялаштириш тамойили асосида кўрилади. Бунда хўжалик юритишнинг кооператив шакли ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш, шунингдек, даромадлари тақсимлаш кооперациядаги хўжалик механизмининг хусусиятларини шарт қилиб қўяди: режалаштиришда, баҳоларни ташкил топишида, меҳнат ҳақида, давлат бюджети билан ўзаро ва банклар бўйича алоқаларда, моддий-техника таъминотидаги хусусиятлари ва ҳ.к.

Ишлаб чиқариш кооперативлари иқтисодий мустақил товар ишлаб чиқарувчи жамоалар ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳаракат қилиб, у ўз фаолияти йўналашини, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва тузилмасини аниқлайди, уни режалаштириш, ташкил қилиш ҳамда маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишни амалга оширади.

Кооперативнинг давлат ва бошқа корхона, ташкилотлар билан, унинг маҳсулотининг истеъмолчиси сифатида ҳам, унга моддий-техника ресурсларини етказиб берувчи сифатида ҳам ўзаро иқтисодий алоқалари, унинг бутун хўжалик операциялари фақат шартнома асосида амалга оширилади. Шартнома - кооперативнинг барча кўрсатилган ишлаб чиқариш, ўзаро алоқаларини бошқариб турувчи, тартибга солувчи, ягона ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатдир. Истеъмолчилар манфаатини тўла ҳисобга олиш, шартнома мажбуриятларига риоя қилиш кооперативлар иши сифатини баҳолашнинг асосий мезони ва самарадорлиги, унинг фаолиятига асосий талаб ҳисобланади. Кооператив шартнома мажбуриятларига риоя қилмаган ҳолда, белгиланган тартибда моддий жавобгарликни ўтайди, истеъмолчига етказилган зарарни қоплайди. Ўз навбатида давлат, кооператив ва бошқа корхона, ташкилотлар ҳам шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганда, кооператив олдида белгиланган тартибда моддий жавобгар бўлади ва кооперативга етказилган моддий зарарни қоплайди. Кооператив ўзининг ишлаб чиқариш, молиявий фаолиятини ва жамоанинг ижтимоий ривожланишини мустақил таҳлил қилади. Режалар, шу жумладан, даромадлар ва харажатлар сметаси, кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланади. Режаларни ишлаб чиқишда ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини тежамли сарфлаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш алоҳида кўриб чиқилади. Режанинг асосини маҳсулот истеъмолчилари ва моддий-техника ресурсларини етказиб берувчилар билан тузиладиган шартнома ташкил қилади. Кооператив қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмасини бажаришни, шу жумладан, танлов асосида, ихтиёрий равишда қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Кооператив маҳсулотларининг баҳоси, ишлаб чиқаришга ва маҳсулотни сотишга сарф қилинган ижтимоий зарурий меҳнат харажатларини, унинг истеъмол қийматини ва сифатини, истеъмолчилар талабини ҳисобга олган ҳолда акс эттириши керак. Кооператив ўз маҳсулотини кооперативнинг истеъмолчилар билан тузилган шартномаси бўйича ёки мустақил ўзи ўрнатган баҳода сотади. Кооперативлар ва улар маҳсулотини сотиб олувчилар ўртасидаги ўзаро савдо муносабатларида вужудга келадиган баҳо кооперативларнинг иқтисодий манфаатларига таъсир кўрсатишига, маҳсулот сифатини оширишни рағбатлантиришга, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва технологияни такомиллаштиришга, харажатларни пасайтиришга чиқарилган. Маҳсулотнинг арзонлашиши, унинг баҳосининг пасайиши маҳсулот бозоридаги рақобатга имкон туғдиради. Давлат буюртмасини бажариш учун тузилган шартнома асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот, давлат томонидан ўрнатилган баҳо асосида сотилади, агар бу давлат органлари рухсати орқали бўлса-шартномали баҳо бўйича сотилади. Кооператив томонидан, кўрсатилагн маҳсулотларга, юқори баҳо ўрнатилган бўлса, бунинг натижасида асосланмасдан олинган даромад, бюджетга олинади. Бундан ташқари, баҳони оширган кооператив, бюджетга кўшимча олинган даромад миқдорида жарима тўлайди. Ўзининг ижтимоий-иқтисодий табиатига кўра кооператив ўз харажатини ўзи қоплайдиган корхона ҳисобланади, сурункасига зарар билан ишлаш уни тугатилишига олиб келиши мумкин.

Кооперативнинг даромади маҳсулот сотишдан келган тушум ҳисобига вужудга келади. Олинган тушумдан энг аввало, жами моддий харажатлар қопланади. Унинг қолган қисми (ялпи даромад) эса, кооператив томонидан банк ва бюджет олдидаги ўзининг мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланилади, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, меҳнат ҳақи ва ижтимоий тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади. Ялпи даромадни, ишлаб чиқариш - ижтимоий ривожлантиришга, шунингдек, меҳнат ҳақи тақсимлаш кооператив аъзоларининг умумий йиғилишининг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади. Бунда асосий эътибор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган воситалар ва меҳнат ҳақи ўртасидаги иқтисодий асосланган нисбатга қаратилган.

Кооператив фонд ва захираларнинг асосий турларини, миқдорини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш тартибини ўзи аниқлайди. Давлат ва кооператив органлар кооперативларга фондларни ташкил қилиш меъёрларини ўрнатмайди. Кооперативларнинг марказлашган фондларини ташкил эттиришда ва фойдаланишда давлат ва хўжалик бошқарув органларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Кооператив солиқ ва бошқа тўловлар орқали давлат бюджетини вужудга келтиришда қатнашади. Солиқ тўлаш кооперативларга фаолиятнинг самарали йўналишини, ишлаб чиқариш тузилмасини ва технологиясини, даромад олиш усулларини танлашга рағбатлантиради, уларни тақсимлаш ижтимоий адолат тамойилларини амалга оширишни таъминлайди. Кооперативлардаги ходимларнинг меҳнати давлат корхоналари ва ташкилотлар идаги ишчи ва хизматчилар меҳнати каби ижтимоий аҳамиятга эга. Кооператив аъзоларининг меҳнат муносабатлари ҳаракатдаги қонунчилик ва кооперативлар низоми орқали бошқарилиб, тартибга солиниб борилади.

Кооператив меҳнат ҳақидан меҳнат унумдорлигини ўстиришни, маҳсулот сифатини яхшилашни, ишлаб чиқариш ва технология интизомини мустаҳкамлашни рағбатлантиришнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланади. Кооператив ўз аъзоларининг ва бошқа ходимларининг меҳнат ҳақи шакллари ва тизимини мустақил аниқлайди. Кооперативда меҳнат ҳақи пул ва натура шаклда амалга оширилиши мумкин. Кооператив ўз аъзоси бўлмаган фуқароларни, улар меҳнатига ҳақтўлашни келишган ҳолда меҳнат шартномаси бўйича ишга қабул қилиши мумкин. Кооператив ўзига керакли бўлган хом ашё, материалларни, деҳқон бозоридан улгуржи савдо шаклида сотиб олади. Шунингдек, барча керакли нарсаларни давлат ва кооператив чакана савдодан сотиб олади. Давлат ва кооперативларни асосий ва моддий айланма воситалари билан таъминлашни амалга оширадиган, улгуржи база ва ихтисослашган магазинлар тармоқларини ривожлантириш тадбирларини қабул қилади.

Кооперативларга валюта ресурслари жамғаришни, мамалкат иқтисодиётини мустаҳкамлашни таъминлайдиган, шу асосда фан-техника тараққиётини ва кооператив ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун имконият яратадиган ташқи иқтисодий фаолиятда фаол иштирок этиш ҳуқуқ и берилган. Кооперативларнинг ташқи иқтисодий фаолияти валюта бўйича ўз-ўзини қоплаш ва молиялаштириш асосида амалга оширилади.

## ***2. Жамоа хўжалигини қайта қуришнинг асослари ва трансформацияси. Хўжаликлараро ва деҳқон кооперацияси***

Бозор иқтисодиёти муносабатларигача, яъни қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар амалга оширилгунга қадар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кооперативларининг етакчи шакли жамоа хўжалиги ҳисобланар эди. Жамоа хўжалиги ҳаракатдаги қонунчиликда кўриб чиқилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади, шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришининг ўзига хослигидан келиб чиқадиган хусусиятларга ҳам эга. Жамоа хўжалиги мустақил товар ишлаб чиқарувчи жамоа сифатида АСМнинг бошқа корхона на ташкилотлари билан шартнома асосида алоқа қилади. У ўзига беркитилган ер ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни қишлоқ хўжалик хом ашёсига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида юқори сифатли деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга чақирилган.

Жамоа хўжаликларини трансформация қилиш барча бўлинмаларни ички хўжалик ижара пудрати ва ширкатларга айлантириш йўли билан боради. Ўз навбатида барча ижара жамоалари ўсимликчилик, чорвачилик ва бошқа бирламчи тармоқ кооперативларига бирлашадилар. Булар ҳаммаси деҳқоннинг кооператив мулкка - ерга, бошқа ишлаб чиқариш воситаларига яқинлашишга ва улардан фойдаланиш муносабатларини ўзгартиршга имкон беради. Юқоридаги шартларга риоя қилганда, у ўзининг ишлаб чиқариш яхлитлигини сақлаб қолади ва кооперативларнинг кооперативига айланади. Ижара ва кооператив муносабатларининг кенг ўзлаштирилиши ишлаб чиқаришни самарали юргизиш учун зарур шароит яратади.

Кейинги йиллар давомида жадал ривожланишга ўтган қишлоқ хўжалик иқтисодининг муҳим жараёнларидан бири хўжаликлараро кооперациялаш ҳисобланади. Хўжаликлараро корхона ва ташкилотларнинг вужудга келиши, ривожланиши, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар хусусиятига мос келиши қонуни ҳаракатига, жамиятнинг иқтисодий эҳтиёжи натижасида юзага келган ҳамда замонавий фан-техника тараққиёти ижтимоий меҳнат таксимотининг ривожланиши ва такомиллашувига фаол таъсир кўрсатади. Бу жараён нафақат ишлаб чиқариш соҳасини, яъни нафакат таксимотни умумлаштиришни кўзламасдан, балки меҳнатни сифат жиҳатдан янги асосда бирлаштиришни кўзлайди.

Хўжаликлараро кооперация ривожланишининг оммавий хусусияти шундан келиб чиқадики, кўпчилик йирик ва иқтисодий бақувват хўжаликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашнинг индустриал даражасини таъминловчи механизациялашган ҳамда автоматлашган комбинатлар, фабрикалар, заводлар куриш учун етарли молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларига эга эмаслар. Хўжаликлараро кооперациянинг аҳамияти яна шундан иборатки, у кўп тармоқлиликдан ихтисослашган ишлаб чиқаришга ўтишни амалга оширади, уни индустриаланиши анча самарали олиб боради, ижтимоий муаммоларни ҳал қилади, иқтисодий шароитларни тенглаштиришга олиб келади.

Горизонталў бўйича хўжаликлараро кооперация ривожланишининг ташкилий шакли хўжаликлараро корхона ва ташкилотларнинг ташкил топишидир. Хўжаликлараро кооперация ўз ичига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш сфераларини, қурилиш, мелиорация ва бошқа сфераларни олади. Хўжалик кооперация базасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни (тўплаш) амалга ошириш қуйидаги асосий тамойиллардан келиб чиқади:

1. Жамоа, ширкат, фермер хўжалиги ва бошқа корхоналарнинг қўшма ҳамкорликда ихтиёрийлиги.

2. Тармоқ хусусиятлари ва тўпланган тажриба, хўжалик иқтисоди ҳамда ишлаб чиқариш тизимини ҳисобга олган ҳолда, ишларни амалга оширишни кетма-кетлиги ва йўналиши, ташкилий шакллари танлашга илмий ёндашиш.

3. Хўжаликлараро бирлашмага кирувчи жамоа, ширкат, бошқа корхона ва ташкилотларнинг хўжалик мустақиллигининг сақланиши.

4. Бутун бирлашма миқёсида ҳам, алоҳида корхона миқёсида ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишда жамоа ва ширкат ходимлари, хўжаликларнинг моддий манфаатдорлиги.

5. Маҳсулот чиқаришни ва сотишни тезроқ ўстириш, унинг сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни пасайтириш.

6. Бирлашма фаолиятини бошқаришда демократик централизм.

### ***3. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)ни ташкил этиш тамойиллари ва шароитлари, унинг мулки, ишлаб чиқариш фаолияти ва самарадорлиги***

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик кооперативларининг прогрессив аҳамияти ва роли тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасидаги таърифида шундай дейилган: «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан, оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир».

Қишлоқ хўжалгида кооперативлар (ширкатлар) деҳқонларнинг, ижарачиларнинг, деҳқон хўжаликларининг ва бошқа фуқароларнинг хоҳиши билан унинг муассислари томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг сони кооператив (ширкат) фаолияти соҳасига, унинг Низомига кўра белгиланади. У фаолиятини бошқариб, тартибга солиб турадиган асосий ҳужжат - низом расмийлаштирилган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Низом кооперативни таъсис этишни хоҳловчилар, аъзоларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади. Кооперативлар давлат, кооператив ва бошқа ташкилот ва корхоналар ичида қуйидан ташкил этилади ва ҳаракат қилади. Кооператив ва унинг Низомини расмийлаштириш учун хўжаликнинг розилиги талаб қилинади. Низом қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Низомда қуйидагилар белгиланади:

- кооперативнинг (ширкатнинг) номи ва жойлашган ери;
  - фаолият соҳаси ва мақсади;
  - кооперативга (ширкатга) кириш ва ундан чиқиш тартиби;
  - кооператив (ширкат) муассисларининг таркиби ва аъзоларининг сони;
- кооператив (ширкат) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатлари;
  - кооперативнинг (ширкатнинг) пай, бўлинмас ва бошқа жамғармаларининг миқдори, уларни шакллантириш тартиби;
  - кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатда иштирок этиши ва улар меҳнатига ҳақтўлашнинг кўпроқ оила (жамоа) пудратига асосланган шакллари.

Кооператив (ширкат) даромадларини (фойдасини) тақсимлаш, шу жумладан, мулкӣ пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун тақсимлаш тартиби; кооперативни (ширкатни) қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби. Низомга кооператив (ширкат) фаолияти билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг низоми муассислар томонидан таъсис йиғилишида қабул қилинади, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар кооператив (ширкат) аъзоларининг умумий мажлисида киритилади. Низомга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги ахборот кооперативни (ширкатни) давлат рўйхатидан ўтказган органга бир ҳафталик муддат ичида тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман ҳокимлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

Кооператив (ширкат) мустақил балансга, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларга, номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Юқорида қайд этилган қонунда кўрсатилишича, қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) фаолияти қуйидаги тамойилларга асосланади:

- кооперативга (ширкатга) аъзоликнинг ихтиёрийлиги ва ундан бемалол чиқиш мумкинлиги;

- кооператив (ширкат) фаолиятида аъзоларнинг ўз меҳнати билан иштирок этиши шартлиги;

- маҳсулот етиштириш ва меҳнатни хўжалик ичида асосан, оила (жамоа) шартномаси асосида ташкил этиш;

- кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатига ишлаб чиқарган маҳсулоти (бажарган иши) ҳажмига, сифатига қараб ҳақ тўлаш;

- яқуний даромадни (фойдани) кооператив (ширкат) аъзолари ўртасида уларнинг мулкӣ пайларига мувофиқ тақсимлаш;

- бошқарувнинг демократик хусусияти, қарорлар қабул қилишда ҳуқуқлар тенглиги (кооперативнинг (ширкатнинг) бир аъзоси - бир овозга эга бўлиши);

- кооператив (ширкат) Низомида назарда тутилган тартибда кооператив (ширкат) иши устидан аъзоларининг назорат қилиши;

- ер участкаларидан катъий белгиланган мақсадда фойдаланиш, ералрнинг муҳофаза қилинишини ва тупроқ унумдорлигининг оширилишини таъминлаш.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати)га ёши 16 га тўлган, кооператив (ширкат) Низомини тан олувчи ва унинг талабларига риоя қилувчи, кооператив (ширкат) фаолиятида на унинг жамғармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар аъзо бўлишлари мумкин.

Юридик шахслар ҳам қишлоқ хўжалиги кооперативининг ширкат хўжалигининг) аъзолари бўлишлари мумкин. Кооперативлар (ширкатлар) ва уларнинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартномага асосланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аўзо бўлиш берилган ариза асосида амалга оширилади:

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг (раисининг) кооперативга (ширкатга) қабул қилиш тўғрисидаги қарори кооперативнинг (ширкатнинг) умумий мажлисида ариза берган шахснинг иштирокида тасдиқланиши лозим. Бундай қарорни қабул қилиш ва уни тасдиқлаш тартиби кооператив (ширкат) Низомида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзолик ундан вақтинча чиқиб кетган шахслар учун қуйидаги ҳолларда сақланиб қолади:

- ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганда, давлат ва жамоат органларига сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганда;

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кирганда;

- бошқа қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), хўжаликлараро ва бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан белгиланган муддатга ишга йўлланганда.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) аъзолари қарилик ёки ногиронлик бўйича ишни тўхтатса, унинг умумий мажлиси қарори билан белгиланган асос ва шартларда ўзларининг кооперативга (ширкатга) аъзоликларини сақлаб қоладилар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалитига) ер участкалари бериш, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш тартиби қуйидагича бўлади: Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун доимий эгалик қилишга берилади. Ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) қўшимча равишда ижарага ёки вақтинча фойдаланиш учун ер участкалари олишлари мумкин. Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан, шунингдек, фуқороларга фермер хўжалигини, деҳқон хўжалигини юритиш учун бериб қуйилган ерлардан иборат бўлади ҳамда улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) бериб қўйилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айрибошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас. Бу ер участкалари белгиланган тартибда мерос қилиб колдириладиган умрбод эгалик қилишга, вақтинча фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ходимларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб колдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаларини ажратиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўлчамлар ва тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ерга эгалик қилиш ҳуқуқи улар уюшмалар, жамиятлар, агрофирмалар ва бошқа бирлашмалар таркибига кирганда ҳам сақланиб қолади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) берилган ер участкаларини олиб қуйиш белгиланган кафолатларга риоя этилган ҳолда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) ер участкалари, қоида тариқасида, оилаларга қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун вақтинча фойдаланишга оила (жамоа) пудрати шартномаси шартлари асосида берилади. Ер участкалари муайян турдаги қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ходимларининг гуруҳларига вақтинча фойдаланишга жамоа пудрати шартномаси шартлари асосида ҳам берилиши мумкин.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида бериладиган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда, ҳайдаладиган ерлар майдони ўлчамларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ер участкасининг ўлчамлари ва унинг чегаралари тарафларнинг келншувиغا биноан ўзгартирилиши мумкин. Пудрат шартномаси шартлари асосида олинган ер участкасини ижарага ёки иккиламчи пудратга бериш тақиқланади.

Оила (жамоа) пудрати шартлари: асосида берилган ер участкаси учун пудратчидан ер ҳақи ундирилмайди. Бу участкалардан олинадиган ер солиғини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) белгиланган тартибда тўлайди.

Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда пудратчи зарари (шу жумладан, бой берилган фойда) ва бошқа харажатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мустақил балансида акс эттариладиган асосий жамғармалар, айланма маблағлар ҳамда бошқа бойликлар шу кооперативнинг (ширкатнинг) мулкидир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мол-мулки асосан, жамғармалар қиймати, еташтирилган маҳсулоти, уни сотишдан тушган даромадлар (фонда), аўзоларнинг пул ва моддий бадаллари, банк кредитлари, қимматли қоғозлар ҳисобидан ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) Низомида назарда тутилган бошқа фаолият натижасида ва қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳосил бўлади. Кооператив (ширкат) мол-мулкини шакллантиришда юридик ва жисмоний

шахслар шартнома асосида пул ва моддий бадаллар киритиш йўли билан иштирок этишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, Шунингдек, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки уларнинг улушли иштирокига мувофиқ шу кооперативнинг (ширкатнинг) мулкидир.

Таркибига қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), мулкчиликнинг турли шаклидаги бошқа корхоналар ва ташкилотлар кирган уюшмаларнинг мол-мулки уларнинг умумий (улушли) мулки ҳисобланади. Таркибига фақат кооперативлар (ширкатлар) кирган уюшмаларнинг мол-мулки, аграр уюшмаларнинг таъсис ҳужжатларида ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шу кооперативларга (ширкатларга) умумий (улушли) мулк ҳуқуқига қаршли бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) умумий мажлис қарори билан қуйидагилардан таркиб топадиган низом жамғармаси (капитали) шакллантирилади:

*Пай жамғармаси:*

Тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш, ирригация иншоотларини сақлаш, янги ирригация-мелиорация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш, техника сотиб олиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, бошқа умумий ижтимоий ва хўжалик вазибаларини ҳал этиш учун мўлжалланган бўлинмас жамғарма. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай жамғармаси ер участкаларининг қиймат баҳосини ва асосий жамғармаларнинг қийматини ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) мажбуриятлардан ҳоли бошқа фаоллари қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шакллантиришга йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно. Пай жамғармасига кўшиладиган ер участкалари қийматини баҳолаш Давлат ер кадастри ва қонун ҳужжатларида белгиланадиган табақалаштирилган қийматни баҳолаш коэффициентлари асосида амалга оширилади.

Пай ва бўлинмас жамғармаларнинг миқдорлари қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) Низомида белгилаб қўйилади.

Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларига умумий улушли мулк асосида, бўлинмас жамғарма эса, умумий биргаликдаги мулкка қаршли бўлади.

Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари ўртасида мулккий пайларга тақсимланиши лозим,

Мулкий пай қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига кооперативнинг (ширкатнинг) якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради.

Мулкий пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби, шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси мулкий пайининг аниқ миқдори кооперативнинг (ширкатнинг) аъзосига мол-мулкнинг муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли қисмига бўлган унинг ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берилган ҳолда, кооперативнинг (ширкатнинг) юқори бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) даромадининг (фойдасининг) пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра тақсимланади ва мулкий пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолигидан чиқиш фермер хўжалиги ёки янги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ташкил этиш мақсадида амалга оширилган ҳолларда, мулкий пайлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратиб берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзосининг мулкий пайини мерос килиб олиш фақат унинг қийматидаги ифодасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалига кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ишлаб чиқариш фаолияти қонуннинг 20-моддасида атрофлича баён этилган,

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва хажмларини мустақил равишда белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўзи етиштираётган маҳсулот сифатига оид амалдаги меъёрлар ва стандартларга, экология, санитарияга оид ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиши шарт.

Давлат ва бошқа органлар ҳамда ташкилотлар нинг, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) хўжалик фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно)

Оила (жамоа) пудрати қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) ички хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишнинг устун шаклидир.

Оила (жамоа) пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

- ер участкасининг ўлчами, жойлашган манзили ва ҳолати;
- ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашлаб экиш схемасига мувофиқ қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва ер сифатини ошириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича мажбуриятлари;
- етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг турлари, миқдори ва сифати;
- етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг турлари, миқдори ва сифати;
- етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг баҳоси, унга ҳақтўлаш ва уни реализация қилиш шартлари;
- суғориш учун сув ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;
- тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва уларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар.

Пудратчи, агар оила (жамоа) пудрати шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ишларни бажариш усулларини мустақил равишда белгилайди, уларни ўз кучи ва воситалари билан амалга оширади. Буюртмачи пудратчига оила (жамоа) пудрати шартномасида назарда тутилган ҳажмда ва тартибда ишларни бажаришда кўмаклашиши шарт. Кўрсатилган ишларнинг бажарилишини моддий-техникавий таъминлаш, агар оила (жамоа) пудрати шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи томонидан амалга оширилади. Ишлар тугаганидан кейин пудратчи буюртмачи томонидан берилган моддий-техника ресурсларидан фойдаланилганлик тўғрисида буюртмачига ҳисобот такдим этиши, шунингдек, уларнинг қолдиғини буюртмачига қайтариши ёхуд пудратчидаги фойдаланилмай қолган моддий-техника ресурслари қийматини ҳисобга олган ҳолда, ҳақ тўланиши лозим бўлган ишлар қийматини буюртмачининг розилиги билан камайтириши шарт.

Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларига кўра - етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва баҳосига қараб амалга оширилади. Шу билан бирга оила аъзолари (пудратчилар) - пай эгалари хўжаликнинг йил давомидаги фаолияти якуний натижаларига кўра аниқланадиган дивидендлар оладилар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) меҳнат муносабатлари махсус қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, кооперативнинг (ширкатнинг) Низоми ва ички иш қонидаси билан тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) Низомда белгиланган вазифаларни бажариш учун кооператив (ширкат) аъзоси бўлмаган шахсларни меҳнат шартномаси бўйича ишга жалб этиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ҳамда оила (жамоа) пудратига мувофиқ мустақил равишда белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларига мулкӣ пайлар бўйича тўланган дивидендлар меҳнат ҳақи таркибига киритилмайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ҳавфсизлиги бўйича белгиланган меъёридаар ва қондаларга, ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя этилишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларини ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларни ижтимоий таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) етиштириладиган маҳсулотни реализация қилиш учун, шу жумладан, давлат харидлари тартибиде сотиш учун юридик на жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга.

Шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда, тарафлар қонунда ёки шартномада белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) етиштириладиган маҳсулотни экспортга чиқариш, шунингдек, чет эллик шериклар билан ҳисоб-китоб қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа тўловларни тўлайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қишлоқ аҳоли пунктлари ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, кооператив (ширкат) аъзолари ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётганларнинг, шунингдек, улар оилаларининг маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бўйича тадбирларни амалга оширади .

Бу моқсадларда қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги):

- ижтимоий инфратузилма объектларини қуради ва жиҳозлайди;

- қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) худудидаги аҳоли пунктларини ободонлаштириш, электрлаштириш, газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлашни амалга оширади, кооператив (ширкат) аъзолари ва ходимларига хизмат кўрсатувчи кичик корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашади;

- ўз аъзоларини деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга, уларга уруғлик, кўчат, ёш қорамоллар ва паррандалар сотиш, агротехника ва ветеринария хизмати кўрсатиш, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотишда кўмаклашиш йўли билан ёрдам беради;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш тадбирларини амалга оширади;

- кооперативда (ширкатда) даволаш ва профилактика тадбирларини ўтказишда соғлиқни сақлаш органларига ёрдам беради, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича кооператив (ширкат) низомида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширади.

#### ***4. Агросаноат корхоналари (бирлашмалари), агрофирмалар ва агрокомбинатлар***

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг саноат билан интеграциясига (бирлашмасига) асосланган, хўжалик юритиш шакли муҳим ўринни эгаллайди. Агросаноат ишлаб чиқаришининг объектив зарурлиги бир қатор сабабларга брғлиқ. Маълумки, кўпчилик қишлоқ хўжалик тармоқларида ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга, бу эса, ўз навбатида молиявий ва бошқа воситаларнинг келиб тушиши, ер ва бошқа ресурслардан фойдаланиш, иш кучи бандлигининг иқтисодий муаммолари билан боғланган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигиде маҳсулотлар тез бузилади, ҳосилни йиғиштириш ва қайта ишлаш технологиялари ўртасидаги фарқлар шуни тақозо қилади.

Кўпчилик, айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш саноатида ҳам мавсумийлик мавжуд. Қишлоқ хўжалигида ва қайта ишлаш саноатида тиғиз иш пайтлари мос келмайди. Ана шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг саноат билан бирлашиш зарурияти туғилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг саноат билан оқилона қўшилиши қишлоқ хўжалик дала ишларини ўз вақтида ўтказиш, унинг хом ашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, маҳсулотни қулай вақтларда сотиш, иш кучини йил давомида бандлигини бир маромда пул ресурслари тушиб туришини, пировард натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлашга имкон беради. Бошқа томондан, бундай бирлашиш саноат

ишлаб чиқаришида ҳам қулай - меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни манёвр қилишга, бир текисда хом ашё юкламасини ташкил этиш учун имконият яратади.

Агросаноат шаклланишининг фарқ қиладиган белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

1) Қишлоқ хўжаликнинг саноат билан, уларни ривожлантиришдаги зарурий нисбатларга риоя қилган ҳолда шаклланишидаги гармоник қўшилиб кетиш.

2) Меҳнат унумдорлигини ошириш ва пировард маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, ҳар иккала соҳада ҳам ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминловчи, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг нисбатан юқори даражасига эришилади.

3) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини чуқур ҳамда мустаҳкам ҳудудий ва тармоқ бўйича ихтисослаштириш.

4) Ташкилий-маъмурий бирлик.

Агросаноат шаклланмаларининг турлари хилма-хилдир: булар - агросаноат корхоналари ва бирлашмалари, агрофирмалар, агросаноат комбинатлари ва бошқалар. Агросаноат корхоналари - қишлоқ хўжалик корхоналари ўз таркибида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат ишлаб чиқариш мавжуд бўлган корхоналар - консерва заводлари, мол ва паррандаларни гўшт учун сўядиган ва бу маҳсулотларни қайта ишлайдиган цехлар, сир, колбаса тайёрлайдиган цехлар ва бошқалар. Бундай корхоналар моҳияти жиҳатидан совхоз-завод, колхоз-заводларга айландилар. Бунга Навоий вилоятидаги "Нарпай" савхоз - заводини мисол қилиш мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтишдаги тузилмавий ўзгаришлар бу таркибий тузилиш мазмунини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Агросаноат бирлашмалари - қишлоқ хўжалик ва саноат бирлашмасининг анча мураккаб шаклидир. Унда бевосита қишлоқ хўжалик хом ашёсини ишлаб чиқариш билан уни саноат қайта ишлаши корxonанинг ўзида узвий жиҳатдан қўшилиб кетади. Айрим ҳолларда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан бир қаторда маҳсулотни сотадилар ва ҳ.к. Улар кўпинча ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида мавсумий хусусиятга эга бўлган тез бузиладиган ва катта ҳажмдаги қийин ташиладиган (малотранспортабелўнӣ) маҳсулотлар бўйича вужудга келади. Бирлашма таркибига кирган корхоналар ташкилий-иқтисодий фаолиятидаги бош хусусият шундан иборатки, уларнинг ишлаб чиқариш - молиявий мустақиллиги сақланиб қолади, барча ўзаро алоқалар, муносабатлар

бирлашма бошқарув кенгаши ҳамда тўла хўжалик ҳисоби асосида ўрнатилади.

Бирлашмага кирувчи, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш билан банд бўлган корхоналар, бир бутун занжирни, ҳар бир звено тўла ишлаб чиқариш цикли билан маълум технологик жараённи тўлиқ ташкил қилади. Агросаноат бирлашмаларини ташкил қилишнинг асосий тамойили - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва унинг маҳсулотини қайта ишловчи саноатнинг кўшилиши натижасида умумий самарадорликни оширишга эришишдир. Бунда бирлашманинг бош корхонаси қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишловчи корхона ҳисобланади (қанд, сабзаёт консерва ёки мева консерва ва бошқа корхоналар) Агросаноат бирлашмаси иқтисодий моҳиятини аниқлайдиган муҳим шарт ҳудуднинг бир-бугунлиги. Бунинг маъноси шуки, бирлашма таркибига кирувчи корхоналар ҳам ашё базаси ҳудудида жойлашган бўлиши керак. Бунда моддий ва меҳнат ресурсларидан биргаликда фоидаланишга реал имконият туғилади. Шу билан бирга кейинги йилларда ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи, қайта ишлашга ва сотишга ихтисослашган, агросаноат бирлашмалари ташкил этилмоқда. Улар туман агросаноат кенгашлари базасида ташкил этилади.

Агросаноат фирмалари ҳам агросаноат бирлашмалари бажарган вазифаларни амалга оширади, лекин фарқи шуки, микдор жиҳатдан кичкина бўлади ва бир хўжалик базасида ташкил қилиниши мумкин. Агросаноат фирмалари таркибига жамоа хўжаликлари, хўжаликлараро корхоналар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва ҳам ашёсини қайта ишловчи корхоналар, агрофирмалар ишлаб чиқарган гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни сотадиган ташкилотлар ҳамда корхоналар, шунингдек, аҳоли билан шартнома асосида тайёрланадиган, халқ хунармандчилиги маҳсулотлари киради. Агрофирма фаолиятига шартнома асосида халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари корхона ва ташкилотлари қатнашиши мумкин. Агрофирма фаолияти агрофирма ва унинг таркибига кирувчи корхона майда ташкилотларнинг манфаатларига риоя қилади. Агрофирма ягона ишлаб чиқариш комплекси сифатида ҳаракат қилади ва агрофирма манфаатлари билан меҳнат жамоаларининг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини кўшиб олиб бориш учун зарур шароит яратилади, Агрофирма таркибига кирувчи жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, хўжаликлараро, қайта ишловчи ва бошқа корхона-ташкилотлар ўзларининг хўжалик мустақиллиги ва юридик шахс сифатида ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Шу билан бирга, мустақил бўлмаган корхона ва ташкилотлар сингари, қайта ишловчи, савдо ва тайёрлов

корхона-ташкilotлари агрофирма таркибига кириши мумкин. Агрофирма таркибига кирувчи корхона ва ташкilotлар, ундан эркин чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам эга.

Агросаноат фирмасининг асосий вазифалари куйидгилар:

- Агросаноат фирмасининг таркибига кирувчи барча корхона ва ташкilotларнинг ташкилий бирлигини ва мутаносиблигини таъминлаш.

- Хўжалик юритишнинг бозор механизми асосида маҳсулотни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқлари базасида юқори сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат халқ истеъмоли товарлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Қишлоқ хўжалик хом ашёсини сақлаш, қайта ишлашнинг моддий-техника базасини ривожлаштириш, тайёр маҳсулотни ва ярим тайёр фабрикатни сотиш.

- Агросаноат фирмаси эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш, бошқа хўжалик корхона ва ташкilot, аҳолидан сотиб олишни ташкил қилиш.

- Ўзининг қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат ва саноат товарларини савдо шаҳобчалари ва жамоа хўжалиги бозорлари орқали сотишни ташкил қилиш.

- Меҳнат, ер-сув, моддий-техник, молиявий ресурслардан, шу жумладан, банк кредитларидан самарали фойдаланишни таъминлаш.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни, фукароларнинг индивидуал меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун тадбирларни амалга ошириш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.

Юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кенг ассортиментда ишлаб чиқиш ва уни янгилаш, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан чиқимсиз, тўлиқ фойдаланишни таъминлаш.

Барча тармоқларда мамлакатдаги ва хориждаги фан ютуқларини, илғор тажрибаларини, замонавий техника ва технологияни ўзлаштириш.

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш самарадорлигини ошириш, қишлоқда ижтимоий инфратузилма хизматларини кенгайтириш ва ривожлаштириш.

Агросаноат фирмасини бошқариш демократик асосда амалга оширилади. Агросаноат фирмасининг кундалик фаолиятига раҳбарликни вакиллар йиғилишида сайланган, бошқарув амалга оширади. Бошқарувни, агрофирма, корхона ва ташкilotларнинг раҳбарларидан вакил қилинганлар йиғилишида сайланган, агроаноат фирмаси раиси бошқаради. Агросаноат фирмаси таркибига кирувчи корхона ва ташкilotлар ишлаб чиқарган

қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулоти давлат буюртмаси ҳисобига (эркин савдо орқали, бозорда сотилгандан ташқари) давлат томонидан ўрнатиладиган баҳода сотилади. Агросаноат фирмаси матлубот кооперациялари ташкилотларига ва деҳқон бозорига шартномали баҳоларда, фирма магазинлари ва дўконларга - агросаноат фирмаси келишилган эркин баҳоларда сотади. Агросаноат комбинатлари, асосан, туман масшабда барпо қилинади. У қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқаришни интеграция ва комбинациялаш асосида тайёрлаш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи ишлаб чиқариш комплексларидир. Шундай қилиб, агросаноат комбинатлари фақат қишлоқ хўжалик хом ашёсини етказиб қолмасдан, балки пироворд (тайёр) маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва сотувчи ҳамдир.

Агросаноат комбинатлари таркибига жамоа хўжаликлари, хўжаликлараро корхоналар, матлубот кооперацияси корхоналари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат курсатувчи корхона ва ташкилотлар, қайта ишлаш саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, янга ёки қайта ишланган ҳолатда маҳсулотларни сотувчи, ихтисослашган саноат корхоналари киради. Агросаноат комбинатлари таркибига кирувчи, жамоа хўжалиги ва бошқа корхона-ташкилотлар ўзларининг хўжалик мустақиллигини ва юридик шахс сифатидаги ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Комбинатда корхона ва ташкилотлар ўртасида алоқалар шартнома асосида амалга оширилади. Агросаноат комбинатларининг асосий вазифалари агросаноат фирмасининг вазифалари билан деярли бир хил. Комбинатнинг олий бошқарув органи кенгаш ҳисобланади. Кенгашга бош директор - кенгаш раиси, унинг муовини, комбинат таркибига кирувчи, корхона ва ташкилот раҳбарлари, меҳнат жамоалари вакиллари киради. Агросаноат комбинатлари молиявий фаолиятида асосан, муҳим ролни уларда ташкил этилган молиявий ҳисоблаш марказлари ўйнайди. Улар, биринчидан, комбинат ичидаги корхона -ташкилотлар ўртасида, иккинчидан, комбинат, корхона ташкилотлар ва агросаноат банки ўртасида, учинчидан, комбинатнинг корхона ва ташкилотлари ҳамда четдаги ташкилотлар-таъминотчи, тайёрлов-сотиш, қайта ишловчи, савдо ва бошқалар ўртасидаги молиявий операцияларни амалга оширади ва х.к.

**5. Хўжалик юртишининг акциядорлик (ҳиссадорлик) шакллари. Агроконсорциумлар. Ишлаб чиқариш (илмий ишлаб чиқариш) тузилмалари**

Янги, қишлоқ хўжалигида ҳам тарқалаётган хўжалик юритишнинг истиқболли шакли акциядорлик шакли ҳисобланади. Хўжалик юритишнинг акциядорлик шакли халқ хўжалик турли тармоқлари корхона - ташкилотларининг ва алоҳида қишлоқ аҳолисининг бўш турган пул ва моддий ресурсларини агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга жалб қилишга йўналтирилган. Акциялар (бошқа қимматбаҳо қоғозлар сингари)нинг белгиланишидан мақсад шуки, у халқ хўжалик тармоқлари ўртасида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун энг аввало, молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси ҳисобланади. Акция ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан янгилашни фаол рағбатлантиради, унинг харажатларини пасайтиради, меҳнат жамоаларининг ўз-ўзини бошқариш самарадорлигини кўтаради. Акция эгалари, хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга манфаатдор бўлган ходимлар бўлиши мумкин. шу билан бирга, улар ўз акцияси ҳисобига максимал даромад олишни кўзловчилардир. Давлат органларининг ва меҳнат жамоаларининг розилиги билан корхона моддий ресурсларининг барча суммасига акция чиқарилади. Акция сотишга чиқарилиши ҳам, кредитга берилиши ҳам мумкин. Акция сотиб олишда етакчи ҳуқуқни шу корхона ходимлари олади. Бошланғич босқичда акциялар, шу меҳнат жамоалари учунгина тегишли бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда акция ходимларнинг молиявий ресурсларини, корxonанинг даромадларини кўпайтириш учун восита сифатида фойдаланилади. Шу билан бирга, бу акцияларни банкларга, кооперативларга, ассоциация (уюшма)ларга узатиш ҳам прогрессив жараён дир. Ҳар бир акция эгасига шахсий счёти очилади, унда акция суммаси, уни сотиб олиш манбаи, фоиз ва дивиденд кўрсатилади. Дивиденд, миқдори йил охирида олинган миқдорига боғлиқ бўлади. Фойдадан акциядорларга белгиланган миқдорда кафолатланган даромад тўланади, колган қисми эса, барча акция суммасига мутаносиб тақсимланади.

Акция махсус қимматбаҳо қоғозлар бозорида, фонд биржаларида, шунингдек, банкларда сотилади ва сотиб олинади. Акция баҳоси ёки акция курси дивиденд меъёри ва ссуда фоизининг ҳар бир даврдаги нисбатига қараб аниқланади.

Акция курси дивидендга тўғри пропорционал ва ссуда фоизи меъёрига тескари пропорционал дир. Акция курсининг тебраниши ва олиниши мумкин бўлган дивиденд даромадининг ўзгариши, унга бўлган талаб ва тақлифининг ўзгаришига боғлиқ. Акциядорлар жамияти акция билан бир қаторда, фоиз шаклида даромад (фиксированный доход) олишга ҳуқуқ берувчи қимматбаҳо қоғоз-облигация чиқариши мумкин. Облигация олувчилар унга бирга эгалик

қилмасдан, балки акциядор корхонанинг кредитори ҳисобланадилар. Облигация навбатдаги муддат тугаши билан акциядор жамияти томонидан қайта сотиб олинади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий хўжалик юритишнинг 2 хил акциядорлик шаклидан фойдаланилиши мумкин. *Биринчиси, алоҳида қишлоқ хўжалик акциядорлик корхонаси.* Молиявий воситаларнинг фарқлари ва келиб тушиш манбаларидан келиб чиқиб, асосий пайчилар корхона ва давлат бўлиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида корхонанинг ичида тарқатиш учун акциялар чиқарилади, корхона жамоаси аъзоларининг яқка тартибдаги пай бадаллари вужудга келади. *Иккинчи шакли - ҳам хўжалиги турли тармоқлари акциядорлик корхона ва ташкилотлар и гуруҳи.* Улар ўртасидага муносабатлар кооперация тамойилларига асосланади. Қишлоқ хўжалигида бундай акционерлик кооператив бирлашмалар агроконсорциумлар деган ном олган.

Ишлаб чиқариш (илмий ишлаб чиқариш) тузилмаларини барпо қилишнинг объектив зарурияти шундан иборатки, ҳозирги босқичда алоҳида корхоналар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши фан-техника тараққиёти ютуқларини кузатиб бориш имкониятига кўпинча эга эмаслар. Тузилманинг асосий мақсади илмий тадқиқот натижаларини, алоҳида илғор технологияларни жорий қилишдир. тузулма бир маъмурий туман, ёки турли маъмурий - ҳудудий масштабда ташкил этилиши мумкин. Тузилманинг бошида тармоқ ёки минтақа кўрсаткичлари ўртача даражадан юқори, мустаҳкам бўлган, илғор корхоналар, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида анча илғор технологияни қўллайдиган илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар туради. Тузилманинг барча корхона ва ташкилотлар и ўзларининг хўжалик мустақиллигини ва юридик шахс ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Тузилманинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

1. Илғор тажриба ва фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
2. Тузулма корхона иштирокчилигида меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.
3. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсуддорлигини тўхтовсиз ўстириш учун тузулма корхона иштирокчилигида селекция ва уруғчиликни, молларининг зотини яхшилаш.
4. Маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва сотишда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришиш.

Корхона ва ташкилотларнинг тузилмага кириши тўғрисидаги қарор уларнинг низомига асосан, қабул қилинади. Жамоа хўжаликлари тузилмага

хўжалик йиғилишининг қарори бўйича, хўжаликлараро корхоналар, шу корхонага кирувчи хўжалик-иштирокчилар вакилларининг йиғилиш қарори бўйича, бошқа давлат корхона ва ташкилотлари эса, уларнинг жамоалари қарори бўйича кирадилар. Тузилмага раҳбарлик инфратузулма кенгаши амалга оширади. Унга бош корхона раҳбари, унинг ўринбосари, жамоа хўжалиги раислари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек, тузулма ташкил қилинган тармоқдаги етакчи мутахассислар, илмий ходимлар киради. Бош корхона раҳбари тузулма кенгашининг раиси ҳисобланади.

Бош корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилар:

1. Интенсив технологияни корхона - иштирокчиларда жорий қилишни ишлаб чиқиш, ташкил қилиш ва такомиллаштириш.

2. Тузулма фаолияти учун корхона иштирокчиларини зарур моддий - техника воситалар билан таъминлашни ташкил қилиш.

3. Ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини кидириш учун зарурий ҳисоб-китоблар ва таҳлиллар ўтказиш.

4. Илмий тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ҳамда бошқа ташкилот корхона ва муассасалар ҳамкорлигида Тузилманинг самарали фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган илмий ишланмаларни ва лойиҳа ишларини жорий қилиш, тадқиқотлар олиб бориш учун шартномалар тузиш.

5. Тузулма корхона - иштирокчилари кадрларини ўқитиш ва малакасини ошириш, шунингдек, маълум маҳсулот турларини ишлаб чиқариш масалалари бўйича мутахассисларга йўл -йўриқлар бериш. Корхона-иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Бош корхонадан, шартномада кўрсатилган, ишлаб чиқаришни ўстириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлашга йўналтирилган хизмат (иш турлари)ни олиш.

2. Тавсия қилинаётган технологияга қатъий риоя этиш, бевосита уни жорий қилишни амалга ошириш.

3. Қараб чиқилган ишлар технологиясини бажариш, улардан технология ва техник қоидаларга мос тўлиқ фойдаланиш учун техника ва бошқа моддий-техника ресурсларни олишга ўз вақтида буюртма бериш.

4. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини малакали кадрлар билан доимий таъминлаш.

5. Бош корхонага тавсия қилинган технологияни баҳолаш ва уни жорий қилиш билан боғлиқ маълумотларни етказиб туриш.

Тизим бош корхонаси харажатларини молиялаштириш манбаи корхона иштирокчиларининг тузилмага иштирок этиш натижаларидан ажратмалари ва кириш бадали шаклидаги ажратмалари ҳисобланади. Корхона- иштирокчиларнинг бош корхонага кириш бадаллари ташкилий харажатларни қоплаш учун мўлжалланган. Унинг миқдори фаолиятнинг турларига боғлиқ ҳолда, тизим кенгаши томонидан аниқланади

### Саволлар

1. Кооперация нима?
2. Ширкат хўжалигининг афзаллиги қандай?
3. Ҳиссадорлик жамияти нима учун ташкил этилади?
4. Хўжаликлараро ва деҳқон кооперацияларининг фарқи нимада?
5. Агросаноат фирмасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. Агросаноат комбинатларининг асосий вазифалари нималардан иборат?

## III БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

### 9-БОБ. РЕСУРСЛАР ПОТЕНЦИАЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

*«Ҳар бир илм ичида, унинг ўрганадиган бир нарсаси бўлади. Бу нарсалар икки тур бўлади: биринчиси, борлиги бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ бўлган нарсалар ва иккинчиси, бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ бўлмаган нарсалар. Аввалгисига бизнинг қилмишларимиз мисол бўлса, иккинчисига ер, осмон, ҳайвон ва ўсимликлар мисол бўлади».*

**Абу Али ибн Сино**

#### ***1. Ресурслар потенциалининг иқтисодий моҳияти ва унинг таркиби***

Қишлоқ хўжалиги бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқлари қатори инсоннинг ҳар томонлама эҳтиёжини қондирадиган истеъмол қийматлар яратиш мақсадида ресурсларга бўлган таъсирини ифодалайди. Бу жараёни амалга ошириш комплекс объектив ва субъектив ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни талаб қилади. Улар инсон меҳнати, меҳнат воситалари ва меҳнат предметларидан ташкил топади.

Классик иқтисодчилар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакллари қандай бўлишидан қатъи назар, ишчи ва ишлаб чиқариш воситалари унинг доимий омиллари бўлиб қолишини кўп марта таъкидлаб ўтишган.

Меҳнат воситаларига - инсон маҳсулот олиш мақсадида меҳнат предметларига таъсир этувчи, ишлаб чиқаришнинг моддий элементлари қиради.

Меҳнат предметларига - ишлаб чиқариш жараёнида, инсон меҳнатига қаратилган ва инсон томонидан керакли йўналишда ўзгартириладиган, ишлаб чиқаришнинг моддий элементлари қиради.

Шу билан бирга, инсон, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари фақат имконият жиҳатдан ишлаб чиқариш омиллари ҳисобланади. Умуман, ишлаб чиқариш учун улар бирлашишлари керак. Ишлаб чиқариш жараёнига меҳнат воситаларини жалб қилиб ва улар ёрдамида меҳнат предметларига таъсир этиб, инсон ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмол учун фойдаланадиган маҳсулот яратади.

Моддий ишлаб чиқариш жараёни унинг омилларининг механикбирлигини эмас, балки органикбирлиги ва боғлиқлигини, пировард натижада, маълум бир маҳсулотнинг таркиби, ҳажми ва сифати бўйича ишлаб чиқариш омиллари трансформациясини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигида инсон, меҳнат воситалари ва предметлари билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ер ва сув фаол иштирок этади. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ернинг сифатига, унинг унумдорлигига ва сув билан таъминланганлигига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида қишлоқ хўжалик тармоқларининг самарадорлигини оширишга шароит яратади.

Инсон меҳнати, ер, сув, меҳнат воситаси ва меҳнат предмети қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширувчи зарурий шароит ва омиллардир, бинобарин унинг ресурсларидир. Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари-меҳнат, ер, сув ва моддий ресурслар-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш жараёнида фойдаланилади ва унинг потенциалини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари, сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қилса ҳам, уларнинг бир қатор умумий томонлари мавжуд:

- ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишнинг потенциал имкониятларига ва уларни истеъмол қилишнинг унумли хусусиятига эга. Мос равишда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари ишлаб чиқариш жараёнига кирмагунча алоҳида-алоҳида бўлади. Жараён бошлангандан кейин бирлашади;

- жамият иқтисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида ҳажм ва таркиб жиҳатдан чегараланиш хусусиятлидир. Демак, хулоса шуки, маҳсулот яратишда қатнашадиган элементларнинг ҳаммаси ҳам, ишлаб чиқариш ресурслари бўлавермайди. Мисол учун, ҳаво ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ва фаол қатнашади, лекин у иқтисодий маънода ишлаб чиқариш ресурси ҳисобланмайди, чунки у назарий ҳамда амалий жиҳатдан олганда чегараланмаган. Шу билан бирга, ҳар бир маълум даврда ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши даражасини, мутлоқ эмас, балки нисбий жиҳатдан тавсифлайди. Ишлаб чиқариш ресурсларининг нисбий чегараланганлиги, баъзи ҳолларда камёблиги, бир томондан, улардан анча интенсив ва самарали фойдаланишни, бошқа томондан бир ресурсни бошқа ресурс билан алмаштириш, уларнинг бир-бирини ўрнини қоплаш имконияти заруриятини келтириб чиқаради. Ерларнинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга комплекс механизация ва автоматлаштиришни қўллаш меҳнат ресурслари ва бошқалар камёблигини тўлдиришга ёрдам беради. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёни ишлаб чиқариш ресурсларини истеъмол қилиш билан тавсифланади. Бу эса, уларни такрор ишлаб чиқариш лозимлигини билдиради. Ҳар бир ресурс турига мос равишда маълум такрор ишлаб чиқариш манбаи мос келади. Масалан, меҳнат ресурсларининг манбаи меҳнатга яроқли аҳоли асосий воситаларининг манбаи - капитал маблағлар, моддий айланма воситаларининг манбаи - маҳсулот сотишдан тушадиган пул ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муҳим омил меҳнат ресурсларидир. Шунинг учун жами ишлаб чиқариш қуроллари ичида, энг қудратли ишлаб чиқарувчи куч ишчиларнинг ўзи. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида иштирок этиш қобилиятига эга бўлган кишилар тўпламини ифодалайди. Меҳнат ресурсларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган кишилардан ташқари, маълум бир шароитда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашиш имкониятига эга бўлган кишилар, яъни меҳнат захиралари ҳам киради. Меҳнат ресурсларининг энг ҳаракатчан ва бир вақтнинг ўзида

ижтимоий фаол қисми иш кучидир. У кишининг жисмоний ва маънавий қобилиятларининг йиғиндисидир. Бундан кўринадики, меҳнат ресурслари шундай ҳолатда иш кучига айланадики, қачонки, кишининг жисмоний ва маънавий қобилиятлари меҳнат жараёнида рўёбга чиқса. Шунинг учун "меҳнат ресурслари" тушунчаси "иш кучига" нисбатан кенг ва кўп қирралидир. Фан-техниканинг ривожланиш жараёнида, ишлаб чиқаришда меҳнат ресурсларининг, иш кучининг роли ўсиб боради. Машина ишчининг айрим вазифаларинигина ўрнига алмашади, лекин инсонни тўлиқ алмаштира олмайди, чунки инсон ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштириб ва ўзининг қобилиятини ривожлантира бориб, табиат ҳамда жамият қонунларидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш жараёнида машинани яратган.

Лекин қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг, инсон меҳнатининг роли қанчалик буюк бўлмасин уни табиат кучлари билан алмаштириб бўлмаслиги, жумладан, ер ресурсларисиз рўёбга чиқмаслигини билдиради. Қишлоқ хўжалиги ер ресурслари деганда, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хусусий мулк сифатида, эгаллик қилувчи ва фойдаланувчи ер майдонлари тушунилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий асоси сифатида ер ресурслари ишлаб чиқаришнинг умумий омили бўлиб, тармоқдаги бошқа ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш учун моддий база ҳисобланади. Чунки ер қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси ҳамда меҳнат предмета ҳисобланади.

Ер ресурслари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муҳим омил бўлиб эса, сув ресурслари ҳисобланади. Сув углекислий газ билан органиқмоддалар ҳосил бўлиш фотосинтез жараёнида қатнашиб, ўсимлик организми учун материал ҳисобланади. Бундан ташқари, сув озуқа моддаларни эритади ва уларни ўсимлик томонидан ўзлаштиришни амалга оширади, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги шаклланишига имконият яратиб беради.

Ер ресурсларидан кейин ишлаб чиқаришнинг моддий элементларидан ҳисобланган моддий ресурслар туради. Моддий ресурслар инсон томонидан яратилган ва у иккига булинади:

1. Асосий воситалар.
2. Моддий айланма воситалар.

**Асосий воситалар** қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида ўзоқ вақт иштирок этиб (бир қанча йиллар, бир қанча ишлаб чиқариш жараёни давомида), ўзининг натура буюм шаклини сақлаб қолади. Унинг қиймати амортизация шаклида янгидан яратилган маҳсулот қийматига аста-секин

ўтиб, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларига, яъни таннархига кўшилади. Мисол учун тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалик машиналарииннг эскириш қисми шулар жумласига киради.

**Моддий айланма воситалар**, асосий воситалардан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш жараёнида бир марта иштирок этиб, ўзларининг шаклларини ўзгартиради ва бир вақтнинг ўзида ўз қийматларини янгидан яратган маҳсулот қийматига тўлиқ ўтказди. Мисол учун, уруғлик, ем, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит ва бошқалар шулар жумласига киради.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида моддий ресурсларни асосий ва айланма воситаларга бўлишда ноаниқ жойлари бўлиб, буни маҳаллий ва минерал ўғитларда яққол кўриш мумкин. Булар шу йил сотиб олиниб, ерга шу йил солинади ва харажатга тўлиқ кўшилади. Мавжуд таннархни ошириб юборади. Лекин уларнинг ўсимликка таъсири бир неча циклда давом этади. Худди шунга ўхшаш ёш, кўпийиллик дарахтлар ҳам.

Ишлаб чиқаришга молиявий ресурслар ҳам фаол таъсир кўрсатади. Улар учга бўлинади:

1. Давлат пул воситалари.
2. Қишлоқ хўжалик корхоналари пул воситалари.
3. Товар ишлаб чиқарувчилар пул воситалари.

Улар ишлаб чиқаришни тўхтовсиз ҳаракатини таъминлаш учун, шунингдек, социал-маданий тадбирлар учун фойдаланилади. Уларнинг таркибига муомила фондлари, амортизация фонди, капитал маблағлар, фонди ва бошқалар киради.

*I. Бундан ташқари, келиб чиқишига қараб ишлаб чиқариш ресурслари иккига бўлинади:*

1. Табiiй (ер-сув, ўрмон, ҳайвонот дунёси, қуёш энергияси).
2. Иқтисодий (асосий воситалар, моддий айланма воситалари).

*II. Такрор ишлаб чиқариш, имкониятига қараб ишлаб чиқариш ресурслари иккига бўлинади:*

1. Янгиланадиган (меҳнат, моддий).
2. Янгиланмайдиган (ер, сув).

*III. Фойдаланиш хусусиятига қараб ишлаб чиқариш ресурслари иккига бўлинади:*

1. Потенциал ресурслар (корхонага беркитилган мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари).

2. Ҳаракатдаги ресурслар (потенциал ресурсларнинг бир қисми бўлиб, улар аста-секин корхонанинг ишлаб чиқарувчи кучларига айланади).

*IV. Фойдаланиш шакли ва ҳажмига қараб ҳаракатдаги ресурслар иккига бўлинади:*

1. Қўлланилган ресурслар (ресурс потенциали).

2. Истеъмол қилинган ресурслар (таннарх).

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархи таркибига: (2004 йил ҳисоботи асосида) бевосита меҳнат ҳақи (ажратмалар билан) харажатлари, ўғитлар, амортизация, уруғлик, ёғилги-мойлаш материалларига сарфланган харажатлар, иш ва хизмат тўловлари, ягона ер солиғи ва бошқа айрим солиқлар, суғурта тўловлари, умумишлаб

чиқариш харажатлари ва бошқа бевосита харажатлар каби моддалар киради.

## ***2. Ресурслар потенциалини ҳисоблаш услублари, вазифалари, кўрсаткичлари ва улардан самарали фойдаланиш омиллари***

Яқин кунларгача фойдаланиб келинган, ишлаб чиқариш самарадорлигининг харажатли концепцияси ва шу асосда тузилган кўрсаткичлари ресурсларнинг истемол қилинган қисмидан фойдаланиш самандорлигини, яъни ҳақиқий жорий харажатларни баҳолашга имкон берар эди. Харажатли кўрсаткичлар ишлаб чиқардшнинг иқтисодий самарадорлигини оқилона баҳолашга имкон бермас эди. Чунки бир қисм ишлаб чиқариш ресурслари қандайдир сабабларга кўра маҳсулот ишлаб чиқаришда фаол қатнаша олмас эди. Бундай шароитда жамиятнинг бир қисм ресурслардан фойдаланиш даражаси пасайиб кетар эди.

Ресурсларни тежашга қаратилган янги хўжалик юритиш шароитида, муҳим вазифа бўлиб, жорий харажатларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш эмас, балки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, яъни жами истемол қилинган ресурс потенциалидан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади (ишлаб чиқариш самарадорлигининг ресурс конценцияси) Бу муаммони ҳал қилишнинг қийин томони шундаки, турли хил ишлаб чиқариш ресурслари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигига ҳар хил таъсир кўрсатади ва турли ўлчов бирликларида ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатнинг турли вилоят ва хўжаликларида ишлаб чиқариш ресурслари ҳар хил нисбатда жойлашган. Бу эса, албатта, хўжалик юритишнинг пировард натижасида ўз аксини топади. Кейинги йилларда аграр иқтисодчилар қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган ресурс потенциалининг умумий миқдорини аниқлашнииг услубий асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдилар.

Шулардан, ресурс потенциалини ҳисоблашнинг учта услубини амалиётда қўллаш мумкин деб топилди:

1. Умумий ўлчовли қишлоқ хўжалигига яроқли майдон бўйича.
2. Корреляция-регрессия таҳлилидан фойдаланиш асосида.
3. Ишлаб чиқариш ресурсларини пулдаги баҳоси бўйича.

Қўлланиладиган ресурс потенциали миқдорини аниқлашнииг бйринчи услуби осонроқ бўлиб, умумий ўлчовли қишлоқ хўжалигига яроқли майдон бўйича аниқланади. Қишлоқ хўжалигига яроқли ер умумий ўлчовга айлантириш йўли билан меҳнат, ер-сув ва моддий ресурсларни иқтисодий баҳолаш орқали амалга оширилади. Хўжалик ерлари сифатининг индекси,

шунингдек, фонд ҳамда меҳнат ресурслари билан таъминланиш шу кўрсаткичларни ўртача вилоят ва туман кўрсаткичларига нисбати билан топилади. Ресурс билан таъминланишнинг жами индекси (қўлланилган ресурс потенциали) хусусий индексларнинг йиғиндисини тўртга (ишлаб чиқариш ресурслари сонига) бўлиб ҳисобланилади. Ресурс потенциалига шартли баҳо берадиган ушбу усулни қўллаш, чегараланган хусусиятга эга.

Иккинчи услубнинг моҳияти - ресурс потенциалининг миқдорини корреляция-регрессия таҳлилидан фойдаланиш асосида ҳисоблаш, ҳар бир ресурс турининг товар маҳсулот ишлаб чиқишга миқдорий таъсирини аниқлашдан иборат. Бу услуб бўйича ҳисоб-китоблар қишлоқ хўжалиги ҳисоблаш марказларига эга бўлган стандарт дастурлар бўйича бажарилиши мумкин.

Учинчи услуб ишлаб чиқариш ресурсларини пулда баҳолашга асосланган. Меҳнат ресурсларини баҳолаш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган йиллик ўртача ходимлар сонини кўшимча маблағ билан битта ходимнинг чиқиб кетиш компенсация шароити меъёрига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Ўртача статистик маълумотлар асосида, саноат ва қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг фондлар билан қуролланишини ҳисобга олган ҳолда, саноатда битта ходимнинг ишдан озод бўлиш харажатларидан келиб чиқиб ҳисобланилади. Бу меъёр мамлакатнинг барча туман ва хўжаликлари учун 252000 сўм қилиб аниқланган ва тавсия қилинган. Мисол учун, агар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар сони 500 киши бўлса, шундан четдан жалб қилинганлар 70 киши бўлса, у ҳолда меҳнат ресурсларининг пулдаги баҳоси қуйидагича бўлади:

$(500-0,5 \times 70) \times 252000 = 117180$  минг сўм (четдан жалб қилинганларнинг уларнинг меҳнатидан паст даражада фойдаланишни ҳисобга олиб, 0,5 коэффициентга кўпайтириш қабул қилинган), Масалан, хўжаликда 2500 га ҳайдалган ер, 100 га кўп йиллик дарахт, 500 га пичанзор ва 1000 га яйлов бор, Хўжаликда харажатларнинг қопланиш кўрсаткичи 50,60 тенг бўлса, у ҳолда, бу ерларнинг балли,  $(60:58,30) \times 100 = 87$  баллни ташкил этади. Уларни пулли баҳолашга айлантириш учун мамлакат бўйича ягона меъёр (1 балл 396 сўм)га кўпайтирилади. Шундай қилиб, 1га ҳайдалган ернинг баҳоси  $87 \times 396 = 34452$  сўм. Хўжалик барча ҳайдалган ернинг баҳоси  $34452 \times 2500 = 86130$  минг сўмни ташкил қилади. Шу йўл билан бошқаларининг баҳоси аниқланади. Купйиллик дарахтларда харажатларнинг қопланиши 46,20 га тенг булса, у ҳолда, 1 га.нинг баҳоси  $(46,20:58,30) \times 100 = 79 \times 396 = 31284$  сўм. Жами купйиллик дарахтлар майдони баҳоси эса,  $31284 \times 300 = 9385,2$  минг сўм

ни ташкил этади. Сўнгра пичанзор ва яйлов маҳсулдорлиги буйича хайдалган ерга таққослаш зарурдир.

Ресурслар потенциалини ҳисоблашнинг юқорида келтирилган услубидан фойдаланишни осонлаштириш учун қуйида ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

1. Меҳнат ресурсларини пулда баҳолашни ҳисоблаш. Ходимларнинг умумий сони ва четдан жалб қилинган ходимлар сони ўртасидаги фарқни 1 ходимнинг компенсацияси меъёрига купайтириш орқали аниқланади:

$$MPБ = (MP - 0,5MP) K_n \quad (K_n = 252000 \text{ сўм})$$

2. Ер ресурсларини пулда баҳолашни ҳисоблаш хайдаладиган ерни пулда баҳолаш усули.

Хужаликда хайдаладиган ер баҳосининг баллини аниқлаш учун (Бб) хўжаликдаги хайдаладиган ерга кетган харажатни қоплаш сўмини (ХХс) мамлакатдаги хайдаладиган ерга кетган харажатни қоплаш сўмига (Мхе) булиб ва олинган натижани 100 га купайтириб топилади.

Ххе

$$Бб = \frac{\text{Ххе}}{\text{Мхе}} \cdot 100 - 58,30$$

Мхе

Хўжаликдаги 1 га хайдаладиган ер майдонини пулда баҳолаш учун хайдаладиган ер баҳосининг баллини мамлакат буйича ўртача 1 балл хайдаладиган ерга тўғри келган Дд га купайтириш керак.

$$1 \text{ га ХеБ} = Бб \cdot Дд$$

$$Дд - 396 \text{ с}$$

Жами хайдаладиган ерни баҳолаш 1 га хайдаладиган ернинг баҳосини жами хайдаладиган ер майдонига купайтириш лозим.

$$ЖХЕБ = 1 \text{ га ХеБ} \cdot ЖМ$$

Пичанзорни пулда баҳолашни ҳисоблаш (Ялпи маҳсулот буйича)

1 га пичанзорни пулда баҳолаш учун 1 га пичанзорни баллдаги баҳосини ялпи маҳсулот буйича 1 га хайдаладиган ернинг баллдаги баҳосига бўлинади ва хўжаликдаги 1 га хайдаладиган ернинг пулдаги баҳосига кўпайтирилади.

Ббп

$$1 \text{ га ПБ} = \frac{\text{Ббп}}{\text{Ббхе}} \cdot 1 \text{ га ХЕБ}$$

Ббхе

Пичанзорнинг жами майдонини пулда баҳолаш учун (ЖПМБ) (1 га Пб) 1 га пичанзорнинг пулдаги баҳоси жами майдонга купайтирилади.

$$\text{ЖПМБ} = 1 \text{ га ПБ} \cdot \text{ЖМ}$$

Яйловларни пулда баҳолашни ҳисоблаш (ялпи маҳсулот буйича) 1 га яйловни пулда баҳолаш учун (1 га ЯБ) 1 га яйловнинг балл баҳосининг (Ббя) 1 хайдаладиган ернинг балл баҳосига булиб (Бб), натижани 1 га хайдаладиган ер майдонининг пулдаги баҳосига (1 га ХЕБ) купайтирилади.

Ббя

$$1 \text{ га ЯБ} = \text{-----} \cdot 1 \text{ га ХЕБ}$$

Ббхе

Яйловнинг хама майдонини пулда баҳолаш учун (ЖЯМБ) 1 га яйловнинг пулдаги баҳосини (1 га Яб) жами майдонга купайтирамиз

$$\text{ЖЯМБ} = 1 \text{ га ЯБЖМ}$$

2. 4. Ер ресурсларини пулдаги жами баҳоси (ЕРЖБ) ҳайдаладиган ер, пичанзор ва яйловларнинг пулдаги баҳосини қўшиш йўли билан топилади.

$$\text{ЕРЖБ} = \text{ЖХеМБ} + \text{ЖПМБ} + \text{МЯМБ}$$

3. Қишлоқ хўжаликларига тааллуқли асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик қиймати (АИЧВ)

4. Моддий айланма воситаларининг ўртача йиллик қиймати (МAB)

5. Ресурс потенциалининг умумий миқдори

$$\text{РП} = \text{МРБ} + \text{ЕРЖБ} + \text{АИЧВ} + \text{МAB}$$

Ресурс потенциали кўрсаткичи ишлаб чиқаришни бошқаришнинг турли хил вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланилади:

1. Ўлчов.

2. Тартибга солиш.

3. Рағбатлантириш.

*Биринчидан, ўлчов функцияси.* Ресурс потенциалини ташкил қилувчи элементларни турли тезлик ва йўналишига (қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари камайиш тенденциясига эга, ер ресурслари ўзгармайди, моддий ресурслар эса, тез кўпайиб туради) қараб вужудга келадиган, шунингдек, қишлоқ хўжаликни ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаши аниқлашда намоён бўлади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ресурслар билан таъминланиши мутлақ ва нисбий салмоғини аниқлаш кўрсаткичида тавсифланиши мумкин. Мутлақ кўрсаткич - бу ресурс билан таъминланиш коэффициенти дир.

РП ҳақ. миқдори

РТК = -----

РП меъёрий миқдори

*Салмоғини аниқлаш кўрсаткичлари:*

1. Ресурслар билан таъминланиш -

РП

РТ = -----

Қ/х яроқли ер

2. Меҳнатнинг ресурслар билан қуролланиши -

РП

рқ = -----

Ходимлар сони

*Иккинчидан, ўлчов функцияси, ресурс потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш имкониятини ифодалайди. Унинг кўрсаткичлари қуйидагилардир:*

1. Ресурс қайтими -

СМ

РК = -----

РП

2. Ресурс сиғими -

РП

РС = -----

СМ

*Қўшимча кўрсаткичлар эса, қуйидагилардир:*

ЯМ, ТМ, Ф

РП

РК = -----

РС = -----

РП

ЯМ, ТМ, Ф

*Истеъмол қилинган ресурслар потенциалидан фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичи юқорида айтиб ўтилганидек, маҳсулот таннархидир.*

*Учинчидан, ўлчов вазифаси, қишлоқ хўжалик иқтисодий самарадорлиги ва интенсивлик даражасини аниқлаш имконияти билан ифодаланади.*

*2. Тартибга солиш функцияси. Ресурс потенциали миқдорини ҳисобга олиш йўли билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашда тенг имкониятлар яратиш ва хўжалик юритишнинг иқтисодий шароитларини тенглаштириш имкониятларида акс этади.*

3. Рағбатлантириш функцияси. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ресурсларидан анча самаралироқ фойдаланишда ички имкониятларни излаб топишда намоён бўлади.

Улардан баҳоларнинг ташкил топишида, ихтисослаштириш чуқурлаштиришда фойдаланилиши мумкин.

Ресурсларни юқорида келтирилган баҳолаш услублари уларнинг самарадорлигини шартли ўрганишга имкон беради, холос.

Бозор итисодиёти шароитида барча ресурсларнинг қиймати талаб ва таклиф ҳамда қиймат қонунларнинг аниқ талаблари асосида аниқланиши зарур.

## ТОПШИРИҚ

### Топшириқнинг мазмуни

1. Хўжалик буйича меҳнат ресурсларининг баҳоси аниқлансин.
2. Хўжалик буйича ер ресурсларининг баҳоси аниқлансин.
3. Жами ресурслар потенциалининг баҳоси аниқлансин.

*1-жадвал*

### Хўжалик буйича меҳнат ресурсларининг баҳосини аниқлаш

Меҳнат ресурсларининг баҳоси	Меҳнат ресурслари	Четдан жалб қилинган меҳнат ресурслари	Меҳнат ресурслари ва четдан жалб қилинган ишловчилар ўртасидаги фарқ	Бир ходимга тўланадиган Компенсацияни ҳисобга олган ҳолда
1	2	$3 \cdot 0,5$	$4 = (2 - 3 \cdot 0,5)$	$4 \cdot K_n$

*2-жадвал*

### Хўжалик буйича ер ресурсларининг баҳосини аниқлаш

Ер ресурслари	Жами ҳайдаладиган ернинг баҳоси	Жами пичанзорнинг баҳоси	Жами яйловнинг баҳоси	Жами ер ресурсларининг баҳоси

--	--	--	--	--

3-жадвал

### Жами ресурслар потенциалининг баҳосини аниқлаш

Ресурслар потенциалининг баҳоси	Меҳнат ресурсларининг баҳоси	Ер ресурсларининг баҳоси	Асосий воситалар баҳоси	Айланма воситалар баҳоси	Жами ресурслар

### Саволлар

1. Ресурслар потенциали нима?
2. Ишлаб чиқариш омилларининг моҳияти нима?
3. Иқтисодий ривожлантиришда ресурсларнинг роли қандай?
4. Ресурслар қийматини ҳисоблашда ёки баҳолашда қандай усул маъқул?
5. Ресурслар потенциалининг самарадорлиги қандай аниқланади?

## 10-БОБ. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИИ Фойдаланиш

*«...инсоннинг кадр-киймати ўз  
вазифасини аъло даражада  
бажаришидан иборат: шунинг  
учун инсоннинг энг асосий  
вазифаси ва ўрни меҳнат билан  
белгиланади, инсон ўз орзусига  
меҳнат туфайли эришади».*

**Абу Райхон Беруний**

## ***1. Меҳнат тушунчаси ва унинг роли. Ёлланма ходим ва мулк эгаси меҳнати***

Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг табиий-иқтисодий ресурслар ва манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодексининг 1-боб, 8-моддасида меҳнатнинг улуғворлиги тўғрисида шундай дейилган: «Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, Бу ҳимоя меҳнат тўғрисидага конун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, меҳнат низолирига кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади». Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. Инглиз иқтисодчиси У.Петти XVII асрда меҳнатни бойликнинг отаси деб атаган. Иқтисодчилар меҳнатни кишилиқ ҳаётининг асосий шарти эканлигини ва инсоннинг ўзининг ҳам камолотга етишуви меҳнат орқали амалга ошганлигини айтиб ўтган. Меҳнат - бу инсоннинг мақсадли фаолияти бўлиб, бу жараёнда у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради. Ўз кучини қўшгани ҳолда, инсон, меҳнат қуролларидан фойдаланиб, табиат берган материалларни, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган моддий неъматларга, бойликларга айлантиради. Меҳнат жараёни, инсоннинг иш жойида, унинг меҳнат фаолиятининг маълум натижаларига эришишга йўналтирилган ҳаржатларининг тўпламини билдиради. Бу маънода "меҳнат жараёни" тушунчаси, "ишлаб чиқариш жараёни" тушунчасига нисбатан анча тор тушунчадир. Ишлаб чиқариш жараёни ҳар бири маълум бир босқични ва тайёр маҳсулот олишни акс эттирувчи, бир бутун меҳнат жараёнлари комплекси базасида амалга оширилади. Бундан ташқари, кўп ҳолларда ишлаб чиқариш жараёни, инсон меҳнати иштирокисиз ҳам, табиий омиллар таъсири остида содир бўлади. Меҳнат жараёни, маълумки, ўз ичига уч элементни:

меҳнат воситаси, меҳнат предметлари ва бевосита инсон меҳнатининг ўзини олади. Ишлаб чиқариш воситаларисиз меҳнат жараёни маъносиз бўлади, ўз навбатида инсон меҳнатисиз ишлаб чиқариш воситалари ҳам ўликдир ва ҳеч нарса ярата олмайди. Кишилар меҳнати ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракат қилишга ва инсоннинг мақсадини амалга оширишга, бирга ҳаракат қилишга мажбур этади. Меҳнат воситалари ва меҳнат предметларини ярата бориб ва табиатга таъсир этиб, инсон, ўзини ҳам ўзгартиради, унинг малакаси, билими ва ишлаб чиқариш тажрибаси ҳам ошади. Жамият ривожланиши билан меҳнат воситалари такомиллаша боради, ишлаб чиқариш жараёнига янги-янги иқтисодий ресурслар жалб қилинади. Фан ва техника ўз ривожланишида қанчалик илгарилаб кетмасин, меҳнат жараёнида меҳнат ўзининг етакчилик, ҳал қилувчи ролини йўқотмайди. Меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади ва унинг хусусияти ишлаб чиқариш муносабатлари билан аниқланади. Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш шунга йўналтирилгани, бунда ҳар бир ходимдан, меҳнатга худди ёлланма кунбайчидек бефарқ ва маъсулиятсиз эмас, балки пироворд натижага жавобгарлигини сезган ҳолда ёндашиш муносабатида бўлиш талаб этилади. Охир-оқибат бу меҳнатдан ўзоқлашиш деган ғовни олиб ташлайди. Хўжайин ва ёлланма ходим ўртасидаги асосий фарқлар куйидагилардан иборат: *биринчидан*, хўжайин ишлаб чиқариш воситаларига ва мос равишда ишлаб чиқарилган маҳсулотга ҳам мулкдор ҳам хўжайиндир. Ёлланма, ходимда эса, бу мулк йўқ; *иккинчидан*, хўжайиннинг даромадлари (меҳнат ҳақи) пироворд натижаларга боғлиқ ҳолда ва қолдиқ тамойили бўйича шаклланади, бошқача сўз билан айтганда, сотилган маҳсулот қийматидан моддий ҳамда бошқа сарф-тўловлар, солиқлар ажратиб ташлангандан кейинги даромадлардан шаклланади. Даромадларнинг қолган қисмига хўжайин мустақил эгалик қилади. Ёлланма ходим ишда бўлган вақтига ёки бажарган ишининг ҳажмига қараб иш ҳақи олади, у пироворд натижага боғлиқ эмасдир.

## ***2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари шаклланиши ва фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари ва таркиби.***

### ***Иш кучи билан таъминланиш, иш кучининг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсаткичлари***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг микдорига, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларига меҳнатга яроқли эркеклар -16 дан 60 ёшгача, аёллар - 16 дан 54 ёшгача, шунингдек, қишлоқ жойда яшовчи ўсмирлар ва нафақахўрлар қиради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига қуйидагилар киради:

1. Доимий.
2. Мавсумий ,
3. Вақтинчалик ишчилар, шунингдек, штатда турувчи.
4. Ўсмирлар.
5. Нафақахўрлар.

Шу жумладан:

- доимий ишчилар - муддатсиз ишга қабул қилинганлар;
- мавсумий ишчилар - 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар;
- вақтинчалик ишчилар - 2 ойгача муддатга қабул қилинганлар.

*1-жадвал*

**Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли  
хўжаликларда яшовчи мавжуд аҳоли сони**

	1999 йил	2000 йил	2004 йил
1. Хўжаликларда яшовчи мавжуд аҳоли сони	1180771	1208539	129690
шундан хотин-қизлар	619704	627960	639987
2. Хўжаликларнинг аъзолари	254932	218740	201190
шундан хотин-қизлар	137209	119421	111314
Хўжаликлар аъзоларидан ишлаганлари	218379	197304	189407
шундан хотин-қизлар	121710	107588	10348
16 ёшгача бўлган ўспиринлар	80267	72196	69317
Меҳнатга қобилиятли ёшдагилардан катталар	38573	52145	61441
Меҳнатга қобилиятсизлар	18859	24191	26001
Хўжаликда яшаб, бошқа жойларда ишловчилар	82752	76389	83417

2000 йилда 1999 йилга нисбатан хўжаликларда яшовчи аҳоли сони 2,35 фоизга кўпайган. Хўжаликларнинг аъзолари хўжаликларда яшовчи аҳолига нисбатан 1999 йилда 21,6 фоизни, 2000 йилда эса, 18,1 фоизни ташкил этган. Хўжаликлар аъзоларининг жамоа хўжаликларида ишлаганларининг жами сонига нисбатан 1999 йилда 85,7 фоизни, 2000 йилда эса, 90,2 фоизни ташкил этади. хўжаликларда иш жойининг етишмаслиги туфайли башқа жойларда ишлайдиганларнинг сони хўжаликларда ишлаган

аъзоларига нисбатан 1999 йилда 37,9 фоизни, 2000 йилда эса, 38,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич янада ортган.

Корхоналарнинг меҳнат ресурсларидан ташқари баъзи ҳолларда, қишлоқ хўжалигида (мавсумийишларда) меҳнат шартномаси асосида четдан жалб қилинганлар меҳнатидан ҳам фойдаланилади, шу жумладан, ёлланма ишчилар ҳам. Қишлоқ хўжаликда меҳнат ресурсларининг шаклланиш ва фойдаланишнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

1.Биологик ишлаб чиқариш воситалари, тирик организмлар -тупроқ, ўсимлик, ҳайвонларни ривожлантириш мақсадида қулай шароитлар яратиш учун ходимлар меҳнати мазмунининг йўналтирилганлиги. Бу қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тирик организмларининг ривожланиши, ўзгаришига, уларнинг табиатини ноорганикэлементдан органикмоддаларга синтезлашувига боғлиқдир.

2.Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги табиий, хусусан, ернинг умумдорлиги ва об-ҳаво иқлим шароитларига боғлиқ. Чунки иқлим тез ўзгариб турганлиги учун ўсимлик ва ҳайвонотга қулай шароит яратиш лозимдир.

3.Кўп ходимларнинг бир қанча меҳнат вазифаларини бажариши. Бундай аралашининг зарурлиги иш турининг кўплиги ва бажариш муддатининг мавсумий лигидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалиги ходими алоҳида технологик операцияларни бажаришга ихтисослашган тор малакали бўлмаслиги керак. Қишлоқ хўжалик ходими маълум турдаги пировард маҳсулот етиштиришга кенг ихтисослашган бўлиши лозим.

4.Ишлаб чиқариш жараёнида ер, моллар ва бошқа ресурсларнинг мустақил эмаслиги. Пировард маҳсулот натижасига иқтисодий жавобгарлигини таъминлаш учун ходимларга умумий ерларни эмас, балки аниқдалаларни, бутун ҳайвонларни эмас, балки аниқ моллар бош сонини беркитиб қўйиш лозим.

5.Меҳнат жараёнларининг ўз-ўзини бошқариш. Биологик ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида, айниқса, ўсимликчиликда биологик жараёнда шароитлар тез-тез ўзгариб туради, шунинг учун бу ерда четдан туриб бошқариш имконияти анча чегараланган.

б.Ходимлар даромадининг ўсимликчиликда ва чорвачиликда пировард иқтисодий натижаларга боғлиқлиги. Бу боғлиқлик меҳнат операцияларини бажариш пайтида ходимдан технологик талабларга риоя этишда ўзини каттиқ назорат қилишнинг бевосита шarti бўлиб ҳисобланади.

7.Ходимлар даромадининг фақат ижтимоий хўжаликда эмас, балки шахсий деҳқон хўжалигида ҳам қўлланилиши.

Самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши унинг меҳнат ресурслари билан меъёр бўйича таъминланишига боғлиқ. Иш кучи билан етарлича таъминланмаслиги ишлаб чиқариш технологияси риоя қилинмасликка, пировард натижада маҳсулотни етарлича олинмаслигига олиб келади. Меҳнат ресурслари билан меъёрдан юқори даражада таъминланганлик эса, иш кучидан кам унум фойдаланишга ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иш кучи асосида таъминланиши, меҳнат билан таъминланиш коэффициенти ва меҳнат туфайли таъминланиш салмоғи кўрсаткичлари орқали тафсифланиши мумкин. Меҳнат билан таъминланиш коэффициенти (МБТК) мавжуд меҳнат ресурслари миқдорини (ходим, киши/соат) унга бўлган меъёрни талабга (ММР) бўлиб топилади.

$$\text{ММРМк/с}$$

$$\text{МБТК} = \frac{\text{ММРМк/с}}{\text{ММР}}$$

$$\text{ММР}$$

бунда, ММРМ - мавжуд М Р. миқдори (к/с); ММР - меъёрий меҳнат ресурслари.

Меҳнат билан таъминланишнинг салмоқли кўрсаткичлари қуйидагилар:

а) бир ходимга тўғри келган йиллик ишлаб чиқариш юкламасининг ҳажми, (к/с):

$$\frac{\text{ЙЮ}}{\text{ХС}} \text{ йиллик ишлаб чиқариш юкламаси}$$

$$\frac{\text{ХС}}{\text{ХС}} \text{ ходимлар сони}$$

б) 100 га қишлоқ хўжалигига яроқи ер тўғри келган ходимлар сони:

$$\frac{\text{ХС}}{\text{ХС}} \text{ ходимлар сони} \cdot 100 .$$

$$\frac{\text{Қ/ХЯС}}{\text{ХС}} \text{ қишлоқ хўжалигига яроқи ер}$$

в) бир ходимга тўғри келган қишлоқ хўжалигига яроқи ер, ҳайдсладиган ер ва қишлоқ хўжалик экинлари майдони:

$$\frac{\text{КХЯЕ;ХЕ ЭМ}}{\text{ХС}} \text{ қ. х ярок, ер; хай. ер экин майдони}$$

$$\frac{\text{ХС}}{\text{ХС}} \text{ ходимлар сони}$$

г) бир ходимга тўғри келган қорамоллар ва паррандалар (шартли бошга айланттирилганда) миқдори:

$$\frac{\text{Шартли бош}}{\text{ХС}} \text{ шартли бошга айланттирилган}$$

$$\frac{\text{ХС}}{\text{ХС}} \text{ ходимлар сони}$$

Қишлоқ хўжалигида иш кучининг миқдори ва ҳаракатини ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизими қўлланилади: ўртача рўйхатдаги ва ўртача йиллик ходимлар сони, иш кучининг айланиши ва қўнимсизлиги коэффиценти. Йилдаги ўртача рўйхатдан ўтган ходимлар сони ёки уларнинг умумий сони 1 йилдаги иш кунлар (285) сонига бўлиб топилади:

$$\text{Ўрхс} = \frac{\text{ходимлар сони (ХС)}}{285}$$

Ўртача йиллик ходимлар сони қуйидагича топилади:

Ходимларнинг ҳар ойидаги ўртача рўйхатдаги сони йиғиндиси ёки сарфланган жами к/с.лари

$$\text{Ўйхс} = \frac{\text{Ходимларнинг ҳар ойидаги ўртача рўйхатдаги сони йиғиндиси ёки сарфланган жами к/с.лари}}{\text{12-ой ёки 1 ходимга ҳақиқатда сарфланган ,к/с.лар миқдори ( 285 »7 қ1995 киши/соати)}}$$

Иш кучини қабул қилишнинг айланиш коэффиценти қуйидагича топилади:

$$\text{ИКҚҚАК} = \frac{\text{йил давомида қабул қилинганлар сони}}{\text{ўртача рўйхатдаги ходимлар сони}}$$

Ишдан кетганларнинг айланиш коэффиценти қуйидагича топилади:

$$\text{ИКАЙЛ.К} = \frac{\text{ишдан кетган ходимлар сони}}{\text{ўртача рўйхатдаги ходимлар сони}}$$

Иш кучининг қўнимсизлик коэффиценти қуйидагича топилади:

Ўз хоҳишига кўра ва меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатишган ходимлар сони

$$\text{ИКҚўн.К} = \frac{\text{Ўз хоҳишига кўра ва меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатишган ходимлар сони}}{\text{Ўртача рўйхатдаги ходимлар сони}}$$

### **3. Иш кучидан фойдаланишнинг мавсумийлиги, унинг кўрсаткичлари ва омиллари**

Қишлоқ хўжалигида иш кучидан фойдаланиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ишлаб чиқариш шароитидан, фойдаланиладиган технологиядан, техника билан таъминланиш даражасидан, қишлоқ меҳнаткашлари учун деҳқон хўжалигининг мавжудлигидан келиб чиқади. Шундай хусусиятлардан бири иш даври ва ишлаб чиқариш даврининг мос келмаслигидан келиб чиқадиган иш кучидан фойдаланишнинг мавсумий

лигидир. Мавсумийлик иш муддатининг қисқалигидан, айниқса, деҳқончиликда, экиш, ҳосилни йиғиш ва бошқа жараёнларнинг об-ҳавога боғлиқ лигидан келиб чқади. Энг куп вақт бизда ҳосилни йиғиб оладиган ойларга (сентябрў-октябрў), энг оз вақт эса, қиш ойлари (январў-февралў)га тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида иш кучидан фойдаланишнинг мавсумий лиги даражасини билдирадиган бир қанча кўрсаткичлар мавжуд:

1. Меҳнат харажатларининг ойлик ва ўртача ойлик тақсимланиши. Ходимлар сонини ёки ойлар бўйича ишланган киши/соатларини 12 ойга бўлиб топилади:

Ходимлар сони	Киши/ соатлари
-----;	-----
12	12

2. Меҳнатдан фойдаланишнинг мавсумийлик коэффиценти. Текширилаётган ойдаги меҳнат харажатиини ўртача ойлик меҳнат харажатига бўлиб топилади:

Текшириладиган ойдаги меҳнат харажати

-----  
Ўртача ойлик меҳнат харажати

3. Мавсумий юкломанинг нотекислик коэффиценти. Максимал ёки минимал ойдаги меҳнат харажатиини ўртача ойлик меҳнат харажатига бўлиб топилади;

Максимал ёки минимал ойдаги меҳнат харажати

-----  
Ўртача ойлик меҳнат харажати

4. Мавсумий тебраниши. Максимал ойдаги меҳнат харажатиини минимал ойдаги меҳнат харажатига бўлиб топилади:

Максимал ойлик меҳнат харажати

-----  
Минимал ойлик меҳнат харажати

Масалан, хўжаликда йил давомида 399 минг киши/соати ишланган, максимал меҳнат харажатлари июлў ойида 34,4 минг киши/соатини, минимал меҳнат харажатлари январў ойида 20,3 минг киши/соатини ташкил этган. У ҳолда, ўртача ойлик меҳнат харажати бир йилда 33,2 (399000:12) минг киш:соати, мавсумийлик коэффиценти октябрў ойида - 1,03 ни (34400:33250), январда эса, 0,61 ни (20300:27100), мавсумийлик тебраниши эса, 1,49 (31300:21000)ни ташкил этган.

Максимал ойлик меҳнат харажати

-----

## Минимал ойлик меҳнат харажати

Иш кучидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим аҳамияти, йил давомида иш кучидан бир текис фойдаланишни таъминлайдиган, қишлоқ хўжалиги меҳнатининг мавсумийлигини пасайтириш имкониятларини излаб топишдадир. Қишлоқ хўжалигида иш кучидан фойдаланиш мавсумийлигини камайтиришнинг асосий омиллари куйидагилардир:

*1.Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва интенсивлик даражасини ошириш.* Унинг ошиши қишлоқ хўжалиги ишларининг энг тиғиз даврида меҳнат харажатларига бўлган истеъмолни камайтириш ҳамда шу билан қиш ва ёз ойларидаги ходимларга бўлган эҳтиёж ўртасидаги фарқни қисқартириш.

*2.Ишлаб чиқаришнинг тармоқ, тузилмаси.* Тармоқ тузилмасини такомиллаштириш йил давомида иш кучига бир текисда эҳтиёж бўлган тармоқ ва маҳсулот тури салмоғини кўпайтириш демакдир. Деҳқончиликда экиш муддати, ишлов бериш, пишиб етилиши ва ҳосилни йиғиб-териб олиш бўйича экин ҳамда навларни танлаш йўли билан эришилади. Чорвачиликда деҳқончиликка нисбатан ходимлар йил давомида анча кўпроқ банддир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида чорвачилик салмоғини ошириш ҳам ходимларнинг анча текис бандлигини таъминлайди.

*3.Ёрдамчи корхоналар ва хунармандчилик.* Жамоа хўжалигидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган саноат корхоналаридаги ва цехларидаги ишлар мавсумий хусусиятга эга ва дала ишлари анча тиғиз бўлган пайтларда ҳеч зарарсиз тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бу қишлоқ хўжалиги меҳнати мавсумийлигига барҳам беради ва иш кучининг қиш ойларидаги бандлигини оширишга имкон яратади. Бундан ташқари, ёрдамчи корхоналар ва хунармандчилик жойида ўз хом ашёсидан фойдаланиб, хўжаликка қўшимча пул даромадлари, ходимлар учун қўшимча иш ҳақи манбаи бўлиб хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигида иш кучидан яхшироқ фойдаланишнинг катта имконияти ижтимоий ва якка тартибдаги қурилишни ривожлантириш, капитал таъмирлаш, йўл қурилиши, умумий овқатланиш, маиший хизматни ташкил қилиш, қишлоқ хўжалигида саноат, ишлаб чиқариши кооперациясидан фойдаланишга ҳам боғлиқ.

*4.Кадрлар малакаси.* Қишлоқ хўжалиги ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг аралаш ихтисос ва мутахассисликларни эгаллаши, жамоа хўжаликларида ишловчиларнинг қурилиш, мелиоратив ва бошқа ишларга,

яъни қиш ойларида қилинадиган ишларга жалб қилиш ҳам иш кучидан фойдаланишнинг мавсумийлигини анча юмшатади.

5. *Хўжалик операцияларининг бажарилиш муддатлари.* Иш кучидан анча оқилона фойдаланиш алоҳида хўжалик операция (минерал ва маҳаллий ўғитларни ташиш, уруғни тайёрлаш ва бошқалар)ларини нисбатан анча бўшроқ вақтларга кўчиришга имкон беради.

6. *Меҳнатни оқилона ташкил қилиш.* Меҳнат жараёнларини оқилона ташкил этиш, техника ва ходимларни ягона ишлаб чиқариш циклида бирлаштириш, ишни оз сонли кишилар билан бажариш - иш кучига бўлган эҳтиёжни пасайтиради.

#### *4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори*

**Иш кучи бозори.** Бозор иқтисодиётида иш кучи икки шароит таъсирида товарга айланади. Биринчидан, киши озод бўлиши керак ва ўз иш кучига мустақил эгалик қилиш имкониятига эга бўлмоғи лозим. Иккинчидан, у ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлиши керак, акс ҳолда, унда иш кучини сотиш зарурияти бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида бундайлар ёлланма ходимлар ҳисобланади. Бозорда у ўз иш кучининг эгаси, сотувчи сифатида харидор билан қарама - қарши туради.

Иш кучи, бошқа товарлар сингари, истеъмол қиймат ва қийматга эга. Иш кучининг истеъмол қиймати, унинг ўз меҳнат қобилияти билан истеъмол қиймат ва қийматга эга бўлган янги товар яратишидир. Бошқа товарлардан фарқ қилиб, ишчи кучи истеъмол жараёнида ўз қийматидан кўп бўлган даромад яратади. Бу ортиқча даромад кўшилган қийматнинг таркибидир. Иш кучининг кўшилган қиймат яратиш қобилияти пираворд натижада товар бўлган иш кучининг истеъмол қийматидир.

Товар сифатида иш кучининг қиймати, уни такрор ишлаб чиқариш учун керак бўладиган ижтимоий-зарурий меҳнатнинг миқдори билан ўлчанади. Шунинг учун иш кучининг қиймати тирикчилик воситалари фондини ташкил қилади. Тирикчилик воситалари фонди ходимлар шахсий истеъмолининг моддий асоси сифатида. намоён бўлади ҳамда шахсий истеъмолга кирадиган моддий неъмат ва хизматларнинг йиғиндисини ифодалайди. Тирикчилик воситалари фондининг манбаи ва асосий иқтисодий шакли меҳнат ҳақи ҳисобланади.

Ходимлар тирикчилик воситалари фондининг бир қисми, шахсни ривожлантирадиган ва маориф, медицина хизмати, турли хил нафақа ҳамда бошқаларга сарфланадиган шахсий ва ижтимоий истеъмол фондларидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида иш кучига бўлган таклифнинг талабдан ошиб кетиши иш кучи (меҳнат) бозорининг бўлишини муқаррар қилиб қўяди.

Қишлоқ хўжалигида иш кучи бозори илгари ҳам мавжуд эди, лекин у чегараланган, ўзгартирилган кўринишда эди. У тармоққа раҳбарликнинг маъмурий - буйруқбозлик усули туфайли ўзига хос бўлган вазифани бажара олмас эди ва ходимларни тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш жараёнини ташкил қилиш ва тартибга солишнинг қўлланадиган шакллари такомиллашмаганлиги туфайли қишлоқ меҳнаткашларининг иш жойи ва машғулот турини танлаш эркинлиги чегараланган эди. Қишлоқ меҳнаткашларининг давлат мулкига ҳам хўжайин сифатидаги ҳуқуқи тўла эмас, ишга жойлашишда, меҳнатига яраша ҳақ олишда меҳнатга бўлган қобилятдан ўзоқлашиш содир бўлар эди.

Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалигида туб аҳолининг ҳаёти, меҳнат ва истеъмоли билан боғлиқ, манфаатлар ҳамда миллий хусусиятларни ҳисобга олмасдан, монокултурада, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштиришда яхши ўйламасдан инвестиция ва тузулма сиёсатини амалга ошириш натижаси бандликни таъминлашда пайдо бўладиган салбий ҳодисаларга олиб келди.

Жамоа ва давлат хўжаликларининг кўп қисмини йириклаштиришга олиб келган, дастлаб кичик шаклдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини чегаралаган ва кейинчалик бутунлай таъқиқлаб қўйган йирик ишлаб чиқариш ҳамда давлат мулк шакллариини ёппасига ривожлантириш сиёсати оқибатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва меҳнат ресурсларини жойлаштиришдаги номувофиқлик юзага келди.

Қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ривожланиш босқичида иш кучи бозорини тан олишнинг тўғрилиги қуйидаги бир қанча омилларга боғлиқ:

**Биринчидан,** қишлоқ меҳнаткашларининг ишлаб чиқариш воситаларидан ва ўз меҳнатларининг натижаларидан, уларни сотишдан келадиган фойдадан ўзоқлашуви. Бу эса, иш кучининг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши муносабатини ходим ва давлат ўртасидаги товар алоқаси шаклида кўрсатади.

Бозор муносабатларига ўтиш билан товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий алоҳидалиги даражаси кескин ўсади; хўжалик фаолияти ва иш ўрнини танлашдаги муқобилликнинг кенгайиши, хўжалик юритиш шакллари ва меҳнат ҳақи, шунингдек, минтақалараро фарқ қилувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида иш кучи аралашиб кетишиининг кучайишисиз содир бўлмайди.

**Иккинчидан**, иш кучини такрор ишлаб чиқаришда қиймат қонунининг тан олинмаслиги, ходимлар малакаси ва улар бажараётган ишнинг мураккаблигини ҳисобга олмаслик, иш ҳақи миқдори билан иш кучини қийматини қоплаш учун талаб қилинган харажатлар ўртасидаги узилишга олиб келди. Бозор шароитида малакали иш кучини жалб қилиш учун рақобат ривожланиши билан қишлоқда меҳнат муносабатлари соҳасида қиймат ҳамда талаб ва таклиф қонунларининг роли ошиб боради.

**Учинчидан**, меҳнатнинг бозор орқали жамият томонидан тан олиниш механизми ходимлар ўртасида яхши меҳнат шароити ва яхши ҳақ тўлайдиган жойга беллашувни амалга оширишга имконият беради.

**Иш кучи бозори** - бу мазмунига кура, иш кучининг ҳаракат формасидир. Меҳнат бозорининг ривожланиши иш кучига тўлақонли ҳақ тўлашни таъминлайди иш кучи сифатини оширишни, ташаббускорликни, тадбиркорликни рағбатлантиради унинг юқори ҳаракатчанлигини таъминлайди. Булар ҳаммаси ўз-ўзидан иқтисодий ва фан-техника тарақиётини тезлаштиришга хизмат қилади. Мулкнинг ва хўжалик юритишнинг турли-туман шаклларига ўтиш шароитида, нафақат аниқ иш ўрнини танлаш эркинлигини кенгайтиради, балки ҳар бир кишига ўз иш кучини қўллашга деҳқон хўжалигида ишлаш, ёлланма меҳнат, давлат ёки кооператив корхоналарда ишлаш эркинлигини кенгайтиради. Яшаш жонини танлашдаги эркинлик ҳам кенгайди. Шу билан бирга, бозор муносабатлари шароитида аниқ иш жойи ҳеч кимга кафолат қилинмайди.

Иш кучи бозори кўп ҳолларда қишлоқ хўжалигининг давлат сектори бўлмаган бўғинларида - деҳқон ва фермер хўжаликларида, акциядор корхона ва жамиятларда, аралаш корхоналарда намоён бўлади. Шу билан бирга, иш кучи бозори давлатнинг фаол тартибга солишига таянади, яъни вақтинча банд бўлмаганларга моддий ёрдам, кадрларни қайта тайёрлаш тизимларини ташкил қилиш, аҳолини бир жойдан бошқа жойга кўчириш ва бошқалар орқали амалга оширилади.

### ***5. Қишлоқ хўжалигида бандлилик ва ишсизлик***

Бандлилик иқтисодий категория сифатида меҳнатга яроқи аҳолининг ижтимоий маҳсулотни яратиш бўйича қиладиган фаолиятини ифодалайди. Бандлиликнинг тўлиқлиги аҳолининг иқтисодий фаоллигига муносабати бўйича ҳисобга олинади. Бунга маҳсулот, товар ишлаб чиқаришда ва хизматларни амалга оширишда қатнашувчи шахслар тегишлидир. Иқтисодий фаол кишининг меҳнат статуси миқдор жиҳатдан маълум бир вақт давомида ишланган кунлар сони бўйича ҳисобланади:

Категория бўйича иқтисодий фаол аҳолига қуйидагилар киради:

- ёлланма меҳнатчилар (ишчи ва хизматчилар);
- доимий ходимлар, ҳақ тўланмайдиган оила аъзолари;
- мавсумий ходимлар, ҳақ тўланмайдиган оила аъзолари;
- объектив сабаблар бўйича вақтинча ишламайдиган шахслар, мавсумий ва тасодифий ходимлар;
- тўлиқ бўлмаган иш куни режимида иш билан ўқишни қўшиб олиб борадиган ва стипендия ёки иш ҳақи олувчи шахслар ва ўқитувчилар.

Қишлоқ хўжалигида бандлик ўзига хос хусусиятларга эга. Улар тармоққа меҳнатни жалб қилишнинг иқтисодий шароитлари билан боғланган. Қишлоқ хўжалигида меҳнат органик жиҳатдан ер билан боғланган. Бунда, ер меҳнат муносабатларининг моддий жиҳатдан қувватловчиси, юзага чиқарувчиси ҳисобланади. Меҳнат натижаларига табиий биологик жараёнлар бевосита таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг мавсумий лнги туфайли иш кучига ижтимоий ишлаб чиқариш томонидан нотекис талаб мавжуд. Бу ерда доимий ва мавсумий иш кучи бўлади. Доимий ходимлар асосан, доимий иш ҳажмини бажаришга йўналтирилади, мавсумийиш кучи эса, мавсумий ишларни бажариш учун жалб қилинади.

Қишлоқ хўжалигида бандлилик икки хил шаклда кўринади: тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган. Тўлиқ бандлилик бутун йил давомида ходимларга ишни кафолатлайди. Бу асосан, чорвадорлар, маханизаторлар, ишлаб чиқариш раҳбарлари ва мутахассислардир. Тўлиқ бўлмаган бандлилик тўлиқ бўлмаган иш куни, тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси, тўлиқ бўлмаган иш йили билан тавсифланади. Бундай категорияга қўл меҳнати билан банд бўлган ходимлар, механизаторларнинг алоҳида гуруқлари, мавсумийиш турига жалб қилинган нафахакаҳўрлар, ўқувчилар мансубдир.

Банд бўлган ходимларга қуйидагилар киради: « ёлланиб ишлайдиган, шу жумладан, мавсумий ва вақтинча ишларни ҳам қўшганда, тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган шароитда рағбатланиш учун иш бажарадиган ходимлар;

- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар;
- ўзини иш билан мустақил таъминловчилар;
- ёрдамчи хунармандчиликда ва маҳсулотни шартнома бўйича сотишда банд бўлганлар;
- фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича иш бажарувчилар, шунингдек, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари.

Меҳнат бозорининг бевосита субъектлари бўлиб, банд бўлмаган аҳоли ҳисобланади. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ўз ихтиёри билан банд бўлмаган шахслар, корхонадан ишдан бўшаганлар ёки ҳеч қачон меҳнат қилишда иштирок этмаганлар ва ишлашни хоҳламаганлар ҳамда яшаш учун маблағнинг қонуний манбаига эга бўлмаганлар;

- турмуш ўртоғидан бирининг, ёки ота-онасининг маблағи ҳисобига ёки уларнинг қарамоғида яшовчи, ихтиёрий банд бўлмаган аҳоли;

- турли сабабларга кўра ишлаб чиқаришдан озод бўлган, бир иш жойидан бўшаган, лекин меҳнат биржасида рўйхатдан ўтишга улгурмаган, заруриятдан банд бўлмаган аҳоли;

- зарурий бандсизлик - ишсизлик, яъни ишлаш ва иш ҳақи олишни хоҳловчи ҳамда меҳнат биржасида рўйхатдан ўтган кишилар.

Аграр меҳнат бозорида бандлиликка ёрдамлашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

*I. Давлат бюджети:*

1. Ўз бандлиликка ёрдамлашиш (тадбиркорлик фаолияти, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги)

2. Янги иш жойлари барпо қиладиган рағбатлантириш.

*II. Маҳаллий бюджет:*

1. Иш жойларини сақлаб қолишни рағбатлантириш.

2. Ижтимоий ишларни ташкил этиш.

*III. Фуқароларнинг бандлилик фонди:*

1. Иш жойини сақлаш.

2. Ишсизларни янги касбга қайта тайёрлаш.

3. Ишсизларга нафақа.

*IV. Аҳоли бандлиги хизматининг тижорат фаолиятдан келадиган даромадлар:*

1. Ижтимоий ишларни ташкил этиш.

2. Ишсизларни қайта тайёрлаш.

Ишсизлар - бу иш ва иш ҳақига эга бўлмаган, ўзига тўғри келадиган ишни излаш мақсадида бандлилик хизматида рўйхатдан ўтган, иш изловчи ва топса дарров жойлашадиган меҳнатга яроқли фуқаролардир. Қишлоқ хўжалигида. ишсизлик турли сабабларга асосан, бўлиши мумкин. Шунга кўра, ишсизликнинг бир қанча турлари бўлади: фриксион, тузилмавий ва циклик (даврий) Фриксион - бу ишсизликда, ишсизлар иш излашади ёки яқин келажакда уни топишдан умидвор бўладилар. Фриксион ишсизлик муқаррар ҳисобланади ва қайсидир жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Кўпгина ишчилар ўз ихтиёрлари билан паст унумли, кам ҳақ тўлайдиган ишлардан анча юқори унумли ва анча юқори ҳақ тўлайдиган ишларга ўтиб кетишади.

Шундай қилиб, меҳнат бозори ташкил этилади ва ҳаракат қилади, яъни: ишчилар сони билан иш жойлари сони мос келмайди.

Фрикцион ишсизлик ўз навбатида тузилмавий ишсизликка ўтади. Тузилмавий ишсизлик ишчи кучига талабнинг умумий тузулма ўзгаришини билдиради. Бозор муносабатлари шароитида айрим касбларга талаб пасаяди ёки бутунлай тўхтайтиди, бошқа касбларга эса, жумладан, янги, олдин мавжуд бўлмаган касбларга талаб усади.

Тузилмавий ишсизликда ишсизлар маълум даражада қайта тайёргарликсиз, кўшимча билим олмасдан, баъзи ҳолларда яшаш жойини ўзгартмасдан иш топа олмайдилар. Агар фрикцион ишсизлик қисқа муддатли хусусиятга эга булса, тузилмавий ишсизлик ўзоқ муддатли хусусиятга эга.

Циклик (даврий) ишсизлик, бу ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан юзага келадиган ишсизлик. Бунда товар ва хизматларга талаб камаяди, бандлилик қисқаради ва ишсизлар сони ўсади. Ишсизликнинг бу тури талабнинг тақчиллиги билан боғлиқ. Иқтисодиёт инқироздан чиққандан кейин ишлаб чиқариш ҳажми ўсади ва товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар учун иш кучига бўлган талаб ошади.

Ишсизлик даражаси, ишсизлар сонини умумий иш кучи сонига бўлиб топилади ва қуйидаги формулада ифодаланади:

$$\text{ИД} = \frac{\text{ИС}}{\text{УМК}} \cdot 100,$$

бу ерда, ИД - ишсизлик даражаси, %;

ИС - ишсизлар сони, киши;

УМК - умумий иш кучи сони, киши.

Ишсизлар даражасидаги фарқ мамалакатнинг иқтисодий сиёсати хусусиятига, иқтисодиётнинг таркибий тузилишига ва бошқа омилларга боғлиқ. Агар одам ҳеч қаерда ишламаса ва иш қидириш билан банд бўлса, у ҳолда, у ишсиз ҳисобланади. Инсон ишсиз бўлиши учун нафақат иши йўқлиги, балки уни астойдил излаётган бўлиши керак. Лекин аксарият ҳолларда одамлар ҳеч жойда ишламаиди ва шундай бўлса ҳам ишсиз ҳисобланмайди. Булар шундай категориядаги одамларки, улар нафақахўрлар, ёш бола билан уйда утирувчилар, ўзоқ муддатга таътил олувчилар ва янги ишга жойлашиш мақсадида қайта тайёргарликдан ўқивчилардир.

Ҳозирги вақтда ишсизликнинг уч тури мавжуд:

1. Таркибии ўзгаришлар бўлаётган даврдаги ишсизлар.
2. Иқтисодиётнинг меъёрида ҳаракат қилиши давридаги ишсизлар.
3. Қисқа муддатли иқтисодий инқирозлар билан боғлиқ ишсизлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида бандлилик даражасини қисқартириб иш ҳақини оширади ва аксинча, иш ҳақини пасайтириб бандлилик даражасини оширади. Бошқача қилиб айтганда, корхоналар маҳсулот баҳосини ошириб, бандлиликни оширади. Корхона учун энг муҳими иш ҳақи даражасининг маҳсулот баҳосига нисбати ҳисобланади. Бундай ҳолатда, иш ҳақи маҳсулот баҳосига нисбатан тезроқ ўсса, корхона озроқ ходимларни ёллайди.

Тўлиқ бандлилик амалга оширилган тақдирда ҳам ишсизлар бўлади.

Барча мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам меҳнат бозорига уч асосий омил таъсир кўрсатади:

- табиий-ресурс;
- демографик;
- ижтимоий-иқтисодий.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат билан бандлиликка тўсқинлик килувчи омилларга қуйидагилар киради;

1. Оғир меҳнат шароитлари.

2. Аграр секторда ижтимоий сферанинг кучсиз ривожланиши.

3. Мамлакат ҳудудлари бўйлаб қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг нотекис тақсимланиши.

4. Ишчи кадрларнинг етарлича тайёрланмаслиги механизаторларнинг, қурувчиларнинг чорвадорларнинг ва бошқаларнинг.

5. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг пастлиги.

6. Қишлоқ жойларда ишсизлар сонининг ўсиши.

7. Ёшларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидан чиқиб кетиши.

Меҳнатга яроқли аҳоли сонининг ўсиш суръати ва меҳнатга бўлган талабнинг миқдори ўртасидаги нисбатни ифодаловчи демографик омил меҳнат бозори орқали кескин барқарорлаштирилади. Бу омилнинг таъсири бизнинг республикада ўз кучини ҳали ҳам йўқотган змас.

Шунингдек, ишсизлик даражасига қуйидаги ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам кескин таъсир қилади:

- ишлаб чиқаришнинг инқирозга учраши;
- маҳсулот ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлар;
- мулкчилик ишқлларидаги ўзгаришлар (хусусийлаштириш);
- молия-кредит, инвестиция, ташқи иқтисодий сфера ва даромадлар сферасидаги вазиятлар.

## ***6. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар 3 гуруҳга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига меҳнат ресурсларини жалб қилиш даражаси.
2. Иш кучидан иш вақтида тўлиқ фойдаланиш.
3. Иш кучидан фойдаланиш самарадорлиги.

1- ва 2-гуруҳ кўрсаткичлар меҳнат ресурсларидан экстенсив фойдаланиш даражасини тавсифлайди. 3-гуруҳ кўрсаткичлар эса, меҳнат ресурсларидан интенсив фойдаланишни тавсифлайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига меҳнат ресурсларини жалб қилиш даражасини тавсифлайдиган кўрсаткич меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти (МРФК) дир. У ўртача йиллик ходимлар сонини мавжуд меҳнат ресурслари миқдорига бўлиб ҳисобланади:

$$\text{МРФК} = \frac{\text{ЎрЙХС}}{\text{МРМ}}$$

Иш кучидан иш вақтида тўла фойдаланишни акс эттирадиган кўрсаткичлар куйидагилар:

- а) ҳақиқатда бир ходим томонидан ишланган киши/кунлари миқдори - ҲИКК (ўртача меъёрада 285 кун)

. Жами к/к

$$\text{ҲИКК} = \frac{\text{Жами к/к}}{\text{ЎрЙХС}};$$

- б) иш кучидан фойдаланиш коэффициенти (ИКФой.К) Ҳақиқатда йил давомида бажарилган киши/кунлари миқдорини меъёрадаги мумкин бўлган иш вақти фондига нисбати билан топилади:

Хк/к

$$\text{ИКФой.К} = \frac{\text{Хк/к}}{\text{Мк/к}};$$

- в) иш кучидан фойдаланишнинг тўлиқ коэффициенти (ИКФойТК) . Ҳақиқатдаги соф иш вақтини (к/с) мумкин бўлган иш вақти фондига нисбати билан топилади (7-соатлик иш кунда):

СИВ(к/с)

$$\text{ИКФойТК} = \frac{\text{СИВ(к/с)}}{\text{МБИВ}};$$

- г) иш кучидан фойдаланишнинг умумий коэффициенти (ИКФойУК) ИКФойК ни ИКФойТК га кўпайтириб топилади.

ИКФойУК = ИКФойК • ИКФойТК.

Иш кучидан фойдаланишнинг самарадорлигини умумлаштирувчи курсаткич меҳнат унумдорлиги ҳисобланади.

### **ТОПШИРИҚ**

#### **Топширикнинг мазмуни**

1. Хўжалик ҳудудида яшовчи аҳоли таркиби аниқлансин.
2. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича меҳнат харажатлари таркиби аниқлансин.

*2-жадвал*

#### **Хўжалик ҳудудида яшовчи мавжуд аҳоли таркиби**

Аҳоли таркиби	Сони	Салмоғи
1. Хўжалик ҳудудида яшовчи мавжуд аҳоли :		100 %
шундан хотин-қизлар		
2. Хўжаликнинг аъзолари:		
шундан хотин-қизлар		
3. Хўжалик аъзоларидан ишлаганлари:		
шундан хотин-қизлар		
-16 ёшгача ўсмирлар		
-меҳнатга қобилиятли ёшдаги катталар		
-меҳнатга қобилиятсизлар		
Хўжаликда яшаб бошқа жойларда ишловчилар		

*3-жадвал*

#### **Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича харажатлар таркиби**

Тармоқ ва хизматлар	Йил давомида ишлаган киши/соат	Фоизлар

<p>1. Ўсимликчилик</p> <p>2. Чорвачилик</p> <p>3. Ўсимликчилик бўйича умум-ишлаб чиқариш харажатлари</p> <p>4. Чорвалик бўйича умумишлаб чиқариш харажатлари</p> <p>5. Саноат ишлаб чиқариш таъмирлаш устахраси, техника ва қуроллар, электр ва сув таъминоти</p> <p>6. Капитал қурилиш асосий фаолиятидаги ходимларга кўрсатилган хизматлар</p> <p>7. Кўпйиллик дарахтларни ўтказиш ва ўстиришга қилинган хизматлар</p> <p>8. Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар</p> <p>9. Транспорт хизмати</p> <p>10. Умумхўжалик сарфлари</p> <p>Жами :</p>		
---	--	--

## ТОПШИРИҚ

### Топшириқнинг мазмуни

1. Асосий категория ишловчиларнинг йиллик ва ойлик меҳнат ҳақи миқдори аниқлансин.
2. Элементлар буйича меҳнат ҳақи фондининг таркиби аниқлансин.

4-жадвал

### Асосий категория ишловчиларнинг йиллик ва ўртача ойлик меҳнат ҳақи

Ходимлар категорияси	Ўртача йиллик рўйхатдаги ходимлар, киши	Меҳнатга ҳақ тўлаш	Пул тўловлари ва рағбатлантириш	Шундан, йил якунида мукофатлаш	Ҳама меҳнат ҳақи фонди	Бир ходимга тўғри келадиган ҳама меҳнат ҳақи фонди, сўм	
						Йиллик	Ўртача ойлик
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Қўх. да банд бўлган ишловчилар Шундан: а) доимий ишловчилар б) муддатли ва вақтинча ишловчилар в) хизматчилар Шундан: - раҳбарлар - мутахассислар г) бошқа корхоналар рўйхатидаги ишловчилар 2. Мадарий-маиший ва коммунал хўжалигида ишловчилар 3. Умумий овқатланиш ва савдода ишловчилар 4. Бошқа тармоқда ишловчилар Жами:							

**Асосий элементлари бўйича меҳнат ҳақи фондининг таркиби**

Меҳнат ҳақи фонди элементлари	Қиймати, сўм	Жамига нисбатаи фоиз
1. Ишбай баҳосида ҳақ тўлаш 2. Таъриф ставкаси ва вазифа ойлиги бўйича ҳақ тўлаш 3. Узлуксиз ишлагани учун қўшимча 4. Меҳнат ҳақи фонди ҳисобидаги тўланган ҳамма мукофотлар 5. Ер шароитига қараб қўшимча тўланган 6. Меҳнат таътилига тўланган 7. Ишлаб чиқариш якуни бўйича ишчиларга тўданган мукофот 8. Ишчиларга имтиёзли ҳақ бериш Жами :		

**Саволлар**

1. Меҳнат ресурслари деб нимага айтилади ?
2. Иш кучи нима?
3. Меҳнат ва унинг хусусиятлари?
4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Мавсумийлик нима ва у қандай бартараф этилади?
6. Иш кучининг қўнимсизлиги нима?

## **11-БОБ. ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш**

*«Ер - бойликнинг онаси,  
меҳнат эса, унинг отасидир».*

**У.Петти**

### ***1. Ер ресурслари қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси. Мамлакат ер ресурсларининг таркиби***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий элементлари орасида ер ресурслари муҳим ўринни эгаллайди. У моддий бойлик яратишнинг дастлабки шарт-шароити ва табиий асоси ҳисобланади. Классик иқтисодчилар, ерни меҳнат воситалари, меҳнат предметлари ва манзилгоҳ жойларни яратувчи буюк лаборатория, хазина эканлигини таъкидлаганлар. Ер ресурслари - буюк ва ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган миллий бойлик. Ер ресурслари, бошқа ишлаб чиқариш воситалардан тубдан фарқ қилгани ҳолда, асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодига катта таъсир кўрсатади.

1. Ер табиат маҳсули. Инсон меҳнати тупроқ хусусиятини ўзгартиради, бу унинг меҳнат предмети эканлиги. Ўсимликларнинг ривожланиши ва ўсишга таъсир кўрсатиши унинг меҳнат воситаси эканлиги. Иккаласи биргаликда унинг ишлаб чиқариш воситаси эканлигини билдиради.

2. Ернинг ҳудудий чегараланганлиги ва унинг такрор яратилмаслиги. Ер бошқа ишлаб чиқариш воситалари каби инсонни хоҳиш билан кўпайиб қолавермайди.

3. Ерни алмаштириш мумкин эмаслиги. Ерни бошқа ишлаб чиқариш воситалари каби алмаштириб бўлмайди, ундан бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига қараб такомиллашганлари билан алмаштирилади.

4. Ерни силжитиб бўлмаслиги. Ер қаерда жойлашган бўлса, ўнга ерда ундан фойдаланиш мумкин, уни бир жойдан бошқа жойга кўчириш мумкин эмас.

5. Ер участкаларининг сифати бўйича турли-туманлиги. Ер участкаларига бир хил миқдорда маблағ ва меҳнат сарфланса ҳам, олинadиган маҳсулотлар миқдори турлича бўлиши мумкин.

6. Бошқа ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилганда эскиради, ўзининг фойдалилик хусусиятини камайтиради ва бутунлай ишдан чиқади.

Ер умрбод ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади, эскирмайди, аксинча, у яхшилаб парвариш қилинса. кўп ҳосил беради. Ернинг бу хусусиятлари унинг умрбодлигага, яъни парвариш қилинаётган ўсимликни зарур озуқа моддалари билан қондириш ва ҳосил етиштириш хусусиятига боғлиқ. Иқтисодчилар тупроқ унумдорлигини уч турга ажратганлар:

1. Табиий. 2. Сунъий. 3. Иқтисодий.

Тупроқнинг унумдорлиги - қуёш, шамол, сув каби табиий кучларнинг таъсирида узоқ давом этган тупроқ ҳосил бўлиши жараёнининг натижасидир. Тупроқнинг табиий унумдорлиги, унинг физик, кимёвий ва биологик хусусиятларини тавсифлайди, у деҳқончилик учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, иқтисодий. унумдорликнинг асоси ҳисобланади. У инсоннинг меҳнат фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳаракат қилади. Лекин табиий унумдорлик ернинг потенциал сифатинигина тавсифлайди. Тўпроқ озуқа моддаларига бой бўлганлиги билан, унга ишлов берилмаса, яъни инсон меҳнати таъсир этмаса, у кутилган натижани бермаслиги мумкин.

Инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида яратилган унумдорлик сунъий унумдорлик деб аталади, у ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига борлиқ бўлади ва шунинг учун жамият ривожланишининг турли босқичларида бир хил эмас.

Табиий ва сунъий унумдорлик биргаликда иқтисодий унумдорликни ташкил қилади. Тупроқ унумдорлиги - доимий миқдор эмас, у ошиб бориши ҳам мумкин, пасайиши ҳам мумкин. Тупроқ унумдорлиги мутлақ ва нисбий шаклларда ҳам ўрганилади. Мутлақ унумдорлик кишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини тавсифлайди. Нисбий унумдорлик эса, ишлаб чиқариш харажатлари бирлиги ҳисобига олинган маҳсулот миқдорида акс эттирилади. Жаҳон фани ва амалиёти тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши ҳақидаги ғайрий- илмий қонуннинг тўлиқ асоссиз эканлигини исбот қилади. Бу қонуннинг муаллифлари, инглиз иқтисодчиси Д.Андерсон ҳисобланади. Бу қонунга биноан ерга сарфланган қушимча олинадиган меҳнат ва капитал, қўшимча олинадиган маҳсулотнинг миқдорини камайтиради. Бунга қарама-қарши ўзбек иқтисодчиси, профессор А.А.Абдуғаниев ўз илмий ишларида тупроқ унумдорлигининг ошиб бориш жараёнини қонун даражасига кўтариш ҳақида фикр юритган. Ердан фойдаланиш хусусияти кўпгина табиий, тарихий, техник, иқтисодий ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бунда ҳал қилувчи ролни ижтимоий-иқтисодий омил ўйнайди. Жамиятда ҳукмронлик қилувчи ишлаб чиқариш усули, шунингдек, иқтисодий муносабатларнинг ҳолати ер муносабатларининг хусусиятини аниқлайди. Ўзбекистон Республикасининг барча ер ресурслари ягона ер фондини ташкил этади. Улар мақсадли

фойдаланишига қараб, Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 2-бобида кўрсатилганидек, қуйидаги категорияларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.
2. Аҳоли пунктларининг ерлари.
3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар.
4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар.
5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар.
6. Ўрмон фонди ерлари.
7. Сув фонди ерлари.
8. Давлат захира ерлари.

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга: давлат жамоа хўжалиги, илмий-текшириш, ўқув ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, шуингдек, алоҳида фуқаролар, деҳқон хўжаликлари ва кооперативларнинг ерлари қиради. Бундан ташқари, бошқа қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, ижтимоий ва диний ташкилотларга ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун берилган ерлар ҳам қиради.

2. Аҳоли пункти ерларига шаҳар, посёлка ва бошқаларининг ер майдонлари қиради. Уй-жой фонди, парклар ва бошқа маданий-маиший объектларни жойлаштириш учун фойдаланилади.

3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган тармоқлар ерлари. Улар, заводлар, фабрикалар, темир йўл ва автомобиль транспорти, алоқа, мудофаа объектлари ва бошқаларни жойлаштириш учун фойдаланилади.

4. Табиатни муҳофаза қилиш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар - алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек, оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар.

5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, тарихий маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар.

6. Ўрмон фонди ерлари. Ўрмон билан банд ерлар, шунингдек, ўрмон хўжалиги зарурияти учун мўлжалланган ерлар.

7. Сув фонди ерлари. Сув хавзалари, гидротехник, сув хўжалик иншоотлари, шунингдек, сув хавзалари қирғоқлари қиради.

8. Давлат захира ерлари. Бу ерлар ҳозирча ҳеч кимга эгалик қилишга ва узоқ муддатли фойдаланишга берилмаган. Улар асосан, мамлакатнинг кам

аҳоли яшайдиган туманларида жойлашган ва янги корхоналар ташкил қилиш учун фойдаланилади, вақтинча фойдаланишга ажратилади

Республикамизнинг умумий ер фонди 44,8 млн. га.ни ташкил этади, шундан 27,9 млн. га ёки 62,3% қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардир. Шу ерларнинг 4 млн. 474 минг га ёки 15,95% ҳайдаладиган ерлардир. Ер фондининг 5-6 млн. гектари деҳқончиликда фойдаланилади. Улардан 4,2 млн. гектари суғориладиган ер бўлиб, шундан 1,6 млн.га чўл зонасида, қолган қисми сувли минтақада жойлашган. Шу суғориладиган ерларнинг 3 млн.га экинзордир.

Лалмикор ерларнинг асосий қисми Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган бўлиб, 770 млн. га яқин майдонни ташкил этади. Ер фондининг 22,8 млн. гектарини чўл яйловлари ташкил қилади, шундан 10 млн. га сур кўнғир тупроқли, 13 млн. га яқини қум ерлардир. Қолган қисми эса, тақир, ўтлоқ ва шўрхоқ ерлардан иборат. Чўл яйлов жойлардаги суғоришга яроқли яппи майдон 12 млн. гектарга яқин. 1998 йилда Самарқанд вилоятидаги жами: ер майдонлари 422,4 минг га.ни ташкил этган. Шундан давлат сектори 10,9 минг га.ни, нодавлат сектори 412,0 минг га.ни ташкил этган. Нодавлат сектор бўйича 358,6 минг га.ни қишлоқ хўжалик корхоналари, 52,9 минг га.ни деҳқон хўжаликлари ва 11,4 минг га.ни фермер хўжаликлари банд этишган.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли хўжаликларда 226,0 минг га экин майдони бўлиб, 189,5 минг га ҳайдаладиган ерларга, 0,4 минг га ўтлоқларга, 104,3 минг га яйловларга, 17,7 минг га ўрмонларга, 5,4 минг га сув ҳавзаларига ва 44,9 минг га томорқа ерларга ажратилган. Суғориладиган ерлар 197,2 минг га.ни ташкил этади.

*1-жадвал*

**Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли хўжаликларда асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, ц/га**

	Экин турлари	1999 йил	2003 йил	2003 йилда 199 йилга нисбатан	
				Сўм	%
1	Пахта	26,4	24,0	-2,4	90,9
2	Дон	37,1	44,6	-2,4	120,2
3	Сабзавот	201,2	192,0	-9,2	95,4
4	Картошка	102,7	137,0	34,3	133,4
5	Мева	27,0	57,0	30	211,1
6	Узум	32,4	42,0	9,6	129,6
7	Полиз	114,3	64,0	-50,3	56,0

2003 йилда 1999 йилга нисбатан пахтанинг ҳосилдорлиги 9,1 фоизга, мос равишда сабзавотлар (очик майдонда) 4,6 фоизга, полиз маҳсулотлари 44,0 фоизга пасайган. Шу йилларда дон ҳосилдорлиги 20,2 фоизга, картошка 33,4 фоизга, мева 2,1 мартага, узум 29,6 фоизга ошган. Бу кўрсаткичлар комплекс омиллар ва имкониятлардан турли даражада фойдаланиш билан боғлиқ.

## ***2. Мулк муносабатлари тизимида ер ресурслари. Ер мулкни рўёбга чиқаришнинг иқтисодий межанизми***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мулк муносабатлари тизимида ер ресурслари алоҳида ўринни эгаллайди. Ерга мулк муносабатининг моҳияти куйидагиларда намоён булади:

*Биринчидан*, ерга мулкчилик, унинг бирор-бир кишига ёки гуруҳга тегиғалилигини биладради.

*Иккинчидан*, бозор хўжалиги шароитида ерга бўлган мулкчилик ундан фойдаланувчилар ва эғалик қилувчиларнинг иқтисодий манфаатининг манбаи бўлиб қолади, яъни пировард натижада унга сарфланадиган юқори унумли меҳнатга манфаатни уйғотади.

*Учинчидан*, ерга бўлган мулкчилик ўз навбатида, фақат ундан самарали фойдаланишни эмас, балки ер участкаларининг ҳолати учун жавобгарлигини ҳам келтириб чиқаради.

Узоқ тарихий давр давомида мамлакатда ер ресурслари давлатнинг монопол мулки бўлиб келди, деҳқон мулкдан узоқлаштирилган эди. Бу эса, ундан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиришга ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришини турғун ҳолатга олиб келди. Мамлакатдаги ва хориждаги кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, ер ресурсларининг давлатлаштирилиши, деҳқонни унга эғалик қилишдан ва фойдаланишдан четлаштириш деҳқон меҳнатига зарурий - иқтисодий мотив яратмайди

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ер ресурсларини халқ бойлиги сифатида рўёбга чиқаришнинг шакллари куйидагилардир:

1. Ерга хусусий мулк сифатида караш.
2. Ерга умрбод меросли эғалик қилиш.
3. Ердан доимий ёки вақтинча фойдаланиш.
4. Ерни ижарага бериш.

1. Ерга хусусий мулк сифатида қараш ер участкаларидан тўлик фойдаланиш ҳуқуқини, яъни уни сотиш ва мерос қолдириш ҳуқуқини беради.

2. Ерга умрбод меросли эгаллик қилиш мамлакат фуқароларига деҳқон хўжалигини, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа мақсадлар учун берилади. Ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат хўжаликларига, жамоа хўжаликларига, кооператив корхоналарга, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юргизиш учун берилади.

3. Ер участкаларидан доимий (кўрсатилмаган муддатда) ёки вақтинча (қисқа муддатли - 3 йилгача, ўзоқ муддатли - 10 йилгача ва ундан юқори) фойдаланиш масаласи туман ҳокимияти томонидан ҳисобга олинади. Бундан ташқари, ердан доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун саноат, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалик - давлат, кооператив, жамоат корхоналарига, муассаса ва ташкилотларга, мамлакат мудофааси учун, диний ташкилотларга, турли қўшма корхоналар ва ташкилотларга берилади.

4. Ерни ижарага бериш масаласи учун алоҳида мавзуда ёритилган. Агар хўжаликда меҳнатнинг фондлар билан қуролланиши мамлакатдагидан кескин фарқ қилса, унда тузатишлар киритилади. Аниқ меъёрни ҳисоблаш учун, хўжаликдаги меҳнат фондлари билан қуролланиш кўрсаткичини, мамлакатдаги худди шу кўрсаткичга бўлиб, умумдавлат меъёрига тузатиш киритиш коэффициенти аниқланади. Ер ресурсларининг (қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг) баҳоси, мамлакатдаги ҳар бир туман ва қишлоқ хўжалиги корхонаси бўйича ер тузилиши институтлари томонидан бажарилган ерни баҳолаш ишлари маълумотлари асосида амалга оширилади. Ҳайдалган ерлар ва кўпйиллик дарахтлар харажатларни қоплаш бўйича, табиий ем-хашак майдонлари эса, уларнинг маҳсулдорлиги бўйича баҳоланади. Асосий майдон тури сифатида ҳайдаладиган ерни баҳолаш учун, харажатларнинг қопланиши курсаткичи қулланилади. Мамлакат бўйича у ўртача 58,30 сўмни ташкил этади. У бир сўмлик харажатга ўсимликчилик ялпи маҳсулотининг кадастр баҳосидаги қийматини тавсифлайди. Кадастр баҳолари меъёрий рентабелликни ҳисобга олган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган ўртача ижтимоий-зарурий харажатлар сифатида илмий тадқиқот муассасалари томонидан аниқланган. Улар сифат жиҳатдан турли бўлган ерларга сарфланган 1 сўм ҳисобига олинган маҳсулотга нисбатан анча таққослама баҳони беради. Шунингдек, ерларнинг сифат жиҳатдан баҳоси, ер солиғи ўчун ҳам асос ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг бюджет тўловларини ихчамлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги Фармони ва Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сонли Қарорига мувофиқ 9 хил солиқни бирлаштириб, ягона ер солиғи учун ҳам асос ҳисобланади.

Ягона ер солиғи тўловчилари Давлат ва божхона божини, лицензия йиғимларини, алкогольли маҳсулотлар учун акциз солиғини ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни белгиланган тартибда тўлайди. Ягона ер солиғининг жорий этилиши қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг солиқ тизимини соддалаштириш, уларни ёрдамчи ишлаб чиқаришларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Чунки бу фаолиятдан олинган даромад солиққа тортилмайди.

Ягона ер солиғи қуйидагиларга тегишли эмас:

1. Ўрмончилик, балиқчилик ва овчилик хўжаликларига.
2. Илмий-тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, экспериментал ва ўқув тажриба хўжаликларига.
3. Мустақил юридик шахс ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ, хўжалик корхоналарига.
4. Деҳқон хўжаликларига.

Ягона ер солиғи туловчилари бўлиб қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Ушбу юридик шахслар бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланшнидан катъи назар, ягона ер солиш тўловчилари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ўз ихтиёрига кўра бюджетга кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқни ёки ягона ер солиғини тўлайди.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ягона ер солиғига тортиш объекти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, уларнинг сифати ва жойлашган жойи бўйича ер баланси, ер хариталари, текширув материаллари ва бошқа ер кадастри хужжатлари бўйича қабул қилинади.

Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган хўжаликлар учун солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади, яъни улар олдингидек барча турдаги солиқларни тўлайди.

Ягона ер солиғининг база ставкалари ва база ставкаларига тузатиш коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ягона ер солиғининг тузатиш коэффициентлари лалмикор (суғорилмайдиган) ерлар, пичанзорлар ва яйловлар ҳамда бошқа ерлар учун алоҳида белгиланади.

Ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган юридик шахслар:

1) Янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар, шу жумладан, фермер хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб икки йил давомида.

2) Қоракўлчилик соҳасидаги ва наслчилик, товар ва бўрдоқчилик хўжаликлари 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб 3 йил муддатга.

3) Даромад (фойда) солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод этилган бошқа қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари.

Қуйидаги ер участкалари ягона ер солиғидан озод қилинади:

1) Қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари.

2) Ихота дарахтлари экилган майдонлар.

3) Спорт иншоотлари майдонлари.

4) Янги ўзлаштирилаётган ерлар, ишлар бошланганда эътиборан лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин 5 йилдан кўп эмас.

5) Янги ташкил этилаётган боғлар ва тоқзорлар мева берадиган муддатгача.

6) Янги экилган тут майдонлари 3 йил муддатга.

7) Андижон дон илмий-текшириш институти филиалларига ажратиб берилган ерлар, 1999 йилдан бошлаб 3 йилга.

8) Амалдаги қонунларга мувофиқ солиқ солинмайдиган ерлар.

Айрим ривожланган мамлакатлар ер ресурслари тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтирамиз: Масалан, **АҚШ**да ерларнинг асосий қисми мустақкам фермерлар қўлида. Америкада параллел ерга мулкчилигининг икки тури мавжуд:

1. Давлат. 2. Хусусий.

Давлат мулки ўз навбатида:

- федерал;

- штатлар ихтиёрида жойлашган мулкларга бўлинади. 1862 йилда икки қонун қабул қилинган:

1. "Фермер акти".

2. "Ижтимоий ерларни сотиш ҳақида акт".

Биринчи қонун ерларни бепул беркитиб берган бўлса, иккинчиси ер участкаларини хусусий мулк қилиб сотилишини қонунлаштиради ва бу пулларни қишлоқ хўжалик таълимини ривожлантиришга йўналтиришни кўзлайди. Шу йили АҚШ қишлоқ хўжалик вазирлиги ташкил топган. Давлат ҳозиргача ҳам йирик ер эгаси ҳисобланади ва 700 млн. акр (1 акр-0,4га) ерга эгалик қилади. 1 акр ҳам давлат ери ғалла ва сут-гўшт маҳсулоти ишлаб чиқаришга ишлов берилмайди. Бу ишлар билан эса, қишлоқ хусусий тадбиркорлари, фермерлар шуғулланади. Фермерлар - ўз ерларининг

хўжайини, ўз хоҳишига кўра сотиш ёки сотиб олишлари мумкин. ихтисослаштириш табиий-иқлим шароитлари бўйича амалга оширилган.

АҚШнинг Калифорния штати - узум, мева сабзавотга, мамлакатнинг ўрта қисми - ғалла ва йирик шохли қорамолларга, жанубий қисми - пахтага ихтисослашган. Ҳозир АҚШда 2,2 млн. фермерлар бўлиб, шулардан 600-700 минги ўртача хўжалик ва умумий фермерларнинг 1/3 қисмини ташкил қилиб, улар 90% товар маҳсулотни беради. Фермерлар олдидаги муаммо - кўп ишлаб чиқармаслик, бозорни тўлдириб ташламаслик ва баҳони жуда пасайтириб маҳсулотни ерга урмаслик.

**Япония.** Ерларнинг асосий қисми майда деҳқонларда. Японияда урушдан кейинги, яъни 1946 йилги ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунга асосан, чегараланган ва йирик помешчик ер эгаллигига йўл қўйилмайди. Ҳозирги вақтда 70% хўжалик 1 га.дан ортиқ ерга эга эмас (шулардан 40%-0,5 га) 1,7% фермерларгина 5 ва ундан кўп гектарга эга, бу асосан, Хоккайдо оролида бўлиб, у ерда захира ерлар кўп ва ер участкалари арзон.

Ҳозир 4,3 млн.дан 15% фақат қишлоқ меҳнатидан даромад олади. Бошқа ҳолларда фермер оиласининг бир аъзоси бошқа соҳада ҳам ишлайди. 1 сотих ердан бир йилда 40 долл.ар солиқ олинади. Бизнесмен Х.Китани 6,7 млрд йен (67 млн доллар)га ер сотган ва 22 млн доллар даромад солиғи тўлаган.

**Германия.** Ерлар фақат хусусий мулк шаклида фойдаланилади. Германияда давлат ихтиёрида фақат ўта ҳарбий объектлар ва баъзи федерал муассасалар жойлашган ер майдонлари қолган. Барча қишлоқ хўжалик ерлари хусусий бўлиб, йирик ер эгалари ва майда фермерларга тегишлидир. Кооперация аграр секторда жуда суст ривожланган. Асосан, сотиш соҳасида кооперация мавжуд. Қандай ҳолат бўлмасин ер дастлабки мулкдор қўлида. Майда ва ўрта ишлаб чиқарувчилар, давлат берадиган дотацияга қарамасдан, синишда давом этаяпти. Мамлакатда қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар саноат ва маиший объектлар қуришга сотиш ҳисобига қисқариб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, бутун мамлакатда ерга хусусий мулкни ўрнатиш учун қандайдир "ўтиш даври" талаб қилинади.

**Италия.** Ерлар асосан, йирик фирмаларга беркитилган. Италияда ерга хусусий мулкчилик тамойили фундаментал асос ҳисобланади. Шулар туфайли ҳозир мамлакатда 3 млн.дан ортиқ аграр хўжалик ва корхона ишлаб турибди. Мулкнинг турли шакллари бўлмаганида эди, индивидуал мулкдан тортиб (3-5 га ери бўлган), ўртача ва катта мулкдорлар ҳам бўлмас эди.

Ҳозирги банклар, суғурта компаниялари, мултимиллий концернлар мулклари мавжуд. Хусусий мулкдан ташқари ерга кооператив мулк ҳам

мавжуд. Вилоят, провинция, коммуна масштабида давлат мулки ҳам мавжуд. Унинг ерлари, жами ернинг 10%ини ташкил қилади. Бу асосан, ўрмон, зоотехник хўжалик, жамоат яйловлари ва бошқалар, Ерни сотиш ва сотиб олишга рухсат берилган, мерос қолдириш мумкин, совға қилиш мумкин. Ер участкалари ва далаларга эгаллик қилишнинг лимити, чегараси йўқ. Индивидуал хўжаликларда техникалардан фойдаланиш йилдан-йилга қимматлашиб бораётгани учун, улар рақобатга чидаш беришолмайди. Лекин улар бу мулкни зўровонлик билан бошқа мулкга айлантиришга йўл қўйишмайди. Улар ўз хоҳишларига кўра консорциумга, акционер жамиятларига бирлашадилар. Италияда ерга мулкчиликнинг икки аспекта кулланилади:

1. Ижтимоий - кўпроқ фуқароларни ер мулкдорига айлантириш.

2. Иқтисодий - майдаланган мулк агросаноати секторининг ривожланиши учун тормоз бўлмаслиги керак.

*3. Дифференциал рента: иқтисодий мазмуни, шакллари ва тақсимланиши. Мутлақ рента.*

Қишлоқ хўжалигида мулкни рўёбга чиқаришнинг иқтисодий шакли, ер эгалари ўзлаштирадиган даромад сифатида юзага чиқадиган ер рентаси ҳисобланади. Рента муносабатлари ерларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун, шунингдек, ноқишлоқ хўжалик зарурияти учун ҳам ижарага берилганда пайдо бўлади. Ер рентасининг дифференциал ва мутлақ шакли мавжуд. Ўз навбатида дифференциал рента ҳам икки шаклга: дифференциал рента I ва дифференциал рента II га бўлинади. Дифференциал рента I нинг ташкил топиши ер ресурсларининг чегараланганлиги, уларнинг сифати жиҳатидан турли-туманлиги, шунингдек, қишлоқ хўжалик айланмасига нафақат яхши ерларни, балки, ўртача ва ёмон ер участкаларини ҳам жалб қилиш зарурияти билан боғланган, ер участкаларининг жойлашган ўринларидаги фарқларга ҳам боғлиқ. Ер эгалари сифат жиҳатидан турлича бўлган ер участкаларига бир хил миқдорда меҳнат ва маблағ сарфлаб, улардан ҳар хил натижа оладилар. Яхши ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ёмон ерда ишлайдиганларга нисбатан, ҳар бир гектаридан кўшимча маҳсулот оладилар. Улар маҳсулот бирлиги ҳисобига оз миқдорда жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлайдилар. Уларга маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш анча арзонга тугади, уларда маҳсулотнинг индивидуал қиймати паст бўлади, натижада маҳсулдорлик бўйича дифференциал рента I га айланадиган кўшимча даромад вужудга келади. Масалан, унумдорлиги бўйича ҳар хил ер участкаларига бир хил миқдорда маблағ сарфланган бўлиб,

улардан олинган ишлаб чиқариш самараси турлича. Биринчи участканинг ижарачиси 20 ц маҳсулот олган, иккинчиси - 24 ц ва учинчиси - 30 ц. Натижада 1 ц маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг индивидуал баҳоси (ишлаб чиқариш харажатлари плюс ўртача фойда) биринчи (ёмон) участкада анча юқори бўлиб, 264 сўмга, иккинчисидан (ўртача) - 220 сўм ва учинчисидан (яхши) - энг паст, 176 сўмга тенг бўлади, ҳар бир участкадаги жами маҳсулот баҳоси эса, бир хил, 5280 сўмдан ( $20 \cdot 264$ ), ( $24 \cdot 220$ ), ( $30 \cdot 176$ ) бўлади. Лекин бозорда уччала участкадан келтирилган маҳсулотлар бир хил баҳода, яъни ёмон ер участкасининг ишлаб чиқариш шароитлари билан аниқланадиган бозор баҳосида (1ц - 264с) сотилади. Унда ўртача ва яхши ер участкасидаги ижарачилар, 1 ц маҳсулотни ишлаб чиқариш индивидуал харажатлари ижтимоий харажатларидан паст бўлганлиги учун мос равишда 44 ва 88 сўмдан ҳар бир центнерга қўшимча фойда оладилар ҳамда уни дифференциал рента I сифатида бутун маҳсулот ҳажми учун ер эгаларига мос равишда 11616 ( $264 \cdot 44$ ) ва 23232 ( $264 \cdot 88$ ) сўмдан тўлайдилар.

Дифференциал рента I, шунингдек, ер участкаларининг бозорга яқин ёки ўзоқ жойлашишига қараб транспорт йўллари ва бошқалар оқибатида ҳам ҳосил бўлади. Бу фарқлар маҳсулот бирлигига тўғри келадиган транспорт ва бошқа харажатларнинг нотекислиги келтириб чиқаради, бу эса, жойлашган жойга қараб дифференциал рента I ташкил топиши учун шароит яратади. Дифференциал рента II ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш жараёнида ер участкаларига қўшимча маблағ сарфлаш ҳисобига олинади. Ер участкасига сарфланган бир хил микдордаги харажатлар турли хил қайтимга (самарадорликка) эга бўлиши мункин. Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ижтимоий баҳоси, анча кам унумли харажатлардан олинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш баҳоси билан аниқланади, анча унумли харажатлар одатдаги ўртача фойда меъёрини ва яна ортиқча фойда - дифференциал рента II ни келтиради. Шундай қилиб, дифференциал рента II, қўшимча маблағ ҳисобига ташкил топадиган, ишлаб чиқарганининг индивидуал ва ижтимоий баҳоси ўртасидаги фарққа тенг. Дифференциал рентанинг иккала турининг ҳам ташкил топиш хусусияти тақсимот муносабатларининг хусусиятига боғлиқ эмас. Рентани ким ўзлаштириши ўзгармай қолади. Рентанинг ташкил топиш шароитидан уни тақсимлаш масаласи ҳам ҳал қилинади. Дифференциал рента I ердан фойдаланувчилардан олинади ва бутун жамият манфаатлари учун фойдаланилади ва қандайдир бир қисмгана ердан фойдаланувчиларнинг ихтиёрида, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида қолдирилади. Дифференциал рента II, тақсимланишида, тупроқ унумдорлигини ўсишининг қанчаси ердан фойдаланувчига боғлиқ бўлса, у рентанинг шу қисмини

ўзлаштириш ҳуқуқига эга. Дифференсал рента II нинг ер унумдорлигини яхшилашда қатнашишига мос келадиган қисми жамиятга келиб тушади.

Жамият ва ердан фойдаланувчилар ўртасида ренталар тақсимланишининг реал шароити баён қилинган тамойилларни ҳисобга олган ҳолда, конкрет шароитлардан келиб чиқиб ҳал қилинади. Лекин ер рентаси билан ижара ҳақини бир нарса дейиш нотўғри бўлади. Ижара ҳақи рента билан бирга, бошқа элементларни ердан қурилган бино ва иншоотларнинг амортизациясини ҳамда бошқаларни ўз ичига олади. Агар ер ижарага берилганда майда ер эгасига бериладиган ижара ҳақига фақат қўшимча маҳсулотнинг ҳаммаси эмас, балки деҳқон ижарачининг зарурий маҳсулотининг бир қисми ҳам киради. Ижара ҳақи - бу ер эгасининг у ёки бу ер участкаларидан оладиган барча даромадидир. Ер рентаси - бу ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўланадиган даромад. Ерга хусусий мулкнинг қонун йўли билан мустақамланиши, шунингдек, ернинг ижарага берилиши мутлақ рентанинг пайдо бўлишига олиб келади. Дифференциал рентадан фарқ қилиб, мутлақ рента алоҳида ер участкаларининг унумдорлигидаги фарқларга ва қўшимча сарф қилинган харажатларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлмайди. Ижарачилар ер учун ижара ҳақини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоси унга ўртача фойдадан ортиқча даромад келтириш шarti бажарилгандагина, ўртача фойда учун зарарсиз қилиб тўлайдилар. Бундан кўринадики, ерга хусусий мулкчилик оқибатида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоси, ёмон ернинг ишлаб чиқариш шароити билан аниқланадиган ишлаб чиқариш баҳосидан юқори бўлади. Ёмон ер участкасини ижарага олган ижарачилар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш баҳосидан ошадиган баҳода сотиб, ер эгалари мутлақ рента шаклида ўзлаштирадиган, ўртача фойдадан юқори даромад оладилар. Шундай қилиб, барча ижарачига берилган ер участкалари ер эгаларига мутлақ рента келтиради.

Ер эгалари ижара ҳақи шаклидаги мутлақ рентани фақат қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган ер учун эмас, балки бино ва иншоотлари қуришга учун мўлжалланган ер участкаси, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олиш мақсадида ижарага берилган ер учун ҳам оладилар. Қурилиш участкалари учун тўланадиган мутлақ рентанинг хусусияти шундан иборатки, унинг миқдорида, жойлашган ўрнига қараб тўланадиган дифференциал рента катта таъсир кўрсатади.

#### ***4. Ерни итисодий баҳолаш ва ер кадастри***

Қишлоқ хўжалигида рента муносабатларини тартибга солишнинг зарурий шарти - ерни иқтисодий баҳолашнинг мавжудлигидир. Бу бир томондан, хўжалик юритишнинг объектив шароитларида дифференциал рентани тақсимлашга таъсирини анча асосли чегаралаш, бошқа томондан ердан фойдаланувчилар ишларининг сифатини яхшилаш имконини беради. Ерни иқтисодий (пулда) баҳолаш унинг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатида таққослама қийматини акс эттиради. Унинг асосида табиий ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шароитларида келиб чиқадиган ернинг сифати (иқтисодий унумдорлиги)даги фарқлар етади. Ерни иқтисодий баҳолаш икки аспектда амалга оширилади.

1.Ишлаб чиқариш воситаси сифатида ерни умумий иқтисодий баҳолаш.

2.Алоҳида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш самарадорлиги бўйича қисман баҳолаш.

1987 йилда мамлакат ҳукумати томонидан тасдиқланган "Ерларни баҳолашни ўтказиш тартиби ҳақидаги кўрсатмага" асосан, ҳайдаладиган ерларни, кўпйиллик дарахтларни, пичанзорларни, яйловларни ва бутун қишлоқ хўжалигига яроқи ерларни умумий иқтисодий баҳолаш, шунингдек, алоҳида экинлар ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича ҳайдаладиган ерларни баҳолаш (қисман баҳолаш), уларнинг бонитировкаси асосида ажратилган, тупроқнинг агро ишлаб чиқариш гуруҳлари бўйича ўтказилади. Ерни баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар қилиб қуйидагилар олинади:

1.Асосий қишлоқ хўжалик экинларининг 1 га.дан олинган ҳосилдорлик ц/га.

2.Кадастр баҳоларида 1 гектарга тўғри келган ўсимликчилик ялпи маҳсулоти асосида ҳисобланган экин турлари бўйича ернинг унумдорлиги, сўм.

3.Харажатларнинг қопланиши (кадастр баҳоларида ялпи маҳсулот қийматининг уни ишлаб чиқариш харажатларига нисбати), сўм .

4. Бир га.дан олинган дифференциал соф даромад (ДСД) (нисбатан яхши ерлардан олинган ортиқча қўшимча маҳсулотнинг қийматини акс эттирадиган; соф даромаднинг бир қисми), сўм.

Дифференциал рента I ва II ларни ўз ичига олувчи ДСД, бир вақтнинг ўзида ернинг сифати ва деҳқончиликни интенсивлаштириш даромадни ҳисобга олган ҳолда, ердан фойдаланиш иқтисодий самарасининг умумий миқдорини акс эттиради. ДСД ялпи маҳсулот қийматини баҳолаш кўрсаткичлари ва харажатларининг қопланиши асосида қуйидагича аниқланади:

ХК

$$д = \frac{\text{ХК}}{\text{ХК}-1,35} \text{ДСД} = \text{ЯМК} \cdot \text{Д}$$

Д - ялпи маҳсулот қийматида ДСД нинг ҳиссаси; ХК - қишлоқ хўжалиги харажатларнинг қопланиши даражаси, сўм; 1,35 - харажатлар қопланишининг дастлабки даражаси.

Харажатларни қоплаш даражаси 1,35дан юқори бўлганда, ДСД ҳам мос равишда ижобий миқдор бўлади. У харажатларни қоплаш ва ялпи маҳсулотлар қиймати бўйича ерни баҳолашнинг қўшимча ўсишига нисбатан пропорционал ўсади. Харажатларни қоплаш 1,35 дан кам бўлганда, ДСД салбий миқдорга айланади. Ердан оқилона фойдаланиш ва унинг унумдорлигини тўхтовсиз ошириш ерларни ягона давлат ер кадастри асосида ҳар томонлама миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олишни ташкил қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Давлат ер кадастри деганда, шундай тизимни тушуниш керакки, бу тизимга қуйидагилар киради:

1. Ер шнурли китоби киради, яъни ер тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар ва маълумотлар.
2. Ернинг миқдори ва сифати бўйича ҳисоб-китоби.
3. Ер бонитировкаси.
4. Ернинг иқтисодий баҳоси

Тупроқ бонитети - тупроқнинг сифати, унинг маҳсулдорлигининг кўрсаткичи. Тупроқ бонитировкасининг бош асоси бўлиб, унинг табиий белгилари ва тупроқнинг табиий унумли қобилятини объектив – ишончли кўрсаткичи сифатидаги хусусияти хизмат қилади. Бонитировкада энг аввало, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги билан мустаҳкам боғланадиган, тупроқнинг ўзида мужассамланган барча хоссалар ҳисобга олинади ва шу асосда тупроқнинг бонитет балли, уларнинг таққослама қиймати, асллилиги ўрнатилади. Фақат икки томонлама назорат (тупроқнинг ўз хоссаси ва ҳосилдорлик учёти) асосидагина тупроқнинг бонитет балли аниқланади.

### ***5. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги***

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ўз навбатида сув ресурсларидан ҳам оқилона фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки ўсимлик дунёсини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни иссиқ ўлка ҳисобланган бизнинг республикамизда яққол кўриш мумкин. Шунинг учун сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш қонун билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунида сувнинг давлат мулки эканлиги, умумий бойлик ҳисобланиши, сувдан оқилона фойдаланиш лозимлиги ва у давлат

томонидан кўриқланиши таъкидлаб ўтилган. Яна шу қонунда республиканинг ягона давлат сув фонди: дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳов ўзларнинг сувларидан, ер ости сувлари ва музликлардан иборатлиги кўрсатиб ўтилган. Мамлакатимизга қардош Қирғиситон ва Тожикистон республикаларидан Сирдарё, Амударё ва Зарафшон каби дарёлар оқиб келади. Улардан Орол денгизи ва Ҳайдаркўл каби кўл сувларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади.

Шундай қилиб, сувнинг аҳамиятини ва уни тежаш кераклигини қуйидаги маълумотлар билан тасдиқлаш мумкин. Агарда тупроқ таркибидаги намлик 65-80 фоиз бўлса, ердан ҳосил олиш мумкинлигини илмий тадқиқотлар натижасида маълум. Масалан, 1 ц ғалла (буғдой, рож, арпа, тарик)ни олиш учун 30-40 тонна, картошка учун -18-20 тонна, шоли учун -135-140 тонна ва пахта учун -800-1000 тонна сув зарурдир. Сув ўсимлик учун фотосинтез вазифасини ўтайди.

### Қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш сони ва меъёрлари

№	Экин тури	Суғориш сони	Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> / га	Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га
1.	Ғўза	5-7	800-1200	5000-8000
2.	Кузгибуғдой	4-5	700-800	3000-4000
3.	Маккажўхори	7-8	700-800	5000-6500
4.	Беда	10-12	1000-1200	10000-12000
5.	Қанд лавлаги	6-8	500-600	3000-4000
6.	Тамаки	7-8	750-850	5000-6500
7.	Помидор	15-16	600-700	9000-10000
8.	Картошка (эртанги)	7-8	400-500	3000-4000
9.	Пиёз	18-20	500-600	9000-12000
10.	Сабзи	8-12	500-550	5000-6000
11.	Чучук қалампир	14-15	600-700	9000-10000
12.	Бақлажон	15-16	600-700	9000-10000
13.	Оқбош қарам	14-15	600-700	9000-10500
14.	Бодринг	12-14	500-550	6000-7500
15.	Саримсоқ	7-10	500-600	4000-6000
16.	Қовун	5-6	600-700	3000-4000
17.	Тарвуз	5-6	600-650	3000-3900
18.	Қовоқ	6-7	650-750	4550-6000
19.	Кунгабоқар	3	600-800	1800-2400
20.	Шоли	-	-	3000 гача

Ушбу жадвалда қишлоқ хўжалик экинларининг ўртача суғориш сони ва меъёрлари кўрсатилган. Белгиланган сув ресурсларини нобуд этган корхоналар жарима тўлайдилар.

Юқорида қайд этилган қонуннинг 47- “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш” моддасида қуйидагилар кўзда тутилган:

“Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш ишлари жамоат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ҳамда деҳқон хўжаликларининг суғориладиган ерларида қулай сув режимини вужудга келтириш мақсадида амалга оширилади. Сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш сувдан меъёридаар бўйича фойдаланишнинг белгиланган йўсинига риоя этган ҳолда, сувдан умумий фойдаланиш тартибида ҳам, махсус фойдаланиш тартибида ҳам амалга оширилади.

Сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасини суғориш, сув чиқариш, зах қочириш тармоқларидан фойдаланувчи органлар белгиланган тартибда расмийлаштирадидилар».

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни режалаштириш моддасида, суғориш, сув чиқариш ва суғориш - сув чиқариш тармоқларидаги, магистрал каналлардаги, сув омборларидаги ва бошқа сув хўжалиги объектларидаги сувлардан фойдаланиш ишлари сувдан фойдаланишнинг ички хўжалик ва умумий тизими режаларига асосан, йиллик амалдаги сув билан таъминланганлик ҳисобга олинган ҳолда, амалга оширилиши, икки томонлама ишловчи зах қочириш тармоқларида сувдан фойдаланиш мелиорация қилинган ерлардаги сув режимини тартибга солиш ички хўжалик ва умумий тизими режалари асосида амалга оширилиши, сувдан фойдаланувчи жамоа хўжаликлари, бошқа корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасалар томонидан тузилган хўжалик ички сувдан фойдаланиш режалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув объектларидан фойдаланиш бошқармалари билан мувофиқлаштирилиб, туманларнинг ҳокимият органлари томонидан тасдиқланиши лозимлиги таъкидланган. Яна, сувдан фойдаланиш умумий тизими режалардаш:

- туман аҳмиятидаги тизимлар бўйича - туманларнинг ҳокимият органлари;

- вилоят, республика аҳмиятига эга тизимлар бўйича -тегишли равишда вилоят, республика қишлоқ ва сув хўжалиги органлари тасдиқлашлари баён этилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги суғориладиган ва лалмикор деҳқончиликка бўлинади. Суғориладиган зоналарда юқорида айтилганидек, сув

манбаларидан келадиган сувлардан фойдаланилган ҳолатда деҳқончилик амалга оширилади.

Суғориладиган ерларда сувдан фойдаланишни ўзига хос хусусиятлари бўлиб, улар қонунда қуйидагича белгилаб қўйилган:

«Суғорилган ерларда каналлар, мураккаб муҳандислик иншоотлари, мелиорация шаҳобчалари барпо этилганлиги ана шундай ерларнинг ўзига хос хусусиятидир. Ердан фойдаланиш мулкчилигининг қайси шаклига асосланганлигидан қатъи назар, сув фонди ерларидан, суғориладиган ерлар доирасидаги хўжаликлараро каналлар ва иншоотлардан, ер ости суви чиқаргичлари ягона сув хўжалиги тизими сифатида фойдаланилади ва улар давлат мулки ҳисобланиб, уларни хусусийлаштириш мумкин эмас. Дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг соҳилбўйи минтақалари, ер ости суви чиқаргичлари санитария муҳофаза теғраларининг I ва II пояслари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Суғориладиган деҳқончилик эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш сувларидан лимит бўйича фойдаланишнинг белгиланган тартибига риоя этган ҳолда, амалга оширилади.

Сув олиш ва унинг ҳисоб-китобини қилиш рўхатдан ўтказилган сув манбаларидан (хўжалик каналларининг бош иншоотларидан, қудуқлардан, насос станциялари ва бошқа сув олиш иншоотларидан) сув ажратиш жойларида туман сув хўжалиги органи билан тузилган шартномага биноан амалга оширилади.

Сув манбалари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларидан фойдаланувчи қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ер солиғидан озод қилинадилар».

Лалмикор деҳқончиликда эса, экинлар учун керак бўлган намлик йил давомида ёғадиган ёғин миқдорига боғлиқ. Баъзи муаллифларнинг ҳисоблашларича, йил давомида ёғадиган ёғинлар миқдори ўртача 500 мм. (зоналар бўйича 300-720 мм.)ни ташкил этиб, уларнинг 2/3 га яқини (300 мм.) буғланиб кетади. Қолган 1/3 га яқини эса, тупроқ орқали ўсимликка ўтади.

Юқорида қайд этилганидек, мамлакатимизда сув захираси жуда кам. Андижон қишлоқ хўжалиги институти олимларининг ёзишича, бир даврларда Амударёнинг сув ўтказиш қобилияти 41 куб километрга, Сирдарёники эса, 27,5 куб километрга тенг эди. Ҳозирги пайтда ҳар иккала дарёнинг суви кескин камайган ва мамлакатда 58 куб километр миқдорида сув захираси бўлиб, бу мавжуд айланмадаги қишлоқ хўжалик ерларининг 16-

17 фоизини суғоришга етиши ҳисоблаб чиқилган. Ер ости сувларидан фойдаланиш эвазига сув миқдори 60 куб км.ни ташкил этиши ҳисобланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан қилинган ҳисоб-китобларга кўра, 1 куб км чучук сувдан 113 минг тонна пахта, 116 минг тонна нолиз ва сабзавот, 41 минг тонна мева ва узум, 7 минг тонна сут, 400 тонна пилла олишда фойдаланиш мумкин.

Сувдан фойдаланишда, энг аввало, сувга бўлган талабни аниқлаш муҳимдир. Бунинг учун ҳар бир экин тури бўйича йил мобайнида 1 гектар ерга қанча сув зарурлиги аниқланиб, уни умумий экин майдонига кўпайтириш йўли билан топилади.

Сувдан фойдланишнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги курсаткичлар ёрдамида аниқланади: 1 сўмлик харажатлар ҳисобига олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, меҳнат унумдорлигининг, соф даромад (фонда) нинг ўсиши ва шунингдек, 1 куб метр фойдаланилган сув ҳисобига олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, меҳнат унумдорлигининг ва соф даромад (фойда)нинг ўсиши ҳисобланади. Сувдан ўсимликнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, режали ва меъёрда фойдаланиш ер ресурсларидан фойдаланишнинг ва бир бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишга олиб келади.

Шунинг учун мамлакатимизда сувдан тежаб ва унумли фойдаланишда ундан фойдаланувчилар олдида катта вазифалар қўйилган. Бу ўз навбатида юқорида қайд этилган қонуннинг 50-моддасида, яъни «Сув объектларидан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланувчиларнинг вазифалари» моддасида ўз аксини топган:

«Сувдан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланувчилар: сувдан фойдаланишнинг белгиланган лимитлари, режалари, қоидалари, меъёрлари ва режимларига риоя этишлари, тик дренажни инобатга олган ҳолда, фойдаланишнинг барча турлари учун ишлатилаётган сувни ҳисобга олиб боришлари;

- ички хўжалик суғориш, сув чиқариш ва коллектор-дренаж тармоғи ҳамда ундаги иншоотларни ва сув чиқариш қудуқларини техника жиҳатидан ишга яроқли ҳолда, сақлашлари;

- мелиорация қилинган ерларни комплекс реконструкция қилишлари ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда ўсимликларни суғориш, шунингдек, яйвларга сув чиқаришнинг мақбул режимини сақлашлари;

- сувни тежайдиган технологиялар ва илғор техникани жорий этиш орқали суғоришнинг услуб ҳамда усуллари такомиллаштиришлари;

- кишлок, хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланадиган сув мониторинги асосида салбий жараёнларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этишлари;

- белгилаб олинган аниқ мақсадларга мувофиқ фойдаланилаётган сувларнинг самарадорлигини оширишлари шарт.

Хўжаликлараро мелиорация тармоқларини ишга яроқли ҳолда, сақлаб туриш учун сувдан фойдаланувчилар қонунларда белгиланган тартибда ирригация-мелиорация ишларини бажаришга жалб этиладилар».

## ***6. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг омиллари ва кўрсаткичлари. Ер мониторинги***

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликларга беркитилган ер ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги сифатида ҳам, қишлоқ хўжалигига яроқли ер ва унинг алоҳида турлари бўйича фойдаланишнинг самарадорлиги сифатида ҳам тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизими орқали ифодаланиши мумкин. Кўрсаткичларнинг бир қисми турли хил ер ресурслари майдонлари ҳажмининг миқдорий ўзгаришларини тавсифлайди ва маълум даражада улардан фойдаланишнинг экстенсив хусусиятини акс эттиради, бошқа қисми ердан фойдаланишнинг интенсив даражасини тавсифлайди, яъни 1 гектар майдон ҳисобига тўғри келган у ёки бу ишлаб чиқариш самарасини акс эттиради.

Биринчи гуруҳкўрсаткичларга, ер ресурсларини қишлоқ хўжалиги айланмасига жалб қилиш даражасини акс эттирувчи, ер ресурсларидан, қишлоқ хўжалигига яроқли ва ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш коэффициентлари киради.

*Ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти (ЕРФК)* Қишлоқ хўжалигига яроқи ерларни хўжаликка беркитилган жами ер майдонига нисбати билан ифодаланади:

$$\text{ЕРФК} = \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{ЖЕМ}}.$$

*Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш коэффициенти (К/ХЯЕФК)* Ҳайдаладиган ерларни (ХЕ) қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга (К/ХЯЕ) нисбати билан ифодаланади:

$$\text{К/ХЯЕФК} = \frac{\text{ХЕ}}{\text{К/ХЯЕ}}.$$

Ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш коэффициенти (ҲЕФК) Жами экин майдони(ЖЭМ) ҳайдаладиган ерларга (ҲЕ) нисбати билан ифодаланади:

ЖЭМ

ҲЕФК= -----

ҲЕ

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари **ер қайтими ва ер сиғимидир**. Ер қайтими 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келадиган соф маҳсулотни қанча гектар ердан олинганлигини ифодалайди:

СМ

Қ /ХЯЕ

ЕК=-----; ЕС = -----.

Қ/ХЯЕ

ЯМ ;ТМ

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг кўшимча кўрсаткичлари ана шу ерлардан олинган натура ва қиймат шаклидаги ялпи ҳамда товар маҳсулотлари ҳисобланади. Ер қиймати ва ер сиғимининг натурал кўрсаткичлари алоҳида олинган хўжаликларда ёки бир хил табиий ҳамда иқтисодий шароитларда жойлашган ва бир хил ихтисослашган хўжаликларда алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда фойдаланилади. Ер қиймати ва ер сиғимининг натурал кўрсаткичлари 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ер ҳисобига тўғри келган қишлоқ хўжалиги ялпи ҳамда товар маҳсулотини тафсифлайди ва аксинча:

ЯМ;ТМ

Қ/ХЯЕ

ЕК =-----; ЕС = -----.

Қ/ХЯЕ

ЯМ;ТМ

Бунда ҳар бир тур қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш учун керак бўлган қишлоқ хўжалигига яроқли ерга мос келади. Ер қийматининг натурал кўрсаткичларига қуйдагилар киради:

1 га ердан олинган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги; 100 га ҳайдалган ер ҳисобига тўғри келган центнер: ғалла, пахта, картошка, сабзавот ва бошқалар.

100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга ёки озуқа элинлари майдони ҳисобига озуқа ишлаб чиқариш, озуқа бирлиги.

100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ҳисобига ишлаб чиқариш, центнер сут, гўшт (турли хил), жун, тухум, ғалла, пахта ва бошқалар.

Деҳқончилик, чорвачилик ёки бутун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, шунингдек бошқа турли ихтисослашган хўжаликларни таққослашда, ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш учун ялпи товар маҳсулоти қийматини, шунингдек, фойдани қишлоқ хўжалигига яроқли ерни бўлиб ҳисоблайдиган, ер қиймати ҳамда ер сиғимининг кўшимча қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади:

$$E\text{Қ} = \frac{\text{ЯМК; ТМКФ;}}{\text{Қ/ХЯЕ}}; \quad E\text{С} = \frac{\text{Қ/ХЯЕ}}{\text{ЯМК; ТМК; Ф}}$$

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайдиган кўрсаткичлар деҳқончилик, чорвачилик алоҳида маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг, шунингдек тармоқлар ва бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги ҳам киради.

Таққосланадиган хўжаликларда ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолашда қишлоқ хўжалигига яроқли ер турлари (хайдаладиган ер, пичанзор, яйлов) ўртасидаги, яъни тупроқ унумдорлиги ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун ерни иқтисодий баҳолаш балларидан фойдаланилади. Таққослама (кадастр) ер майдонидан олинган у ёки бу ёки ҳосилдорликни аниқлаш учун ҳақиқий кўрсаткични 100 га кўпайтириб ва ер баҳоси балига бўлиш керак. Масалан, 1 га ердан пахта ҳосилдорлиги 25 центнер бўлиб, шу ернинг иқтисодий баҳосининг бали 90 га тенг бўлса, у холда, 1 гектар кадастр майдонидан олинган ҳосилдорлик 27,7 (25x 100:90=27,7) центнерни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг зарурий шарти, ҳозирги пайтда айтиб бериш керак бўлган, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш ҳисобланади. Чунки ҳозирги вақтда республикада ҳам, вилоятда ҳам асосан равишда қишлоқ хўжалигидаги унумли ерлар айланмадан чиқарилиб, саноат ва қурилишга, алоҳида уй-жой қуриш учун бериб юборилмоқда. Тупроқ эрозияси, ердан хўжасизларча фойдаланиш ва бошқа омиллар ҳам ердан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш, ерга нисбатан давлат мулки монополиясини ва марказлаштиришни бекор қилиш, ер муносабатларининг бозор иқтисодиёти тизимига фаол кириб боришини тақозо этади.

Ер ресурсларидан юқори, самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш таъсири остида бўлади. Бу омиллар ерга бўлган мулкчилик ва зоналараро илмий асосланган деҳқончилик тизимидир.

Биринчи гуруҳ омиллар, бу ерга бўлган мулкчиликдир, унинг шакллари юқорида, 2-бобда таъкидланганидек, қуйидагилардан келиб чиқади:

1. Ерга бўлган хусусий мулк.
2. Ерга умрбод мерос тарзида эгалик қилиш.
3. Ердан фойдаланиш.
4. Ерни ижарага бериш.
5. Ер учун тўлов.

Бу шакллардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ўсимликчилик тармоқлари иқтисоди мавзуларида кенгроқ ёритилади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг умумлаштирувчи иккинчи гуруҳ омиллари илмий асосланган деҳқончилик тизими бўлиб, у тупроқ унумдорлигини тиклайдиган, сақлайдиган ва оширадиган, деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг қулай шароит яратишга йўналтирилган, комплекс ўзаро алоқадор агротехник, мелиоратив ва ташкилий-иқтисодий тадбирларни ифодалайди.

Республикамизда ишлаб чиқилган илмий асосланган деҳқончилик тизими экин майдонларидан интенсив фойдаланишга йўналтирилган қуйидаги катта комплекс тадбирларини ўз ичига олади:

1. Тупроқнинг иқтисодий умумдорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган мелиоратив тадбирлар тизими (суғориш:, захни қочириш, кимёвий мелиорация ва бошқалар).

2. Тупроқни ишлашнинг илмий асосланган тизими (Акад. Муҳаммадҷонов тавсияси).

3. Алмашлаб экиш тизими.

4. Ўғитлаш тизими.

5. Уруғчилик.

6. Бегона ўтлар ва қишлоқ хўжалик экинлари касалликлари билан курашувчи тадбирлар тизими.

7. Сув ва шамол эрозиясига қарши кураш тадбирлари тизими.

8. Далаларни ҳимоя қилувчи ўрмонзорлар барпо этиш.

Ер ресурсларини муҳофаза этиш ва фойдаланишни назорат қилишни амалга ошириш ишида муҳим ролни мониторинг ўйнайди. Ер мониторинги,

ердан фойдаланишда салбий (негатив) жараён оқибатларини бартараф этиш ва огоҳлантириш, ер ресурсларидаги ўзгаришларни аниқлаш, уларни баҳолаш учун ер ресурслари ҳолатини кузатиш тизимини ифодалайди. Мониторингнинг вазифаси, шунингдек, давлат томонидан ерларни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни назорат қилишни, ҳамма давлат, кооператив ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар, шунингдек, фуқароларни, ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва самарали фойдаланиш мақсадида ер қонунчилиги талабларига қатъий риоя қилишни таъминлашни амалга оширишдан иборат.

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топшириқнинг мазмуни**

1. Умумий ер майдони ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркиби аниқлансин.
2. Экин майдонлари таркиби аниқлансин.
3. Ем-хашак экинлари таркиби аниқлансин.

*3-жадвал*

### **Қишлоқ хўжалигига яроқли экин майдонлари таркиби**

	Жами майдон, га	Фоишларда	
		Ҳамма ер майдонига нисбатан	Шу жумладан: қишлоқ хўжалигига яроқли ерга нисбатан
Умумий ер майдони Шу жумладан: Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар Шундан: Ҳайдаладиган ерлар Пичанзорлар Яйловлар			

Ўрмон ерлари Сув ҳавзалари Суғориладиган ерлар			
--	--	--	--

4-жадвал

### Қишлоқ жўжалиги экинлари майдони таркиби

	Экин майдони, га	Салмоғи %
1. Ғалла ва ғаллабоп кузги ва баҳорги жами 2. Жами: техника экинлари, ш.ж пахта 3. Жами: картошка, сабзовот, полиз 4. Жами: ем-хашак экинлари Жами:		

5-жадвал

### Ем-хашак экинлари таркиби

Майдонлар тури	Ем-хашак экин майдони, га	Салмоғи
Ғаллали экинлар Озуқали илдизмевалилар ва озуқа учун полиз экинлари Кўп йиллик ўтлар Бир йиллик ўтлар Силос учун маккажўхори Силос экинлари (маккасиз) Табиий пичанзорлар Яйлов пичанзорлари Яшилланган пичанзорлар ва яйлов пичанзорлари, бошқа экинлар Жами:		

**ТОПШИРИҚ**

### Топшириқнинг мазмуни

4.Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги аниқлансин.

5.100 га қишлоқ хўжалигага яроқли ва ҳайдаладиган ер ҳисобига тўғри келган аоосий тур маҳсулотлари ва ялпи маҳсулот аниқлансин.

*6-жадвал*

### Қишлоқ хўжалик экинлари ва дарахтлар ҳосилдорлиги

Экин тури	Ҳосилдорлик, ц
1.Кузги ғалла	
2.Баҳорги ғалла (маккажўхорисиз)	
3.Пахта	
4.Тамаки	
5.Очиқ усулдаги сабзаёт	
6.Полиз	
7.Мева	
8. Узум	
9. Полиз ва илдизмевали ем-хашаклар	
10. Кўп йиллик ўтлар	
11. Бир йиллик ўтлар	
12. Силос учун макка, яшил ўт	
13.Силос экинлари (маккажўхорисиз)	
14. Табиий пичанзор ва пичан учун яйловлар	
15. Пичан, сенаж учун яқунланган пичанзор яйловлар	

*7-жадвал*

## Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш (100 га ерга)

	Ишлаб чиқарилган хаммаси	Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар	Хайдаладиган ерга
1. Пахта, ц 2. Сут, ц 3. Турли хилдаги гўшт, ц 4. Ўсимликчилик                      ялпи маҳсулоти қиймати, сўм 5. Чорвачилик                      ялпи                      маҳ- сулоти қиймати, сўм 6. Ўсимликчилик                      ва                      чор- вачилик 7. Ялпи маҳсулот жами, сўм			

### Саволлар

1. Қишлоқ хўжалигида ернинг асосий воситаси сифатида хусусиятлари қандай?
2. Республика ер фонди, унинг таркибий қисмлари қандай?
3. Ерларнинг иқтисодий баҳоси нима?
4. Тупроқ унумдорлигининг турлари ва уни ошириш йўллари қандай?
5. Давлат ер кадастрининг зарурияти ва тузилиши?
6. Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?

## 12-БОБ. Қишлоқ хўжалик моддий-техника ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш

*“Қишлоқ хўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган даражада бўлиши керак”.*

**И.Каримов**

### *1. Асосий воситалар: мулк шакллари, классификацияси, баҳоси ва такрор ишлаб чиқариш*

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ҳозирги босқичида мавжуд ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини оширишда моддий-техника базасини кенгайтириш, қайта ташкил этиш ва реконструкция қилиш бирламчи аҳмиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигини моддий-техника базаси деганда, қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган барча меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндиси тушунилади. Унинг таркибига ер ресурслари, ишлаб чиқариш иморатлари, иншоотлари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозлари, транспорт воситалари, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлари, кўпйиллик дарахтлар, сув ресурслари, уруғлик, чорва озуқалари, нефть маҳсулотлари, ўғит, кимё воситалари ва бошқалар кирди.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан бир қаторда хусусиятлари билан фарқ қилади.

**Биринчидан**, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасида ер асосий рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши бевосита ердан қай даражада фойдаланишга боғлиқ. Ерининг унумдорлиги ҳар хил бўлиб, маҳсулот бирлиги учун ҳар хил миқдорда харажат сарфланади. Бу эса, ҳар хил унумдорликка эга бўлган ерларда бир хил миқдорда асосий ва айланма воситаларга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради.

**Иккинчидан**, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси ҳар доим табиий шароитлар таъсирида бўлади. Қишлоқ хўжалиги ҳудудий хусусиятга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради. Қишлоқ хўжалиги ҳудудий хусусиятга эга бўлиб, ҳар бир ҳудудда тупроқ - иқлим шароитлари ҳар хил

бўлиши туфайли ҳар хил тизимдаги машиналардан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун ҳудудларда ва ҳудудлар ичидаги хўжаликларда моддий-техника базасининг таркиби ҳам ҳар хил бўлади.

**Учинчидан**, қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш вақти бир бирига мос келмаслиги туфайли, ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга бўлиб, бу моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир этади. Ишлаб чиқариш мавсумий бўлиши захира уруғлик, озуқа, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқаларга эга бўлиш заруриятини келтириб чиқаради.

**Тўртинчидан**, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг бир қисми жонли организм (ишчи ҳайвонлар, маҳсулдор моллар, паррандалар, кўпйиллик дарахтлар ва хоказо)лардан иборат бўлиб, улардан самарали фойдаланиш учун маълум ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмоқлик керак.

**Бешинчидан**, қишлоқ хўжалиги тараққий этган транспорт хизмати, сифатли йўл қурилишини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва сақлаш кўп миқдорда сарфлар қилишни тақозо қилади.

Шунингдек, ҳар қандай ишлаб чиқариш каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ҳам ишлаб чиқариш воситаларининг меъёрий ҳажмда мавжуд бўлишини тақозо этади.

Иқтисодий назария фанидан маълумки, меҳнат предмети билан меҳнат куроллари биргаликда ишлаб чиқариш воситаларини ташкил қилади.

Меҳнат предметларига таъсир кўрсатиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда одамлар томонидан фойдаланиладиган ҳамма буюмлар меҳнат воситалари (куроллари) дейилади. Одам меҳнати ишлаб чиқаришнинг қайси моддий элементларига қаратилган бўлса, ўша моддий элемент меҳнат предмети деб аталади. Жамоа, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлган мана шу ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш фондлари шаклида намоён бўлади, буларнинг таркибига пулда баҳоланмаган, яъни корхонанинг баланси фаолида кўрсатилмаган табиий ишлаб чиқариш воситалари кирмайди. Масалан, ер ва сув тўлиқ баҳоланмайди, қуёш иссиқлиги, шамол ва бошқалар мутлақ баҳоланмайди. Ишлаб чиқариш фондлари қишлоқ хўжалигида алоҳида иқтисодий категория шаклида фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш фондлари республикамиз миллий даромадининг асосий қисмини ташкил қилади. Ҳозирги пайтда АСМда фойдаланилаётган ишлаб чиқариш фондлари жами халқ хўжалиги фондларининг 35-40% ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш фондлари жамоа меҳнатининг жамғарилиши бир йўла тўла

айланиш, яъни уларни пул шаклидан моддийлашган буюм шаклига, моддийлашган буюм шаклидан товар шаклига, товар шаклидан пул шаклига айланиш даврида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий аҳамиятига, қўлланиш усулларига ва хизмат қилиш муддатига қараб асосий ва айланма фондларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари деб, ишлаб чиқариш жараёнида бир неча бор иштирок этиб, ўзининг ташқи кўринишини ўзгартирмайдиган, қийматини маҳсулот таннархига аста-секинлик билан ўтказиб борувчи воситаларга айтилади. Буларга ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, машина ва асбоблар, транспорт воситалари, хўжалик ва ишлаб чиқариш инвентарлари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўпйиллик дарахтлар ва бошқа, яъни бир йилдан ортиқ ишлатиладиган воситалар киради.

Ҳозирга вақтда амалдаги классификацияга мувофиқ хўжаликлардаги асосий ишлаб чиқариш фондлари ўзининг моддий (натурал) хусусиятига ва ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган хизматига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади;

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий ишлаб чиқариш фондлари (иморат, иншоотлар, узатувчи мосламалар, машина ва қуроллар, маҳсулдор ҳайвонлар, кўпйиллик дарахтлар ва бошқалар)

2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ишлаб чиқариш фондлари (саноат ишлаб чиқариш воситалари, қурилиш воситалари, савдо ва умумий овқатланиш воситалари ва бошқалар) 2000 йил ҳисоботи бўйича Самарқанд вилояти Қишлоқ ва сув хўжалигига қарашли хўжаликларда ишлаб чиқариш асосий фондлари (1- ва 2- бандларда) йил бошига 5473761 минг сўмни, йил охирига 7397133 минг сўмни ташкил этган ёки 35,1% га кўпайган.

3. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган асосий фондлар (уй- жойлар, клуб, болалар боғчаси, мактаблар ва уларнинг ускуна -инвентарлари) 2004 йил ҳисоботи бўйича Самарқанд вилояти Қишлоқ ва сув хўжалигига қарашли хўжаликларда йил бошига 1380137 минг сўмни, йил охирига 1738052 минг сўмни ташкил этган ёки 25,9% га кўпайган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасининг анчагина салмоғи иморат, иншоотлар 60%дан кўпроқ, куч ва иш машиналари, транспорт воситалари ҳамда мосламалари 17% атрофида, иш ва маҳсулдор ҳайвонлар 10% ташкил этади. Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалигига қарашли хўжаликларда 2004 йилда асосий ишлаб чиқариш фондлари (дастлабки қиймат йил бошига) 6853898 минг сўмни ва йил охирига 9135185 минг сўмни ташкил этди. Қолдиқ қиймат эса, йил бошига 5997120 минг сўмни ва йил охирига 8097907 минг сўмни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий фондлар натура ва пул ҳолида ҳисобга олинади ва режалаштирилади.

Натура кўрсаткичлари асосий фондларнинг миқдори ва сифати, шунингдек, хўжаликнинг ишлаб чиқариш қуввати тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Асосий ишлаб чиқариш фондларини пул билан баҳолашда унинг дастлабки қийматига хўжаликка етказиб бериш харажатлари қўшиб ҳисобланади. Сотиб олиш қиймати ва хўжаликка олиб келиш қиймати биргаликда асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки баланс қийматини ташкил этади. Ёш молларни катта ёшдаги маҳсулдор ёки иш хайвонларига ўтказишда уларнинг парвариш қилишдаги таннархи билан баҳоланади.

Асосий фондларнинг қуйидаги пул шакллари мавжуд:

1. *Бошланғич қиймат* - асосий фондларни ташкил этишдаги ҳақиқий сарфланган харажатлар.

2. *Тикланиш қиймати* - асосий фондларни сотиб олиш учун сарфланган харажатлар.

3. *Қолдиқ қиймат* - асосий фондлар қийматидан эскирган фондлар қисмини чиқариб ташлашдан қолган қисмидир.

$$ДҚ = Б \cdot К + Х ,$$

бу ерда, ДҚ - асосий воситаларнинг дастлабки қиймати, сўм;

Б - улгуржи баҳо, сўм;

К - таъминот ташкилотининг савдо наценкасини;  
ҳисобга олиш коэффициентини;

Х - асосий воситаларни хўжаликка етказиб бериш, уни ўрнатиш, фойдаланишга топшириш харажатлари, сўм.

$$ТҚэ = \frac{ТҚя - хЁҚя \cdot Мҳя}{ЁҚэ \cdot МХэ}$$

бу ерда, ТҚэ ва Тқя - эски ва янги тракторнинг тиклаш қиймати, сўм;

Ёқэ ва Ёқя - эски ва янги техника учун тенг баҳоли ёқилғи харажати салмоғининг қиймати, сўм;

МХэ ва Мҳя - эски ва янги трактор учун 1 ш.э.гектар ҳисобига механизаторлар меҳнат ҳақи, сўм.

$$Ққав = \frac{Дқ \cdot Ам \cdot М}{100}$$

бу ерда, Ққав - асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати, сўм;

Дқ - дастлабки қиймат, сўм;

Ам - йиллик амортизация меъёри, фоиз;

М - асосий воситаларнинг хизмат муддати (йил ёки бажарилган иш ҳажми)

Асосий фондлар қиймати маълум бир даврларда қайта баҳоланиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2001 йил 6 январда тасдиқланган «2001 йил 1 январ ў ҳолатига асосий фондларни қайта баҳолашни ўтказиш тартиби» нинг 1.7-бандида: «Турли йилларда балансга олинган чорва, асосий фондлар таркибига 1999 йил 1 январигача киритилган ишчи ва маҳсулдор моллар 5,9-коэффициент билан, 1999 йилда киритилганлари - 3,3, 2000 йилда киритилганлари - 1,8- коэффициентлари билан қайта баҳоланиши керак. Шахсий мулк -ишчи ва маҳсулдор моллар қайта баҳоланмайдилар. Ёш чорва моллари, парранда, қуён, тажриба ўтказиладиган хайвонлар, кўчат материаллар сифатида кўчатзорларда етиштириладиган кўпйиллик дарахтлар асосий фондаларга кирмайди, улар айланма воситалар таркибида ҳисобга олинади», деб кўрсатилган.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида эскириб боради, яъни дастлабки сифатини йўқотиб, маълум муддат ўтгандан кейин улар ишга яроқсиз бўлиб қолади ва уларни янгиси билан алмаштириш зарурияти туғилади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари жисмоний ва маънавий эскиради. Асосий фондларнинг фойдаланиш жараёнида эскириши унинг жисмоний эскиришидир. Жисмоний эскириш 2 хил бўлади:

1. Асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш жараёнида, фойдаланиш натижасида аста-секин ўз параметрини ўзгартириши.

2. Асосий воситаларнинг бекор туриши ва очиқ майдонларда қаровсиз қолдирилиши натижасида деталларининг ишдан чиқиши ва коррозияга учраши.

Бу хилдаги эскиришлар уларнинг фойдаланиш даражасига боғлиқ. Бошқа асосий фондлар учун ҳам қайта баҳолаш коэффициентлари ишлаб чиқарилган бўлиб, у қуйидаги жадвалда келтирилади.

*1-жадвал*

**Эскиришига қараб 2001 йилда асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш коэффициентлари**

Номи	2001 йил 1 январига келиб тушган асосий фондларни қайта баҳолаш коэффициентлари эскириш миқдори
------	---

	10% гача	11% дан 25% гача	26% дан 35% гача	36% дан 55% гача	56% дан 75% гача	5%, ва ундан ортик
Бинолар	2,9	13,8	27,5	9,2	81	Fl,5 j
Иншоотлар	2,9	13,8	27,5	9,2	8,1	.5,5
узатма қурилмалар	2,7	13,0	25,8	8,7	6,5	5,2
Машина ва асбоб-ускуналар улардан: кучланиш ва асбоб-ускуналар машиналари	1,0	6,2	18,9	27,5	5,6	3,0
Ишчи машиналар ва асбоб- ускуналар	1,0	6,2	18,9	27,5	5,6	3,0
Асбоблар ва лаборатория асбоб-ускуналари	1,0	6,2	18,9	27,5	5,6	3,0
Ҳисоблаш техникаси	1,0	6,2	18,9	27,5	5,6	3,0
Бошқа машина ва асбоб- ускуналар	1,0	6,2	18,9	27,5	5,6	3,0
Транспорт воисталари	1,0	6,2	18,9	27,5	5,6	3,0
Ускуна, ишлаб чиқариш анжомлари ва бошқа турдаги асосий воситалар	1,0	6,2	18,9	27,5	5,6	3,0

Асосий фондларнинг маънавий эскириши ҳам 2 хил бўлади:

1. Янги, анча унумли ва тежамли машиналар ихтиро этилиши ва уларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида эскирган машиналарнинг жисмоний ейилиш муддати тугамасданок, кадрсизланиб маънавий эскириб қолади.

2. Техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳам ўз навбатида ишлаб турган машиналар қийматини камайишига олиб келади ва маънавий эскиради.

Асосий воситалар жисмоний эскирган қисмининг янгидан яратилган маҳсулот қийматига аста-секин ўтиши орқали қопланиши ва истеъмол қилинган меҳнат воситаларини такрор ишлаб чиқариш учун пул воситаларининг тўпланиши амортизация дейилади. Асосий воситалар тўлиқ эскирганда уларнинг қиймати тўлиғича тайёр маҳсулотга ўтган бўлади.

Меҳнат воситаларининг ўтган қиймати маҳсулотни сотиш ва ундан ишлаб чиқаришда фойдаланиш орқали қопланади. Бу жараён тўхтовсиз давом этади.

Амортизация куйидаги асосий функцияларни бажаради:

1. Асосий воситаларни режалаштириш учун зарур бўлган, асосий воситалар эскириш даражасининг умумлашган шаклини тавсифлайди.

2. Эскирган меҳнат воситаларини алмаштириш учун пул фонддини шакллантиради.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашга имкон беради.

Ҳозирда амортизация ажратмалари янги қоида билан жорий қилинди. Бу қоидага мувофиқ асосий фондлардан қай даражада фойдаланилганлигидан қатъи назар, амортизация ажратмалари ажратила бошланади. Натижада хўжаликлар асосий фондлардан йил мобайнида янада тўла ва унумли фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Асосий фондларнинг ҳар хил турлари учун белгиланган бу меъёрлар уларнинг реал хизмат қилиш муддатларига ва фойдаланиш шароитига қараб табақалаштирилади.

Модомики, амортизация суммаси асосий воситаларнинг дастлабки қийматига, уларнинг хизмат муддатига, шунингдек, меҳнат воситаларининг тугатиш қийматига боғлиқ экан, у ҳода, йиллик амортизация меъёри куйидаги формула орқали ҳисобланилади:

$$A_m = \frac{DK - TK}{DK \cdot M} \cdot 100 ,$$

бу ерда,  $A_m$  - амортизация меъёри, фоиз;

$TK$  - асосий воситаларнинг тугатилиш пайтидаги қиймати, сўм.

Амортизация меъёрининг миқдори меҳнат воситаларининг хизмат муддати, улардан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш шароитлари билан аниқланади. Фойдаланиш муддати қанча оз бўлса, амортизации меъёри шунча юқори бўлади ва аксинча.

Асосий воситалар қийматидан ажратиладиган, маҳсулот таннархига кўшиладиган, амортизация суммаси ( $A_c$ ), уларнинг дастлабки қиймати ва амортизация меъёри асосида аниқланади:


$$A_c = \frac{DK \cdot A_m}{100} .$$

Асосий воситалар реновациясига амортизация суммасини ҳисоблаш куйидаги формула асосида ҳисобланилади:

$$A_p = \frac{ДҚ - ТҚ}{ДҚ \cdot М}$$

Амортизация ажратмалари меъёри ҳар бир асосий восита турига алоҳида ўрнатилади ва уларнинг меъёрида фойдаланиш шароитида хизматининг ўртача муддатини аниқлайди.

Қуйидаги чизмада асосий воситалар классификацияси кўрсатилган:



**маблағлар**

**Асбоб  
ва  
бошқалар**

**Узатиш  
курулмалари**

**Қишлоқ  
хўжалигига  
мўлжалланмаган**

**Инвентар**

**Уй-жой  
коммунал  
хўжалиги**

**Кўп  
йиллик  
дарахтлар**

**Соғлиқни  
сақлаш**

**Бошқалар**

**Маориф**

## **2. Асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланиш кўрсаткичлари, уларнинг ҳаракати, сифат ҳолати ва фойдаланиш самарадорлигининг омиллари**

Қишлоқ хўжалигининг асосий ривожланиш қонунияти -бу ишлаб чиқариш фондларининг доимо ўсиб боришини, унинг тузилмасини яхшиланишини ва самарадорлигини ошишини тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлига кўп жиҳатдан уларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлигига боғлиқ. Асосий воситалар билан етарли даражада таъминланмаслик маҳсулот миқдери ва меҳнат унумдорлигининг секин ўсишига ҳамда маҳсулот таннархининг ошишига, такрор ишлаб чиқариш манбаларининг камайишига олиб келади. Шу билан бир қаторда асосий воситаларнинг «ортиқчалиги» ва тўғри фойдаланмаслик уларнинг ўлик ҳолатда туришига, пировард натижада ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг пасайишига олиб келади, Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини асосий ишлаб чиқариш воситалар билан таъминланганлигининг мутлаққўрсаткичи сифатида фондлар билан таъминланиш коэффициентидан фойдаланиш мумкин. Бу кўрсаткич мавжуд меҳнат воситаларини уларнинг меъёрий истеъмолига нисбатан топилади.

1. Фондлар билан таъминланиш коэффициенти:

$$\text{ФТК} = \frac{\text{АВх}}{\text{АВм}},$$

бу ерда, АВх - ҳақиқатда мавжуд асосий воситалар;

АВм - асосий воситаларга булган меъёрий эҳтиёж. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини асосий воситалар билан таъминланишини салмоқли кўрсаткичлари бўлиб ишлаб чиқаришнинг фондлар билан тўйиниш ва меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражалари ҳисобланилади.

2. Ишлаб чиқаришнинг фондлар билан тўйиниши кўрсаткичи:

$$\text{Ф. тўйиниши} = \frac{\text{АВ}}{100 \text{ га к/я ер}} ; \quad \frac{\text{АВ}}{100 \text{ бош қорамолга}}$$

3. Фондлар билан қуролланиш кўрсаткичи:

$$\text{Ф. қурол.} = \frac{\text{АВ}}{\text{ХС}},$$

бу ерда, ХС ходимлар сони.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситалар билан таъминланишини салмоқли кўрсаткичларига ҳамда ишлаб чиқаришнинг энергия билан тўйиниши ва меҳнатнинг энергия билан қуролланиши киради.

4. Энергия билан тўйиниш кўрсаткичи:

$$\text{Эн. тўйиниш} = \frac{\text{Эн.Қ}}{\dots},$$

100 га ҳай. ерга  
бу ерда, Эн.Қ - энергетик қурилманинг қуввати.

5.Энергия билан қуруланиш даражаси, от кучи:

$$\frac{\text{Эн.Қ}}{\text{ХС}} = \text{Эн.қуруллан.} = \text{-----},$$

бу ерда, Эн.Қ - энергетик қувватлар. ХС - ходимлар сони.

6.Электр билан тўйиниш кўрсаткичи:

$$\frac{\text{Эл.Эн. квт/соат}}{100 \text{ га к/я}} = \text{Эл.тўйиниш} = \text{-----}.$$

7.Электр билан қуруланиш кўрсаткичи:

$$\frac{\text{Эл.Эн. квт/соат}}{\text{ХС}} = \text{Эл.қуруллан.} = \text{-----}.$$

8.Асосий воситаларининг ўсиш коэффициенти:

$$\frac{\text{АВДҚ}}{\text{АВЎҚ}} = \text{АВЙБҚ} = \text{-----},$$

бу ерда, АВЎҚ - асосий воситаларнинг ўсиш коэффициенти;

АВДҚ, - асосий воситаларнинг дастлабки қиймати;

АВЙБҚ - асосий воситаларнинг йил бошидаги қиймати.

9. Асосий воситаларнинг сафдан чиқиш коэффициенти:

$$\frac{\text{СЧАВДҚ}}{\text{АВЙБҚ}} = \text{АВСЧҚ} = \text{-----},$$

бу ерда, СЧАВДҚ - сафдан чиққан асосий воситаларнинг дастлабки қиймати.

10.Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти:

$$\frac{\text{ЙДҚҚАВ}}{\text{ЙОАВДҚ}} = \text{АВЯҚ} = \text{-----},$$

бу ерда, ЙДҚҚАВ - йил давомида қабул қилинган асосий воситалар;

ЙОАВДҚ - йил охирида асосий воситаларнинг дастлабки қиймати.

11. Фонд қайтими:  $\text{СМ}$

$$\frac{\text{ФҚ}}{\text{Фқий.}} = \text{-----},$$

12. Фонд сиғими:

$$\frac{\text{Фқий.}}{\text{ФС}} = \text{-----},$$

СМ

бу ерда, СМ - соф маҳсулот;

Фқий. - фонд қиймати.

13. Ишлаб чиқариш фондларининг айланиши:

$$\text{ФАЙ} = \frac{\text{АИ/ЧФ}}{\text{А}},$$

бу ерда, АИ/ЧФ - асосий ишлаб чиқариш фондлари;

А - қайта тиклашга ажратилган амортизация ажратмаси.

14. Ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{ИС} = \frac{\text{СД(Ф)}}{\text{АИ/ЧФ} + \text{АВЎҚҚ}} \cdot 100,$$

бу ерда, СД(Ф) - соф даромад ёки фойда;

АВЎҚҚ - асосий воситаларнинг ўртача қолдиқ қиймати.

Ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланишнинг самарадорлиги омиллари қуйидагилар:

1. Асосий воситалар билан таъминланиш.
2. Асосий воситалар тузилмаси .
3. Асосий ва моддий айланма воситалари ўртасидаги нисбат.
4. Меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлаш.
6. Илғор технологиядан фойдаланиш.

### ***3. Айланма воситалар доиравий айланиши, классификацияси ва меъёрлаштириши***

Бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўзининг ташқи шаклини тўла ўзгартирадиган, қийматини маҳсулот таннархига тўла ўтказадиган воситаларга айланма воситалар дейилади. Буларга ёш моллар, паррандалар, ем-хашак, ёқилғи-мойлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва бир йилда ўзининг хизмат муддатини тугатадиган инвентарлар киради.

Муомаладаги фондларга эса, сотиш учун тайёрланган маҳсулотлар ва пул маблағлари киради.

Қишлоқ хўжалигида айланма воситалар саноатдаги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги айланма воситалардан фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятларга эга:

Ишлаб чиқариш циклининг узоқ давом этиши муносабати билан айланма воситалар айланишининг кўпга чўзилиш мумкин. Шунинг учун

айланма воситаларини аванслаштириш меъёрий миқдорда ва ўзоқ вақтга мўлжаллаб сарфланишга тўғри келади.

Меҳнат предмети харажатларининг нотекислиги ва уларнинг айланмадан чиқиб кетиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумий лиги сабабли йилнинг турли даврларида тузулма кескин ўзгаради. Қишда айланма воситалар уруғ, ем шаклида захирада туради, ёзда эса, уларнинг катта қисми тугалланмаган ишлаб чиқаришга сарфланади.

Айланма воситаларининг бир қисми ички хўжалик айланмасида фойдаланилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг анчагина қисми сотилмайди, балки натурал шаклда (уруғ, ем-хашак) қайтадан ишлаб чиқариш жараёнига келиб тушади.

Хўжалик юритишнинг турли-туман шакллари шароитида айланма воситалари нафақат давлат, балки деҳқон хўжалиги ва жамоа мулки бўлиши мумкин. Шу боисдан уларни молиялаштириш манбалари ва меъёридаштириш усулларида фарқ қилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида айланма воситалар шаклланиш манбалари бўйича иккига бўлинади:

1. Хусусий.
2. Қарзга олинган.

1. Хусусий воситалар - бу давлат корхоналарида, кооперативларда, акциядор жамиятларида, ижара жамоаларида, деҳқон хўжаликларида доимий фойдаланилаётган айланма воситаларнинг бир қисми. Барча хўжалик юритиш шаклларида айланма воситаларни тўлдириш манбаи соф даромад ва фойда ҳисобланади. Айланма воситалар бир-биридан, уларни баҳолаш усуллари бўйича ҳам фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалагининг ўзида чиқадиган ўтган йилги ва жорий йилги меҳнат предметлари ҳақиқий таннархи билан баҳоланади. Саноатдан олинган меҳнат предметлари ҳақиқий харажатлари (сотиб олиш ва етказиш харажатлари) бўйича баҳоланади. Ижара жамоаларидаги меҳнат предметлари ягона ички хўжалик баҳолари бўйича баҳоланади.

2. Қарз ҳисобига шаклландиган айланма воситалари товар - моддий бойликларининг меъёрдан ортиқча қолдиқлари ва мавсумий харажатлари учун олинган кредитларни билдиради.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида айланма маблағлар улардаги айланма фондлар ва муомала фондларидан ташкил топади.

Айланма фондлар ўзларининг ичидаги ўрнига қараб 2 гуруҳга бўлинади;

Ишлаб чиқариш жараёнидаги айланма фондлар - ёш моллар ва боқувга ажратилган ҳайвонлар, паррандалар, келгуси йил учун қилинган харажатлар киради.

Ишлаб чиқариш захиралари, ем-хашак, уруғлик, кўчатлар, эҳтиёт қисмлар, тез эскирадиган воситалар ва бошқа буюмлар киради.

Айланма маблағларнинг манбалари иккига бўлинади: ўзиники ва - сотиб олинган айланма маблағлар.

Хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилиш айланма фондларни тайёр маҳсулотларнинг элементлари бўйича меъёрлаштириш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш хўжаликнинг молиявий ҳолатини яхшилашда катта рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалигида айланма воситалардан самарали фойдаланиш учун улар меъёрлаштирилади.

1. Уруғлик ва кўчат материаллари бўйича:

$$M_y = (U_m \cdot T_m) \cdot C_3,$$

бу ерда,  $U_m$  - 1 га сарфланадиган уруғ меъёри, ц;

$T_m$  - 1 ц уруғнинг режа таннархи, сўм;

$C_3$  - йиллик эҳтиёжга уруғнинг суғурта захира

миқдори (тех.экин. учун - 10 -15%

дарахтлар учун -25-30%)


2. Ем-хашак бўйича:


$$M_e = (Y_e \cdot T_n) \cdot C_3,$$

бу ерда,  $Y_e$  - ем-хашакга бўлган йиллик эҳтиёж, ц;

$T_n$  - 1 ц ем-хашак озуқа бирилигининг таннархи;

$C_3$  - йиллик эҳтиёжга ем-хашакнинг захира миқдори.





3. Ёқилғини меъёрлаштириш:

$$M_{\text{нефть}} = \frac{\text{ЁМК}}{KX} \quad (Kp:360),$$

бу ерда, ЁМК - ЁММ нинг минимал қолдиғи, ц;  
 КХ - ЁММ нинг ўтган йил учун 1 кунлик харажат, ц;  
 Кр - режалаштирилган йилда келтирилган,  
 ЁММ қиймати, сўм.

Минерал ўғитларни меъёрлаштириш:

$$M_{\text{ўғит}} = \frac{ЙКЎК}{\dots},$$

бу ерда, ЙКЎҚ - йиллик келтирилган ўғитлар қиймати,  
12 - йилдаги ойлар сони.

**4. Моддий айланма воситалардан фойдаланиш самарадорлиги  
кўрсаткичлари ва уни ошириш омиллари**

Ишлаб чиқариш вақти қанча тез тугаса, айланма маблағлар шунча тез айланади.

1. Айланма маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқлаш мумкин:

Ай. маб. Қий ф .

$$\Phi = \frac{\text{Ай. маб. Қий ф}}{\text{К/ХЯЕ}} \cdot 100,$$

бу ерда, К/ХЯЕ - қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар.

2. Ишлаб чиқариш фондларининг нисбати:

АИ/ЧФ

$$\text{И/ч фонд. нис} = \frac{\text{АИ/ЧФ}}{\text{АЙФ}}$$

3. Айланма маблағларнинг қиймати:

ЯМ

$$\text{Ай. маб. қий} = \frac{\text{ЯМ}}{\text{АЙФ}}$$

Бу кўрсаткичлар айланма фондлар ишлатилишининг иқтисодий самарадорлигини кўрсатади.

4. Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти:

Ай. Фонд

$$\text{Ай. маб. айл. коэф} = \frac{\text{Ай. Фонд}}{\text{Ай. маб. ўрт. қол}}$$

Бу кўрсаткич йил давомида айланма маблағларнинг ўртача йиллик айланишини кўрсатади.

5. Айланма маблағларнинг айланиш тезлиги:

360

$$Y = \frac{360}{\text{Ай. маб. Айл. коэф}}$$

6. Фойда меъёри:

СД

$$\text{ФМ} = \frac{\text{СД}}{\text{Ас. и/ч. фонд} + \text{Ай. маб. ўрт. қол.}} \cdot 100.$$

Қишлоқ хўжалигида моддий айланма воситалардан фойдаланиш самарадорлиги куйидаги кўрсаткичлар тизими орқали ифодаланади:

1. Материал қайтими:

$$MҚ = \frac{\text{Соф Мах.}}{\text{МАЙ.В}}$$

2. Материал сиғими:

$$MС = \frac{\text{МАЙ. В}}{\text{Соф.Мах.}}$$

3. Моддий айланма воситаларнинг айланиш коэффициенти:

$$MABAK = \frac{\text{ТМҚ} + \text{ЁМҚ} - \text{СМ}}{\text{МАВЎЙҚ}}$$

бу ерда, ТМҚ - товар маҳсулот қиймати; ЁМҚ - ёш моллар қиймати; СМ - сотилган маҳсулот;

МАВЎЙҚ - моддий айланма воситаларнинг ўртача йиллик қиймати.

4-Моддий айланма воситалар 1 айланишининг давомийлиги:

$$B = \frac{365}{\text{АйК}}$$

бу ерда, АйК-айланиш коэффициенти.

5. Моддий айланма воситаларнинг рентабеллиги:

$$P = \frac{\text{Фойда}}{\text{МАЙВ}} \cdot 100$$

Моддий айланма воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш асосий омиллари куйидагилар:

1. Маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш,
2. Моддий айланма воситаларни оптимал меъёрлаштириш.
3. Моддий айланма восита тежамкорлиги.
4. Моддий айланма воситаларнинг айланишининг давомийлигини қисқартириш.
5. Моддий айланма воситаларининг тузилмаси .
6. Илғор шаклларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш.
7. Илғор технологиядан фойдаланиш;

***5. Машина-трактор паркidan фойдаланиш кўрсаткичлари ва самарадорлигини ошириш имкониятларидан фойдаланиш.***

Барча кўрсаткичларни ҳисоблашда энг аввало, асосий фондларнинг туркумларга ажратилиши ва уларнинг тўғри ҳисобга олиниши муҳим бўлиб ҳисобланади. I бобда қайд этилганидек, асосий фондлар энг аввало: 1) ишлаб чиқариш асосий фондлари, 2) ноишлаб чиқариш асосий фондларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш асосий фондлари ўз навбатида яна икки гуруҳга бўлинади: а) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий ишлаб чиқариш фондлари, б) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган асосий ишлаб чиқариш фондлари.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий ишлаб чиқариш фондлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- иморатлар - маҳсулот, техника ва чорва молларини сақлашга мўлжалланган иморатлар (омборхоналар, машина-тракторларни сақлашга мўлжалланган иморат ва бостирмалар, молхоналар ва ш.к.);

- иншоотлар - сув тақсимловчи ва оқизувчи иншоотлар, қуритиш навларга ажратиш жиҳозлари, иссиқхоналар, ем-хашак сақлаш ҳандақлари, қудуқлар, ички хўжалик йўллари, сув сақлаш миноралари ва ҳ.к;

- куч узатиш қурилмалари - сув, электр энергия, газ кабиларни бир жойдан иккинчи жойга узатиб берувчи қурилмалар (сув, газ қувурлари, электр тармоқлари ва бошқалар);

- машина ва ускуналар -а) куч узатиш машиналари; б) ишчи машиналари; в) турли хил ускуналар. Куч узатиш машиналарига асосан, ғилдиракли ва ўрмаловчи тракторлар киритилади. Ишчи машиналар асосан, қишлоқ хўжалик машиналари, яъни плуг, чизел, мола, борона, сеялка ва ҳ.к.лардан иборатдир. Ускуналар таркибида турли хил ўлчов ва ростловчи лаборатория асбоблари ҳисобга олинади;

- транспорт воситалари - юк автомобиллари ва от , аравалардан иборат;

- ишчи ҳайвонлар - тирик жонли тортувчи кучлар: от, ҳўкиз, туя ва бошқалардан иборатдир;

- маҳсулдор моллар - асосан, катта ёшдаги йирик шохли моллар, яъни маҳсулот берадиган моллардир;

- кўпийлик мевали дарахтлар - булар ҳосил ёшидаги маданий-мевали дарахтлар ва ихота дарахтларидан иборат;

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган капитал сарфлар, ерларни текислаш, тўқайзорларни ўзлаштириш ва бошқа ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган маблағлардир.

Хўжалик субъектларининг умумий энергетика қуввати корхона - эҳтиёжлари учун фойдаланадиган барча механик двигателлар қувватининг ҳамда электр двигателлар (такрорий ҳисоб қирмайд) қувватларининг жамига тенгдир. Тракторлар, ғалла ўриш комбайнларининг двигателлари, автомобиллар, электр қурилмалари, стационар двигателлар ва бошқа механик двигателларнинг асосий турларидир. Механик двигателларнинг қуввати от кучи (о.к.) билан ўлчанади. Бир от кучи - 75 кг.м/сек.га (75 кг юкни бир секундда бир метр баландликка кўтариш учун талаб қилинадиган энергияга) баробардир. Электр двигателларининг КВтда ифодаланган қуввати 1,136 коэффиценти ёрдамида от кучига айлантирилади ёки аксинча, от кучида ифодаланган. двигателлар қуввати 0,735 коэффицент ёрдамида киловаттга (КВт) айлантирилади.

Шартли эталон гектарга айлантириш тартиби қуйидагича: масалан, хўжаликда 2530гектар ер бороналанган (загон узунлиги 600м., релёф, 5 градус) эталон гектарга айлантириш коэффиценти 0,085. Демак, шартли эталон гектар .21,5 га (2530 x 0,085)

Машина-трактор паркидан фойдаланишнинг иқтисодий таҳлилида қуйидаги кўрсаткичларга алоҳида эътибор бериш лозим. Ўртача бир йиллик, бир кунлик ёки бир сменалик вақтда бажарилган эталон гектарни ҳисоблаш, бунинг учун жами эталон гектар миқдорини ўртача йиллик тракторлар сонига бажарилган машина кунига ва машина-сменага бўлиш лозим. Ўртача бир тракторда бажарилган йиллик иш кунини аниқлашда бажарилган машина-кунлар сони физик тракторлар сонига таққосланади, смена коэффиценти эса, машина кунларини машина-сменалар сонига бўлиш орқали ифодланади. Бир эталон тракторда бажарилган ўртача эталон гектар миқдори шартли эталон тракторлар сонига таққосланиши лозим.

Автомобиль паркидан фойдаланишнинг иқтисодий таҳлили асосан, юк автомобилларидан фойдаланишнинг бир қанча кўрсаткичлари ўрганилади. Хусусан, автомобиль паркидан фойдаланиш даражасини ҳисоблаш учун ишга қатнашган машина-кунлар сони автомобил паркида мавжуд бўлган умумий машина-кунлар сонига таққосланади. Юк автомобилларининг иш вақтидан фойдаланиш даражаси ҳаракатда бўлган машина-соати ишга қатнашган машина-соатларига таққосланиб аниқланади. Мавжуд юк автомобилларининг иш вақтидан фойдаланиш даражаси – автомобиль паркидан фойдаланиш даражасини юк автомобилларининг иш вақтидан фойдаланиш даражаси кўпайтмасига тенг.

Мавжуд юк автомобилларининг умумий захира иш вақти –ҳаракатда бўлган машина-соатини юк автомобилларининг иш вақтидан умумий фойдаланиш даражаси нисбатига тенгдир. Бир автомобилнинг бир йиллик

ўртача босиб ўтган йўли машиналарнинг умумий босиб ўтган йўли ўртача йиллик машиналар сонига таққослаш орқали аниқланади. Фойдали босиб ўтган йўл даражаси –юк билан босиб ўтган йўлни умумий босиб ўтган йўл узунлигига таққослаш билан аниқланади.Бир машинанинг ўртача юк билан босиб ўтган йўли –юк билан босиб ўтган йўлини ўртача машиналар сонига бўлиш орқали ифодаланади.Ўртача бир машинада иш миқдорини ҳисоблашда бажарилган ҳақиқий тонна/км ўртача машиналар сонига бўлинади.Ўртача бир машинанинг юк кўтариш қувватидан фойдаланишда бажарилган ҳақиқий тонна/км.ни меъёр бўйича бажарилиши лозим бўлган тонна/км.га таққослаш йўли билан ҳисобланади.

Паркдаги мавжуд юк автомашиналарини юк кўтариш қувватидан унумли фойдаланиш даражаси – фойдали босиб ўтилган йўл даражаси ўртача бир машинанинг юк кўтариш қувватидан фойдаланиш даражасига кўпайтирилади.Автомобиль паркидан фойдаланишнинг натижавий кўрсаткичи,бу автомобиль паркидан фойдаланишнинг умумий (интеграл) даражасидир.Бунинг учун юқорида таъкидланган қуйидаги кўрсаткичларнинг даражалари (коэффициентлари) ўзаро бир-бирига кўпайтирилади,яъни автомобиль паркидан фойдаланиш даражаси,юк автомобилларининг иш вақтидан фойдаланиш даражаси,фойдали босиб ўтган йўл даражаси ва ўртача бир машинанинг юк кўтариш қувватидан фойдаланиш даражаси.Натижа 100 га кўпайтирилиб,автомобиль паркининг мавжуд имкониятларидан неча фоиз фойдаланганлиги ифодаланади.

Ғалла комбайнларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш,бир комбайн мавсумда ўртача қанча ғалла ўриб олганлиги аниқланади.

Пахта териш машиналаридан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичи ҳам ғалла комбайнлари каби аниқланади.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида мавжуд техникалардан фойдаланиш даражаси анча паст аҳволда,сабаби кўпинча техникалар хизмат муддатини ўтаб бўлган,кўп таъмирлаш ишларини талаб қилади. Шунинг учун туманларда марказлашган ҳолда,ҳизмат кўрсатиш учун уюшмалар,ташкilotлар ёки машина-трактор парклари ташкил қилинмоқда.Булар сервис хизмати кўрсатмоқда.Сервис сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб «хизмат кўрсатмоқ»деган маънони англатади.Техникавий сервис хизмати бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини юқори сифатли техника ва қурулмалар билан жиҳозлаш,техникаларнинг белгиланган муддат мобайнида бузулмасдан ишлашини таъминлаш,ўз вақтида сифатли техник хизмат ҳамда таъмирлаш ишларини ва эҳтиёт қисмлар етказиб беришни амалга ошириш каби тадбирларнинг мажмуидан иборатдир.

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги техникасига сервисни ташкил этиш иқтисодётнинг алоҳида бўғини ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида техникавий хизмат кўрсатиш тармоғининг ташкилий тузилиши, фирма-тайёрловчи, фирма-тайёрловчининг бош вакиллари ва дилерларидан иборат. Қишлоқ хўжалик техникасига хизмат кўрсатишнинг ташкилий шакли турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятга эга, лекин ҳаммаси учун умумий бўлган қоида, бу қишлоқ хўжалик техникасини ишлатиш муддати мобайнида уларнинг техник хизматиغا фирмаларнинг жавобгар бўлишидир. АҚШда машиналарнинг техник ҳолатига жавобгарлик қонун билан белгилаб қўйилган. Қишлоқ хўжалик техникасига, хизмат кўрсатиш асосан, дилерлар томонидан амалга оширилади. АРҚШда 90 фоиз дилерлар хусусий ва фақат 10 фоиз дилерлар қишлоқ хўжалиги машинасозлиги фирмаларига боғлиқ.

Ривожланган мамлакатларда техникавий сервис тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: сотишдан олинган хизматлар, истеъмолчиларни эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш, туриб қолган техникалар ва уларнинг деталларини сотиш, истеъмолчи ва дилерларга меъёрий-техник, таъмирлаш-эксплуатацион хизматлар ишлаб чиқиш, ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, сифатли техник хизмат ва таъмирлаш ишларини бажариш. Вазирлар Маҳкамасининг «Машина - трактор паркларини ташкил этиш ва уларнинг хизматларини баҳолаш» тўғрисида 1997 йил 19 мартда 152-сонли Қарори чиқарилди. Бу қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва « Ўзбекистон қишлоқ хўжалик таъминот тузатиш» давлат кооператив қўмитасининг қошида фаолият кўрсатаётган МТП ва қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқариш техника ва сервис хизмат кўрсатиш корхоналари негизида муқобил МТПлари ташкил этилган.

МТП ларнинг айланма маблағларини тўлдиришга 1997 йилда республика бюджетидан 1314 млн. сўм ажратиш кўзда тутилди. « Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техника таъминоти» давлат кооператив қўмитаси 1997 йилда республика бюджетига 685 млн сўм қарзни қайтаришдан озод қилинди, кўрсатиб ўтилган суммани корхона ўз айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи майда товар ишлаб чиқарувчилар, шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига уларнинг буюртмалари бўйича сервис хизмати кўрсатиш масалалари «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техника таъминоти» давлат кооператив қўмитасига юклатилди. Бунинг учун МТП таркибида ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилди, уларни шакллантиришнинг аҳволи алоҳида назорат остига олинди.

«Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техника таъминоти» давлат кооператив кўмитаси «Кейс корпорейшн» корпорацияси билан республикада хорижий қишлоқ хўжалик техникаси сервис хизмати кўрсатиш бўйича "Ўзкейссервис" кўшма корхонаси ташкил этиш тўғрисида шартнома тузди ва муассислар улушлари белгиланди ҳамда кўшма корхонани ташкил этиш бўйича таъсис йиғилиши ўтказилди. Юқорида таъкидланган қарорга мувофиқ машина-трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналаридан машина ва механизмларни сотиб олиш тартиби ишлаб чиқилди.

Техникани сотиб олиш учун хўжалик ва МТП ДАЖ раҳбарлари бош муҳосиб, бош муҳандис, туман қишлоқ ва сув хўжалик бошқармасининг бошлиғи ва давлат назорат туман инспектори иштирокида комиссия тузилади. Техника сотиб олинаётганда техник ҳолати, қолдиқ ресурси ва сотиб олингандан кейин хизмат қилиши мумкин бўлган муддати, шунингдек, сотиш вақтида юзага келган бозор баҳоси ҳисобга олиниши керак. Шартнома 4 нусхада (хўжаликка, давлат акционерлик жамиятига, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига ва давлат техника назорати туман инспекциясига) тўлғазилади. Далолатномада сотиб олинган техникаларнинг русуми, чиқарилган йили, баланс қиймати (сўмда), қолдиқ қиймати, сотиб олингандан кейинги хизмат қилиш муддати шунга ўхшаш янги техниканинг баҳоси кўрсатилади.

Баҳолаш услубияти қуйидагича аниқланади:

$$C = C1 + C2 ,$$

Бунда, C - техникани хўжаликдан МТПга якуний сотиб олиш баҳоси;

C1 - техниканинг келишув баҳоси;

C2 - техник созлигини таъминлаш баҳоси.

$$C1 = \frac{D}{B} \cdot M ;$$

$$M = B - B;$$

$$C = J + E,$$

Бунда, D - ҳозирги даврдаги техниканинг баҳоси;

B - техниканинг амортизацияси муддати (йил);

B - техниканинг ҳақиқатда ишлаган йиллар сони;

M - техниканинг яна қанча ишлаш муддати (йил);

J - техникани таъмирлаш баҳоси;

E - техникани бутлаш (комплектлаш) баҳоси.

Йўриқномаларга асосан, хайдов тракторлари ва ғалла комбайнлари хўжаликлардан МТПларга олинмоқда. Бунда баҳолаш тартибида айрим келишмовчиликлар бор, масалан, техникалар ҳозирги харид баҳосидан

амортизация суммаси ва таъмирлаш харажатлари чегирилиб, қолган сўммада баҳоланмоқда, лекин бунга хўжалик раҳбарлари норози. Чунки улар техникасини бозор нархида кимошди савдоси орқали сотишни исташмоқда.

МТП фаолиятини ривожлантириш учун яна қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим:

1.МТП туман бўйича жойларда ўзининг филиалларини ташкил қилиш.

2.Дехқон, фермер хўжаликларига хизмат қилувчи алоҳида бўлим ташкил этиш, чунки бошқа ташкилотлар учун хизмат кўрсатиш рентабеллиги 25 фоизгача бўлса, дехқон ва фермер хўжаликлари учун 10 фоиздан ошмаслиги йўриқномаларда белгиланган.

Жойларда МТП хизматини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ дейиш мумкин:

- ҳиссадорлик бадали ва кредит олиш орқали фонд ташкил қилиш;
- хўжаликларнинг эски техникаларини ўзида қолдириб, унинг ўрнига янги техникалар сотиб олиш билан қуролланиш. шунда жойларда рақобатчи хизмат кўрсатиш соҳаси вужудга келади;

- хўжаликлардан техника сотиб олишни давлат мулк кўмитаси ташкил отлари орқали кимошди савдоси йўли билан ташкил қилиш.

Техника хизматидан фойдаланишни такомиллаштириш йўлларида фойдаланиш зарур. Дала ишларининг ўз вақтида бажарилиши асосан, икки омилга боғлиқ, яъни техника етарли бўлиши ва ундан тўла унум билан фойдаланиш. Ҳозирги шароитда хўжаликларда энг аввало, техникадан унумли фойдаланиш йўллари кўзлаб иш юритиш мақсадга мувофиқ. Мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланиш ҳам асосан, икки омилга боғлиқ. Биринчиси -техника воситасини доимо ишга яроқли ҳолда, сақлаш. Иккинчиси - техникадан фойдаланишни оқилона ташкил эта билиш.

Техникани ишга яроқли ҳолда, сақлаб туриш ўз навбатида қуйидаги омилларга боғлиқ: техник қаров ўтказиш, эҳтиёт қисмлар ва сифатли ёнилғи-мойлаш ашёлари билан таъминлаш.

Техника воситаларининг техник ҳолатига таъсир этувчи омилларидан бири ёқилғи-мойлаш ашёларининг (ЁМА) сифатидир. Нефть маҳсулотларининг ярмидан кўпи қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Шунга карамай, ЁМА нинг сифатини текширувчи бирорта хизмат (бўлинма) йўқ. ЁМА тақчиллиги туфайли хўжаликларда ишлатилган мойлар тозаланмасдан қайта ишлатилиши натижасида тракторларнинг гидравлик тизимини тез ишдан чиқишига олиб келади. Булар техникани сақлаш қодаларига зид нарсадир. Натижада қимматли техника занглаб, муддатидан

олдин ишдан чиқади, хўжасизлик натижасида эса, айрим қисмлар йўқотилиб, бутлашга муҳтож бўлиб қолмоқда. Техника воситаларига муносабат ортиши ўрнига пасаймоқда, техникаларнинг янгилашиш даражаси ўртача 5% га ҳам етмаяпти. Хўжаликларнинг 70-75% техникаси хизмат муддатини ўтаб бўлган. Бундай эскирган техникани яроқли ҳолда, сақлаб туриш учун юқорида таъкидланган техник қаров: эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, ЁМА сифатини яхшилаш, таъмирлаш тизимини шароитга мослаш ва техника воситаларини сақлаш қоидаларига оғишмай амал қилиш лозим бўлади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор бериладиган бўлинса, уларда янги чиққан техника, ўқиб ўрганган, бошқариш қобилиятини тасдиқловчи ҳужжати бор малакали механизаторларга берилади. Бизда ҳали бундай тизимга ўтилгани йўқ. Бунинг салбий оқибати ғалла комбайнларидан фойдаланишда яққол сезилмоқда. Техникадан унумли фойдаланишнинг яна бир муҳим омили механизаторларда эгалик ҳиссини ривожлантиришдир. Бунинг учун механизаторнинг моддий аҳволи унга беркитилган техника воситасига сарфланадиган харажатларга ўзвий боғлиқ бўлишини таъминлаш муҳим рол ўйнайди. Афсуски, кейинги йилларда бунга эътибор сусайиб кетди.

Фермер хўжаликларининг фаолиятида бир пайкалга бир неча хил экин экилмоқда. Бу эса, ўз навбатида техникадан фойдаланишни кийинлаштирамоқда. Бундай салбий омил таъсирини камайтириш учун битта пайкалга бир экин турини экишга ўтиш керак.

Техникадан самарали фойдаланишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, АҚШда дон комбайнларидан йирик отряд шаклида фойдаланиб, ўрим мавсуми бошида жанубий штатлардан бошланиб, сентябрда шимолий ҳудудларга етиб келинади, яъни дон комбайнлари тўрт ой давомида ўзлуксиз ишлатилади. Бундай отрядлар фермерларнинг ишларини шартнома асосида бажариб, аста-секин шимолга қараб силжиб бораверади.

Комбайнларни эҳтиёт қисм етказиб берувчи ва техник қаров ўтказувчи махсус бригадалар кузатиб боради. Бундай тажрибалар бизнинг ишлаб чиқариш жараёнимизда ҳам қўлланилса, техникадан фойдаланиш даражаси янада яхшиланган бўлар эди.

Қишлоқ хўжалигида транспорт воситалари агросаноат комплексини қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан алоқасини таъминлайди. Шунингдек, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ресурсларини, меҳнат предметларини ва ишчи кучини ташишда ишлатилади.

Қишлоқ хўжалик юкларини кўпроқ ташишга мосланган тармоқдир. Ҳозирги пайтда, ҳар гектар экин экиладиган майдонга ўртача 65-70 тонна

ташиладиган юк тўғри келади. Шундан 45 тоннадан ортиқроғи автомобиль транспортга тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кетган умумий харажатнинг 30-35% транспорт харажатига тўғри келади. Шуни ҳам айтиш керакки, жамоа ва давлат хўжаликларида иш ҳақи фондининг 20% транспорт ҳайдовчиларига, ҳар хил юкларни ортиш ва тушириш билан банд бўлган кишиларга сарфланади. Масалан, силос учун маккажўхорининг, қанд лавлагини, картошканинг тўла таннархининг 1/3ни ана шундай транспорт харажатлари ташкил қилади. Шунинг учун ҳам транспортдан фойдаланишни яхшилаш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш учун асосан, қуйидаги транспорт турларидан фойдаланилади:

- автомобиль транспорти;
- ҳаво транспорти;
- темир йўл транспорти.

Автомобиль транспорти қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун қулай ва арзондир. Ҳозир қишлоқ хўжалик корхоналарида юкларни ташиш учун асосан, автомобиль транспорти ва қувурлардан фойдаланилади. Шунингдек, қишлоқ хўжаликлари ташқарисида юкларни ташишда автомобиль транспортдан ташқари темир йўл транспортдан ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, 2000 йили республикада умумий ташилган пахтанинг ярмига яқини темир йўл транспортга, ярмидан кўпроғи эса, автомобил транспортга тўғри келган. Ҳозирги вақтда транспортларнинг ишлаш самарадорлигини тавсифлаш учун қуйидаги техник -иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади:

1. Транспортдан ишлаб чиқаришда фойдаланиш коэффициента (ТФК и/ч). Бунинг учун транспортнинг ишда бўлган вақти (Тибв), транспортнинг ишлаб чиқаришда қатнашиши мумкин бўлган умумий вақтга (Ти/чқмбв) бўлинади:

$$\text{ТФК(и/ч)} = \frac{\text{Тибв}}{\text{Ти/чқмбв}}$$

2. Транспортнинг босиб ўтган йўлдан фойдаланиш коэффицент (ТФКбўй.) Бунинг учун транспортнинг юк билан юрган йўли (Любюйк), умумий юрган йўлга (Луюй.) бўлинади:

$$\text{ТФК(бўй.)} = \frac{\text{Любюйк}}{\text{Луюй}}$$

3. Транспортнинг юк ташиш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти (ТФК<sub>ютқ</sub>) Бунинг учун транспортнинг амалда бажарган иш ҳажмини (W<sub>абих</sub>), техник жиҳатдан бажариш мумкин бўлган иш ҳажмига (W<sub>тжбмбих</sub>) бўлинади:

$$\text{ТФК(ютқ)} = \frac{W_{абих}}{W_{тжбмбих}} .$$

4. Бир тонна километрнинг таннарни. Транспортнинг бир йилдаги эксплуатация харажатлари (Х<sub>бйэ</sub>) бир йилда қилинган тонна/километрга

(Т/КМ<sub>бйқ</sub>) бўлинади:

$$T.1\text{т/км} = \frac{X_{бйэ}}{T/КМ_{бйқ}} \text{ сўм/т.км} .$$

5. Транспортларнинг эксплуатация харажатлари қиймати қуйидагича топилади:

$$TЭХҚ = ИХ + А = ЖР + ЁММ + УХ , .$$

бу ерда, ИХ - иш ҳақи; А - амортизация;

ЖР - жорий ремонт; ЁММ - ёқилғи-мойлаш материаллари; УХ - умумхўжалик харажатлари.

6. Транспортдаги ишлаб чиқаришдан олинган фойда (Ф) транспортда бажарилган иш қийматидан (ТБИК) эксплуатация харажатлари (Хэ) чиқариб ташланади:

$$Ф = ТБИК - Хэ.$$

7. Транспортдан ишлаб чиқаришда фойдаланиш рентабеллиги.

$$P = \frac{Ф}{Хэ} \cdot 100 .$$

Республика ҳукуматининг чиқараётган бир қатор қарорларида қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаётган асосий ва айланма фондларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини қуйидаги йўллар билан ошириш мумкин:

- илғор техникани қўллаш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, ихтисослаштириш;

қишлоқ хўжалигида илмий асосланган хўжалик юритиш тизимини қўллаш;

- хўжаликда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш фондларидан мақсадга мувофиқ тежамли фойдаланиш;

- асосий ва айланма фондларини бир-бирига оқилона боғлаш ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ва ҳ.к.

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топшириқнинг мазмуни**

1.Шартли эталон гектарга айлантирилган иш ҳажми аниқлансин:

а) ўртача йиллик шартли трактор ҳисобига;

б) бир меъёр сменага.

2.Шартли эталон гектар ҳисобига жами харажатлар аниқлансин.

3.Жами асосий фондлар ва шу жумладан, қишлоқ хўжалигига тааллуқли асосий фондларнинг таркиби аниқлансин.

4.100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ер, 100 га экинзор 100 га ҳайдаладиган ер ҳисобига фондлар билан таъминланиш аниқлансин.

5.Бутун қишлоқ хўжалиги бўйича ва шу жумладан, ўсимликчилик ва чорвачилик бўйича меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражаси аниқлансин.

б.Бутун қишлоқ хўжалиги бўйича ва шу жумладан, ўсимликчилик ва чорвачилик бўйича фонд қайтими ва фонд сиғими аниқлансин.

7. Энергия билан таъминланиш ва энергия билан қуролланиш таҳлил қилинсин.

8.Электр билан таъминланиш ва электр билан қуролланиш таҳлил қилинсин.

*1-жадвал*

### **Машина-трактор паркдан фойдаланиш ва эталон гектарнинг таннархи**

	Трактор - ларнинг уртача йиллик сони	Бажарилган меъёр-смена		Эталон гектарларда бажарилган барча ишлар		
		жами	1 та тракторга	жами	1 та тракторга	1 та меъёр - сменага
						а

1. Жами шартли трактор ҳисобида, шу жумладан: транспорт ишларида						
2. 1 шартли эталон гектар ҳисобига тўтри келадиган жами харажат, сўм						

2-жадвал

### Асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ТУРЛАРИ	Йил бошига мавжуд воситалар, сўм	Йил давомида келиб тушган сўм		Йил давомида сафдан чиққан, сўм		Йил охирига мавжуд воситалар, сўм
		Жамми	шу жумладан, ҳаракатдаги воситалар	Жамми	шу жумладан, ҳаракатдаги воситалар	
Шишлоқ хужалигига тааллуқли фондлар (молларсиз) Шу жумладан машина ва ускуналар 2. Ишчи ва маҳсулдор моллар 3. шишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган асосий фондлар 4. Ишлаб чиқарилмайдиган асосий фондлар						

Жами(1+2+3+4)

---

*3-жадвал*

**Фондлар билан таъминланиши ва меҳнат фондлар билан қуролланиши**

	Жами, сўм	Тўғри келади
--	-----------	--------------

		100 га к/х яроқли ерга	100 га экинзо рларга	100 га хайдал адиган	1 га ўртача йиллик ходимг
1. Жами асосий фондлар, сўм, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига таалукли					

4-жадвал

**Қишлоқ хўжалиги асосий тармоқлари бўйича қишлоқ хўжалигига  
таалукли асосий фондларнинг фонд қайтими  
ва фонд сиғими**

	Жорий баҳолардаги ялпи маҳсулот қиимати, сўм	Қишлоқ хўжалигига таалукли фондлар қиимати, сўм	100 сўмлик ялпи маҳсулотга фонд сиғими, сўм	100 сўмлик ҚИШЛОҚ. хўжалигига таалукли фондларга фонд қайтими, сўм
Ўсимликчилик Чорвачилик Ўсимликчилик ва чорвачилик бўйича, жами				

5-жадвал

**Энергетик қувватлар, электроэнергиядан фойдаланиш, ер майдони ва  
ўртача йиллик ходимлар сони**

Кўрсаткичлар	Миқдори
Жами энергетик қувватлар, от кучи шу жумладан, а) занжирли тракторлар; б) ғилдиракли тракторлар. Жами ишланган электроэнергия,	

МИНГ КВТ.СОАТ шу жумладан, ишлаб чиқаришга	
---	--

6-жадвал

**Энергия ва электр билан таъминланиш ва меҳнатнинг энергия ва электр билан қуролланиши**

	Тўғри келади		
	Жами энергетик қувватлар, от кучи	Электроэнергия, кВт/соат	
		Жами	Шу жумладан, ишлаб чиқаришга
100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга 100 га экинзорга 100 га ҳайдаладигая ерга			

**Саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Асосий воситалар деб нимага айтилади ва уларнинг классификацияси?
3. Айланма воситалар ва уларнинг классификацияси қандай?
4. Асосий ва айланма воситалардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари?
5. Асосий ва айланма воситалардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш омиллари?

## **13-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНВЕСТИЦИЯ ВА КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР, УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

*«...мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг натижаси ўлароқ, иқтисодиётда салмоқли таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда».*

**И.Каримов**

### **1. Инвестиция ва унинг самарадорлигини ошириш**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажмининг ошиши мос равишда тармоқ моддий-техник базасини ривожлантиришни талаб қилади. Ишлаб чиқариш фондлари ҳажмининг кўпайиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш потенциалини кенгайтиришга йўналтирилган моддий ва пул воситаларига кўшимча қўйилма ҳисобига амалга оширилади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида агросаноат мажмуи тармоқларининг барқарор ривожланиши корхоналарга зарур моддий ва пул ресурслари беришда инвестицион фаолликка эҳтиёж туғдиради.

Инвестиция деганда хўжалик фаолияти жараёнида асосий фондларни ва айланма воситаларни сотиб олишга ажратилган узоқ муддатли маблағлар тушунилади. Демак, инвестиция бу нафақат асосий фондларни кенгайтиришга маблағлар, банки қорхонанинг айланма воситаларини шакллантиришга ва уларни тўлдиришга ажратилган харажатлар ҳамдир. Хўжалик фаолияти объектларига ажратилган узоқ муддатли капиталнинг кўйилиши шунда ўзини оқлайдики, агар улар фойда олишга ва самарадорликка эришишга имконият яратса. Инвестиция бозори капитал ва молиявий қўйилмалар йўли билан асосий ва айланма воситаларга харажатларни шакллантиришни билдиради.

Молиявий ва реал инвестиция турлари мавжуд. Биринчиси, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишни, шунингдек, ишлаб чиқаришга мақсадли пул кўйишни кўзда тутади. Реал инвестиция -бу капиталнинг асосий фондларини такрор ишлаб чиқаришга моддий ишлаб чиқариш захираларини кўшимча ўстириш мақсадида кўйишдир. Реал инвестиция - капитал қўйилмалар дейилади. Миллий ҳисоблар тизимида реал инвестиция деганда, асосий капиталга ва моддий ишлаб чиқариш воситалари кўшимча ўсишга ажратилган қўйилма тушунилади.

Бозор шароитида қимматбаҳо қоғозларнинг бир неча турлари мавжуд:

- эгаларига акционерлик жамияти воситаларидаги ҳиссасига ва унинг фаолиятидаги даромад олишга гувоҳ ҳуқуқини берувчи, акционерлик жамияти акциялари;

- хужжатларни чиқарувчи, эгалари ва шахслар ўртасида қарз муносабатларга гувоҳлик берувчи облигациялар;

- давлатнинг қарз мажбуриятларидаги қимматбаҳо қоғозлар, бунда қарздор давлат ҳисобланади;

- эгасининг сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқига, гувоҳлик берувчи ясама қимматбаҳо қоғозлар (масалан, вексел, хусусийлаштириш чеки)

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида инвестиция қуйидаги йўналишларга бўлинади:

- эскирган ва ишдан чиққан инвестицияларни алмаштириш;
- янги технологияларни жорий қилиш ва замонавий техника асбоб-ускуналарни қўллаш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни камайтириш;
- ишлаб чиқаришнинг янги турларини ривожлантириш. Қишлоқ хўжалигида инвестициянинг шаклланиши қўйилган маблағларнинг қайтиш тезлигини ҳисобга олгандаги иқтисодий асосда амалга оширилади. Бунга юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ва унинг таннархининг пасайиши шароитидагина эришилади.

Инвестиция қўшимча соф даромад олиш билан ва маблағларнинг қайтиш муддатини қисқариши билан бевосита алоқадордир. Қоплаш муддати қанча оз бўлса, инвестицияга рағбат шунча кўп бўлади, чунки инвестиция жараёни оқибатида маблағларнинг қайтиши узоқ муддатга чўзилса, сарфланган ресурсларнинг қадрсизланиши рўй беради. Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган соф даромад янги ишлаб чиқаришга қўйилиши мумкин.

Мамлакат агросаноат мажмуи барча тармоқларини қамраб олган иқтисодий инқироз инвестиция сиёсатида анча жиддийроқ намоён бўлди. Ишлаб чиқариш ва моддий-техника ресурслари тақсимоли ўртасидаги алоқанинг узилиши, бозор инфратузилмасининг йўқлиги ва мувофиқликнинг бузилиши, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳолари ҳамда sanoat товарлари ва хизматлари баҳолари ўртасидаги тенгсизликнинг кучайиши, қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантириш тармоққа қўшимча маблағлар ажратмасдан туриб, амалда мумкин эмаслигини кўрсатди.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция сиёсатининг зарурий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Рақобатбардош лойиҳаларни конкурс асосида танлаш.
- Харажатларнинг тез қопланиши мўлжалини олиш.
- Инвестиция маҳсулотини сотиш бозори ва унинг сифатини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий асослаш.
- Рақобатчиларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолиятини: жонлантирмасдан туриб, ишлаб чиқариш таназзулидан чиқиш, молиявий барқарорликка эришиш ва тармоқ иқтисодиётини кўтариш мумкин эмас.

Инвестиция умумий ва соф инвестицияларга бўлинади. Соф инвестиция капитал қўйилмалар ва амортизация ажратмалари миқдори айирмасидан ташкил топади. У хусусий ресурслардан самарали фойдаланган тақдирда қанча қўшимча маблағ қўйиш талаб этилишини кўрсатади. Соф инвестиция (Ис) қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$Ис = КҚ - А,$$

бу ерда, КҚ - тармоқдаги капитал қўйилмалар ҳажми, сўм;

А - асосий фондлар эскиришидаги амортизация миқдори, сўм.

Инвестициядан фойдаланишни таҳлил қилиш маблағларни биринчи навбатда энг муҳимроқ объект ва ишлаб чиқаришларга йўналтириш зарурлигини аниқлашга имкон беради.

*У қуйидаги тартибда олиб борилади:*

- Даставвал энг зарур бўлган инвестиция аниқланади. Масалан, товар ишлаб чиқарувчига трактор, автомобиль сотиб олиш ва сигир сақлаш учун комплекс куриш зарур. Шу объектлардан ҳозирда энг муҳимроғи инвестициялаш учун танлаб) олинади.

- Мавжуд воситалар учун, товар ишлаб чиқарувчи банк кредитидан фойдаланадими ёки йўқми бундан қатъи назар, дастлабки тўловлар миқдори ўрнатилади. Бу товар ишлаб чиқарувчининг тўлов қобилиятлилигини ўрнатиш ва унинг ишлаб чиқаришни инвестициялаш бўйича мақсадининг жиддийлигини аниқлаш учун талаб этилади.

- Шу инвестиция туридан йиллар давомида маблағ тушиши баҳоланади. Масалан, трактор, автомобиль ёки сут комплексида фойдаланилади.

- Товар ишлаб чиқарувчи инвестициядан фойдаланишга рози бўлгач, банк кредити бўйича фоиз ставкаси танланади.

- Йиллар давомида қўйилган маблағни соф даромадга таққослаш йўли билан пул маблағларининг жорий миқдори ҳисобланади.

- Инвестиция вариантини танлаш ҳақида қарор қабул қилишади. Бундай ҳолда, агар шу маблағдан келган соф даромад инвестиция капитали миқдоридан кўп бўлса, унда шу вариант оптимал деб тан олинади.

Инвестициялаш вариантини танлашни келажакдаги даромадни дисконтирлаш ёрдамида ўтказиш мумкин. Товар ишлаб чиқарувчи капитал товарни сотиб олиш ва сотиб олиш харажатларини таққослашдан келиб чиққан ҳолда, амалга оширади. Кутилаётган даромад, капитал товарни унинг хизмат муддати давомида фойдаланишдан тушадиган ҳар йилги тушумидан

йиғилади, бунда инвестициялаш бир вақтда амалга оширилади. Шу муносабат билан шу капитал товарга инвестиция миқдорини аниқлаш талаб этилади. Бу шу шарт биланки, маълум бир муддат фойдаланганда керакли даромад олинадиган бўлсин. Бундай ҳисоб-китобларни келажакдаги даромадларни дисконтирлаш деб, шу пайтдаги капитал товар учун тўланадиган керакли маблағ эса, дисконтирлашган қиймат деб қабул қилинган. Дисконтирлашган қиймат (Дк) фоиз ставкасига боғлиқ. Ҳар йили бир хил миқдордаги даромадда дисконтирлашган қиймат қуйидаги формулада топилади:

$$Дк = \frac{А}{(1+Ф)^{й}}$$

бу ерда, А - банкнинг йиллик фоиз ставкасида қўтилиши мумкин бўлган пул;  
 ф - фоиз ставкаси, %;

Й - йиллик даромадлар қутилаётган давр, йил. Масалан, агар товар ишлаб чиқарувчи 5%ли ставкада, икки йилдан кейин 22000 сўм пул олишини хоҳласа, унда дисконтлашган қиймат қуйидагига тенг бўлади:

$$Дк = \frac{22000}{(1+0,05)^2} = 19954.$$

Агар қўйилган маблағдан келадиган ҳар йиллик даромад, турлича бўлса, унда дисконтирлашган қийматнинг миқдори (Дкм) қуйидаги формулада аниқланади:

$$Дкм = \frac{П_1}{(1+Ф)} + \frac{П_2}{(1+Ф)^2} + \dots + \frac{П_n}{(1+Ф)^n},$$

бу ерда, П<sub>1</sub>, П<sub>2</sub>, ..... П<sub>n</sub> - ҳар йиллик даромаднинг қутилаётган миқдори, сўми;

Н - йиллик даромадлар қутилаётган давр, йиллар сони. Масалан, биринчи йили даромад 33000 сўмни, иккинчи йил 66000 сўмни ва учинчи йил 44000 сўмни ташкил этган. Ҳар йиллик 8%ли ставкада дисконтлашган қиймат қуйидагига тенг бўлади:

$$Дкм = \frac{33000}{(1+0,08)} + \frac{66000}{(1+0,08)^2} + \frac{44000}{(1+0,08)^3} =$$

$$= 30555 + 56584 + 34929 = 122068 \text{ с.}$$

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги инвестициясига бир қатор омиллар таъсир қилади. Шулардан баъзиларга товар ишлаб чиқарувчилар таъсирини ўтказиши мумкин, бошқалари эса, ташқи шароитларга боғланган ва товар ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ эмас. *Товар ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ омилларга қуйидагилар киради:*

- Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва моллар маҳсулдорлиги.
- Биринчи навбатдаги инвестиция объектларини танлаш.
- Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш.
- Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси.
- Инвестиция хусусияти: ўзоқ муддатли, қисқа муддатли.
- Меҳнат унумдорлиги даражаси ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

*Товар ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлмаган омилларга қуйидагилар киради:*

- Қишлоқ хўжалик маҳсулот ва саноат маҳсулотлари баҳолари.
- Кредит учун фоиз ставкаси.
- Инфляция жараёни.
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги.
- Баҳолар нисбатини ҳисобга олган ҳолда, маҳсулотга бўлган талаб.
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришнинг муқаррарлиги.
- Маҳсулотга қўйиладиган жаҳон баҳолари.

Хўжалик фаолияти объектларига узоқ муддатли капиталнинг қўйилиши, улар фойда олишга ва ижтимоий самарадорликка эришгандагина ўзини қоплайди. Инвестиция самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш маълум бир давр давомида макроиқтисодий кўрсаткичлар қўшимча ўсиши муносабатларига асосланади. Умумий самарадорлик кўрсаткичи соф маҳсулот қўшимча ўсишининг шу даврдаги инвестиция ҳажмига нисбати сифатида аниқланади. Бозор муносабатларга ўтиш шароитида, юқори даражадаги инфляцияда бу кўрсаткич инвестиция самарадорлиги тўғрисида аниқ тушунча бермайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигидаги инвестицияни ва йиллар бўйича ялпи даромад динамикасини таққослаш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция самарадорлиги даражаси бевосита уларни молиялаштириш манбаларига боғлиқ. Энг паст даражадаги самарадорлик имтиёзли инвестиция кредитларида кузатилади. Нисбатан яхшироқ иқтисодий натижаларга давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган

инвестицияларда эришилади. Баъзида кредит механизми орқали ёки бюджетдан бевосита молиялаштириш воситаси сифатида давлат томонидан инвестицияга ажратилган маблағлар мақсадли фойдаланилмасдан, балки иш ҳақи учун тўловларга, илгари олинган кредитларни қоплашга ва молиявий фаоллар билан бўладиган операцияларга ишлатилиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Инвестициянинг қайтарилиши олинган фойдани инвестициянинг умумий ҳажмига бўлиб топилади ва фоизларда ифодаланади:

$$\text{Икд} = \frac{\text{Ф}}{\text{Иух}} \cdot 100$$

бу ерда, Икд - инвестициянинг қайтарилиш даражаси, %;

Ф - фойда, сўм;

Иух - инвестициянинг умумий ҳажми, сўм.

Инвестициянинг қайтарилиши даражаси кредит учун фоиз ставкалари билан таққосланади. Бу ҳолда, агар инвестициянинг қайтарилиш даражаси кредит учун фоиз ставкасидан юқори бўлса, унда товар ишлаб чиқарувчининг капитал қўйилмадаги миқдорини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Капиталнинг меъёрий самарадорлиги ва инвестициянинг меъёрий самардорлиги бир-биридан фарқ қилади. Капиталнинг меъёрий самарадорлиги - бу кўшимча маблағнинг бир сўмидан келадиган қайтими. Инвестициянинг меъёрий самардорлиги - бу капитал товарнинг таклиф ва талаб баҳолари ўртасидаги мувозанат ўрнатилганда, кредит учун фоиз ставкасидир. Фоиз ставкаси қанча юқори бўлса, кредитга талаб шунча паст бўлади. Бошқа томондан, фоиз ставкаси қанча паст бўлса, кредитнинг таклифи шунча юқори бўлади.

## ***2. Капитал қўйилмалар тушунчаси, фойдаланишнинг асосий йўналишлари, таркиби ва молиялаштириш манбалари***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида ҳаракатдаги асосий воситаларнинг аста-секин эскириши, сўнгра эса, ҳисобдан чиқарилиш рўй беради, бу уларнинг оддий ёки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқаради. Асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришни молиялаштириш: капитал қўйилмалар манбалари ҳисобига амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигида капитал қўйилмалар деб ҳаракатдаги асосий воситаларни тиклашга ва кенгайтиришга йўналтирилган пул воситаларига айтилади.

Капитал қўйилмалар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга бўлинади.

*1.Ишлаб чиқариш* капитал қўйилмаларга маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради. Бу харажатлар трактор, қишлоқ хўжалик машиналари, ишчи ва маҳсулдор моллар, бинолар ва иншоотлар, йўл қурилиши ва бошқаларга сарфланади. Ишлаб чиқариш капитал қўйилмаларига, иқтисодий моҳияти бўйича, шунингдек, асосий подани вужудга келтириш харажатлари ҳам киради. Лекин мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизимида капитал қўйилмалар тизимида бу харажатлар кирмайди ва алоҳида ҳисобга олинади. Асосий пода учун капитал қўйилмалар асосан, брак қилинган, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

*2.Ноишлаб чиқариш* капитал қўйилмаларига уй-жой қурилиши, маданий-маиший бинолар ва соғлиқни сақлашга сарфланган харажатлар киради.

Капитал қўйилмалар - бу потенциал асосий воситалар бўлиб, улар-маълум объектлар фойдаланишга топширилгандан кейин асосий воситаларга айланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда капитал қўйилмалардан фойдаланишни асосий йўналишлари қуйидагилардир:

1 .Ўсимликчилик ва чорвачилик ишлаб чиқариш бинолари, устахоналар, уй-жой, маданий-маиший объектлар ва бошқаларнинг капитал қурилиши ҳамда реконструкцияси.

2.Ишлаб чиқариш қуроллари (машина-ускуналар), ишчи ҳайвонлар сотиб олинади, шунингдек, маҳсулдор ҳайвонлар подасини шакллантирилади.

3.Ерларни мелиорациялаш, кўпйиллик дарахтларни ўтқозиш, ҳосилга киргунча ўстириш ва бошқалар.

Бевосита қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилган пул воситаларидан ташқари, бутун комплекс ишлар бўйича қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланган капитал қўйилмалар ўзига қуйидаги бир қатор харажатларни олади:

1.Давлат ва жамоа хўжаликларини техника билан таъминлайдиган корхона ҳамда ташкилотлар қурилиши учун воситалар.

2.Қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот муассасалари қурилиши.

3.Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича корхоналар барпо қилиш.

4.Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа мақсадларга.

Маълум бир даврга мўлжалланган капитал

қўйилмаларнинг жами қиймати ўз (капитал қўйилмаларнинг) тўпламини ташкил қилади (КҚ) Капитал қўйилмаларнинг сифими (КҚС) деганда, 1 га ер майдонига (қишлоқ хўжалигининг яроқли ерига, ҳайдаладиган ерга) тўғри келадиган капитал қўйилмалар суммаси - (Ер) ёки 1 мол ўрни (Мў)га тўғри келган капитал қўйилмалар суммаси тушунилади ва қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\text{КҚС} = \frac{\text{КҚ}}{\text{Ер}}; \text{КҚС} = \frac{\text{КҚ}}{\text{Мў}}$$

Капитал қўйилмаларнинг миқдор ва сифат хусусияти уларнинг таркибини, яъни у ёки бу элементнинг умумий ҳажмдаги нисбатини акс эттиради.

Капитал қўйилмаларнинг тармоқ, такрор ишлаб чиқариш ва технологик тузилиши мавжуд. Капитал қўйилмаларнинг тармоқ тузилиши қишлоқ хўжалигида турли тармоқлар ёки ишлаб чиқариш турлари бўйича инвестициялар нисбатини ифодалайди. Такрор ишлаб чиқариш нуқтаи назардан тузилиши капитал қўйилмаларнинг турли йўналишлари бўйича фойдаланиш салмоғини ифодалайди. Технологик тузилиш эса, ускуналарга, қурилиш-монтаж ва лойҳа-қидирув ишларига фойдаланиладиган капитал қўйилмаларнинг салмоғини ифодалайди.

Капитал қўйилмаларнинг таркибий тузилиши:

*I. Тармоқ тузилиши:*

1. Чорвачилик бинolari қурилиши ва жиҳозлаш,
2. Сув хўжалиги қурилиши.
3. Электрлаштириш.
4. Боғлар ва боғда кўпйиллик дарахтлар барпо қилиш.
5. Тракторлар, машина ва ускуналар сотиб олиш.
6. Уй-жой ва маданий- маиший қурилиш.

*II. Такрор ишлаб чиқариш тузилиши:*

1. Ишлаб чиқаришни реконструкцияси.
2. Мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш.
3. Янги қурилиш.

*III. Технологик тузилиши:*

1. Ускуналар.
2. Қурилиш-монтаж ишлари.
3. Лойиҳа-қидирув ишлари.
4. Бошқа қўйилмалар.

Хўжалик юритишнинг барча шакллари ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг барча турлари учун умумий ишлаб чиқаришда мустақиллик

ва ўзини-ўзи молиялаштиришни тақозо қиладиган, бозор иқтисодиёти шароитида капитал қўйилмаларни молиялаштиришни бош манбаи сифатида хусусий манбалар - асосий воситалар амортизацияси, фойда ва бошқалар ҳисобланади. Бунда амортизация ажратмалари оддий такрор ишлаб чиқариш манбаи сифатида, фойда эса, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий воситаларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш манбаи сифатида ташкил топади. Агар шу мақсадларга хусусий воситалар етмай қолса, банк кредитлари жалб қилинади. Давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида катта миқдордаги пул воситалари асосий подани ташкил қилишга сарфланади. Маҳсулдор ва иш ҳайвонлари асосий подасини ташкил қилиш харажатлари ва молиялаштириш манбаи умумий ҳолда, капитал қўйилмаларга қўшилмайди. Давлат корхоналарининг подани ташкил қилиш харажатлари хусусий воситалари ҳисобига молиялаштирилади: брак қилинган молларни сотишдан келган ишчи ҳайвонлар амортизацияси ва бошқа манбалар. Агар бу маблағлар корхонада етишмаса, у ҳолда, молиялаштириш банк кредитлари ҳисобига амалга оширилади. Давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига бюджет воситалари фақат муҳим мақсадларни (йирик ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларига, мелиорацияга ва бошқаларга) молиялаштиришга ажратади.

Жамоа хўжаликларида капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг бош манбаи хусусий воситалардир. Унта амортизация ажратмалари, вояга етган маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларни сотишдан келган пул тушуми, хўжалик ўрмонидан дарахт сотиш, соф даромаддан ажратмалар, асосий воситалар суғуртаси қайтими ва бошқа манбалардир. Давлат хўжаликларидан фарқ қилган ҳолда, жамоа хўжаликлари хусусий маблағлари етмай қолганда, капитал қўйилмаларни молиялаштириш банкнинг фақат узоқ муддатли кредитлари орқали қопланади. узоқ муддатли кредит миқдори капитал қўйилмалар харажатининг режадаги ҳажми ва жамоа хўжалигининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб аниқланади. Хўжаликлараро корхоналар ва бирлашмаларда капитал қўйилмаларни молиялаштириш пайчилар ажратган воситалар ҳисобига, амортизация ажратмалари ва бирлашма ҳамда уларнинг кенгаши низоми аниқлаган миқдорда фойдадан ажратмалар ҳисобига амалга оширилади. Давлат корхоналарида, қишлоқ хўжалик кооперативларида ва акционерлик корхоналари ҳамда бирлашмаларида капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаи - таъсисчиларнинг пул ва материал бадаллари, қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигация)дан келадиган даромадлар, хайрия бадаллари, корхона, ташкилот ва фуқароларнинг эҳсонлари ҳисобланади.

Дехқон хўжалиги асосий воситаларни оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ўз маблағлари ҳисобига амалга оширадилар. Улар зарур бўлиб қолганда, банкдан узоқ ва қиска муддатли ссудаларни давлат корхоналари амал қиладигани қоидалар асосида олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, шахсий мол-мулкларини гаровга қўйиб, ипотека банклар кредитларидан фойдаланадилар.

### **3. *Капитал қўйилмалардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари***

- Қишлоқ хўжалигида капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги деганда, режадаги ёки ҳақиқатдаги эришилган самарани, шу самарага эришишга олиб келган капитал қўйилмаларга нисбати тушунилади. Қишлоқ хўжалигида капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш: учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Қайси мақсадда аниқланишига қараб капитал қўйилмаларнинг умумий (мутлак) ёки таққослама иқтисодий самарадорлиги аниқланади. Капитал қўйилмаларнинг умумий (мутлак) иқтисодий самарадорлиги капитал қўйилмаларнинг натижасини баҳолашда, шунингдек, режалаштиришда ва лойиҳалаштиришда, қайсики, соф маҳсулот, соф даромад ёки фойдани аниқлаш имконияти бўлганда ҳисобланилади. Капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлиги умумий (мутлак) коэффициенти, шунингдек, капитал қайтими кўрсаткичи (Кқай), соф маҳсулот, соф даромад ёки фойданинг қўшимча ўсишини шу ўсишни таъминлаган капитал қўйилмаларга нисбати билан ўлчанади:

$$СМ:СД:Ф$$

$$Кқай. = \frac{СМ:СД:Ф}{Кқўйил}$$

$$Кқўйил$$

Капитал қўйилмалар, агарда олинган умумий (мутлак) самарадорлик коэффициенти меъёридан кам бўлмаса, шунингдек, олдинги, ҳақиқатдагидан кам бўлмаса, самарали ҳисобланади. Капитал қўйилмаларнинг умумий (мутлак) самарадорлигининг тескари кўрсаткичи улариинг қоплаш муддати ҳисобланади (ҚМ) ва капитал сиғими кўрсаткичи дейилади.

$$Кқўйил.$$

$$ҚМ = \frac{Кқўйил}{СМ:СД:Ф}$$

$$СМ:СД:Ф$$

Қоплаш муддати, самарадорликнинг тескари кўрсаткичи бўлганлиги учун у қуйидагича ҳам ҳисобланади:

$$1$$

$$ҚМ = \frac{1}{СМ:СД:Ф}$$

Кқайт.

Капитал кўйилмалар, бошқа барча тенг шароитларда қисқа муддатларла қопланса, у анча самарали ҳисобланади. Масалан, 0,07 коэффиценти капитал кўйилмаларнинг 14 йилда қопланишини билдиради.

Қишлоқ хўжалигида капитал кўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги, шунингдек, ердан - бош ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни яхшилаш билан ҳам ифодаланиши мумкин. Шунинг учун капитал кўйилмаларнинг умумий (мутлақ) самарадорлигини билвосита кўрсаткичи 1 га қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерга ёки 1 га ҳайдаладиган ерга тўғри келадиган қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг (қиймат шаклида) кўшимча ўсиши ҳисобланади.

СМ.ЯМ

Кқай.= ----- .

К/Х ЯЕ ёки ХЕ

Қишлоқ хўжалигида капитал кўйилмалар умумий (мутлақ) иқтисодий самарадорлигини, шунингдек, капитал кўйилмалар ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ошиши ва маҳсулот ёки бажарилган иш таннархининг пасайиши билан ҳам тавсифланади.

Меҳнат харажатларини пасайиши қуйидагича аниқланади:

Мутлақ  $X = X_a - X_b$  ;

$$\text{Нисбий } X = \frac{X_a - X_b}{X_a} \cdot 100 ,$$

бу ерда,  $X$  - меҳнат харажатларини пасайиши, к/с, %;

$X_a$  - капитал кўйилмагача меҳнат харажати, к/с;

$X_b$  - капитал кўйилмадан кейинги меҳнат харажати, к/с.

Маҳсулот ва бажарилган иш таннархининг пасайиши қуйидагича аниқланади:

Мутлақ  $T = T_a - T_b$  ;

$$\text{Нисбий } T = \frac{T_a - T_b}{T_a} \cdot 100 ,$$

бу ерда,  $T$  - таннархининг пасайиши сўм, %;

$T_a$  - капитал кўйилмагача таннарх, сўм;

$T_b$  - капитал кўйилмадан кейинги таннарх, сўм.

Капитал кўйилмаларнинг таққослама иқтисодий самарадорлиги хўжалик бир қанча вариантларини, янга: техникани жорий қилишни, ҳаракатдаги корхона ёки алоҳида иншоотларни реконструкция қилиш ё бўлмаса, янгисини қуришни таққослашда ишлатилади. Капитал

қўйилманинг таққослама иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи энг кулай вариантда келтирилган харажат миқдори ҳисобланади (КХ)

$$КХ = X + КК \cdot МК,$$

бу ерда, X - жорий ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх), сўм;

МК - капитал қўйилмалар самарадорлигининг меъёрий коэффициенти.

Келтирилган харажатлар ўз ичига жорий ишлаб чиқариш харажатларини ва капитал қўйилмалар таққослама иқтисодий самарадорлиги бир хил миқдорда ягона меъёрий коэффицент орқали келтирилган капитал қўйилмаларни олади. Қишлоқ хўжалик учун капитал қўйилмаларнинг таққослама иқтисодий самарадорлиги меъёрий коэффициенти 0,12 га тенг деб тавсия қилинган, ўсимликчилик учун - 0,20, чорвачилик учун - 0,08. Бу шуни билдирадики, маҳсулот таннархи пасайишидан қилинган тежам 1 сўмлик қўшимча капитал қўйилмага 12,20 ва 8 тийиндан кем бўлмаслиги керак.

Таққосланаётган вариантларда келтирилган харажатлар суммаси қанча оз бўлса, бошқа барча тенг шароитларда капитал қўйилма шунча самарали бўлади.

Қуйидаги мисолда бу яққол кўзга ташланади:

*I вариант II вариант*

Т 8800 м.с 10560 м.с

КК 26400 м.с 17600 м.с

МК 0,12 0,12

*I вариант:*  $КХ = 8.800 + 26,400 \cdot 0,12 = 8.800 + 3.168 = 11.968$  м.с

*II вариант:*  $КХ = 10.560 + 17.600 \cdot 0,12 = 10.560 + 2.112 = 12.672$  м.с

Мисолдан шу нарса кўриниб турибдики, бошқа тенг шароитларда I вариант гарчи у 1,5 барабар кўп капитал қўйилма талаб қилса ҳам анча самарали. Келтирилган харажат I вариантда 11698 м.с, II вариантда эса, 12672 м.с.

#### *4. Янги машиналарни иқтисодий баҳолаш ва кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари*

Ўз вақтида қишлоқ хўжалик техникасини такрор ишлаб чиқариш, анча юқори техник-иқтисодий кўрсаткичга эга бўлган янги машинадан фойдаланишни кенгайтириш - қишлоқ хўжалигида техника сиёсатини амалга оширишнинг асосий масалаларидан бири. Янги техника яратишдаги ишда бош йўналиш хар бир табиий-иқтисодий зонада иш шароитини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаштириш учун юқори унумли, иқтисодий ва ишончли машиналар тайёрлашдир. Қишлоқ хўжалигида янги техникани жорий

қилишнинг маълум тартиби ўрнатилган ва ҳаракат қилмоқда. Машиналарнинг янги конструкцияси ва тажриба намуналари асосан, махсус конструкторлик бюроларида, илмий-тадқиқот институтларида, тажриба станцияларида ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқилади. Янги техникани ишлаб чиқаришга жорий қилишдан олдин у давлат, маъмурий ва хўжаликларда синалади. Синовдан яхши ўтган машиналар, ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Анча такомиллашган машинани алмаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги меҳнат унумдорлигининг ўсишида, маҳсулот (иш, хизмат) таннархининг пасайишида, ишларни қулай муддатда амалга ошириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ўз ифодасини топади. Бу ҳамма омиллар қишлоқ хўжалик техникасини баҳолашда ҳисобга олинади. Янги техникадан фойдаланишдан олинган йиллик иқтисодий самара (таклиф этилаётган, кутилаётган, режалаштирилган, ҳақиқатдаги) келтирилган харажат тежами бўйича ва қуйидагича аниқланади:

$$\text{ЙС} = (\text{Тб} + \text{НК} \cdot \text{ККСб}) - (\text{Тя} + \text{НК} \cdot \text{ККСя}) \cdot \text{Кхят} ,$$

бу ерда, ЙС - йиллик иқтисодий самара, сўм;

Тб, Тя - маҳсулот (иш, хизматлар) бирлиги таннархи, база ва янги вариантда, сўм;

ККСб, ККСя - капитал қўйилмаларнинг база ва янги вариантдаги (маҳсулот бирлиги ҳисобида) салмоғи, сўм;

МК - капитал қўйилмалар самарадорлигининг меъёрий коэффициенти 0,15 га тенг;

Кхят - ҳисобланган йилда янги техникани жорий қишш ҳажми.

Агар янги техника натижаларини фойдаланишда ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати ўзгарса (анча юқори харид нархи шароитида), унда йиллик иқтисодий самара маҳсулотнинг, ялпи фойданинг қўшимча ўсишини ҳисобга олиб аниқланади:

$$\text{ЙС} = (\text{Тб} + \text{НК} \cdot \text{ККСб}) - (\text{Тя} + \text{НК} \cdot \text{ККСя}) + (\text{Ня} - \text{Нб}) \cdot \text{Кхят}$$

бу ерда, Ня ва Нб - янги ва база вариантыда маҳсулот бирлигининг харид нархи, сўм.

Юқори сифатли маҳсулот сотишнинг йиллик иқтисодий самараси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{ЙС} = (\text{ФҚЎ} - \text{НК} \cdot \text{ККСя}) \cdot \text{Кхят}$$

бу ерда, ФҚЎ - юқори сифатли ва илгариги маҳсулотни сотишдан келган фойданинг қўшимча ўсиши, сўм.

## ***5. Капитал қўйилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Қишлоқ хўжалиги капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишнинг фойдаланилмаган анчагина имкониятлари ва резервлари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Капитал қўйилманинг комплекслигини ва пропорционаллигини таъминлаш. Ўсимликчиликда қишлоқ хўжалик техникасига, ерларни мелиорациялашга, деҳқончиликни кимёлаштиришга маблағни уйғунлаштириш зарур. Чорвачиликда бино ва иншоотларни қуриш харажатларини асосий сермахсул подани яратиш, шунингдек, комплекс механизацияни жорий қилиш харажатлари билан қўшиб олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, мелиоратив ҳисобига озуқа базасини яхшилаш, озуқа цехлари ва омухта ем заводлари ҳамда цехлари қурилиши билан боғлаш зарур.

2. Воситаларни сарфлаш ва иқтисодий самара олиш ўртасидаги вақтни, фарқни қисқартириш, айниқса, капитал қурилишда. Қишлоқ хўжалиги қурилишида капитал қўйилмалар ҳажми йилдан-йилга ўсиб боради ва бир вақтнинг ўзида тугалланмаган қурилиш ҳажми кўпаяди. Бунинг асосий сабабларидан бири қурилишлар муддатининг чўзилиб кетиши. Ҳозир қишлоқ хўжалик объектлари қурилишнинг ўртача меърий муддати 3,5 йилни ташкил этади.

3. Маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш тежамкорлик режимида каттиқ риоя қилиш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини юритишнинг илғор усулларидан фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш капитал қурилишининг тежамкорлигини ошириш.

4. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари хусусиятларига қараб, ҳаракатдаги асосий воситаларнинг реконструкциясига инвестицияни кўпайтириш. Реконструкцияга кетган харажатлар янги қурилишга ажратилган маблағларга қараганда 2-2,5 марта тезроқ қопланади, бунда асосий воситаларнинг маънавий эскириши муддати 10-15 йилга сурилади.

5. Қурилишдаги капитал қўйилмаларни керакли меҳнат ва моддий ресурслар билан, айниқса, қурилиш материаллари билан тўла таъминлаш.

6. Хўжалик ҳисоби муносабатларидан фойдаланиш асосида капитал қурилиш муддатининг қисқариши ва қурилиш-монтаж ишларидаги тежамкорлик ҳамда сифатни ошириш учун ходимлар моддий манфаатдорлиги.

7. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ва ҳ.к.

**ТОПШИРИҚ**

## Топшириқнинг мазмуни

- 1.Капитал маблағларни молиялаштириш манбалари таҳлил қилинсин.
- 2.Капитал маблағларни асосий йўналишлар ( тармоқлар ва объектлар)бўйича фойдаланиш ўрганилсин.
- 3.Тугалланмаган қурилиш қиймати аниқлансин.
- 4.Капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги аниқлансин.

### 1-жадвал

#### Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари

Манбалар	Миқдори,сўм	Жамига нисбати, %
1.Бюджетдан ва хусусий маблағлар,жами Шу жумладан: -бюджет -фойда -амартизация ажратмалари 2.Марказлашган манбалар, жами 3.Бошқа манбалар, жами Узоқ муддатли кредитлар ЖАМИ ( 1+2+3+4 ) 5.Пай тўловлари бўйича бошқа ташкилотлардан олинган ва қурилиш объектларини қабул қилиш бўйича олинган воситалар 6.ҲАММАСИ (1+2+3+4)		

### 2-жадвал

#### Капитал қўйилмаларнинг тармоқлар ва объектлар бўйича ташкил топиши

Тармоқлар ва объектлар	Миқдори,сўм	Жамига нисбати ,%
1.Саноат корхоналари ва ишлаб чиқариши,жами 2.қишлоқ хўжалиги корхоналари Шу жумладан: -сув хўжалиги қурилиши Шундан: -ерларни суғориш 3.Сув хўжалиги (ишлаб чиқариш объектлари бўйича) 4.қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига Мўлжалланган объектлар, -ўсимликчилик бўйича		

### Тугалланмаган қурилишнинг қиймати

Тугалланмаган қурилиш қиймати	Микдори, сўм
1. Ҳисобот йили бошига тугалланмаган қурилиш, шу жумладан, ишлаб чиқаришга мўлжалланган	
2. Ҳисобот йили охирига тугалланмаган қурилиш, шу жумладан, ишлаб чиқаришга мўлжалланган	
3. Йил охирида йил бошига нисбатан тугалланмаган қурилиш қийматининг кўпайиши (+) ёки камайиши (-)	

### Ўсимликчилик ва чорвачилик бўйича капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги

Капитал қўйилмалар самарадорлигининг кўрсаткичлари	Ўсимликчилик бўйича	Чорвачилик бўйича	Қишлоқ хўжалиги бўйича
1. сўмлик капитал қўйилмаларга тўғри келган: а) ялпи маҳсулот, сўм б) ялпи даромад, сўм в) соф даромад (+) ёки зарар (-) Капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати, йил			

### Саволлар

1. Капитал қўйилмалар деб нимага айтилади?
2. Капитал қўйилмаларнинг манбалари нималар?
3. Капитал қўйилмаларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдаги роли.
4. Капитал қўйилмаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари.
5. Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ошириш омиллари ва имкониятлари.

## **IV БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

### **14-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ**

*«Мақсад - қишлоқ хўжалиги соҳасида  
ишлаб чиқариш самарадорлигини  
кескин ошириш, қишлоқда яшаётган  
халқимизнинг ҳаёт даражасини  
кўтариш, улар учун муносиб шарт-  
шароитларни яратайдан иборат  
бўлмоғи керак».*

**И.Каримов**

#### ***1. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси, унинг кўрсаткичлари ва мезони***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат билан ифодаланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичдаги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йиғиндисига боғлиқ. Бир томонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш озиқ-овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши ҳамда қийинлашиши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари қийматининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради.

Бошқа томондан, ҳозирги босқичдаги жамиятнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатда тўпланган иқтисодий потенциал, фан ва техниканинг ривожланиши, малакали кадрлар, омманинг фаоллиги, уларнинг тажрибаси, шунингдек, юқори пировард натижаларга омманинг моддий қизиқишининг ўсиши ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни купайтиришга шароит яратади, таннархни пасайтиради ва рентабелликни ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ҳақида масала кўрилганда, «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларининг бир хил эмаслигини кўзда тутиш керак. «Самара» термини қандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси-ишлаб чиқаришнинг мақсадини амалга оширувчи пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига маълум даврдаги ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий натижаси йиғиндисини олади, бошқа томондан-ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг ҳажмида мужассамлашган бўлади.

«Самара» - қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шаклида (натура ва пулда) ишлаб чиқариш ресурси, харажат, фойда соҳасида эса, иқтисодий, шунингдек, ходимларининг яшаш ва ишлаш шароитини ҳам акс эттирувчи ижтимоий ўсиш бўлиши мумкин.

Лекин самара қанчалик муҳим бўлса ҳам, ўз-ўзидан кишининг меҳнат фаолиятини тўлик тавсифламайди, қандай ресурс (харажатлар)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурс (харажат)лар турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда қатнашган ресурслар (харажатлар) билан таққослаш зарурияти келиб чиқади.

Бундан кўринадики, самара (натижа) деб аталган мутлақ миқдор билан бир қаторда яна бир мутлақ миқдор қўлланилган ёки истеъмол қилинган ресурслар (жорий ишлаб чиқариш харажатлари) ҳажмини билиш зарур.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий самаранинг (натижанинг) ресурсларга (харажатларга) нисбати ёки аксинча, усул билан аниқланади:

$$ИС = \frac{С(н)}{P(x)}; \text{-----} .$$

## Р(х) С(н)

Иқтисодий самарадорлик даражаси кандай баҳодаги ресурслар ҳисобига иқтисодий самарага эришилганлигани билдиради. Самара канча катта ва харажат шунча кам бўлса, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги шунча катта бўлади ва аксинча. Ресурслар ва иқтисодий самарадорлик ўртасида маълум бир алоқа мавжуд. Харажатлар икки хил бўлиши мумкин: жонли ва буюмлашган. Жонли меҳнат, асосий ва моддий айланма воситаларнинг мутлақ миқдори ресурслар (харажатлар) сифатида, улар миқдорининг камайиши ва уларни тежаш - иқтисодий самара шаклида кўринади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги моҳияти, унинг критерияси ва кўрсаткичлари орқали амалга ошади.

Мезоннинг илмий тушунчаси маълум бир белги, баҳо ўлчовини ифодалайдиган асосий сифати унинг муҳим хоссасидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги мезони жамиятга керак бўлган ер майдони бирлигидан чиқадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг олинishi, шу билан бир қаторда, ишлаб чиқаришнинг тежамлилиги ва юқори сифатини таъминлашдир.

Кўрсатилган мезон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадига - тармоқ маҳсулотига аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондиришга жавоб беради ва унинг ютуқлари йўлини - ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда интенсивлаштириш асосида тизимли равишда ишлаб чиқаришни пасайтиришни аниқдаб беради. Шу билан бирга бу мезонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти энг аввало, ер ресурслари билан мустаҳкам алоқасини акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигида самара ва ресурсларнинг босқич даражасига қараб, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги турларга бўлинади: халқ хўжалиги, тармоқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги, давлат, кооператив корхоналар, ижара жамоалари, деҳқон хўжаликлари самарадорлиги, айрим қишлоқ хўжалик тармоқлари ва маҳсулотлари самарадорлиги, алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари, шунингдек, алоҳида хўжалик тадбирлари - агротехник, зоотехник, ветеринария, техника, иқтисодий-ташкилий муносабатлар ва бошқа ларнинг самарадорлиги аниқланади.

Халқ хўжалиги самарадорлиги озик-овқатга бўлган истеъмолни ва саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тармоқ умумдавлат, халқ хўжалик топшириқлари ва муаммоларини ҳал қилишда молиявий ҳиссаси нуқтаи назаридан баҳоланади. Тармоқ самарадорлиги ресурслар потенциалидан фойдаланишда, халқ хўжалигининг шу тармоғида

самара (натижа) ва ресурс (харажат) ўртасидаги эришилган нисбатнинг натижасини акс эттиради.

Давлат ва кооператив корхоналар, ижара жамоалари, деҳқон хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги тармоқ самарадорлиги бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш самарадорлиги деҳқончилик, чорвачилик ва шу тармоқлар маҳсулотлари - ғалла, пахта, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқаларнинг пировард иқтисодий натижаларини тавсифлайди.

Янги шароитда, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш жараёнида амалга ошириладиган турли хўжалик тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш анча муҳим ҳисобланади. Бундай тадбирлар жумласига экин майдонларининг турли таркиби, қишлоқ хўжалигининг янги навлари, илғор технология ва алоҳида агротехник тадбирлар (тупроқни ишлаш, экиш, ҳосилни йиғиш ва бошқа усуллар), ҳайвонларнинг янги зоти, пода тузилмаси, озиклантириш рациони ва бошқаларнинг самарадорлиги киради.

## ***2. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий самарадорликни аниқлашда объектив иқтисодий қонунларни моддий ишлаб чиқаришнинг шу тармоғида кўриниш шакллари ифодаладиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Иқтисодай самарадорлик кўрсаткичлар тизимининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқариш ресурслар самарадорлигини умумлашган ҳолда акс эттиришдан, унинг мезонининг мутлақва нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимига асослаш, турли хусусиятда иқтисодий самарани ўлчаш ҳамда турли хусусиятдаги ресурслар ва харажатларни ўлчаш сифатида ҳам зарурдир. Улар ўзининг иқтисодий табиати билан ҳам ва ҳар доим ҳам таққослаб бўлмаслиги туфайли фарқ қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади. Хусусий кўрсаткичларга, маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги, ер қайтими, фонд қайтими, материал қайтими, маҳсулот таннархи ва шуларга тесқари кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичлар натижа сифатида, саноатнинг хом ашёга, аҳолининг озик-овқатга бўлган эҳтиёжини анча тўлароқ қондиришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадини анча тўлароқ акс эттиради. Шунини таъкидлаш лозимки, умумий самара фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори билан эмас, балки қўйилган

мақсадга боғлиқ ҳолда, бошқа ҳажм кўрсаткичларга ҳам эга. Масалан, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш самарасини бош вазифа - истеъмол қиймат яратиш нуктаи назардан; товар маҳсулот-қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ижтимоий эҳтиёжни қондириш нуктаи назаридан; соф маҳсулот (ялпи даромад) такрор ишлаб чиқаришнинг икки томони - истеъмол ва жамғариш -бирлигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш учун; фойда ва соф даромад - ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол қийматга бўлган манфаатини қондириш нуктаи назаридан тавсифланади.

Шу билан бирга, кишиларнинг истеъмолини қондириш даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат миқдорига эмас, балки сифатига ҳам боғлиқ. Маҳсулот сифатини яхшилаш бир томондан озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорининг кўпайганлигини билдирса, енгил саноат учун қишлоқ хўжалик хом ашёси сифатининг яхшиланиши аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга имконият яратади.

Меҳнат унумдорлиги ёки меҳнат қайтими маълум вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига сарфланган жами меҳнат харажатларининг самарадорлигини тавсифлайди. Ер қайтими қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Фонд қайтими қишлоқ хўжалигига тааллуқли асосий ишлаб чиқариш воситаларида мужассамлашган, буюмлашган меҳнат харажатлардан қай даражада самарали фойдаланаётганлигини кўрсатади. Материал қайтими барча турдага моддий ресурсларда, шу жумладан, буюмлашган меҳнат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Маҳсулот бирлига таннархи умумлашган ҳолатда жами истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қандай даражадаги харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.

Алоҳида ресурслар ва харажатлардан фойдаланишни тавсифлайдиган бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мутлақ самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидир. Масалан, асосий фонд қайтимида, алоҳида трактор, комбайн, маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа; айланма фонд қайтимида, алоҳида уруғдан фойдаланиш, ем-хашак ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш бўйича ҳам ўрганилади. Демак, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бир томондан ишлаб чиқариш ресурслари ва самара (натижа) ўртасидаги нисбатни ва бошқа томондан, жорий ишлаб чиқариш харажатлари билан самара ўртадаги нисбатни ифодалайди, бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг иккита концепциясини - ресурс ва харажат вужудга келтиради. Ресурс концепцияси -

такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, харажатлар конценцияси - шу ресурсларнинг истеъмол қилинган қисми самарадорлигани баҳолашга имкон беради. Мақсадга қараб ресурс ёки харажатлар концепцияси ёки икковидан ҳам бир вақтда фойдаланилиши мумкин.

Қабул қилинган самарадорликни концепцияларига мос равишда кўрсаткичлари ҳам аниқланади:

1 та ходимга, 1 киши/соатига, 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга, 100 сўмлик асосий воситага, 100 сўмлик айланма воситаларига тўғри келган самара қўлланилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди. 100 сўм иш ҳақиға, амортизация ажратмасига, моддий айланув воситаларига ҳамда маҳсулот таннархига тўғри келган маҳсулот таннархга киритилган барча бевосита ва билвосита харажатлари самарадорлигини ифодалайди.

Келтирилган хусусий кўрсаткичлар, маълумки умумий самара (натижани)ни алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари харажат тури миқдорига нисбатини аниқлайди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида умумий самара (натига)нинг вужудга келишида алоҳида ресурс (харажат)лар қатнашади. Демак, ҳар бир ресурс (харажат) умумий самара (натига)нинг вужудга келишида иштирок этади. Бу услубий жиҳатдан маълум даражада хато бўлса ҳам, умумий самара ана шу ишлаб чиқариш ресурсларининг биргаликдаги фаолияти натижасидир. Шунинг учун ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигани ҳар томонлама ва аниқ баҳолаш учун, алоҳида усулда ҳисобланадиган кўрсаткичларни, ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсининг умумий самарани яратишдаги ролини ва уларнинг ишлаб чиқариш пировард натижасига таъсирини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар билан тўлдириш лозим. Бунинг учун эластиклик, детерминация коэффицентларидан, шунингдек, иқтисодий-математик моделидан фойдаланиш керак бўлади.

Ҳисоблаш ҳар қанча мураккаб бўлса ҳам, битта умумлаштирувчи шундай кўрсаткич керакки, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини миқдорий жиҳатдан тўлиқ баҳолайдиган бўлиши керак. Бу вазифани бажариш учун умумлаштирувчи кўрсаткич маълум бир қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1.У ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий қонунларидан келиб чиқиши.

2.У ишлаб чиқаришнинг пировард натижасини жами ресурслар ёки жами харажатлар билан таққослашни таъминлайдиган кўп факторли бўлиши.

3. Бу кўрсаткич самарадорликни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг турли даражаларида, ижара жамоаларидан бошлаб бир бутун қишлоқ хўжалиги бўйича очиб бериши.

4. Бу кўрсаткич билан ҳисоблаш методик нуқтаи назаридан оддий ва қулай бўлиши керак.

Юқорида баён қилинган, ишлаб чиқариш самара (натижа)си ва ишлаб чиқариш ресурс (харажат)лари тўғрисидаги асосий методологик шароитларга мос, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичига бўлган талабни ҳисобга оладиган кўрсаткич ресурс қайтими (ресурс сиғими) ҳисобланади. У қўлланилган ресурслар патенциалидан фойдаланшнинг самарадорлиги тавсифлайди. Харажатлар концепцияси самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи - рентабеллик ҳисобланади ва истеъмол қилинган ресурсларнинг қайтимини ифодалайди.

### **3. Иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари**

Қишлоқ хўжалига ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги: кўп ва турли-туман омиллар ҳамда шароитлар таъсири остида шаклланади. Қишлоқ хўжалига ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг қийинлиги шундан иборатки, бу омиллар бир-биридан алоҳида мустақил ҳаракат қилмайди. Улар бир-бири билан мустақкам алоқада ва боғлиқдир. Бу омилларни уч аспектда ўрганиш тавсия этилади:

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари:

I. Ресурслар ва харажатлар бўйича –

1. Меҳнат сиғими.

2. Ер сиғими.

3. Фонд сиғими.

4. Материал сиғими.

II. Вужудга келишининг асосий йўналишлари –

1. Технология.

2. Ихтисослаштириш ва концентрация.

3. Меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнат ҳақи.

4. ФТТ ва илғор тажриба.

5. Хўжалик ҳисоби ва ижара.

III. Хўжалик юритиш даражаси бўйича –


1. Халқ хўжалиги.

2.Тармоқ.

3.Ички хўжалик.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи ресурслар потенциалининг сифат омиллари ҳам мавжуд бўлиб, у қуйидаги чизмада кўрсатилган:

Ишлаб чиқариш муносабатлари нуқтаи назаридан самарадорликнинг муҳим омили - бу кишиларнинг самарали меҳнатга уйғотувчи ва бозор муносабатларини ривожлантиришга бўлган мотивлари ҳисобланади, уларни куйидаги чизмада кўриш мумкин:



Маълумки, соф даромад ва фойда - икки хил иқтисодий категориядир. Агар соф даромад вужудга келган барча қўшимча маҳсулот қийматини ифодаласа, фойда. - товар маҳсулотини сотишдан олинган қисминигина ифодалади. Соф даромаднинг бир қисми баҳо ва солиқ сиёсати ҳамда ҳар хил тўловлар орқали давлат ва маҳаллий буюджетларга бориб тушади, умумхалқ эҳтиёжлари учун ишлатилади. Фойда - сотилган товар маҳсулотидан тушган пул маблағидан шу маҳсулотни тўла ишлаб чиқариш харажатларининг (марказлашган тўловлар ҳам шунга киради) чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Самарадорликнинг энг муҳим қиймат кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

ЯМ

$$1. C = \frac{\text{ЯМ}}{\text{ИХ} + \text{Е} \cdot \text{АФ}}$$

ИХ+Е•АФ

бу ерда, С - самарадорлик;

ЯМ - ялпи маҳсулот;

ИХ - ишлаб чиқариш харажатлари;

Е - 0,15 асосий фондлар иқтисодий самарадорлигининг меъёрий коэффициенти;

АФ - асосий фондлар.

ЯД

$$2. C = \frac{\text{ЯД}}{\text{ИХ} + \text{Е} \cdot \text{АФ}};$$

ИХ+Е •АФ

СД

$$3. C = \frac{\text{СД}}{\text{ИХ} + \text{Е} \cdot \text{АФ}};$$

ИХ+Е• АФ

Ф

$$4. C = \frac{\text{Ф}}{\text{ИХ} + \text{Е} \cdot \text{АФ}};$$

ИХ+Е•АФ

4. Меҳнат унумдорлиги:

ЯМ

$$1. C = \frac{\text{ЯМ}}{\text{МС ёки ХС}};$$

МС ёки ХС

$$2. C = \frac{ЯД}{МС \ ёки ХС};$$

$$4. C = \frac{СД}{МС \ ёки ХС};$$

МС - меҳнат сиғими; ХС - ходимлар сони.

5. *Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича қўйидаги кўрсаткичлар аниқланади:*

6. *Фондлардан фойдаланиш самарадорлиги:*

$$ФК = \frac{ЯМ}{АФ}; \quad ФС = \frac{АФ}{ЯМ}.$$

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳар бир сўм харажатга ва қўлланилган ресурсларга кўпроқ маҳсулот ва фойда олиш демакдир. Бу эса, бутун халқ хўжалиги учун ҳам, қишлоқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга эга:

1. Маҳсулот бирлигига меҳнат ва ресурслар қанча кам сарфланса, мавжуд ресурслардан кўпроқ маҳсулот олинади ва улар арзон бўлади.

2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш катта иқтисодий самара беради. Агар республика бўйича меҳнат унумдорлиги 1% га оширилса, ҳисоб-китобларга Қараганда бир йилда қўшимча 0,3 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти олинади. Шунингдек, маҳсулот таннарини 1% га тушуриш ҳам тахминан 0,2 млрд. сўмлик ялпи фойда келтиради. Асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини 1% га ошириши эса, 0,6 млрд. сўмлик капитал қўйилгани камайтиради.

3. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлиги қишлоқ хўжалик хом ашёсидан тайёрланадиган озиқ-овқат ва кенг истеъмол буюмларига қўйиладиган баҳоларнинг даражаларига ҳам боғлиқ. Чунки харажат кам бўлса, эркин баҳолар ҳам бозорда пастроқ бўлади.

4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш хўжаликлар даромадининг кўпайишга ва рентабелликнинг ошишига олиб келади. Қанча кўп сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқарилса ва сотилса, ишлаб чиқарувчиларнинг даромади кўпаяди, кўпроқ ишлаб чиқаришни

ривожлантиришга, меҳнат ҳақини оширишга ва маданий-маиший шароитларга маблағ ажратилади

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топшириқнинг мазмуни**

1. Ялпи маҳсулот, ялпи даромад ва соф даромад ишлаб чиқариш бўйича қилинган жорий ва жами харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқлансин.
2. Ўсимликчилик ва чорвачилик бўйича сотилган маҳсулотнинг хўжалик ҳисобидаги рентабллиги аниқлансин.

**Ўсимликчилик ва чорвачиликда асосий ишлаб чиқариш фондларидан  
фойдаланиш ва жорий харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги**

Курсаткичлар	Ўсимликчили к бўйича	Чорвачили к бўйича	Бутун қ/х бўйича
100 сўмлик ишлаб чиқариш фондлари қиймати ва 100 сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари тўғри келган: а) ялпи маҳсулот жорий баҳоларда б) ялпи даромад, в) соф даромад			
<i>Эслатма:</i> 1. Жорий ишлаб чиқариш харажатлари А) Ўсимликчилик бўйича _____ сўм Б) Чорвачилик бўйича _____ сўм В) Бутун қ/х бўйича _____ сўм			
2. Асосий: ишлаб чиқариш фондлари қиймати: А) Ўсимликчилик бўйича _____ сўм Б) Чорвачилик бўйича _____ сўм В) Бутун қ/х бўйича _____ сўм			
3. Ялпи маҳсулот жорий баҳоларда: А) Ўсимликчилик бўйича _____ сўм Б) Чорвачилик бўйича _____ сўм В) Бутун қ/х бўйича _____ сўм			
4. Ялпи даромад: А) Ўсимликчилик бўйича _____ сўм Б) Чорвачилик бўйича _____ сўм В) Бутун қ/х бўйича _____ сўм			
5. Соф даромад: А) Ўсимликчилик бўйича _____ сўм Б) Чорвачилик бўйича _____ сўм В) Бутун қ/х бўйича _____ сўм			

## Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотининг рентабеллиги

№	Маҳсулот турлари	Сотилган маҳсулотнинг тўлиқ таннарихи, сўм	Маҳсулот сотишдан келган тушум, сўм	Фойда (+) Зарар(-), сўм	Рентабеллик(+) Зарарлилик (-), %
1.	Ғалла ва ғаллабоп шу жумладан: дон учун маккажўхори				
2.	Пахта				
3.	Картошка				
4.	Очиқ усулдаги сабзавот				
5	Полиз				
6	Мева ва резаворлар				
7	узум				
	Ўсимликчилик бўйича жами				
8	Йирик шохли қорамол				
9	Чўчка гўшти				
10	Қўй ва эчки гўшти				
11	Ҳар хил парранда гўшти				
12	Сут				
13	Жун				

14	Қоракўл тери				
15	Асал				
16	Пилла				
	Чорвачилик бўйича жами				
	Қ/х бўйича жами				

### **Саволлар**

1. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси нима?
2. Иқтисодий самарадорлик мезони ва кўрсаткичларини айтинг.
3. Иқтисодий самарадорликни қайси йўллар билан ошириш мумкин?
4. Самарадорликни қайси йўллар билан ошириш мумкин?

**15-БОБ.ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЯЛПИ ВА ТОВАР  
МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАҚРОР ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ**

*«Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тад-  
биркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи  
ички маҳсулотини шакллантиришида асо-  
сий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даро-  
модлари манбаининг, миллий фаро-  
вонликка эришишининг муҳим омили ҳам  
бўлиши даркор».*

**И.Каримов**

***1. Ялпи маҳсулот тушунчаси, унинг таркиби, ҳисоблаш  
ва баҳолаш. Ялпи маҳсулотни тақрор ишлаб чиқариш  
турлари ва омиллари***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пировард натижаси ялпи маҳсулотдир. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти деганда, шу тармоқнинг маълум бир давр ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдорининг йиғиндиси тушунилади. Унинг таркибига фақат деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари киради.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти натура ва қиймат кўрсаткичларда ҳисобга олинади. Натурал кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида яратилган истеъмол қийматларининг таркиби ва миқдорини акс эттиради. Центнер, тонна ва бошқа ўлчовларда ҳисобланадиган ялпи маҳсулот курсаткичига, деҳқончиликда - алоҳида экинлар ёки бир хил турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари асосий маҳсулотлари, ёш кўпйиллик дарахтларнинг ва деҳқончиликдага тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг (кузги экинларнинг экиш ва келгуси йил ҳосили учун харажатлар) ўсишидаги ўзгаришлар, шунингдек, тармоқнинг бошқа (қўшимча) маҳсулотлари (сомон, похол ва бошқалар); чорвачиликда - тайёр маҳсулотнинг алоҳида турлари бўйича (сут, жун, тухум ва бошқалар) ялпи тушум: бола, моллар ва паррандалар тирик вазнининг ўсиши, шунингдек, тармоқнинг бошқа қолдиқ маҳсулотлари (гўнг ва бошқалар) киради.

Тармоқлар бўйича қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби қуйидагича бўлади:

### **Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти**

#### *1. Деҳқончилик маҳсулотлари:*

- а) қишлоқ хўжалик экинлари асосий маҳсулотининг ялпи ҳосили;
- б) кўпйиллик дарахтларни ўстириш;
- в) тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғидаги ўзгариш (кузги экинлар харажати);
- г) қўшимча маҳсулот (сомон, похол ва бошқалар)

#### *II. Чорвачилик маҳсулотлари:*

- а) қорамол ва паррандалардан хўжаликда фойдаланишдан олинган, маҳсулотлар (сут, жун, тухум, пилла, қоракўл тери ва бошқалар);
- б) қорамол ва паррандаларнинг ўсиши (тирик вазнда);
- в) бузоқлар, қўзи, улоқ ва бошқа олинган болалар;
- г) қолдиқ маҳсулотлар ( гўнг ва бошқалар )

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини қишлоқ хўжалик корхоналари ялпи маҳсулоти билан алмаштирмастик керак. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ялпи маҳсулоти анча кенг маънога эга бўлиб, у ўз ичига қишлоқ хўжалик маҳсулотидан ташқари ёрдамчи, саноат ва бошқа ишлаб чиқаришларни, иш ва хизматлари олади. Масалан, хўжаликда қайта ишланган (ун, ўсимлик, мол ёғи ва. ҳ.к.) деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ва бошқалар қишлоқ хўжалик маҳсулоти эмас, балки саноат маҳсулоти ҳисобланади. Улар ҳам қишлоқ хўжалик корхоналари ялпи маҳсулоти таркибига киради,

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини умумий ифодалаш учун таққослама ва жорий баҳоларда, шунингдек, маҳсулот таннархи бўйича баҳоланади. Маҳсулотнинг умумий ҳажмини, унинг йилар бўйича динамикасидаги ўзгаришларни аниқлаш учун, шунингдек, йиллик ва соатлик меҳнат унумдорлик даражасини, фонд қайтимини ҳисоблаш ҳамда бошқа мақсадлар учун ялпи маҳсулот таққослама баҳоларда баҳоланади. Ялпи маҳсулотни жорий баҳоларда баҳолаш соф даромадни ҳисоблаш учун фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотлари қиймати унинг таннархи бўйича ҳисобланади.

2003 йилда Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли хўжаликларда таққослама баҳоларда, яъни 1996 йилга. Таққослама баҳоларда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти 4355483 минг сўми, шу жумладан, ўсимликчилик бўйича 4178128 минг сўми, чорвачилик бўйича 177355 минг сўми ташкил этган. Шунингдек, таннарх бўйича баҳоланган ялпи маҳсулот жами 47231634 минг сўми, жумладан, ўсимликчиликда 39736337 минг сўми, чорвачиликда 1884052 минг сўми ташкил этган.

Республика бўйича ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўзгариши қишлоқ хўжалигида айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўсиш суръатларида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалик ялпи ички маҳсулоти 1996 йилда (олдинги йилга нисбатан солиштирма баҳоларда) - 6,5%, 1997 йилда - 5,8%, 1998 йилда - 4%, 1999 йилда - 5,9%, 2000 йилда об-ҳавонинг, айниқса, сув ресурсларининг танқислигига қарамасдан - 3,2% кўпайди.

Пулда ифодаланган деҳқончилик ялпи маҳсулоти кўрсаткичи (ДЯМ) қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосили қиймати (ЭЯХК), кўпйиллик дарахларни ўстириш харажатлари қиймати (КЙДЎҚ), тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматидаги ўзгаришлар ва бошқа маҳсулотлар қиймати (Т ишлаб чиқариш ва БМК)дан ташкил топади.

$$\text{ДЯМ} = \text{ЭЯХК} + \text{КЙДУҚ} + \text{Т и/ч ва БМК}.$$

Чорвачилик ялпи маҳсулоти (ЧЯМ) эса, моллар ва паррандалардан хўжаликда фойдаланиш натижасида олинган маҳсулотлар қиймати (МПМҚ); мол ва паррандалар тирик вазни ўсишининг қиймати (ТВЎҚ), олинган бола қиймати (ОБҚ) ва бошқа маҳсулот қиймати (БМК)дан ташкил топади,

$$\text{ЧЯМ} = \text{МПМҚ} + \text{ТВЎҚ} + \text{ОБҚ} + \text{БМК} .$$

Пулда ифодаланган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти тармоқда барча яратилган моддий бойликларга умумлашган тавсиф беради. У қишлоқ хўжалигининг жами ижтимоий маҳсулотдаги салмоғини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқ тузилмасининг даражаси ва динамикасини, алоҳида категориядаги корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ролини, ишлаб

чиқариш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун зарур, умумиқтисодий кўрсаткич сифатида ҳаракат қилади.

Қишлоқ хўжаликда - пулда ифодаланадиган ялпи маҳсулот кўрсаткичларининг бир қатор камчиликлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Ялпи маҳсулот фақат жонли меҳнат эмас, балки буюмлашган меҳнатнинг ҳам натижасидир. Шунинг учун ялпи маҳсулот бўйича ҳисобланган кўрсаткичлар, жонли меҳнатни тежаш ҳисобига юқори бўлмасдан, балки моддий ресурсларни кўп сарфлаш ҳисобига амалга ошади.

2-Ялпи маҳсулотни ҳисоблашнинг ҳозирги, яъни деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари суммасини қўшиб ҳисоблаш услуби такрорий ҳисоблашга йўл қўяди. Масалан, ем деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам маҳсулотлар таннархи моддасида икки марта ҳисобга олинади.

3. Ялпи маҳсулотни жорий харид баҳоларда баҳолаш, униинг ҳақиқий қийматини пасайтиради, яъни ялпи маҳсулотнинг товар бўлмаган қисми таннарх бўйича баҳоланади. У харид баҳосидан соф даромаднинг миқдорича кам бўлади, яъни ялпи маҳсулотнинг қиймати қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг товар бўлмаган қисмини ишлаб чиқаришга кетган, қўшимча меҳнатни ҳисобга олмайди.


4. Ялпи маҳсулот кўрсаткичи ҳар доим ҳам маълум корхона жамоасининг реал меҳнат хиссасини акс эттирмайди, чунки унинг миқдори бошқа тармоқлардан келадиган материал ресурсларнинг ҳажмига ҳам боғлиқ.

5. Таққослама баҳоларда ҳисобланган ялпи маҳсулот кўрсаткичи, унинг сифатини тўлиқ акс эттирмайди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти фойдаланишига қараб, икки қисмга бўлинади. Биринчи қисми (уруғ, ем, бузоқлар учун ажратилган сут, инкубатор учун тухум ва бошқалар) бевосита қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш мақсадлари учун истеъмол қилинади. Бошқа қисми эса, пировард маҳсулот дейилади ва сотиш учун фойдаланилади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида «ялпи айланма» тушунчаси ҳам ишлатилади. Ялпи маҳсулотдан фарқ қилиб, ялпи айланма ўз ичига ҳамма ялпи маҳсулотни олади, яъни ички ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиганини ҳам, сотиладиганини ҳам. Ялпи айланма ялпи маҳсулотдан ички ишлаб чиқариш айланмасининг миқдорига кўпдир. Қишлоқ хўжалигида, бошқа тармоқлардан фарқ қилиб, ялпи айланма ва ялпи маҳсулот бир-бирига тенг. Чунки ялпи маҳсулот ялпи айланма усули бўйича ҳисобланади, яъни унга ички хўжалик айланмаси ҳам киради. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида ялпи айланма кўрсаткичи ҳисобланмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тўхтовсиз ва ўсиб бораётган истеъмоли уни ишлаб чиқариш жараёнини такрорланиб ва

янгилаиб туришини, яъни такрор ишлаб чиқаришни зарур қилиб қўяди. Такрор ишлаб чиқариш икки хил: оддий ва кенгайтирилган бўлади. Оддий такрор ишлаб чиқаришда жамғариш бўлмаганлиги учун ишлаб чиқариш жараёни илгариги ҳажмда, яъни ўзгармаган ҳолда, такрорланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда, ишлаб чиқариш ҳажми, жамғармадан фойдаланган ва кенгайган ҳолларда такрорланиб, янгиланиб туради. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда экстенсив ва интенсив йўллардан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш учун куйидаги омиллардан фойдаланилади:



Экстенсив омилларга ишлаб чиқариш ресурсларининг миқдорини акс эттирадиган миқдорий омиллар киради. Ходимлар сонининг, экин майдонларининг, моллар бош сонининг, асосий ва материал, айланма воситалар ҳажмининг кўпайиши ёки камайиши ялпи маҳсулот миқдорининг ўзгаришига олиб келади. Лекин: қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурслари - иш кучи, ер, озуқа, чорвачилик бинолари ва бошқалар - чегаралангани учун экстенсив асосда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўнгайтириш асосий омил ҳисобланмайди.

Шунинг учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни, ҳаракатдаги ресурслар потенциалидан фойдаланишни сифат жиҳатдан яхшилашга асосланган интенсив омиллар асосида кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу омиллар ичида ҳал қилувчи қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини оширишдир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига маблағни кўпайтириб, меҳнат, ер ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиб, мавжуд ўзлаштирилган ер ресурслари ҳамда мавжуд мол бош сонидан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва моллар маҳсулдорлигини ошириш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот миқдорида экин майдонлари ва пода айланмаси таркиби муҳим таъсир кўрсатади. Экин майдонлари таркибини такомиллаштириш деганда, ҳосилдорлиги паст экинлар ўрнига ҳосилдорлиги юқори бўлган экинларни алмаштириб, уларнинг салмоғини ошириш тушунилади. Анча юқори ҳосилли экинлар билан экин майдонларини янада кенгайтириш деҳқончилнк маҳсулотлари ялпи ҳосилини кўпайтириш имконини беради.

Чорвачиликда пода айланмаси таркибини такомиллаштириш, подадаги анча маҳсулдорли моллар, шунингдек, подада соғин сигирлар, она қўйлар, эчкилар ва бошқалар салмоғини ошириш тушунилади.

Подада сигирлар салмоғини ошириш дегани, масалан, бир бош сигирдан озуқани кам миқдорда оширган ҳолда, сут ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришдир.

Мамлакат озиқ-овқат фондиди кўпайтиришнинг муҳим манбаи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги йўқотишларни тугатиш, улардан фойдаланишни яхшилашдир. Чунки ҳар йили ишлаб чиқариш, сақлаш, ортиш-тушириш қоидаларига амал қилмаслик, шунингдек, маҳсулот сифатининг бузилиши ҳисобига неча миллионлаб сўм зарар кўрилмоқда.

## ***2. Ялпи маҳсулотнинг тақсимланиши***

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти қиймат шаклида қоплаш фондини (ҚФ) ёки материал харажатларни (МХ) ва соф маҳсулотни (СМ) ёки ялпи даромад (ЯД)ни ўз ичига олади.

$$ЯМК = (ҚФ)МХ + (СМ)ЯД .$$

СМ янгидан яратилган қийматдир, яъни қишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг ўз меҳнатлари билан реал яратилган қийматдир.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг ривожланишида соф маҳсулот кўрсаткичи хўжалик ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини баҳолашда ва ишлаб чиқариш ҳажмини улчашда асбоб сифатида катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, соф маҳсулот меҳнат предметларининг такрорий ҳисобини ўз ичига олмайди, у харажатларни тежаш механизмининг муҳим элементи сифатида ҳам кўринади. Соф маҳсулот ва ялпи даромад ўртасидаги фарқ шундан иборатки, соф маҳсулот янгидан яратилган қийматнинг миқдорини бевосита ишлаб чиқариш жараёнида тавсифлайди, яхши даромад эса, сотиш жараёнини ҳисобга олиб, яъни айрибошлаш воситасидан кейин акс эттиради. Амалиётда бу икки кўрсаткич ҳам ялпи маҳсулот қийматидан моддий харажатларни айириб ташлаб топилади, шунинг учун уларнинг миқдори ўртасида айтарли даражада кескин фарқ бўлмайди. Соф маҳсулот кўпроқ ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш зарур бўлганда, яъни ишлаб чиқаришнинг физик ҳажмининг, меҳнат унумдорлигининг, фонд қайтимининг динамикасини аниқлаш учун ишлатилади. Жорий хўжалик фаолиятида кўпинча ялпи даромаддан фойдаланилади, чунки у янгидан яратилган қийматнинг сотилган қисмини акс эттириб, маҳсулот сотишдан келган тушум ва фойда кўрсаткичлари билан алоқадордир.

Қишлоқ хўжалигида ялпи даромадни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади. Таннарх бўйича ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматига, маҳсулот сотишдан олинган фойда қўшилади. Ҳосил бўлган ялпи маҳсулот қийматидан жорий йилдаги барча моддий харажатларни айириб ташлаб, ялпи даромад топилади:

$$ЯМК + \Phi(3) - МХ = ЯД$$

Ялпи маҳсулот даромадни ҳисоблаш усули Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли хўжаликлар ҳисоботи маълумотлари (2003 йил) асосида кўрсатилган:

*Кўрсаткичлар*

млн., сўм

1. Таннарх бўйича баҳоланган ялпи маҳсулот - 47231,6
2. Маҳсулот сотишдан олинган фойда - 1609,9
3. Маҳсулот сотишдан келган зарар - 2136,0

4.Жами ялпи маҳсулот қиймати - 46705,5

5.Моддий харажатлар - 30149,3

6.Ялпи даромад - 16556,2

Ялпи даромад миқдори ялпи маҳсулот ҳажми билан тўғри боғланган ва моддий харажатлар миқдори билан тескари боғланган.

Ялпи маҳсулот миқдори қанча кўп бўлиб, моддий харажатлар шунча оз бўлса, ялпи даромад суммаси шунча кўп бўлади.

Ялпи ҳамда соф даромад барча турдаги харажатлар ҳисобига ташкил топади. Ялпи даромаднинг таркиби қуйидаги келтирилган формулада кўрсатилган:

$$ЯД = МХ + СД.$$

Моддий харажатлар ва меҳнат ҳақи фонди маҳсулот таннархини ташкил этишни билган ҳолда, соф даромадни ялпи маҳсулот қиймати ва таннарх ўртасидаги фарқ шаклида ҳам аниқлаш мумкин:

$$СД = ЯМК - Т$$

Соф даромадни ялпи даромад ва меҳнат ҳақи фонди ўртасидаги фарқ сифатида ҳам аниқлаш мумкин:

$$СД = ЯД - МХ .$$


Соф даромад давлатнинг марказлашган даромадига (ДМД), ноишлаб чиқариш сфераси харажатларини қоплашга кетадиган, ижтимоий истеъмол фондларига (ИИФ) ва жамғариш фондига (ЖФ) бўлинади:

$$СД = ДМД Қ + ИИФ + ЖФ.$$

Жамғариш фонди қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий ва зарурий захиралар яратиш манбалари ҳисобланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва имконияти жамғаришнинг мутлақ миқдорига ҳамда унинг соф даромаддаги ҳиссасига боғлиқ. Жамғаришнинг нисбий миқдорини аниқлаш учун унинг меъёри (ЖМ) ҳисобланилади. У соф даромаднинг жамғаришга йўналтирилган қисмининг жами соф даромад суммасига нисбати билан аниқланади:

$$ЖМ = \frac{ЖФ}{СД} \cdot 100 .$$

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тақсимланиши қуйдаги чизмада кўрсатилган:



Ялпи маҳсулот таркибида шахсий истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги рационал нисбат аҳамиятга эга.

Унинг ташкил топиши маҳсулотнинг таннархи ва баҳоси, бинобарин, харажатлар рентабеллиги даражасига боғлиқ. Республикада қабул қилинган «Меҳнат Кодекси», «Солиқ Кодекси» ва бошқа қонун ҳужжатларидан оқилона фойдаланиш истеъмол ва жамғарма фондлари ўртасидаги боғланишни таъмин этади ҳамда бозор иқтисодиёти самарадорлигини оширади.

### ***3. Товар маҳсулот тушунчаси, товарлилик даражаси ва уни ошириш имкониятлари***

Қишлоқ хўжалигининг товар маҳсулоти деганда, ялпи маҳсулотнинг барча сотиш каналлари орқали, яъни давлат матлубот кооперацияси, қишлоқ аҳлисига, деҳқон бозорида, ошхона орқали, болалар муассасаларига ва чет давлатларга сотадиган қисмига айтилади. Товар маҳсулотининг сотилган ва бу учун пул олинган қисми сотилган маҳсулот дейилади. Шунинг учун «Товар маҳсулот» тушунчаси «Сотилган маҳсулот» тушунчасидан кенгдир. Агар товар маҳсулотнинг ҳаммаси сотилса, у ҳолда, иккаласи тенг бўлади.

Хўжаликларнинг ҳозирга ҳисоботларида товар маҳсулотнинг реал миқдори ва қиймати аниқланмайди. Сотиш пайтида сатилган маҳсулот натурал формадан пулда ифодаланган қиймат шаклига ўтади. Сотилган маҳсулотнинг бир қисми ўша заҳотиёқ қиймат шаклини олади. Бу четга кўрсатилган хизматлар ёки бошқа корхоналар учун бажарилган ишларга олинган пул тушумидир. Бир бутун қишлоқ хўжалигининг ҳамда алоҳида қишлоқ хўжалик корхоналари ва маҳсулот турларининг товарлиги икки кўрсаткичда ифодаланади:

1. Товар маҳсулотининг массаси.
2. Товарлилик даражаси.

Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ўзи мустақил аҳамиятга эга, аммо товар фондининг мутлақ миқдори ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида товарлилик даражаси муҳим аҳамият касб этиб, у сотилган маҳсулотни ялпи маҳсулотга бўлиб топилади ва фоизларда ифодаланади. Алоҳида маҳсулот тури бўйича товарлилик даражасини сақлашда ялпи маҳсулот ва товар маҳсулот натурал кўринишда фойдаланилади. Маълум бир тармоқнинг ёки бутун қишлоқ хўжалигининг товарлилик даражасини аниқлашда ёки ҳар хил маҳсулот чиқарадиган турли тармоқ товарлик даражасини солиштирганда ялпи сотилган маҳсулотнинг қиймат кўринишида фойдаланилади. Бунда ялпи маҳсулот ва сотилган маҳсулот бир хил баҳода баҳоланиши мақсадга мувофиқдир. Амалиётда товарлилик даражаси қуйидагича ҳисобланади:

СМ; СМК

$$T_d = \frac{\text{СМ; СМК}}{\text{ЯМ; ЯМК}} \cdot 100 .$$

ЯМ; ЯМК

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг товарлилик даражаси икки омил: талаб ва таклиф билан аниқланади. Кўпчилик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси маҳсулотга бўлган ички ишлаб чиқариш истеъмолини чегаралаб, товарлилик даражасини кўтаришга ҳаракат қилади. Товар маҳсулот миқдорини кўпайтириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлиги ва моллар маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш. Масалан, 1 йилда 1 та сигардан 2500 кг сут соғиб олинса, унинг товарлилик даражаси 80% - 85% бўлса, 5000 кг соғиб олинганда, у 90% - 95% кўтарилиши мумкин;

2. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёнида сарфланишини қисқартириш.

3. Уруғлик ва емнинг сифатини яхшилаш, шунингдек, саноатда ишлаб чиқарадиган сунъий ва омукта озукалардан фойдаланиш.

4. Маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида, уни сақлашда ва сотишда йўқотишларни қисқартириш.

Корхонада маҳсулот сотишга катта имконият бўлиши мумкин, лекин ҳар бир маълум даврда маҳсулотга бозор талаби чегараланган бўлади. Бу эса, маҳсулотнинг тўлиқ сотилмаслигига, сотилмаган қолдиқнинг вужудга келишига олиб келади. Шунинг учун маҳсулот товарлилик даражасини кўтариш йўлларида бири яхши ташкил қилинган маркетингдир.

Айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг маълумотларини келтирамиз:

**Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига  
қаршли хўжаликларда айрим қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотларининг товарлилик даражаси (2003 йил)**

№	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот миқдори	Шундан сотилган маҳсулот	Товарлилик даражаси
1	2	3	4	5	6= (5:4)•100
1	Пахта	Ц	1657767	1657767	100,0
2	Дон	Ц	2548000	2054355	80,6
3	Сабзавот	Ц	217434	200262	92,1
4	Картошка	Ц	471:66	30009	63,6
5	Мева	Ц	37621	30611	81,4
6	узум	Ц	9071	7357	81,1
7	Полиз	Ц	22398	19887	88,8
8	Гўшт	Ц	7514	5813	77,4
9	Сут	Ц	8871	5232	59,0
К.	Тухум	Минг дона	48	13,7	28,5
11.	Пилла	Ц	16171	16171	100,0

#### ***4. Товар маҳсулотнинг сифати, уни яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари***

Бозорни озиқ-овқат ва хом ашё маҳсулотлари билан тўлдириш вазифаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини яхшилаш муаммоси билан мустаҳкам алоқада. Аҳолининг истеъмолини қондирадиган ҳар қандай маҳсулот, уни фойдали қиладиган маълум бир хусусият, хоссага эга бўлиши керак. Улар маҳсулотдаги истеъмол қийматининг моҳиятини акс эттиради. Агар истеъмол қиймати маҳсулотнинг умумий фойдалилигини ифодаласа, унинг фойдалилик даражаси, яъни маълум истеъмолни қаноатлантиришга объектив қодирлигини, маҳсулотнинг сифати тавсифлайди. Маҳсулот сифати деганда, уни маълум бир эҳтиёжини қондириш кераклигини зарур қилиб қўйган, маҳсулотдаги хусусиятлар тўплами тушунилади.

Маҳсулот сифати муҳим иқтисодий категориялардан бири бўлиб, у ишлаб чиқарига жараёни ва маҳсулот истеъмолида кишилар ўртасидаги ўзаро мустаҳкам муносабатларни ифодалайди. Ижтимоий истеъмол доимий эмас, сифатни яхшилаш тенденцияси объектив ва қонуниятли хусусиятга эга. Бу биринчи навбатда истеъмолнинг ошиши қонунининг харақати билан боғлиқ. Бунинг моҳияти шуки, жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши билан доимо уларнинг истеъмоли даражаси ошиб боради ҳамда уларда бир вақтнинг ўзида истеъмолни тўлароқ қондириш имконияти кенгаяди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаш фақат аҳолининг озиқ-овқатга бўлган истеъмолини тўлиқ қондирибгина қолмай, балки у қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим омилidir. Шунинг учун маҳсулот сифатини ошириш - бу пировард натижада унинг миқдори, ресурсларни тежаш, ижтимоий истеъмолни тўлароқ қондиришдир. Ривожланаётган бозор шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардош, яъни бозордаги маҳсулотларга қараганда анча юқори истеъмол хусусиятига ва катта талабга эга бўлиши керак.

Маҳсулот сифатига талаб истеъмолчилар, шунингдек, давлат органлари томонидаи шаклланади. Маҳсулот сифатига талабнинг шаклланишидаги устунлик истеъмолчига, бозорга, рақобатга тегишлидир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ишлаб чиқариш ресурслари - ишлаб чиқариш элементларининг иштироки ва таъсирида шаклланади. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳамда ишлаб чиқариш ресурслари сифати ўртасида кенг ҳаракатдаги бевосита ёки кўп поғонали алоқа ва боғланиш мавжуд. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

*I. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг сифати:*

1. Иш кучи сифати.
2. Фондлар билан қуролланиш.
3. Ходимлар малакаси.
4. Моддий рағбатлантириш.

*II. Ер ва бошқа табиий ресурслар сифати.*

*III. Моддий ресурслар сифати:*

1. Асосий воситалар сифати -
  - а) саноатдан келадиган.
  - б) қишлоқ хўжалигидан чиқадиган.
2. Моддий айланма воситаларнинг сифати -
  - а) саноатдан келадиган.
  - б) қишлоқ хўжалигидан чиқадиган.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ва уни таъминлашнинг етакчи омили иш кучининг сифати ҳисобланади. Фойдали меҳнат билан шуғулланувчи мамлакатнинг ҳар бир фуқароси маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича ўз муносабатларини қуйидагилар асосида амалга оширишлари керак:

- ўзаро ёрдам ва илғор тажрибаларни алмашиш;
- ҳар бир иш жойида меҳнат сифати ва унинг натижасига қаттиқ талабчанлик;
- маҳсулот сифати деган бош мезондан келиб чиқиб, ходимнинг профессионал усталити ва унинг меҳнатга тўланадиган ҳақини баҳолаш;
- ҳар бир кишининг - ишчидан то раҳбаргача ўз меҳнати сифати учун шахсий жавобгарлиги;
- меҳнат жараёнида маҳсулот сифатини пасайтириш мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятни оғоҳлантириш.

Ер ресурсларининг сифати иқлим шароитлари билан бирга фақат етиштириладиган экиннинг таркибини аниқлаб ва унинг миқдорига таъсир қилиб қолмасдан, балки унинг сифатига ҳам катта таъсир кўрсатади. Амалиёт хуни кўрсатадики, унумли тупроқда, ерда етиштирилган ҳосилнинг сифати ҳам яхши, юқори бўлади.

Моддий ресурслар сифати, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатига 2 томонлама таъсир кўрсатади. Биринчидан, асосий ва моддий айланма воситаларнинг анча юқори сифати, сифати оишрилган маҳсулот олишга, сотиш баҳосини оширишга ва пировард натижада даромадни оширишга имкон беради. Районлашган уруғ навларидан фойдаланиш фақат ҳосилдорликни ошириб қолмасдан, сифатини ҳам яхшилади. Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда емнинг тўйимлилиги сифати катта таъсир кўрсатади. Иккинчидан, анча сифатли моддий

ресурслар меҳнат, фонд ва материал сиғимларини пасайтиради, бу эса, ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишига олиб келади. Уруғ, ем ва бошқа айланма воситалар сифат тавсифларининг яхшиланиши маҳсулот бирлиги ҳисобига уларга қилинган харажатни пасайтиради. Ва аксинча, навлар ва экиладиган уруғ сифатининг ёмонлашиши, емларда озуқа моддаларининг, айниқса, протеиннинг пасайиши, маҳсулот таннархининг ўсишига олиб келади.

Бозорга олиб чиқиладиган ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулоти кишиларнинг истеъмолини қондириш даражаси бўйича текширувдан ўтади: ҳар бир харидор ўзининг истеъмолини қондирадиган маҳсулотни сотиб олади, харидорлар массаси эса, кишилар истеъмолини тўлароқ қондирадиган маҳсулотни сотиб олади, нисбатан маҳсулот рақобати ташкил топади. Шунинг учун маҳсулотнинг рақобатбардошлигини фақат рақобатдош маҳсулотларни ўзаро таққослаб аниқдаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, товар маҳсулотининг рақобатбардошлиги - бозорга ва сотиш вақтига аниқ боғлиқ бўлган нисбий тушунчадир.

Шуни билиш лозимки, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, харидор учун муҳим қизиқиш уйғотадиган унинг хоссаси орқали аниқланади. Бошқа барча параметрлар, бу чегарадан ташқаридаги, маҳсулотнинг рақобатбардошлигида рақобат шартларига алоқаси йўқ сифатида қараб чиқилмайди.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ўрганиш ўзлуксиз ва тўхтовсиз ўтказилиши керак. Бу агар рақобатбардошлик пасая борса, ўз вақтида маълум қарор қабил қилишга - шу маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш ёки тўхтатиш ёхуд унинг сифатини яхшилаш, бошқа бозорларга ўтказиш ва бошқаларга ўйлаб кўришга имкон беради. Башқа томондан, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, шу маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг самарасини оширади.

Ҳозирги кунда, яъни бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигида бир қанча маҳсулот сотиш каналлари вужудга келади ва уларнинг ҳаракат қилиши учун шароит яратилади.

Маҳсулотни сотиш каналлари деганда, сотишда иштирок этувчи ёки воситачилик қилувчи шахслар ва корхоналар тўплами тушунилади. Улар товарларни ўзларига ёки бошқа бир шахсга ўтказиш ҳуқуқини оладилар. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилувчи иқтисодий, технологик, ташкилий, ижтимоий ва бошқа жараёнлар тизимидир.

Сотиш каналлари бевосита ва билвосита каналларга бўлинади. Товарлар сотишнинг бевосита каналлари деганда, воситачиларсиз товарларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга кўчиб юриши тушунилади.

Бевосита канал орқали, масалан, сабзавот ва полиз маҳсулотлари деҳқон бозорларида, хусусий магазинларда, дўконларда сотилиши мумкин. Бундай усул билан, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маҳаллий аҳолига касса орқали нақд пулга сотилиши мумкин.

Билвосита сотиш каналлари мустақил воситачилардан фойдаланиш билан боғланган. Улар товарларни товар ишлаб чиқарувчилардан сотиб олади ва истеъмолчиларга етказиб беради. Воситачилар сифатида давлат ташкилотлари, матлубот кооперациялари, савдо ва саноат корхоналари чиқади.

Алоҳида қишлоқ хўжалик корхоналари учун маҳсулотларни турли каналлар орқали сотиш ҳам ташкилий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қийин масала. Корхоналар фаолиятининг пировард натижаси маълум даражада маҳсулотни тайёрлайдиган, сақлайдиган, ортадиган-туширадиган хизматларнинг ривожланишига боғлиқ. Шунинг учун қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулотни тайёрлашни ва сотишни ташкил қилиш бўйича барча масалаларни ҳал этиш заруряти туғилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш каналлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

*I. Давлатга сотиш:*

- давлат фондига;
- минтақавий фондга;

*II. Эркин сотиш:*

- деҳқон бозорида;
- корхона ходимларига ва маҳаллий аҳолига;
- биржада;
- чакана савдонинг бошқа ташкилотларига, корхоналарига;
- шартнома, мажбурият бўйича ташкилот ва корхоналарга;
- бошқа ташкилотлар билан бартер битимлари.

*III. Умумий оватланиш корхоналарига.*

Бозор иқтисодиётига ўтишда давлатга сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажми кескин қисқариб боради ва бозор каналлари бўйича сотиш ошиб боради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш йўлларини танлашда, албатта, сотиш соҳаси билан боғлиқ харажатлар сарфланади. У **трансакция харажатлари** дейилади. Бу харажатлар ўз ичига баҳо тўғрисидаги ахборотларни излаш, ҳамкорларни танлаш, шартномалар тузиш, шунингдек,

мулкни ҳимоя қилиш каби харажатларни олади. Трансакция харажатларининг даражаси ҳар доим ҳам олдиндан аниқланавермайди. У маҳсулотнинг хусусияти, уни ишлаб чиқариш технологияси, айрибошлашдаги ҳамкорларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш йўлларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

### **Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари:**

#### *1. Қайта ишлаш:*

- а) улгуржи савдо корхоналари;
- б) чакана савдо корхоналари;
- в) пировард истеъмолчи.

#### *2. Деҳқон бозорлари;*

#### 3. Тайёрлов ташкилотлари:

- а) улгуржи савдо корхоналари;
- б) чакана савдо корхоналари;
- в) пировард истеъмолчи.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари юқорида келтирилган сотиш каналларининг канчалик даражада қулайлигини ва имконият даражасида иқтисодий жиҳатдан муносабат ўрнатиши мумкин бўлган вариантни танлашлари керак бўлади.

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топшириқнинг мазмуни**

1. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркиби аниқлансин.
2. Ўсимликчиликда, чорвачиликда ва бутун қишлоқ хўжалигида товарлилик даражаси аниқлансин.
3. Ўсимликчилик ва чорвачиликнинг асосий маҳсулотлари бўйича товарлилик даражаси аниқлансин.
4. Товар маҳсулотини сотиш каналлари бўйича таркиби аниқлансин.

*1 -жадвал*

### **Жорий баҳоларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркиби**

Тармоқлар	Қиймати	Салмоғи
1 .Ўсимликчиликда		
2, Чорвачиликда		
Қишлоқ, хўжалиги бўйича		

*2-жадвал*

**Ўсимликчилик ва чорвачилик асосий маҳсулотларининг товарлилик даражаси**

Маҳсулот турлари	Жами ишлаб чиқарилган	Жами сотилган	Товарлилик фоизи
1. Ғаллава дукакдилар			
2. Пахта			
3. Сабзавотлар			
4. Полиз маҳсулотлари			
5. Мевалар			
6. Узум			
7. Сут			
8. Қорамол гўшти			
9. Қўй ва эчкилар гўшти			
10. Парранда гўшти			
11. Жун			
12. Тухум			
13. Пилла			

*3-жадвал*

**Қишлоқ хўжалиги ва тармоқлар бўйича товарлилик даражаси**

Тармоқлар	Ялпи маҳсулот қиймати жорий баҳоларда, сўм	Товар маҳсулот қиймати жорий баҳоларда, сўм	Товарлилик даражаси, %
1. Ўсимликчиликда			
2. Чорвачиликда			
Қишлоқ, хўжалиги бўйича			

**Саволлар**

1. Ялпи маҳсулот нима ва у қандай тақсимланади?
2. Товар маҳсулот нима?
3. Товарлилик даражаси қандай аниқланади?
4. Ялпи ва соф даромаднинг тақсимланиши?
5. Товар маҳсулот сифатига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

6. Товарларнинг рақобатбардошлиги нимани англатади?

## 16- БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*«Инсон эҳсони билан, эҳсон  
султони билан, султон замони  
билан, замон имкони билан,  
имкон макони билан, макон  
борлиги билан улугланади».*

**Аббос Хоразмий**

### *1. Ишлаб чиқаришни экстенсив ва интенсив ривожлантиришнинг моҳияти*

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш қонуни асосида амалга ошади ва экстенсив ва интенсив йўлларида фойдаланилади. Экстенсив шаклидаги қишлоқ хўжалигани ривожлантириши деганда маҳсулот ишлаб чиқариш ва самарадорликнинг ўсишини миқдорий омиллар эвазига - янги ерларни ўзгариш ҳисобига экин майдонларини кўпайтириш, чорва молларининг бошини кўпайтириши ва қўшимча ишловчиларни жалб этиш орқали эришилиши тушунилади. Бунда ишлаб чиқариш ресурслари кўламларининг ортиши юз бергани ҳолда, техника технологияси, сифат даражаси, ер унумдорлиги ва чорва моллар маҳсулдорлиги тубдан ўзгармайди.

Экстенсив омиллари ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Одамлар ўз тарихини дастлабки даврлардан бошлаб, ўзлари ўзлаштирган ерларни тарк этиб, унумдор ерларни қидириш учун ер шарининг ҳар томонига тарқалганлар. Янги ерларни ўзгартириш ҳозирга даврда бизнинг мамлакатимиздаги каби дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам давом этмоқда. Шу билан биргаликда дунё мамлакатларини ривожланиш тарихи тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни нисбатан самарадорлик ва аҳамиятироқ шакли бўлган интенсивлаштириш муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни интенсив шаклда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг экстенсив сифати омиллари эвазига, яъни нисбатан такомиллашган замонавий ишлаб чиқариш ресурсларини тадбиқ этиш (улардан тўла ва самарали фойдаланиш), деҳқончилик ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир этувчи илғор технология, илмий-техника тараққиёти натижалари, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни замонавий усулларини жорий қилиш орқали амалга оширилади. Шуни назардан четда қолдирмаслик керакки, кенгайтирилган такрор ишлаб

чиқаришнинг экстенсив шакли баъзи ҳолларда самарали бўлиш: мумкин, шунга мувофиқ ҳар доим экстенсив шаклни самарасиз деб таъкидлаш фикри ўзини оқламайди. Амалда бу икки йўл ишлаб чиқаришни ривожланишида бир-бирини тўлдириб, пиравордида умумий иқтисодий самардорликни ортишига олиб келади.

Улар ягона хўжалик фаолиятига хос усуллар бўлиб, бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсишда ҳам миқдорий (экстенсив), ҳам сифат (интенсив) жиҳатлари мавжуд, аммо уларнинг нисбати ҳар хил мутаносибликда бўлади. Иқтисодиёт кўл меҳнати технологияси ва малакасиз иш кучига асосланган жойда, экстенсив ўсиш устун туради. Аксинча, ишлаб чиқариш машиналашган, серунум технология ва юксак малакали иш кучига таянган жойда интенсив ўсиш биринчи ўринда туради, ишлаб чиқариш ривожланган сари қонуниятли тарзда интенсив ўсишнинг аҳамияти барқарор ошиб боради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштириш назарияси аввалом бор, ер хусусиятини ҳисобга олиш, уни қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси эканига асосланади. Маълумки, ерни асосий восита сифатида муҳим хусусиятларидан бири уни пегараланганлигидир. Ерни чегараланганлиги ўз навбатида қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни кўшимча ер майдонларини ўзлаштириш орқали амалга ошириш чегараланганлиги ишлаб чиқариш олдида мавжуд ўзлаштирилган ерлар сифатини яхшилаш, бинобарин, улардан интенсив фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Маълумки, мамлакатимизда дон мустақиллигини таъминлаш юзасидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Алмашлаб экиш тизимлари янгиланиб ғўза, ғалла, беда экинлари экиладиган қисқа айланишли янги меъёр жорий этилаётир. Бинобарин, республикада пахта майдонлари қисқартирилди ва ҳозирда 1,5 миллион гектарга чигит экилмоқда. Бу кўрсаткич 2002 йилгача сақланиб турилиши кўзда тутилган бўлиб, эндиги талаб пахта етиштиришни фақат интенсив технология асосида кўпайтирилишидан иборатдир. Ўзбекистон да 1995 йилидан бошлаб, чигитни плёнка остига эрта муддатларда экиш жорий этилиб, у яхши натижалар берди, яъни ҳосилдорлик очиқ майдонлардагидан гектарига 10-15 центнер юқори, культивация ва ўғит солиш тадбирларининг такомиллашуви натижасида ёқилғи-мойлаш материаллари сарфи 30%га камайди. Пахта йиғим-теримини эрта тугатишга эришиш ҳисобига эса, кузга бошоқлиларни экиш имконияти яратилди.

## ***2. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштарининг асосий омиллари***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш -кўп жиҳатли жараён бўлиб, ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг қуйидаги омиллари муҳим аҳамият касб этади:

1) *Иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш.* Қишлоқ хўжалигини юксалтиришни бирламчи масалаларидан бири қишлоқда иқтисодий муносабатларини ўзгартириш, деҳқонларга кам харажатлар сарфлаган ҳолда, кўплаб сифатли маҳсулот етиштиришга интилиш ҳиссиётига эга бўлган ернинг ҳақиқий эгалик ҳуқуқини қайтариш. Қишлоқда иқтисодий қайта қуриш асосида, деҳқонларга мустақил ҳаракат этиш, тадбиркорлик ва ташаббускорликни амалга оширишга замин ярата оладиган хўжалик юритишнинг турли мулкчиликка ва шаклига асосланган муҳитни яратиш.

2) *Етиштирилган маҳсулотларни асраш, уни нобудгарчилигини олдини олиш.* Қишлоқ хўжалигини мавсумийлик хусусияти унга мутаносиб ҳолда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланишига бўлган талабни янада оширади. Қишлоқ хўжалигини юритишнинг турли мулкчилик шакллари кенг ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришга яқин йилларда сақлаш, қайта ишлаш шаҳобчаларини яратилиши имкониятлари туғилади. Маҳсулотлар нобудгарчилигининг олдини олиш билан бир қаторда, уларни ташиш борасидаги харажатларнинг камайишига эришилади.

3) *Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш.* Ишлаб чиқаришни кимёлаштиришнинг асосида ернинг унумдорлигини ошириш орқали ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайгиришга қаратилган тадбирлар ётади:

- ҳосилдорликни оширишга қаратилган минерал ўғитларни татбиқ этиш тадбирлари;

- кимёвий воситалардан бегона ўтларга қарши курашиш тадбирлари;

- ўсимлик ва чорва моллари зараркунанда ҳашаротлари ва касалликларига қарши курашишда кимёвий воситалардан фойдаланиш;

-чорва моллари тўйимлилигини оширишда кимёвий чиқарилган маҳсулотларини кенг кўламда қўлланишига қаратилган тадбирлар.

- қишлоқ хўжалигида, кимё саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кенг кўламда қўлланилишига қаратилган тадбирлар.

4) *Қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш.* Қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини кўшимчалардан фойдаланиш. Қишлоқ хўжалигида, кимё саноатида, ишлаб чиқаришни оширишда-суғориш, зах қочириш, ерни

оҳаклаш, шўрни ювиш тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш муҳим омиллар жумласига киради.

5) *Ресурс талабчанлиги кам бўлган интенсиф технологияларни қўллаш.* Деҳқончиликда мавжуд технологияларни такомиллаштириш муҳим бўлиб, уларни асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- илмий асосланган ўғит меъёрларини қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларининг озуқа талабчанлигини оптималлаштириш;

- қишлоқ хўжалик экинларини интенсиф навларини ишлаб чиқаришга тадқиқ этиш;

- ердан ва бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланишни кўзда тутган ўсимликларни жойлаштиришнинг рационал шаклларларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалик машиналарини такомиллаштириш орқали агротехника тадбирларини амалга оширишни қисқартириш ва қўшиб олиб бориш;

- маҳсулотларни йиғиш, ортиш ва ташишдаги тадбирларни такомиллаштириш.

*Чорвачиликда технологияларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари:*

- чорва молларини сақлаш, боқиш ва бошқа йўналишларда интенсиф технологияларни жорий этиш;

- моллар озуқаси ва улардан олинадиган маҳсулотларни стандартлаштириш;

- чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни саноат асосига ўтказиш.

б) *Чорва молларининг таркиби сифатини ва уларнинг озуқа базасини яхшилаш.* Чорвачиликни интенсифлаштиришнинг муҳим омили пода ҳаракати ва сифатини яхшилаш ҳисобланади, бунга юқори маҳсулдор моллар наслларини яратиш билан боғлиқ тадбирлар киради. Чорвачиликнинг ривожланишида унинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш муҳим бўлиб, озуқа таркиби, кўлами ва унинг сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади.

7) *Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш.* Фан - техника тараққиёти таъсирида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кучларини ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви тинимсиз юксала боради. Шу билан бирга иқтисодий асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал катта-кичиклиги, уларни меҳнатга мувофиқ ихтисослашувига, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини кўтаришга, фан-техника ютуқларини амалиётга татбиқ этилишига замин яратилиб, натижада маҳсулот етиштириш самарадорлигини оширишга эришилади.

8) *Мутахассисларнинг малакасини ошириш.* Қишлоқ хўжалигига фан ютуқларини татбиқ этишда кадрларни мутахассислик савиясини ва техник тайёргарлик даражасини оширмай туриб эришиш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигида мутахассисларни малакасини ошириш - *биринчидан*, мутахассисларга мураккаб ва илгари амалга ошира олмаган ишларни бажариш учун улар малакасини ошириш ва эгизак касбларни эгаллашига замин яратиш, *иккинчидан*, нисбатан юқори сифатга эга бўлган маҳсулот олиш, *учинчидан*, маълум бир вақт оралиғи давомида аввалдагидан кўпроқ маҳсулот кўламини етиштириш ёки хизматлар ҳажмини бажаришга имкон яратиш.

9) *Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғорлар тажрибасини татбиқ этиш.* Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш суръатларини ошириш ва унинг самарадорлигини кўтаришда фан ютуқлари натижаларининг татбиқисиз тасаввур этиб бўлмайди. Фан-техника соҳаларидаги ютуқлар ишлаб чиқариш кучларини янада юксалтирувчи муҳим омил бўлиб, ишлаб чиқариш ресурслари қаторида ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этади. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда амалиётда мавжуд бўлган илғор тажрибалар натижасини таҳлил қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ қилиниши катта аҳамиятга эга бўлиб, маҳсулот кўламини кўпайишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

### ***3. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг кўрсаткичлари***

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш масалаларини ўрганишда интенсивлик ва интенсивлаштириш даражаси, интенсивлаштиришнинг иқтисодий-самарадорлиги тушунчаларини бир-биридан ажрата билиш лозим.

Интенсивлик - бу қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғининг маълум вақт ичида ишлаб чиқариш воситалари билан қай даражада таъминланганлигини акс эттиради.

Интенсивлаштириш даражаси эса, қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоғининг ҳолисона ўсиш суръати даражасини ўзида акс эттиради.

Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги эса, экин майдони бирлиги ҳамда чорва моли боши ҳисобига ўсишни ўзида акс эттиради. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражаси натура ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Натурал кўрсаткич ёрдамида хўжаликдаги тармоқлар ва уларнинг бир-бирлари билан қанчалик

боғланганлиги ҳамда айрим тармоқчалар ва экин турлари бўйича қанча маҳсулот етштирилганлигини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш даражасини ўзида акс эттирувчи натурал кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

1) Ер майдонига тўғри келадиган энергетика қуввати. Бу кўрсаткич ҳар 100 гектар ер майдонига қанча техника воситалари, автомашина ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари тўғри келишини кўрсатади.

2) Ҳар гектар экинзорга тўғри келадиган менерал ва маҳаллий ўғит. Бу кўрсаткич ернинг иқтисодий унумдорлик даражасига таъсир қилиш кўламини ўзида ифода этади.

3) Ер фондида экин майдонлари ҳиссасини кўпайтириш. Бу кўрсаткич ердан қай даражада фойдаланилаётганлигини кўрсатади.

4) Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий ер майдонига нисбати. Бу кўрсаткич тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги ўсиш даражасини ифодалайди.

Чорвачиликнинг интенсив ривожланганлигини акс эттираётган кўрсаткичларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган қиймат кўринишдаги жонли ва буюмлашган меҳнат сарфи. Ҳар бир бош ҳайвон ҳисобига қанча кўп ишлаб чиқариш воситаларига ва бевосита меҳнат харажатлари тўғри келса, қоидага мувофиқ ундан олинадиган маҳсулот миқдори ҳам шунча юқори бўлади.

2. Ҳар бош қишлоқ хўжалиги ҳайвонига тўғри келадиган озиқа. Маълумки, чорва молларини илмий рацион асосида озиқлантириш уларнинг маҳсулдорлигини ортишига олиб келади.

3. Чорвачиликни юритиш маданиятини кўтариш маҳсус кулайликларга эга бўлган чорва биноларини барпо етиш, иш жараёнларини механизациялаштириш ва электрлаштириш, санатория ва гигиена шароитларини яхшилаш ва бошқариш.

4. Чорвачиликда наслчилик билан боғлиқ ишларни яхшилаш. Маълумки, чорва молларининг насли қанча юқори бўлса, ундан олинган маҳсулот миқдори ҳам шунча юқори бўлади.

5. Мутахассислар малакасини ошириш, у меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир этади.

Қиймат кўрсаткичи сарфланган меҳнат ва маблағ эвазига қанча сўмлик кўшимча маҳсулот етиштирилганлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланиш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

1.Бир гектар ер майдонига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари (амартизациядан ташқари). Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ид = \frac{Иф + Ис}{Е},$$

бунда, Ид - интенсивлик даражаси;

Иф - асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати;

Ис - жорий ишлаб чиқариш сарфи;

Е - ер майдони.

Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигининг қай даражада интенсив ривожланганлигини ўзида акс эттиради.

2.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер майдони ҳисобига канча ишлаб чиқариш воситалари тўғри келишини ўзида акс эттиради.

3.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жорий ишлаб чиқариш харажатлари. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер ва ҳар бир қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан олинган маҳсулот учун бевосита сарфланган харажатлар миқдорини ўзида ифода этади.

4.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жонли меҳнат сарфи. Бу кўрсаткич маҳсулот етиштиришда сарфланаётган жонли меҳнат ҳиссасини кўрсатади.

Шундай қилиб, интенсивлаштиришнинг натурал ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида интенсивлашнинг иқтисодий самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин.

#### ***4. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги***

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шarti ҳар бир гектар ердан ва ҳар бир бош молдан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш ҳисобланади. Интенсивлаштириш жараёни нафақат бир гектар ерга ёки бир бош молга қўшимча маблағнинг ўсишини билдириб қолмасдан, балки улардан самарали фойдаланишни ҳам билдиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган харажатлар ҳажмига таққослаганда ҳар бир гектар ердан арзон ва юқори сифатли маҳсулотни юқори суръатда олишда ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фаол фойдаланиш, табиий ва иқтисодий шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади. Назарий жиҳатдан ҳар қандай ер участкасига, ҳар қандай ҳажмда, ҳар қандай капитални қўйиш мумкин, лекин бу ўз-ўзидан маълумки, бу мамлакатда шу пайтда барча шароитлар, яъни иқтисодий, техникавий, маданий ва бошқалар мавжуд бўлишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланадиган харажатлар оқилона сарфланиши керакки, бунда хўжалик ҳар бир бирлик харажатга кўпроқ маҳсулот ва максимум фойда олиши керак.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Улар орасида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлари қуйидагилар:

- бир гектар ер майдонга тўғри келган ялпи маҳсулот:

$$Cи = \frac{ЯМ}{ЕМ},$$

бу ерда,  $Cи$  - интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, сўм/га;

$ЯМ$  - ялпи маҳсулот қиймати, сўм;

$ЕМ$  - ер майдони, га.

Хўжалик ялпи маҳсулоти таққослама баҳоларда баҳоланади. Бундай баҳоланиш ушбу кўрсаткични динамикада, шунингдек, бир хил шароитда ишланадиган қатор хўжаликлар фаолиятини таққослашни ўтказишда фойдаланиш имконини беради. Ҳосилдорликнинг ошиши ва бир вақтнинг ўзида унга сарфланган таннархнинг пасайиши интенсивлаштириш самарадорлигининг юқори даражада эканлигини билдиради. Бундай ҳолатда ерга сарф қилинган ҳар бир сўм нафақат харажатларни қоплайдиган қўшимча маҳсулот олиб келмасдан, балки қўшимча соф даромад олиш имконини ҳам беради:

- бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган ялди даромад:

$$Cи = \frac{ЯД}{ЕМ},$$

бу ерда,  $ЯД$  - ялпи даромад (соф маҳсулот), сўм. Бу кўрсаткич анча такомиллашган ишлаб чиқариш воситаларида, илғор технологияда, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори нави ва моллар зоти ҳамда бошқаларда бажарилган, қўшимча маблағлардан анча оқилона фойдаланишни акс эттиради:

- бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган соф даромад ёки фойда:

$$Cи = \frac{СД}{ЕМ} - ёки \frac{Ф}{ЕМ},$$

бу ерда, СД - соф даромад, сўм;

Ф - фойда, сўм.

Бу кўрсаткич алоҳида аҳамиятга эга. Модомики, соф даромад кўшимча кўйилмаларнинг асосий манбаи ҳисобланар экан, у ҳолда, келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш унинг хажмига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини изчиллик билан интенсивлаштириш кўшимча маблағларнинг анча юқори, тез қайтарилишига ва мос равишда соф даромаднинг ўсишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, шунингдек, қуйидаги кўрсаткичлар билан ҳам тавсифланиши мумкин:

- бир бирлик меҳнат харажатлари ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад) ҳажми:

$$Cи = \frac{ЯМ}{Мхар} - ёки \frac{ЯД}{МХар} - ёки \frac{СД}{МХар}$$

бу ерда, МХар - маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат харажатлари, киши/соат.

- бир сўмлик асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад):

$$Cи = \frac{ЯМ}{АсФ + АйФ} - ёки \frac{ЯД}{АсФ + АйФ} - ёки \frac{СД}{АсФ + АйФ},$$

бу ерда, АсФ - асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати, минг сўм; АйФ - айланма фондлар қиймати, минг сўм.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир гектар ердан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кўпайишида, маҳсулот бирлигига сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларининг пасайишида ўз аксини топади.

## **5. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг самарадорлигини ошириш.**

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, унинг йўналишга, суръатига ва самарадорлигига таъсир кўрсатадиган кўп омилларга боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда муҳим рол қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фан-техника тараққиётини ривожлантиришга тегишли. У ўз ичига нафақат машина техникасидаги тараққиётни, балки ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва технологиясидаги, фаол ривожлантиришдаги, илғор тажрибадан фойдаланишдаги тараққиётни ҳам олади.

Тупрокни ишланши яхшилаш, кўшимча органик ва минерал ўғитлар солиш, мелиоратив ишларни утказиш, барча комплекс агротехник тадбирларни бажариш тупрокнинг иқтисодий унумдорлигини оширишга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстиришга имкон беради.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари қуйидагилар:

- қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида инвестиция ва капитал қўйилмаларнинг ўсиши;
- қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш даражасини ошириш;
- қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни ривожлантириш (минерал ўғитлар солиш ва кимёвий ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларни қўллаш);
- қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш (суғориш, захини қочириш, бошқа ишларни ривожлантириш);
- қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш.

Интенсивлаштиришни изчиллик билан амалга оширишнинг муҳим шарти қишлоқ хўжалигига ажратилган капитал қўйилмаларнинг ўсишидир. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни аста-секинлик билан саноат асосига ўтказишга имкон берувчи кучнинг иқтисодий потенциалидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тракторлар, комбайнлар, автомобиллар ва бошқа техникаларни етказиб беришни купайтириш ишлаб чиқариш жараёнларида механизациялаштириш даражасини аста-секинлик билан оширишнинг деҳқончиликда ва чорвачиликда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришни жорий қилишнинг ишончли асоси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда шудгорлаш, ғалла ва пахта экиш, қатор ораларига ишлов бериш, ғаллани йиғиштириш ишлари тўлиқ механизациялашган.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг етакчи йўналишларидан бири кимёлаштиришдир. Органик ва минерал ўғитларни солиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга, қўшимча маблағлар қайтимини тезлаштиришга имкон беради ва бевосита тупроқ унумдорлигини ўзгартиришга ёрдамлашади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг яна бир муҳим йўналиши мелиорация ҳисобланади. Бу тупроқнинг иқтисодий унумдорлигини ва деҳқончилик самарадорлигини оширишнинг комплекс ҳамда узоқ муддат таъсир қилувчи омилдир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг юқори фан-техника даражасига фан ютуқларининг ролини ҳар томонлама ошириш базасида эришилиши мумкин. Олимлар диққатини қишлоқ хўжалик экинларининг юқори ҳосилли навларини, моллар ва паррандаларнинг юқори маҳсулли зотларини яратишга, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашишнинг самарали технологик жараёнлар ва механизациянинг янги воситаларини ишлаб чиқишга, қишлоқ хўжалигининг техник даражасини оширишга, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг шакллари тақомиллаштиришга ва бошқаларга қаратиш долзарб вазифадир.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ишлаб чиқаришга қўйилган, сарфланган ҳар бир сўмдан анча оқилона фойдаланишни кўзлайди. Изчил интенсивлаштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сифат жиҳатдан қайта ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг етакчи омилли ҳисобланади.

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топширикнинг мазмуни**

1. Қишлоқ хўжалиги экинлари, ҳайвонлар ва паррандаларни интенсивлаштириш даражаси ва уни ўстиришнинг асосий омиллари аниқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги экинлари, ҳайвонлар ва паррандаларни интенсивлаштиришнинг асосий натижавий курсаткичлари аниқлансин.

*1-жадвал*

### **Қишлоқ хўжалиги экинларини интенсивлаштириш даражаси ва асосий омиллари**

Экин тури	1 гектарга қилинган харажатлар, сўм				
	Жами	Меҳнат ҳақи ажратмалари билан	Маҳсулот таннархига кирган	Шундан ўғитлар	Асосий воситалар амортизацияси

			моддий харажатлар		
1.Ғалла ва дуккаклилар 2.Дон учун макка 3.Пахта 4.Тамаки 5. Картошка 6.Сабзавотлар 7.Полиз маҳсулотлари 8.Мевалар 9. Узум Жами					

2-жадвал

**Қишлоқ хўжалиги экинларини интенсивлаштиришнинг натижавий  
кўрсаткичлари**

Экинлар тури	Ҳосилдорлик , ц/га	1ц.таннархи, сўм	1ц.га меҳнат харажатлари, к/соат	Рентабеллик(+), Зарарлилик(-), %
1.Ғалла ва дуккаклилар 2.Дон учун макка 3.Пахта 4.Тамаки 5. Картошка 6.Сабзавотлар 7.Полиз маҳсулотлар и 8.Мевалар				

9. Узум				
---------	--	--	--	--

3-жадвал

**Қорамолчиликни интенсивлаштиришнинг натижавий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	
<p>1. 100 бош сигирга тўғри келган бузоқ, бош</p> <p>2.1 сигирдан ўртача йиллик соғиб олинган сут, кг</p> <p>3. Барча гуруҳдаги қорамолларнинг ўртача суткалик қўшимча ўсиши, гр</p> <p>4. Гўшт учун сотилган ўртача тирик вазни, кг</p> <p>5. 1 ц. сутнинг таннархи, сўм</p> <p>б. Қорамол тирик вазни 1 ц. қўшимча ўсишининг таннархи, сўм</p> <p>7. Озуқа бирлиги сарфи, ц:</p> <p>а) 1 ц. сутга</p> <p>б) қорамол тирик вазни 1 ц қўшимча ўсишига</p> <p>8. Киши/соатининг сарфланиши:</p> <p>а) 1 ц. сутга</p> <p>б) тирик вазннинг 1 ц қўшимча ўсишига</p> <p>Э. Сотилган маҳсулотларнинг рентабеллиги:</p> <p>а) сутники;</p> <p>б) йирик шохли қорамол гўштиники;</p> <p>в) зотли молларники</p>	

**Қорамолчиликни интенсивлаштириш даражаси ва асосий  
омиллари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>1 бош йирик шохли қорамол ҳисобига</b>
<p>Жами харажатлар, сўм</p> <p>Шу жумладан:</p> <p>а) сарфланган ем-озуқа бирлигида, шундан: омухта ем, ширали озуқа</p> <p>б) меҳнат харажатлари:</p> <p>1. киши/соатида</p> <p>2. меҳнат ҳақи ажратмалари билан</p>	

**Саволлар**

1. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш қандай йўлларга асосан, амалга оширилади?
2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг асосий омиллари қайсилар?
3. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва ҳисоблаш усуллари.
4. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг самарадорлигини ошириш йўллари?

## **17-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ, ИХТИСОСЛАШТИРИШ, ЙИРИКЛАШТИРИШ ВА ИНТЕГРАЦИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

*«Инсон жамиятдан ташқарида  
яшай олмайди, жамиятда меҳ-  
нат тақсимоти, умуман, ўзаро  
муносабат бўлмоғи керак. Бу  
муносабатлар адолат талабла-  
рига мос бўлиши зарур».*

**Абу Али ибн Сино**

### **1. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари тузилмаси. Тармоқларни оқилона қўшиб олиб бориш тамойиллари**

Қишлоқ хўжалиги турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи, комплекс ўзаро алоқадор тармоқларни ифодалайди. Қишлоқ хўжалик тармоқлари бошқа халқ хўжалик тармоқларидан қуйидаги белгилар билан фарқ қилади:

- ишлаб чиқарадиган маҳсулот турлари;
- ишлаб чиқариш воситаларининг турлари ва ташкилий тузилиши;
- ходимлар малакаси ва таркиби;
- меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш хусусиятлари.

У икки тармоқдан ўсимликчилик ва чорвачилиқдан ташкил топган. Уларнинг ҳар бирининг ичида тармоқ тузилмаси мавжуд. Ўсимликчиликда тармоқлар экиладиган экинларнинг тури ва гуруҳига қараб бўлинади. Масалан, ғалла ишлаб чиқариш, пахтачилик, канопчилик ва бошқалар. Сабзавотчиликда очиқ ва ёпиқ усулда сабзавот етиштирилади. Боғлар эса, данакли ва уруғлиларга бўлинади. Чорвачилиқда эса, моллар ва ҳайвонлар турларига қараб тармоқларга бўлинади: қорамолчилик, чўчқачилик, паррандачилик, пиллачилик ва ҳ. к. Бундан ташқари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг хусусиятига қараб: сут, қорамолчилик, гўшт-сут, қўйчилик, жун-тери олиш бўйича ва бошқалар. Ишлаб чиқаришдаги роли ва иқтисодий

аҳамиятига қараб корхоналарда қишлоқ хўжалик тармоқлари: бош (етакчи), кўшимча ва ёрдамчи тармоқларга бўлинади.

**Бош (етакчи) тармоқ** деб, қишлоқ хўжалик ялпи ва товар маҳсулотида юқори салмоқни эгаллаган тармоққа айтилади. Асосий тармоқ корхонанинг ихтисослашишини аниқлайди. Кўшимча тармоқ бош тармоққа нисбатан, ялпи ва товар маҳсулот ишлаб чиқаришда камроқ аҳамиятга эга бўлади. Уларни қўшиб олиб бориш меҳнат, ер ва моддий ресурслардан тўлиқроқ фойдаланишни таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида қишлоқ хўжалиги тармоқларидан ташқари ўсимликчилик ва чорвачиликка хизмат қилувчи тармоқлар - таъмирлаш хизмати, электр хўжалиги, автотранспорт ва бошқалар фаолият кўрсатади.

Ёрдамчи тармоқлар таркибига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона ва цехлар, қурилиш устахоналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва бошқалар киради.

Маҳсулотдан фойдаланиш шаклига қараб қишлоқ хўжалик тармоғи икки гуруҳга бўлинади:

1.Товар, сотиш учун мўлжалланган маҳсулот (пахта, пилла ва бошқалар).

2.Нотовар, тўлиғича ёки асосий қисми ички эҳтиёжга фойдаланиладиган маҳсулот (ем-хашак ва бошқалар).

Қишлоқ хўжалигининг тармоқлар тузилмаси қишлоқ хўжалик жами ялпи маҳсулоти таркибида алоҳида тармоқлар ялпи ва товар маҳсулотининг салмоғи билан тавсифланади ва қуйидагича ҳисобланади:

ЯМК<sub>д.г</sub>;ТМК<sub>д.г</sub>

$$ТС = \frac{\text{ЯМК}_{\text{д.г}}; \text{ТМК}_{\text{д.г}}}{\text{ЯМК}_{\text{к/х}}; \text{ТМК}_{\text{к/х}}} \cdot 100$$

ЯМК<sub>к/х</sub>;ТМК<sub>к/х</sub>

бу ерда, ТС - тармоқ; тузилмаси .

Бир қанча қишлоқ хўжалик тармоқларини корхоналарда иқтисодий асослаб қўшиб олиб бориш ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигини пасайтиради, меҳнат, ер, моддий ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш имкониятини яратади, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат харажатлари нотекислигини камайтиради. Тармоқларни оқилона қўшиб олиб бориш йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва пул воситаларини бир текис келиб тушиши имконини беради, хўжаликлар иқтисодиётига самарали таъсир кўрсатади, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилади.

Қишлоқ хўжалигида тармоқларни рационал қўшиб олиб боришнинг асосий тамойиллари, мақсади ва шартлари қуйидагилар:

1.Ресурс потенциалидан - меҳнат, ер, сув ва моддий ресурслардан анча самаралироқ фойдаланиш.

2.Маҳсулот бирлига ҳисобига минимал даражада меҳнат харажатлари ва воситалар сарфлаб максимал миқдорда маҳсулот олишни таъминлаш.

3.Ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигини камайтириш, йил давомида техника ва иш кучидан тўлиқроқ фойдаланиш.

4.Йил давомида айланма воситаларнинг айланишини ҳамда пул воситаларнинг бир текис келиб тушишини таъминлаш ва х.к.

## ***2. Жойлаштириш ва ихтисослаштириш тушунчаси, уларнинг илмий асослари***

Қишлоқ хўжалигани жойлаштириш ва ихтисослаштириш ижтимоий меҳнат тақсимотини турли кўринишидир.

Жойлаштириш - алоҳида турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни республика зоналарида, айрим вилоят, туманлар ва корхоналар бўйича миқдорий тақсимлашни билдиради. Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш уни ихтисослаштириш билан чамбарчас боғланган. Ихтисослаштиришни амалга оширишда зона ҳамда корхоналарнинг табиий ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олиш муҳимдир. Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштириш таъминланади. Қишлоқ хўжалиги зоналарини ёки алоҳида корхоналарни ихтисослаштириш бош (асосий) тармоқни ажратиб олиш ва унинг ривожланишига шароит яратишдир. Ихтисослаштириш ишлаб чиқариш йўналишини тавсифлайди ва зона ёки хўжаликнинг тармоқ тузилмасини аниқлайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини оқилона ихтисослаштиришнинг иқтисодий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

1.У бош ишлаб чиқариш воситаси - ердан самарали фойдаланиш учун шароит яратади. Шу асосда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг миқдорини кўпайтиради ва сифатини яхшилайти.

2.Ихтисослаштириш қишлоқда меҳнат ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланишга имконият яратади. Деҳқончилик ва чорвачилик ходимларининг профессионал тузилмасини ўзгартиради, кадрларнинг малакасини ва меҳнат унумдорлигини оширади.

3.Ихтисослаштириш капитал қўйилмалар ва асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиёти ва илғор тажрибаларни жорий қилишга имконият яратади.

4.Ихтисослаштириш товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини пасайтириш ҳамда рентабелликни оширишга шароит яратади ва ҳ.к.

Қишлоқ хўжалигини иқтисодий асосланган жойлаштириш ва ихтисослаштириш маълум бир тамойиллар асосида амалга оширилади:

1.Бозор талабини ҳисобга олиб. Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий қилиш қишлоқ хўжалигани ихтисослаштириш ва концентрациялаш жараёнини ўзгартириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг прогрессив шаклига ўтиш, зарар келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқаришдан воз кечиш.

2.Табиий ва иқтисодий шароитлардан тўлароқ фойдаланиш.

3.Маҳсулот ишлаб чиқаришни истеъмолчиларга яқинлаштириш.

4.Худудларни озиқ-овқат ва саноатни қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлаш асосида худудлараро меҳнат тақсимотини кўшиб олиб боришни таъминлаш.

5.Мамлакат иқтисодий мустақиллигини таъминлаш.

б.Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослаштиришда халқаро меҳнат тақсимотини ҳисобга олиш ва ҳ.к.

### ***3. Ихтисослаштиришнинг шакллари, кўрсаткичлари ва самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Ихтисослаштириш қуйидаги турларга бўлинади:

1. *Хўжалик ичидаги ихтисослаштириш.* Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш хўжаликлар ичидаги бўлимлар, фермалар, бригадалар ва оилалар бўйича ихтисослашади.

2.*Хўжаликлараро ихтисослаштириш.* Бунда турли хил маҳсулотлар етиштириш бўйича корхоналар ўртасида меҳнат тақсимоти жорий қилинади. Хўжаликлараро чўчқачилик ёки қорамолни бўрдоқига боқувчи, бузокларни ўстирувчи фермалар, маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар ва ҳ.к. ташкил этилади.

3.*Тармоқлар ичида ихтисослаштириш.* Бунда бир тармоқ ичида, чунончи чорвачиликда - қорамолчилик, чўчқачилик, қўйчилик каби соҳалар бўйича, деҳқончиликда эса, ғалла, пахта, сабзавот, полиз каби маҳсулотларни етиштириш бўйича меҳнат тақсимоти жорий қилинади. Хўжаликда ихтисослаштиришни тўла тавсифлаш учун ихтисослаштириш коэффициенти кўрсаткичи қабул қилинган. У қуйидагича ҳисобланади:

100

К<sub>их</sub> =-----,

$$X(2n-1)$$

бу ерда, 100 - алоҳида тармоқ бўйича товар маҳсулотларининг умумий ҳиссаси, %;

X - тармоқдаги товар маҳсулотларининг турлари бўйича ҳиссаси, % да;  
n - товар маҳсулотларининг ҳиссаси бўйича тартиб рақами (эиг юқоридан бошлаб).

Масалан, пахтачиликда ихтисослашган хўжаликда товар маҳсулотлари тузилмаси қуйидагилардан иборат бўлсин (жами товар маҳсулотга нисбатан фоиз ҳисобида): пахта-50%, дон-30%, сут-15% ва бошқа турдаги маҳсулотлар эса 5%. Шу маълумотлар асосида ихтисослаштириш коэффициентини қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{их} = \frac{100}{50(2 \cdot 1 - 1) + 30(2 \cdot 2 - 1) + 15(2 \cdot 3 - 1) + 5(2 \cdot 4 - 1)} = 0,38$$

Бу коэффициент қанча бир бутунга яқин бўлса, ихтисослаштириш даражаси шунча юқори бўлади. Агар ихтисослаштириш коэффициентини 0,35 бўлса, паст даражадаги ихтисослаштириш; 0,35дан 0,50гача ўрта; 0,50дан 0,60 гача юқори; 0,60 дан катта бўлса, чуқурлаштирилган ихтисослаштириш дейилади.

4. *Зона ёки иқтисодий туманлар бўйича ихтисослаштириш.* Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда зона ёки иқтисодий районлар бўйича меҳнат тақсимооти жорий қилинади. Масалан, собиқ Иттифоқ бўйича Болтиқбўйи республикалари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга, Кавказорти республикалари чой ва узумчиликка, Ўрта Осиё республикалари асосан, пахтачиликка, пиллачиликка ва қорақўлчиликка ихтисослашган эди. Шунини кўрсатиш керакки, хўжаликларнинг ихтисослаштириш даражаси етиштирилаётган бешта ёки бир қанча товар маҳсулотларининг салмоғига қараб турлича бўлиши мумкин. Бунда бир турдаги товар маҳсулоти етиштиришга асосланган хўжалик тор доирада ихтисослашган, етиштирилаётган уч, тўрт хил товар маҳсулотларининг ҳар қайсисининг салмоғи деярли бир хилда (20-30%) бўлса, бу хўжалик паст даражада ихтисослашган; бир ёки ундан кўпроқ товар маҳсулотларининг ҳар бири каттароқ салмоқни (40-60%) эгалласа, унда хўжалик ўртача даражада ихтисослашган бўлади. Масалан, хўжаликда етиштирилган товар маҳсулотнинг асосий қисмини пахта эгалласа - у пахтачиликка, дон эгалласа - ғаллачиликка, қорақўл тери эгалласа - қорақўлчиликка ихтисослашган бўлади. Ўзбекистоннинг табиий ва иқтисодий шароитлари шунини тақозо этадики, бунда маҳсулотнинг бир турини етиштиришни ихтисослаштириш мумкин. Масалан, шаҳар атрофида жойлашган хўжаликлар маҳсулотларнинг

сут-сабзавот,сабзавот-картошка-чорва, чорва-ғалла, сабзавот-мева, узум каби катор турларини етиштиришга ихтисослашгандир.

1.100 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга ва ҳайдаладиган ерга, бир ходимга, 100 сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига ва 100 сўмлик жорий ишлаб чиқариш харажатларига тўғри келган ялпи ҳамда товар маҳсулот қиймати.

2.100 га ҳайдаладиган ерга тўғри келган ғалла, пахта, гўшт, сут ва бошқалар.

3.Меҳнат унумдорлиги ,маҳсулот таннархи, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги.

Демак, маҳсулот етиштириш учун каерда қулай шароит мавжуд бўлса маҳсулот бирлигининг таннархи ва баҳоси арзонлашса, бу хўжалик ва истеъмолчилар учун шунча фойдалидир.

### **ТОПШИРИҚ**

#### **Топшириқнинг мазмуни**

- 1.Хўжаликда товар маҳсулотлари таркиби аниқлансин.
- 2.Хўжаликнинг ихтисослаштириш даражаси аниқлансин.

*1-жадвал*

**Ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари бўйича пул даромадларининг таркиби**

Маҳсулотлар	Маҳсулот сотишдан тушган пул,сўм	Жамига нисбатан,фоиз	Ҳиссаси бўйича тартиби

*2-жадвал*

**Ихтисослаштириш даражасини аниқлаш**

Маҳсулотларнинг	Ҳиссаси бўйича	Тармоқлардаги товар маҳсулотлар

жамига нисбатан фоизи, тартиби бўйича	тартиби, n	турлари бўйича ҳиссасининг улар нинг тартиб рақамига кўпайтмаси
1	2	3

**ЖАМИ**

**Х(2n-1)**

### Саволлар

1. қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослаштириш қайси қонунятларга асосан амалга оширилади?
2. Жойлаштириш ва ихтисослаштиришнинг илмий асослари нимада?
3. Ихтисослаштиришнинг шакллари ва кўрсаткичлари қандай?
4. Жойлаштириш ва ихтисослаштиришнинг самарадорлиги қандай аниқланади?

## 18-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*«Меҳнатда чиниқаман, сабр-тоқат билан ишлай олмаган кишининг иши унумли бўлади деб ўйлаш нотўғридир».*

**А.Навоий**

### *1. Меҳнат унумдорлиги тушунчаси, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услублари*

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги, ходимларнинг бир бирлик вақтда маълум бир миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилган

аниқ меҳнат қобилиятини акс эттирувчи, иқтисодий категориядир. Алоҳида турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун, натурал бирликда, яъни центнерда ҳисобланилади. Алоҳида (деҳқончилик, чорвачилик) тармоқларида ёки бутун қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун, улар турли маҳсулот бўлганлиги туфайли қиймат шаклида пулда ҳисобланилади. Бу мақсад учун жорий ёки харид, шунингдек, таққослама баҳолардан фойдаланилади. Турли шаклдаги хўжаликларда, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти қийматини ҳисоблашда жорий баҳолардан фойдаланилади. Бир неча йиллик маҳсулот қимматини динамикада ўрганишда таққослама баҳолар қўлланилади.

Таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида пулда баҳоланган ялпи маҳсулот кўрсаткичини меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун фойдаланиш меҳнат харажатлари самарадорлиги ҳақида етарли даражада тўлиқ ва объектив тасаввур бермайди. Чунки ялпи маҳсулотда такрорий ҳисоб-китоблар, маҳсулотнинг товар бўлмаган қисмининг қимматини пасайтирилиши, материал сифимининг таъсири ва бошқа камчиликлар борки, улар меҳнат унумдорлиги даражасини ва динамикасини бузиб кўрсатади. Бу эса, маҳсулотнинг меҳнат сифимини пасайтиришга ва сифатини оширишга ундамайди. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини анча аниқ ҳисоблаш учун ялий маҳсулот (ЯМ)дан эмас, балки соф маҳсулот (СМ)дан фойдаланиш тавсия этилади. Чунки янгидан яратилган қийматда такрорий ҳисоб-китоблар ва моддий харажатларнинг таъсири камаяди. Соф маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш алоҳида бир хўжаликда меҳнат харажатлари самарадорлигининг аниқ даражасини акс эттиради. Ҳозирги шароитда бу кўрсаткич иш кучидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари тизимида биринчи даражали аҳамият касб этади.

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда меҳнат харажатларини ўлчаш учун иш вақтининг давомийлигидан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигида иш вақти бирлиги сифатида, соф иш вақти харажатларини акс эттирувчи, киши/соатлари, бир ходимнинг иш куни (киши/кунлари) ва йил давомида иш вақтини йиғиндисини акс эттирувчи, ходимларнинг ўртача йиллик сонидан фойдаланилади.

Меҳнат унумдорлиги (МУ) даражаси натура ёки қиймат шаклидаги қишлоқ хўжалик маҳсулоти турининг миқдорини (ММ) ёки бажарилган ишлар ҳажмини (ИХ) ёхуд маҳсулот қийматини (МК) шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти миқдorigа (ИБМ) бўлиб топилади.

Шундай қилиб, меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$M_y = \frac{MM(IX) \text{ ёки } MK}{ИВМ},$$

Юқорида келтирилган нисбатнинг тескари кўрсаткичи маҳсулотнинг меҳнат сиғими дейилади ва қуйидагича аниқланади:

$$MC = \frac{ИВМ}{MM(IX) \text{ ёки } MK}.$$

Самарқанд вилояти Қишлоқ ва сув хўжалигига қарашли хўжаликларида 2000 йил ҳисоботи бўйича 1996 йил таққослама баҳоларида ҳисобланган ялпи маҳсулотнинг қиммати 2000 йилда - 5653798 минг сўмни, ўртача йиллик ходимлар сони - 194793 кишини, йиллик ўртача ходимга тўғри келган ялпи маҳсулот эса, 29026 сўмии ташкил этган.

Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, меҳнат сиғими шунча паст бўлади ва аксинча. Аммо меҳнат унумдорлигининг ошиш суръати меҳнат сиғимининг пасайиш суръатига тенг бўлмайди.

Меҳнат унумдорлиги ва меҳнат сиғими ўртасида функционал, боғланиш мавжуд бўлиб, у қуйидагича ифодаланади:

$$M_y = \frac{MC \cdot 100}{100 - MC} = \frac{M_y \cdot 100}{100 + M_y}$$

бу ерда,  $M_y$  - жорий йилда база йилига нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўсиши, %;

$MC$  - жорий йилда база йилига нисбатан меҳнат сиғимининг пасайиши, %.

Агар  $MC$  15%га пасайса, унда меҳнат унумдорлиги 18%

$\left( \frac{15 \cdot 100}{100 - 15} \right)$  га ошади, агар меҳнат унумдорлиги 15%га ошса, унда  $MC$  13%  $\left( \frac{15 \cdot 100}{100 + 15} \right)$  га пасаяди.

Меҳнат харажатларининг қўшилиш таркибига қараб, меҳнат сиғими бир қанча турларга бўлинади:

1. Технологик меҳнат сиғими.
2. Хизмат кўрсатишдаги меҳнат сиғими.
3. Ишлаб чиқаришдаги меҳнат сиғими.
4. Ишлаб чиқаришни бошқаришдаги меҳнат сиғими.
5. Маҳсулотнинг тўлиқ меҳнат сиғими.

1) Технологик меҳнат сиғими (МСт) - ўз ичига ходимларининг аниқ маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича алоҳида технологик операцияларидаги меҳнат харажатларини олади.

2) Хизмат кўрсатишдаги меҳнат сиғими (МСхк) ўз ичига ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ва ёрдамчи тармоқ ходимларининг меҳнат харажатларини олади (машина-трактор устахонаси, автотранспорт ва бошқаларни).

3), Ишлаб чиқаришдаги меҳнат сиғими (МСич) ўз ичига технологик ва хизмат кўрсатиш меҳнат сиғимларини олади:  $МСич = МСт + МСхк$ .

4) Бошқаришдаги меҳнат сиғими ўз ичига маҳсулотга ўтказилган умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик хусусиятидаги бошқариш ходимларининг меҳнат харажатларини олади. Бунга хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари, функционал бўлим ходимларининг меҳнат харажатлари киради.

5) Маҳсулотнинг тўлиқ меҳнат сиғими барча юқоридаги турдаги меҳнат сиғимларини ифодалайди:

$$МСтул = \frac{МСт + МСхк}{МСич} + МСбош .$$

Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф қилинган меҳнат харажатларини икки гуруҳга бўлиш қабул қилинган:

*1.Жонли меҳнат харажатлари.* Бевосита қишлоқ хўжаликда иштирок этаётган ходимларнинг иш вақти.

*2.Буюмлашган меҳнат харажатлари.* У ўз ичига машина, минерал ўғитлар ва бошқаларда буюмлашган саноат ходимларининг меҳнатини ҳамда ишлаб чиқаришнинг олдинги босқичларида ва уруғ, ем-хашакда ва қишлоқ хўжалигидан чиқадиган меҳнат предметларида буюмлашган меҳнат харажатларини олади.

Ишлаб чиқариш жараёнида етакчи ролни жонли меҳнат ўйнайди, чунки у буюмлашган меҳнат яратган ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтиради. Буюмлашган қишлоқ хўжалик меҳнати буюмлашган саноат меҳнатига нисбатан кам самарали, чунки кейингиси қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги вақтда жонли меҳнатнинг унумдорлик даражасини фақат маҳсулот ишлаб чиқаришнинг яқунловчи босқичида ҳисоблаш қабул қилинган.

Буюмлашган меҳнат харажатлари қишлоқ хўжалигиники ва саноатники бўлишидан қатъи назар, ишлаб чиқаришнинг олдинги босқичидаги меҳнат харажатлари ҳисобланади, бевосита иш вақтида ҳисобланилмайди, уларнинг ҳисоби маҳсулот таннархини пул шаклида ҳисоблашда амалга оширилади.

Шу билан бирга фақат жонли меҳнат харажатларини баҳолаш ижтимоий меҳнатнинг ҳақиқий тежамини ошириб юборади, буюмлашган меҳнат эса, харажатининг самарадорлиги номаълум бўлиб қолаверади. Бунинг устига ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигида ҳар йили маҳсулот ишлаб чиқаришда буюмлашган меҳнат сарфи ошиб бормокда. Шунинг учун жонли меҳнат харажатлари самарадорлигини баҳолаш билан бир қаторда, саноат ишчилари ва буюмлашган қишлоқ хўжалиги меҳнати харажатларидан фойдаланиш самарадорлиги қандай эканлигини билиш муҳимдир.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги тўғрисида анча тўлиқ ва аниқ маълумотга эга бўлиш учун жами меҳнат харажатлари, яъни маҳсулот бирлигига ҳисобланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларини биргаликда таҳлил қилиш муҳим, аммо ўта мураккабдир.

Юқоридаги тушунчаларни ҳисобга олиб, меҳнат унумдорлиги тор ва кенг маънода кўриб чиқилади. Тор маънода меҳнат унумдорлиги, фақат жонли меҳнат харажатларини (ЖМХ) ҳисобга олади ва қуйидагича аниқланади:

$$МУ = \frac{ММ(ИХ) \text{ ёки } МК}{ЖМХ};$$

Кенг маънода меҳнат унумдорлигини кўриб чиқишда ҳам жонли, ҳам буюмлашган меҳнат харажатлари (БМХ) ҳисобга олинади ва қуйидагича аниқланади:

$$Т = ЖМХ + БМХ .$$

Шуни ҳисобга олиб, кенг маънодаги меҳнат унумдорлиги қуйидагича ҳисобланади:

$$МУ = \frac{ММ(ИХ) \text{ ёки } МК}{ЖМХ + БМХ} ; \text{ ёки } МУ = \frac{ММ(ИХ) \text{ ёки } МК}{Таннарх} .$$

Қишлоқ хўжаликда жонли меҳнат харажатлари иккига бўлинади: бевосита ва билвосита.

1) *Бевосита харажатлар* - маълум бир экин ёки чорва турларига хизмат қилувчи, деҳқончилик ва чорвачилик ходимларининг меҳнат харажатлари. Маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашиш даражаси нуқтаи назаридан бевосита меҳнат харажатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳаракат қиладиган ижтимоий меҳнатнинг таркибидаги фаол ва катта ҳажмни ташкил қиладиган меҳнат массасини ифодалайди.

2) *Билвосита харажатлар* - бевосита ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган, балки ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, бошқаришда

ва алоҳида тармоққа хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат харажатларидир.

Ҳозирги вақтда, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлаш учун фақат бевосита меҳнат харажатлари (технологик меҳнат сиғими)ни олиш қабул қилинган. Бу бошқарув ва хизмат кўрсатиш персоналлари меҳнат харажатларини маҳсулот турлари бўйича тақсимлашнинг баъзи бир кийинчиликларидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалигида техника тараққиётининг ривожланиши ва қишлоқ хўжалигида мутахассислар онгининг ўсиши натижасида билвосита меҳнат харажатлари салмоғи ўсиши керак. Лекин ҳозирги бизнинг иқтисодётимизда бунга эришилганича йўқ. Шундай бўлишига қармасдан, жонли меҳнат унумдорлиги даражасини анча аниқроқ ҳисоблаш учун, шунингдек, билвосита меҳнат харажатларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу харажатларни ҳам тармоқ бўйича, экин ва чорва турлари бўйича ва бевосита меҳнат харажатларига пропорционал маҳсулот бўйича ҳам тақсимлаш мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, жонли меҳнатнинг жами харажатларини топамиз. У ўз ичига бевосита ва билвосита меҳнат харажатларини олади ҳамда қуйидагича аниқланади:

$$\text{ЖМХ} = \text{Бев.Х} + \text{БилХ.}$$

Демак, жами меҳнат харажатлари эса, жонли меҳнат харажатлари (ЖМХ), шунингдек, буюмлашган (саноат ) меҳнат харажатлари (БМХс) ва қишлоқ хўжалик меҳнат харажатлари ( МХ қишлоқ хўжалик)ни ўз ичига олади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ЖамиМХ} = \frac{\text{Бев.Х} + \text{Бил.Х}}{\text{ЖМХ}} + \frac{\text{БМХс} + \text{МХк/ч}}{\text{БМХ}}$$

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидаи фойдаланилади. Иш кучидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарурияти: биринчидан, меҳнат унумдорлигини унинг барча даражаларида, яъни бир бутун қишлоқ хўжалигида, унинг алоҳида тармоқларида ва алоҳида маҳсулот турлари ишлаб чиқариш бўйича, ҳар томонлама тавсифини таъминлаш. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида иқтисодий жараёнлар биологик жараёнлар билан қўшилиб кетган, иш даври эса, ишлаб чиқариш даври билан мос келмайди. Бу ерда меҳнат сарфи вақти билан унинг пировард натижаси - маҳсулот олиш вақти ўртасида тафовут кузатилади. Меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичлар тизими уни ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси сифатида ҳам, алоҳида босқич ва операцияларида ҳам акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини тавсифлайдиган кўрсаткичлар классификацияси қуйидагича:

**I. Асосий кўрсаткичлар:**

*1) Натурал:*

- а) 1 ходимга тўғри келган маҳсулот миқдори;
- б) 1 киши/соатига тўғри келган маҳсулот миқдори;
- в) 1 ц - маҳсулотнинг меҳнат сизими.

*2) Қиймат:*

- а) 1 ходимга тўғри келган ялпи ёки соф маҳсулот қиймати;
- б) 1 киши/соатига тўғри келган ялпи ва соф маҳсулот қиймати;
- в) 100 сўмлик ялпи ва соф маҳсулотнинг меҳнат сизими.

**II. Қўшимча кўрсаткичлар:**

*1) Ягона кўрсаткичлар:*

- а) иш кунида бажарилган ишлар ҳажми, соат;
- б) алоҳида иш турлари бўйича 1 ходимнинг бажарган иши ёки ишлаб чиқарган маҳсулоти;
- в) 1 бирлик иш ҳажмини бажаришга кетган меҳнат харажатлари.

*2) Умумий кўрсаткичлари:*

- а) 1 ходимга тўғри келган экин ва ҳайвонлар;
- б) 1 га экин майдони ва бир бош ҳайвонга сарфланган меҳнат харажати;
- в) қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги.

Меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичлари олинган маҳсулот миқдори ва сарфланган иш вақти ўртасидаги нисбатни акс эттиради, жонли меҳнат харажатлари самарадорлигини етарлича тўлиқ тавсифлайди. Маҳсулотни ҳисобга олиш ва баҳолаш услуби бўйича улар натура ва қиймат, тармоқ ва маҳсулот турини қамраш даражаси бўйича ягона ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади. Ягона кўрсаткичлар алоҳида ёки бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлигини тавсифлайди, умумлаштирувчи кўрсаткич эса, бир бутун қишлоқ хўжалиги ёки унинг алоҳида тармоқ (деҳқончилик, чорвачилик)ларида меҳнат унумдорлигини тавсифлайди. Ягона кўрсаткичлар натурал кўрсаткичлар билан, умумлаштирувчи кўрсаткичлар қиймат кўрсаткичлар билан мос тушади. 1 ходим ҳисобига тўғри келган маҳсулотни ифодаловчи кўрсаткич йиллик меҳнат унумдорлигини, иш вақтининг йиллик сарфланиши самарадорлигини акс эттиради, 1 киши/соатига тўғри келган маҳсулот эса, соатлик меҳнат унумдорлигини, яъни сарфланган соф иш вақти самарадорлигини акс эттиради.

Меҳнат унумдорлигининг натурал кўрсаткичлари қиймат кўрсаткичларига нисбатан бир қатор қулайликларга эга. Улар маҳсулот ассортиментдаги таркибий ўзгаришларга таъсир этмайди, улардан алоҳида технологик операциялардаги меҳнат харажатларини баҳолаш учун фойдаланиш имкониятини беради ва жонли меҳнатнинг реал сарфларини акс эттиради. Чунки уларнинг ҳисоби (учёти) шартли қиймат ўлчови орқали эмас, балки бевосита иш вақти бирлигида амалга оширилади. Аммо натурал кўрсаткичларда маҳсулот сифати тўлиқ ўз аксини топмайди.

Меҳнат унумдорлиги асосий кўрсаткичларининг хоҳ натурал, хоҳ қиймат шаклда бўлмасин, камчилиги шундаки, уларни фақат тўлиқ йил учун ҳисоблаш мумкин. Чунки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги туфайли меҳнатнинг нировард натижаси фақат хўжалик йили тугагандан кейин маълум бўлади. Ҳақиқатда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг оралиқ операцияларида меҳнат харажатлари самарадорлиги устидан оператив назорат учун ҳар қандай бир вақт давомида эришилган ҳажмини ҳам билиш зарур. Бу мақсадлар учун қўшимча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар меҳнат харажатлари самарадорлигини тўлиқ тавсифламасалар ҳам, технологик жараёнларнинг оралиқ операцияларида индивидуал меҳнат унумдорлигини: бир иш кунда ёки 1 киши/соатида бажарилган иш ҳажми ёки бир бирлик иш ҳажмини бажариш учун кетган меҳнат харажати ифодалади.

Қўшимча кўрсаткичларни ягона ва умумий кўрсаткичларга бўлиш мумкин. Ягона кўрсаткичлар аниқ иш тури ҳажми ва уни бажариш учун кетган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбатни ифодалади. Ягона кўрсаткичлардан умумий кўрсаткичлар ташкил топади - маълум бир экин тури гектарига ва маълум бир ҳайвон бошига тўғри келган меҳнат харажатларидир. Қишлоқ хўжалигида жонли меҳнат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини яна маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари ҳам билвосита тавсифлайди, яъни қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги, чунки улар қанча юқори бўлса, маҳсулотнинг меҳнат сиғими шунча паст бўлади ва аксинча.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг кўпгина кўрсаткичлари, юқорида кўрсатилганидек, ялпи ёки соф маҳсулот миқдори (қиймати)ни меҳнат харажатлари миқдorigа ёки аксинча, бўлиш йўли билан ҳисобланилади. Соатлик меҳнат унумдорлиги ва алоҳида маҳсулот турлари меҳнат сиғими кўрсаткичлари бирмунча бошқачароқ ҳисобланилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ва молларни ўстиришда бир нечта маҳсулот турлари ишлаб чиқарилади, шунинг учун қишлоқ хўжалик

экинлари ва ҳайвонларидан олинган маҳсулотларга сарфланган жами меҳнат харажатлари барча ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари ўртасида тақсимланади.

Ғаллачиликда меҳнат харажатлари сомоннинг харажатлари, уни тайёрлашга ўрнатилган меҳнат харажатларининг меъёри бўйича аниқланади ва ғаллани ишлаб чиқариш учун сарф қилинган меҳнат харажатларидан ажратиб ташланади. Ғалла чиқитлари, ундаги ғалланинг салмоғига қараб ғаллага айлантирилади. Демак, соатлик меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун ғалла чиқитлари ҳисобга олинган жами ғаллани, сомонга қилинган меҳнат сарфи ажратиб ташлангандан қолган меҳнат сарфига бўлинади, яъни қуйидагача ҳисобланади:

$$МУ_{\text{Ғ}} = \frac{T_{\text{ҒМ}} + (ҒЧМ \cdot C)}{МХ},$$

бу ерда,  $T_{\text{ҒМ}}$  - тоза ғалла миқдори, ц;

$ҒЧМ$  - ғалла чиқитлари миқдори, ц;

$C$  - тўлиқ ғалланинг ғалла чиқитидаги салмоғи, %;

$МХ$  - ғалла етиштириш учун қилинган меҳнат харажати сомон харажатлари чиқарилгандан кейингиси, киши/соат.

Мисол: хўжаликда йиғиб олинган тоза ғалла 20000 центнерни, ғалла чиқити эса, 6000 центнерни ташкил этади. Ғалла чиқитидаги тоза ғалланинг ҳиссаси 20%га тенг, сарфланган меҳнат харажатлари (сомонга сарфланган меҳнат харажатларини чиқариб ташлаб) 10000 киши/соат бўлса, 1 киши/соатига ишлаб чиқарилган: ғалла қуйидагича ҳисобланади:

$$МУ_{\text{Ғ}} = \frac{200000 + (60000 \cdot 0,2)}{10000} = \frac{20000 + 12000}{10000} = \frac{21200}{10000} = 2,12 \text{ ц.}$$

1 ц ғалланинг меҳнат сиғими ( $МС_{\text{Ғ}}$ ) жами меҳнат харажатлари миқдорини (сомон харажатлари чиқарилган) ғалла чиқимлари билан биргаликда жами ғалла миқдорига бўлиб аниқланади:

$$МС_{\text{Ғ}} = \frac{МХ}{T_{\text{ҒМ}} + (ҒЧМ \cdot C)}.$$

Юқоридаги мисолдан фойдаланиб, 1 ц ғалланинг меҳнат харажатларини ҳисоблаймиз:

$$МС_{\text{Ғ}} = \frac{10000}{20000 + (6000 \cdot 0,2)} = \frac{10000}{20000 + 1200} = 0,47 \text{ к/с.}$$

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими ва соатлик меҳнат унумдорлиги ўзаро тескари алоқада экан, агар меҳнат сиғими маълум, бўлса, у ҳолда, соатлик меҳнат унумдорлиги қуйидаги усулда аниқланади:

$$МУ = \frac{1}{МС} = \frac{1}{0,47} = 2,1 \text{ ц} .$$

Сут қорамолчилигида жами меҳнат харажатларининг 90% (гўнг харажати чиқарилгандан кейин) сигирлардан соғиб олинган сутга, 10% эса, бузоққа ажратилади. Шунинг учун сут ишлаб чиқариш бўйича соатлик меҳнат унумдорлиги ва 1 ц маҳсулотнинг меҳнат сиғими қуйидагича аниқланади:

$$МУс = \frac{СМ}{МХ \cdot 0,9} ;$$

$$МСс = \frac{МХ \cdot 0,9}{СМ} ,$$

бу ерда, МУс-сутчиликда 1 соатлик меҳнат унумдорлиги (1к/с га), ц;

МСс-1 ц сутга сарфланган меҳнат харажатлари, к/с; МХ-сигирларни сақлаш учун сарфланган меҳнат харажатлари (гўнгга сарфланган меҳнат харажатларини чиқариб ташлаб,), к/с;

СМ - сут микдори, ц;

0,9 - сутга ажратилган меҳнат сарфининг салмоғи. Мисол: хўжаликда 8000 ц сут соғиб олинган, сигирларни сақлаш учун (гўнгга сарфланган меҳнат харажатларини чиқариб ташлаб) қилинган меҳнат харажатлари 102000 киши/соатни ташкил қилган бўлса, у ҳолда, меҳнат унумдорлиги ва меҳнат сиғими мос равишда қуйидагича ҳисобланади:

$$МУс = \frac{8000}{102000 \cdot 0,9} = \frac{8000}{91800} = 0,09 \text{ ц} ;$$

$$МСс = \frac{102000 \cdot 0,9}{8000} = \frac{91800}{8000} = 11,5 \text{ к/с} .$$

Қўйчиликда меҳнат унумдорлиги ва меҳнат сарфини ҳисоблаш учун жами қилинган меҳнат сарфидан гўнг харажати ва кўзи учун 10% чиқариб

ташланиб, қолган қисми гўшт ва жунга, уларни сотиш баҳоси бўйича кийматига пропорционал равишда тақсимланади. Масалан, қўй гўшти ишлаб чиқаришда соатлик меҳнат унумдорлиги ва 1 ц маҳсулот меҳнат сиғими қуйидагича аниқланади:

$$\begin{array}{ccc} & \text{ГМ} & \text{ЖМ} \\ \text{МУГ} = & \frac{\text{МХк} \cdot \text{С}_1}{\text{ГМ}} & \frac{\text{МХк} \cdot \text{С}_2}{\text{ЖМ}} ; \\ & \text{МХк} \cdot \text{С}_1 & \text{МХк} \cdot \text{С}_2 \\ \text{МСГ} = & \frac{\text{МХк} \cdot \text{С}_1}{\text{ГМ}} & \frac{\text{МХк} \cdot \text{С}_2}{\text{ЖМ}} , \end{array}$$

бу ерда, МУГ - гўшт етиштиришда 1 соатлик меҳнат унумдорлиги (1 к/сга), ц;

жун олишда 1 соатлик меҳнат унумдорлиги (1

Муж к/сга), ц;

МСГ - 1 ц. гўштга сарфланган меҳнат харажатлари, к/с;

МСЖ - 1 ц. жунга сарфланган меҳнат харажатлари, к/с;

МХк - қўйларни сақлаш учун сарфланган меҳнат харажатлари (гўнг учун ва қўзи туғилганда сарфланган меҳнат харажатларини чиқариб ташлаб), к/с

ГМ - гўшт миқдори, ц;

ЖМ - жун миқдори, ц;

С<sub>1</sub> - гўштнинг салмоғи, % (0,368);

С<sub>2</sub> - жуннинг салмоғи, % (0,632).

Мисол: хўжаликда қўйлардан 172 ц. гўшт етиштирилган, 180 ц. жун олинган. Қўйларни сақлаш учун меҳнат харажатлари (гўнг учун ва қўзи туғилганда сарфланган меҳнат харажатларини чиқариб ташлаб) 44200 к/с.ни ташкил қилган бўлса, у ҳолда, гўшт етиштириш ва жун олишнинг меҳнат унумдорлиги ҳамда меҳнат сиғими мос равишда қуйидагича ҳисобланади:

а) гўшт етиштириш учун;

$$\text{МУГ} = \frac{17400}{44200 \cdot 0,368} = \frac{17400}{16266} = 1,07 \text{ кг};$$

$$\text{МСГ} = \frac{44200 \cdot 0,368}{17400} = \frac{16266}{17400} = 0,93 \text{ к/с.}$$

б) жун олиш учун:

$$МУ_{ж} = \frac{18000}{44200 \cdot 0,632} = \frac{18000}{27934} = 0,64 \text{ кг,}$$

$$МС_{ж} = \frac{44200 \cdot 0,632}{18000} = \frac{27934}{18000} = 1,55 \text{ к/с.}$$

**Самарқанд вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига  
қарашли хўжаликларда меҳнат сарфларининг  
тақсимланиши**

Ишлаб чиқариш тармоқлари	1999 йил давомида сарфланган		2003 йил давомида сарфланган	
	Минг одам соати	Минг киши куни	Минг киши соати	Мииг киши куни
Ўсимликчилик (ҳисобот йили ва келгуси йил)	299351	41478	210374	30053
Чорвачилик (паррандачилик қўшилиб)	11610	1659	12978	1954
Ўсимликчилик бўйича умумий Ишлаб чиқариш харажати	11807	1686	7445	1063
Чорвачилик бўйича умумий ишлаб чиқариш харажати	1463	209	478	68
Саноат ишлаб чиқариши, таъмирлаш устахонаси, техника ва қуроллар, электр ва сув таъминотлари	8458	1208	3950	564
Кўрсатилган хизмат, қурилиш (кўчат ўтқозиш ва уни йиғиштириш харажатидан бошқа )	2439	348	795	113
Кўпйиллик кўчатлар ўтқозиш, ўстириш ва хизматлар	1090	156	394	56
Маҳсулот сотиш харажатлари ва жорий таъмирлаш харажати	12230	1747	2646	377

Умумхўжалик харажати	17188	2455	5394	771
Транспорт харажати	11878	1698	2428	347
ЖАМИ:	368507	52644	246882	35266

2003 йилда жами киши/соатнинг 85,2 фоизи ўсимликчиликда ва 5,2% чорвачиликда бевосита сарфланган. Уларда меҳнат сиғими ва қайтими натурал ҳамда қиймат кўрсаткичларини тўғри ҳисоблаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш хўжаликларнинг самарадорлигини оширишга реал шароит яратади. Бошқа тармоқларда ҳам бу вазифа амалга оширилиши лозим.

## ***2. Меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари***

Меҳнат унумдорлиги даражасининг ошиб бориши юқори самарали кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг зарурий шarti ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг иқтисодий моҳияти маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетган меҳнатни камайтириш ёки меҳнат ўзгармагани ҳолда, маҳсулотни кўпайтиришдир. Ҳозирги пайтда кишлоқ хўжалигида бевосита ишларнинг 80-90 фоизи қўлда бажарилади ва унинг унумдорлигига салбий таъсир этади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг халқ хўжалик аҳамияти қуйидагича:

1.У деҳқончилик ва чорвачилик ялпи маҳсулотини кўпайтиришнинг ягона манбаи ҳисобланади ва аҳолини илмий асосланган меъёрлар бўйича озиқ-овқатга бўлган талабини ва саноатнинг хом ашёга бўлган талабини тўлароқ қондиришни таъминлайди.

2.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган жонли меҳнат харажатларини қисқартиради, иш вақтини тежайди. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, маҳсулот бирлиги олиш учун шунча кам иш вақти кетади ва кишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимлар сони камаяди. Бўшаган иш кучи бошқа соҳаларга йўналтирилади.

3.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши иш кунини, иш хафтасини, йилдаги иш соатлари миқдорини қисқартиришга шароит яратади ва бўш вақтни кўпайтиради. Қишлоқ меҳнатчиларига шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини ақлий ва жисмоний ривожлантириш, илмий-техникавий ва бадиий ижодиёт учун бўш вақт вужудга келади.

4.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот бирлиги ҳисобига меҳнат ҳақи харажатларини камайтиради. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати меҳнат ҳақининг ўсиш суръатидан илгарилаб кетса, маҳсулот бирлигига тўғри келган меҳнат ҳақининг мутлақ миқдори ва ҳиссаси пасаяди.

5.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши моддий ресурсларда буюмлашган меҳнат харажатларини тежашга ва фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон беради.

б.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларидан самарали фойдаланиб, меҳнат ҳақи харажатларини қисқартириб ва бир бутун ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларининг рентабеллик даражасини оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши амалиётида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг бир қанча вариантлари бўлиши мумкин:

1.Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат харажатларининг ўсишидан олдинга кетади.

2.Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, меҳнат харажатлари ўзгармасдан қолади.

3.Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, меҳнат харажатлари пасаяди.

4.Маҳсулот ишлаб чиқариш ўзгармайди, меҳнат харажатлари пасаяди.

5.Маҳсулот ишлаб чиқариш камаяди, меҳнат харажатлари ундан ҳам кўпроқ камаяди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун қуйидаги омиллардан оқилона фойдаланиш зарур:

1.Сермеҳнат жараёнларни комплекс механизациялаш,

2.Машиналар тизимидан фойдаланиш.

3.Ишлаб чиқариш технологиясини қисқа муддатларда ва сифатли ўтказиш.

4.Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва йириклаштириш.

5.Меҳнат малакасини ошириш.

б.Меҳнатни ташкил этишда унинг прогрессив шаклларида фойдаланиш.

7.Ходимларнинг дам олиш, маиший ва меҳнат шароитларини яхшилаш.

8.Иқлим, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва ҳ.к.

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топшириқнинг мазмуни**

1.Ижтимоий хўжаликда ишлаётган меҳнатга яроқли ишловчилардан фойдаланишнинг мавсумийлик коэффициенти аниқлансин.

2.Меҳнат унумдорлиги аниқлансин.

*1-жадвал*

**Йил ойлари бўйича ижтимоий хўжаликда ишлаётган меҳнатга яроқли ишловчилардан фойдаланиш коэффициенти**

Ойлар	Ишлаган меҳнатга яроқли ишловчилар	Улардан фойдаланиш коэффициенти	
		Ўртача йилликка	Тигиз ойга
Январ Феврал Март Апрел Май Июн Июл Август Сентябр Октябр Ноябр Декабр Ўртача бир йиллик			

2-жадвал

**Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги**

Кўрсаткичлар	Сўм
Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти: 1) Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ўртача йиллик ходимга 2) Бир киши/соатига шу жумладан: а) ўсимликчиликда б) чорвачиликда	

## Саволлар

1. Меҳнат унумдорлиги нима?
2. Меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичлари.
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларида меҳнат сифimini аниқлаш усуллари.
4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.

### **19-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ (ИШ, ХИЗМАТЛАР) ТАННАРХИ ВА УНИ ПАСАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*«Таннархни аниқлаш барча турдаги хўжаликлар учун муҳимроқ ҳисоб-китоблардан бири ҳисобланади».*

**А.В.Чаянов**

#### ***1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва маҳсулот таннархи.***

##### ***Таннархининг турлари***

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш тармоқда ишлаб чиқариш ресурслари (меҳнат, ер, сув, моддий ва бошқа)ни ишлатиш билан чамбарчас боғланган, қайсики ишлаб чиқариш жараёнида қисман ёки бутунлай истеъмол қилинади, уларнинг қиймати эса, тайёр маҳсулотга ўтади. Истеъмол қилинган ва маҳсулотга ўтказилган ишлаб чиқариш ресурсларининг жами йиғиндиси маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари дейилади. Ишлаб чиқариш харажатлари икки хил бўлади: ижтимоий харажатлар ва корхона харажатлари. Ижтимоий харажатлар бу жамиятнинг у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларининг жамидир. Улар маҳсулот қийматидан ташкил топади ва ўз ичига куйидагиларни олади:

1. Бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари (ажратмалари билан).
2. Ягона ер солиғи.
3. Истеъмол қилинган моддий ресурслар қиймати.
4. Қўшимча маҳсулот қиймати.

Қўшимча қиймат бошқариш, маориф соғлиқни сақлаш, мудофаа, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва бошқаларга қилинган харажатларни қоплашга сарфланади. Маҳсулотлар қийматининг асосий қисми корхона харажатларини ташкил этади ва унинг таркибига меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришда қатнашган асосий воситларнинг йиллик эскириши,

машина-ускуналар, айланув воситаларининг киймати, айрим солиқлар, тўловлар ва бошқалар киради. Маълумки, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари хўжалик юрителининг барча шаклларида маҳсулот кийматининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Харажатларнинг қийматдан фарқи такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча фазаларида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш соҳасида харажатларнинг шаклланиши қиймат ташкил топишининг биринчи босқичидир. Бунда ишлаб чиқаришнинг ўзи меҳнат жараёни ва қиймат яратиш жараёнининг бирлиги бўлиб ҳаракат қилади. Бу ерда жонли меҳнат жараёни ва қиймат яратиш жараёнининг бирлиги бўлиб ҳаракат қилади. Бу ерда жонли ва буюмлашган харажатлар ҳамда тадбиркорлик ялпи маҳсулот, шу жумладан, кўшилган қийматни яратади. Ишлаб чиқариш соҳасида қиймат ва корхона харажатлари ўртасидаги боғлиқлик амалий аҳамиятга эга. Нооқилона хўжалик юрители, ишлаб чиқариш ресурсларидан етарли даражада самарали фойдаланмаслик туфайли сарфланган барча турдаги бевосита ва билвосита харажатларнинг самарадорлиги пасаяди.

Ижтимоий харажатларнинг, бинобарин, қийматнинг маълум бир қисми сифатида ишлаб чиқариш харажатлари пулда ифодаланади. Шунинг учун ишлаб чиқариш харажатларига ишлаб чиқариш ресурсларининг кўлланилгани эмас, балки истеъмол қилинган қиймати киради. Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига меҳнат яратган жами қиймат эмас, балки тўланган бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи кўшилади. Ишлаб чиқариш харажатларига ер ресурслари қиймати эмас, ундан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар (ер учун тўлов, ижара ҳақи ва бошқалар), асосий воситаларнинг қиймати эмас, фақат амортизация суммаси, моддий айланма воситаларидан фойдаланилган микдор киради. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тўлиқ таннархнинг асосини ташкил этади.

Демак, маҳсулот таннархи корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган жорий, яъни ҳар йиллик пулда ифодаланган харажатларнинг жами йиғиндисидир.

Корхонанинг маҳсулот олиш учун сарфланган ҳамма ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндиси ялпи маҳсулот таннархини ифодалайди ва куйидагича ҳисобланади:

$$YMT = I \setminus C.X \text{ ёки}$$

$$YMT = MX + ET + A + \text{Мат.Ҳар} .$$

Асосий ва қўшимча маҳсулот бирлигининг таннархи жами ишлаб чиқариш харажатларини ялпи маҳсулот микдorigа нисбати билан топилади:

$$T = \frac{I / C.X}{MX + ET + A + \text{Мат.Ҳар}} \text{ ёки } T = \frac{I / C.X}{MX + ET + A + \text{Мат.Ҳар}}$$

ЯМ ЯМ

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги  
вазирлигига қарашли корхоналарда сотилган асосий  
маҳсулотларнинг таннархи (ц/сўм)**

Маҳсулот турлари	1999 йил	2000 йил	2000 йилда 1999 йилга. нисбатан	
			сўм	%
1.Буғдой	1792	2875	1083	160,4
2.Пахта хом ашёси	3841	6901	3060	179,6
3. Тамаки барги	14431	34106	19675	236,3
4. Картошка	2021	3397	1376	168,1
5. Очиқ майдон сабзаотлари	543	993	450	182,9
6. Қовун ва тарвуз	336	609	273	181,3
7.Уруғли ва данакли мевалар	1120	1394	274	124,5
8. Узум	1448	1561	113	107,8
9. Сут	3795	6396	2601	168,5
10.Мол гўшти (тирик вазнда)	18751	32362	13611	172,6
11.Қорақўл тери (дона)	1173	1564	391	133,3
12. Ҳар хил жун	5253	10739	5488	204,4
13. Тухум (10 дона)	134	224	90	167,2
14. Пилла	25654	38079	14425	148,8

Жадвалда келтирилган барча маҳсулотларнинг таннархи асосан, моддий - пул харажатлари, шу жумладан, хизматлар ҳисобига ошган. Бунга асосий сабаб, улар ҳажмининг кўпайиши эмас, балки уларга жорий баҳоларнинг ошишидир. Масалан, 2000 йилда 1999 йилга нисбатан машина-трактор парки томоидан 1 гектар ғаллани йиғиб бериш тарифи 2 мартадан кўпроқ ошган.

Маҳсулот бирлиги таннархидан ташқари айрим ишларнинг (трактор, автотранспорт, ишчи ҳайвон ва бошқалар), шунингдек, қишлоқ хўжалигига яроқли ерга ишлов бериш, бир бош ҳайвондан маҳсулот олиш харажатлари ҳам аниқланади.

Харажатларнинг шаклланиш босқичларига қараб, таннархнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлади:

- 1.Технологик.
- 2.Ишлаб чиқариш.
- 3.Коммерция ёки тўла таннарх.

1.Технологик таннархига, маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ бўлган, шунингдек, бўлимларда, бригада, ферма ва цехларда ишлаб чиқаришни бошқариш ҳамда ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар киради.

2.Ишлаб чиқариш таннархи технологик таннархларнинг йиғиндисини, корхонани ва ишлаб чиқаришни бутунлай бошқариш билан боғлиқ харажатларнинг (умумхўжалик харажатлари) йиғиндисини ифодалайди.

3. Коммерция ёки тўла таннарх ишлаб чиқариш харажатларининг ҳаммаси ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган, муомала харажатларининг йиғиндисини ифодалайди. У фақат товар маҳсулот учун ҳисобланади.

Бундан ташқари, ҳисоблаш хусусиятига қараб қуйидагича таннарх турлари аниқланади:

- 1.Режа таннархи.
- 2.Дастлабки, вақтинчалик ва тахминий таннарх.
- 3.Ҳақиқий таннарх.

1.Режа таннархи, бу корхона режалаштираётган даврдаги маҳсулот бирлигига сарфланиши лозим бўлган харажатлар йиғиндисини ифодалайди.

2.Вақтинчалик ёки тахминий таннарх эса, 9 ойлик ҳақиқий харажатларни ва 4-чорақдаги режа харажатларини ўз ичига олади.

3.Ҳақиқий таннарх эса, йил охирида корхона хўжалик фаолиятини яқун қилишда йиллик ҳисоботлар асосида ҳисобланади. У олинган ялпи маҳсулот учун сарфланган ҳақиқий харажатлар асосида ҳисобланади. Маҳсулот таннархи шаклланиш жойига қараб, индивидуал (конкрет корхонада, уюшма ва бошқа), зона (маълум бир зонанинг ўртачаси) ва тармоқ таннархларига бўлинади (мамлакат бўйича ўртача)

## ***2. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг ташкил топиши ва гуруҳланиши***

Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш харажатларини ташкил топишини ҳисоблаш ва уларни гуруҳларга бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида

амалга оширилади. Ушбу Низом бўйича харажатларни ҳисоблаш 1995 йилдан бошлаб тажриба шаклида ишлаб чиқаришга жорий эта бошланган эди, 1999 йилдан эса, амалиётга кенг доирада фойдаланишга киритилган.

Низомнинг «Умумий қоидалар» бўлимида кўрсатилишича ушбу ҳужжат: «...юридик шахсларнинг, шунингдек, юридик шахс бўлмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона услубияти асосларини белгилайди».

Мазкур Низом бухгалтерия ҳисобини юргизишда ва солиққа тортиладиган базани аниқлашда харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган бўлиб, хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлигини аниқлаш мақсадида хўжалик фаолиятининг барча харажатларини ҳисоблаб чиқиш, молиявий натижаларни аниқлаш ва улар тўғрисида тўлиқ ҳамда аниқ ахборотни шакллантиришнинг асосини яратади. Ушбу Низомга асосан, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган ва киритилмайдиган харажатлар бўлади:

*1.Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:*

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

*II.Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар:*

- а) сотиш харажатлари;
- б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);
- в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

*III.Хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари:*

- а) фоизлар бўйича харажатлар;
- б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;
- в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

*IV.Фавқулодда зарарлар, у даромад (фойда)дан олинмайдиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.*

Энди юқорида санаб ўтилганларни турларга бўлинишини (классификацияни) кенгроқ кўриб чиқамиз:

*I. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар:*

I.1. Ишлаб чиқариш хусусиятга эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

I.2. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар.

I.3. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий фаоллар амортизацияси.

I.4. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.

*II. Давр харажатлари* деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Давр харажатларига қуйидаги моддалар киради:

II. 1. Сотиш харажатлари.

II.2. Маъмурий харажатлар.

II.3. Бошқа операция харажатлари.

II.4. Ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлари.

*III. Молиявий фаолият бўйича харажатларга* қуйидагилар киради:

III.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари доирасида ва улардан юқори доирада қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли кредитлар бўйича, шу жумладан, тўлов муддати ўтган ва ўзайтирилган ссудалар бўйича тўловлар.

III.2. Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари.

III.3. Чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлари ва зарарлар.

III.4. Сарфланган (қимматли қоғозларга, шуъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар.

III.5. Ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар.

III.6. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан, салбий дисконт.

*IV. Фавқулодда зарарлар* - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган, одатдан ташқари харажатлар

моддаларидир. Бунга фавқулодда моддалар ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бўлган ўтган давр моддалари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслиги;
- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.

Тегишли моддаларни фавқулодда харажатларга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда, иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай туриб қолишлар фавқулодда деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда «бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак» мезонига жавоб бермайди.

*1. Меҳнат ҳақи (ажратмалари билан) харажатлари.* Уларнинг таркибига қуйидаги моддалар киради:

1.Қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ белгиланган тариф ставкалари ҳамда лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган, амалда бажарилган иш ёки сарфланган вақт учун ҳисобланган меҳнат ҳақи.

2.Касб маҳорати ва мураккаблик учун тариф ставкаларига ва окладларига устамалар.

3.Иш режими ва шароити бўйича турли хил устамалар, қўшимча ҳақ, компенсациялар ва бошқалар киради.

*II.Моддий харажатлар.* Моддий харажатлар таркибига ишлаб чиқариш хусусиятидаги иш ва хизматлар ҳақи, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, меҳнат предметлари харажатлари киради: ўзи ишлаб чиқарган ва сотиб олинган уруғ ва кўчатлар, унга уруғни экишга тайёрлаш ва ортиш-тушириш, экиш жойига олиб бориш харажатлари кирмайди; моллар ва паррандаларни боқиш учун ўзи ишлаб чиқарган ва сотиб олинган ем-хашак; қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари -гўнг ва бошқалар; минерал ўғитлар, бактериал ва бошқа препаратлар; нефть маҳсулотлари; ёқилғи; четдан ва ўз электр станциясидан олинган электроэнергия; бошқа моддий сарфлар, шу жумладан, таъмирлаш учун материаллар ва эҳтиёт қисмлар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, медикаментлар ва препаратлар, махсус кийимлар ва бошқа кам баҳоли ва тез тўзийдиган предметларнинг эскириши; ёрдамчи саноат.

**Самарқанд вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига  
қарашли жамоа-ширкат хўжаликларида элементлар бўйича  
асосий ишлаб чиқариш харажатлари (2003 йил)**

Элементлар бўйича харажат турлари	Асосий ишлаб чиқаришга, ҳаммаси	Шундан маҳсулот ишлаб чиқаришга	
		Ўсимликчилик	Чорвачилик
1	2	3	4
1.Меҳнат ҳақи сарфи, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотга ҳисоблангани билан	17082338	14960808	966703
2.Маҳсулот таннаригига кирган пул-материал харажатлари	20554145	1994987,1	584798
Шу жумладан: Уруғлик ва кўчатлар	3467370	3467370	X
Ем-хашак	337803	X	337803
Шу жумладан, : саноат ишлаб чиқариши	38269	X	38269
Қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари (гўнг, тўшама, тухум инкубация учун)	27746	18409	9337
Маданий ўғитлар	5002443	5002443	X
Ёқилғи маҳсулотлари	3538832	3410333	128499
Электр энергияси	1146943	1104946	34477
Ёқилғи	98719	98331	388
Таъмирлаш ва қурилиш материаллари	265208	246335	6917
Иш ва хизматга тўланган бошқа ташкилотларнинг бажарган ишлари материал харажати .	6669081	6601704	67377
Шундан: юк ортиш учун	977472	964419	13053
Ер унумдорлигини ошириш,	3193239	3174090	19149

Ўғитлаш, агрокимё ишлари ва бошқалар			
Техника таъмири учун	2486735	2463195	23540
Ветеренария ва зоотехния хизмати	11635	X	11635
3. Асосий воситаларнинг амортизацияси	611940	549324	24712
4. Суғурта тўловлари	198138	194583	3555
5. Банк қарзи фоизлари	113353	11:1748	1605
б. Бошқа харажатлар	8671720	3970003	302679
Ҳамма харажатлар	47231634	3973637	1884052

2003 йилда қишлоқ хўжалик тармоғида элементлар бўйича ҳамма ишлаб чиқариш харажатларининг 36,2 фоизи меҳнат хақи (ажратмалари билан), 43,5 фоизи ялпи маҳсулот таннархига киритилган айланувдага материал-пул, 1,3 фоизи -амортизация ажратмалари, қолган 19,3 фоизи эса, суғурта тўловлари, банк қарзи фоизлари ва бошқа харажатлардан ташкил топган.

### **3. Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг услубий асослари ва хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархини ҳисоблаш тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бир қанча хусусиятларга эга:

1. Деҳқончиликда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик цикли, шунингдек, иш вақти ва ишлаб чиқариш вақтининг мос келмаслиги маҳсулот таннархини ҳисоблашни фақат хўжалик йили тугагандан кейин амалга ошириш кераклигини кўрсатади.

2. Кўпгина деҳқончилик экинлари ва турли-туман чорвачилик маҳсулотларини олиш бир-бири билан боғлиқ.

3. Тугалланмаган ишлаб чиқариш суммасини аниқлаш фақат йил охирида, 1 январь ҳолатида аниқланади. Бу харажатларга келгуси йил ҳосили учун қилинган харажатлар киради.

4. Ҳақиқий таннархи фақат йил охирида аниқланади, йил даврида эса, режа харажатлари билан ҳисобланади, бу ҳақиқий харажатларни йил охиригача аниқлаш имконини бермайди.

5. Турли хил маҳсулотларнинг турли жойларга етказиш харажатларнинг хилма-хиллиги.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча асосий турлари бўйича, шунингдек, ишлаб чиқаришга хизмат қилувчилар бўйича ҳам таннарх ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини ҳисоблашда маълум бир кетма-кетликни сақлаш тавсия этилади:

1. Асосий воситаларни сақлашга мўлжалланган харажатларни режалаштириш ва харажатлар ҳисоби объектларга қараб тақсимланади.

2. Асосий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатадиган қўшимча ва ёрдамчи саноат ишлаб чиқариш маҳсулоти (иш ва хизмат) таннархи ҳисобланилади.

3. Ерларни суғориш ва захини қочириш бўйича харажатлар тақсимланади, экинларни чанглатишда асаларичилик хизмати ҳисобдан чиқарилади.

4. Бригада, ферма, цех ва умумхўжалик харажатлари тақсимланади.

5. Режалаштириш ва ҳисоб объектлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг умумий қиймати аниқланади.

6. Ўсимликчилик маҳсулотлари таннархи ҳисобланилади.

7. Озуқа цехларини сақлаш бўйича харажатлар тақсимланади.

8. Чорвачилик маҳсулотлари таннархи ҳисобланилади.

9. Молларнинг тирик вазни таннархи ҳисобланилади.

10. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган, ёрдамчи (саноат) ишлаб чиқариш маҳсулотлари таннархи ҳисобланилади.

11. Ўсимликчилик, чорвачилик ва саноат ишлаб чиқариш товар маҳсулотларининг коммерция (тўлиқ) таннархи ишлаб чиқариш таннархига сотиш харажатларини қўшиш йўли билан ҳисобланилади. Алоҳида маҳсулот турлари бўйича таннархни ҳисоблашда аввало, асосий, туташ ёки қўшимча ва ёрдамчи маҳсулотлар турларининг миқдори аниқланади. Аммо ҳар бир маҳсулот тури бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг учётини алоҳида ташкил қилиб бўлмайди. Шунинг учун барча турдаги маҳсулотлар ўртасида ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади:

1. Харажатларни бевосита маҳсулот турларига олиб бориш.

2. Алоҳида қишлоқ хўжалик экинлари турлари маҳсулотлари бўйича, хайвонлар маҳсулотлари турлари учун умумий бўлган белгилари бўйича харажатлар олинадиган маҳсулот турлари учун умумий бўлган белгилардан бирининг миқдори аҳамиятига пропорционал равишда тақсимланади.

3. Алоҳида турдаги маҳсулотларни олишга кетган харажатларни эксперт йўли билан баҳолаш ва уларни маълум бир кўрсаткичларда акс эттириш.

4. Маълум бир экиндан (моллар гурухи, тури) олинадиган маҳсулот тури бўйича харажатларни, марказлашган тартибда ўрнатиладиган, иқтисодий жиҳатдан асосланган коэффицентларни қўллаш ёрдамида, центнер-коэффицент ва бошқа шартли бирликларнинг миқдорига пропорционал тақсимланади. Уларни аниқлашда маҳсулот турларидан бирининг бирлигига тўғри келган харажат бир деб қабул қилинади, бошқа маҳсулотлар бирлигига қилинган харажатлар шу бирликка нисбатан олиниб, коэффицент кўринишида ифодаланади.

5.Харажатлар маҳсулотни сотиш баҳоси бўйича баҳолангандаги маҳсулот қийматиغا пропорционал тақсимланади.

Масалан, ғалла экинларини етиштириш ва йиғиб-териб олишдаги ишлаб чиқариш харажатлари: ғалла, ғалла чиқити ва похол таннархидан ташкил топади ҳамда қуйидагича ҳисобланади:

ҒЭИ/ЧХ-БМХ (похол)

$$FT = \frac{\text{ҒЭИ/ЧХ-БМХ}}{\text{ҒМ} + (\text{ҒЧМ} \cdot \text{ҒС})};$$

$$\text{ҒМ} + (\text{ҒЧМ} \cdot \text{ҒС})$$

$$\text{Ғкч} = \text{ҒТ} \cdot \text{С}$$

бу ерда, FT - 1 ц. ғалла таннархи, сўм;

ҒЭИ/ЧХ - ғалла экинларини етиштириш учун ишлаб чиқариш харажатлари, сўм;

БМХ - бошқа маҳсулот харажатлари (похол), сўм ;

ҒМ - ғалла миқдори, ц;

ҒЧМ - ғалла чиқитлари миқдори, ц;

ҒС - ғалла чиқитларидаги ғалланинг салмоғи.

$$6\ 160\ 000 - 660\ 000$$

$$FT = \frac{\text{6 160 000 - 660 000}}{\text{50 000} + (\text{3000} \cdot \text{0.5})} \text{ қ } 106,80 \text{ сўм ;}$$

$$50\ 000 + (3000 \cdot 0.5)$$

$$T_{гч} = 106,80 \cdot 0.5 = 53,4 \text{ сўм .}$$

Сутчилик подаси бўйича харажатлар қуйидагича тақсимланади:

сутга - 90%; бузоққа - 10%.

$$(\text{ССИ/чХ} - \text{БМХ}) \cdot 0,9$$

$$CT = \frac{\text{ССИ/чХ} - \text{БМХ}}{\text{СМ}} \cdot 0,9$$

$$\text{СМ}$$

бу ерда, CT - 1 Ц сутнинг таннархи, сўм;

БТ - 1 бош бузоқнинг таннархи, сўм;

ССИ/чХ - сигирни сақлашга ва озиклантиришга келган ишлаб чиқариш харажатлари, сўм;

БМХ - бошқа маҳсулот харажатлари, сўм (гўнг);

СМ - сут миқдори, ц;

БС - бузоқ сони, бош;

0,9 ва 0,1 - маҳсулот турлари бўйича тақсимланганда сигирни сақлашга ва озиклантиришга кетган харажатлар салмоғи.

$$СТ = \frac{(26840000 - 2200000) \cdot 0,9}{10.000} = 2376,0 \text{ сўм ;}$$

$$BT = \frac{(26840.000 - 2200000) \cdot 0,1}{1200} = 2046,0 \text{ сўм.}$$

Қўйчилик подаси бўйича харажатлар қуйидагича тақсимланади:  
Олинган қўзига тегишли харажатлар - 15%.

$$KT = \frac{(ҚПСИ/ЧХ - БМХ - ҚХ) \cdot С}{КС},$$

бу ерда, КТ - қўзи таннархи, сўм;

ҚПСИ/ЧХ - қўйлар подасини сақлаш ва ишлаб чиқариш харажатлари, сўм ;

БМХ - бошқа маҳсулот харажатлари, сўм ;

ҚХ - қўзига ажратилган харажатлар, сўм;

С - шу маҳсулотнинг салмоғи;

КС - қўзи сони, бош.

$$KT = \frac{(440.000 - 26400) \cdot 0,15}{292 \text{ бош}} = 212,46 \text{ сўм;}$$

$$ЖТ = \frac{(440.000 - 26400 - 62040) \cdot 0,363}{6 \text{ ц}} = 21269,33 \text{ с;}$$

$$ТМТ = \frac{(440.000 - 26400 - 62040) \cdot 0,637}{52 \text{ ц}} = 4306,62 \text{ с;}$$

бу ерда, ЖТ - жун таннархи с;

ТМТ - тирик вазнда гўшт маҳсулоти таннархи, сўм.

#### **4. Маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари**

Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг муҳим омили ва бир вақтнинг ўзида кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай маҳсулот бирлигининг таннархи икки миқдор нисбатига: ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот сифатига боғлиқ бўлади. Таннарх қуйидаги ҳолларда пасайиши мумкин:

1. Агар маҳсулот ўзгармагани ҳолда, харажат миқдори камайса.
2. Агар ялпи маҳсулот миқдори кўпайиб, харажатлар ўзгармаса.

3. Агар ялли маҳсулотнинг ўсиш суръати харажатлар ўсиш суръатидан илгари кетса.

Маҳсулот таннархи омиллари қишлоқ хўжалигида турли-тумандир. Уларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Таннархнинг 2 таркибий қисми, яъни ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот миқдори.

2. Фақат харажат миқдори.

3. Фақат маҳсулот миқдори.

*1-гуруҳга:*

а) ходимларнинг моддий манфаатдорлиги;

б) ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш;

в) ишлаб чиқариш технологиясини қисқа вақтда ва сифатли бажариш.

*2- гуруҳга:*

а) ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғими;

б) ишлаб чиқаришнинг ер сиғими;

в) ишлаб чиқаришнинг фонд сиғими;

г) ишлаб чиқаришнинг материал сиғими.

*3- гуруҳга:*

а) қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги;

б) экин майдонлари ва пода тузилмаси ;

в) маҳсулотни сақлаш усуллари.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги моддаларга бўлиб ҳисобланади:

**ЎСИМЛИКЧИЛИКДА**

**ЧОРВАЧИЛИКДА**

1. Тўғри меҳнат ҳақи ажрат- малари билан

2. Ўғит ва кўчатлар

3. Амортизация

4. Уруғлик

5. Ишлар ва хизматлар

6. ЁММ

7. Суғурта тўловлари

8. Умумишлаб чиқариш

9. Бошқа харажатлар

1. Тўғри меҳнат ҳақи ажратмалари билан

2. Ём-хашак

3. Амортизация

4. Ишлар ва хизматлар

5. ЁММ

6. Суғурта тўловлари

7. Умумишлаб чиқариш хара- жатлари

8. Бошқа харажатлар

**Қишлоқ хўжаликда асосий тур маҳсулотларга таннарх ҳисоблаш объектлари қуйидагилар:**

Тармоқ турлари	Таннарх ҳисоблаш объектлари
<b>Ўсимликчилик</b>	
Ғалла экинлари	Ғалла Ғалла чиқитлари
Техника экинлари, пахта	Пахта Ғўзапоя
Картошка	Картошка
Сабзавотлар	Помидор, сабзавот, бодринг ва бошқалар
Узум	Узум, кўчатлар
Мева ва резаворлар	Мева, резаворлар, кўчатлар
Полиз маҳсулотлари	Қовун, тарвуз ва бошқалар
Силос экинлари	Кўк масса
Бирйиллик ва кўпйиллик ўтлар	Пичан Кўк масса Уруғ
<b>Чорвачилик</b>	
Сут йўналишидаги ЙШҚ	Сут Бузоқ.
Гўшт қорамолчилиги	Гўшт
Чўчқачилик.	Гўшт, чўчка боласи
Қоракўл куйчилик	Гўшт Жун Қоракўл тери
Паррандачилик	Жўжа, Гўх УМ, Гўш т
Пиллачилик	Пилла

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топшириқнинг мазмуни**

1. Элементлар ва моддалар бўйича асосий ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар таҳлил этилсин.
2. Жорий баҳоларда 100 сўмлик ўсимликчилик, чорвачилик ва бутун ишлаб чиқаришга кетган харажатлар моддалари таҳлил қилинсин.

*1-жадвал*

### **Элементлар бўйича асосий ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар**

№	ХАРАЖАТ ЭЛЕМЕНТЛАРИ	Маҳсулот ишлаб чиқаришга		
		Ўсимликчиликда	Чорвачиликда	Бутун к/х бўйича

		Сумма	нисбатан, % да	сумма	нисбатан, % да	сумма	нисбатан, % да
1.	Меҳнат ҳақи ажратмалари билан						
2.	Маҳсулот таннархига кирувчи моддий харажатлар а) Уруғлик ва кўчат материаллари б) Ем-хашак в) шу жумладан, саноат ишлаб чиқариши г) к/х.нинг бошқа маҳсулотлари д) Ўғитлар е) Ёқилғи маҳсулотлари ж) Электр энергияси з) Ёқилғи к) Таъмирлаш ва қурилиш материаллари л) Бошқа материаллар ва сарфлар						
3.	Асосий воситалар эскириши						
4.	Сугурта тўловлари						
5.	Банк қарзи тўловлари						
6.	Бошқа харажатлар						
	Жами харажатлар	100	100		100		

2 -жадвал

### Моддалар бўйича асосий ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар

№	Харажатлар моддаси	Маҳсулот ишлаб чиқаришга					
		Ўсимлик-чиликда		Чорвачи-ликда		Бутун қ/х бўйича	
		Қиймати	Жамига нисбатан, % да	қиймати	Жамига нисбатан, % да	қиймати	Жамига нисбатан, % да
1.	Меҳнат ҳақи харажатлари						
2.	Уруғлик ва кўчат материаллари						
3.	Минерал ва						

	органик ўғитлар						
4.	Ем-хашак						
5.	Асосий воситаларни сақлашга қилинган харажатлар						
6.	Бошқа харажатлар						

Эслатма:

1. Ўсимликчилик ялпи маҳсулоти \_\_\_\_\_ сўм.
2. Чорвачилик ялпи маҳсулоти \_\_\_\_\_ сўм.
3. Қ/х ялпи маҳсулоти \_\_\_\_\_ сўм.

### Саволлар

1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси нима?
2. Маҳсулот таннархи тушунчаси ва турлари.
3. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш усуллари қандай?
4. Маҳсулот таннархини пасайтириш қандай йўллар билан амалга оширилади?

## 20-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БАҲОЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА БАҲОЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

«Бозор иқтисодиёти шароитида тўғри,  
самарали, максимал даромад олишга  
йўналтирилган қарорларни қабул қилиш  
асосан, баҳолар тизимининг ҳаётийлиги  
билан белгиланади».

**В.Леонтьев**

### *1. Баҳонинг иқтисодий моҳияти ва вазифалари*

Бозор шароитида баҳо алоҳида аҳамият касб этади. Чунки баҳо орқали товар, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ўтади, Шунингдек, хўжалик ишлаб чиқариш харажатларининг қопланиши ва фойда олиш баҳо орқали амалга ошади. Баҳо -товар қийматининг пулдаги ифодаси бўлиб, унинг динамикаси, нисбати ва ўзгаришлари асосида қиймат қонуни ётади. Қиймат қонуни баҳонинг товар қиймати атрофидаги ҳаракати қонуниятини аниқлайди.

Рақобат шароитида, талаб на таклиф асосида баҳо ва қиймат ўзгариб туради. Гоҳо баҳо қийматдан юқори бўлади ва аксинча,. Икковининг тенг келиши эса, мувозанат баҳосини юзага келтиради. Маҳсулотга қўйилган паст баҳо, одатда, уни ишлаб чиқариш харажатларининг пастлигидан келиб чиқади.

Эркин рақобат шароитида баҳо меъёрий харажатларга тенг бўлади. Классик иқтисодчиларнинг таъкидлашича, баҳо ўртача ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади. Бундай таърифда баҳо маҳсулотга бўлган талабдан анча узоқлашади ва ўртадаги боғлиқлик йўқолади. Ҳақиқатда эса маҳсулотга бўлган талабнинг ортиши ёки пасайиши мос равишда баҳони оширади ёки пасайтиради. Демак, баҳо ва талаб ўртасида тўғри пропорционал боғланиш мавжуд.

Шунингдек, талаб ўз навбатида маҳсулот таклифи билан ҳам боғланган. Бу боғлиқлик баҳони мувозанатлаштиради ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида ресурсларни оқилона тақсимлашга олиб келади. Мувозанат баҳоси, худди талаб ва таклиф сингари бирқанча омилларга боғлиқ бўлади. Бозор бир хил товар ва хизматларга турли баҳо даражаларини ўрнатишни тавсия этади. Турли харидорлар томонидан сотиб олинадиган бир хил товарларга турли баҳоларнинг ўрнатилиши баҳонинг дискриминацияси дейилади. Демак, баҳонинг микдори товар қийматига тўғри пропорционал. Қиймат қонуқи баҳо ҳаракати қонуни бўлгани билан ҳар доим ҳам ва ҳар қандай товар учун ҳам бир хил бўлавермайди. Баҳода фақат товар қиймати эмас, балки айрибошлаш шароитлари, талаб ва таклиф, баҳонинг давлат томонидан тартибга солиниши (бошқарилиши) ишлаб чиқарувчи ва истеъмол ўртасида қийматнинг тақсимланиши ҳам акс этади. Шунинг учун баҳо қийматнинг кўриниш шакли сифатида намоён бўлади, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида баҳо қўйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

- *Баҳонинг ҳисоблаш ёки ўлчаш вазифаси.* Иқтисодиётда баҳонинг турли тизимлари ёрдамида ялпи ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган моддий-пул харажатлари, соф даромад, фойда каби барча қиймат кўрсаткичлари режалаштирилади ва ҳисобга олинади.

- *Баҳонинг рағбатлантириш вазифаси.* Ҳар бир хўжаликнинг маҳсулот сатишдан оладиган даромади, энг аввало, товарнинг ишлаб чиқариш харажатларига ва баҳосига боғлиқ бўлади. Табиийки, маҳсулот баҳосининг кўтарилиши шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга ундайди.

- *Баҳонинг тақсимот вазафаси.* Товарлар баҳосининг ўзгариши моддий товарларни қайта тақсимлаш имконини беради. Бундан ташқари баҳо ёрдамида қўшилган қийматни, соф даромадни ва ҳ.к.ларни тақсимлаш ва

кайта тақсимлаш амалга оширилади, шунингдек, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳасини молиялаштириш амалга оширилади.

- *Баҳонинг тартибга солиш (бошқариш) вазифаси.* Баҳо орқали ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклифлар ўртасида алоқа ўрнатилади. Меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларининг тармоқлар ўртасида тақсимланиши ҳам баҳо орқали амалга ошади.

## ***2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига баҳолар тизими***

Қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти шароитида баҳонинг кўпгина турлари қўлланилади. Бу баҳолар тизими орқали товар ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида иқтисодий муносабатлар ўрнатилади.

Ушбу баҳолар тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- эркин ёки шартномали;
- тартибга солинадиган ёки бошқариладиган;
- улгуржи;
- чакана;
- таққослама;
- харид.

**Эркин баҳолар** - бу бозорда товарни сотишда ҳосил бўладиган баҳо. Эркин баҳони шартномали баҳо ҳам дейиши мумкин. Чунки икки ўртада, яъни сотувчи билан харидор манфаатларини кўзлаган ҳолда, шаклланади. Бозорда эркин баҳонинг даражаси талаб ва таклиф қонунларига асосан, аниқланади. Лекин ҳозирги кунда бизда бу жараён жуда қийинчилик билан кечмоқда.

Тартибга солинадиган ёки бошқариладиган баҳолар - бу баҳо даражаси, тартиби давлат томонидан тартибга солинадиган ёки бошқариладиган баҳодир. Бу баҳода давлат, асосан, асосий озиқ-овқат товарларини ва қишлоқ хўжалик хом ашёларини тартибга солади. Баҳоларни тартибга солишнинг асосий усули озиқ-овқат товарларига савдо қўшимчаларининг аниқ миқдорини ўрнатиш ёки айрим маҳсулотларнинг чекланган рентабеллик даражасини аниқлаш ҳисобланади. Шунингдек, баҳони тартибга солиш алоҳида тармоқ ва ишлаб чиқаришга дотация бериш орқали ҳам амалга оширилади.

**Улгуржи баҳолар** - бу маҳсулот тайёрловчи корхоналарнинг маҳсулотларини буюртмачи корхоналарга, шунингдек, товарларни улгуржи сотадиган ташкилотларга сотишда амалга ошириладиган баҳо. Бундан

ташқари, улгуржи фирмаларнинг йирик партиядаги товарларни чакана савдо корхона ва ташкилотларига сотадиган баҳодир.

Улгуржи баҳонинг шаклланиши ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот бирлигига тўғри калган коммерция харажатлари миқдорини ўрнатади. Бозор иқтисодиёти шароитида улгуржи баҳоларни ўрнатишда тўсқинлик қилувчи омил бу рақобатдир. Рақобат бўлмаган шароитда улгуржи баҳоларнинг шаклланиши бўйича вазифани маълум бир пайтда давлат бажариши керак. Бу энг аввало, энергия ресурсларига, транспорт хизматига ва алоқага тааллуқлидир.

**Чакана баҳолар** - бу баҳо товарлар чакана савдода сотилганда шаклландиган баҳо. Бу баҳонинг асосида улгуржи баҳолар, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг товарларни чакана савдода сотиб олгандаги баҳолари ётади. Корхоналар чакана савдода улгуржи баҳоларга, муомала харажатларини қоплашни ва маълум бир миқдорда фойда олишни таъминлайдиган савдо наценкаларини ёки накидкаларини қўшадилар. Чакана савдо корхоналари савдо наценкалари миқдорини, айрим маҳаллий ҳокимият органлари томонидан алоҳида озик-овқат товарларига ўрнатиладиган савдо накидкаларидан ташқари ўзлари мустақил ўрнатадилар. Шундай савдо наценкаларининг чегараланган миқдори борки, уларни чакана савдо корхоналари ўзгартира олмайдилар. Савдо накидкаси таркибига қўшилган қиймат солиғи ва махсус солиқлар киритилади.

**Таққослама баҳолар** - бу баҳо маҳсулот ҳажми, товар айланмаси, меҳнат унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичлар динамикасини ўлчаш учун фойдаланилади. Таққослама баҳолар таққосланаётган қиймат кўрсаткичларининг динамикасига баҳолар ўзгаришининг таъсирини камайтиради. Таққослама баҳоларни қўллаш, инфляция ва баҳоларнинг ўсиши шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришни, савдони ривожлангириш, реал иш ҳақи, товарлар истеъмоли тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун имкон беради.

**Харид баҳолар** - бу баҳода давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олади. Бу давлат буюртмаси шаклида амалга оширилади, масалан, пахта, ғалла, пилла ва ҳоказоларга. Бу баҳолар иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига иқтисодий асосланган харид баҳолари деганда, давлат ва товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини уйғунлаштирадиган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон берадиган баҳолар тушунилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига баҳоларнинг шаклланиш жараёни, тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, хусусиятларга

эга бўлиб, у кўп жихатдан табиий иқлим шароити таъсирини бошидан ўтказди. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг ривожланиш босқичида ер унумдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлигида, ишлаб чиқариш харажатларида тафовутлар сақланиб қолади. Бу тафовутлар бир томондан табиий шароитлардан ва иккинчи томондан, иқтисодий шароитлардан келиб чиқади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида баҳоларнинг шаклланишида албатта, юқоридаги икки: табиий ва иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш зарурияти келиб чиқади.

Харид баҳоларни иқтисодий асосланган асосий тамойиллари қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1.Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қоплашни таъминлаш зарурияти. Давлат буюртмаси ҳисобига сотиладиган барча маҳсулот турлари баҳоси ҳамма ҳудудларда меъёрга шароитда хўжалик юритадиган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш зарур. Харид баҳолар энг аввало, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлари ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари қийматини қоплаш имкониятини таъминлаши керак.

2.Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ва иқтисодий рағбатлантиришни таъминлаш учун жамғарма яратиш зарурияти. Фақат ишлаб чиқариш харажатларининг қопланиши ҳар қандай товар ишлаб чиқарувчи учун оддий такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди. Шунинг учун харид баҳолари фақат ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш билан чекланмасдан, балки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни етарлича фойда билан таъминлашлари ва қишлоқ хўжалигида яратилган соф даромаднинг бир қисмини давлатнинг марказлашган фондига ўтказишда восита бўлиб хизмат қилиши керак. Унинг учун баҳолар маҳсулот таннархидан юқори ва бир вақтнинг ўзида маҳсулот қийматидан ошмаслиги керак. Агар баҳо маҳсулот таннархига тенг бўлса, у ҳолда, товар ишлаб чиқарувчи фойда олмайди, зарар ҳам кўрмайди. Яратилган соф даромаднинг ҳаммаси марказлашган давлат фондига ўтади. Ундай ҳолатда моддий рағбатлантириш қойдаси бузилади. Баҳо қийматга тенг бўлса, унда соф даромад фондига юборилмасдан, товар ишлаб чиқарувчида қолади. Баҳонинг асосида қиймат ётади, лекин уни аниқлаш ўта мураккаб. Шунинг учун харид баҳоларини ҳисоблаш пайтида асос қилиб меъёрий (меъёрий) таннарх ва моддий рағбатлантириш ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган фойданинг бир қисми кабул қилинади.

3.Баҳоларнинг зоналар бўйича табақаланиши. Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун турли табиий иқлим шароитлари мавжуд. Бу эса, маҳсулотни ишлаб чиқариш

харажатларининг нотекислигини келтириб чиқаради. Буни пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари мисолида кўриш мумкин. Шунинг учун ёмон табиий иқлим шароитидаги хоналарда анча юқори баҳо, яхши шароитдагиларда эса, паст баҳо бўлиши керак. Баҳоларнинг зоналар бўйича табақаланиши товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида даромадларни анча тенг, иқтисодий асосланган ҳолда, тақсимланишини таъминлайди, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдаги моддий қизиқишини кучайтиради. Амалиётда ундан фойдаланиш талабга жавоб бермайди.

4.Маҳсулот сифатида қараб баҳоларнинг табақаланади. Сифат товарнинг баҳосида, албатта, ўз аксини топали. Шунинг учун сифати яхши бўлган товарлар тез харид қилинади. Давлат баҳо воситасида товар ишлаб чиқарувчиларни маҳсулот сифатини яхшилашга қизиқтиради.

5.Маҳсулотни сотиш муддатларига қараб баҳоларнинг табақаланиши. Эртаги сабзавот экинлари ва иссиқхоналардаги сабзавотлар, кўкатлар, кеч етиштириладиганларига нисбатан анча юқори баҳоларда сотилади. Бу анча кийин шароитда маҳсулот етиштирувчиларнинг кўшимча харажатларини қоплаш имкониятини беради.

6.Қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасида доимий равишда айрибошлаш амалга ошади. Маълумки, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг кўпгина қисмини давлат буюртмаси ҳисобига давлатга сотадилар, давлат (саноат) ҳам ўз навбатида қишлоқ хўжалигига машиналар, ускуналар, жиҳозлар, ёкилғи, электр энергияси, қурилиш ва таъмирлаш материаллари, минерал ўғитлар сотади. Буларнинг қиймати қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархига қисман ёки тўлиқ қўшилади. Бу эса, яъни қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган саноат товарларининг қиймати қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажатларни қисқартиради ёки оширади.

Агар саноат товарларининг баҳоси уларнинг қийматидан юқори бўлиб, қишлоқ хўжалигида харид баҳолари ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатларидан паст бўлса ёки тенг бўлса, унда ноэквивалент айрибошлаш содир бўлади, яъни қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ўзлари яратган қийматнинг бир қисмини саноатга бериб юборадилар.

Агар аксинча, харид баҳолари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатларидан анча юқори бўлиб, саноат товарлари баҳоси уларнинг ишлаб чиқариш харажатларини қопламаса ёки тенг бўлса, унда яна ноэквивалент айрибошлаш содир бўлади.

Фақат қатъий тартиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат товарларига эквивалент айрибошлашгана, яъни саноатдаги меҳнат миқдорига қишлоқ хўжалига маҳсулотларига сарфланадиган меҳнат миқдори тенг

бўлгандагина, саноат ва қишлоқ хўжалигини пропорционал ривожлантиришни таъминлаш имконияти бўлади.

7. Харид баҳоларнинг барқарорлиги ва ҳаракатчанлиги. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид баҳолари нисбатан барқарор бўлиши керак, яъни маълум бир давр мобайнида ўзгармайдиган бўлиши лозим.

Барқарор баҳолар товар ишлаб чиқарувчиларда сотилган маҳсулот учун: маълум бир миқдорда пул даромадини олишга ишонч пайдо қилади. Харид баҳоларининг узоқ муддатда барқарор бўлиб туриши ҳам баъзи об-ҳаво ноқулай келган йилларда ижобий ҳисобланмайди, чунки маҳсулот сотиш ҳажмининг камайиши барқарор баҳоларда даромаднинг пасайишига ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ҳолатининг барқарорликдан чиқишига олиб келади.

Харид баҳоларнинг ҳаракатчанлиги уларнинг маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ижтимоий-зарурий хиражатлари ўзгаришини билдиради.

8. Мамалкат ичида бозор конъюктурасини ва жаҳон баҳоси даражасини ҳисобга олиш. Иқтисодий асосланган харид баҳолари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклифини, унга бўлган талаб ҳолатини, мос равишда ички бозордаги шаклланадиган баҳолар даражасини ҳисобга олиши керак.

Бошқа томондан, харид баҳоларининг миқдори даражасига мос келиши ёки унга яқинлашиши зарур. Айнан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига жаҳон баҳоси даражаси ҳозирги даврда харажатлар ва самарадорликнинг, маҳсулот сифатининг ижтимоий-зарурий даражасига ҳаққоний ўлчов бўлиши мумкин

*1-жадвал*

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
корхоналарида сотилган асосий маҳсулотларнинг ўртача баҳолари,  
ц/сўм**

Маҳсулот турлари	1999 йил	2000 йил	2000 йилда 1999 йилга нисбата	
			сўм	%
1. Буғдой	2106	2845	735	135,1
2. Пахта хом ашёси	3540	5672	2132	160,2
3. Тамаки барги	16632	44059	27427	264,9
4. Картошка	2908	4086	1176	140,5
5. Очиқ майдон сабзавотлари	874	1591	717	1.82,0
6. Қовун ва тарвуз	536	884	346	165,7
7. Уруғли ва данакли мевалар	1545	2649	1104	171,5

8. Узум	2196	2598	402	118,4
9.Сут	2692	4801	2109	178,3
10. Мол гўшти (тирик вазнда)	14560	25765	11205	177,0
11. Қоракўл тери (дона)	1115	1900	785	170,4
12. Ҳар хил жун	4593	10759	6166	234,2
13. Тухум (10 дона)	2185	311	93	142,7
14.Пилла	20860	32300	11440	154,8

Жадвал маълумотларини таҳлил этиш кўрсатадики, 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 1 ц. буғдойнинг ўртача баҳоси 35,1 фоизга, пахта хом ашёсининг баҳоси 60,2 фоизга, тамаки баргининг баҳоси 64,9 фоизга, сутнинг баҳоси 78,3 фоизга, 1 дона қоракўл терининг баҳоси 70,4 фоизга, 10 дона тухумнинг баҳоси 42,7 фоизга, пилланинг баҳоси 54,8 фоизга ошган.

Демак, 2000 йилда 1999 йилга нисбатан маҳсулотларнинг ўртача сотиш баҳолари кескин кўтарилган. Аммо қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотларининг ўртача сотиш баҳолари эркин ички ва жаҳон бозори баҳоларига нисбатан анчагина пастдир. Бу ҳолат, айниқса, давлат буюртмаси асосида сотиладиган пахта хом ашёси ва ғалла маҳсулотларига тааллуқлидир. Масалан, корхоналар пахта хом ашёси сотишдан 1999 йилда 8,7%, 2000 йилда 17,8% зарар кўрган. Мос равишда сут сотишдан 29,1 ва 25,0%, пилладан 18,6 ва 15,5% зарар кўрилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига гарантияланган баҳолар маҳсулотларни давлат фондига сотиб олганда қўлланилади.

Булардан ташқари, бозор иқтисодиётида қуйидаги баҳолар ҳам кенг қўлланилади:

- Жаҳон;
- Базис;
- Маълумот;
- Трансферт;
- Гаров.

*Жаҳон баҳолари* -. товарларни импорт ёки экспорт шароитида сотиш учун фойдаланилади. Улар жаҳонда етакчи товар ишлаб чиқарувчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар баҳосига қараб аниқланади.

*Базис* - олдиндан тузилган битимларда бошланғич сифатида қўлланилади ва қўшимча ҳамда олиб ташлашлар ёрдамида тузатишлар киритилиши мумкин.

*Маълумот* - ўтган давр учун ҳақиқатда тузилган битимлар бўйича ёки шу маҳсулотни бошқа етказиб берувчилар бўйича баҳо даражасини акс эттиради.

*Трансферт* - бу турли хил баҳолар бўлиб, у халқаро бирлашмалар, фирмалар, компаниялар ва трансмиллий компаниялар доирасида товар ҳамда хизматларни етказиб бериш учун ҳисоб-китобларда қўлланилади.

*Гаров* - маҳсулотлар гаровга сотиб олинганда қўйиладиган баҳолар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, айрим деҳқончилик маҳсулотлари турли даврларда маълум бир талаб ва таклиф асосида сотилиб, унинг баҳосида кескин тафовутлар пайдо бўлади. Бу эса, баҳонинг мавсумий харажатиدير. Айрим маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилган пайтда, ҳам маълум бир давр сақланиб, кейин сотилади. Шунга қараб, уларнинг баҳоси кўтарилиб ёки пасайиб туради.

Қишлоқ хўжалигида баҳоларнинг тебраниб туриши бозор конъюктурасидан келиб чиқади. Бу эса, табиий шароитга боғлиқ.

### ***3. Бозор шароитида баҳолар шаклланишини такомиллаштириш***

Давлатнинг агросаноат комплексини ривожлантиришга қаратилган баҳо ва молия -кредит сиёсати энг аввало, қуйидаги муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак:

- мамлакат озиқ-овқат маҳсулотлари билаи ўз-ўзини таъминлашни рағбатлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш;

- саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасида эквивалент муносабатларга эришиш;

- қишлоқ хўжалигига агросаноат мажмуи бирлиги ва унинг соҳалари монополиясининг салбий таъсирини пасайтириш;

- қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган даражада даромадга эга бўлишини қўллаб -қувватлаш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришда, меҳнат унумдорлигини оширишда, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишга кўмаклашиш;

- мамлакат ичида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, яқин ва узоқ хориж бозорларига чиқиш.

Баҳо ва молия-кредит механизмлари ўртасида мустаҳкам алоқадорлик зарур бўлиб, уларнинг қўшилиб кетиши қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини меъёрдаги жорий фаолият ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун зарур даромадлар билан таъминлаши мумкин.

Бозор иқтисодиётида баҳо муносабатлари қуйидаги тамойилларга асосланиши мумкин:

- эркин баҳоларнинг давлат бошқарадиган баҳолар билан қўшилиб кетиши;
- талаб ва таклиф таъсири остида мувозанат баҳосининг вужудга келиши;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг ва қишлоқ хўжалигига етказиб берилган саноат маҳсулотлари баҳоси билан эквивалентлигини таъминлаш;
- таклиф баҳосини ҳисоблашда меъёрий усуллардан фойдаланиш;
- товар ишлаб чиқарувчиларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун етарли даражада даромад билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва унинг самарадорлигини ошириш;
- маҳсулот сифатига ва уни сотиш муддатларига қараб баҳоларни табақалантириш;
- қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини рағбатлантириш;
- молия-кредит муносабатлари ва баҳолашнинг алоқадорлигини мақбуллаштириш.

Бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири мувозанат баҳосининг вужудга келишидир. Унинг даражаси ҳар бир товар учун талаб ва таклиф тенг келганда, мос келганда аниқланади. Ана шу мос келган пайтда баҳо бир вақтнинг ўзида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ижтимоий зарурий харажатларини акс эттиради. Лекин амалиётда ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди. Бу ўзаро алоқадор бир қанча омилларга боғлиқ: монополиянинг мавжудлиги ва соф рақобатнинг йўқлиги, инфляциянинг таъсири ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида, шунингдек, рента омилларининг ва асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан паст эластик талабнинг ҳаракат қилиши мувозанат баҳоларининг ҳаракат доирасини қисиб қўйди. Қишлоқ хўжалигида баҳоларнинг эркин вужудга келиши бошқа тармоқларга қараганда чегараланган, шунинг учун уларга нисбатан бу ерда давлатнинг бошқарувчи (тартибга солувчи)лик роли анча каттароқ бўлиши керак. Стихияли бозор асосида тармоқлар қўшимча маҳсулотларнинг баҳо орқали қайта тақсимланиши баъзи тармоқларда, турғунлик ҳолатларини ва бошқаларни келтириб чиқариб, меъёрий такрор ишлаб чиқариш асосини бузади. Баҳо муносабатларини бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнида, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техникавий ресурсларни сотиб олишдан бошлаб то уни пировард сотишгача бўлган жараёнда, қараб чиқиш керак бўлади. Бутун жараён давомида даромадларни қайта тақсимлаш содир бўлади. Пировард маҳсулотни яратишда қатнашувчилар ўртасида баҳо

таркибидаги харажатлар ва фойданинг салмоғи ўртасида тескари боғлиқлик кучаяди. Бу асосан, қишлоқ хўжалигига тегишли бўлиб, бу тармоқда харажатлар юқори салмоққа эга, жами фойда эса, нисбатан оз салмоқни ташкил этади.

Амалиётда бозор шароитида товар ва хизматларга баҳо шаклланишининг бир қанча усуллари мавжуд.

1. Ўртача харажатлар даражаси қўшилган фойда бўйича баҳоларни ўрнатиш. Бу усул маҳсулот таннархига бир хил қўшимча ҳисоблашдан иборат.

2. Зарарсизликни таъминлаш ва мақсадли фойда олиш. Бу усул умумий харажатларни ва турли даражадаги сотиш ҳажмидан кутилаётган тушумни таққослашга асосланади.

3. Маҳсулотнинг реал қийматидан келиб чиқиб, баҳоларни ўрнатиш. Бу усул маҳсулотга қўйилган баҳонинг аниқ миқдорига харидорларнинг таъсирланишига таянади.

4. Ўртача жорий баҳолар даражаси асосида баҳоларни ўрнатиш. Товар ишлаб чиқарувчи асос қилиб рақобатчилар баҳосини қабул қилади ва ўзининг харажатларига ҳамда маҳсулотга бўлган талабга эътибор қилмайди.

## ***ТОПШИРИҚ***

### **Топшириқнинг мазмуни**

1. Сотиш каналларини ҳисобга олган ҳолда, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ўртача баҳоси аниқлансин.

2. Сотиш каналларини ҳисобга олган ҳолда, 1 ц., 1 дона, 100 дона сотилган маҳсулотнинг ўртача баҳоси аниқлансин.

*1-жадвал*

### **Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори ва пул тушуми**

	Жами сотилган	Шу жумладан, давлат буюртмасини бажариш	
--	---------------	---	--

	Нагура шаклда микдори, ц	Пул тушуми, сўм	1 ц., 1 дона, 1000 донанинг ўргача баҳоси	Нагура шаклидаги микдори, ц	Пул тушуми, сўм	ўргача баҳоси
<p>1. Ғалла ва ғаллабоп экинлар ҳам Шу жумладан:</p> <p>а) буғдой</p> <p>б) маккажўхори</p> <p>в) арпа</p> <p>2. Картошка</p> <p>3. Пахта</p> <p>4. Очиқ усулдаги сабзавот</p> <p>5. Ёпиқ усулдаги сабзавот</p> <p>б.Полиз маҳсулотлари</p> <p>7.Уруғлик ва данакли мевалар</p> <p>8. Узум</p> <p>9. Тирик вазни:</p> <p>а) йирик шохли қорамол</p> <p>б) чўчка</p> <p>в) Қўй ва эчки</p> <p>г) хар хил парранда</p> <p>д) от</p> <p>10. Суг</p> <p>11. Жун</p> <p>12. Қорақўл тери</p> <p>13. Тухум</p> <p>14. Асал</p>						

## **Саволлар**

- 1.Баҳо деб нимага айтилади?
- 2.Баҳонинг вазифалари нималардан иборат?
- 3.Баҳонинг турларини айтинг.
- 4.Баҳо нима асосда шаклланади?
- 5.Бозор иқтисодиёти шароитида баҳога таъсир қилувчи омиллар.

## 21-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНING РЕНТАБЕЛЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАРИ

*«Монополия, рақобат шароитида ёки шу  
иккови уйғунлашувининг ҳар қандай ҳола-  
тида иқтисодий мувозанатга эришиши  
ҳар бир индивидумнинг максимал иқти-  
содий фойдага интилиши – қатъиян  
интилиши билан хусусиятланади».*

**Э.Х.Чемберлин**

### ***1. Рентабеллик тушунчаси, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услублари***

Корхоналарнинг фойдалилик ёки зарарлилик даражасини белгилаш учун рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланилади. Рентабеллик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ўзида акс эттирувчи умумлашган кўрсаткич ҳисобланади. У фойдаланилган ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари - меҳнат, ер-сув, моддий ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш харажатлари орқали етиштирилган маҳсулотдан олинган самаранинг миқдор ва сифатини, ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш имкониятини, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини акс эттиради.

Рентабелликда мутлақ кўрсаткич - бу фойдадир, Фойда -бу реализация қилиш натижасида олинган соф даромаднинг қисми бўлиб, у маҳсулот сотишдан келадиган маблағдан сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ёки тўла таннарх қийматини чиқариб ташланган қисмига тенг бўлади:

$$\Phi = \text{ПТ} - \text{ТТ} .$$

Фойда - бу фақат ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки маҳсулотларни сотиш жараёнида эришилган охириги иқтисодий кўрсаткичдир. Энг аввало, унда жонли меҳнат

харажатлари ифодаланади, чунки унинг асосида ялпи даромад ётади, ходимларнинг жонли меҳнати билан янги маҳсулот яратилади. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, янгидан яратилган қийматдаги иш ҳақи салмоғи шунча оз бўлади, унинг бир қисми фойдани ташкил қилишга кетади. Шунингдек, фойдада буюмлашган меҳнат харажатларининг самарадорлиги акс этади. Маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келган моддий харажатлар ва иш ҳақи харажатларининг камайиши, баҳо ўзгармаганда фойдани кўпайтиради ва ниҳоят, бу кўрсаткичда маҳсулот сифати намоён бўлади. Фойда бир қатор муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради:

*1.Ўлчаиш вазифаси* - фойдадан ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткич сифатида фойдаланилади.

*2.Тақсимлаш вазифаси* - кўшимча маҳсулотни тақсимлаш воситаси сифатида.

*3.Разбатлантириш вазифаси* - иқтисодий рағбатлантириш фондини шакллантириш манбаи сифатида.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши рентабеллига сотилган маҳсулот бўйича ҳисобланади ва ифодалаш шаклига боғлиқ ҳолда, мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда тавсифланади. Фойдани аниқлаш услуби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 27 январ 9-сонли буйруққа асосан, тасдиқланган «Фойдани ҳисоблаш низоми» бўйича, кейинчалик, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдага 54-сон Қарорига асосан, олиб борилади ёки «Молиявий натижаларни шакллантириш» бўлимидаги маълумотлар асосида ҳисобланади.

**1.Ялпи фойда (зарар) (ЯФ)** - қишлоқ хўжалик корхонасида товар маҳсулотини сотишдан тушган тушум, яъни соф пул тушумидан (ССТ) сотилган маҳсулот, товар, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш таннархи (ИТ) олиб ташланади. Бунда соф пул тушуми жами пул тушумидан кўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи, ташқарига чиқарилган товар солиғи, товар сотиб олувчи товарни қайтариб бериш мумкин бўлган скидкаларни (табиий камайиш) чиқариш йўли билан аниқланади:

$$\text{ЯФ} = \text{ССТ} - \text{ИТ} .$$

**2.Корхона асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар) (АФФ)** Буни аниқлаш учун ялпи фойда (зарар)дан сотиш ва маъмурий харажатлар (даврий харажатлар) (ДХ) айрилиб, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлари (БД) ва харажатлари (БЗ) ҳам мос равишда қўшилиб ва чиқариб ташланади:

$$\text{АФФ} = \text{ЯФ} - \text{ДХ} + \text{БД} - \text{БЗ} .$$

**3. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар) (УФ)** Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар)дан олинган дивидентлар, заёмлар бўйича фоизлар, валютанинг курс фарқи, бошқа молиявий фаолият бўйича даромадлар (МД) қўшилиб, харажатлар ва банк процентлари (БХ) айрилади.

$$УФ = АФФ + МД - МХ .$$

**4. Солиқ тўлагунча фойда (зарар) (СТФ)** умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда плюс фавкулотда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда (ФФ) ва минус зарар (ФЗ) сифатида аниқланади:

$$СТФ = УФ + ФФ - ФЗ .$$

**5. Соф фойда (зарар) (СФ).** У солиқ тўлангандан кейин хўжалик субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни (ДС) ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни (БС) чиқариб ташланган ҳолда, солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФ - ДС - БС .$$

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш рентабеллигининг мутлақ кўрсаткичи билан бир қаторда унинг нисбий кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич ўзида рентабеллик меъёри ва фойда меъёрини ифода этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотлари ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари доирасида айрим экинлар ҳамда чорва ҳайвон турлари доирасида, айрим маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари рентабеллиги аниқланади. Бу кўрсаткични ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида қилинган харажатларнинг қоплаш муддатларини аниқлашда универсал деб ҳисобланади.

Шу билан бирга фойда самарадорлигини ягона ва бутун қамраб олувчи кўрсаткич ҳисобланмайди. Янгидан яратилган қийматнинг бир қисми сифатида, у моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ходимлар қўшимча меҳнати билан яратилган қўшимча маҳсулотни пулда ифодаланган қисмини билдиради. Унинг миқдори маълум даражада маҳсулот баҳоси даражасининг асосланганлигига боғлиқ. Бундан ташқари, фойда тузилмавий ўзгаришларга, юқори рентабелли маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва паст рентабелли маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш йўллари билан ҳам ошиши мумкин. Рентабелликнинг мутлақ кўрсаткичи фойданинг мутлақ миқдорида ифодаланади.

$$Д = ПТ - МХ .$$

Фойданинг мутлақ миқдори муҳим аҳамиятга эга, у иқтисодий рағбатлантириш фондини вужудга келтириш миқдorigа боғлиқ. Шу билан

бирга фойданинг мутлақ миқдори ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини тўла баҳолашга имкон бермайди. Амалиётда ишлаб чиқаришда хар турдаги маҳсулот фойданинг мутлақ миқдори кўп ёки оз олиниши мумкин. Икки ҳолатда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш рентабелли бўлади, лекин унинг даражаси турлича бўлиши мумкин, чунки бу таннархга боғлиқ. Шунинг учун классик иқтисодчилар шундай деб ёзадилар: «Бойлик даражаси - маҳсулотнинг мутлақ миқдори билан эмас, кўшимча маҳсулотни нисбий миқдори билан ўлчанади». Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши рентабеллигини тўла тавсифлаш учун нисбий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади: рентабеллик даражаси ва фойда меъёри. Рентабеллик даражаси соф фойдани коммерция таннархига бўлиш орқали аниқланади ва фоизларда қуйидаги формулалар билан ҳисобланади:

$$p = \frac{\Phi}{\Gamma\Gamma} \cdot 100; \quad P = \frac{\text{ПТ-КТ}}{\Gamma\Gamma} \cdot 100; \quad P = \frac{\text{ПТ}}{\Gamma\Gamma} \cdot 100.$$

Ўзбекистон Республикасининг корхоналар банкротлиги ва санациялари масалалари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан (1997 йил 17 апрел 4-сон буйруғи) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан (1997 йил 30 май) (келишилган ҳолда, "Корхонанинг молиявий таҳлиliga доир услубий тавсиялар (инструкция)" бўйича олиб борилади. Ушбу йўриқнома бўйича рентабелликнинг қуйидаги кўрсаткичлари ҳисобланади:

*1. Маҳсулот сотишининг рентабеллиги* коэффициентини сотилган маҳсулот бирлигига қанча фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу коэффициент нарх белгилаш сиёсатидаги ўзгаришларни ва хўжалик юритувчи субъектнинг сотилган маҳсулот таннархини назорат қилиб туриш қобилиятини кўрсатади. Коэффициент динамикаси нархларни қайта кўриб чиқиш ёки моддий захиралардан фойдаланиш устида назоратни кучайтириш зарурлигидан далолат беради. Унинг пасайиши, турли сабабларга кўра, корхона маҳсулотларига талабнинг пасайганлигини кўрсатади. Рентабелликнинг ушбу кўрсаткичи қуйидагича ҳисобланади:

$$P_{m.c} = \frac{\Phi(3)}{\Gamma} < 0,$$

бу ерда,  $\Phi(3)$  - сотишдан олинган фойда (зарар);

$\Gamma$  - пул тушуми.

Агар маҳсулот сотиш рентабеллиги коэффициентини ҳисобот даврида 0 дан кам қийматга эга бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси бу кўрсаткич бўйича зарар билан ишлайди деб ҳисобланади.

2. *Асосий воситалар ва айланмадаи ташқари бошқа фаолларнинг рентабеллигининг* коэффиценти асосий воситалар ва айланмадан ташқари бошқа фаоллардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради, яъни қишлоқ хўжалик корхонасининг молиявий хўжалик фаолиятида ишлатадиган фаоллардан фойда ёки зарар кўриш даражасини кўрсатади:

$$\text{СФ(3)} \\ \text{Рав} = \frac{\text{СФ(3)}}{\text{А1}} < 0 ,$$

бу ерда, СФ(3) - солиққа тортишга қадар бўлган фойда (зарар);

А1 - узоқ муддатли фаоллар. Агар фаолларнинг рентабеллиги коэффиценти (зарарлилик кўрсаткичи) ҳисобот даврида 0 дан кам қийматга эга бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси бу кўрсаткич бўйича зарар билан ишлайди деб ҳисобланади.

3. *Хусусий капиталнинг рентабеллиги* коэффиценти ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади. Коэффицент динамикаси корхона акциялари котировка даражасига таъсир қилади. Бу коэффицент даражаси инвестиция қилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини белгилаш ва бу кўрсаткични ушбу маблағларни бошқа қимматли қоғозларга сарфлашдан олиши мумкин бўлган даромад билан пасайиши ҳам маҳсулотларга талабнинг пасайгани ва фаолларнинг ортиқча тўпланиб қолганидан далолат беради:

$$\text{СФ(3)} \\ \text{Рхк} = \frac{\text{СФ(3)}}{\text{Хкк}} ,$$

бу ерда, Хкк - қишлоқ хўжалиги хусусий капитал қиймати.

Агар хусусий капитал рентабеллиги коэффиценти 0 дан кичик бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси ушбу кўрсаткич бўйича зарар билан яқунланган ҳисобланади.

4. *Перманент капиталнинг рентабеллиги* коэффиценти корхона фаолиятига сарфланган капиталдан (ўзининг ва қарзга олинган) фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради.

$$\text{СФ(3)} \\ \text{Рпк} = \frac{\text{СФ(3)}}{\text{П1} + \text{Хкк}} ,$$

бу ерда, П1 - ўз маблағ манбалари.

Агар перманент капитал рентабеллиги коэффиценти 0 дан кичик бўлса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича иқтисодий ночор ҳисобланади.

5. *Капитал умумий айланувчанлигининг рентабеллиги* коэффиценти корхона бутун капиталининг айланиш тезлигини акс эттиради. Унинг ўсиши корхона маблағлари айланмасининг жадаллашганлигини ёки нархларнинг инфляцияцион ўсишини англатади.

$$R_{\text{к\u0443\u0430}} = \frac{T}{\text{Б\u042f}} < 0,$$

бу ерда, БЯ - баланс яқуни.

Агар капитал умумий айланувчанлигининг рентабеллиги коэффиценти 0 дан кичик бўлса (корхона ушбу курсаткич бўйича иқтисодий ночор ҳисобланади).

Рентабелликнинг кўрсаткичлари ичида сотилган маҳсулотларнинг таннархига киритилган харажатлар рентабеллиги универсал курсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткични айрим корхона, тармоқ ва маҳсулотлар бўйича ҳисоблаш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув жўжалиги  
вазирлиги тизимидаги корхоналарда сотилган асосий  
маҳсулотларнинг рентабеллик (+), зарарлилик (-)  
даражаси, %**

№	Маҳсулот турлари	1999 йил	2000 йил
1.	Буғдой	+18,3	-1,05
2.	Пахта хом ашёси	-8,7	-17,8
3.	Тамаки барги	+ 15,3	+ 29,2
4.	Картошка	+ 43,9	+ 20,3
5.	Очиқ майдон сабзавотлари	+ 60,8	+ 60,3
6.	Қовун ва тарвуз	+ 46,5	+ 47,2
7.	Уруғлик ва данакли мевалар	+ 37,9	+ 56,0
8.	Узум	+ 51,6	+95,4
9.	Сут	-29,1	-25,0
10	Мол гўшти (тирик вазнда)	-22,5	-21,4
11	Қоракўл тери (дона)	-5,0	+ 21,5
12	Ҳар хил жун	-12,6	+ 0,2
13	Тухум (10 дона)	+ 42,3	+ 38,8
14	Пилла	-18,6	-15,5

1999-2000 йилларда сотилган айрим маҳсулотларнинг таннархига киритилган харажатларнинг рентабеллик ( + ) ёки зарарлилик (-) даражаси кескин тафовут қилган. Бундай ҳолат, асосан, маҳсулотлар бирлиги таннархи ва сотиш баҳоларининг таъсиридангина ташкил топган. Бу икки омилга объектив табиий шароитлар, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш турли даражада таъсир этади.

## ***2. Рентабелликни ошириш омиллари ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш***

Рентабелликни ошириш омиллари деганда энг аввало, фойда омиллари тушунилади. Фойда омиллари 2 гуруҳга бўлинади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ ва субъектив хусусиятга эга бўлган ички омиллар.

2. Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлмаган ва объектив хусусиятга эга бўлган ташқи омиллар.

Ички омилларга сотиладиган маҳсулот миқдори, унинг сифати, ишлаб чиқариш харажатлари киради. Сотиладиган маҳсулот миқдори ялпи маҳсулот ҳажмига ва унинг товарлилик даражасига боғлиқ. Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсишида сотишга мўлжалланган маҳсулотнинг миқдори мутлақ кўпаяди. Шунингдек, унинг ишлаб чиқариш ички истеъмолига кетадиган қисмининг ўсиши нисбий кўпаяди. Ялпи маҳсулотнинг ана шу ички истеъмолга кетадиган қисми ўсиш суръатининг пасайиши товарлилик даражасининг ошишига ва шу асосда пул тушумининг кўпайишига шароит яратади. Юқори сифатли маҳсулот анча юқори сотиш баҳосини таъминлагани учун, маҳсулот сифати пул тушуми орқали фойда миқдorigа таъсир кўрсатади.

Пул тушуми миқдори маҳсулотни сотиш муддатларига, сотиш бозорига ва унинг таркибига, бундан ташқари, сотиш каналларига ҳам боғлиқ. Унинг давлатгами, матлубот кооперациясигами ёки бозоргами сотилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Фойданинг муҳим омиллардан бири маҳсулот таннархидир. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ёки ошиши фойда миқдorigа анча сезиларли таъсир кўрсатади.

*Ташқи омилларга* маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар таклифи ва улар ўртасидаги рақобат, маҳсулотга бўлган бозор талаби кабилар киради. У ёки бу маҳсулотга юқори ёки паст талаб, шунингдек, рақобатчиларнинг мавжудлиги ё бўлмаса, қатнашмаслиги, сотиладиган маҳсулот миқдorigа, баҳо даражасига ва пировард натижада фойдага таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги омиллари экстенсив ва интенсив хусусиятга эга. Экстенсив омиллар-бу рентабелликка сотилаётган маҳсулотнинг миқдоридаги ўзгаришлар орқали таъсир кўрсатувчи омиллардир. Интенсив омиллар - сотишни баҳоларининг ўсиши ва маҳсулот таннархининг пасайиши орқали таъсир кўрсатадиган омиллардир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллик кўрсаткичлари йиллар бўйича оз ёки кўп миқдорда тебраниб туради, бу ҳам бўлса, маҳсулот таннархи ва баҳонинг ўзгариши оқибатидадир. Шунинг учун рентабеллик динамикаси тенденциясини таҳлил этганда, шунингдек, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш қулайлигини иқтисодий асослаш пайтида бир неча йиллардаги рентабелликнинг ўртачасидан фойдаланилади. Ўртача кўпйиллик баҳолар кўрсаткичида сотилган маҳсулотнинг миқдори ва сифати тўғрисида ўртача маълумотлар акс этади, маҳсулот бирлигининг ўртача кўпйиллик таннархида эса, иқлим шароити ва ишлаб чиқариш шароитларидаги ўзгаришлар таъсири акс этади. Бир ва бир турдаги маҳсулотларнинг қатор йиллардаги ўртача рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигини ўзгаришидаги барқарор тенденциялар ҳақида объектив маълумотлар олиш имкониятини беради; турли хилдаги маҳсулотлар ўртача рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш эса, қайси турдаги маҳсулот қулайроқ, даромадлироқ эканлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллигини ошириш имкониятларини аниқлаш, бир томондан, маҳсулот сотишдан келган пул тушумини кўпайтириш имкониятларини аниқлашга, бошқа томондан маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишни талаб этади.

## ***ТОПШИРИҚ***

### **Топшириқнинг мазмуни**

1. Молиявий кўрсаткичлар аниқлансин ва таҳлил қилинсин.
2. Сотилган маҳсулотлар тўлиқ таннархига киритилган харажатлар рентабеллигини (+), зарарлигини (-) ҳисобланг.

*1-жадвал*

**Молиявий натижаларнинг шаклланиши**

Курсаткичлар	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)
3.Маҳсулот (иш, хизматни) сотишдан тушган тушум		X
2.Қўшилган қиймат солиғи	X	
3.Акцизлар	X	
Сотишдан олинган соф тушум		X
5.Сотилган маҳсулот (чорва, иш ва хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	X	
6.Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа		
7.Сотиш харажатлари	X	
8.Маъмурий харажатлар	X	
9.Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан олинган даромадлар ва сарфланган харажатлар		
10.Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси		
11.Уюшма ва шубба корхоналарида олинган дивидендлар		X
12. Бошқа олинган дивидендлар		X
13. Уюшма ва шубба корхоналаридан олинган ва берилган карзлар бўйича фоизлар		
14.Бошқа тўланган ва олинган фоизлар		
15.Валюта курсининг фарқи		
16.Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар		
17.Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижалари		
18.Фавқулодда олинган фойда ва зарарлар		X
19.Солиқ тўлагунга қадар умумий молиявий натижа: фойда ёки зарар		
20.Фойда (даромад) дан солиқ	X	
21.Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқ ва тўловлар	X	
22.Фойдадан тўланган дивиденд	X	
23.Ҳисобот давридаги соф фойда		

2-жадвал

**Сотилган маҳсулотлар тўлиқ таннархига киритилган харажатлар  
рентабеллигини (+), зарарлигини (-)**

№	Маҳсулот турлари	Микдори	Тўлиқ таннархи, м.с.	Пул тушуми, м.с.	Рентабеллиги (+), зарарлиги (-)
1.	Дон				

2.	Пахта хом ашёси ёки пахта толаси				
3.	Картошка				
4.	Сабзавот				
5.	Мева				

### **Саволлар**

1. Рентабеллик нима?
2. Рентабеллик кўрсаткичларини айтинг. Рентабелликни ҳисоблашнинг янги усулларини айтинг.
3. Рентабелликни оширувчи омилларни айтинг.
4. Рентабелликни оширувчи ички омиллар қандай бўлади ?
5. Рентабелликни оширувчи ташқи омиллар қандай бўлади ?

## **V БЎЛИМ. ЎСИМЛИКЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Маълумки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари маҳсулотларидан ташкил топади, Барча қишлоқ хўжалиги корхоналарида иккала тармоқни қўшиб олиб бориш объектив заруриятдир. Натижада, мавжуд меҳнат, ер, сув бошқа ресурслар потенциалидан, тармоқларнинг асосий, қўшимча ва қолдиқ маҳсулотларидан самарали фойдаланиш учун оптимал шароит яратилади, уларнинг турли даражада йўқотишлари кескин камаяди.

Ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни қўшиб олиб бориш айрим маҳсулотларга истеъмолчилар талабларининг пайдо бўлишига ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун иқтисодий ва табиий шароитларнинг мавжуллигига боғлиқ. Одатда, айрим мамлакат ва жаҳон халқларининг турмуш даражаси

юқори бўлса, чорвачилик маҳсулотларига талаб ошади, аксинча, ўсимликчилик маҳсулотларига пасаяди.

Иккала тармоқнинг маҳсулотларига бўлган талаб айрим халқларнинг урф-одатларига ҳам боғлиқ. Масалан, Ҳиндистонда чорвачилик молларига диний ақидаларнинг сақланиши натижасида жон бошига гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш меъёри жаҳон халқлари истеъмолига нисбатан ўртача 5-6 марта камдир.

Яна бир мисол, Австралия мамлакатада чорвачилик тармоқларини ривожлантириш учун кулай шароит мавжудлиги туфайли жон бошига гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш меъёри жаҳон халқлари истеъмолига нисбатан ўртача 5-6 марта кўпдир.

Демак, ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларини қўшиб олиб бориш комплекс шароитларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш даражаси билан бевосита боғлиқдир.

## **22-БОБ. ЎСИМЛИКЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УМУМИЙ МУАММОЛАРИ**

*«Подшоҳлик деҳқончиликсиз  
яшай олмайди».*

**Абу Райхон Беруний**

*Жаҳоннинг шодлигин боиси деҳқон,  
Унинг бирла экинзор, боғу-бўстон.  
Жафокаш, паҳлавон меҳнат чекадур,  
Тўкиб тер, барчанинг ризқин экадур.*

**Носир Хисрав**

### ***1. Ўсимликчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.***

Ўсимликчилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Унинг маҳсулотлари инсонлар учун озиқ-овқат, чорвачилик учун ем-хашак, саноат учун хом ашё сифатида фойдаланилади.

Ўсимликчилик маҳсулотлари жаҳон халқларининг энг йирик табиий ва иқтисодий бойлигидир. ХХІ аср бошларида жаҳон олимлари томонидан ер юзида 500 мигга яқин ўсимликларнинг мавжудлиги аниқланган. Уларнинг 23 минг ёки 4,6, фойзининг маҳсулотларидан жаҳон халқлари турли хил мақсадлар учун фойдаланадилар. Уларнинг 6 минг ёки 26,1 фойзи маданий экинлар гуруҳига киради, шу жумладан, 400 тури ёки 6,6 фойзи Ўзбекистонда учрайди; улардан 120 ёки 30 фойзи очик ва ёпиқ майдонларда ривожлантирилади, уларнинг маҳсулотларидан аҳоли учун озиқ-овқат, чорва учун ем-хашак, саноат учун натурал хом ашё сифатида фойдаланилади, холос.

Илмий изланишлар натижалари шуни кўрсатадики, жаҳон, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари, яқин келажакда ўсимликчилик маҳсулотларидан янада кенгроқ ва самаралироқ фойдаланиш учун реал имкониятларга эга. Асосий вазифа босқичма-босқич уларни ишга солиш, кўпроқ, сифатлироқ ва рақобатлироқ даражаси юқори маҳсулотларни ишлаб чиқариш, бинобарин истеъмол қилишдир.

### ***2. Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиётини ўрганиш хусусиятлари***

Бозор иқтисодиёти қонунлари механизмлари ва категориялари талабларини ҳамда маданий қишлоқ хўжалиги экинларининг ботаник,

агротехник ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб улар қуйидаги туркумлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва ривожланиш натижалари баҳоланади:

- 1.Бошоқли ва дуккакли дон экинлари маҳсулотлари.
- 2,Техника экинлари маҳсулотлари.
- 3.Картошка экини маҳсулотлари.
- 4.Сабзавот экинлари маҳсулотлари.
- 5.Полиз экинлари маҳсулотлари.
- 6.Чорва озуқалари ва экинлари маҳсулотлари.
- 7.Мевали дов-дарахтлар маҳсулотлари.
- 8.Токзорлар маҳсулотлари.
- 9.Пиллачилик, тут дарахтлари маҳсулотлари.
- 10.Гулзорлар маҳсулотлари.
11. Ихота дарахтлар ва ўрмонзорлар маҳсулотлари.
- 12.Табиий пичанзорлар, яйловлар маҳсулотлари ва бошқалар.

Юқорида келтирилган маданий экинлар ўз навбатида кичик гуруҳларга бўлинади. Масалан, дон экинлари озиқ-овқатга, ем-хашакка ва бошқа мақсадларга фойдаланилиши бўйича, техника экинлари - тола, шакар, ёғ берувчи ва бошқа турларга бўлиниб, ҳисоб-китоб қилинади, охириги натижалари баҳоланади.

Маданий ўсимликлар майда гуруҳларининг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлар ҳисобга олиб, уларнинг натура ва қиймат шаклидаги иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий кўрсаткичлари тизими яратилган. Уларга қуйидагилар киради:

- 1.Ерни экишга тайёрлаш, экинларни экиш ва парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб олиш усуллари.
- 2.Элита ва товар уруғлар, кўчатлар етиштириш ва улардан фойдаланиш.
- 3.Экинларни алмашлаб экиш режаларидан фойдаланиш.
- 4.Минерал ва органик ўғитлардан меъёрий даражада фойдаланиш.
- 5.Машиналар тизимини яратиш ва фойдаланиш.
- 6.Зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш.
- 7.Суғориш усуллариини такомиллаштириш.
- 8.Экинлар ҳосилдорлигини ҳисоб-китоб қилиш.
- 9.Экинлар маҳсулотларини сифати бўйича навларга бўлиш.
- 10.Маҳсулотлардан соф ва қайта ишланган ҳолда, фойдаланишни ва сақлашни ташкил этиш.

11.Экинлар экиш, парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб олиш ва бошқа жараёнларда меҳнатни меъёрлаш, разрядларга бўлиш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш.

12.Тармоқларда капитал қўйилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

13.Маҳсулотлар таннархи, сотиш баҳолари, рентабеллик кўрсаткичларини тўғри ҳисоблаш ва таҳлил этиш ва ҳоказо.

Айрим ва бир гуруҳ экинлар бўйича технологик жараёнларни ташкил ий ва иқтисодий муносабатларини тарихий даврлар бўйича таҳлил қилиш ва баҳолаш ўта мураккаб ишдир. У махсус илмий тадқиқот институтларининг изланиш натижалари асосида бажарилади. Ушбу дарсликда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш йилларидага эришилган ютуқлари ва айрим камчиликларини қисқа муддатларда камайтириш чора-тадбирлари баён этилган, холос.

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топшириқнинг мазмуни**

1. Қишлоқ хўжалиги экинларининг таркиби аниқлансин.
- 2.Айрим экинларни ишлаб чиқариш учун 1 гектарга сарфланган жами харажатлар, шу жумладан, бевосита меҳнат ҳақиға (ажратмалар билан бирга) сарфланган харажатлар аниқлансин.

*1-жадвал*

### **Қишлоқ хўжалиги экинларининг таркиби**

<b>№</b>	<b>Экин гуруҳдари ва турлари</b>	<b>Гектар</b>	<b>Жамига нисбатан, %</b>
1.	Бошоқли ва дуккакли дон шу жумладан: буғдой		
2.	Техника экинлари шу жумладан: ғўза		
3.	Картошка		
4.	Сабзавотлар		
5.	Озуқабоп экинлар		
6.	Боғлар		
7.	Узумзорлар		
8.	Полиз экинлари		
9.	Бошқа экинлар		
<b>Жами:</b>			<b>100</b>

**Айрим экинларни ишлаб чиқариш учун сарфланган жами  
харажатлар, шу жумладан, бевосита меҳнат ҳақи  
(ажратмалар билан бирга), минг сўм**

№	Экин гуруҳлари ва турлари	1 га сарфланган харажатлар, минг сўм	
		Жами	Ш.ж.меҳнат ҳақи
1.	Бошоқли ва дуккакли дон шу жумладан: буғдой		
2.	Техника экинлари шу жумладан: ғўза		
3.	Картошка		
4.	Сабзавотлар_		
5.	Чорва озуқалари		
6.	Ҳосилга кирган боғлар		
7.	Ҳосилга кирган узумзорлар		
8.	Полиз		
	<b>Жами :</b>		<b>100</b>

**23-БОБ. ҒАЛЛАЧИЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ИМКОНИЯТЛАРИ**

*«Оёғида тик турган деҳқон,  
тиз чўккан олифтадан минг  
бора афзал».*

## ***1. Ғаллачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти***

Ғаллачилик ўсимликчиликнинг етакчи тармоғи ҳисобланади ва алоҳида халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Ўзбекистон аҳолиси истеъмол этадиган озиқ-овқатларнинг катта қисми ҳамда оқсил ҳисобида олинган дон маҳсулотларининг ҳиссаси 50-60 фоизни ташкил этади. Республикада аҳоли жон бошига нон, вермишел, макарон, гуруч, мош, нўхат, ловия ва бошқа ғалла маҳсулотларидан тиббий меъёрилларга нисбатан кўпроқ истеъмол қилинади. Озуқабоп донлардан, чорвадор олимлар томонидан аниқланган меъёрларда, озиқлантириш зотли чорва моллари потенциал маҳсулдорлиги имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга шароит яратади. Дон озиқ-овқат саноати учун хом ашё ҳисобланади ва унинг ривожланиш даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Ғаллачиликнинг қўшимча маҳсулотлари (сомон, похол, поя ва ҳ.к.)дан чорва озуқаси, тўшама органик ўғит, қоғоз ва бошқа саноат тармоқларида хом ашё сифатида фойдаланиш ҳам юқори иқтисодий самара беради. Дончиликнинг асосий ва қўшимча маҳсулотларини кўпайтириш ва сотишни ташкил этиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳолини арзон озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун кўлай шароит яратади. Ўзбекистонда 2002 йилда ташкил толган чакана баҳоларда 1 кг юмшоқ буғдойдан тайёрланган 1,2 кг I нав нон маҳсулотини сотишдан 220 сўм пул тушуми олинади. Бундан ташқари, кепак ва сомон маҳсулотларидан 40-50 сўмга яқин пул олинади. Демак, 1 кг буғдойдан олинган асосий ва қўшимча маҳсулотларнинг қиймати 260-270 сўмга тенгдир, Ўзбекистон иқлим шароитида кузги ғалла экилган майдонларда иккинчи экин (чорва озуқаси, картошка ва сабзавот)лардан маҳсулотлар олиш мумкин.

Демак, ғаллачиликни интенсив ривожлантириш ер, сув ва бошқа ресурслар потенциалидан самарали фойдаланишга шароит яратади. Аммо, айрим тарихий даврларда Ўзбекистонда ғаллачиликнинг ривожланиш даражаси бозор иқтисодиёти ҳамда мустақил ривожланиш талабларига тўлароқ жавоб бермаган.

## ***2. Ғаллачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболлари***

Ўзбекистонда 15-20 турдаги маданий ғалла экинлари 2,5-3 минг йиллардан буён экилади. Аммо, ғаллачиликнинг самарадорлигидан тўлароқ

фойдаланиш айрим тарихий даврларда кескин тафовут килади. Бундай холатни асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан ҳам кўриш мумкин (1-жадвал)

1-жадвал

**Ўзбекистонда ғаллачиликнинг айрим тарихий даврларда асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

Йиллар	Экин майдони, минг га.	Ялпи ғалла ҳосили, минг тонна	Бир гектардан ҳосилдорлик, ц	Аҳоли жон бошига, кг
1913	1552,9	1032,2	6,65	236
1940	1501,7	615,0	4,10	198
1960	912,0	720,8	7,90	84
1990	1008,1	1898,7	18,83	93
2000	1611,9	3915,7	24,3	161
2004	1748,6	5800	38,0	200

Ўзбекистон чор Россиясининг мустамлакаси минтакаси ҳамда ғалла маҳсулотларини олди-сотди жараёнлари паст ривожланган 1913 йилда жами кишлок хўжалиги экинларининг 70%и ғалла экинлари бўлган. Мамлакат бўйича ғалла экинининг 60,6 %и буғдой, 17,7%и арпа, 10,4%и шоли экинига тўғри келган. Ғалла экинларининг, шу жумладан, асосий экинларнинг ўртача ҳосилдорлиги паст бўлган. Масалан, барча турдаги ғалла экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 6,65 ц, шу жумладан, буғдой -6, шоли - 13, макка - 10,2 ц бўлган, холос.

Ҳосилдорликка комплекс омиллар таъсир этган, албатта, ерни экишга тайёрлашда омочдан фойдаланилган, минерал ўғитлар солинмаган, буғдой экинининг асосий қисми кам суториладиган ёки лалмикор майдонларда етиштирилган. Юқорида кўрсатилган даврда ғаллачиликда асосан, экстенсив омилдан фойдаланилган. 1913 йилда аҳоли жон бошига 236 кг ғалла, шу жумладан, 118 кг буғдой, 4,8 кг гуруч ишлаб чиқарилган. Бинобарин, республиканинг ўз дон маҳсулотлари ҳисобига аҳолини дон маҳсулотларига бўлган талабини қондириши бошқа тарихий даврларга нисбатан юқори даражада бўлган.

Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил топиши ва ривожланиши даврларида Ўзбекистонда ғаллачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни истеъмол қилишда барқарорлик тубдан бузилган. Республика бўйича 1924 йилда 767 минг тонна, 1940 йилда 615 минг тонна, 1945 йилда 543 минг тонна, 1960 йилда 721 минг тонна ялпи дон

маҳсулотлари ишлаб чиқарилган, холос. Унинг аҳоли жон бошига миқдори 1913 йилга нисбатан 2,5-3 марта камайган.

Юқорида кўрсатилган тарихий даврларда (1924 йилдан ташқари) республика аҳолисининг ва чорвасининг дон ҳам омухта ем маҳсулотларига талаби собиқ Иттифоқ умумдавлат фонди ҳисобига тўлдирилган. Ўзбекистонда суғориладиган янги ерларни ўзлаштириш йилларида ғалла экинлари, айниқса, шу ерларда юқори ҳосил берувчи экин - шоли майдони кенгайтирилди. Масалан, 1990 йилда 1960 йилга нисбатан республика бўйича ғалла майдони 96,1 минг гектарга ёки 10,5 %га шу жумладан, шоли 115 минг гектарга ёки 44,6 мартага кенгайтирилди. Шу йилларда уларнинг ҳосилдорлиги ҳам ошди. Масалан, барча турдаги ғалла экинларининг ҳосилдорлиги 1960 йилдаги 7,8 центнердан 1990 йилда 18,8 центнергача ёки 2,4 марта ошди, мос равишда шоли ҳосилдорлиги 18,9 центнердан 34,2 центнергача ёки 1,8 марта кўпайган.

Ғаллачиликда интенсив ва экстенсив йўллардан оқилона фойдаланиш эвазига республикада 1990 йилда 1960 йилга нисбатан ялпи ғалла ҳосили 1177,5 минг тоннага ёки 1,6 марта, шу жумладан, шоли ялпи ҳосили 444 минг тоннага ёки 7,5 марта кўпайди.

Ғалла ялпи маҳсулотини кўпайтириш омилларидан оқилона фойдаланиш натижасида суғориладиган ер ресурслари ҳамда ғалла ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг рентабеллик даражаси кўтарилди. Масалан, 1990 йилда давлат буюртмаси асосида сотилган ғалланинг рентабеллиги давлат ва жамоа хўжаликларида мос равишда 48,7 ва 55,1 % ни ташкил этади.

Аммо, республикада етиштирилган ғалла унга бўлган минимум талабни ҳам қондира олмади. Унинг нон ва омухта емга бўлган талабининг ярмидан кўпроғи собиқ Иттифоқ умумдавлат фонди ҳисобига тўлдирилган эди.

Ўзбекистонда мустақил ривожланиш йилларида ғаллачиликни тезроқ ривожлантириш комплекс чора-тадбирлари амалга оширилди. Масалан, 2000 йилда 1990 йилга нисбатан ғалла экин майдони 603,8 минг гектарга ёки 60 % га кенгайтирилди, унинг ҳосилдорлиги мос равишда 55 центнерга ёки 29 % га, ялпи маҳсулот миқдори эса, 2017 минг тоннага ёки 2,1 марта кўпайди. Аҳоли жон бошига ғалла ишлаб чиқариш 1960 йилда 93 килограммдан, 2000 йилда 161 кг ёки 1,7 марта кўпайди.

2004 йилда республика бўйича 5800 минг тонна ялпи ғалла ҳосили олинди. Унинг кўпайиши гектаридан олинадиган ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Ўртача ҳосилдорлик 38 ц, 1990 йилга нисбатан 13,7 ц.га ёки 56,4 фоизга юқори. Аҳоли жон бошига 220 кг.га яқин ғалла ишлаб

чиқарилди, унга бўлган минимум талаб тахминан 50-60 % га тенгдир. Қайд этиш зарурки, 2004 йилда жаҳон мамлакатлари бўйича жон бошига 400 кг дон ишлаб чиқарилди. Канада ва АҚШда унинг ҳажми мос равишда 100 кг дан ортиқроқдир.

Республика бўйича ишлаб чиқарилган ғалланинг 80-85% ини буғдой ташкил қилади. Аҳолининг маҳсулотларга бўлган талаби республикада ишлаб чиқарилмоқда. Чорва хайвонларининг тўйимли дон озуқаларга бўлган талабининг 10 % и республикада ишлаб чиқарилади, қолган қисми эса, пахта кунжараси, шелухаси ва бошқа қўшимча ҳамда қолдиқ саноат маҳсулотлари билан тўлдирилди.

Республикада гуручга, сифатли унга, серҳосил навлар уруғига ва омукта емга бўлган талаб қисман жаҳон бозорларидан сотиб олинади. Бундай тажриба оддий жараён дир.

Истиқболда мамлакат аҳоли жон бошига ўртача 500 кг дан ғалла ишлаб чиқариш тармоғининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий самарадорлигини оширади. Аммо, бу вазифани бошқариш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун дунё бозоридан айрим дон маҳсулотлари сотиб олиш давом этади.

### ***3. Ғаллачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Ўзбекистонда суғориладиган ғалла майдонларини кенгайтириш учун унумдорлиги юқори ер ва сув ресурслари чегараланган. Лалмикор ерларда ғаллачиликни ривожлантириш барқарор самара бермайди, айниқса, қурғоқчилик йиллари ҳосилдорлик бозор иқтисодиёти қонунлари ва механизмлари талабларига мос келмайди.

Республика шароитида ғаллачиликнинг барқарор социал-иқтисодий самарадорлигини ошириш учун даставвал барча турдаги ғалла экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг реал имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш зарур. Бу борада илғор корхоналарда анчагина ютуқлар қўлга киритилган. 2000-2002 йилларда Андижон вилояти бўйича суғориладиган майдонларда ўртача ҳосилдорлик 70-75 ц.ни ташкил этган, илғор ширкат ва фермер хўжаликларига гектаридан 90 ц. ва ундан ортиқ буғдой ҳосили олинган.

Барқарор юқори ҳосил олиш комплекс технологик ишларни сифатли ва қисқа муддатларда бажаришни талаб этади.

Кузги бошоқли ғалла сифатли ҳайдалган ерларга оптимал муддатларда экилади. Кўпчилик буғдой навларини сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида экиш тавсия этилади. Улар эртароқ экилганда қиш тушгунча найчалаш

фазасига ўтиши мумкин. Қиш мавсуми нисбатан илиқ келган йиллари улар ўсишни давом эттиради ва бошоқлаш фазасини тезлаштиради.

Одатда, республиканинг шимолий минтақаларида оптимал экиш муддатлари эрта, жанубий вилоятларда кечроқ бўлади. Бунда ҳар бир вилоят, туман учун айрим навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиб, мақбул экиш муддатларига аниқлик ҳам киритилиши мумкин. Кўплаб ўтказилган тажрибалар бир хўжаликда бир неча серҳосил навларни экиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Олдин биологик кузги навлар, кейин дуварак, баҳорги навлар экилади. Арпа буғдойдан кейин экилади, чунки арпа буғдойга нисбатан тезроқ ривожланади. Экиш муддати оптимал муддатларда ўтказилиши мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланишга шароит яратади.

Республикамизда серҳосил, касалликларга, зараркунандаларга, ётиб қолишга, табиатнинг бошқа ноқулай омилларига чидамли, дон сифати юқори буғдой ва арпанинг суғориладиган ерларда экишга мўлжалланган интенсив турдаги навларини экиш тавсия этилади. Бундай навлар Давлат реестридан ўтказилишидан олдин Давлат нав синаш тажриба станцияларида ёки участкаларида ягона услуб бўйича синалади ҳамда олдиндан экиб келинаётган навлардан хосилдорлик ва бошқа кўрсаткичлари бўйича устунлик қилса, нав синалган тупроқ-иқлим минтақасида экиш учун давлат реестридан ўтказилади. Хўжаликларда фақат Давлат реестридан ўтган ёки истиқболли навлар экилиши лозим. 2000-2005 йилларда Давлат реестридан қуйидаги юмшоқ буғдой навлари ўтган ва туманлаштирилган. Сангзор, Шердор, Ёнбош, Маржон, Сангзор-4, Унумли буғдой, Скифянка, Юна, Безостая-1, Спартанка, Интенсив, Сете-церрос-66, қаттиқ буғдой навларидан Александровка, Вахт ва бошқалар, шунингдек, арпа навларидан, Темур, Мароканд, Бобур ва бошқалар.

Бу навлардан нав синаш участкаларида 40-50 центнердан 80-90 центнергача ҳосил олинган. Хўжаликларда ҳар қандай нав узок йиллар давомида экилса, уруғларнинг қимматли хусусиятлари пасайиб боради. Шунинг учун ҳар 3-4 йилда навларни янгилаш зарур.

Режалаштирилган хосилга, тупроқнинг агрохимёвий кўрсаткичларига, ўсимликнинг нам билан таъминланиш даражасига қараб минерал ва органик ўғитлар миқдори аниқланади. Ўзбекистон шароитида суғориладиган ерларда 1 тонна буғдой ва шунга мувофиқ сомон ҳосили олиш учун, туманлаштирилган навларга 34-37 кг. азот, 11-12 кг. фосфор, 23-25 кг. калий солинади. Одатда, улардан фойдаланиш даражаси об-ҳаво, тупроқ шароити, навларнинг биологик хусусияти, экиш муддати, туп қалинлиги ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда, ўзгариши мумкин.

Буғдойдан юқори ҳосил олишнинг реал имкониятларидан бири алмашлаб экишдир. Кузги буғдойни икки йилдан ортиқ жойлаштириш, далада бегона ўтларнинг, касалликларнинг, ҳамда зараркунандаларнинг кўпайишига, тупроқ унумдорлигининг, бинобарин, ҳосилдорликнинг пасайишига ва дон сифатининг бузилишига олиб келади. Айниқса, кузги буғдой уруғлик учун экилганда уни бошоқли дон экинларидан кейин жойлаштиришга йўл кўйиб бўлмайди.

Кузги буғдой учун беда ва бошқа чорва озуқа экинлари, картошка, сабзавот ва дуккакли дон экинлари самарали ўтмишдош ҳисобланади. Айти пайтда шу экинлар учун кузда экилган буғдой ҳам ўз навбатида ўтмишдош экиндир.

Узоқ муддатларда буғдой-ғўза алмашлаб экишининг жорий этилиши тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келади, натижада меъёрдан ортиқча минерал ўғитлардан фойдаланишга зарурият туғилади, ернинг экологик ҳолатлари ёмонлашади ва ҳоказо.

Кузги буғдой ҳосилини ошириш илғор суғориш режимидан фойдаланишга бевосита боғлиқ. Тупроқда нам тўплаш мақсадида ўтказиладиган суғоришни ерга хайдашдан олдин амалга ошириш юқори самара беради. Бундай далаларда экилган уруғлар қисқа вақтда бир текис униб чиқади, ўсимликнинг ер устки қисми ҳамда илдиз қисми мустаҳкам ривожланади ва натижада ҳосилдорликнинг ошишига олиб келади.

Амалиётда тупроқда нам тўплаш учун суғориш уруғ экилгандан кейин ўтказилади. Бундай далаларда, одатда, тупроқ ёрилади, илдизлар ўзилади, ўсимликнинг ривожланиши сусаяди, натижада ҳосилдорлик пасаяди, ўсимликнинг сувга бўлган талаби, унинг ҳаётининг дастлабки кунлариданок пайдо бўлди. Сувга бўлган энг кўп талаб найчалаш, бошоқлаш фазаларига тўғри келади.

Ўсимликнинг сувга талабини барқарор таъминлаш учун тупроқнинг намлик сифими 70-80 %дан кам бўлмаслиги керак. Бунинг учун, яъни тупроқда нам тўплаш учун суғориш гектарига 1200 м<sup>3</sup>, ўсиш даврида 700-750 м<sup>3</sup> ҳажмида 3-4 марта суғоришни ўтказиш тавсия этилади. Сут пишишининг охири, мум пишиш олдидан гектарига 250-300 м<sup>3</sup> ҳажмида югуртириб, енгил суғоришни ўтказиш ҳосилни оширишга қулай шароит яратади.

Экиш олдидан нам тўплаш ва ўсимликни ўсиш даврида суғоришнинг жўяклар орқали амалга оширилиши, ўқариқлар оралиғи 100 м.дан ошмаганда ҳам, юқори ҳосил олиш имкониятини беради.

Кузги буғдой 1 т. дон ҳосил қилиши учун ўртача 700 -1000 м<sup>3</sup> сув сарфлайди. Сув билан таъминланиш оптималлашиб бориши билан 1 т. дон

ҳосил бўлиши учун сарфланган сув миқдори ҳам камайиб боради, натижада суғориладиган ғаллачилик самарадорлиги кўтарилади.

Юқори ҳосил олиш омилларидан яна бири уни қисқа муддатларда йиғиб-териб олишдир. Масалан, кузги буғдой пишиб етилгач, 8-12 кунда ўриб-янчиб олиниши зарур. Агар унинг муддати кечиктирилса ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади (далаларда қолиб кетади) Айрим хўжаликларда нобуд бўлган ҳосил сифатли суғориш ва ўғитлашдан олинадиган кўшимча ҳосилдан ҳам кўп бўлади ва тармоқнинг самарадорлигини кескин пасайтиради.

Ҳосилни йиғиштиришда комбайнлардан гуруҳ усулида фойдаланиш самарали ҳисобланади. Анғиз экинлари тупроғини тайёрлаш энг қулай муддатларда ўтказилади, уларни экиш муддати қисқаради ва ҳосилдорлиги ошади.

Демак, юқори ҳосил яратиш учун барча технологик жараёнлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши зарур. Чунки, одатда, самарадорлик ҳосилни яратиш, йиғиб олиш билан бевосита боғлиқдир. Маълумки, ғаллачилик ва унинг маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлига 1 ц. маҳсулотнинг тўлиқ таннархи ва уни сотиш баҳоси ҳамда рентабеллик кўрсаткичлари асосида баҳоланади. Оддий шаклда таҳлил шуни кўрсатадики, барча турдаги 1 центнер ғалланинг таннархи қишлоқ хўжалик корхонларида, шу жумладан, ширкатларда ва фермер хўжаликларида охириги йилларда ошиб бормоқда. Бундай ҳолат ғаллачиликда ишлатиладиган асосий ва айланма воситаларга кўтара ҳамда чакана баҳоларнинг ошиши, номинал брутто меҳнат ҳақи фонди, ундан ҳисобланадиган ажратмалар, солиқлар ва тўловлар ҳажмининг кўпайиши ҳисобига содир бўлмоқда.

1ц.ғалла таннархи сўмнинг инфляция коэффициентининг ошиши ҳамда жаҳон бозорида баҳонинг ташкил топиш даражасини ҳисобга олиб, барча турдаги товар ғалла маҳсулотларига давлат харид баҳолари оширилмоқда.

1ц ғалла таннархи ва унинг сотиш баҳосининг ўсиши ўртасида мутаносибликнинг сақланмаслиги оқибатида таннархга киритилган харажатларнинг рентабеллиги кўпчилик корхоналарда паст даражада ёки улар зарар билан ишлашмоқда.

Корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш, шу жумладан, уларнинг айланма фондларини ташкил этиш мақсадида, фьючерс контрактация шартномасига асосан, давлат буюртмаси бўйича сотиладиган маҳсулот қийматининг 50 % ҳажмида аванс берилади.

Кўпчилик корхоналарда ғаллачиликда меҳнатни ташкил этиш ва унта ҳақ тўлаш оила пудрати асосида амалга оширилади, моддий

манфаатдорлик ва жавобгарлик тамойилларидан фойдаланиш самарадорлиги кучайтирилади.

Аммо, ғаллачиликда аниқланадиган кўпчилик самарадорлик кўрсаткичлари бозор иқтисодиёти конунлари механизмлари ва категорияларидан оқилона фойдаланиш талабларига тўлароқ жавоб бермайди.

Шунинг учун, мавжуд реал имкониятлардан оқилона фойдаланишни тезлаштириш мақсадида бозор иқтисодиёти шароитидага ислохотларни янада чуқурлаштариш долзарб вазифадир. Даставвал, товар маҳсулотларининг сотиш баҳоларини эркин ва шартнома асосида ташкил топишига, ғаллакорларни меҳнат натижаларига қараб кафолатланган ҳақ тўланишига эришиш зарур. Тармоқда меҳнатта пул ва натурал шаклда ҳақ тўлашни жорий этиш самарали ҳисоблашади.

### **«Ғаллачиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари» мавзуси бўйича**

#### ***ТОПШИРИҚ***

#### **Топширқининг мазмуни**

1. Ғалла экинлари майдони таркиби аниқлансин.
2. Асосий ғалла ва дон, дуккакли экинлар ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги аниқлансин.
3. Товарлилик даражаси аниқлансин.
4. Асосий (ёки туташ) ва ёрдамчи маҳсулотлар ўртасида харажатларни тақсимлаш таркиби, асосий ёки туташ маҳсулотнинг таннархи аниқлансин.
5. Асосий ғалла экинлари ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг моддалар бўйича таркиби аниқлансин.
6. Асосий ғалла экинларида меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими аниқлансин.
7. Давлатга сотилган асосий ғалла маҳсулотининг тўла таннархи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги аниқлансин.

**Ғалла экинлари экин майдони ва уларнинг таркиби.**

Ғалла экинларининг таркиби	Турлари	Майдони, га	Жами экин майдонига нисбатан % ҳисобида
1. Кузги ғалла			
2.Баҳорги ғалла маккажўхорисиз)			
3.Дон- дуккаклилар			
4 .Дон учун маккажўхори			
Дон учун маккажўхорини ҳам кў- шиб, ғалла ва дон дуккаклиларнинг ҳаммаси			

**Асосий ғалла ва дон (дуккакли) экинларнинг ялпи ҳосили ва  
ҳосилдорлиги**

Экин турлари	Ялпи ҳосил,тонн а	Ҳосилдорлик, ц/га
Кузги ғалла		
Баҳорги ғалла (маккажўхорисиз)		
Дон дуккаклилар		

**Асосий ғалла ва дон дуккакли экинларнинг товарлилик даражасини  
аниқлаш**

Маҳсулот турлари	Жами ишлаб чиқарган асосий маҳсулот, ц	Жами сотилган, ц	Товарлик даражаси, ц
Ғалла ва дон дуккаклилар маккажўхор			

ини ҳам қўшиб			
------------------	--	--	--

4-жадвал

**Ғалла экинлари маҳсулотлари ўртасида харажатларнинг тақсимланиши, 1 ц асосий ёки туташ маҳсулотнинг таннархи**

Ғалла экинлари	Жами	Асосий	Маҳсулотлар ўртасида харажатларнинг тақсимланиши				1 ц асосий туташ маҳсулотнинг таннархи сум
			Асосий		Ёрдамчи		
			Қиймати	Жамига нисбатан % да	Қиймати	Жамига нисбатан % да	
1. Кузги 2. Бохорги (маккажўхорисиз) 3. Дон дуккаклилар 4. Дон учун маккажўхори							

5-жадвал

**Асосий ғалла экинлари ишлаб чиқаришга сарфланган жами харажатларнинг моддалар бўйича таркиби**

Ғалла		Шу жумладан,
-------	--	--------------

		Меҳнат ҳақи ажратмалари билан		Моддий ва бошқа харажатлар	
		Қиймати	Жамига нисбатан, %да	Қиймати	Жамига нисбатан, %Да
1. Кузги					
2. Баҳорги (маккажўхорисиз)					
3. Дон дуккаклилар					
4. Дон учун маккажўхорилар.					

6-жадвал

**Асосий ғалла экинларида меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат СИҒИМИ**

Ғалла экинлари	Йиғиб олинган асосий маҳсулот, ц	Асосий маҳсулотга тўғри келган бевосита меҳнат харажатлари к/соати	1 ц маҳсулотга тўғри келган бевосита меҳнат харажатлари к/соати	1 к/соатида ишлаб чиқарилган асосий маҳсулот, кг	1 к/га тўғри келган бевосита меҳнат ҳақи ажратмалари билан
1. Кузги					
2. Баҳорги (маккажўхорисиз)					
3. Дон дуккаклилар					
4. Дон учун маккажўхори				.	.

7-жадвал

**Сотилган асосий маҳсулотларнинг тўла таннархи, ўртача баҳолари ва рентабеллиги**

Маҳсулот турлари	1ц. маҳсулотнинг тўла таннархи, сўм	1ц. маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	1ц. га фойда( + ), зарар(-), сўм	Рентабеллик даражаси, %
1. Жами ғалла ва дон дуккаклилар шу жумладан:				

а) буғдой				
б) шоли				
в) маккажўхори				
г) арпа				

## **24БОБ. ПАХТАЧИЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*«Ҳеч бир миллат токи ер ҳайдаш  
ҳам достон ёзишдек муносиб иш  
эканлигини тушуниб етмас экан у  
юксакликка кўтарила олмайди».*

**Б.Франклин**

### *1. Пахтачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти*

Ғўза техник экинлар гуруҳига киради. Улар ўз навбатида йигирув ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари берувчи ва бошқа гуруҳларга бўлинади. Йигирув маҳсулотлари берувчи экинларга ғўза, зиғир, каноф, жут ва бошқалар киради. Озиқ-овқат маҳсулотлари берувчи экинлар гуруҳига эса қанд лавлаги, ёғ берувчи, дориворлар, чекиш учун тамаки ва махорка, каучук берувчи ва бошқалар киради.

Ер юзида 80 га яқин, Ўзбекистонда эса 40 га яқин техник экинлар экилади. Уларнинг ичида ғўза асосий экин ҳисобланади. Ғўза етиштиришдан пахта хом ашёси ва ғўзапоя олинади. Пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш жараёнида пахта толаси ва чигит олинади. Одатда, пахта толаси чиқиши 30-35, уруғи эса 60-65 фоизни ташкил этади. Бир тонна пахта хом ашёсини қайта ишлашда 3000 м.куб.га яқин газлама, 100-110 кг ёғ, 200-250 кг кунжара, 50-60 кг шелуха, 10 кг хўжалик совуни ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Пахтачилик универсал тармоққа айланиб бормоқда. Унинг асосий маҳсулотлари пахта хом ашёси ва поясини қайта ишлаш жараёнида 1200 дан ортиқ саноат маҳсулотлари олинади. Ўзбекистон тўқимачилик саноати хом ашёси балансида пахта толаси 70 фоизни, ўсимлик ёғ-мой саноатида чигит 90 фоизни ташкил этади.

Пахта хом ашёсидан газлама, ип, момик, сунъий ипак, тўқимачилик ва бошқа кўпгина буюмлар ишлаб чиқарилади. Чигитдан энг арзон ёғ,

маргарин, совун, глицерин ва бошқа маҳсулотлар, чигит қолдиғидан эса кунжара, шелуха олинади. Пахта тозалаш ва ёғ заводлари чиқиндиларидан изоляция материаллари, целлюлоза, спирт, линолеум, лок, ҳар хил бўёқлар, кино плёнкаси ва бошқа кўпгина товарлар тайёрланади.

Вза баргидан органик кислоталар, жумладан, сирка, лимон, олма кислотаси олинади. Взапоядан дағал қоғоз, картон, фанер, ошлаш ва бошқа материаллар ишлаб чиқарилади. Чигатдан олинadиган шелуха чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади, ундан гидролиз саноатида хомашё сифатида фойдаланилади, фурфулон ва техник спирт олинади. Фурфулондан эса, смола, пластмасса, капрон, синтетик тола, алиф, ҳар хил дориворлар ва бошқа маҳсулотлар олинади. Ҳар бир гектар ғза гулларидан мавсумда 60-70 кг асал маҳсулоти олиш мумкин. Асаларичиликни ташкил этиш ҳисобига ғзанинг чангланиш сифати тубдан яхшиланади ва унинг ҳосилдорлиги 2-3 центнерга ошади.

Бир тонна пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган асосий товар маҳсулотлар (газлама, ёғ, кунжара, шелуха, момик)ни сотишдан 2004 йил ўрта баҳоларида ҳисоблаганда 2000 минг сўмлик пул тушуми тушди. Агар газламадан тайёр кийимлар тайёрланиб сотилса, пул тушуми 4-5 марта кўпаяди.

Пахта толасини жаҳон бозорида сотиш жараёнида Ўзбекистоннинг халқаро валюта фонди кўпаяди, натижада унинг янги технология ва техникани сотиб олиш имконияти мустаҳкамланади ҳамда иқтисодий тараққиёти тезлашади ва ҳ.к.

## ***2.Пахтачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи***

Ўзбекистонда пахтачилик икки ярим минг йилдан буён ривожланади. Аммо, унинг юқори самарадорлигидан фойдаланиш айрим тарихий даврларда кескин тафовут қилади. Буни асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан ҳам кўриш мумкин (1-жадвал)

*1-жадвал*

### **Айрим тарихий даврларда пахтачиликнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

Йиллар	Экин майдони, минг га.	Ялпи пахта хом ашёси, минг тон.	Гектаридан ҳосилдорлик, ц
— 1860	36,0	25,0	7,0
1913	429,3	521,7	12,2

1920	93,0	31,0	3,3
1940	947,7	416,0	14,9
1945	779,4	850,0	10,9
1960	1449,6	2949,0	20,9
1990	1830,0	5058,0	27,6
- 2000	1441,4	3002,0	20,8
2004	1455,6	3530,0	24,3

Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонни Чор Россияси босиб олгунга қадар пахтачилик ва у билан бевосита боғлиқ бўлган халқ хўжалиги тармоқлари жуда паст даражада ривожланган эди. Масалан, Ўзбекистонда 1860 йили 25,0 минг тонна пахта хом ашёси ишлаб чиқарилган, бу мамлака ички эҳтиёжини ҳам қондирмаган. Ҳар гектаридан пахта ҳосилдорлиги 7ц, тола чиқиши 20-22%, тола ўзунлиги эса, 20-21 мм. бўлган. Пахта хом ашёси ишлаб чиқариш, уни қайта ишлашда ўта содда кўл қуролларидан фойдаланилган, уни ички бозорларда сотиш бозорлари чегараланган, ташқи бозорларга чиқариш учун транспорт воситалари ҳам ривожланмаган ва ҳ.к.

Чор Россиясининг марказий ва бошқа минтақаларида тўқимачилик саноатининг ривожланиши унинг хом ашё базасини яратишни талаб этди. Бу вазифани тезроқ бажариш мақсадида Чор Россияси Туркистон минтақасида темир йўл, пахтани бирламчи қайта ишловчи заводлар, каналлар қазииш ва бошқа зарурий ишлаб чиқариш воситаларини кўпайтириш ҳамда такомиллаштиришга капитал кўйилмалар ҳажмини кўпайтирди ва ҳ.к.

Натижада пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ҳажми нисбатан тезлаштирилди. Масалан, 1913 йилда Ўзбекистонда 521,7 минг тонна ёки 1860 йилга нисбатан 21 марта кўп пахта хом ашёси ишлаб чиқилди. Ялпи пахтанинг кўпайиши ғўза экин майдонларининг кенгайиши ва унинг ҳосилдорлигининг ошиши ҳисобига эришилди.

1920 йилда 1913 йилга нисбатан пахта ялпи маҳсулоти қарийб 17 марта камайди, экин майдонлари 20 марта қисқарди ва гектарига ҳосилдорлик 2,7 марта пасайди. Пахтачиликдаги бундай тушкунлик шу йилларда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг ҳамда фуқаролар (гражданлар) урушининг натижасидир.

Фуқаролар (гражданлар) урушидан кейин Ўзбекистонда суғориладиган ерларни кенгайтириш, пахта уруғчилигини тубдан яхшилаш ва бошқа чора тадбирларни амалга ошириш пахта хом ашёсини тезроқ кўпайтиришга шароит яратди. Ялпи пахта ҳосили 1940 йилда, 1920 йилга нисбатан 45,7 марта, 1913 йилга нисбатан эса, 2,5 марта кўпайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида малакали, меҳнатга қобилиятли пахтакорларнинг армияга олиниши, техникавий ресурсларнинг камайиб кетиши ва бошқа объектив-субъектив камчиликлар натижасида пахта хом ашёси ишлаб чиқариш камайди. 1945 йилда 1940 йилга нисбатан 45% кам ялпи пахта ҳосили олинган.

1960-1990 йилларда пахтачиликда интенсив ва экстенсив йўллардан кенг фойдаланиш ҳисобига ялпи пахта ҳосили кескин кўпайди. Унинг ҳажми 1990 йилда 1940 йилга нисбатан 3,6 марта, 1960 йилга нисбатан эса, 1,7 марта кўпайди. Ўзбекистон пахтачилигида 1980 йилда гектаридан юқори ҳосил (29,7 ц.) ва ялпи ҳосил (5750 минг тонна) олинган ва жаҳонда 2- ўринни эгаллаган.

Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат бўлиб ривожланиш йилларида ялпи пахта маҳсулоти камайди. 2000 йилда республикада 3002 минг тонна ёки 1990 йилга нисбатан 41% га кам пахта хом ашёси ишлаб чиқилди. Шу йилларда экин майдони 21,3%га қисқарди, гектаридан ҳосилдорлик эса, 24,6%га пасайди. Пахтачиликда бундай ҳолатга йўл қўйилиши объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқ.

Мустақил ривожланиш йилларида пахта майдонини қисқартириш ҳисобига суғориладиган ғалла, айниқса, бўғдой ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, минерал ўғитлар меъёрининг камайиши, сув танқислиги ва ҳ.к. гектаридан олинадиган ҳосилдорликка салбий таъсир этди. Лекин, ғўза экиладиган майдонларнинг камайишига қарамадан Ўзбекистон унинг ялпи ҳажми бўйича жаҳонда бешинчи, пахта толасини жаҳон бозорида сотиш бўйича 2- ўринни эгаллади.

2004 йилнинг ўзида ғўза майдони 1455,6 минг га.гача кўпайиб, ялпи ҳосил 3530,0 минг тоннани ташкил этди, ҳосилдорлик 24,3 центнергача етказилди.

Ўзбекистон пахтачилигида истиқбол вазифа унинг ялпи ҳажмини кескин камайтирмаслик, унинг сифатини яхшилаш, асосий қисмини минтақада қайта ишлаш ҳисобланади. Пахтачилик ва у билан боғлиқ бўлган халқ хўжалиги тармоқларини интенсив ривожлантириш, мавжуд меҳнат, ер, сув ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади, республика иқтисодиётининг барқарор ўсишига реал шароит яратади.

### ***3.Пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Ўзбекистонда серунум ер ва айниқса, сув ресурслари чегараланган. Мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда ҳар бир гектар пахтадан олинадиган ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилади.

Бу вазифани амалга оширишда илғор корхоналарда анчагина ютуқлар қўлга киритилган. 2000-2003 йилларда Андижон вилояти бўйича гектаридан ўртача ҳосилдорлик 32-34 ц.ни ташкил этди. Вилоятнинг Олтинқўл, Шаҳрихон ва Избоскан туманларида ҳосилдорлик 40 ц.дан ошди; 2003 йилда Андижон туманидаги Т.Мирзаев ширкат хўжалигида 51 ц. пахта ҳосили олинган.

Ҳосилдорликни ошириш комплекс агротехнологик жараёнларни сифатли ва қисқа муддатларда бажариш билан боғлиқ. Тармоқни ташкил этишнинг барча даврларида ва истиқболида ҳам юқори ҳосил олиш учун қўйидаги имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур.

Пахтачиликнинг хусусиятларини ҳисобга олиб даставвал алмашлаб экишни илмий асосда амалга ошириш лозим. узоқ йиллар ғўза ва беда алмашлаб экиш тавсия этилган эди. Натижада тупроқ унумдорлиги сақланади, экин майдонлари бегона ўтлардан ва касалликлардан тозаланади, уларнинг шўрланиш даражаси пасаяди ва ҳ.к. Мустақил ривожланиш йилларида ғўза-дон, ғўза-ем-хашак ва бошқа экинлар билан алмашлаб экиш ҳам амалга оширилмоқда.

Ҳосилдорлик селекция ва уруғчилик ишларининг ҳолатига ҳам боғлиқ. Республика хўжаликларида давлат нав синовидан ўтган, тупроқ-иқлим шароитига мос навлар экилади. Селекционер олимлар ва мутахассислар томонидан яратилган Тошкент-6, С-6530, Бухоро-6, Окдарё-6,7, Навбахор, Юлдуз, Меҳр ва бошқа навлар илмий асосланган ва технологик жиҳатидан жорий этилган 35-50 ц ва ундан юқори ҳосил бериш потенциал имкониятига эга. Уруғчилик хўжаликларида элита, товар хўжаликларида I ва II класс уруғларни экиш учун шароит яратилган.

Ҳайдалма қатлами қалин бўлган тупроқли ерларда шудгор чуқурлиги 30-35 см бўлиши тавсия этилган. Бундай тупроқларда 4-5 йил оралиғида 45-50 см чуқурликда, йилига 30 см чуқурликда шудгорланса, ҳосилдорликка оптимал шароит яратилади. Чигитни пуштага, плёнка остига ва қўшқаторлаб экиш ҳосилдорликни оширади, унинг эрга пишиб етилишига имкон беради. Минерал ва маҳаллий ўғитлардан илмий асосланган меъёр ва муддатларда фойдаланилса, ғўзанинг ривожланиши жадаллашади, кўсақларнинг етилиши тезлашади.

Тадқиқотларнинг натижаларига кўра, бир тонна пахта етиштириш учун ўрта ҳисобда 50-60 кг азот, 15-20 кг фосфор, 50-60 кг калий сарфланади.

Улар органик ўғитлар билан бирга қўлланилганда, минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги анча юқори бўлади. Эскидан пахта экиладиган майдонларда ҳар 3-4 йилда бир марта 20-30 тонна гўнг солиш яхши самара беради.

Гўзани озиклантиришда минерал ўғитларга чириган ва эланган гўнг аралаштирилади. Бунда 1 кг аммиакли селитрага 2-2,5 кг, 1 кг суперфосфатга 6-7 кг, 1 кг аммофосга 1,5-2 кг гўнг қўшиш юқори самара беради. Органик ўғитлар пахтачиликнинг барча микроэлементларга бўлган талабини кондиришни ҳам кучайтиради,

Сифатли ҳосил олиш гўза касалликлари (илдиз чириш, гоммоз, вилт ва бошқа)га ва зараркунандалари (гўза бити, ўргимчаккана, кародрина ва бошқа)га қарши кураш, гўзани дефоляция ва десикация қилиш, ҳосилни қўлда ҳамда машинада теришни белгиланган қисқа муддатларда бажариш билан бевосита боғлиқ.,

Ваҳоланки, юқорида кўрсатилган технологик жараёнлар айрим корхоналарда турли даражада бажарилади, бинобарин, гектаридан олинадиган ҳосилдорлик ҳам мос равишда фарқ қилади. Бу кўрсаткичга табиий объектив омиллар ҳам таъсир этади, албатга. Бунда асосий вазифа тармоқни интенсив ривожлантириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, кўпроқ, сифатлироқ ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот бирлиги таннархини пасайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Ваҳоланки, мустақил ривожланиш йилларида барча турдаги корхоналарда 1 ц пахта хом ашёси таннархининг кўтарилиши кузатилмоқда. Бундай жараён пахтачиликда ишлатиладиган тракторлар ва бошқа асосий воситаларга, энергетик ресурсларга, минерал ўғитларга ва бошқа айланма воситаларга кўтара ҳамда чакана баҳоларнинг ошиши, номинал брутто меҳнат ҳақи фонди, ундан ажратмалар ва солиқлар ҳисобига содир бўлмоқда.

Пахтачилик сермеҳнат, бинобарин, меҳнат ҳақи кўп сарфланадиган тармоқ. Тармоқда 60 дан кўпроқ жараён бажарилади. Жами киши/соатида сарфланган меҳнатнинг 90% дан кўпроғга қўл воситалари билан бажарилган вақтга тўғри келади. Бунда машиналар ёрдамида бажарилган вақтга нисбатан 1,5-2 марта кўп меҳнат ҳақи тўланади. Аммо, кам унумли қўл меҳнатининг кўпайиши ҳисобига унинг унумдорлиги пасаяди, натижада маҳсулот бирлиги таннархи кўтарилади.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, республикада мустақил ривожланиш йилларида 1 ц пахтага бевосита сарфланган киши/соати 1,7 марта кўпайган, Бундай жараён пахтачиликда энг сермеҳнат жараён, ҳосилни терим машиналари ёрдамида йиғиб олишнинг кескин пасайиб кетиши ҳисобига

содир бўлди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси бўйича 1990 йилда 52% ялпи пахта ҳосили машиналар билан терилган бўлиб, 2002 йилда бу кўрсаткич 10% дан ошмади. 1 ц пахта хом ашёси таннархини меҳнат ҳақи ҳисобига пасайтириш, унинг унумдорлигини ошириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишни талаб этади.

Бу долзарб муаммони тезроқ амалга ошириш барча ишларни, айниқса, сермеҳнат ишлар (ғўзани ягоналаш, суғориш, чиқиш, ҳосилни йиғиб олиш)ни механизациялаш, гектаридан олинадиган ҳосилдорликни ошириш, пахтакорларни меҳнат натижаларита қараб моддий ва маънавий рағбатлантириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ва ҳ.к.га боғлиқ.

Пахта хом ашёсининг иқтисодий самарадорлиги уни сотиш баҳоларининг ташкил топиш даражасига бевосита боғлиқ. Бу маҳсулотнинг давлат иқтисодиётидаги аҳамиятини ҳисобга олиб, у кўтара харид баҳоларида сотилади. Уни белгилашда биологик навларнинг тола турлари ва саноат ассортименти асос қилиб олинади. Унинг даражасига жаҳон бозорида ташкил топадиган ўрта баҳолар ҳам таъсир этади.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йилларида пахта хом ашёсининг ўргача баҳоси ошиб бормокда. Аммо, унинг 1 ц. пахта тўлик таннархига нисбатан секин ошган йилларида кўпчилик хўжаликлар пахта сотишдан зарар кўрадилар. Зарарнинг объектив сабабларга кўра ташкил топган қисми пахта сотишдан соф фойда олган корхоналар, суғурта компаниялари, давлат бюджети ва бошқалар ҳисобига қопланади, айрим қарзларнинг қайтарилиш муддати узайтирилади ва ҳ. к.

Пахтакор хўжаликлари ва уларнинг аъзоларининг жорий манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларга чакана баҳоларга нисбатан арзонроқ пахта ёғи, кунжара, шелуха сотилади. Пахта етиштиришда пахтакорларнинг моддий манфаатдорлиги ва жавобгарлигини ошириш мақсадида кўпчилик хўжаликларда ишлаб чиқариш ва меҳнатга ҳақ тўлаш оила пудрати асосида амалга оширилади.

Пахтакор хўжаликларнинг йил давомида молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида уларга фьючерс контрактация шартномасига асосан, давлатга сотиладиган маҳсулот кийматининг 50%и ҳажмида аванс берилади, пахта хирмонидан то пахта заводигача маҳсулотни ташиш, транспорт харажатлари завод ҳисобига амалга оширилади.

Демак, пахтакор хўжаликлар ва улар моддларининг моддий манфаатдорлиги ва жавобгарлигини ошириш имкониятларидан фойдаланиш чора-тадбирлари амалга оширилади. Аммо, уларнинг асосий молиявий натижалари бозор иқтисодиёти конунлари, механизмлари ва категориялари талабларига тўлароқ жавоб бермайди. Мавжуд камчиликларни кескин

камайтириш мақсадида тармоқда бозор иқтисодиёти ислоҳотини янада чуқурлаштириш зарур. Даставвалл сотиш баҳоларини эркин шартаномасосида ташкил топишига, пахтакорларни меҳнат натижаларига қараб кафолатланган ҳақ тўланишига эришиш лозим.

**«Пахтачиликнинг самарадорлигини ошириш  
имкониятлари» мавзуси бўйича  
ТОПШИРИҚ**

**Топшириқнинг мазмуни**

1. Ғўза-беда алмашлаб экишдаги асосий экинларнинг таркиби ва ҳосилдорлиги аниқлансин.

2. Пахтачиликнинг асосий ва ёрдамчи маҳсулотлари ўртасида харажатларни тақсимлаб, 1 ц пахтани таннархи аниқлансин.

3. Пахта ишлаб чиқаришга сарфланган жами харажатларнинг моддалар бўйича таркиби ўрганилсин.

4. Пахтачиликда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими аниқлансин.

5. 1 ц пахтанинг тўла таннархи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги аниқлансин.

*1-жадвал*

**Хўжаликда асосий алмашлаб экиладиган экинларнинг таркиби ва  
ҳосилдорлиги**

Экинлар	Экин майдони		1 гектардан ҳосил- дорлик, ц/га
	гектар	жамига нис -батан, % да	
1. Ғўза			
2. Кўпйиллик ўтлар			
3. Пичан учун бир йиллик ўтлар			
Жами:			

*2-жадвал*

**Пахтачиликнинг асосий ва ёрдамчи маҳсулотлари ўртасидаги  
харажатларнинг тақсимланиши**

Кўрсаткичлар	Қиймати,	Жамига
--------------	----------	--------

	сўм	нисбатан, %
1. Жами харажат		
2. Асосий маҳсулот миқдори, ц шу жумладан: - пахта хом ашёсига олиб борилган - ғўзапояга олиб борилган		
3. 1 ц пахтанинг таннари		

3-жадвал

**Пахтачиликда жами харажатларнинг моддалар бўйича  
Таркиби**

Кўрсаткичлар	Миқдори	Жамига нисбатан %	1 ц; пахтага, сўм
Жами харажат			
шу жумладан: меҳнат ҳақи ажратмалар билан - моддий ва бошқа харажатлар			

4-жадвал

**Пахтачиликда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат  
СИҒИМИ**

Кўрсаткичлар	Миқдори
1. Ишлаб чиқарилган пахта хом ашёси	
2. Пахта ҳосилдорли ашёсининг қиймати (моддий баҳоларда)	
3. Пахта ишлаб чиқаришга кетган бевосита меҳнат харажатлари, к/соат	
4. 1 ц пахта хом ашёсига кетган меҳнат харажати к/соати	
5. 1 к/соатга тўғри келган: а) натура шаклидаги пахта хом ашёси, кг б) пахта хом ашёсини қиймати, сўм	
6. 1к/соатига тўғри келган меҳнат ҳақи ажратмалари билан, сўм	

5-жадвал

**1 центнер пахтанинг тўла таннари, ўртача баҳоси ва рентабеллик**

Кўрсаткичлар	Микдори
1. 1 ц пахта хом ашёсининг тўла таннархи, сўм	
2. Давлатга сотилган 1 ц пахта хом ашёсининг ўртача баҳоси, сўм	
3. Фойда (+), зарар (-) 1 ц пахтага, сўм	
4. Рентабеллик даражаси, %	

## **25-БОБ. КАРТОШКАЧИЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Ер қадрини билмайди,  
Ер элмаган деҳқонлар.  
Эл қадрини билмайди,  
Эл кўрмаган нодонлар.*

### **1. Картошкачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти**

Картошка экинининг асосий маҳсулоти - картошка фойдаланиш турлари жихатидан универсал маҳсулот ҳисобланади. Унинг таркибида 70-80% сув, қалган қисмида крахмал, оқсил, ёғ, «С» ва «В» гуруҳи таркибига кирувчи витаминлар, шунингдек, хар хил моддалар, калий, фосфор ва (боқа ўнлаб моддалар бор.

Картошкадан асосан, хушхўр тўйимли озиқ-овқат шаклида фойдаланилади, уни меъёр даражасида истеъмол этиш инсон томонидан истеъмол этиладиган кўпгина маҳсулотларни яхши ҳазм бўлишига ҳам ёрдам беради. Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларида ўсимликчилик озиқ-овқатлар баланси таркибида картошка дон маҳсулотларидан кейин иккинчи ўринда туради. Ўзбекистонда ҳам аҳолининг картошкага бўлган талаби ва

уни қондириш даражаси кузатилиб борилмоқда, Картошкани қайта ишлаш жараёнида крахмал ва спирт олинади. Улар асосан, ширинлик ва алкоголь ичимликлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Картошка туганакларидан 25 фоизгача крахмал олинади. Бир гектар картошка ҳосилидан ғалла экинларига нисбатан 3-4 марта кўпроқ, спирт олинади. Бундан ташқари, 1 тонна картошкадан спирт олиш учун қайта ишлаш жараёнида 1500 л барда олинади ва чорвачиликда озуқа шаклида фойдаланилади.

Картошкадан чўчқаларни озиклантириш ўта сифатли гўшт ишлаб чиқаришга имконият яратади. Суғориладиган ерларда эртаги ва кечки навларидан 2 марта ҳосил олиш, аҳолининг картошкага бўлган талабини йил давомида барқарор таъмин этишга шароит яратади ва ҳ.к. Ўзбекистонда картошкачиликни интенсив ривожлантириш ер, сув, меҳнат ва бошқа ресурслар потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга шароит яратади.

## ***2.Картошкачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи***

Ўзбекистонда картошкачиликни ривожлантириш тарихи тахминан 130 йилга тенг, унинг уруғи Лотин Америкаси мамлакатларидан Россияга, Россиядан Ўзбекистонга келтирилган.

Картошка биологик хусусиятига кўра ўртача иқлим +20 дан ошмаган иссиқликда самарали ривожлантирилади. Ўзбекистон иқлими кескин континентал ва қурғоқчил минтақадир. Ҳаво ва тупроқнинг ўта иссиқлиги картошка ўстириш учун ноқулайлик туғдиради. Бундай шароит фотосинтезни секинлаштиради, оқибатда картошканинг туғиш ва илдиз тизимини ривожлантиришига ва ниҳоят, унинг ҳосилдорлигига ва сифатига салбий таъсир қилади. Ёз ойларида меъёрдан ортиқча қуёш нури ҳосил тўпланишига салбий таъсир кўрсатади.

Республика олимлари суғориладиган майдонларда картошкадан юқори ҳосил олишнинг комплекс технологик, селекция, уруғчилик ва бошқа масалаларининг назарий ҳамда услубий асосларини, бинобарин тармоқнинг самарадорлигини ошириш учун шароит яратдилар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, картошкачиликнинг ривожланиш даражаси айрим тарихий даврларда кескин тафовут қилади (1-жадвал).

*1-жадвал*

### **Ўзбекистонда картошкачиликнинг айрим тарихий даврлар бўйича асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

Йиллар	Экин майдони, минг га.	Ялпи картошка хосили, минг тонна	Гектаридан ҳосилдорлик, ц/га	Аҳоли жон бошига, кг
1913	6,6	46,2	70,0	10,6
1940	23,6	113,7	48,0	17,0
1960	28,6	165,0	57,0	19,6
1990	41,8	336,4	80,0	16,4
2000	52,0	729,8	128,0	30,0
2004	61,7	804,8	131,9	30,8

1990 йилгача тарихий даврларда ялпи картошка ҳосилининг кўпайиши, асосан, унинг экин майдонини кенгайтириш ҳисобига эришилди. 1990 йилда 1913 йилга нисбатан ялпи маҳсулаг 7,3 марта кўпайган, мос равишда экин майдони 6,3 марта кенгайтирилган, ҳосил эса гектарига 14,3 фоизга ўсган, холос. 1940 ва 1960 йилларда 1913 йилга нисбатан гектарига ҳосилдорлик 31,4 ва 18,6 фоизга паст бўлган.

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган картошка 1990 йилда аҳолининг ҳақиқий истеъмол қилган ҳамда уруғлик учун фойдаланилган картошканинг ярмидан кўпроғи собиқ Иттифоқ умумдавлат фонди ҳисобига таъминланган. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлларида картошкачиликни тезроқ ривожлантириш мақсадида унинг экин майдони кенгайтирилди ва ҳосилдорлиги оширилди. 2000 йилда 1990 йилга нисбатан картошка ялпи хосили қарийб 2,2 марта кўпайди, мос равишда унинг майдони 24,4 фоизга кенгайтирилди, ҳосилдорлик эса, 47,5 фоизга ошди. Аҳоли жон бошига картошка ишлаб чиқариш 2000 йилда 1990 йилга нисбатан қарийб 83 фоизга кўпайди. Аммо, жон бошига товар ҳамда уруғлик картошка етказиш минимум меъёрий талабга нисбатан 2 марта камдир.

Истиқболда республика жон бошига 50 кг товар ҳамда 10 кг уруғлик зарур. Жаҳон бозорларидан аҳоли истеъмоли учун картошка, сотиб олиш тармоқнинг самарадорлигини оширмайди. Чунки транспорт харажатлари ҳамда маҳсулотнинг нобуд бўлиши кўпаяди.

Иссиқ иқлимшароитида картошка биологик хусусиятларини қисқа муддатларда кескин пасайиши ва алмаштириш зарурлигини ҳисобга олиб, жаҳон бозорларидан суперэлита ва элита навли уруғлар сотиб олиб келинмоқда.

Картошкачиликни жадал ривожланиши асосан, уруғликка кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини, республикани табиий иқлим ҳамда тупроқ ҳолатини ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, юқори сифатли уруғ етиштириб

берадиган махсус уруғчилик хўжаликларини ташкил этиш ва уларни тўлақонли ривожланиши учун давлат томонидан имтиёзлар берилишини тақозо этади.

Бу мақсадга қўшимча сарфланган маблағ картошка ҳосилдорлигини ошириш ҳамда сифатини сақлаш ҳисобига тўлиқ қопланади. Буни селекционер олимларнинг тажрибаси кўрсатмоқда.

### ***3.Картошкачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Охирги йилларда картошка ишлаб чиқариш ва сотишни эркин амалга ошириш, ҳосилдорликни ошириш имкониятларидан фойдаланиш натижасида тармоқнинг рентабеллик даражаси кўпчилик, айниқса, шаҳарлар атрофида жойлашган корхоналарда, бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига мос равишда ошиб бормоқда. Бу ютуққа одатда, эркин ва шартнома баҳоларининг кўтарилиши ҳисобига эришилмоқда. Аммо кўпчилик ширкат ва фермер хўжаликларида 1ц картошка ўргача тўлиқ таннархининг кўтарилиши кузатилмоқда. Бундай ҳол асосан, жаҳон бозоридан сотиб олинadиган уруғлар баҳоларининг кескин ошиши ҳисобига содир бўлмоқда. Бундан ташқари картошкани экиш, катор орасини юмшатиш, ҳосилни йиғиб олиш ва бошқа жараёнлар қўл билан ишлатилadиган воситалар асосида бажарилмоқда. Натижада тармоқда меҳнат унумдорлиги паст даражада қолмоқда. Картошканинг таннархи касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашга сарфланadиган харажатлар ҳисобига ҳам ошмоқда .

Охирги йилларда Колородо кўнғизининг картошка пайкалларида кенг тарқалиши натижасида ҳосилдорлик пасаймоқда ва унинг сифати ёмонлашмоқда. Зараркунандага қарши қимматбаҳо кимёвий воситалардан фойдаланиш кутилган натижаларни бермаётир.

- енгил қумоқли механик таркибига эга ўтлоқ, ўтлоқ-бўз тупроқларда, дарё ёнбағри участкаларида, тоғли ва тоғолди зоналарда яхши ўсиб, юқори ҳосил берадиган навларни экиш;

- сувга талабчанлигини ҳисобга олиб, 400-500 м.куб ҳажмида 7-8 марта суғориш, уни асосан, кечаси амалга оширишга эришиш;

- бундай ерларга гектарига 30-40 тонна ярим чириган гўнг, 250-300 кг аммофос ва 160-200 кг калий сульфат ёки калий тузи солиниб, 30 см чуқурликда ҳайдалишини таъминлаш;

- ўсув даври 69-70 кунда тезпишар ва ўртапишар навлар (зарафшон, сантэ, ромона, марфона ва бошқалар)ни экиш;

- баҳорда ҳамда кузда экиладиган уруғларни экиш олдидан 100 л сувда 5-6 кг тмтд билан бирга 2 грамм каҳрабо кислотаси ҳамда 4 кг аммофос қўшиб, ивитиб экиш ҳисобига ҳосилдорликни 11-16 фоизгача ошириш;
- хар гектарга 3-3,5 тонна уруғлик туганаклар экилишига, экиладиган туганакларнинг вазни эса, 30-80 грамм бўлишига, уларни тупроқнинг 6-7 см чуқурлигига экиш, қотқолоқни тез ёриб, қисқа муддатда тўла кўчат олиш имкониятига эга бўлиш;
- энг прогрессив усул ҳисобланган уруғни пушта устига экишни жорий қилиш;
- уруғликнинг асосий қисмини уруғликка ихтисослашган хўжаликларда тайёрлаш ва уни замонавий омборларда сақлаш;
- картошка ишлаб чиқаришда оила пудрати асосида пул ва натура шаклида гарантияланган меҳнат ҳақини жорий этиш;
- товар маҳсулотларни эркин ва шартнома, яъни бозор иқтисодиётининг қиймат, талаб ва таклиф қонунлари талаблари асосида ташкил топган баҳоларда сотиш ва ҳ.к.

**«Картошкачиликнинг самарадорлигини ошириш  
имкониятлари» мавзуси бўйича**

***ТОПШИРИҚ***

**Топшириқнинг мазмуни**

1. Картошка экин майдонининг салмоғи ва ҳосилдорлиги аниқлансин.
2. Картошкачиликнинг асосий ва ёрдамчи маҳсулотлари ўртасида харажатларнинг тақсимланиши таркиби ва 1 ц асосий маҳсулотнинг таннархи аниқлансин.
3. Картошка ишлаб чиқаришда жами харажатларнинг моддалари бўйича таркиби аниқлансин.
4. Картошкачиликда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими аниқлансин.
5. Сотилган картошканинг тўлиқ таннархи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги аниқлансин.

*1-жадвал*

**Картошка экин майдонининг жами экин майдонларидага салмоғи ва  
ҳосилдорлиги**

Экин тури	Экин майдони		Ҳосилдорлик ц/га
	Гектар	Жамига нисбатан %	
Картошка			



						лари билан	
			сўм	жамига нисба- тан, %	сўм	жамига нисбатан, %	
Картошка							

4-жадвал

**Картошкачиликда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими**

Экин тури	Ялпи олинган хосил, ц:	1 Ц маҳсулот га сарфланг ан бевосита меҳнат харажатл ар и, к/соат	1 центнер маҳсулотга тўғри келган бевосита меҳнат харажатла ри, к/соат	1 к/соатига ишлаб чиқарилга н асосий маҳсулот, кг
Картошка				

5-жадвал

**Сотилган картошканинг тўлиқ таннархи, ўртача баҳоси ва Рентабеллиги**

Маҳсулот тури	1 центнернинг тўлиқ таннархи, сўм	1 центнерн инг ўртача сотиш баҳоси	1 центнерга фойда(+), зарар (-), сўм	Рентабелл ик (+ ) , зарарлик (-), (-)
Картошка				

## **26-БОБ.САБЗАВОТЧИЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Ишлаганинг менга,  
Ўрганганинг ўзингга!  
Ўзбек халқ мақоли*

### ***1.Сабзавотчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.***

Кўпчилик хўл сабзавотлар, биокимиёвий жиҳатидан таркибида сув кўп бўлган маҳсулотлар гуруҳига киради. Масалан, саримсоқ таркибида 64-65%, сабзида 85-86%, помидорда 93-94%, бодрингда 95-96% сув мавжуд. Шунингдек, бу сабзавотлар таркибида оксил кам бўлади. Мос равишда, саримсоқ таркибида 6-7%, сабзида 1,1-1,2%, помидорда 1,0-1,1%, бодрингда 1,0 % оксил моддалари мавжуд.

Бундан ташқари, уларда юқори даражада калория ҳам ҳосил бўлмайди. Масалан, 1 кг саримсоқдан 1325-1330 калория, сабзидан - 502, помидордан - 215, бодрингдан - 14 калория иссиқлик ажралади. Кўпчилик хўл сабзавотларда клетчатка ҳам кам ҳосил бўлади.

Шундай бўлишига қарамасдан, кўпчилик маҳсулотлар инсон организми учун ўта зарур бўлган биологик фаол моддалар, витаминлар, ферментлар, минерал тузларларга бойдир.

Баъзи сабзавотлар, айниқса, пиёз, саримсоқ, шивит, петрушка ва турп таркибида фитоцидлар ташкил топади. Уларни истеъмол қилиш одам организмини турли хил инфекциялардан тозалайди, юқумли касалликлардан ҳимоя қилади.

Кўпчилик сабзавотлар таркибидаги ҳар хил витаминлар, кислоталар, эфир мойлар, хушбўй моддалар иштаҳани очади, ёғ ва оксилли маҳсулотларни инсон организмида тўлароқ хазм бўлишига ёрдам беради. Витамин С кўпроқ сабзавотларни истеъмол қилиш организмни камқонлиликдан муҳофоза қилади, атеросклерозни сусайтиради.

Сабзавот маҳсулотлари қуруқ моддасининг асосий қисмини углеводлар - крахмал, сахароза, глюкоза, клетчатка ҳамда пектинли моддалар ташкил этади.

Сабзавотларнинг инсон саломатлигига бевосита таъсирини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига йил мобайнида қуйидаги ҳажмда сабзавотлар истеъмол қилиш тавсия этилган: Жами - 110-115 кг, шу жумладан, помидор - 25, бош пиёз - 18, сабзи - 18, карам - 20, лавлаги - 5, бодринг - 5, саримсоқ - 5, бошқа сабзавотлар - 14, кўкат сабзавотлар 5 кг.

Сабзавотларни ҳўл истеъмол этиш унинг самарадорлигини кескин оширади. Бирок, сабзавотлар таркибида кўп сув бўлиши ва эрувчан углеводларнинг борлиги учун уларни узоқ муддатларга сақланса, нобудгарчилик кўпаяди ва сифат белгалари пастлашади. Шунинг учун уларни узоқ жойларга ташишда кийинчилик туғилади, консервалаш зарурияти туғлади.

Ўзбекистон иссиқ иқлим шароитида консервалашнинг энг оддий ва самарали усули қуритишдир. Қуритилганда сабзавот таркибидаги сувнинг кўп қисми буғланади, сабзавот вазни 7-10 баравар камаяди, кам харажат килиб, узоқ сақлашга ва ташишига шароит яратилади.

Сабзавотларни консервалашда яна бир кенг амалга ошириладиган усул - ачитиш ва тузлашдир. Бу жараёнда сут кислотаси ва этил спирта ҳам ҳосил булади, натижада ачитилган сабзавотларнинг мазалилиги ва хушбўйлиги ортади.

Мариновка қилиш (сиркалаш) - 0,6-1,8%ли сирка кислотанинг консерваловчи таъсирига асосланган усулдир. Бодринг, помидор, лавлаги, пиёз, саримсоқ, карам каби сабзавот турларини мариновкалаш, уларни йил давомида истеъмол қилиш имкониятини туғдиради.

Сабзавотларни консерва заводларида турли хилларда қайта ишлаш, уларни қопқоғи герметик ёпиладиган идишларга жойлаш, 100-120 градус ҳароратда стериллаб консервалаш ҳам маҳсулотларни йил давомида истеъмол қилиш, узоқ жойларга ташишига, бинобарин, самарали фойдаланишга қулай шароит яратади.

Сабзавотларнинг поялари ҳамда уларни қайта ишлашда ташкил топган кўшимча маҳсулотлари чорвачиликда озуқа сифатида фойдаланилади.

Кўпчилик сабзавотлар нисбатан сермеҳнат ресурслар потенциалига, айниқса, қуёш нурига ва сувга талабчан экинлар таркибига киради. Бу тармоқни интенсив ривожлантириш мавжуд меҳнат, суғориладиган ер ва бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Кўпчилик экинлардан 2 марта ҳосил олиш имконияти тармоқнинг самарадорлигини кескин оширади.

Сабзавотларни ҳўл ҳамда қайта ишланган шаклда жаҳон бозорларида сотиш республиканинг валюта фондини кўпайишига ва унинг халқаро алоқаларини янада кенгайтиришга шароит яратади.

## ***2. Сабзавотчиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи***

Ер юзида, шу жумладан, Ўзбекистонда маданий экинлардан сабзи, шолғом, лавлаги 2 минг, пиёз ва бодринг 4 минг йилдан бери экилади. Сабзавотчиликнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиб, очик ва ёпик майдонларда ўстириш усуллари қўлланилади.

Сабзавот экинлари 14 та ботаник оилага мансуб, 80 га яқин турни ўз ичига олади, шундан XX асрдан бошлаб 40 га яқини Ўзбекистонда экилади. Улар морфологик ва биологик белгилари, ҳосилдорлиги, сотиш баҳолари бўйича кескин фарқ қилади. Шунинг учун сабзавотчиликнинг ривожланиш даражаси, айниқса, уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ўта мураккаб ҳисобланади.

Ўзбекистонда сабзавотчиликнинг ривожланиши ва истеъмоли айрим тарихий даврларда турли даражада бўлган (1-жадвал)

*1-жадвал*

### **Ўзбекистонда сабзавотчиликнинг айрим тарихий даврларида асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

<b>Йиллар</b>	<b>Экин майдони, минг.га</b>	<b>Ялпи сабзавот ҳосили, минг тонна</b>	<b>Гектардан ҳосилдорлик, ц</b>	<b>Аҳоли жон бошига</b>
1913	16.1	129.0	80.1	29.0
1940	25.3	315.2	125.0	47.0
1960	38.7	383.7	96.0	46.0
1990	140.2	2842.5	192.0	140.0
2000	130.4	2637.3	173.1	109.0
2004	139.7	277.9	199.9	

1960 йилда 1913 йилга нисбатан сабзавот ялпи ҳосили асосан, унинг майдонларини кенгайтириш ҳисобига эришилган. Ялпи ҳосил қарийб 3 марта кўпайган бўлса, мос равишда экин майдони 2,4 марта кенгайган, гектаридан ўртача ҳосилдорлик эса 20% га яқин ошган.

1990 йилда эса 1960 йилга нисбатан ялпи ҳосилнинг кўпайиши экин майдонларининг кенгайиши ва ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига эришилган. Сабзавот ялпи ҳосили 4 марта ошган, унинг майдони 3,6 марта кенгайган, гектаридан ўртача ҳосилдорлик эса, 2,0 марта ошган.

Аҳоли жон бошига сабзавотлар ишлаб чиқариш 1980 йилда 1913 йилга нисбатан 4,8 марта, 1960 йилга нисбатан эса, 3 марта кўпайган.

1990 йилда етиштирилган ялпи сабзавотнинг қарийб 23%и собиқ СССР умумдавлат фондига тоштирилган, давлат харид баҳоларида сотилган. Ялпи маҳсулотнинг қолган қисми республика аҳолиси томонидан истеъмол қилинган ҳамда келаси йилда уруғлик, сотиш ва бошқа мақсадлар учун

сақланган. Республиканинг мустақил ривожланиш даври - 2000 йилда 1990 йилга нисбатан сабзаотлар майдони 9,1%га қисқартирилган, гектаридан ҳосилдорлик 9,8%га пасайган, ялпи маҳсулот эса, 7,2%га камайган. Бундай ҳолат биринчидан, сабзаот экинлари майдонларини қисқартириш ҳисобига суғориладиган ғалла майдонларининг кенгайтирилишидан, иккинчидан, сабзаотчилик учун минерал ўғитларнинг кам миқдорда сотилишидан ва кўпчилик экинлар учун сифатли уруғларнинг етишмаслигидан ва учинчидан, товар маҳсулотларнинг бир қисмини жаҳон, айниқса, Россия Федерацияси бозорларида сотиш учун қийинчиликларнинг келиб чиқишидан ва бошқа субъектив сабаблардан юзага келган.

Мустақил ривожланиш йилларида ялпи сабзаотнинг тахминан 85-90%и республика аҳолиси томонидан истеъмол қилинади, ички бозорларда сотилади, уруғлик учун фойдаланилади. Унинг сифат белгилари паст қисми эса, чорвачиликда озука учун фойдаланилади ва ҳ.к. Сабзаотчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни сотишнинг юқори самарадорлигани ҳисобга олиб, уни истиқболда кўпайтириш имкониятларидан тўлароқ ва тезроқ фойдаланиш долзарб муаммоларидан биридир.

### ***3. Сабзаотчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Охириги йилларда сабзаотчилик тармоғи асосий маҳсулотларининг рентабеллик даражаси кўпчилик, айниқса, шаҳарлар атрофида жойлашган хўжаликларда, бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига мос равишда ўзгармоқда. Бу ютуққа, одатда, эркин ва шартнома баҳоларининг кўтарилиши ҳисобига эришилмоқда.

Аммо, кўпчилик ширкат ва фермер хўжаликларида 1 ц сабзаотнинг ўртача тўлиқ таннархи йилдан-йилга кўтарилмоқда. Бундай ҳолат асосан, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, зарарқунанда ва касалликка қарши кураш ҳамда уруғ харажатларининг кўпайиши ҳисобига содир бўлмоқда. Илғор хўжаликлар ва илмий-текшириш институтлари тажриба натижаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, юқори ва сифатли ҳосил олиш ва унинг таннархини пасайтириш учун қуйидаги реал имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга эътибор бериш лозим:

-кўпчилик сабзаотларнинг сувга талабчанлиги, унинг илдиз тизимининг тупроқда юза жойлашиши ва кам ривожланганини ҳисобга олиб, уни ўз вақтида ва белгиланган меъёردа суғоришни ташкил этиш, масалан, бош пиёзни 18-20 марта 500-600 м.куб ҳажмида; саримсоқни 7-10 марта 500-600 м.куб ҳажмида; помидорни 15-16 марта 600-700 м.куб ҳажмида;

бодрингни 12-14 марта 550-600 м.куб ҳажмида ва ҳ.к. қисқа муддатларда суғорилса ҳосилдорлик юқори ва сифатли бўлади;

-сабзавот экинларини табиий ва сунъий унумдорлиги юқори участкаларга жойлаштирилиши лозим, кучли шўрланган ерларда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади;

- сабзавот экинлари тупроқдан ҳосил билан бирга кўп миқдорда озуқа моддаларини олиб чиқишини ҳисобга олиб, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш даврида озуқа моддаларига бўлган талабнинг кескин тафовутини ҳисобга олиб ва ҳ.к. уларни озиклантириш илмий асосланган миқдорларда ва муддатларда амалга оширилиши зарур;

- сабзавотчиликда минерал ўғитлар билан маҳаллий ўғитлар (чириган гўнг, сидератлар) бирга қўлланилса, уларнинг самарадорлиги юқори бўлади;

- сабзавот экинларининг озикланишида молибден, марганец, бор, мис, рух, кобальт каби микроэлементлардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Улардан фойдаланиш экинлар ҳосилдорлигини 15-20%га оширади, сифатини яхшилайти, касалликларга чидамлилигини оширади.

Айрим сабзавотлар кўчат шаклида экилади. Уларни ўз вақтида тайёрлаш ва сифатини кўтариш мақсадида ёпиқ майдон сабзавотчилигини ташкил этиш зарур.

Сабзавот экинларини бошқа, уларга мос экинлар билан алмашлаб экишни амалга ошириш лозим, илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бедапоядан бўшаган ерлар, полизлар, шунингдек, дуккаклилар карам, пиёз учун энг самарали ўтмишдош ҳисобланади. Сабзавот экинлари кўпи билан 3-4 йилда оралатиб экилиши керак.

Сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш учун энг муҳим омил давлат стандарт (ГОСТ) реестридан ўтказилган сифатли, тоза, соғлом унувчанлиги юқори нав, элита, 1 класс уруғларини экиш мақсадга мувофиқдир.

Товар маҳсулотларини эркин ва шартнома, бозор иқтисодиётининг қиймат, талаб ва тақлиф қонунлари талаблари асосида ташкил топган баҳоларда сотиш ва ҳ.к.

*«Сабзавотчиликнинг самарадорлигини ошириш  
имкониятлари» мавзуси бўйича*

### **ТОПШИРИҚ**

#### **Топшириқ мазмуни**

1.Сабзавот экин майдонининг жами экин майдонларидаги салмоғи ва ҳосилдорлиги аниқлансин.



				нисба тан, %	-ри	тан, %
Очиқ турдаги						
Ёпиқ турдаги						

3-жадвал

**Сабзавот ишлаб чиқаришда жами харажатларнинг моддалари бўйича таркиби**

Экин тури	Жами харажат, сўм	Асосий маҳсулот миқдори, ц.	Шу жумладан,				1 ц асосий маҳсулотта, сўм	
			Меҳнат ҳақи ажратмалари билан		Моддий ва бошқа сарфлар		Меҳнат ҳақи ажратмалари билан	Моддий ва бошқа сарфлар
			миқдори	жамига нисбатан, %	миқдори	жамига нисбатан, %		
Очиқ турдаги								
Ёпиқ турдаги								

4-жадвал

**Сабзавотчиликда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғами**

Экин тури	Йиғиш-тирилган асосий маҳсулот, ц.	Асосий маҳсулотга сарфланган бевосита меҳнат харажатлари, к/соат	1центнер маҳсулотга тўғри келган бевосита меҳнат харажатлари, к/соат	1 к/соатда ишлаб чиқарилган асосий маҳсулот, к	1 к/соатга тўғри келган меҳнат хақи ажратмалари билан
Очиқ турдаги					
Ёпиқ турдаги					

5-жадвал

**Сотилган сабзавотнинг тўлиқ таннархи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги**

Маҳсулот тури	1 центнернинг тўлиқ таннархи, сўм	1 центнернинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	1 центнерга фойда(+), зарар (-), сўм	Рентабеллик ( + зарарлик(-)
Очиқ турдаги				
Ёпиқ турдаги				

## **27-БОБ. БОҒДОРЧИЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Богни боқсанг, бог бўлар,  
Ботмон - даҳсар ёғ бўлар  
Богимиз бог-тоғ бўлар  
Юрак-бағринг доғ бўлар.*

### ***1 .Богдорчилкнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти***

Боғдорчиликнинг мева ва резавор каби асосий маҳсулотлари таркибида инсон организми учун ўта фойдали бўлган шакар (глюкоза ва сахароза)лар, аминокислоталар, оксиллар, мойлар, минерал тузлар, витаминлар, ферментлар, коллоидлар, ошловчи моддалар, пексин ва бошқа хушбўй моддалар мавжуд. Уларни илмий асосланган меъёрларда (80-90 кг) йил давомида истеъмол қилиш юқори калорияли {гўшт, ёғ, нон ва бошқалар) маҳсулотларни ҳазм қилиш даражасини яхшилайтиди. Инсонларнинг саломатлигини мустаҳкамлайди ҳам умрини ўзайтиради. Боғдорчилик 75-80 турдаги маҳсулотлар беради, улар куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1.Уруғли мевалар (олма, нок, беҳи, дўлана ва бошқалар).
- 2.Данакли мевалар (ўрик, шафтоли, олхўри, гилос ва бошқалар).
3. Резавор мевалар (қулупнай, малина, смородина ва бошқалар).
4. Субтропик мевалар (анор, анжир, хурмо, чилонжийда, тутлар, зайтун ва бошқалар).

5. Цитрус мевалар (лимон, мандарин, апельсин, ва бошқалар).

6. Ёнғоқ, бодом, pista ва бошқалар.

7. Ҳар хил тропик мевалар (банан, ананас ва бошқалар), Турли хил боғдорчилик хўл маҳсулотларининг биокимёвий таркиби ва инсон организми учун фойдалилик даражаси кескин фарқ қилади. Масалан, ёнғоқ ва pistaдан бошқа меваларда оқсил ва мой жуда кам. Кўпчилик тўлиқ пишган меваларда шакарлар ва углеводлар ҳам турли даражада бўлади.

Турли хил маҳсулотларнинг инсон организмига фойдалилигида ҳам тафовутлар бор.

Мева-резаворларни хўл шаклида истеъмол қилиш энг юқори самара беради. Аммо уларни хосилдан-ҳосилгача сақлаш харажатларни кўпайтиради, уларни анчагина қисми бузилиб қолади ва сифат белгилари пасаяди.

Боғдорчилик маҳсулотларидан йил давомида фойдаланишни амалга ошириш мақсадида уларни қайта ишлаш зарурияти туғилади. Уларнинг анчагина қисми озиқ-овқат саноатида қайта ишланади. Консерва, повидло, жем, мураббо, мармелад, шарбат, мева сувлари ва компотлари, вино ва бошқа алкоғол ичимлик ва маҳсулотлар тайёрланади.

Шакарлилиқ даражаси юқори бўлган меваларнинг анчагина қисми куритилади.

Мева-резаворларни қайта ишлаш уларни узок муддатларда сақлаш, истеъмол қилиш ҳамда узок масофаларга ташиш харажатларини камайтиришга шароит яратади.

Дарахт барглари чорва озукаси ва органик ўғит, шохлари, ҳам поялари ёқилғи, курилиш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилади ҳамда уруғларидан мой, дориворлар ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

Боғдорчилик самарадорлиги яна шундаки, уларнинг кўпчилиги узок (15-20 дан 80-90 )йиллар давомида ҳосил беради. Илдизлари бақувват, чуқур жолашган, кургоқчиликка бирмунча чидамли, тупроқ унумдорлиги нисбатан паст, нотекис ерларда ҳам ривожланади.

Боғдорчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш сермеҳнат ва сердаромад ҳисобланади. Боғдорчиликни интенсив ривожлантириш меҳнат, ер, сув ва бошқа ресурслар потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва ҳ.к

## ***2. Боғдорчиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи***

Маданий боғдорчилик Ўзбекистонда тахминан милодгача V асрлардан ривожлана бошлаган. Аммо объектив ва субъектив сабабларга кўра, унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигидан узок йиллар барқарор фойдаланилмаган. I жаҳон ва гражданлар уруши йилларида боғдорчилик маҳсулотлари кескин камайиб кетди. Масалан, 1913 йилда 79,2 минг тонна, аҳоли жон бошига эса 1,8 кг мева ва резавор мевалар ишлаб чиқилган. 1924 йилда 1913 йилга нисбатан ялпи маҳсулот қарийб 25% га камайган. Фуқаролар урушидан кейин айниқса, суғориладиган ерларни кенгайтириш йилларида боғдорчиликни ривожлантириш бирмунча тезлаштирилди (1-жадвал)

1-жадвал

**Ўзбекистонда боғдорчиликнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

Йиллар	Ҳосилга кирган боғлар майдони, минг га.	Мева ва резаворлар ялпи ҳосили, минг тонна	1 гектаридан ҳосилдорлик, ц/га	Аҳоли жон бошига, кг
1940 йил	19,6	137,7	70,3	20,6
1960 йил	41,8	101,2	24,2	16,4
1990 йил	140,1	660,4	47,0	30,5
2000 йил	139,0	790,9	56,9	32,9
2004 йил	147	1024,9	68,7	

Ялпи мева ва резаворлар ҳосили 1960 йилда 1940 йилга нисбатан 26,5% га камайган, 1990 йилда 1960 йилга нисбатан эса 6,5 марта кўпайган. Унинг кўпайишига ёки камайишига боғлар майдони ва гектаридан олинган ҳосил ҳар хил даражада таъсир этган. Жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили кўрсатадики, 1990 йилда 1960 йилга нисбатан ялпи ҳосил ўсишининг 40% экин майдонининг кенгайтириши, 60% эса, гектаридан ҳосилдорликни ошиши ҳисобига эришилган. 2000 йилда 1990 йилга нисбатан ялпи маҳсулот қарийб 20%га кўпайган; ўсиш мутлак гектаридан ҳосилдорликни ошиши ҳисобига эришилган.

Қайд этиш лозимки, боғзорлар ҳосилдорлигига кўпинча об-ҳаво таъсир этади. 2000 йил об-ҳаво тармоқ учун бошқа йилларга нисбатан қулай келди.

Натижада 1999 йилга нисбатан гектаридан ҳосилдорлик 20,4 гектарга ёки қарийб 56%га ошди. 2000 йилда аҳоли жон бошига қарийб 33 кг мева-резавор мевалар ишлаб чиқарилган. Бу 1960 йилга нисбатан 2 марта кўпдир. 2000 йилда 8,4% маҳсулот умумиттифоқ фондига сотилган. Аҳоли жон бошига 23 кг мева-резавор мева истеъмол этилган, холос.

Истиқболда боғдорчилик маҳсулотларининг кўпайиши гектаридан ҳосилдорликни 2-3 марта ошириш ҳамда ўрик, нок, гилос, анжир, анор, хурмо, шотут ва бошқа республика шароитида сердаромад майдонларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

### ***3. Боғдорчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Боғдорчилик товар маҳсулотларининг рентабеллига кейинги йилларда бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ташкил топади. Бу кўрсаткичга, асосан, сатиш баҳоларининг нисбатан ошиши ҳисобига эришилган. Кўпчилик хўжаликларда йилдан-йилга 1 ц мева таннархининг кўтарилиши кузатилмоқда. Бу ҳолат, асосан, ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлига даражасининг пастлиги ҳамда зарарқунанада ва касалликларга қарши кураш харажатларининг кўпайиши билан боғлиқ.

Сифатлироқ ва сердаромад маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш мақсадида қуйидаги реал имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур:

- ҳосилдорлиги ҳамда товарлик хусусиятлари юқори мевалар майдонини кенгайтириш, етарли миқдорда кўчатлар тайёрлаш, уларни асосан, куз ойларида экиш;
- ҳосилдорликни ошириш учун агротехнологик жараёнларни ўз вақтида сифатли қилиб бажариш;
- ҳар икки - уч йилда гектарига 20-40 тонна чириган гўнг, ҳар йили 120-180. кг азот, 60-90 кг фосфор, 30-45 кг калий минерал ўғитларини солиш;
- ҳосилга кирган боғларни ўртача 4-5 марта 600-700 м<sup>3</sup> ҳисобида суғориш, ер ости суви 1,5-2,0 м чуқур жойлашган жойларда январь ойида. 2 марта яқин сувини бериш қулайроғи томчилаб суғоришни жорий этиш;
- касаллик ва зарарқунандаларга қарши курашни қисқа муддатларда ўтказиш;
- товар маҳсулотларни бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари асосида ташкил топган мавсумий баҳоларда сотиш, уларнинг нобуд бўлишни кескин камайтириш ва ҳ.к.

***«Боғдорчилик самарадорлигини ошириш имкониятлари»  
мавзуси бўйича***



				тан,%		тан, %	
Мевалар ва резаворлар							

3-жадвал

**Мевачилик ва резавор мевачиликда меҳнат унумдорлиги ҳамда  
маҳсулотнинг меҳнат сиғими**

Маҳсулот тури	Йиғишти- рилган асосий маҳсулот, ц	Асосий маҳсулотга сарфланган бевосита меҳнат харажатлари, к/соати	1центнер. маҳсулотга тўғри келган бевосита меҳнат харажатлари» к/соат	1 к/соатига ишлаб чиқарилган асосий маҳсулот, кг	1 к/соатига бевосита меҳнат ҳақи ажратма- лари билан
Мева ва резаворлар					

4-жадвал

**Сотилган мева ва резавор меваларнинг тўлиқ таннархи, ўртача баҳоси  
ва рентабеллиги**

Маҳсулот тури	1 центнернинг тўлиқ таннархи, сўм	1 центнер- нинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	1 центнерга фойда( + ), зарар (-), сўм	Рентабеллик ( + ) ,зарарлик(-)%
Мева ва резаворлар				

## **28- БОБ. ТОКЧИЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*«Дехқон экканини олади,  
боғбон - тикканини».*

**Халқ мақоли**

### **1. Токчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти**

Токчиликнинг асосий маҳсулоти турли хил (хўраки, кишмиш ва шаропбоп) узумлар таркибида инсон организми учун ўта фойдали шакар (асосан, глюкоза), органиккислоталар, тери ошловчи бўёқлар, фермеитлар, витаминлар, минерал тузлар ва бошқа хушбуй моддаларга бой.

Турли хил узумлардан илмий асосланган меъёрларда (80-90 кг) йил давомида истеъмол қилиш катта калорияли (гўшт, ёғ ва бошқа) маҳсулотларнинг ҳазм бўлиш даражасини яхшилайти, инсон саломатлигини мустаҳкамлайди, умрини ҳам узайтиради.

узум маҳсулотларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти хўраки, майизбоп ва шаропбоп навлари бўйича алоҳида-алоҳида таҳлил этилади ва баҳоланади.

Турли хил узум навларининг биокимёвий таркиби кескин фарқ қилади, Масалан, шакарлилик даражаси хўраки навларда 20-25 % гача, майизбопларда 30-35 %, винобопларда 15-18 %гача бўлади. Улар тўлик пишганда йиғиб олинса, шакарлилик даражаси янада ошади.

Хўраки узумларнинг асосий қисмини аҳоли ёз ва куз ойларида истеъмол қилади, бир қисмини махсус омборхоналарда сақлаб, келаси йил ҳосили пишганга қадар ҳам фойдаланади.

Кишмишбоп ҳамда қисман хўраки нав узум қуритилади, майиз ва кишмиш тайёрланади, йил давомида аҳоли томонидан истеъмол қилинади.

Шароббоп, қисман хўраки ва кишмиш навларини озиқ-овқат саноат тармоқлари қайта ишлаб чиқариш шароб шампан винолар, коньяклар, мураббо, шини, шарбат, компот, майонез ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Қайта ишланган узум маҳсулоти қолдиқларидан мой ишлаб чиқилади, чорвачилик омухта емларига қўшилади. Токларнинг барглари ва навлари чорвачиликда озуқа, шохлари ва поялари ёқилғи сифатида ишлатилади.

Токчиликнинг юқори халқ хўжалик аҳамиятидан яна бири шундаки, улар 50-60 йилларгача ҳосил беради. Илдизлари тупроққа чуқур жойлашади, қурғоқчиликка бирмунча чидамли, тупроқ унумдорлиги нисбатан паст, нотекис ерларда ҳам ҳосил беради ва ҳ.к.

Демак, токчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш сермеҳнат ва сердаромад ҳисобланади. Тармоқни интенсив ривожлантириш меҳнат, ер, сув ва бошқа ресурслар потенциалидан самарали фойдаланиш учун имкониятлар яратади.

## ***2. Токчиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи***

Маданий токчилик Ўзбекистонда тахминан 4-6 минг йилдан бери ривожлантирилади. Аммо, объектив ва субъектив сабабларга кўра унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигадан узоқ йиллар барқарор фойдаланилмаган.

Биринчи жаҳон ва фуқаролар уруши йилларида узумчилик маҳсулотлари кескин камайиб кетган. Масалан, 1913 йилларида Ўзбекистонда 138,1 минг тонна, аҳоли жон бошига эса, 32 кг яқин узум ишлаб чиқарилган. 1924 йилда унинг ҳажми 1913 йилга нисбатан 39,7 минг тоннага ёки 29 % га камайган.

Фуқаролар (гражданлар) урушидан сўнг, айниқса, суғориладиган ерларни кенгайтириш йилларида токчиликни ривожлантириш даражаси тезлаштирилади (1-жадвал).

*1-жадвал*

**Ўзбекистонда токчиликнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

Йиллар	Ҳосилга кирган токзорлар, минг га	узум ялпи ҳосили, минг тонна	1гектаридан ҳосилдорли к, ц/га	Аҳоли жон бошига, кг
1940	22,1	130,3	59,0	19,5
1960	24,2	194,8	80,0	23,2
1990	95,3	744,7	76,2	36,5
2000	98,9	624,2	63,1	26,0
2004	103,4	827,2	80	

Ялпи узум ҳосили 1960 йилда 1940 йилга нисбатан 49,5 % га, 1990 йилда эса, 1960 йилга нисбатан 3,8 марта кўпайган. Ўсишнинг асосий қисми ҳосилга кирган токзорларнинг кенгайиши ҳисобига бўлган. 1990 йилда аҳоли жон бошига 36.5 кг узум ишлаб чиқарилган, унинг 18% умумдавлат фондига сотилган, бинобарин, унинг аҳоли жон бошига истеъмол миқдори ҳам камайган.

2000 йилда 1990 йилга нисбатан ялпи ҳосилнинг 16%га камайиши гектаридан ҳосилдорликнинг 13,1 центнерга ёки 17%га пасайиши ҳисобига бўлган. 2000 йилда 1999 йилга нисбатан иқлим шароити қулай бўлган, оқибатда ҳосилдорлик гектаридан 29 центнерга ёки қарийб 83% га ошган. Аммо, кўпчилик корхоналарда агротехник ишларнинг бажариш муддатлари ва сифати талаб даражасида бажарилмаган. Сув ресурслари танқис ҳўжаликларда суғориш миқдори кескин камайиб кетган ва ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатган.

2000 йилда аҳоли жон бошига 26 кг узум ишлаб чиқарилган ёки 1990 йилга нисбатан қарийб 30%га камайган. Истиқболда узум ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳосилдорликни камида 2 марта ошириш ҳамда токзорларни янада кенгайтириш ҳисобига амалга оширилиши керак.

### ***3.Токчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Кўпчилик ихтисосланган ҳўжаликларда сотилган узумнинг рентабеллик даражаси 2000 йилда бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ташкил топган, Бу кўрсаткич асосан, кўтара ва чакана баҳоларнинг нисбатан ошиши ҳисобига эришилган. Ҳосилдорлига паст корхоналарда 1 ц узумнинг таннархи йилдан-йилга кўтарилиши

кузатилмоқда. Бундай ҳолат, асосан, тармоқда меҳнат унумдорлигининг пастлиги, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш харажатларининг кўпайиши билан боғлиқ ва ҳ.к.

Сифатлироқ ва сердаромад хўраки, кишмиш ва шароббоп узум навларини кўпроқ ишлаб чиқариш мақсадида куйидаги реал имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур:

1.Юқори ҳосилли, касалликларга чидамли хўраки навлардан: Даройи, Оқ халили, Оқ хусайни, Гўзал қора, Нимранг, Пушти тойифи; Майизбоп навлардан Қора кишмиш, Зарафшон кишмиши, Оқ кишмиш, Винобоп навлардан: Ркацители, Баяни Ширми, Кулжинский, Мускат ВИР ва бошқа ларни ривожлантириш.

2.Серҳосил ва касалланмаган навлардан кузда қаламчалар тайёрлаш ва интенсив ривожлантиришни ташкил этиш.

3.Токларни симбағазларда ва воиш шаклларида ўстириш.

4.Ҳосиллилик даражасини ҳисобга олиб, 4-6 марта, шағалли ерларда 8-10 марта, сизот сувлари юза ерларда 2-3 марта белгиланган муддатларда суғориш, самарали томчилаб суғориш усулидан фойдаланиш.

5.Тез ўсувчи ва кўп баргли токларни хомток қилиш.

6.Ҳосил берувчи новдаларни совуққа олдирмаслик учун ўз вақтида кўмиш ва очишни ташкил этиш.

7.Гиббериллиндан фойдаланиш.

8.Токзорларда кўп учрайдиган ондиум ва антрахоз касалликларига қарши, асосан, олтингугуртли препаратлардан кенг фойдаланиш.

9.Чириган гўнг ва белгиланган меъёрларда ҳамда муддатларда минерал ўғитлардан фойдаланиш.

10.Маҳсулотларни эркин ва шартномали мавсумий баҳоларда сотиш, уларнинг нобуд бўлишини кескин камайтириш ва ҳ.к.

### ***«Токчилик самарадорлигини ошириш имкониятлари»***

#### ***мавзуси бўйича***

#### ***ТОПШИРИҚ***

#### **Топшириқнинг мазмуни**

1.Токчиликда ҳосилдорлик ва 1 ц асосий маҳсулот таннархи аниқлансин.

2 узум ишлаб чиқариш харажатларининг моддалар бўйича таркиби аниқлансин.

3. узум ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими аниқлансин.

4. Сотилган узумнинг тўлиқ таннархи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги аниқлансин.

1-жадвал

**Токчиликда ҳосилдорлик ва 1 ц асосий маҳсулот таннархи**

Экин номи	Йил охи- ридаги токзорлар майдони, га	Шу жумладан, ҳосилга кирган токзорлар		1 гекта- ридан ҳосилдор- лик, ц/га	1 Ц маҳсулот- нинг  таннархи, сўм
		Гектар	жамига нисбатан, %		
Узум					
Шундан: хўраки ва кишмиш					

2-жадвал

**Узум ишлаб чиқариш харажатларининг моддалар бўйича таркиби**

Маҳс улот тури	Жа ми хара - жат, сўм	Олин ган маҳс улот миқ- дори, ц	Шу жумладан ҳосилга кирган токзорлар		1 ц, асосий маҳсулотга, сўм	
			Меҳнат ҳақи ажратмал ари билан	Моддий в бошқа сарфлар	Меҳнат ҳақи ажратма лари	Моддий ва бошқа сарфлар



**Узум ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими**

Маҳсулот тури	Олинган маҳсулот, Ц	Асосий маҳсулотга сарфланган бевосита меҳнат харажатлари, к/соат	1 центнер маҳсулотга тўғри келган бевосита меҳнат харажатлари, к/соат	1 к/соати -га ишлаб чиқарилган асосий маҳсулот, кг	1к/соат ига бевосита меҳнат ҳақи ажратмалари билан
Узум					

**Сотилган узумнинг тўлиқ таннархи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги**

Маҳсулот тури	1 центнернинг тўлиқ таннархи, сўм	1 центнернинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	1 центнерга фойда(+), зарар (-), сўм	Рентабеллик (+), зарарлик (-),%
Узум				

**29-БОБ. ОЗУҚАБОП ЭКИНЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Молга берсанг соз емиш,*

*боқар сени ёзу қиш.*  
*Сигирнинг сути оғзида.*  
**Халқ мақоллари**

## ***1. Чорвачилик озуқа ресурсларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти***

Барча турдаги чорвачилик тармоқларини интенсив ва экстенсив йўллар билан ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланиш, даставвал, озуқа ресурсларининг миқдори, сифати ва таркибига бевосита боғлиқ.

Чорвадор ва бошқа биолог олимлар, мутахассислар турли хил хонакилаштирилган ҳайвонларнинг физиологак, генетик ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни озиклашириш меъёрлари, кунлик рационлари, озуқаларга бўлган талабларини ишлаб чиқишган. Улардан фойдаланиш ҳайвонларнинг маҳсулдорлик патенциалидан, уларга сарфланаётган капитал қўйилмалар ва жорий харажатларнинг самарадорлигини ошириши учун қулай шароит яратади.

Чорва молларининг озуқа ресурсларига талаби уларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб, қуйидаги гуруҳларга бўлиб режалаштирилади:

1. Озуқабоп экинлар маҳсулотлари бўйича улар ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади:

- а) кўк ўтлар (яйлов, пичанзор, маданий озуқабоп экинлар ва бошқалар);
- б) дағал озуқалар (пичан, сомон, похол, поя ва бошқалар);
- в) ширали озуқалар (силос, сенаж, лавлаги, қовоқ ва бошқалар);
- г) тўйимли озуқалар (дон, кепак, кунжара, ўт уни, омухта ем ва бошқалар);
- д) ўсимликларни қайта ишловчи саноат қолдиқлари (жом, барда ва бошқалар);
- е) аҳоли истеъмол маҳсулотлари чиқиндиси (сабзавот, полиз, картошка пўчоқлари ва бошқалар);

2. Чорвачилик маҳсулотлари озуқалари. Улар ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади:

- а) сут ва сутни қайта ишлаш қолдиқлари (обрат, пахта, сиворотка ва бошқалар);
- б) қон, гўшт ва суюк уни;
- в) балиқ уни, ёғи ва бошқалар.

3. Саноат ишлаб чиқарадиган минерал озукалар. Улар ўз навбатида куйидаги турларга бўлинади:

а) макроэлементлар (калий, фосфор, кальций, олтингугурт, хлор, ва бошқалар);

б) микроэлементлар (темир, мис, йод бром ва бошқалар).

Ўзбекистон чорвачилигида фойдаланиладиган озуқа ресурсларининг тахминан 90 фоизи махсус экинларидан, яйлов ва пичанзорлардан, саноат тармоқларида қайта ишланган маҳсулотлар ва бошқаларидан олинади. Масалан, ем ишлаб чиқариш учун арпа, маккажўхори, сули, соя, жавдар ва бошқалар экилади, ширали озукалар учун: лавлаги, қовоқ, маккажўхори ва бошқалар, кўк ва дағал озукалар учун: бир йиллик, кўпйиллик, ўтлар ва бошқалар экилади. Улар озиқ-овқатга мўлжалланган донлардан, яйловлардан, пичанзорлардан олинади ва х.к. Барча турдаги озукалардан белгиланган меъёрда фойдаланиш уларнинг самарадорлигини оширади. Шу мақсадда омухта ем ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни қайд этиш лозимки, озукалар рационларидаги 15-20 ва ундан ортиқ органик ҳамда минерал моддаларнинг 40-70 фоизи, масалан, қорамоллар организмида хазм бўлмайди. Озуқаларнинг ўртача 5 фоизи молларни ўзларини сақлашга сарфланади ҳамда қолдиқлар (гўнг, сийдик)га айланади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, озукаларнинг хазм бўлиш, бинобарин, маҳсулотга айланиш даражасини кўтариш учун ҳайвонларни илмий асосланган меъёрда мунтазам озиқлантиришни амалга ошириш зарур. Сарфланадиган озукаларнинг таркибида хом протеин, лизин, шакар ва бошқа моддаларнинг белгиланган миқдорда бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, кўпчилик ҳайвонлар рационидagi озукаларнинг таркибида 105 грамм хазм бўлувчи протеин бўлиши тавсия этилади. Масалан, агар у 90 грамм бўлса, маҳсулот бирлигига сарфланган озукалар миқдори 25-28 фоизга кўпаяди, натижада гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар таннархини кўтарилишига олиб келади.

Озуқаларни меъёрдан кўп сарфлаш ҳам чорвачиликка салбий таъсир этади. Улар организмнинг бўшашишига, қарилик белгиларини тезлаштиришга олиб келади. Демак, чорвачилик тармоқларида барча турдаги озуқа ресурсларидан самарали фойдаланиш долзарб муаммолардан биридир.

## ***2. Озуқа ресурсларини кўпайтириш, унинг ҳозарги аҳволи ва истиқболи***

Чорвачилик учун ўсимликчилик озуқа ресурслари миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва таркибини такомиллаштириш, асосан, махсус экинлар майдонини кенгайтириш ва уларнинг ҳосилдорлиги ошириш, табиий яйлов ва пичанзорлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистонда узоқ йиллар давомида ўсимликчилик озуқа ресурслари табиий яйлов ва пичанзорлардан, озиқ-овқатга мўлжалланган ғалла экинлари кўшимча маҳсулотларидан ташкил топган. Махсус озуқабоп экинлар жуда кам майдонларга экилган. Масалан, 1913 йилда жами махсус озуқа экинлари 166,8 минг гектарни ташкил этган. Унинг ҳаммаси кўпйиллик бедалар бўлган. Бошқа махсус озуқа экинлари мутлақ экилмаган. Барча ғалла экинларининг, шу жумладан, озуқабоп арпа ҳамда макка дони ҳам асосан, аҳоли томонидан озиқ-овқат сифатида фойдаланилган.

Демак, 1913 йилда ўсимликчилик озуқа ресурслари, асосан, яйлов ва пичанзорлар ҳамда ғаллачилик ва бошқа маданий экинларнинг кўшимча маҳсулотларидан ташкил топган. Натижада купчилик чорва моллари ярим оч озиқлантирилган. Шартли мол бошига 13 ц озуқа бирлиги ёки унинг талабига нисбатан тахминан 50% озуқа ресурслари сарфланган, холос. Ўсимликчилик озуқаларини маданий экинларни экиш ва уларнинг ҳосилдорлиги ҳисобига ташкил топиш ҳолати 1-2 жадваллар маълумотлари асосида умумий шаклда аниқаниши мумкин.

### *1-жадвал*

#### **Ўзбекистонда махсус озуқа экинлари майдонининг ўзгариш динамикаси, минг гектар**

Экин турлари	1940 йил	1960 йил	1990 йил	2000 йил	2004 йил
Арпа ва сули	324,7	311,2	349,1	-	204,7
Маккажўхори	18,0	33,9	108,5	-	73,4
Махус озуқабоп экинлар	461,4	635,1	1039,7	429,0	548,1
Шу жумладан:					
- кўпйиллик ўтлар	448,0	326,0	708,1	220,6	248,6
- бирйиллик ўтлар	11,0	35,6	83,9	90,3	97,8
- силос ва кўк поя учун маккажўхори ва бошқалар	0,7	216,1	208,9	106,8	104,3
- илдизли ва полиз озуқалари	1,7	16,6	23,9	5,1	10,9

Ўзбекистонда махсус озуқа экинлари 1940 йилда 1913 йилга нисбатан 293,6 минг гектарга ёки 2,7 марта кенгайтирилган. Бу жараён, айниқса, янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш йиллари янада тезлаштирилди. Дон учун серхосил экин силос ва кўк поя учун маккажўхори майдони, 1990 йилда 1960 йилга нисбатан 3,2 марта кенгайтирилди. Мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистонда махсус озуқа экинлари майдони айниқса, кўпйиллик беда кескин қисқартирилди. Масалан, 2000 йили 1990 йилга нисбатан жами озуқабоп экинлар 610,7 минг га ёки қарийб 59,7% га қисқартирилди. Бу каби камчиликлар 2004 йилга келиб нисбатан ижобий силжишга олиб келди.

Республикада асосан, озуқа экинларининг ҳосилдорлиги ҳам пасайди (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистонда асосий озуқа экинларининг ҳосилдорлиги,  
ц/га**

Экин турлари	1990 йил	2000 йил
1. Кўпйиллик ўтлар, пичан учун	82,4	57,0
2. Бирйиллик ўтлар, беда учун	46,3	27,6
3. Силос ва кўк озуқа учун маккажўхори	189,0	128,0
4. Илдизмева ва полиз экинлари	304,0	214,0

2000 йилда 1990 йилга нисбатан пичан учун ўрилган кўпйиллик беданинг ҳосилдорлиги 18,7 ц/га ёки 40,4% га, силос ва кўк озуқа учун экилган маккажўхори ҳосилдорлиги 61 ц/га ёки 32,3% га, илдизмева ва полиз экинлари ҳосилдорлиги эса, 90 ц/га ёки 29% пасайган.

Демак, махсус озуқа экинлари майдони қисқартирилган ва уларнинг гектаридан олинадиган ҳосилдорликнинг пасайиши натижасида ўсимлик, чорва озуқалари ялпи ҳосили кескин камайган. Ўсимлик озуқа ресурслари қисман ғаллачиликдан олинган сомон, пахта чигитини қайта ишлашдан олинган кунжара, шелуха ва бошқа озуқалар билан тўлдирилган.

Аммо, шартли мол бошига сараланган озуқа бирлиги 2000 йилда 1990 йилга нисбатан 8,3 ц ёки 30% га камайган. Бу ўртача кўрсаткич меъёрга нисбатан икки марта камдир. Натижада кўпчилик турдаги ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ҳам пасайган. Бу ҳолат барча турдаги, айниқса, ширкат ва бошқа жамоа хўжаликларига тааллуқлидир.

**3. Озуқа ресурсларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг  
иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари**

Кўпчилик чорвачилик тармоқларида озуқа ресурсларидан фойдаланиш комплекси кўрсаткичлари уларнинг маҳсулдорлик потенциалига ҳамда бозор конунлари талабларига жавоб бермайди. Чунки одатда, чорва ҳайвонларининг озуқа бирлигига бўлган ўртача талаби меъёридаар бўйича таъминланмайди, зотдор ҳайвонларнинг маҳсулдорлик потенциалидан фойдаланиш коэффицентлари паст, ҳақиқий сарфланган озуқа бирлигига 2-3 марта кам сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар олинади ҳамда уларнинг таннархи ем-хашак харажатлари ҳисобига кўтарилади ва хоказо.

Чорвачиликда озуқа ресурсларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини барқарор таъминлаш учун қуйидаги омиллар ва реал имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур:

- барча турдаги зотдор чорва ҳайвонларини илмий асосланган рацион асосида мунтазам озиклантиришни амалга ошириш, бинобарин, уларнинг маҳсулдорлик потенциалидан фойдаланиш коэффицентини ўртача 2 марта кўтариш;

- озуқа ресурслари сифати ҳамда таркибини такомиллаштириш, уларнинг таннархини пасайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш;

- катта ҳажмли ва қисқа муддатларда сифат белгиларини пасайтирувчи озуқаларни чорва молларига яқин жойларда ишлаб чиқариш ва сақлаш, уларни ташиш ва тақсимлаш харажатларини камайтириш учун шароит яратиш;

- озуқа ресурсларини кўпайтириш, улар сифатини яхшилаш мақсадида соя, маккажўхори, кўпйиллик ва бир йиллик ўтлар майдонларини кенгайтириш ҳамда улар ҳосилдорлигини ошириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга эришиш;

- суғориладиган озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш, аввало, белгиланган микдорда минерал ва органик ўғитлардан фойдаланишни талаб этади;

- фермаолди алмашлаб экиш тизимини қатъий жорий қилиш;

- хўжалик томонидан охириги йилларда фойдаланилган табиий яйлов ҳамда пичанзорларнинг ҳосилдорлигики 40-50 фоизга ошириш чоратадбирларини амалга ошириш лозим. Бу мақсадга эришиш учун майдонлардан фойдаланишда яйлов алмашинувини ташкил этиш, кўшимча яйлов ва пичанзорлар ўсимликлари уруғларини экиш, табиий намни сақлаш усулларида фойдаланиш зарур. Табиий яйлов ва пичанзорлар ҳосилдорлигини ошириш арзон озуқалардан фойдаланишга шароит яратади;

- хлорли ва бошқа сув ўтларидан, уларнинг суспензиясидан фойдаланишни ташкил этиш;

-барча турдаги озуқалар сифатини сақлаш ҳамда нобуд бўлишини камайтириш учун уларни сақлаш ва қайта ишлашда прогрессив усуллардан кенг фойдаланиш;

- омухта-ем ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш;

- озуқаларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш жараёнларини механизациялаштиришни кучайтириш, бинобарин ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, уларга гарантияланган ҳақ тўлашни амалга ошириш ва ҳ.к.

**«Озуқабон экинлар самарадорлигини ошириш имкониятлари» мавзуси  
бўйича**

**ТОПШИРИҚ**

**Топшириқнинг мазмуни**

1. Ҳар бир гектар озуқа экинидан чиқадиган озуқа бирлиги ва ҳазм бўлувчи протеин миқдори аниқлансин.

2. Озуқа бирлиги ва протеин таннархи ҳамда сулига нисбатан баҳолансин.

**Топшириқ шарти**

Озуқа экинлари иқтисодий самарадорлигини таққослама баҳолаш учун комплекс кўрсаткичлардан фойдаланилади: 1 га.дан чиқадиган озуқа бирлиги ва ҳазм бўлувчи протейин, 1 киши/соатига тўғри келадиган озуқа ва протейин; бирлиги, алоҳида озуқаларнинг сулига нисбатан таққослама баҳолари индекси.

Озуқа майдонининг 1 га.идан чиқадиган озуқа бирлиги ва ҳазм бўлувчи протейин асосий ва қўшимча маҳсулотлар ҳосилдорлигини центнер ҳисобидаги озуқа бирлиги ва ўзлаштириладиган протейин миқдорига кўпайтирилиб аниқланади. Алоҳида озуқа турлари бўйича озуқа ва протейин бирлигининг таннархи харажатларни озуқа ва протейин бирлигига айлантирилган 1 га. дан олинган ҳосилдорликка бўлиб аниқланади. Алоҳида озуқаларнинг сулига нисбатан таққослама баҳолари индекси алоҳида экинларнинг озуқа ва протейин бирлигидаги ҳосилдорлигини, худди шу бирликдаги сулининг ҳосилдорлигига бўлиб аниқланади.

*1-жадвал*

**Озуқа экинларини иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш учун  
бирламчи маълумотлар**

Озуқа	Ўртач	1	кг.	озуқада	1	гектарга
-------	-------	---	-----	---------	---	----------

турлари	а ҳосилдорлик, ц/га.		мужассамлашган				сарфланган харажатлар, сўм	
			Озуқа бирлиги		Ўзлаштири- ладиган протейин, гр			
	асо- сий	Қўши- мча	асо- сий	Қўши- мча	асосий	Қў- шим- ча	жами	ш.ж. асосий махсу- лотга
Кузги ва баҳорги арпа	30,0	30,0	1,10	0,33	0,81	0,013		
Дон учун макка	56,7	254	1,34	0,31	0,078	0,014		
Сули	30,0	30,0	1,0	0,31	0,085	0,017		
Силос учун макка	300,0	-	0,16	-	0,014			
Озуқали илдизмевалар	300,0	50,0	0,12	0,10	0,009	0,018		
Илдиз мевали озуқа	261,1	50,0	0,26	0,016	0,01)2	0,009		
Полиз озуқалари	200,0	100,0	0,19	0,7	0,007	0,01 (1		
Жорий йилдаги ўтлар: а)пичанга б)ширали озуқага	50.0 150.0	-	0,49 0,27	-	0,116 0,036	-		
Кўпйиллик ўтлар: а) пичанга б)ширали озуқага	120.0 350.0		0.49 0,22		0,116 0,036	„		

**2-жадвал**

**Озуқа бирлиги ва протейин таннархи ҳамда сулига нисбатан  
баҳолаш**

Экинлар	1 гектар га жами қилинган харажатлар,	1ц озуқа бирлигининг таннархи,	1кг ўзлаштирила- диган протейиннинг таннархи, сўм	Таннарх сулига нисбатан, %	
				1 ц озуқа	1 кг

	минг сўм	сўм		бирлиги	протеин
Кузги ва баҳорги арпа					
Дон учун макка					
Сули					
Силос учун макка					
Илдизмевали озуқа					
Қанд лавлаги					
Полиз озуқалари					
Бир йиллик ўтлар:					
а)пичанга					
б)ширали озуқага					
Кўп йиллик ўтлар; а)пичанга б)ширали озуқага					

### Саволлар

- 1.Ўсимликчиликнинг аҳамияти, асосий тармоқлари қайсилар?
- 2.Ғаллачиликнинг аҳамияти, ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?
- 3.Пахтачиликнинг аҳамияти, ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?
- 4.Картошқачиликнинг аҳамияти, ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?
- 5.Сабзавотчиликнинг аҳамияти, ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?
- 6.Боғдорчиликнинг аҳамияти, ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?
- 7.Токчиликнинг аҳамияти, ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?
- 8.Озуқа экинларининг аҳамияти, ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?
- 9.Ўсимликчилик рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар қайсилар?

## **30 БОБ. ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УМУМИЙ МУАММОЛАРИ**

### ***1. Чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти***

Чорва ҳайвонлари барча турдаги озуқа ресурсларини инсонлар истеъмоли учун қарийб тайёр ва саноат учун натурал хом ашё маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Натижада, асосан, ўсимлик ва бошқа озуқа ресурслари нобуд бўлмаслигига бевосита шароит яратади, халқ хўжалиги тармоқлари шу жумладан, қишлоқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширади.

Чорвачиликдан аҳоли истеъмоли учун сут, гўшт, ёғ, тухум ва бошқа маҳсулотлар олинади. Илмий асосланган меъёр бўйича жон бошига истеъмол қилинадиган барча маҳсулотлар оксилнинг 60%, уларнинг калорияга айлантирилгани эса, 30%ни ташкил этиши зарур.

Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқларининг хом ашё базасининг анчагина қисми ҳам чорвачилик маҳсулотлари ҳисобига ташкил топади. Улар қайта ишлашдан жун ва ипакли газламалар, чарм, турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинади.

Чорвачиликнинг қўшимча маҳсулотлари (гўнг ва бошқалар) ўсимликчилик тармоқларида органик ўғит шаклида ва бошқа маҳсулотлар учун ишлатилади, ернинг унумдорлигини, бинобарин, экинлар ҳосилдорлигини оширади, Демак, ўсимликчилик ва чорвачилик тармоғининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни қўшиб олиб бориш барча ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини маълум даражада барқарорлаштиради.

Чорва маҳсулотларини қайта ишлашда ҳосил бўладиган қўшимча ва қолдиқлар ҳам озуқа сифатида ишлатилади.

Кўрсатиш лозимки, чорва маҳсулотлари оқсили ўсимлик маҳсулотлари оқсалига нисбатан жуда қиммат туради. Чунки, 1 кг сут оқсалига 3-5 кг озуқа бирлиги, мос равишда тухум оқсалига 4-6, мол гўшти оқсалига эса 15-20 кг озуқа бирлиги сарфланади.

Чорва оқсилларининг қимматлиги ва уни ишлаб чиқариш ҳажмининг камлиги туфайли жаҳон халқларининг тахминан 50% и илмий асосланган меъёрга нисбатан кам чорва оқсили истеъмол қиладилар.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда яшовчи тахминан 20% жаҳон аҳолиси 1 кунда 100 гр.дан кўпроқ иқтисодиёти кучсиз мамлакатларнинг халқлари эса, 10-25 гр чорва оқсили истеъмол қиладилар.

Чорва маҳсулотлари истеъмол қилиш даражаси фақатгина аҳолининг турмуш даражаси билан эмас, балки урф-одатлари билан ҳам боғлиқ. Масалан, Ҳиндистон аҳолисининг кўпчилиги гўшт маҳсулотларини истеъмол қилмайди.

Ўзбекистонда яшовчи аҳоли турмуш даражасининг ўсиши билан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ошади уларни кўпайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш тармоқнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини янада оширишга шароит яратади.

Айрим чорвачилик тармоқларининг самарадорлик кўрсаткичлари ўзига хос хусусиятларга эга, уларни ҳисоблаш, таҳлил этиш ва баҳолашда ҳам тафовутлар мажуд. Бинобарин, ҳар бир тармоқнинг самарадорлиги ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий кўрсаткичларни алоҳида-алоҳида ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

Чорва ҳайвонлари иқтисодиёти қуйидаги гуруҳлари ва турлар бўйича ўрганилади:

1. Қорамолчилик - гўшт ва сут йўналиши бўйича.
2. Қўйчилик - гўшт, жун, тери йўналиши бўйича.
3. Эчкичилик - жун ва тивит, сут йўналиши бўйича.
4. Чўчқачилик - бекон, ярим ёғ, ёғлик гўшт йўналиши бўйича.
5. Паррандачилик - тухум ва гўшт, бройлер йўналиши бўйича.
6. Йилқичилик - гўшт ва сут, иш ҳайвонлари ҳамда спорт йўналиши бўйича.
7. Туячилик - гўшт, жун ва сут йўналиши бўйича.
8. Пиллачилик бўйича.
9. Асаларичилик бўйича.
10. Қуёнчилик бўйича.
11. Ҳовуз балиқчилиги бўйича.
12. Мўйначилик бўйича ва бошқалар.

Ҳар бир чорва ҳайвоннинг жами бош сони ва таркиби, маҳсулдорлиги, зотлари, озиклантирилиши, сақланиши, маҳсулотлари таннархи, сотиш баҳолари, рентабеллиги ва бошқа кўрсаткичлари ўрганилади, таҳлил этилади ва баҳоланади.

Бундан ташқари, айрим ҳайвонларни шартли молга (аниқроғи сигирга) айлантирилиб, айрим ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам ўрганилади ва ҳ.к.

## **2. Чорвачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи**

Ўзбекистонда кўп йўналишдаги чорвачилик тармоқлари ривожлантирилади. Уларнинг асосий маҳсулотлари айрим тарихий даврларда қуйидаги миқдорда ишлаб чиқарилган:

*1-жадвал*

### **Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган асосий чорва маҳсулотлари**

№	Маҳсулот турлари	Йиллар				Ахол и жон боши га,кг			
		1913	1990	2000	2004	1913	1990	2000	2004
1.	Барча турдаги ялпи гўшт (сўйилган вазнда), тонна	93,6	484,4	501,8	6266	21,0	23,6	20,4	24,1
	Сут, минг тонна	236,8	3034,2	3632,5	3058	54,0	148,0	148,0	1,0
3.	Тухум, минг дона.	91,3	2452,9	1254,4	1664	21,0	120,0	51,0	1,3
4.	Жун, минг тонна	5,9	25,8	15,8		0,35	1,27	0,64"	
Ў.	Пилла, минг тонна	4,0	32,8	22,0		1,09	1,6	0,89	
6.	Қоракўл тери, минг дона	-	1401,6	747,6		-	0,7	0,3	

1990 йилда 1913 йилга нисбатан барча турдаги ялни гўштлар (сўйилган вазнда) 5,2 марта, сут - 33,2 марта, тухум -26,9 марта, жун - 4,4 марта, пилла - 8,2 марта кўпайган. Кўпчилик маҳсулотлар аҳоли сонига нисбатан тезроқ, ошган. Натижада аҳоли жон бошига маҳсулотлар миқдори ҳам ҳар хил даражада кўпайган. Масалан, гўшт - 12% га, сут - 174% га, тухум - 5,7 марта кўпайган.

2000 йилда 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш қарийб 14 % га, тухум - 51,5% га, жун - 2 марта, қорақўл тери - 2,3 марта, пилла- 55% га камайган.

Демак, асосий чорва ялпи маҳсулотларининг ўсишида барқарорлик таъминланмаган. Бундай ҳолатни чорва моллари сони ва уларнинг маҳсулдорлигидаги ўзгаришларни умумий таҳлил қилиш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин.

Қуйидаги жадвалда асосий чорва моллари сонидagi ўзгаришлар келтирилган.

*2-жадвал*

**Ўзбекистонда асосий чорва молларининг даврлар бўйича динамикаси  
(йил бошига, минг бош)**

Чорва турлари	1915й	1990й	2000й	2004 й.
1.Қорамол	1364,0	4180,2	5334,4	5753,1
ш.ж. сизир	489,0	1644,7	2344,6	2359
2.Қўй ва эчки	4259,0	8785,6	8933,1	10835,3
3.Чўчка	4,0	742,9	84,0	128,9
4.Парранда	365	37339,6	14419,2	17421,0
5.От	490	97,4	146,1	151,3
6.Маҳсулдор шартли айланттирилганда хайвонлар қорамолга	1475,0	4080,0	4405,0	4897,7

1990 йилда 1915 йилга нисбатан қорамоллар сони қарийб 3 марта, қўй ва эчкилар - 2 мартадан ортиқроқ, чўчкалар - қарийб 185 марта, паррандалар - 102 марта кўпайган, отлар эса, 20 марта камайган. Асосий маҳсулдор хайвонларни шартли қорамолга (йирик коэффициентлар билан ҳисобланганда) айланттирилган сони қарийб 2,8 марта кўпайган.

2000 йилда 1990 йилга нисбатан қорамоллар сони 27,6 фоизга, қўй ва эчкилар қарийб 1,7 фоизга, отлар - 50 фоизга кўпайган, чўчкалар сони эса, 8,8

марта, паррандалар 2,6 марта камайган. Асосий маҳсулдор ҳайвонларни шартли қорамолга айлантирилган сони қарийб 8 фоизга кўпайган.

Чорва молларининг айрим турларини маълум даражадаги камайиши ёки уларни ўсиш суръатини нисбатан пастлиги, чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмолдаги айрим таркибий ўзгаришлар бўлса, бу камчиликлар 2004 йилга келиб бирмунча мувофиқлаштиришга эришилди.

Айрим турлар - чўққачилик, паррандачиликдаги бу номутаносибликка барҳам беришда маълум даражадаги натижага эришилди.

Чорва молларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар мавжуд. Масалан, 1990 йилда 1915 йилга нисбатан ҳар бир бош сигирдан соғилган сут 3,9 марта, товукдан олинган тухум -3 марта, қўйдан қирқилган жун қарийб 3 марта, сўйилган ҳайвонларнинг вазни ҳам сезиларли даражада ошган.

2000 йилда 1990 йилга нисбатан айрим ҳайвонларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари биров пасайган. Масалан, ҳар бир бош сигирдан соғилган сут 14 фоизга, ҳар бир товукдан олинган тухум - 7 фоизга сўйилган қорамолларнинг вазни қарийб 9 фоизга камайган. Маҳсулдорлик кўрсаткичларининг пасайиши, даставвал, ҳайвонларни озиклантириш даражасининг пастлиги ва бошқа реал имкониятлардан фойдаланиш билан боғлиқ .

Истиқболда чорва маҳсулотларини кўпайтириш асосан, маҳсулдорликни ошириш ҳисооига эришилиши мақсадга мувофиқдир.

### ***3. Чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Республикада ўзоқ йиллардан бери айрим чорва маҳсулотларини, шу жумладан, мол ва парранда гўштларини, жун, пилла ишлаб чиқариш ва сотишдан кўпчилик корхоналар зарар кўрмоқдалар. Бошқа маҳсулотларнинг рентабеллик даражаси ҳам бозор иқтисодиёти қонунлари талабларга тўла жавоб бермайди.

Барча турдаги чорвачилик маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун қуйидаги омил ва имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш зарур:

1.Чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ошириш. Бу ўта долзарб вазифани бажариш учун уларни турли хил озуқаларга бўлган талабларини илмий асосланган рационлар бўйича мунтазам қондириш. Натижада зотдор ҳайвонларнинг маҳсулдорлик потенциали ҳамда сарфланган озуқалар самарадорлигини ошириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, кўпроқ,

сифатлироқ ҳамда арзонроқ маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш имконияти яратилади.

2.Чорва ҳайвонларнинг зотдорлик белгиларини сақлаш ва янада мустаҳкамлаш мақсадида селекция, наслчилик ишларини юқори даражада ташкил этиш, жумладан, сунъий урчитиш, гетерозис устунликларидан тўлароқ фойдаланиш.

3.Қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер, деҳқон хўжаликларини юқори маҳсулдор зотли чорва моллари билан мунтазам таъминлаш мақсадида юқори масъулиятли наслчилик завод ва наслчилик хўжаликларини барпо қилиш, уларни имтиёзли шароитлардан фойдаланишга имкон яратиш.

4.Чорвадорларнинг меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ҳақини барқарор ошириш учун технологик жараёнларни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш усулларидан фойдаланиш; даставвал, озуқаларни тақсимлаш, сигирларни соғиш, қўй ва эчкилар жунини қирқиш, суғориш, биноларни чорва қолдиқларидан тозалаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ ва бошқа ишларни прогрессив воситалар ёрдамида бажариш.

5.Ҳайвонларни сақлашнинг прогрессив усулларидан, шу жумладан, боғламасдан сақлаш, махсус қўралардан фойдаланиш.

6.Асосий воситалардан, айниқса, чорва бинолари ва иншоотлари кувватидан оқилона фойдаланиш.

7.Прогрессив зооветеринария хизматларидан фойдаланиш ва ҳ.к

***«Чорвачилик тармоқлари самарадорлигини оширишнинг  
умумий муаммолари» мавзуси бўйича  
ТОПШИРИҚ***

**Топшириқнинг мазмуни**

1. Ҳайвонларнинг шартли бош таркиби аниқлансин.
2. Ҳайвон турлари бўйича шартли бошга йиллик ем-хашак сарфи аниқлансин.
3. Чорвачилик маҳсулотларини сотишдан олинган пул тушуми таркиби аниқлансин.

*1-жадвал*

**Ҳайвонларнинг шартли бош сони**

Ҳайвон турлари	Йил охиридаги сони	Ҳайвонларни шартли бошга айлантириладиган йириклаш-тирилган	Шартли бош сони	Жамига нисбатан, % да
Йирик шохли қорамоллар		0,8		
Қўй ва эчкилар		0,1		
Паррандалар		0,03		
Чўчқалар		0,5		
Отлар		1,08		
Жами:				100

2-жадвал

### Шартли хайвон ва паррандаларга сарфланган йиллик озуқа бирлиги

Ҳайвон турлари	Шартли бош сони	Жами озуқа бирлиги, ц	Шу жумладан, бир шартли бошга,ц
Й.Ш.К.			
Қўй ва эчкилар			
Паррандалар			
Чўчқалар			
Отлар			

3-жадвал

### Маҳсулот сотишдан олинган пул тушумининг таркиби

Тармоқлар	Маҳсулот сотишдан келган пул тушуми, минг сўм	Жамига нисбатан, % да
Қорамолчилик		
Қўйчилик ва эчкичилик		
Паррандачилик		
Чўчқачилик		
Ипакчилик		
Чорвачиликнинг бошқа турлари		
Чорвачилик бўйича жами:		

## **31-БОБ. ҚОРАМОЛЧИЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Агар бўлса оқлигинг,  
Билинмайди йўқлигинг.*

### ***1 .Қорамолчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти***

Қорамолчиликни ривожлантириш тўйимли озуқаларга нисбатан анчагина арзон ўсимлик озуқа (кўк ўт, дағал, ширали ва бошқалар) ресурсларидан фойдаланиб, сут ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имконият яратади.

Бу тармоқнинг самарадорлиги, даставвал, сигирларнинг бошқа она ҳайвонларга нисбатан бир неча баробар кўп сут бериши билан таъминланади. Ўзбекистонда ҳозир ривожлантирилаётган қора-ола, қизил чўл, швиц, каби асосан, зотдор сигирлардан бир йилда 3500-5000 кг сут ва оғирлиги 30 кг бир бош бузоқ олиш потенциал имконияти мавжуд. Лактапия даврида ҳар бир сигирдан соғиб олинган ялпи сутнинг 5-6 фоизи бузоғига сарфланса, қолган қисми 12-15 кишини илмий асосланган меъёردа сут ва қайта ишланган сут маҳсулот (ёғ, пишлоқ, қаймоқ, қатиқ ва бошқалари билан таъмин этишга имконият яратади. Олинган бузоқлар интенсив озуклантирилса, унинг тирик вазни бир йилда 180-200 кг га етади ва 5-6 кишини илмий асосланган меъёردа мол гўшти ва ундан қайта ишланган маҳсулот (колбаса ва бошқа)лар билан таъминлашга имконият яратади.

Охирги йилларда Ўзбекистоннинг сут баланси активида сигир сути 90% дан ортиқ, гўшт балансида эса, 70% дан ортиқроғи мол гўштидир. Бу маҳсулотларни барча ёшдаги одамлар истеъмол килади, уларни жисмоний бақувват килади ва умрини ўзайтиради.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, 1 кг сут оксилага қорамол гўшти оксилага нисбатан 5-6 марта кам озуқа бирлиги сарфланади., Қорамол подасида сигирлар ҳиссасининг кўпайиши тармоқнинг самарадорлигини бевосита оширади.

Қорамол терисидан сифатли чарм тайёрланади, оёқ ва бошқа кийимлар ишлаб чиқарилади.

Қорамоллар қолдиғи - гўнгдан фойдаланиш тупроқнинг унумдорлигини, бинобарин, ўсимликлар ҳосилдорлигини оширади.

Демак, қорамолчиликни интенсив ривожлантириш мавжуд меҳнат, ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишга имкониятлар яратади ва хоказо. Улардан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш асосий вазифадир.

## **2. Қорамолчиликнинг интенсив ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи**

Ўзбекистонда узоқ йиллар маҳсулдорлиги паст, иссиқ иқлимшароитига мослашган, касалликларга чидамли қорамолчилик ривожлантирилган. Тармоқнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида хорижий мамлакатлардан зотдор ва метис қорамоллар сотиб олинган. Республика олимлари ва мутахассислари ҳам уларни иқлим шароитига мослаштириш ишларини амалга оширдилар ва хоказо.

Ўзбекистонда қорамолларнинг сонини ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, бинобарин, сут ва гўшт маҳсулотларини кўпайтиришга эришилди.

*1-жадвал*

### **Қорамоллар ва сигирлар бош сонининг даврлар бўйича ўзгариши динамикаси**

Йиллар	Жами қорамоллар	Шу жумладан, сигирлар	Жами қорамол бошига нисбатан, %
1940	1693,1	629,7	37,2
1960	2273,9	931,0	40,9
1990	4580,9	1856,4	40,5
2000	5334,4	2344,6	43,9
2004	5753,1	2359	41,1

Таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда фуқаролар (гражданлар) уруши йилларида қорамолларнинг бош сони кескин камайган. 1924 йили 1915 йилга нисбатан уларнинг бош сони 538 мингга ёки 39% га камайган. Бундай ҳолат II Жаҳон Уруши йилларига ҳам хос. 1945 йилда 1940 йилга нисбатан 445 минг бошга ёки 24% га камайган. 2000 йилда 1960 йилга нисбатан мос равишда 135 минг бошга ва 16 % га кўпайган. Шу йилларда сигирлар бош сони тезроқ кўпайган. Уларнинг жами қорамолларга нисбатан ҳиссаси ҳам ошган.

Мос равишда 1960 йилда 40,9 %, 1990 йилда-40,5, 2000йилда эса, 43,9% ни ташкил этган.

Сигирлардан сут соғиб олиш, сўйилган молларнинг вазни ва бошқа маҳсулдорлик кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар бўлган. Масалан, 1990 йили

1960 йилга нисбатан бир бош сигирдан соғиб олинган сут қарийб 2 марта ошган. 2000 йилда 1990 йилга нисбатан эса, мос равишда қарийб 13% га камайган. Сўйилган қорамолнинг тирик вазни ҳам 2000 йилда 1990 йилга нисбатан 12%га камайган. Маҳсулдорликнинг пасайиши ялпи сут ва гўшт маҳсулотларининг ҳажмига салбий таъсир этган

### **3.Қорамолчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари**

Узоқ, йиллар давомида кўпчилик хўжаликларда мол гўшти ишлаб чиқариш ва сотишдан зарар кўрдилар, сут таннархига киритилган харажатларнинг рентабеллик даражаси ҳам тармоқда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни тезлаштиришга шароит яратилмади.

Кўпроқ, сифатлироқ ва арзонроқ қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сотиш учун қуйидаги омиллар ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш зарур:

1.Сигирлардан олинадиган сут ва бузоқ миқдорини кўпайтириш лозим. Кўп хўжаликларда маҳсулдорликнинг бу кўрсаткичлари уларда ривожланаётган зотдор сигирларнинг потенциал имкониятига нисбатан 2-3 марта паст бўлмоқда. Натижада уларни озиклантириш харажатлари самарадорлители 3-4 марта пасаймоқда.

2.Гўшт йўналишдага қорамолларни сўқимга боқишга кунлик ўсиши, ўртача тирик ва сўйилган вазни ҳамда бошқа маҳсулдорлик курсаткичлари ҳам ривожлантирилаётган зотларнинг потенциал имкониятидан 30-35%га паст бўлмоқда. Натижада уларни озиклантириш ва сақлаш муддатлари чўзилиб кетади, барча харажатлар самарадорлиги ҳам пасаяди.

3.Ривожланаётган иқлим шароитига мослашган қорамолларнинг зотдорлик белгиларини мустаҳкамлаш мақсадида селекция ва наслчилик ишлари сифатини кўтариш, шу жумладан, сунъий уруғлантиришни амалга ошириш.

4.Чорвадорларнинг меҳнат унумдорлиги ва қилинган меҳнат манфаатдорлигини ошириш омилларидан ҳамда имкониятларидан оқилона фойдаланиш.

5.Асосий воситалардан, шу жумладан, махсус чорва бинолари ва иншоотлар қувватидан йил давомида тўлароқ фойдаланиш.

6.Прогрессив зооветеринария хизматларидан фойдаланиш.

***«Қорамолчиликнинг самарадорлигини ошириш  
имкониятлари» мавзуси бўйича***

## **ТОПШИРИҚ**

### **Топшириқнинг мазмуни**

1. Қорамол жами бош сонига нисбатан унинг таркиби аниқлансин.
2. Алоҳида гуруҳдаги йирик шохли қорамолларнинг ўртача тирик вазни ва қиймати, сотиб олинган бир бош молнинг қиймати аниқлансин.
3. Қорамолчиликнинг асосий маҳсулотларини сотишдан келган пул тушуми таркиби аниқлансин.
4. Гўшт ва сут йўналишига ихтисослашган қорамолчиликнинг ёрдамчи ва қўшимча маҳсулотлари ўртасида жами харажатларнинг тақсимланиши таркиби аниқлансин.
5. Гўшт ва сут йўналишига ихтисослашган қорамолчиликда жами харажатларнинг моддалар бўйича тақсимланиши ўрганилсин.
6. Қорамолчиликда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими аниқлансин.
7. Бир бош сигирга ва таркибий бошга тўғри келган қорамолчилик маҳсулоти аниқлансин.
8. Қорамолчилик маҳсулдорлигининг асосий кўрсаткичлари ўрганилсин.
9. Сотилган маҳсулотнинг тўла таннархи ўртача баҳоси ва рентабеллиги аниқлансин.
10. Шартли бош йирик шохли қорамолга, 1 ц сутга ва тирик вазнининг қўшимча ўсишига сарфланган озуқа аниқлансин.

### **Йирик шохли қорамоллар пода таркиби**

*1-жадвал*

Моллар гуруҳи	Йил бошига, бош	Жамига нисбатан, %да	Йил охирига, бош	Жамига нисбатан, %да
Сигирлар				
Бузоқлар				
Ғунажинлар				
2 ёшдан катта таналар				
2 ёшгача бўлган ёш моллар				
бузоқлар				
Жами йирик шохли				

моллар:

--	--	--	--	--

2-жадвал

**Алоҳида гуруҳдаги йирик шохли қорамолларнинг ўртача тирик вазни ва қиймати, сотиб олинган бир бош молнинг қиймати**

Мол гуруҳлари	1 бош молнинг ўртача тирик вазни, кг	1 бош молнинг қиймати, сўм
Сигирлар Буқалар Ғунажинлар 2 ёшдан ошган ёш моллар Жами ЙШҚ Асосий подани тўлдириш учун сотиб олинган моллар Бўрдоқига боқиш учун сотиб олинган моллар		

3-жадвал

**Қорамолчиликнинг асосий маҳсулотларини сотишдан келган пул тушуми таркиби**

Қорамолчилик маҳсулотлари	Маҳсулот сотишдан келган тушум, минг сўм	Жамига нисбатан, %
1. Гўшт учун сотилган тирик вазни		
2. Насл учун сотилган ва бошқа сотувлар тирик вазнида		
3. Сут		
Жами :		

4-жадвал

**Гўшт ва сут йўналишига ихтисослашган қорамолчиликнинг ёрдамчи ва қўшимча маҳсулотлари ўртасида жами харажатларнинг тақсимланиши**

Кўрсаткичлар	Сут йўналишига			Гўшт йўналишига		
	Қиймати, сўм	Жами нисбатан, %	1ц(бош)га а сў	Қиймати, сўм	Жами нисбатан, %	1ц(бош)га сўм

1. Жами харажат						
2. Жами харажатдан ўтказилган:						
а) сутга						
б) бузоққа						
в) тирик вазнининг қўшимча ўсишига						
г) ёрдамчи						
д) маҳсулотга						

5-жадвал

**Гўшт ва сут йўналишига ихтисослашган қорамолчиликда жами харажатнинг моддалар бўйича тақсимланиши**

Қорамолчилик йўналишлари	Жами харажатлар, минг сўм	Шу жумладан:			
		Меҳнат ҳақи ажратмалари		Моддий ва бошқа харажат	
		Микдори	Жамига нисбатан, % да	Микдори	Жамига нисбатан, % да
1. Сут					
2. Гўшт					

6-жадвал

**Қорамолчиликда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат СИҒИМИ**

Маҳсулот турлари	Ишлаб чиқарилган маҳсулот, ц,	Асосий маълумотга тўғри келган бевосита меҳнат харажатлари, к/с	1 ц.га сарфланган бевосита меҳнат харажатлари, к/соат	1 киши/соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот, кг
Сут				
Тирик вазн қўшимча ўсиши				

7-жадвал

**1 бош сизирга ва таркибий бошга тўғри келган қорамолчилик**

**маҳсулоти**

Маҳсулот турлари	Ишлаб чиқарилган маҳсулот, ц	Олинган маҳсулот, кг	
		1 сизирга	1 таркибий бошга
1.Сут			
2.Тирик вазн қў-шимча ўсиши			
3. Сотилган маҳсулотларнинг қиймати, минг сўм			

### Қорамолчилик маҳсулдорлигининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Миқдори
1.Бир сигирдан йиллик ўртача соғиб олинган сут, кг	
2.100 сигирдан олинган бузоқ .	
3.Йирик шохли қорамолдан олинган қўшимча вазн	

### Сотилган қорамолчилик маҳсулотининг тўла таннархи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги

Маҳсулот турлари	1ц. махсулотнинг тўла таннархи, сўм	1ц.нинг ўртача сотиш баҳоси,сўм	Фойда (+),Зарар (-) 1ц.га сўм	Рентабеллик даражаси, %
1.Гўшт учун сотилган қорамол тирик вазнда				
2.Насл учун сотилган ва бошқа сотувлар, тирик вазнда				
3.Сут				
4.Саноатда қайта ишланган сут				

### Бир бош шартли қорамолга, 1 ц сутга ва тирик вазнининг қўшимча ўсишига сарфланган озуқа

Озуқа турлари	Шартли қорамолга, (1 бошга, кг)
1. Ғалла, маккажўхори донини ҳам қўшиб	
2. Омухта ем	
3. Турли хил силослар	
4. Яшил ўт	
5. Турли хил пичан	
6. Сенаж	

7. Пичан, поя	
8. Сут	
9. Яйлов ўтлари	
10. Озуқа бирликдаги жами озуқа, ц	
11. Озуқа бирлигининг сарфланиши, ц	
а) 1 ц сутга	
б) 1 ц тирик вазнининг қўшимча ўсишига	

## **32-БОБ. ҚЎЙЧИЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Кўй тугар, қўзи бўлар,  
Йил ўтмай, ўзи бўлар*

### **1. Қўйчиликнинг халқ хўжалгидаги аҳамияти**

Қўйлар, қорамол ва бошқа ҳайвонларга нисбатан серҳаракат, туёқлари ва оёқлари бақувват, ўткир тишлари паст ва сийрак ўсган ўтларни, ҳатто ерга тўкилган майда барглари териб олиб истеъмол қилиш қобилиятига эгадир. Улар аччиқ, сассиқ ҳидли, тиканлик ўтларни ҳам истеъмол қилади. Қўйлар Ўзбекистонда ўсадиган 880 тур ўсимликларнинг 520 ёки 59% ини, қорамоллар эса, 20%ига яқинини истеъмол қилади.

Демак, қўйчиликни ривожлантириш Ўзбекистонда мавжуд 24-25 млн.га чўл, ярим чўл, тоғ бағри яйловлари ва пичинзорларида ўсадиган озуқа ресурсларидан тўлиқроқ фойдаланишга шароит яратади.

Қўйлар жазирама иссиққа, каттиққина совуққа, сувсизликка ҳам чидамли. Тармоқни ривожлантириш қўшимча капитал қўйилма, меҳнат ресурсларини ҳам талаб этмайди.

Қўйчилик аҳоли учун озиқ-овқат (гўшт, ёғ, сут), саноат учун хом ашё (жун, қорақўл тери, тери) етказиб беради. Жунни қайта ишлаш жараёнида жунли кийим, трикотаж, сукна, одеял, гилам, оёқ кийим ва бошқалар таёрланади. Қорақўл теридан телпак, ёқа, пўстин ва қўй терисидан пўстин, ярим пўстин, чармидан оёқ ва бошқа кийимлар таёрланади.

Қўйчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти унинг итисослашишига қараб анчагина тафовут қилади.

Охирги йилларда Ўзбекистонда ривожлантирилаётган қўй зотларини қўйидаги гуруҳларга бўлиб, таҳлил қилиш ва иқтисодий баҳолаш мақсадга мувофиқдир:

- 1-гуруҳ - майин жунли қўйчилик;
- 2-гуруҳ - ярим майин жунли қўйчилик;
- 3-гуруҳ - қорақўл тери учун қўйчилик;
- 4-гуруҳ - пўстинбоп тери берадиган қўйчилик;
- 5-гуруҳ - гўшт-ёғ берадиган қўйчилик.

Ўзбекистонда 1- ва 2-гуруҳларга кирган қўйчилик зотлари жуда кам миқдорда ривожлантирилади. Жун балансини майин ва ярим майин жун ташкил этади; қолган гуруҳ қўйларидан дағал жун олинади. Барча турдаги қўй ҳамда эчкиларнинг гўштлари республика гўшт балансида 10-15 фойизни ташкил этади.

Қўйларнинг истеъмол қиладиган табиий яйлов озукалари иқтисодий баҳоланмайди, натижада, одатда, қўйчиликдан нисбатан арзон озиқ-овқатлар ҳамда хом ашёлар ишлаб чиқарилади. Республикада уларни қайта ишлаш ва сотиш қўйчиликнинг халқ хўжалик аҳамиятини янада оширади. Қорақўл тери маҳсулотларини жаҳон бозорида сотиш республика валюта фондини кўпайтиради.

## **2. Қўйчиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи**

Ўзбекистонда қўйчилик ноқулай ер ва иқлим шароитлари ҳамда аҳолининг кўп йиллик тажрибасини ҳисобга олиб ривожлантирилади. Қўйчилик маҳсулотлари, уларнинг бош сони ва маҳсулдорлигани ошириш эвазига кўпаяди.

*1-жадвал*

### **Ўзбекистонда қўйлар бош сонининг ўзгариши динамикаси, минг бош**

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	1940	1960	1990	2000	2004
Жами қўйлар	4444,8	8676,7	8038,1	8182	10835,3
Шу жумладан:					
Қорақўл қўйлар	1571,9	2107,3	4930,9	4991,0	6311,0

2000 йилда 1940 йилга нисбатан жами қўйлар сони 1,8 марта, шу жумладан, қорақўл зотдор қўйлар - 3,2 марта кўпайган. Қорақўл тери ва ундан тайёрланадиган товарларни ички ва ташқи бозорларда сотишда вужудга келадиган қийинчиликлар туфайли қорақўл терининг кескин

камайиб кетиши кузатилмоқда. Масалан, 1990 йилда 1401,6 минг дона ишлаб чиқилган бўлса, 2000 йилда 747 минг дона ёки 47% фоиз кам ишлаб чиқилган. 2000 йилда кўзиларни тери учун сўйиш камайитириб, ўсишга, бинобарин, бош сонини кўпайтириш учун қолдирилган. Охириги йилларда ҳар бир кўйдан қирқиб олинган жун микдори ҳам камайган. Натижада 2000 йилда 1990 йилга нисбатан ялпи жуй олиш қарийб 40%га камайган.

Бу камчиликлар 2004 йилга келиб бирмунча тўғрилана бошланди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда кўйчиликнинг асосий салмоғини қорақўлчилик, яъни қорақўл зотли кўйлар ташкил қилади. Қорақўл зотли қорақўл кўйлар 2005 йилнинг бошига келиб, барча категориядаги хўжаликларда 7300 мингга яқин бошни ташкил қилди.

Ўзбекистон 1900 йилгача қорақўл кўйларнинг асосий қисми бўлган ягона мамлакат эди, шу даврда мамлакатда 3 млн.бошга яқин қорақўл кўй бўлган.

XX аср бошларида Бухородан кам сонли қорақўл кўй зотларини жанубий-ғарбий Африка (ҳозирда Намибия) давлатига олиб кирилган эди. Мана шу қисм кўйлар жанубий-ғарбий Африка Республикасида қорақўлчиликнинг ривожланишига асос бўлди.

1850 йилда Парижда ўтказилган халқаро кўргазмада французлар биринчи марта манто ва жакетларни таклиф қилишганда жаҳон бозорининг асосий эътиборини тортди.

Жаҳонда қорақўл ишлаб чиқаришда собиқ Иттифоқ ўзоқ вақт монополист бўлиб келган, собиқ Иттифоқда эса, қорақўл етиштириш бўйича Ўзбекистон биринчилардан бўлган.

Жаҳон бозорига етказиб турилган қорақўл терилар 80-йилларда 7 млн.дона бўлган бўлса, шундан Ўзбекистоннинг ҳиссаси 2,4 млн.дона (34,2%)ни ташкил этган.

СЖК препаратининг қўлланиши 1984 йил тўхтатилган бўлишига қарамасдан, 1985-1995 йиллар давомида (СЖК) стимуляторини назоратсиз қўллаш натижасида қорақўл тери етиштириш икки баробарга камайиб кетди. Стимуляторнинг қўлланиши туғилажак кўзилар сонини кўпайтиради, бунда битта она кўй 3 ёки 4 та кўзи туққан. Бу эса, она кўйларнинг физиологик ҳолатига салбий таъсир қилган, ўз навбатида қорақўл тери сифатига ҳам таъсир кўрсатган.

90-йиллар ўрталарида жаҳон қорақўл бозорида ишлаб чиқаришнинг пасайганлиги кузатилди. Ишлаб чиқариш пасайиб кетиш арафасида бўлди. Маҳсулотга бўлган талаб ўсмади. Қорақўл етиштириш ҳажми 70-йилларда 10

млн. бўлган бўлса, 80-йилларда 7 млн., 90-йилларда 4-5 млн.га яқин, ҳозирги вақтда 3 млн.га яқин деб баҳоланмоқда.

БМТнинг озиқ- овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкилотининг маълумотига кўра, 1980-1984 йилларда жаҳонда қоракўл қўйлар бош сони 30 млн. деб кўрсатилган.

Ҳозирги вақтда қоракўл қўйлари бош сони 15 млн.деб ҳисобланмоқда.

Жаҳонда қоракўл ишлаб чиқаришда биринчилардан Афғонистон, кейин Ўзбекистон ундан кейин Туркманистон, Қозоғистон, Эрон, Намибия ва бошқа давлатлар ҳисобланади.

*2-жадвал*

**Жаҳон қоракўлчилигида айрим давлатлар салмоғи**

Мамлакатлар	Салмоғи (%да)	
	Бош сони	Қоракўл терининг сотиш бўйича
Афғанистон	31,0	29,0
Ўзбекистон	24,8	24,7
Туркманистон	21,7	20,5
Қозоғистон	9,9	4,4
Эрон	6,2	6,8
Намибия	1,2	4,4
Тожикистон	0,9	1,7
Россия	0,9	1,7
Бошқалар	3,4	6,6

Қорақўл Ўзбекистоннинг ифтихори ва бойлиги ҳисобланади. Қорақўл терилари ўрамаларининг ўзига хослиги, табиийлиги, нақшларининг бойлиги, ипакдек юмшоқлиги, ялтароқлигининг юқорилиги билан қорақўл терилар жаҳонда шуҳрат қозонди. Ўзбекистон жаҳонда қорақўл қўйларининг ватани ҳисобланмай, балки қорақўл қўйларини етиштирувчи асосий база ҳам бўлиб ҳисобланади.

Қорақўл етиштириш бўйича республиканинг етита -Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикалари шуғулланади.

1920 йилларгача қорақўлчилар кўчманчилик ёки ярим кўчманчилик ҳолатида бўлиб, қўйларнинг маҳсулдорлиги паст эди. Қиш оғир келган вақтларда фойдаланиш учун захира озуқа маҳсулотлари йўқ эди ва қўйларнинг сезиларли қисми ўлиб кетарди. Шундай ҳолатни 1892 ва 1917 йиллар мисолида кўриш мумкин, бу вақтда қишлоқ оғир келиши натижасида қорақўл қўйларнинг 90-95% қисми нобуд бўлган. Шунинг 80%и Бухоро амири ва унинг яқинларига, катта бойларга тегишли бўлган. \_

1928 йил Ўзбекистонда биринчи марта «Муборак» қорақўлчилик совхозни ташкил этилган, ҳозирги кунда ҳам мана шу хўжалик қора рангли қорақўл териларини етиштирувчи наслчилик хўжаликларидан бири бўлиб ҳисобланади. Охириги вақтларда колхоз ва совхозларда бўлган қорақўлчилик сурувларидан қора рангли қорақўл териларини ишлаб чиқарувчи наслчилик заводлари ва фермалари ташкил этилди. Булар - «Нишон», «Конимех» ва «Қорақўл» хўжаликларида.

Кулранг ва сур рангли териларни етиштирувчи «Оқ-қапчиғай», (ҳозирда «Сайхун» ва «Оқ-қапчиғай»), «Нурота», «Қорақум», «Карноб», «Ғузур» наслчилик фермалари, Бухоро ва Навоий ширкатлари мавжуд.

1935 йилда ташкил этилган Ўзбекистон зонал қорақўлчилик тажриба станцияси кейинчалик Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, қайта ташкил этилиб «Чўл экологияси ва қорақўлчилик илмий текшириш институти»га айлантирилди. Ҳозирги вақтда республикада 18 та наслчилик заводи ва 13 та наслчилик хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Қорақўлчиликдан олинадиган маҳсулот қорақўл қўзи терилари бўлиб, у табиат мўъжизаси сифатида бутун дунёда машҳурдир.

2004 йили республиканинг барча турдаги хўжаликларида 375 минг донага яқин юқори сифатли қорақўл тери ишлаб чиқарилиб, мамлакат ичидаги ва чет эл истеъмолчиларига етказиб берилди.

Бу маҳсулотнинг асосий қисми ҳорижга сотилиб, мамлакат валюта тушумини ортишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, қоракўл зотди қўйлар Ўзбекистонда мавжуд бўлган чўл, ярим чўл зонасида бўлган 25 млн.га яқин ноқулай шароитда арзимаган эфимер ўсимликлар ва бута, бутасимон ўсимликлардан ташкил топган дағал озиқалардан ўта самарали фойдаланиши билан алоҳида эътиборга сазовордир. Энг оғир шароитга ўз чидамлилигини кўрсата олган чорва моли сифатида қадрланади. Қоракўл қўйлари қоракўл терисидан ташқари, истеъмол учун жуда сифатли бўлган гўшт маҳсулоти билан ҳам аҳамиятлидир. Қоракўл қўй гўшти бошқа зотли қўйлар гўшт маҳсулотлари билан ўзларини шифобахш сифати - (мраморность) мускул ва ёғ тўқималарини қаватма-қават жойлашиши туфайли кескин ажралиб туради. Қоракўлчиликда тери ва гўшtdан ташқари, ёш қўзи ошқозони жун, шифобахш, юқори даражали ёғли сут маҳсулотлари ва бошқа турдаги ёрдамчи ва қўшимча маҳсулотлар олиниб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий жабҳасида муҳим ўринни эгаллайди.

Демак, қўйчилик, шу жумладан, қоракўлчиликни кўпайтириш имкониятларидан фойдаланиш бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига тўла жавоб бермаётир ва ҳоказо.

Истиқболда қўйчилик маҳсулотларини кўпайтириш ва сифатини такомиллаштириш тармоқни интенсив юритиш даражасини кескин кўтариш ҳисобига амалга оширилиши лозим.

### ***3. Қўйчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Кўпчилик корхоналарда гўшт, қоракўл тери ва жун маҳсулотларининг таннархи ҳамда сотиш баҳоларининг ошиши кузатилмоқда, таннархга кириталган харажатларнинг рентабеллик даражаси бозор иқтисодиёги қонунлари талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Тармоқ маҳсулотлари иқтисодий самарадорлигини ошириш учун қуйидаги омиллардан ва имкониятлардан фойдаланиш зарур:

1. Қўйчиликда табиий яйлов озуқа ресурсларининг аҳамиятини ҳисобга олиш, яйловларнинг ҳосилдорлигини ошириш чора-тадбирларини мунтазам амалда бажариш лозим. Бу мақсадда яйлов айланувини ташкил этиш, қўшимча серҳосил яйлов ўсимликларининг уруғларини экиш ва бошқалар. Қиш ойларида табиий озуқалар протеинининг 2-3 марта камайиб кетиши ҳисобига қўйларга қўшимча кучли озуқа бериш зарурияти келиб чиқади. Бундай жараён амалга оширилмаса, она қўйлардан олинадиган қўзиларнинг сифатли белгилари пасаяди, улардан олинган тери ҳам майда бўлади ва ҳоказо.

2. Чўпонларнинг меҳнат унумдорлиги ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни ошириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш керак. Бу вазифани бошқариш учун сермеҳнат жараёнларни механизациялаштириш, ҳар бир чўпонга бириктирилатган қўйлар сонини илмий асосланган меъёрлар даражасига етказиш, чўпонлар оиласига маиший ҳамда бошқа хизматларни юқори даражада ташкил этиш зарур ва ҳоказо.

3. Зооветеринария хизматларини ташкил этишда прогрессив усуллардан фойдаланиш, оптимал муддатларда қўзи олиш, қочириш, жунини қирқиш, суғориш ва бошқа технологик ишларини талаб даражасида бажариш.

4. Жун ва қоракўл тери маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни ички ҳамда ташқи бозорларда эркин, келишилган шартнома баҳоларда сотишни амалга оширишга амалий ёрдам кўрсатиш.

**«Қўйчилик самарадорлигини ошириш имкониятлари  
мавзуси бўйича  
ТОПШИРИҚ**

**Топшириқнинг мазмуни**

1. Қўйлар жами бош сони таркиби аниқлансин.
2. Алоҳида гуруҳдаги қўйларнинг ўртача тирик вазни ва қиймати, сотиб олинган бир бош қўйнинг қиймати аниқлансин.
3. Қўйчиликнинг асосий маҳсулотларини сотишдан келган пул тушуми таркиби аниқлансин.
4. Қўйчиликда, шу жумладан, қоракўлчиликда ёрдамчи ва туташ маҳсулотлари ўртасида жами харажатларнинг тақсимланиши таркиби аниқлансин.
5. Қўйчиликда, шу жумладан, қоракўлчиликда жами харажатларнинг моддалар бўйича тақсимланиши ўрганилсин.
6. Қўйчиликда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими аниқлансин.
7. Битта қўйга ва таркибий бошга тўғри келган қўйчилик маҳсулоти аниқлансин.
8. Қўйчилик маҳсулдорлигининг асосий кўрсаткичлари ўрганилсин.
9. Сотилган маҳсулотнинг тўла таннарихи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги аниқлансин.
10. Шартли бошга ва таркибий бош қўйга сарфланган озуқа аниқлансин.

**Қўйлар жами бош сони таркиби**

Қўйлар гуруҳи	Йил бошига, бош	Жамига нисбатан, %	Йил охирига, бош	Жамига нисбатан, %
Қўйлар-жами шу жумладан: а) она қўйлар б) қўчқорлар в) бошқалар		100		100

2-жадвал

**Алоҳида гуруҳдаги қўйларнинг ўртача тирик вазни ва қиймати, сотиб олинган бир бош қўйнинг қиймати**

Қўйлар гуруҳи	1 бошнинг ўртача тирик вазни, кг	1 бошнинг ўртача қиймати, сўм
1. Қўйлар-жами шу жумладан: а) она қўйлар в) қўчқорлар		

2. Асосий подани тўлдириш учун сотиб олинган катта қўйлар		
3. Сотиб олинган ёш кўзилар ва боқувдаги қўйлар_		

3-жадвал

**Қўйчиликнинг асосий маҳсулотларини сотишдан келган пул тушуми таркиби**

Маҳсулотлар номи	Маҳсулот сотишдан келган тушум, минг сўм	Жамига нисбатан, %
1. Гўштга ва тирик вазнда сотилган		
2. Насл учун сотилган		

ва тирик вазнда бошқа сотилганлар 3.Олинган жун 4.Қоракўл терилар жами		
---	--	--

4-жадвал

**Қўйчиликнинг ёрдамчи ва туташ маҳсулотлари ўртасида жами харажатларнинг тақсимланиши (қоракўлсиз)**

Кўрсаткичлар	Миқдори, минг сўм	Жамига нисбатан, %
1.Жами харажатлар		100
2.Жами харажатлар олиб борилган:		
а) кўзиларга		
б) жунга		
в) сутга		
г) ёрдамчи маҳсулотга		

5-жадвал

**Қоракўлчиликнинг ёрдамчи ва туташ маҳсулотлари ўртасида жами харажатларнинг тақсимланиши**

Кўрсаткичлар	Миқдори, минг сўм	Жамига нисбатан, %
1.Жами харажатлар		100
2.Жами харажатлар олиб борилган:		
а) қоракўл териларга		
б) кўзиларга		
в) тирик вазн ўсишига		
г) жунга		
д) ёрдамчи маҳсулотга		

6-жадвал

**Қўйчиликда, шу жумладан, қоракўлчиликда жами харажатларнинг моддалар бўйича тақсимланиши**

Харажатлар моддаси	Миқдори, минг сўм	Жамига нисбатан, %
1 .Қўйчиликда жами харажатлар		
шу жумладан:		
а) меҳнат хақи ажрат-		

малари билан		
б) моддий ва бошқа сарфлар		
2. Қоракўлчиликда жами харажатлар		
шу жумладан:		
а) меҳнат ҳақи ажрат-малари билан		
б) моддий ва бошқа сарфлар		

7-жадвал

**Қўйчиликда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат  
СИҒИМИ**

Кўрсаткичлар	Микдори
1. Олинган кўзилар, бош	
2. Олинган тирик вазннинг кўшимча ўсган қисми, ц.	
3. Олинган жун, ц.	
4. Қоракул тери, дона	
5. Олинган маҳсулотларга сарфланган бевосита меҳнат харажатлари, к/соати:	
а) кўзига	
б) тирик вазн ўсишига	
в) жунга	
г) қоракўл терига	
6. Бевосита меҳнат харажатлари, к/соати:	
а) 1 бош кўзига	
б) 1 ц. кўшимча ўсишга	
в) 1 ц. жунга	
г) 1 дона қоракўл терига	
7. 1 к/соатга олинган маҳсулот:	
а) кўзи, бош	
б) тирик вазн ўсиши, кг	
в) жун, кг	

Г) тери, дона

,

8-жадвал

**Бир бош қўйга ва таркибий бошга тўғри келган қўйчилик  
маҳсулоти**

Кўрсаткичлар	1 бош қўй подасидан олинган маҳсулот ;
1 .Тирик вазн ўсиши, кг 2.Жун, кг 3.Қорақўл тери, дона 4.Асосий маҳсулотларни сотишдан тушган пул тушуми, сўм	Ғ

9-жадвал

**Қўйчилик маҳсулдорлигининг асосий кўрсаткичлари**

Курсаткичлар	Микдори
1.100 бош она қўйдан олинган кўзи, бош 2.Бир бош қўйдан ўртача йиллик қирқиб олинган жун, кг 3.Сотилган 1 бошнинг тирик вазни, кг	

10-жадвал

**Қўйчиликда сотилган маҳсулотнинг тўла таннархи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги**

Маҳсулот турлари	1ц.мах-сулот-нинг тўла таннархи, сўм	1ц.нинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	1ц.га фойда (+) зарар (-),сўм	Рентабеллик Даражаси , %
1.Тирик вазнда гўшт учун сотилган 2.Насл учун сотилган ва тирик вазнда бошқа сотилганлар 3.Олинган жун 4.Қорақўл. терилар				

11-жадвал

**Шартли бош қўйга ва таркибий бош қўйга сарфланган  
Озуқа**

Озуқа турлари	Шартли бошга, кг	Таркибий бошга, кг
---------------	------------------	--------------------

1,Омихта емлар		
2,Дағал хашак		
3.Яйлов озукеси		
4.Озуқа бирлигидаги Жами озукалар		

### **33-БОБ. ПАРРАНДАЧИЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

#### *1. Паррандачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти*

Паррандачиликнинг асосий маҳсулотлари - тухум ва парҳезли парранда гўшти аҳоли учун ўта фойдали озиқ-овқат ҳисобланади. Тухум таркибида инсон организмида 100 % ҳазм бўладиган оксил ҳамда витамин, мой ва бошқа моддалар бор, у энг юқори калорияли парҳез таом ҳисобланади.

Парранда, айниқса, жўжа гўшти таркиби ҳам инсон организми учун тез ва тўлароқ хазм бўлувчи мой, оксил, витамин ва бошқа моддаларга бой. Ғоз ва ўрдак гўшларида инсон организми учун фойдали мой, оксил ва бошқа моддалар ҳам мавжуд. Улар катта калория бўйича чўчка ва қорамол гўшларидан юқори.

Паррандалар тез кўпаювчи ва етилувчи ҳайвондир. Товук, ўрдак, курка, ғоз 5-7 ойлик бўлиши биланоқ тухум бера бошлайди. Бир товукдан йилига максимум 300 дона тухум ва ундан жўжа очириб, гўшт учун боқилса, тирик вазнда 4 ц. гўшт олиш мумкин.

Жўжалар жадал озиқлантирилса 50-55 кунда 1,5-2,0 кг, ўрдаклар эса, 3-3,5 кг оғирликка эга бўлади. Паррандачиликнинг бошқа ҳайвонлардан самарадорлиги шундаки, уларга сарфланадиган озукалар бирлигига анчагина кўпроқ фойдали маҳсулот ишлаб чиқилади. Масалан, 1 кг жўжа гўшти ишлаб чиқариш учун 3,5-4 кг, ғоз ва ўрдак гўшти учун 4,5-5 кг озуқа бирлиги сарфланади; 1кг чўчка гўшти ва мол гўшларига эса, мос равишда ўртача 6,5-8,5 кг сарфланади; 1кг тухум оксигига мол гўшти оксигига нисбатан 4-5 марта кам озуқа бирлиги сарфланади.

Паррандачиликнинг қолдиқ маҳсулоти гўнгдан ўсимликчилик тармоқларида, айниқса, ёпиқ майдон сабзавотчилигида фойдаланиш уларнинг хосилдорлигини сезиларли даражада оширади. Паррандаларни сўйишдан олинган пардан ёстиқ, кўрпа ва бошқалар тайёрланади.

Паррандачиликни саноат асосида ривожлантириш маҳсулдорлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда йил давомида барқарор миқдорда

тухум ва гўшт ишлаб чиқариш ҳамда сотиш учун қулай шароит яратилади, капитал кўйилмаларнинг қайтиш муддатини тезлаштиради ва ҳоказо.

## ***2. Паррандачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи***

Паррандачилик, унинг асосий тури товукчилик узоқ даврлардан бери ривожлантирилади. Донишмандларимиз паррандачиликни инсонларнинг етти бойлигидан бири деб ҳам баҳолайдилар. Аммо паррандачиликнинг ташкил этилиши узоқ йиллар унинг халқ хўжалик аҳамиятига мос келмаган. Паррандаларнинг бош сонини кўпайтиришда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда, одатда, оддий экстенсив усуллардан фойдаланилган.

Ўзбекистонда 1913 йилда аҳоли жон бошига 0,08 бош парранда тўғри келган, ҳар бир товукдан 50 дона тухум олинган, жон бошига атиги 21 дона ишлаб чиқарилган, холос.

Фуқаролар уруши йилларида тухум ишлаб чиқариш янада камайиб кетган. 1924 йилда 1913 йилга нисбатан қарийб 2 марта кам тухум ишлаб чиқарилган. Бундай ҳолат II Жаҳон уруши йилларида ҳам давом этган. 1945 йилда 1940 йилга нисбатан тухум ишлаб чиқариш қарийб 3,5 марта камайган. Паррандачиликни тезроқ ривожлантириш асосан, тармоқда саноатга хос технологияни кенг жорий этиш йилларидан бошланган. Паррандаларнинг бош сони ва маҳсулдорлитини оширишда кескин ўзгариш бўлган. Масалан, паррандаларнинг бош сони 1990 йилда 1960 йилга нисбатан 4,7 марта, ҳар бир товукдан олинган тухум эса қишлоқ хўжалиги корхоналарида қарийб 2 марта, аҳоли жон бошига тухум ишлаб чиқариш эса, 1,7 марта кўпайган.

Аммо, 1990 йилда аҳоли жон бошига 120 дона тухум ва 3,3 кг парранда гўшти ишлаб чиқарилган, холос. Бу кўрсаткич белгиланган тиббий меъёрларга нисбатан 3-4 марта кам эди. 2000 йилда 1990 йилга нисбатан паррандалар сони қарийб 3 марта, ҳар бир товукдан олинган тухум 13% га, ишлаб чиқарилган тухум миқдори қарийб 2 марта, паррандалар гўшти эса, 5 марта камайган.

Демак, паррандачиликнинг охириги йиллардаги ривожланиш даражаси унинг халқ хўжалик аҳамиятига, бошқа чорва тармоқларига нисбатан устунликларига мутлақо мос келмайди.

Истиқболда паррандачиликни тиклаш, тезроқ ривожлантириш объектив заруриятдир. Уни фақат деҳқон ва фермер хўжаликларида эмас, балки йирик паррандачилик фабрикаларида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бундай тажриба иқтисодий

ривожланган мамлакатларда барқарор амалга оширилмоқда ҳамда юқори ижтимоий-иқтисодий самара бермоқда.

### ***3. Паррандачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари***

Кўпчилик хўжаликларда, айниқса, паррандачилик фабрикаларида тухум ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг рентабеллиги бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига жавоб беради. Аммо, парранда гўшtlарини етиштиришда ва сотишда бу кўрсаткични оптимал ташкил топиш имкониятларидан оқилона фойдаланишга эришилган эмас.

Кўпроқ, сифатлироқ ва арзонроқ паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш учун қуйидаги омиллардан ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур:

1.Таркибида 15-20 та моддалар мавжуд бўлган омукта емлардан фойдаланиш.

2.Хўжаликларнинг ихтисослашишини ҳисобга олиб элита ҳамда гибрид парранда зотларини кўпайтириш зарур. Охириги йилларда Ўзбекистон паррандачилик фабрикаларида ва бошқа хўжаликларда «Леггорн», «Корниш», кросслардан «Кўнғир-хайсекс», «Ломони-браун» каби товук зотларидан фойдаланиш юқори самара бермоқда.

3.Инкубация жараёнида соғлом жўжа ва бошқаларни олиш учун прогрессив усуллардан кенг фойдаланиш керак. Инкубацияланадиган тухумлар махсус картон қоғозларда ва флейгаларда жойлаштирилади, 8-12°С иссиқликда, нисбий намлиги 75-80%ли омборхоналарда, узоғи билан 5-6 кунгача сақланади. Инкубациялашдан олдин тухумларни формалдегид йод азон, марганцовка ва бошқа махсус моддалар билан зарарсизлантирилиши улардан фойдаланиш коэффициентини оширади.

4.Ёш жўжа ва бошқаларни махсус клеткаларда ҳамда тўшамаларда сақлашнинг ҳам прогрессив усулларидан фойдаланиш лозим. Айниқса, уларни озиклантириш белгиланган меъёрларда ва муддатларда амалга оширилиши, микроклиматни сақлаш алоҳида аҳамиятга эга.

5.Зооветеринария хизматининг прогрессив усулларидан фойдаланишни ташкил этиш лозим.

6.Тухум, гўшт, жўжа ва паррандачилик маҳсулотларини эркин, шартнома баҳоларида сотиш, паррандачиликда банд бўлган ишчи ва хизматчиларга кафолатланган меҳнат ҳақи тўлашни амалга оширилиши муҳим тадбир бўлиб ҳисобланади.

**«Паррандачилик самарадорлигини ошириш  
имкониятлари» мавзуси бўйича  
ТОПШИРИҚ**

**Топшириқнинг мазмуни**

1. Жами турдаги паррандалар бош сони таркиби аниқлансин.
2. Алоҳида турдаги паррандаларнинг ўртача тирик вазни ва қиймати аниқлансин,
3. Паррандачиликнинг асосий маҳсулотларини сотишдан келган пул тушуми таркиби аниқлансин.
4. Паррандачиликда ёрдамчи ва туташ маҳсулотлари ўртасида жами харажатларнинг тақсимланиши таркиби аниқлансин
5. Паррандачиликда жами харажатларнинг моддалар бўйича тақсимланиши ўрганилсин.
6. Паррандачиликда меҳнат унумдорлиги, тухум етиштиришнинг ва қўшимча ўсишнинг меҳнат сиғими аниқлансин.
7. Бир бош маҳсулдор паррандага тўғри келган ва ҳамма турдаги паррандалар таркибий бошига тўғри келган маҳсулот аниқлансин.
8. Паррандачилик маҳсулдорлигининг асосий кўрсаткичлари ўрганилсин.
9. Сотилган маҳсулотнинг тўла таннари, ўртача баҳоси ва рентабеллиги аниқлансин.
10. Жами турдаги паррандалар бош сонига ва ёшлар бўйича паррандалар бош сонига сарфланган озуқа аниқлансин

*1-жадвал*

**Паррандалар жами бош сони таркиби**

Паррандалар гуруҳи	Йил бошига, минг бош	Жамига нисбатан, %	Йил охирига, минг бош	Жамига нисбатан, %
Барча ёшдаги паррандалар жами шу жумладан: а) тухум берадиган товуқлар в) бошқа паррандалар		100		100

2-жадвал

**Алоҳида гуруҳдаги паррандаларнинг ўртача тирик вазни ва қиймати**

Паррандалар гуруҳи	1 бошнинг ўртача тирик вазни, кг	1 бошнинг ўртача қиймати, сўм
1. Барча ёшдаги паррандалар-жами шу жумладан: а)тухум берадиган товуклар в)бошқа паррандалар		

3-жадвал

**Паррандачиликнинг асосий маҳсулотларини сотишдан келган пул тушуми**

Маҳсулотлар номи	Маҳсулот сотишдан келган тушум, минг сўм	Жамига нисбатан, %
1.Тирик вазнда барча турдаги сотилган парранда гўштлири		
2.Насл учун сотилган, вояга етган ва ёш бошқа сотилган паррандалар		
3.Суткалик жўжалар		
4Тухумлар		
Жами:		

4-жадвал

**Паррандачиликнинг ёрдамчи ва туташ маҳсулотлари ўртасида жами харажатларнинг тақсимланиши**

Кўрсаткичлар	Миқдори, минг сўм	Жамига нисбатан, %
--------------	-------------------	--------------------

1. Жами харажатлар (товуқлар ва бошқа паррандалар)		100
2. Жами харажатлар олиб борилган: а) тухумга б) тирик вазн ўсишига в) ёрдамчи маҳсулотга		100
3. Инкубация қилинган жами харажатлар шундан олиб борилган: а) суткалик жўжага г) ёрдамчи маҳсулотга		

5-жадвал

**Паррандачиликда жами харажатларнинг моддалар бўйича  
тақсимланиши**

Харажатлар моддаси	Микдори, минг сўм	Жамига нисбатан, %
1. Паррандачиликда жами харажатлар шу жумладан: а) меҳнат ҳақи ажратма- лари билан б) моддий ва бошқа сарфлар		

6-жадвал

**Паррандачиликда меҳнат унумдорлиги ва тирик вазн ўсиши ҳамда  
тухум ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғими**

Кўрсаткичлар	Микдори
1. Тухум олиш, минг дона 2. Олинган тирик вазннинг қўшимча ўсган қисми, ц. 3. Бевосита меҳнат харажатлари: а) тухум ишлаб чиқаришга, к/соати	

б) тирик вазн қўшимча ўсишига, к/соати 4. Бевосита меҳнат харажатлари, к/соати: а) 1 минг тухумга б) 1 ц. тирик вазн қўшимча ўсишига 5. 1 к/соатга олинган маҳсулот: а) тухум, дона б) тирик вазн ўсиши, кг	
---	--

7-жадвал

**Бир бош маҳсулдор паррандага тўғри келган ва ҳамма турдаги  
паррандалар таркибий бошига тўғри келган  
маҳсулот**

Маҳсулот турлари	1 бош вояга етган паррандадан олинган маҳсулот
1. Тухум, дона 2. Тирик вазн қўшимча ўсиши, кг 3. Суткалик жўжалар, бош 4. Паррандачилик асосий маҳсулотларини сотишдан келган пул тушуми, сўм	

8-жадвал

**Паррандачилик маҳсулдорлигининг асосий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Микдори
1. Она товуқлардан ўртача йиллик олинган тухум, дона	
2. Паррандаларнинг ўртача суткалик ўсиши, гр	
3. Сотилган бир бош парранданинг тирик вазни, кг	

9-жадвал

**Паррандачиликда сотилган маҳсулотнинг тўла таннархи, ўртача баҳоси  
ва рентабеллиги**

Махсулот турлари	Иц.махсу- лотнинг тўла таннари, сўм	Иц.нинг ўргача сотиш баҳоси, сўм	Иц га фойда (+). зарар(-), сўм	Рентабеллик даражаси,%
1.Сотилган тухум, минг дона 2.Тирик вазнда гўшт учун сотилган 3.Насл учун сотилган ва бошқа сотилганлар: а)вояга етган ва ёш паррандалар б) суткалик жўжалар, минг бош				

10-жадвал

**Жами турдаги паррандалар бош сонига ва ёшлар бўйича паррандалар  
бош сонига сарфланган озуқа**

Озуқа турлари	Микдори
Омухта емлар шу жумладан: - омухта - озуқа бирлигидаги жами озуқалар, кг	

## **34-БОБ.ПИЛЛАЧИЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

### ***1.Пиллачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти***

Тармоқнинг асосий маҳсулоти хом сўнгра керакли даражада қуритилган пилладир. Пиллани қайта ишлаш жараёнида ип, ундан эса, ипаклик газламалар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлардан инсонлар учун ўта юмшоқ, силлиқ ва чидамли кийим-кечаклар тайёрланади. Узоқ йиллар давомида улардан самолёт, космик кемаларга парашют, электр симларида изолятор, тиббиётда, жарроҳликда тикиш ипи сифатида ва бошқа тармоқларда турли мақсадларда фойдаланиб келинган.

Кейинчалик бу буюмлар кимёвий (сунъий) толалардан тайёрланиши туфайли ипак ипи ва газламаси асосан, инсонлар истеъмоли учун фойдаланилмоқда.

Пилла ипидан энг чиройли ва нафис атлас, шойи, духоба, гилам ва бошқа хил матолар тўқилади. Бир центнер хом пилладан 100-150 метргача ипак газлама тўқилади. Тайёрланган кийимларнинг чакана баҳоларда қиймати 200-250 минг сўмга тенг.

Пилланинг етилиши жуда мураккаб жараён. Унинг уруғи саноат технологияси асосида олинади ва ривожлантирилади. 20-30 кун ичида куртнинг оғирлиги 10-14 марта кўпаяди. Бунинг учун курт яшил тут барги билан интенсиф озиклантирилади. Қуртлар 1-2 ёшида ҳар 2-3 соатда, 3-4 ёшда - ҳар 3-4 соатда, 5 ёшида эса, ҳар 4-5 соатда такрор озиклантирилади. Бир грамм пилла уруғи 20-30 кун ўсиш даврида 50-60 кг яшил барг истеъмол қилади ва 3-4 кг хом пиллага айланади. 1кг пилла ишлаб чиқариш учун 15-17 кг барг сарфланади.

Қурт гўнги ўсимликчиликда органик ўғит, саноатда кислота олиш учун ишлатилади.

Пиллани қайта ишлаш жараёнида ташкил топган кўколкалар мўйна чорвачилигида қўшимча озуқа шаклида ишлатилади. Кўколканинг тўртдан бир қисми ёғ, қолган қисми эса, турли хил минерал моддалардан иборат.

Хом пилла ишлаб чиқаришда меҳнат ресурслари, банд бўлган бинолар ва бошқа ресурслар мавсумий фойдаланилади. Агар улар бир марта ташкил этса 20-30 кун, иккинчи марта - 40-60 кун фойдаланилади, холос. Аммо, кўпчилик хўжаликларда қўшимча тармоқ сифатида ривожлантирилади.

### ***2.Пиллачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи***

Пиллачилик Хитойда мелоддан олдин 3 мингинчи йилларда, Ўзбекистонда эса, мелоднинг V-VI асрларидан бошлаб ривожланди. Унинг уруғини тайёрлаш ва бошқа жараёнларнинг оддий усулларда бажарилишига қарамадан пилла ишлаб чиқариш ҳажми бўйича жаҳон мамлакатлари ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган.

1913 йилларда Ўзбекистонда 165,8 минг кути пилла уруғидан 3980 т. хом пилла ишлаб чиқарилган, ҳар бир кути уруғдан 24 кг ҳосил олинган, куритилган пиллани қайта ишланганда 24% га яқин ипак толаси олинган.

Ип ҳамда ипакли газламаларга талабнинг ошишини ҳисобга олиб, пиллачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилган. Грензаводлар қурилган, сербаргли, серҳосил тут навлари экилган ва ҳоказо.

Кути уруғи сонини кўпайтириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш натижасида 1940 йилда 9833 т. ёки 1913 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта кўп пилла ишлаб чиқарилди. Сўнгги тарихий даврларда ҳам пилла ишлаб чиқариш чора-тадбирлари амалга оширилди. 1990 йилга келиб, 32,8 минг тонна ёки 1940 йилга нисбатан 3,3 марта, 1913 йилга нисбатан эса, 8 мартадан кўпроқ пилла етиштирилди.

2000 йилда 1990 йилга нисбатан ялпи пилла 36%га камайди. Бундай ҳолат, асосан, пиллани қайта ишлашдаги ҳамда уни экспорт қилишдаги қийинчиликлар билан боғлиқ.

Истиқболда пиллачиликни тиклаш ва уни янада кўпайтириш омилларидан оқилона фойдаланиш энг муҳим вазифадир.

### ***3. Пиллачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш. имкониятлари***

Кўпчилик хўжаликлар ҳам пилла ишлаб чиқариш ва сотишдан зарар кўрадилар, улар ҳар бир килограмм пилла етиштириш учун меъёрга нисбатан 1,5-2 марта ва ундан ортиқ тут баргини сарфлайдилар. Пиллакорларнинг меҳнат унумдорлиги ва унга ҳақ тўлаш ҳам бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига мос келмайди.

Кўпроқ, сифатлироқ ва арзон пилла ишлаб чиқариш учун қуйидаги омиллар ҳамда имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур:

1. Тут баргларида мавжуд комплекс модда ва бошқаларни сақлаш, янада кўпайтириш учун ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлашнинг прогрессив усулларидан фойдаланиш зарур. Бу мақсадда тут дарахтларини плантация майдонларида ўстирилиши, уларни экологик тоза сув билан ёмғирлатиб суғориш, интенсив технология асосида ҳосилдорлигини ошириш лозим. Натижада ҳар кг пиллага илғор мамлакатлар масалан, Японияда сарфланган

озуқа даражасига эришиш мумкин. Охирги йилларда Японияда 1кг пиллага Ўзбекистонга нисбатан 2 марта барг кам сарфланади. Бу ўта долзарб муаммони амалга ошириш мавжуд тут дарахти майдонларини кенгайтирмасдан ялпи пилла миқдорини камида 2 марта кўпайтиришга имконият яратади.

2.Озуқа ресурслари сифатини май-сентябр ойларигача таъминлаш 2-3 марта пилла етиштиришга, тармоқ билан банд меҳнат ресурсларидан, бинолардан ва бошқа воситалардан фойдаланиш коэффициентларини оширади.

3.Қуртларни аста-секин махсус биноларда боқишни ташкил қилиш ҳам прогрессив жараён ҳисобланади. Натижада пиллачиликда банд оилаларнинг турмуш маданияти яхшиланади.

4.Серҳосил ва сифатли пилла навларидан фойдаланиш, уларни қайта ишлашни қишлоқ хўжалик корхоналарида ёки қишлоқ туманларида ташкил этиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

5.Пилла ва уни қайта ишлаш жараёнида маҳсулотларни эркин, келишилган шартнома баҳоларида сотиш, ишчи ва хизматчиларга кафолатли меҳнат ҳақи тўлашни амалга оширишга эришиш.

***«Пиллачилик самарадорлигини ошириш имкониятлари» мавзуси бўйича  
ТОПШИРИҚ***

**Топшириқнинг мазмуни**

1. Пиллачиликнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўрганилсин.
2. 1ц. пилланинг таннархи ва унинг алоҳида моддалар бўйича таркиби аниқлансин.
- 3.Пиллачиликда меҳнат унумдорлиги ва пилла ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғими аниқлансин.
- 4.Сотиладиган пилланинг тўлиқ таннархи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги аниқлансин.
- 5.Пиллачилик ва тутчиликнинг бошқа кўрсаткичлари аниқлансин.

*1-жадвал*

**Пиллачиликнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Микдори
1. Пилла ялпи ҳосили, ц. 2.Қурт қутилари, дона 3.1 кути қурт уруғидан олинган пилла, кг	

**1 ц. пилланинг таннархи ва унинг алоҳида моддалар бўйича таркиби**

Кўрсаткичлар	Микдори
1.1 ц. пилланинг таннархи, сўм 2.1 ц. пиллага тўғри келган меҳнат ҳақи ажратмалари билан, сўм 3.1 ц.пиллага тўғри келган моддий ва бошқа харажаталар	

**Пиллачиликда меҳнат унумдорлиги ва пилла ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғими**

Кўрсаткичлар	Микдори
1. 1 ц. пиллага тўғри келган бевосита меҳнат харажатлари, к/соати 2.1 к/соатига олинган: а) пилланинг натура шакли, кг б) пилланинг қиймати.сўм	

**Сотиладиган пилланинг тўлиқ таннархи, ўртача баҳоси ва рентабеллиги**

Кўрсаткичлар	Микдори
1,1ц пилланинг тўла таннархи, сўм 2.1ц пилланинг ўртача баҳоси, сўм 3.1ц. га фойда(+), зарар(-),сўм 4,Рентабеллик даражаси, %	

**Саволлар**

- 1.Чорвачиликнинг аҳамияти, асосий тармоқлари қайсилар?
- 2.Қорамолчилкнинг аҳамияти, ривожланиши даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?

3.Қўйчиликнинг аҳамияти, ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?

4.Паррандачиликнинг аҳамияти, ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?

5.Пиллачиликнинг аҳамияти, ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қайсилар?

б.Чорвачиликда рентабелликка таъсир қилувчи омиллар қайсилар?

### **Фойдаланиш учун тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (Асосий қонун) Т., «Ўзбекистон», 1992 йил.

2.Каримов И.А. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», Т. «Ўзбекистон», 1992 йил.

3.Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» Т., «Ўзбекистон», 1993 йил.

4.Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т., «Ўзбекистон», 1993 йил.

5.Каримов И.А. «Дехқончилик тараққиёти - фаровонлик манбаи». Т., «Ўзбекистон», 1994 йил.

6.Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Т., «Ўзбекистон», 1994 йил.

7.Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида».Т., «Ўзбекистон», 1995 йил.

8.Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон», 1997 йил.

9. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» (Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатни Қўшма мажлисидаги маърузаси). Т., « Ўзбекистон », 2005 йил.

10. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Мулкчилик тўғрисида». «Адолат», 1991 йил.

11. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Тадбиркорлик тўғрисида». 1991 йил 15 февраль.

12. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Ижара тўғрисида». 1991 йил 19 ноябрь.

13. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида». « ўзбекистон овози» газетаси, 1992 йил 10 январь.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида». «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 2 январь.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. « ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тадбирлари ҳақида» . «Ўзбекистон овози» газетаси 1993 йил 9 январь.

16. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида». 1993 йил 6 май.

17. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси». Т., 1995 йил 21 декабрь.

18. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида». 1996 йил 13 январь.

19. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Акционерлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида». Т., 1996 йил 26 апрель.

20. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Ўзагросуғурта давлат акционерлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида». «Зарафшон» газетаси, 1997 йил 4 март.

21. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. «Солиқ тўлови» журнали №6 1997 йил.

22. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг санацияси тўғрисида». «Зарафшон» газетаси, 1998 йил 20 январь.

23. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури (1998-2000 йиллар) Т., «Ўзбекистон», 1998 йил.
24. Ўзбекистон Республикасининг «Ер Кодекси». Т., 1998 йил 30 апрель.
25. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Фермер хўжалиги тўғрисида». 1998 йил 30 апрелъ.
26. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Дехқон хўжалиги тўғрисида». 1998 йил 30 апрель.
27. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида». 1998 йил 30 апрель.
- 28.«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида» Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқланган. «Солиқ тўлови» журнали, №3 1999 йил
- 29.Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари, фермерлар учун амалий кўлланма ва тавсиялар. СамҚХИ, 1999 йил.
- 30.Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т., «Шарқ нашриёти» матбаа концерни бош таҳририяти. 1998 йил, 1-2 китоб.
- 31.Абдуганиев А.А «Проблемы повышения экономической эффективности использования засоленных орошаемых земель в Ўзбекистане. Т., «ФАН» 1980 г.
- 32.Абдуллоев Ё. «Бозор иқтисодиёти асослари». Т., «Меҳнат», 1996 йил
- 33Абдуллаев Ё. «Макроиктисодий статистика». Т., «Меҳнат». 1998 йил
- 34.Амалий иқтисодиёт. Т., «Шарқ», 1996 йил.
- 35.Волков О.И. «Экономика предприятий». Учебник. 2-е изд. М., 2001 г.
- 36.Добрынин В.А. «Актуальные проблемы экономики АПК». М. 2001 г.
- 37.Жўраев Ф. «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш». Т., «Истиқлол». 2004 йил.
- 38.Жураев Н. «Исчисление себестоимости продукции садоводства и виноградарства», журнал «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», №11 1992 йил.
- 39.Жўраев А. «Қишлоқ ва ижтимоий ҳаёт». Т., 1992 йил.
- 40.Зокиров О. ва бошқалар «Агроиктисодиёт». Андижон. 1996 йил.
- 41.Исмашуов АК. «Проблемы самообеспечения Ўзбекистон а на животноводческие продукции». Т., «Меҳнат», 1991 йил.
- 42.Йўлдошев К. «Иқтисодий билим асослари». Т., «ФАН», 1996.

43. Каюмов Ф.К. «Эффективность АПК в условиях перехода к рынку». М, ИПО Полиграмм, 1991 г.
44. Коваленко Н.Я. «Экономика сельского хозяйства». Курс лекций. М, 1999.
45. Кучимов Х. «Повышение региональной экономики табачного комплекса» .Т., 1990 г.
46. Мирзаев К., Муртазаев О., Ахроров Ф. «Рентабелликни ошириш мумкинми?» « Ўзбекистон» қишлоқ хўжалиги» журнали. №5 1999 йил.
47. Муртазаев О., Абдуҳақимова Р. «Рентабеллик» « Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. №6 2000 йил.
48. Петренко И.Я., Чужиков П.И. «Экономика сельскохозяйственного производства», Алма-Ата, Кайнар, 1992 г.
49. Попов Н. А. «Экономика сельского хозяйства». Учебник. М., 2000.
50. Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика.
51. Султанов О. ва бошқалар «Суғориладиган ерлар сув хўжалиги экономикаси». Т., «Меҳнат», 1989 йил.
52. Султонов О., Мўминов М. «Мустақиллик ва пул ислоҳоти» Т., «Меҳнат», 1992 йил.
53. Умрзоков У. «Аграрный ресурсный потенциал и его применение». Журнал «Сельское хозяйство в Ўзбекистане», 1996г.
54. Ўлмасов А. «Иқтисодиёт асослари». Т., «Меҳнат», 1996 йил.
55. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. «Бозор иқтисодиёти» Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1991 йил.
56. Фишер С, Дорнбуш Р., Шмалензи Р. «Экономика (перевод с английского). М., Дело, 2001 г.
57. Фишер С, «Экономика+Руководство по изучению учебника «Экономика». М., 2001 год.
58. Хайма Д. Н. «Современная макроэкономика» анализ и применение. В 2-х томах, М, «Финансы и статистика» ,1992 г.
59. Ҳамдамов К.С. «Бозор иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги», Т., «Меҳнат», 1993 йил.
60. Цеддиес Ю., Райш Э., Угаров А.А. «Экономика сельскохозяйственных предприятий». М., из-во МСХА 2000 г.
61. Чайнов А.В. Основные идеи и формы организации крестьянской кооперации. М., 1919 г.
62. Чайнов А.В. Очерки по экономике трудового сельского хозяйства. М., 1924 г.
63. Чайнов А.В. Организация крестьянского хозяйства. М., 1925 г.

64.Чориев К.А. «Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку». Т., «Фан», 1992 г.

65.Эркаев А., Каримова Г. «Бозор иқтисодиёти» (изоҳли луғат). Т., 1997 йил.

66.Юсупов М. «Қишлоқ хўжалигини молиявий соғломлаштириш усуллари». «Бозор, пул ва кредит» журнали, 1998 йил.

67.Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси хўжаликларининг йиллик ҳисоботлари.

## МУНДАРИЖА

### I БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

Муқаддима.....	3
<b>1- боб. Фаннинг предмети, ўрганиш услублари ва вазифалари. ....</b>	<b>5</b>
1. Фаннинг предмети ва вазифалари. Ўрганиш услублари. ....	5
2. Қишлоқ хўжалиги - аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжини қондириш асоси. Унинг ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	7
<b>2- боб. Агросаноат мажмуи ва унинг ривожланиши.....</b>	<b>15</b>
1. Агросаноат мажмуи тушунчаси, унинг мақсади ва таркиби.....	15
2. Агросаноат мажмуи тармоқлари ўртасида ишлаб чиқиш ва иқтисодий алоқалар.....	17
3. Агросаноат мажмуининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги.....	19
4. Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги. ....	22
<b>3- боб. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси</b> .....	<b>26</b>
1. Қишлоқ хўжалигида инфратузилманинг моҳияти ва аҳамияти.....	26
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий аҳамияти. ....	30
3. Ижтимоий инфратузилма ва унинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги роли.....	31

### II БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

<b>4-боб. Қишлоқ хўжалигида товар-пул муносабатлари ва бозор.....</b>	<b>36</b>
1. Товар-пул муносабатлари ва уларнинг қишлоқ хўжалигида намоён бўлиши.....	36
2. Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиси, унинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги иқтисодий мустақиллиги .....	38

3.Бозор тушунчаси ва унинг вазифаси. Бозор инфратузилмаси	40
4.Бозорлар тизими. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бозорлари	44
<b>5-боб. Қишлоқ хўжалигида мулк ва хўжалик юритиш шакллари</b>	
<b>самарадорлиги.</b>	48
1. Мулк тушунчаси ва унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги роли. Мулк шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни	48
2. Хўжалик юритиш шакллари тизими. Қишлоқ хўжалигининг ижтимоий - иқтисодий тузилмаси	54
<b>6-боб. Деҳқон хўжаликлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш.</b>	58
1.Деҳқон хўжаликлари хўжалик юритишнинг анча оқилона шаклидир	58
2. Деҳқон хўжалигини ташкил этиш тамойиллари ва шароитлари, унинг мулки. Ишлаб чиқариш фаолияти ва самарадорлиги	59
<b>7- боб. Фермер хўжаликларининг шаклланиши, ривожланиши ва улар самарадорлигини ошириш.</b>	66
1.Хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликларини шакллантиришнинг назарий асослари	66
2.Фермер хўжаликлари самарадорлигини оширишда ривожланган мамлакатлар тажрибаси	66
<b>8- боб. Жамоа, ширкат ва акциядорлик (хиссадорлик) хўжаликлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш.</b>	77
1.Кооперациянинг моҳияти, объектив зарурияти ва ривожланиши	77
2. Жамоа хўжалигини қайта қуришнинг асослари ва трансформацияси. Хўжаликлараро ва деҳқон кооперацияси	83
3. Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги)ни ташкил этиш тамойиллари ва шароитлари, унинг мулки, ишлаб чиқариш фаолияти ва самарадорлиги	85
4. Агросаноат корхоналари акциядорлик (хиссадорлик) шакллари. Агроконсорциумлар. Ишлаб чиқариш (илмий ишлаб чиқариш) тузилмалари	94
5. Хўжалик юритишнинг акциядорлик (хиссадорлик) шакллари. Агроконсорциумлар. Ишлаб чиқариш (илмий ишлаб-чиқариш) тузилмалари	99

### III БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

<b>9- боб. Ресурслар потенциалининг шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг умумий масалалари.</b> .....	103
1.Ресурслар потенциалининг иқтисодий моҳияти ва унинг таркиби.....	103
2.Ресурслар потенциалини ҳисоблаш услублари, вазифалари, кўрсаткичлари ва улардан самарали фойдаланиш омиллари.....	108
<b>10-боб. Меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш.</b> .....	116
1. Меҳнат тушунчаси ва унинг роли. Ёлланма ходим ва мулк эгаси меҳнати.....	116
2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари шаклланиши ва фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари ва таркиби. Иш кучи билан таъминланиш, иш кучининг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсаткичлари.....	117
3. Иш кучидан фойдаланишнинг мавсумийлиги, унинг кўрсаткичлари ва омиллари.....	122
4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори. ....	124
5. Қишлоқ хўжалигида бандлилик ва ишсизлик.....	127
6.Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	131
<b>11-боб. Ер-сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш.</b> .....	136
1. Ер ресурслари қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси. Мамлакат ер ресурсларининг таркиби. ....	136
2. Мулк муносабатлари системасида ер ресурслари. Ер мулкани рўёбга чиқаришнинг иқтисодий механизми.....	140
3. Дифференциал рента иқтисодий мазмуни, шакллари ва тақсимланиши. Мутлақ рента.....	145
4. Ерни иқтисодий баҳолаш ва ер кадастри.....	148
5. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги.....	150
6. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг омиллари ва кўрсаткичлари. Ер мониторинги.....	155
<b>12- боб. Қишлоқ хўжалик моддий-техника ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш.</b> .....	162

1. Асосий воситалар: мулк шакллари, классификацияси, баҳоси ва такрор ишлаб чиқариш.....	162
2. Асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланиш кўрсаткичлари, уларнинг ҳаракати, сифат ҳолати ва фойдаланиш самарадорлигининг омиллари.....	170
3. Айланма воситалар: доиравий айланиши, классификацияси ва меъёрлаштириш.....	173
4. Моддий айланма воситалардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари ва уни ошириш омиллари. ....	176
5. Машина-трактор паркидан фойдаланиш кўрсаткичлари ва самарадорлигини ошириш ижониятларидан фойдаланиш.....	178
<b>13- боб. Қишлоқ хўжалигида инвестиция ва капитал қўйилмалар, уларнинг самарадорлигини ошириш.....</b>	<b>192</b>
1. Инвестиция ва унинг самарадорлигини ошириш.....	192
2. Капитал қўйилмалар тушунчаси, фойдаланишнинг асосий йўналишлари, таркиби ва молиялаштириш манбалари.....	198
3.Капитал қўйилмалардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари.....	201
4. Янги машиналарни иқтисодий баҳолаш ва кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари.....	204
5.Капитал қўйилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	206
<b>IV БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ</b>	
<b>14-боб. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг умумий масалалари.....</b>	<b>209</b>
1.Иқтисодий самарадорлик тушунчаси, унинг кўрсаткичлари ва мезони.....	209
2. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.....	212
3. Иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари.....	215
<b>15- боб. Қишлоқ хўжалик ялпи ва товар маҳсулотларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш.....</b>	<b>222</b>
1. Ялпи маҳсулот тушунчаси, унинг таркиби, ҳисоблаш ва баҳолаш. Ялпи маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш турлари ва омиллари.....	222
2. Ялпи маҳсулотнинг тақсимланиши.....	227
3. Товар маҳсулот тушунчаси, товарлилик даражаси ва уни ошириш имкониятлари.....	230

4. Товар маҳсулотнинг сифати, уни яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари.....	232
<b>16- боб. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг самарадорлигини ошириш.....</b>	<b>238</b>
1. Ишлаб чиқаришни экстенсив ва интенсив ривожлангиришнинг моҳияти.....	238
2. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий омиллари.....	240
3. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг кўрсаткичлари. ....	242
4. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги.....	245
5. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг самарадорлигини ошириш.....;	247
<b>17- боб. Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш, ихтисослаштириш, йириклаштириш ва интеграциялаш самарадорлигини ошириш....</b>	<b>251</b>
1. Қишлоқ хўжалик тармоқлари тузилмаси . Тармоқларни оқилона қўшиб олиб бориш тамойиллари.....	251
2. Жойлаштириш ва ихтисослаштириш тушунчаси, уларнинг илмий асослари.....	253
3. Ихтисослаштиришнинг шакллари, кўрсаткичлари ва самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	254
<b>18- боб. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш имкониятлари.....</b>	<b>258</b>
1. Меҳнат унумдорлиги тушунчаси, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услублари.....	258
2. Меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари.....	269
<b>19- боб. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари(иш, хизматлар) таннархи ва уни пасайтириш имкониятлари.....</b>	<b>273</b>
1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва маҳсулот таннархи. Таннархининг турлари.....	273
2. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг ташкил топиши ва гуруҳланиши.....	276
3. Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг услубий асослари ва хусусиятлари.....	281
4. Маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари.....	284
<b>20- боб. Қишлоқ хўжалигида баҳоларнинг шаклланиши ва баҳолар тизимини такомиллаштириш.....</b>	<b>289</b>
1. Баҳонинг иқтисодий моҳияти ва вазифалари.....	289
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига баҳолар тизими.....	290
3. Бозор шароитида баҳолар шаклланишини такомиллаштириш.....	297

<b>21- боб. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги ва уни ошириш омиллари ҳамда имкониятлари.....</b>	<b>301</b>
1. Рентабеллик тушунчаси, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услублари.....	301
2. Рентабелликни ошириш омиллари ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш.....	307

## **V БЎЛИМ. ЎСИМЛИКЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ**

<b>22- боб. Ўсимликчилик тармоқлари самарадорлигини оширишнинг умумий муаммолари.....</b>	<b>312</b>
1. Ўсимликчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	312
2. Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиётини ўрганиш хусусиятлари.....	313
<b>23-боб. Ғаллачиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.....</b>	<b>316</b>
1. Ғаллачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	316
2. Ғаллачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболлари.....	317
3. Ғаллачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	319
<b>24-боб. Пахтачиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.....</b>	<b>327</b>
1. Пахтачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	327
2. Пахтачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи.....	328
3. Пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	330
<b>25-боб. Картошқачиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.....</b>	<b>336</b>
1. Картошқачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	336
2. Картошқачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи.....	337
3. Картошқачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	338
<b>26-боб. Сабзавотчиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.....</b>	<b>342</b>
1. Сабзавотчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	342

2. Сабзавотчиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи.....	344
3. Сабзавотчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	345
<b>27-боб. Боғдорчиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.....</b>	<b>349</b>
1. Боғдорчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	349
2. Боғдорчиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи.....	350
3. Боғдорчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	351
<b>28- боб. Токчиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.</b>	<b>354.</b>
1.Токчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	354
2. Токчиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи. ....	355
3.Токчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	356
<b>29-боб. Озуқабоп экинлар самарадорлигини ошириш имкониятлари.....</b>	<b>359</b>
1.Чорвачилик озуқа ресурсларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	359
2. Озуқа ресурсларини кўпайтириш, унинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи.....	361
3.Озуқа ресурсларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	363
<b>30-боб. Чорвачилик тармоқлари самарадорлигини оширишнинг умумий муаммолари.....</b>	<b>367</b>
1. Чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	367
2.Чорвачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи.....	369
3.Чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	371
<b>31-боб. Қорамолчиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.....</b>	<b>374</b>
1. Қорамолчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	374
2.Қорамолчиликнинг интенсиф ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи.....	375
3. Қорамолчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	376

<b>32 - боб. Қўйчиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари...</b>	381
1. Қўйчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	381
2.Қўйчиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи.....	382
3.Қўйчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	386
<b>33-боб.Паррандачиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.....</b>	391
1. Паррандачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	391
2.Паррандачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи.....	392
3.Паррандачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	393
<b>34-боб. Пиллачиликнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари.....</b>	398
1. Пиллачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	398
2.Пиллачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи.....	399
3. Пиллачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	399
Фойдаланиш учун тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати.....	403

**А.Исмоилов, О.Муртазаев**

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ**

Дарслик

**Тошкент - «Молия» нашриёти - 2005**

Муҳаррир:

*М.Миркомиллов*

Тех. муҳаррир:

*А.Мойдинов*

Мусахҳиҳа:

*М.Ҳайитова*

Босишга рухсат этилди' 04.07.2005. Қоғоз бичими 60x84<sub>1</sub> /16.

Босма тобоғи 25,75. Нашриёт ҳисоб тобоғи 24,46.

Буюртма №82. Адади 100. Нархи шартнома асосида.

«Молия» нашриёти, 700000, Тошкент ш., Х. Орипов куч., 16-уй.

Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasida чоп этилди.

Тошкент ш., Олмазор, 171.